

Ато ибн Халил

**ТАЙСИРУЛ ВУСУЛ ИЛАЛ
УСУЛ**

(УСУЛ ФАНИНИ ЕНГИЛЛАТИШ)

УСУЛИ ФИҚХ ҲАҚИДА ДАРСЛАР

Оят таржимасининг маъноси

Шу нарсa эътироф қилиниши лозимки,
Қуръон ояти деб фақат араб тилидаги
матни айтилади. Ушбу китоб ичида
курсив қилиб ўзбек тилида келтирилган
матн эса оятлар таржимасининг
маъносидир.

ﷺ - соллаллоҳу алайҳи ва саллам

ﷺ - розияллоҳу анҳу

ﷺ - розияллоҳу анҳо

ﷺ - алайҳис-салом

Тайсирул вусул илал усул

Ўзбек тилидаги биринчи нашр

1431 ҳижрий - 2010 милодий йил

СЎЗБОШИ

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Аллоҳнинг Росулига, ул зотнинг аҳли-оиласи ва саҳобаларига салоту саломлар бўлсин. Аммо баъд:

Аллоҳ узоқ вақтлар мобайнида усули фикҳ фаслларини ўрганишим ва ўргатишимни ирода қилди. Бу эса бир неча усули фикҳ китобларининг эскилари ва янгиларини мутолаа қилиб чиқишимга ундади. Бунинг натижасида менга усули фикҳнинг кўплаб мавзулари тушуниш қийин ва ўзлаштириш мушкул мавзулар эканлиги аён бўлди. Бу эса ўз навбатида, менда усули фикҳ фани ихлосмандларига уни енгиллаштириб беришга қаттиқ уринишимга олиб келди ва натижада бу китоб «تَيْسِيرُ الْأُصُولِ إِلَى الْأُصُولِ»¹ Усулга етишни енгиллатиш» деб номланди.¹

Мен бу ишнинг охирига етдим ёки усулни соддалаштиришни истаган кишининг мақсадига етказдим, деб ўйламайман. Шунингдек, бу ишга янги-янги тадқиқотларни қўшдим, деб ҳам ҳисобламайман. Чунки усул илмининг мавзулари қисман чегараланган мавзулардир. Аммо мен бу фандан ўзи ҳақли бўлганча миқдорда ўрганиб, бошқага ҳам беришга пешона терини тўқмоқчи бўлган кишига уни етказиб бериш учун имконим борича ҳаракат қилдим. Чунки ушбу усул фанининг исломий қонунчиликда эъъяънили саналган луғавий ва илмий баҳслари ичида шундай қоидалар борки, айти мавзу ичига қадам қўймоқни яхши кўрган киши бу қоидалардан албатта хабардор бўлиши зарур. Акс ҳолда, унга ҳар қанча шарҳлаш ва ёритишларнинг фойдаси бўлмайди.

Мен усулни енгиллаштиришга муваффақ бўлган бўлсам, бу Аллоҳнинг фазл-караמידан ўзга нарса эмас. Мен Аллоҳдан ажрни ва чиройли қайтар жойни умид қилганим ҳолда, бунга ҳаракат қилдим ҳолос.

Бу ўринда мен билан Аллоҳнинг иродаси ила жамул-жам бўлиб қолган биродарларимни ҳам мамнуният билан зикр қилиб ўтишни

¹ Бу китобимни нашрга тайёрлаганимдан кейин хижратнинг олтинчи ва еттинчи асрлари уламоларидан бўлган бағдодлик Ислом мушриффи Абу Фатҳ Аҳмад ибн Али ибн Бурхон каламига мансуб «تَيْسِيرُ الْأُصُولِ إِلَى الْأُصُولِ» Усулга етиш» номли китобни ўқиб қолдим. Аввал бу китобни ўқимаган эдим. Ўқувчида мавҳум бўлиб қолмаслиги учун шуну эслатиб қўймоқчиманки, менинг «تَيْسِيرُ الْأُصُولِ إِلَى الْأُصُولِ» Усулга етишни енгиллатиш» номли китобим билан ушбу «تَيْسِيرُ الْأُصُولِ إِلَى الْأُصُولِ» Усулга етиш» номли китоб ўртасида албатта, ҳеч қандай алоқа йўқ.

лозим топдим. Улар менга ушбу китобни мукамал қилиш сари қувват билан қадам ташлашимга ёрдам бериб, менга камарбаста бўлдилар. Хусусан, улардан икки биродаримдан китобимдаги матнларини тузиб, фаслларини безашда ёрдам берганликлари учун беҳад мамнунман.

Шунингдек, Иордания университетининг шариат факултетида ишловчи доктор Ҳасан Абу Ийд китобимни текшириб, ўз мулоҳазаларини билдирганини чексиз қадрлайман. Бу китобим вақф вазирлиги тарафидан Иорданияда нашр қилиш ҳақида ўз фикрини билдириши учун докторга топширилган эди.

Шу билан бирга, амаким ва биродарим Фатҳий Салимга ҳам қадимги ва янги китоблар хазинаси билан обод бўлган кутубхонасидан катта фойда олганим учун ўз миннатдорлигимни билдираман.

Ушбу китобимни мутолаа қилган кишиларга ундан манфаат етказишини Аллоҳдан сўраб қоламан. Зеро, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло сўраганга ёрдам бериб, тўғри йўлга ҳидоятловчи зотдир.

Аммон – Маҳатта

Муаллиф

**Зулҳижжа 1408х
Август 1988м**

ИККИНЧИ НАШР МУҚАДДИМАСИ

Бундан ўн йилча бурун ушбу «تَيْسِيرُ الْأُصُولِ إِلَى الْأُصُولِ» Усулга етишни енгиллатиш» номли китобимни нашрдан чиқарган бўлсам, шу вақт мобайнида унинг айрим мавзулари хануз тушуниш қийин ва ўзлаштириш мушкул бўлиб қолганини, шунинг учун яна кўшимча маълумотлар, мисолларга, янада шарҳ ва ёритишларга мухтож эканлиги менга маълум бўлди. Шунинг учун айна нашрим билан бу китобда усул илмини янада енгиллаштиришга яқинлашдим, деган Аллоҳдан умидим бор.

Бу ишда айна аср алломаси шайх Тақийюддин Набаҳоний ва у кишидан аввалги уламо биродарлари олиб боришган луғат ва усул тадқиқотларидан ўқиган асарларим ёрдам берди. Бу эса ушбу иккинчи нашрни юқорида айтиб ўтганимдек тарзда чиқаришимга имконият яратди.

Аллоҳ Субҳанаҳудан бу уламоларга бизга ва мана шу илмга келтирган яхшиликлари учун улуғ савоблар беришини сўрайман. Улар билан бирга икки улуғ биродарларим ҳақларига ҳам Аллоҳдан ажр сўрайман. Улардан бири устозим Абу Ҳайсам Махмуд Сафориний айна нашрдаги ҳадисларни янада муфассал ва янада ёрқин тарзда чиқарилишига ҳисса қўшган бўлса, иккинчиси биродарим доктор Солиҳ Шалабий унинг бобларга ажратиб, гўзал шаклда ва янгича андозада нашрга тайёрлашда ёрдам берди.

Аллоҳ Субҳанаҳудан бу китобимни мендан Ўзининг розилиги учун қабул қилишини ва соғлом қалб билан борган кишилардан бошқа кимсаларга на молу давлат, на фарзандлар фойда бермайдиган кунда бу китоб туфайли менга ҳам, уни ўқиганларга ҳам манфаат етказишини ёлвориб сўрайман. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ёрдам берувчи ва эшитиб, ижобат қилувчи зотдир.

Муаллиф

**24 Зулҳижжа 1418х
21 март 1998м**

МУҚАДДИМА

«**أُصُولُ فِقْهِهٖ**» Усули фикҳ сўзи «**أُصُولُ**» ва «**فِقْهٖ**»дан иборат икки сўздан таркиб топган.

«**أُصُولُ**» сўзи «**أَصْلٌ**»нинг жами (кўплик сўзи) бўлиб, луғавий маъноси устига нарса куриладиган асосни англатади. Бу устига курилган нарсаниг девор каби хоҳ ҳис қилинадиган нарса бўлсин ёки иллатнинг устига курилган маълул ва далилнинг устига курилган мадлул каби хоҳ ақл етадиган нарса бўлсин, фарқи йўқ.

«**فِقْهٖ**» сўзининг луғавий маъноси Аллоҳ Таолонинг мана бу каломида айтилганидек – тушуниш, демакдир:

مَا نَفَقَهُ كَثِيرًا مِّمَّا تَقُولُ

– „*Сен айтган нарсанинг кўпини тушунмаяпмиз*“. [11:91]

«**فِقْهٖ**» сўзининг шаръий маъноси, муфассал далиллардан истинбот қилинган амалий шаръий аҳкомларни билишдир. Унинг мавзуси эса ҳалол, ҳаром, саҳих, ботил, фасод каби бандаларнинг амалларидир.

Мана шундан усули фикҳ бу қоидалар бўлиб, унинг устига тафсилий далиллардан истинбот қилинган амалий шаръий аҳкомларни билиш бино бўлади. Яъни усули фикҳ мавзуси самъий далилларга ва шу далиллардан шаръий аҳкомларни қандай ишлаб чиқишга боғлиқдир. Бинобарин, усули фикҳ ақидаларни тадқиқ қилмайди, балки, шаръий аҳкомларни тадқиқ қилади. У шаръий аҳкомларни барча нарса унинг устига бино бўладиган асослардан келиб чиқиб тадқиқ қилади. Ҳукмнинг замирига кирувчи масалалардан келиб чиқиб тадқиқ қилмайди.

Юқорида ўтганлардан маҳлум бўладиги, усули фикҳ асосан икки масалани тадқиқ қилади:

1. Шаръий ҳукм ва унга тааллуқли нарсалар;
2. Далил ва унга тааллуқли нарсалар.

Бу икки масалага шу масалалардан келиб чиқадиган фаръий масала ҳам, яъни, далил ва далилга тааллуқли нарсалардан шаръий аҳкомларни истинбот қилиш ҳам киради. Бу масала ижтиҳод ва ижтиҳодга тааллуқли нарсалар, деб аталади.

Бу масалаларни беш бобда қуйидагича тадқиқ қилдим:

Биринчи боб: Бу бобда шаръий ҳукм ва унга тааллуқли нарсаларни тўрт фаслга бўлдим:

Биринчи фасл: ҳукм чиқарувчи ҳақида.

Иккинчи фасл: таклиф хитоби ҳақида.

Учинчи фасл: вазъ хитоби ҳақида.

Тўртинчи фасл: куллий қоида ҳақида.

Иккинчи: далил ва унга тааллуқли нарсаларни қуйидагича уч бобга бўлдим:

Иккинчи боб: Далил ва бу икки фаслда келади.

Биринчи фасл: шаръий далиллар.

Иккинчи фасл: далил бўлиб туюлган, ammo далил бўлмаган нарсалар.

Учинчи боб: Далилни тушуниш ва бу ҳам икки фасл:

Биринчи фасл: луғавий тадқиқотлар.

Иккинчи фасл: сўзлар далолатлари.

Тўртинчи боб: Қуръон ва Суннатнинг қисмлари ва бу беш фаслда:

Биринчи фасл: Амр ва қайтарик.

Иккинчи фасл: Умумлик ва хослик.

Учинчи фасл: мутлақ ва муқайяд.

Тўртинчи фасл: Мужмал, баён ва мубайян.

Бешинчи фасл: насх, носих ва мансух.

Учинчи: Ижтиҳод ва унга тааллуқли нарсаларни бешинчи бобда уч фаслга бўлдим:

Биринчи фасл: Ижтиҳод.

Иккинчи фасл: таклид.

Учинчи фасл: далиллар ўртасини таржиҳ қилиш.

Аллоҳнинг изни билан буларни қучим етганича баён қиламан. Аллоҳ ёрдам берувчи ва таваккал қилинувчи Зотдир.

БИРИНЧИ БОБ

ШАРЪИЙ ҲУКМ ВА УНГА ТААЛЛУҚЛИ НАРСАЛАР

МУҚАДДИМА

Шаръий ҳукм, усул уламолари истилоҳи бўйича иқтизо ёки вазъ ёки таҳйир орқали Шореънинг бандалар амалларига тааллуқли хитобидир.

Бу таърифда Шореъ дейилиб, Аллоҳ дейилмаганидан мақсад фақат Қуръон тушунилиб қолмаслиги, балки Суннатни ҳам, ижмоъни ҳам ўз ичига олишлиги учундир.

Бандалар дейилиб, мукаллафлар дейилмаганидан мақсад гўдак ва мажнунни ҳам ўз ичига олишлиги учундир. Масалан, бу иккисининг молларидан ҳам закот олингани каби.

Ушбу таҳрифдан аён бўлишича, шаръий ҳукм икки қисмга бўлинади:

Биринчи қисм: Шореънинг иқтизо ва таҳйир орқали инсоннинг амалини ҳукмини баён қилишга боғлиқ хитобидир. Бу хитоб тақлиф хитоби дейилади. Иқтизо – талаб бўлиб бу ё қатъий талаб бўлади ё қатъий бўлмаган талаб бўлади ёки ихтиёрий яъни мувоҳ талаб бўлади.

Иккинчи қисм: Инсоннинг амали ҳукмлари талаб қилган ишларни баён қилувчи Шореънинг хитоби бўлиб, ҳукмнинг амалга ошиши ёки мукамал бўлиши мана шу ишларга боғлиқдир. Бу вазъ (тақлифий ҳукмга ҳукм қўйиб бериш) хитоби дейилади.

Бу билан, биринчи қисм инсон амалларининг ҳукмларини баён қилса, иккинчи қисм мана шу ҳукмларнинг ҳукмларини баён қилади.

Биринчи қисм банданинг амалига боғлиқлиги маълум бўлди. Иккинчи қисм ҳам банданинг амалига боғлиқлиги маълум. Чунки бир нарсага боғлиқ нарсанинг ўзи ҳам унга боғлиқ бўлади.

Шунга қўра, шаръий ҳукм, мана шу икки томонлама ҳам, иқтизо ёки вазъ ёки таҳйир орқали Шореънинг бандалар амалларига тааллуқли хитобидир.

Шаръий ҳукмнинг мана шу икки қисмини баён қилишдан аввал нарсалар ва амалларга ҳукм чиқарувчини яъни ҳоким ким эканлигина албатта билиб олиш лозим. Айни бобнинг биринчи фаслида мана шуни баён қилмоқчимиз.

БИРИНЧИ ФАСЛ

Амаллар ва нарсалар устидан ким ҳукм чиқаради? Ёки ким ҳоким?

Ҳукм чиқаришдан мақсад инсоннинг амалга нисбатан позициясини, яъни, уни қиладими ёки қилмайдими ёки қилиш билан қилмаслик ўртасида у ихтиёрлими?, шуни белгилашдир. Шунингдек, унинг амалларига боғлиқ нарсаларга нисбатан позициясини, яъни, у нарса чиройлими ё хунукми ёки чиройли ҳам, хунук ҳам эмасми, шуни белгилашдир.

Шунинг учун, амаллар ва нарсалар устидан ҳукм чиқариш мавзуси мана шуларнинг чиройли амал ва хунук амал ёки чиройли нарса ё хунук нарса эканлигини аниқлаш мавзусидир. Шу эъъядидан, бу мавзу уч жиҳатда гавдаланади:

1. Нарсалар ва амалларнинг воқеи нима эканлиги жиҳати;
2. Уларнинг инсон табиатига мувофиқ келиши ёки муҳолиф келиши жиҳати;
3. Савоб ё жазо, мақташ ё айблаш жиҳати.

Биринчи ва иккинчи жиҳатларга келсак, уларни аниқлаш ва белгилаш инсоннинг ўзига яъни унинг ақлига ҳавола қилинади. Мисол учун, ақл илмни чиройли амал, илмсизликни хунук амал, деб белгилайди, чунки иккаласининг воқеи ҳам мукамаллик ва нуқсонни кўрсатиб турибди. Шунингдек, чўккан одамни қутқаришни чиройли амал, уни чўкиб ҳалок бўлишига ташлаб қўйишни хунук амал, деб белгилайди. Чунки инсон табиати ҳалокат ёқасида турган кишини қутқаришга табиий мойилдир.

Учинчи жиҳат, яъни, савоб ё жазо эса буни белгилаш ва бу ҳақда ҳукм чиқаришга Аллоҳ Жалла жалалухудан яъни шариатдан ўзга ҳеч ким қодир эмас. Мисол учун, имон чиройли, куфр хунук эканига, итоат чиройли, осийлик хунук эканига, яъни, булар ҳақида ҳукм чиқаришга ақл қодир эмас. Чунки ақл ҳис аъзолари орқали воқеи мияга кўчириш ва собиқ маълумотлар ёрдамида бу воқеи шарҳлаш, сўнг улар ўртасини боғлаб олиш, демакдир. Шу боисдан ақлнинг ҳидоят, залолат, ҳалол, ҳаром, итоат, осийлик ва бошқа каби ҳис қилиб бўлмайдиган нарсалар устида ҳукм чиқариши амри маҳол ишдир. Чунки қайси амал Аллоҳни рози қилиб, инсонга савоб келтиршини ва қайси амал Аллоҳни ғазабини келтириб, инсонни жазога гирифтор қилишини аниқлаш ақлнинг имкониятида эмас. Қачон булар ҳақида Аллоҳ Таоло тарафидан хабар берилгандагина уни аниқлаб олиши мумкин.

Бу чиройлилик ва хунукликни ақл орқали аниқлаш жиҳатидан шундай.

Энди, чиройлилик ва хунукликни шаръий далил орқали аниқлашга келсак, шариат бу ишни шариат амрига яъни Аллоҳ ва Росулининг амрига боғлиқ қилиб қўйди. Бу Куръон ва Суннатнинг нуусуларига жуда кўп келди. Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунарича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунарича-бўйсунмагунарича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.

[4:65]

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ

– „Айтинг (эй Мухаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни магфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) магфират қилгувчи, меҳрибондир»“.

[3:31]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва Пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва Пайгамбарига қайтарингиз!“.

[4:59]

وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَى أُولِي الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَ الَّذِينَ يَسْتَنْبِطُونَهُ مِنْهُمْ

– „Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юрмасдан) Пайгамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар“.

[4:83]

فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

– „(Пайгамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-қулфат етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!“.

[24:63]

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ»

«Ким бизнинг ушбу ишимиз (динимиз)да ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у мардуддир».²

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ أَهْلِهِ وَمَالِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ»

«Бирортангиз то мен унга аҳли-оиласидан, мол-давлатидан ва барча инсонлардан маҳбуброқ бўлмагунимча мўмин бўлолмайди».³

Юқоридагилардан маълум бўлишича, амаллар ва нарсалар устидан – савоб ё жазо жиҳатидан – ҳукм чиқарувчи ақл эмас, шариатдир. Айтиб ўтганимдек, аввалги икки жиҳат устидан ҳукм чиқариш эса бундан мустасно. Чунки ақл уларнинг воқеига қараб, чиройли ё хунук эканини ва инсон табиатига мувофиқ ё муҳолиф келишини аниқлашга қодирдир. Амма савоб ё жазо жиҳатидан эса булар мазкур учинчи жиҳатга дахлдор бўлгани боис, буларни аниқлаш ақлнинг имкониятида эмас. Мисол учун, сиз чўкаётган кишини қутқариш чиройли амал экани устидан ақлингиз билан ҳукм чиқаришга қодирсиз. Бироқ, чўкаётган кишини қутқариш амалига савоб ё жазо борлиги устидан ҳукм чиқаришга ақлан имконингиз йўқ. Балки, буни – учинчи жиҳатда тадқиқ қилинганидек – шариат белгилайди. Демак, амаллар ва нарсалар устидан – савоб ва жазо жиҳатидан – ҳукм чиқаришга ақл эмас, шариат эгадир.

⁽²⁾ Саҳиҳи Бухорий: Китоби сулҳ-2999 рақам. Саҳиҳи Муслим: Китоби ақзия-3242, 3243 рақам. Сунани Абу Довуд: Китоби сунна-3990 рақам. Сунани Ибн Можа: Муқаддима-14 рақам. Муснади Аҳмад: Муснади ансор-23975, 24298, 24840, 24955, 25124 рақамлар).

⁽³⁾ Насоий «Сунани», имон ва унинг шариатлари: 4928, ровийлари ишончли. Абу Довуд, муқаддима: 66. Ибн Можа, муқаддима: 66. Дорамий, рикок: 2624. Аҳмад: 13349, 13402. Бухорий ва Муслим лафзиди: *فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ* Бухорий, имон: 14. Муслим, имон: 62, 63).

ИККИНЧИ ФАСЛ

Шорёънинг иқтизо ва тахйир орқали бандаларнинг амалларига тааллуқли хитоби ва бу хитобнинг инсоний амалларнинг ҳукмларини баён қилиши

Бу таклиф хитоби, деб аталади

Иқтизо ва тахйир, қайсидир жиҳатларига кўра, амр турига ёки араб тили услубларига кўра, амр маъноси турига киради. Амр Қуръон ва Суннат қисмлардан бири бўлгани боис унинг мавзусини тўртинчи бобда батафсил баён қиламан. Аммо бу фаслда ҳам баъзи амрлар ҳақида кераклигича айтиб ўтмоқчиманки, бу юқорида келган Шорёънинг хитобини тушуниб олишимиз учун зарурдир.

1. Амрнинг асл маъноси нима?

Усул уламолари амрнинг маъноси ҳақида турли фикр билдирдилар. Баъзилари амр вожибликни билдиради деса, баъзилари амр мандубликни билдиради дейди. Баъзилари амр мубоҳликни англатади дейди ва ҳаммалари ўз фикрларини далил билан исботлашга уринди.

Ҳақиқатда эса амрнинг маъноси луғатдан изланиши лозим. Чунки шариат амрга шаръий маъно бермади. Шунинг учун унинг маъноси луғатда келган маъносига чекланиб қолади. Яъни, «**أمر**» сўзининг луғавий маъноси истеъло (веляризация) ҳарфи билан бошланувчи «**طلب**» талаб қилиш, буюриш деганни англатади.

Шунга кўра, амрнинг асл маъноси талаб қилиш бўлиб, унинг қатъий ё қатъий эмаслиги ёки ихтиёрийлигини қариналар белгилаб беради.

2. Инсон амалларининг асл ҳукми нима?

Инсон амалига нисбатан шариатнинг ҳукмини билиш зарур бўлади. Чунки амалларнинг ўлчови, мусулмон кишининг наздида, Аллоҳнинг амрлари ва қайтариқларидир. Аллоҳ Таоло ҳар бир мусулмонга бир ишни бажаришидан аввал унга назар ташлаб, унинг ҳукми шариатда қандай эканлигини билиб олишига буюрди. Чунки киёматда Аллоҳ Субҳанаҳу мана шу амали ҳақида ундан сўрайди:

فَوَرَبِّكَ لَنَسَأَلَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ * عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ

– „*Парвардигорингиз номига қасамки, албатта уларнинг барчасидан қилиб ўтган иш амаллари ҳақида сўраймиз*“.

[15:92-93]

وَمَا تَكُونُ فِي شَأْنٍ وَمَا تَتْلُو مِنْهُ مِنْ قُرْآنٍ وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا عَلَيْكُمْ شُهُودًا
إِذْ تُفِيضُونَ فِيهِ

– „*(Эй Муҳаммад), сиз қандай иш (билан) машғул бўлманг ва у (иш) ҳақида Қуръондан бирон оят ўқиманг, (эй инсонлар), сизлар қандай амални қилманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда, албатта Биз сизларнинг устингизда гувоҳ бўлурмиз*“.

[10:61]

Бу оятда Аллоҳ Таоло Ўз бандаларининг амаллари устида гувоҳ бўлиши ҳақида хабар бермоқда, Аллоҳнинг гувоҳ бўлиши эса бандалари амаллари устида ҳисоб қилувчи ва сўровчи эканлигини англатади.

Росулуллоҳ ﷺ ҳам

«مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ»

«**Ким бизнинг ушбу ишимиз (динимиз)да ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у мардуддир**»⁴ деган ҳадисида айтганидек, амаллар Ислому аҳкомларига мувофиқ бўлиши вожиблигини баён қилдилар.

Саҳоба ﷺлар Росулуллоҳ ﷺдан ўз амаллари ҳақида сўраб, амалларини бажаришдан олдин бу ҳақдаги Аллоҳнинг ҳукмини билиб олар эдилар. Ибн Муборак шундай ривоят қилади: «Усмон ибн Мазхун Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига келиб, ўзимни ихтисо қилдиришимга (бичтиришимга) рухсат берасизми? деди. Росулуллоҳ

«لَيْسَ مِنَّا مَنْ خَصَىٰ أَوْ اخْتَصَىٰ وَإِنْ اخْتَصَاءَ أُمَّتِي الصِّيَامِ»

«**Ким бичса ёки бичтирса, у биздан эмас, Умматимнинг ихтисо қилиши рўза тутишидир**», дедилар. Ё Росулаллоҳ, саёҳат қилишимга рухсат берасизми? деди. Росулуллоҳ

«سَيَاحَةٌ أُمَّتِي الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«**Умматимнинг саёҳати Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш**», дедилар. Ё росулаллоҳ, ҳудожўйлик қилишимга рухсат берасизми? деди. Росулуллоҳ

«إِنَّ تَرْتُّبُ أُمَّتِي الْجُلُوسُ فِي الْمَسَاجِدِ لِإِنْتِظَارِ الصَّلَاةِ»

⁽⁴⁾ Саҳиҳи Бухорий: китоби сулуҳ-2999 рақам. Саҳиҳи Муслим: китоби акзия-3242, 3243 рақам. Сунани Абу Довуд: китоби сунна-3990 рақам. Сунани Ибн Можа: Мукаддима 14 рақам. Муснади Аҳмад: Муснади ансор 23975, 24298, 24840, 24955, 25124 рақамлар).

«Умнатимнинг художўйлик қилиши масжидларда намозни кутиб ўтиришдир», дедилар.⁵

Хузайфа ибн Ямон шундай ривоят қилади: Одамлар Росулulloҳдан яхшилик ҳақида сўрар эдилар. Мен эса ёмонликка дуч келишдан кўрққаним учун ёмонлик ҳақида сўрар эдим. Мен: Ё Росулalloҳ, биз жоҳилиятда ёмонлик билан бирга эдик. Кейин Ислом бизга яхшиликни олиб келди. Энди, бу яхшиликдан кейин ёмонлик келадими? дедим. Росулulloҳ – **ха**, дедилар. Мен: бу ёмонликдан кейин яхшилик келадими? дедим. Росулulloҳ

«نَعَمْ وَفِيهِ دَخْنٌ»

«**ха**, унда дахан бор», дедилар. Дахан нима? дедим. Росулulloҳ

«قَوْمٌ يَهْدُونَ بِغَيْرِ هَدْيِي تَعْرِفُ مِنْهُمْ وَتُنْكِرُ»

«Менинг йўлимдан ўзга йўлдан юрадиган бир қавм чиқади, сиз уларнинг баҳзи ишларини яхши (деб) биласиз, баъзиларини инкор қиласиз», дедилар. Ё Росулalloҳ, бу яхшиликдан кейин ёмонлик келадими? дедим. Росулulloҳ

«نَعَمْ، دُعَاةٌ عَلَىٰ أَبْوَابِ جَهَنَّمَ مَنْ أَجَابَهُمْ إِلَيْهَا قَذَفُوهُ فِيهَا»

«**ха**, жаҳаннам эшиги олдида туриб чақирувчилар бўлади, ким уларга жавоб қайтарса, уни жаҳаннамга улоқтирадилар», дедилар. Ё Росулulloҳ, уларни бизга сифатлаб беринг, дедим. Росулulloҳ дедилар:

«هُمْ مِنْ جِلْدَتِنَا، وَيَتَكَلَّمُونَ بِأَلْسِنَتِنَا»

«Уларнинг терилари бизнинг теримиздек бўлади ва улар бизнинг тилимизда гапиришади». Мен – агар шу ёмонлик менга етса, нима қилишимга амр қиласиз? дедим. Росулulloҳ

«تَلَوْمُ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ وَإِمَامَهُمْ»

«Муслмонлар жамоатини ва имомини лозим тутинг (яъни улар билан бирга бўлинг)», дедилар. Агар улар орасида имом ҳам, жамоа ҳам бўлмасачи? дедим. Шунда Росулulloҳ бундай дедилар:

«فَاعْتَرِلْ تِلْكَ الْفِرْقَ كُلَّهَا وَلَوْ أَنَّ تَعْصَىٰ بِأَصْلِ شَجَرَةٍ حَتَّىٰ يَدْرِكَكَ الْمَوْتُ وَأَنْتَ»

«عَلَىٰ ذَلِكَ»

«Бундай фирқаларнинг баридан ажралинг, ҳатто дарахтнинг илдизини тишлашингизга тўғри келса ҳам, то ўлгунигизга қадар шундай туринг».⁶

⁽⁵⁾ Ибн Муборак: 290 саҳифа, 845 саҳифа.

⁽⁶⁾ Абу Довуд: Фитан ва малаҳим 3706. Аҳмад муснади: 22334, 22195.

Бундан аён бўляптики, бандалар амалларининг асли шаръий ҳукм билан чекланиш бўлиб, мусулмон кишига бир амалга кадам қўйишидан олдин у ҳақида Шореънинг ҳукми қандайлигини билиб олиши фарз қилинди. Бу ҳукм ё фарз ё мандуб ё ҳаром ё макруҳ ёки мубоҳ бўлиши мумкин. Бу ҳақда келгусида баён қиламиз.

3. Нарса ҳукмидаги аслик нима?

Нарсалар бошқа, амаллар бошқа. Нарсалар инсон ўз амаллари орқали бошқарадиган моддалардир. Амаллар эса инсон ўзининг табиий талабларини қондириш учун бажарадиган амалий ва сўзли тасарруфотлардир. Одатда бундай амаллар нарсаларга боғлиқ бўлади.

Масалан, ейишни олганда, нон, олма, чўчка гўшти ва бошқаларга боғлиқ ейиш амалини бажариш. Ичишни олганда, сув, асал, мусаллас ва бошқаларга боғлиқ ичиш амалини бажариш.

Нарсаларнинг ҳукми бўлиши керак. юқорида айтганимиздек, амалларни ҳам, ҳукми бўлиши керак. Аммо нарсаларнинг ҳукми тўғрисида келган нусуслар амалларнинг ҳукми тўғрисида келган нусуслардан фарқ қилади. Чунки амалларга тааллуқли шаръий нусусларда амаллардаги аслик шаръий ҳукмга боғланиш экани баён қилинди ва шариатда амалларга тааллуқли шаръий ҳукмлар қуйидаги беш аҳкомга чекланди: Вожиб, ҳаром, мандуб, макруҳ ва мубоҳ. Буларнинг баёни ҳам келади.

Нарсаларга келсак, уларга тааллуқли шаръий нусусларни текширган киши шариатда нарсаларга фақат ҳалол ва ҳаром деган сифат берилганлигини аммо вожиб, макруҳ, мубоҳ деган сифатлар берилмаганлигини гувоҳи бўлади.

قُلْ أَرَأَيْتُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ لَكُمْ مِّن رِّزْقٍ فَجَعَلْتُمْ مِّنْهُ حَرَامًا وَحَلَالًا

– „**Айтинг: «Хабар берингиз-чи (эй мушириклар), Аллоҳ сизлар учун нозил қилган ризқу рўзнинг (айримларини) ҳаром, (айримларини) ҳалол қилиб олдингиз».** [10:59]

وَلَا تَقُولُوا لِمَا تَصِفُ أَلْسِنَتَكُمُ الْكُذِبَ هَذَا حَلَالٌ وَهَذَا حَرَامٌ لِّتَقْتُلُوا عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ إِنَّ الَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ لَا يُفْلِحُونَ

– „**Аллоҳ шахнига ёлгон тўқийиш учун (яъни, Аллоҳ буюрмаган ҳукмларни Аллоҳники дейиш учун) тилларингизга келган ёлгонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром», деяверманглар! Чунки Аллоҳ шахнига ёлгон тўқийдиган кимсалар ҳеч нажот топмаслар».** [16:116]

إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ

– „**Албатта, (Аллоҳ) сизларга ўлакساني ҳаром қилди**“.

[16:115]

حَرَّمْنَا كُلَّ ذِي ظُفْرٍ

– „**(яхудийларга)... барча туюқлиларни ҳаром қилдик**“.

[6:146]

وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ

– „... **Ва нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади**“ . [7:157]

لِمَ تُحَرِّمُ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكَ

– „**Нега Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?!**“ . [66:1]

فَلَمَنْ حَرَّمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ وَالطَّيِّبَاتِ مِنَ الرِّزْقِ

– „**Айтинг (эй Мухаммад): «Аллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?!**“ .

[7:32]

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالْدَّمُ وَلَحْمُ الْخِنزِيرِ وَمَا أُهْلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ

– „**Сизларга ўлакса, қон, тўнғиз гўшти, Аллоҳдан бошқа бировнинг йўлида сўйилган нарса ҳаром қилинди**“ . [5:3]

أَلَمْ تَرَوْا أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُمْ مَّا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ

– „**(Эй инсонлар), Аллоҳ осмонлар ва ердаги барча нарсаларни сизларга бўйсундириб қўйганини кўрмадингизми?!**“ . [31:20]

كَذَلِكَ سَخَّرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُمْ

– „**Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли У Зотни улуғлашларингиз учун уларни (яъни қурбонликларингизни сўяётган пайтингизда Аллоҳнинг исмини зикр қилишингиз учун) сизларга бўйсундириб қўйди**“ . [22:37]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ كُلُوا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا

– „**Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсаларни енглар**“ . [2:168]

أَلَمْ تَرَوْا أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُمْ مَّا فِي الْأَرْضِ

– „**Аллоҳ сизларга ердаги нарсаларни бўйсундириб қўйганини кўрмадингизми**“ . [22:65]

Ушбу нусуслардан кўришиб турибдики, Шорей хамма нарсани мубоҳ қилди яъни ҳалол қилди. Мубоҳ қилишнинг маъноси ҳалол қилди бўлиб, ҳаромнинг зиддидир. Мана шу ерда, баъзи нарсаларнинг ҳаром қилганлиги аслида мубоҳ қилинган нарсалар орасидан истисно қилинди. Бундан нарсаларнинг асли – ҳаром қилинганлигига далил келмаган бўлса – мубоҳ эканлиги келиб чиқади.

4. Инсон амалларининг ҳукмлари нима?

Юқорида амалларнинг асли шариат аҳкомларига чекланиш дедик. Инсон амалларига нисбатан олганда, Шорейнинг хитобидан иқтизо ва таҳйир тушунилади. Яъни, талаб қилиш сийғасидан юқорида баён қилганимиздек, иқтизо (талаб), таҳйир (ихтиёр бериш) ёки амр қилиш ва амр қилишга маънодош сўз тушунилади.

Ушбу талабнинг турини эса қарина белгилайди ва бу қарина айна нусуснинг ўзида келиши мумкин ёки бошқа нусусда келиши мумкин. Шорейнинг инсон амаллари ҳукмларини баён қилувчи

хитобини ўқилса, бу аҳкомлар куйидаги беш турдан иборат эканлиги маълум бўлади:

1. Фарз ёки вожиб

Фарз – шаръий нусусда амр сийғасида ёки амрга маънодош феъл сийғасида ёхуд «إِفْعَلْ» қил» деган вазндаги феълнинг келишидир. Бу талабдан амални бажариш кераклигини тушунамиз ва кейин эса бу талаб қатъий эканини ифодалайдиган қаринани излаймиз. Талаб феъли билан унинг қатъийлигини ифодаловчи қарина келган бўлса, айна феълнинг ҳукми вожиб (фарз) эканлиги аён бўлади.

Мисол учун, Аллоҳ Таоло айтади:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ

– „Аллоҳ ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва унинг пайгамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган кимсаларга қарши жанг қилинглр“.

[9:29]

Аллоҳ бу оятда «قَاتِلُوا» жанг қилинг» дея амр қияпти. Ушбу амр эса мана бу оятда келган қарина билан қатъий талаб бўляпти:

إِلَّا تَنْفَرُوا يُعَذِّبَكُمُ عَذَابًا أَلِيمًا

– „Агар (жиҳодга) чиқмасангизлар, (Аллоҳ) сизларни аламли азоб билан азоблар“.

[9:39]

Мана шундан бу амр бажаришга бўлган қатъий талабни ифодалаяпти ва натижада жиҳод қилиш фарз яъни вожиб бўляпти.

Яна бир мисол, Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْفُوتًا

– „Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди“.

[4:103]

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ

– „Ва намозни барпо қилинглр“.

[24:56]

Бу икки оят талабни ифодалаяпти. Биринчи оят «كِتَابًا مَوْفُوتًا» вақти тайинланган», деб амр маъносидаги сийға билан ифодалаётган бўлса, кейинги оят «وَأَقِيمُوا» ва барпо қилинг» деб амр сийғаси билан ифодалаяпти. Намозга бўлган талабни ифодаловчи бундан бошқа оятлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу амрнинг қатъийлигини мана бу оятдаги қарина ҳам ифодалайди:

مَا سَأَلَكُمْ فِي سَقَرٍ * قَالُوا لَمْ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ

– „Сизларни нима сақарга (дўзахга) киритди (дейилганида), улар «биз намоз ўқувчилардан бўлмадик» дерлар“.

[74:42-43]

Бундан бошқа оятларда ҳам нусусда зикр қилинмаган қатъийликни ифодаловчи қариналар келди.

Бундан ушбу амр бажаришнинг қатъийлигини яъни намознинг фарзлигини ифодалаётгани тушунилади.

2. Мандуб

Мандуб – шаръий нусусда қилишга бўлган талаб ифодаланаётган бўлиб, бу талабнинг қатъий эмаслигига таржих (устун кўриш) билан ифодалаётган қаринанинг келишидир. Бунда қатъий бўлмаган бу талаб мандуб бўлади.

Мисол учун, Росулulloҳ ﷺ мана бу ҳадисда жамоат бўлиб намоз ўқишга амр қиляптилар.

«صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضِيلٌ عَلَى صَلَاةِ الْفَرْدِ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً»

«Жамоат бўлиб намоз ўқиш якка ўқилган намоздан йигирма етти даража афзалдир».⁷

Ушбу ҳадисдаги талаб гарчи амр сийғасида келаётган бўлса-да, аммо (бу ҳақда тўртинчи бобда баён қиламиз) бу талабнинг қатъий эмаслигига қарина бор. Бу қаринага Росулulloҳ ﷺнинг якка ҳолатда намоз ўқиётган бир тўп одамларни кўриб, сукут қилганликлари далилдир. Жамоат бўлиб намоз ўқиш Аллоҳга курбат (яқин бўлиш) ҳосил қилиш бўлади ва мана шундан у мандуб бўлиб қолади.

3. ҳаром ёки махзур (мамнуҳ)

Ҳаром – шаръий нусусда тарк қилишга бўлган бир талаб келиб, бу талаб «لَا تَفْعَلْ» қилма» деган вазнда ёки гапдан амрни англатувчи сийғада келиши ва кейин эса қилмасликка бўлган мана шу талаб қатъий эканини ифодалаётган қаринанинг келишидир. Мана шунда қилмасликка бўлган ушбу қатъий талаб ҳаром бўлади.

Мисол учун, Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّوْجَ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

– „**Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқликдир - энг ёмон йўлдир**“.

[17:32]

Бу оят «لَا تَقْرَبُوا» яқинлашманглар» деган далил билан ва «إِنَّهُ كَانَ» қарина билан қилмасликка бўлган қаттиқ талабни ифодаламоқда ва бу билан зинонинг ҳукми ҳаром бўлади.

4. Макруҳ

«مَنْ كَانَ مُوسِرًا وَلَمْ يَنْكِحْ فَلَيْسَ مِنَّا»

(7) Бухорий: Азон-609, 610. Муслим: Салот-199. Насоий: Имомат-828. Ибн Можа: Масождид-781. Манади Аҳмад: 5080, 5518, 5651. Муваттои Молик: Нидоун лиссалот-264.

«Ким бадавлат бўла туриб, уйланмаган бўлса, у биздан эмас».⁸

Росулуллоҳ ﷺ бу ҳадисларида бадавлат кишини уйланмасликдан қайтаряптилар. Аммо бу қайтарув қатъий қайтарув эмас. Қатъий қайтарув эмаслигига Росулуллоҳнинг бошқа уйланмаган бадавлат кишиларни била туриб, уларга индамаганликлари далолат қилмоқда. Мана шундан бадавлат кишининг уйланмаслиги макруҳ бўлиб чиқади.

5. Мубоҳ

Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِذَا حَلَلْتُمْ فَاصْطَادُوا

– „*(Иҳромдан чиқиб) ҳалол бўлгач ов қилинглар*“ . [5:2]

Ушбу оятда Аллоҳ эҳромдан чиқилгач ов қилишга амр қиляпти. Аммо бу амр эҳромдан чиқилгандан кейин ов қилиш фарз ёки мандуб эканига далолат қилмайди, балки, бошқа бир қарина орқали мубоҳ эканлигига далолат қилади. Бу қарина шуки, Аллоҳ Таоло эҳромдан чиқилгач овга буюраётган бўлса, аввалги оятда эҳром қийган пайтда ов қилишдан қайтарган эди:

غَيْرَ مُحِلِّي الصَّيْدِ وَأَنْتُمْ حُرْمٌ

– „*Иҳромда туриб ов овлашни ҳалол қилиб олмаган ҳолингизда*“ . [5:1]

Мана шундан эҳромдан чиққандан кейин ов қилиш мубоҳ бўлиб қолади. Яъни ов қилиш эҳромдан аввалги асл ҳолатига қайтади.

Яна бир мисол, Аллоҳ Таоло айтади:

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا

– „*Энди қачон намоз адо қилинган, тарқалинглар*“ . [62:10]

Бу ерда тарқалиш ҳукми мубоҳдир. Чунки Аллоҳ бу ерда жума намозидан кейин тарқалишга буюрган бўлса, аввалги оятда жума вақтида тарқалишдан қайтарганлигига қарина бор:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ

– „*Эй мўминлар, қачон Жумҳа кунндаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-сотдини тарқ қилинглар!*“ . [62:9]

Бу билан жума намозидан кейин тарқалиш мубоҳ бўлади. Чунки тарқалиш амали намоздан аввалги яъни қайтарувдан аввалги асл ҳолатига қайтди.

Талаб қилиш турини баён қилувчи қарина нима ўзи?

Қаринанинг луғавий маъноси бир нарсани бир нарсага яқинлаштирди яъни солиштириб кўрди, деганидир.

⁽⁸⁾ Байҳақий: 78\4, рақами-13233. «Мўъжами кабир»: 366\22, рақами-920. «Мўъжами авсат»: 538\1, рақами-993.

Бу ерда, солиштириб кўрилганда талаб турини аниқловчи ва талаб маъносини белгиловчи нарсадир.

Инсон амалининг шаръий ҳукмини белгилаш учун қуйидаги икки йўл тутилади:

1. Амални қилишлик ёки қилмасликка бўлган талабни зикр қилган далилни исталади;

2. Аввалги далилга солиштириб кўрилганда талабнинг турини аниқлайдиган ва унинг маъносини белгилаб берадиган қарина исталади.

қарина уч турли бўлади:

Биринчи: қатъийликни ифодаловчи қарина:

Бу қарина фарз билан ҳаромни аниқлашда яъни амални бажаришга бўлган қатъий талаб ва амални бажармасликка бўлган қатъий талабни аниқлашда қўлланади.

Жумладан:

а) Қаринада бу дунёда ё охирада жазо мавжудлиги ёки шундай маъно сўз ёки амал орқали баён қилинган бўлади:

مَا سَلَكَكُمْ فِي سَقَرٍ * قَالُوا لَمْ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ

– „Сизларни нима сақарга (дўзахга) киритди (дейилганида), улар «биз намоз ўқувчилардан бўлмадик» дерлар“. [74:42-43]

وَالسَّارِقِ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جَزَاءً بِمَا كَسَبَا نَكَالاً مِّنَ اللَّهِ

– „Ўзри эркакни ҳам, ўзри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар!“ [5:38]

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلُونَ سَعِيرًا

– „Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлулар. Ва албатта дўзахга киражақлар!“ [4:10]

б) Қаринада узр туфайли рухсат ёки қазо ёки афв қилишдан ташқари амални узлуксиз бажариш лозимлиги сўз ёки амал орқали баён қилинган бўлади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ * أَيَّامًا

مَعْدُودَاتٍ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ

– „Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза туюлмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутуди“.

[2:183-184]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

– „Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиганоқларигача ювингиз, бошларингизга масх тортингиз (яъни нам қўлларингиз билан силангиз) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз!“ [5:6]

«مَنْ نَامَ عَنْ صَلَاةٍ أَوْ نَسِيَهَا فَلْيَصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا»

«Ким намозга ухлаб қолса ёки уни унутиб қўйса, бу намозни эслаган вақтида ўқисин».⁹

Аёл кишига ҳайз кўрган вақтида намоз ўқимаслигига рухсат берилиши. Бу Фотима бинти Жаҳшнинг Росулulloҳ ﷺнинг мана бундай деганларини ривоят қилган ҳадисда келди:

«دَعِيَ الصَّلَاةَ أَيَّامَ أَقْرَانِكَ»

«ҳайз кўрган кунларингизда намозни тарк қилинг».¹⁰

в) Қаринада қаттиқ риоя қилиш ва қийинчилик бўлса ҳам, бошқа амалга ўтмаслик зарурлиги баён қилинган бўлади:

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كَرْهٌ لَّكُمْ

– „Сизларга ёқмас-да, жанг қилишингиз фарз қилинди“.

[2:216]

Росулulloҳ ﷺнинг давлат барпо қилиш учун нусрат талаб қилиш йўлига қаттиқ риоя қилишлари ва бу йўлда учраган қийинчиликларга қарамай, бошқа йўлга ўтмаганликлари – давлат барпо қилиш учун нусрат талаб қилиш фарзларнинг фарзи эканлига далолат қилади!

Ибн Ҳишом ўзининг сийратида шундай ривоят қилиб, айтади:

Ибн Исҳоқ деди: Абу Толиб вафот этгандан кейин қурайшлик мушриклар Росулulloҳ ﷺга амакиси Абу Толиб тириклигида беришмаган озорларни беришди. Шунда Росулulloҳ Тоифга бориб, Сақиф қабиласидан нусрат ва ўзининг қавмидан ҳимоя қилишини сўрадилар ва Аллоҳдан олиб келган нарсани улар қабул қилишини умид қилдилар. Уларнинг олдига Росулulloҳ ёлғиз ўзлари бордилар. Аммо улар бунга кўнмадилар ва улар куллари ва аҳмоқларини Росулulloҳга кичкириб ҳақоратлашга буюришди.

Ибн Исҳоқ деди: Бизга Ибн Шихоб Заҳрий ҳикоя қилади, Росулulloҳ ﷺ Кинда қабиласига бордилар. Бу қабила бошлиғининг

⁽⁹⁾ Бухорий: Мавокиту салот-562. Муслим: Масожид-1097. Абу Довуд: Салот-374. Термизий: Салот-162. Насоий: Мавоқит-610. Ибн Можа: 690. Муснади Аҳмад: 11534. Дорамий: 1201.

⁽¹⁰⁾ Муснади Аҳмад: 24500. Дорамий: Таҳорат-791, рақами-182. Унда «جئيتي الصلاة أيام محييلك» Унда «جلسي أيام أقرانك» деган сўзлар билан келган.

номи Фулайҳ эди. Росулulloҳ уларни Аллоҳ ﷻга даъват қилиб, ўзини ҳимоя қилишни таклиф қилган эдилар, улар бош тортишди.

Ибн Исҳоқ деди: Дўстларимиздан бири менга Абдуллоҳ ибн Моликдан шундай ҳикоя қилди: Росулulloҳ ﷺ Бани Ҳанифа қабиласига бориб, уларни Аллоҳга даъват қилиб, улардан ўзини ҳимоя қилишларини таклиф қилдилар. Бутун араблар орасида Росулulloҳга Бани Ҳанифа қабиласидек қабиҳ суратда рад этгани бўлмади.

Ибн Исҳоқ бундай деди: Менга Заҳрий ҳикоя қилиб берган эди: Росулulloҳ ﷺ Омир ибн Соъсоа қабиласига бордилар. Уларни Исломга даъват қилиб, ўзини ҳимоя қилишларини таклиф қилдилар. Уларнинг ичида Байҳара ибн Фаррос исмли бир киши бор эди, у ўзига ўзи: Аллоҳга қасамки, агар мен бу кишини Қурайшдан тортиб олсам борми, бу киши билан бутун арабларни еб юборардим, деди. У: «Таклиф қилган ишинг учун биз сенга байъат қилсак, кейин Аллоҳ муҳолифларинг устидан сени ғолиб қилса, сендан кейин иш бизга қоладими?!» деди. Росулulloҳ – бу иш Аллоҳнинг иши, уни қаерга хоҳласа, ўша ерга қўяди, дедилар. Шунда Байҳара: Арабларга ўзингнинг ўрнингга бизни рўпара қилиб қўйиб, Аллоҳ сени ғолиб қиладиган бўлса, иш биздан бошқасига бўлар экан, бундай иш бизга керак эмас, деди ва улар бош тортишди.

Росулulloҳ ﷺ Бани Шайбон қабиласидан ҳам нусрат сўрадилар. Росулulloҳнинг таклифларини улар маълум эъъянли ишлари сабабли Росулulloҳ билан бирга форсларга қарши жанг қилмасликлари шарти билан қабул қилишадиган бўлишди. Аммо Росулulloҳ уларга талаб қилинаётган нарса Исломга ёрдам бериш ва уни барча инсонларга етказиш эканлигини айтган эдилар, улар бундан бош тортишди.

Росулulloҳ ﷺ қабилалардан нусрат сўрашда тўхтамадилар ва бу йўлда бўлиб ўтган ҳар қандай ёмон раддияларга қарамай, ҳатто баъзиларидан муборак таналарига олган каттиқ озорларга қарамай, ҳеч қандай йўлга алмаштирмадилар. Ансорлар у кишининг байъатини қабул қилишлари орқали Аллоҳ нусрат бергунича шу йўлда қолдилар. Биринчи Ақаба байъати, иккинчи байъат, Мадинага ҳижрат ва давлат барпо қилгунига қадар шундай давом этдилар.

Росулulloҳнинг

«لَوْلَا أَنِ اشْتَقُّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرِهِمْ بِالسَّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ»

«Агар Умматимга машаққат туғдириб қўймаганимда эди, уларга ҳар намоз олдидан мисвак ишлатишни буюрган бўлур эдим» деган марҳаматлари.¹¹

Бу ҳадиснинг далил бўлиш жиҳати шуки, агар Росулulloҳ муслмонларга машаққатли саналмиш ҳар намоз олдидан мисвак ишлатишга амр қилганларида, бу иш фарзга айланиб қолиб, ҳаммалари буни маҳкам ушлаган бўлардилар. Шунинг учун Росулulloҳ уларга машаққат туғилиб қолишидан хавф қилиб, ҳар намоз олдидан бунга амр қилмадилар. Яъни Росулulloҳ ﷺ амал қилишда машаққат кўриниб турган бир ишга амр қилсалар, бу иш фарз бўлиб қолади.

г) Қаринада ҳукми вожиб бўлган ёки мавзуси фарз саналган ё мазмуни Исломи қўриқлаш ҳисобланган бир иш баён қилиниши:

«خُذُوا عَنِّي مَنَاسِكَكُمْ»

«ҳаж ибодатларингизни мендан ўрганинг».¹²

«صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي»

«Менинг қандай намоз ўқишимни кўрганингиздек намоз ўқинглар».¹³

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ

– „*Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даҳват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-ғуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин*“.

[3:104]

«مُرُوا أَبْنَاءَكُمْ بِالصَّلَاةِ لَسْبَعِ, وَاصْرُبُوهُمْ عَلَيْهَا لِعَشْرِ, وَفَرِّقُوا بَيْنَهُمْ فِي الْمَضَاجِعِ»

«Фарзандларингизни етти ёшларида намозга буюринг. ўн ёшларида намоз ўқишмаса, уринглар ва уларнинг ётадиган жойларини ажратиб қўйинг».¹⁴

д) Қаринада бир амрни ижро қилиш ва уни ижро қилишда бир неча чекланган аҳқомлар ичидан танлаб олиш баён қилинган бўлиши:

⁽¹¹⁾ Бухорий: Жума-838, Таманний-6699. Муслим: Таҳорат-370. Абу Довуд: Таҳорат-43. Насойй: Таҳорат-7. Ибн Можжа: Таҳорат-283. Муснади Аҳмад: 573, 921, 7037. Мувааттои Молик: Таҳорат-132. Дорамий: Салот-1447.

⁽¹²⁾ Муслим: Ҳаж-2286. Насойй: Ҳаж-3012. Абу Довуд: Носик-1680. Муснади Аҳмад: 13899, 14091.

⁽¹³⁾ Бухорий: Азон-595, 5549. Муслим: 1297. Дорамий: Салот-1225. Аҳмад: 53/7. Байҳақий: 354/2.

⁽¹⁴⁾ Абу Довуд: Салот-418. Муснади Аҳмад: 6402, 6467).

وَإِذَا حُيِّتُمْ بِحَيْثَةٍ فَحَيُّوا بِأَحْسَنَ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا

– „Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар“.

[4:86]

فَكَفَّارَتْهُ إِطْعَامٌ عَشْرَةَ مَسَاكِينَ مِنْ أَوْسَطِ مَا تُطْعَمُونَ أَهْلِيكُمْ أَوْ كِسْوَتُهُمْ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ

– „Бас, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилишдир“.

[5:89]

е) Қаринада агар фарз бўлмаганида, уни қилиш ман қилинган бир амални такрор қилиш баён қилиниши: Чунки агар намознинг бир рукни (рукуси) қасддан зиёда қилинса, намоз ботил бўлади. Агар икки марта қилинган руку вожиб бўлмаганида, у ман қилинган ёки намозни ботил қилган бўлар эди. Масалан, Росулulloҳ ﷺнинг бу рукуни икки марта қилишлари унинг вожиблигига далолат қилади. Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша ﷺ хусуф намозини сифатлаб, шундай деди: «Росулulloҳ ﷺнинг замонларида куёш тутилди (хусуф). Шунда Росулulloҳ ﷺ намоз бошладилар ва жуда узоқ киёмда турдилар. Кейин рукуга бориб, жуда узоқ руку қилдилар. Кейин рукудан қайтдилар ва киёмда жуда узоқ турдиларки, аввалгисида бундай турмаган эдилар. Кейин яна руку қилдилар ва рукуда шундай узоқ турдиларки, аввалгисида бунчалик узоқ турмаган эдилар. Кейин сажда қилдилар...».

ж) Қаринада бир сўз зикр қилиниб, бу сўз бир нусуснинг ўзида ё фарзликка-вожибликка ёки ҳаромликка далолат қилиши. Мисол учун:

يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ ... فَرِيضَةٌ مِّنَ اللَّهِ

– „Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур ... Аллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди“.

[4:11]

حُرْمَتٌ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتِكُمْ

– „Сизлар учун оналарингиз (уларга ўйланишингиз) ҳаром қилинди“.

[4:23]

إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ

– „У сизларга фақатгина ўлакани ҳаром қилди“.

[2:173]

«لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ تُوْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَنْ تُسَافِرَ مَسِيرَةَ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ إِلَّا وَمَعَهَا مَحْرَمٌ»

«Аллоҳ ва Росулига имон келтирган аёл махрамисиз бир кеча ва бир кундузлик йўлга сафар қилиши ҳалол эмас».¹⁵

⁽¹⁵⁾ Бухорий: жума-1026. Муслим: Ҳаж-2383. Абу Довуд: Маносик-1465. Муснади Аҳмад-11200.

з) Қаринада амални қатъий қайтариқни ифодалайдиган сифат билан сифатланиши. Мисол учун, Аллоҳнинг ғазаби ва нафратини кўзгайдиган амал дея, фахш каби хунук сўз билан аталган амал дея, шайтоннинг амали дея ва имондан ё Исломдан чиқарувчи амал дея сифатланиши каби:

إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَمَقْتًا وَسَاءَ سَبِيلًا

– „Албатта бу хунук ва жирканч бўлган ёмон қилиқдир“.

[4:22]

كَبِيرٌ مَّقْتًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ

– „Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишидир)“.

[61:3]

وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا فَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ مِّنَ اللَّهِ

– „Аммо кимнинг кўнгли куфр билан (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиши билан) ёзиладиган бўлса, бас, ундай кимсаларга Аллоҳ томонидан ғазаб бордир“.

[16:106]

إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلامُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ

– „Албатта, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиши), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сизиниши) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиши) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишидир, бас, уларнинг ҳар биридан ўзоқлашингиз“.

[5:90]

لَا يَتَّخِذِ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ

– „Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегонадир)“.

[3:28]

«أَيُّمَا أَهْلٍ عَرَصَةٍ بَاتَ بَيْنَهُمْ امْرَأَةٌ جَانِعٌ إِلَّا بَرَّتْ مِنْهُمْ ذِمَّةُ اللَّهِ»

«қайси бир ҳовли ахли уларнинг ораларида оч-наҳор киши бўлган ҳолда тунни ўтказса, улар Аллоҳнинг иноятидан маҳрумдирлар».¹⁶

и) Қаринада агар талаб имонга ёки имон билан тенг нарсага солиштирилса (қарина қилинса), масалан

...مَنْ كَانَ يَرْجُو اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ

– „...Ким Аллоҳни ва охират кунини умид қилса“.

[33:21]

деган калом билан, бу қарина талабнинг вожиблигини англатади:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُو اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ

⁽¹⁶⁾ Муснади Аҳмад: 33\3 унинг санади саҳихдир. Мустадрок: 14\2. Муснади Абу Яхлий: 115\10).

– „(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган кишилар учун Аллоҳнинг пайгамбари (имон-эҳтиқоди ва ҳуққи атвори)да гўзал ибрат бордир“ . [33:21]

فَإِن تَنَزَّعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ
ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا

– „Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайгамбарига қайтарингиз“ . [4:59]

وَإِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَّغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ أَزْوَاجَهُنَّ إِذَا تَرَاضَوْا بَيْنَهُمْ
بِالْمَعْرُوفِ ذَلِكَ يُوعَظُ بِهِ مَنْ كَانَ مِنْكُمْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

– „Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, (эй ота-оналар) уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг! Бу ҳукмлардан сизларнинг ораларингиздаги Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган зотлар ваҳз-насихат оладилар“ . [2:232]

й) Талаб билан солиштирилаётган бўлса, мубоҳ ман қилинади:
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَى ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ
ذَلِكَ خَيْرٌ لَكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ

– „Эй мўминлар, қачон Жума кунидаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар!“ . [62:9]

к) Кўнгилли равишда қилишга ёки садақа қилишга амр қилиниб, бундан аввал айни мавзунинг аслига амр қилинган бўлса, мана шу аслга бўлган талаб қатъий талаб эканлигига қарина бўлади:

وَإِن كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ

– „Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир“ . [2:280]

Бу ерда қарз берган кишига қарздорнинг қарзини бутунлай ёки қисман кечиш орқали садақа қилишга амр қилиняпти. Бундан олдин эса қарзини тўлашга муҳлат беришга амр қилинган эди. Энди, қарздор танг аҳволда бўлса, унга муҳлат бериш фарз бўлиб қолади.

к) Қарина «вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир», деган қоидани ўз ичига олган бўлиши. Яъни бир вожиб амал бўлса-ю, уни адо қилиш бошқа бир амалга боғлиқ бўлса, ўша бошқа амални адо қилиш ҳам вожибга айланиб қолади. Аммо бундай ҳолатда ана шу бошқа амал ҳам асли биринчи вожиб амалнинг бир қисми бўлиши шарт. Масалан, намознинг рукнлари

намознинг бир қисми бўлгани каби. Аммо амал ундан ташқарида бўлса, масалан, таҳорат каби, унда бу амалнинг вожиблигига бошқа далил керак бўлади, чунки таҳорат намознинг бир қисми эмас, унинг шартидир.

Иккинчи: қатъийликни ифодаламайдиган қарина

Бу қарина мандуб билан макруҳни аниқлашда яъни амални бажаришга қатъий бўлмаган талаб билан амални бажармасликка қатъий бўлмаган талабни аниқлашда қўлланади.

Жумладан:

а) Қаринада амалнинг қилишга ёки қилмасликка бўлган талаб бўлиб, бу таржиҳга (устун кўришга) далолат қилади ва «**Биринчи: қатъийликни ифодаловчи қарина:**», деган мавзудан алоҳида келади:

«تَبَسُّمُكَ فِي وَجْهِ أَخِيكَ صَدَقَةٌ»

«Биродарингиз юзига табассум билан боқишингиз ҳам бир садақадир».¹⁷

«إِنَّ اللَّهَ نَظِيفٌ يُحِبُّ النَّظَافَةَ»

«Аллоҳ покдир, покликни севади».¹⁸

«لِلْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ سِتٌّ بِالْمَعْرُوفِ: يُسَلِّمُ عَلَيْهِ إِذَا لَقِيَهُ؟، وَيُجِيبُهُ إِذَا دَعَاهُ، وَيُشَمِّتُهُ إِذَا عَطَسَ، وَيَعُوذُهُ إِذَا مَرِضَ، وَيَتَّبِعُ جَنَازَتَهُ إِذَا مَاتَ، وَيُحِبُّ لَهُ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ»

«Мусулмонни мусулмоннинг устида олтига яхшилиги бор: Учрашса унга салом бериши, чақирса унга жавоб бериши, акса урса унга «ярхамукаллоҳ» дейиши, касал бўлса бориб кўриши, вафот этса жанозасида қатнашиши, ўзи яхши кўрган нарсасини унга илиниши».¹⁹

Уқба ибн Амр бундай ривоят қилади:

«يَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ كَسْبِ الْحِجَامَةِ»

«Росулуллоҳ ﷺ хижома (қон олиш)ни касб қилиб олишдан қайтардилар».²⁰

Бир нафар кишилар Росулуллоҳ ﷺнинг олдиларига келишган эди, улардан саримсоқ ҳидини сезиб қолдилар ва дедилар:

⁽¹⁷⁾ Тирмизий: «Бирру ва сила»: 1879.

⁽¹⁸⁾ Тирмизий: Адаб-2723, у бу хадисни ғариб, деган. Абу Яъло-12\2.

⁽¹⁹⁾ Тирмизий: 2737, у бу хадисни саҳиҳ деди. Ибн Можа: Жааноиз-1424. Муснади Аҳмад: 513. Ибн Ҳиббон: 477\1.

⁽²⁰⁾ Ибн Можа: Атъима-3356. Абу Довуд: 3423. Насоий: 3423. Ибн Ҳиббон: 1646.

«أَلَمْ أَكُنْ قَدْ نَهَيْتُكُمْ عَنْ أَكْلِ هَذِهِ الشَّجَرَةِ، إِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَتَأَذَى مِمَّا يَتَأَذَى مِنْهُ
الْإِنْسَانُ»

«Мен сизларни бу ўсимликни ейшдан қайтармаганимдир. Албатта, инсон озорланадиган нарсадан фаришталар ҳам озорланадилар».²¹

б) Қаринада қилмасликка бўлган талаб (такрир) қарор қилиш ёки сукут қилиш билан бирга келиши:

Росулуллоҳ ﷺнинг ҳаром нарса (мусаллас) билан даволанишдан қайтарганлари ҳақидаги ҳадислари билан бир қавмга даволаниш учун туянинг сути ва сийдигини ичишга рухсат берганлари тўғрисидаги ҳадислари:

«إِنَّ ذَلِكَ لَيْسَ بِشِفَاءٍ وَلَكِنَّهُ دَاءٌ»

«Бу (мусаллас) шифо эмас, балки, дарддир».²² Ҳадисларнинг иккинчиси: Анасдан ривоят қилинадики, бир гуруҳ одамларга Мадина ҳавоси ёқмай қолди. Шунда уларга

«فَأَمَرَهُمُ النَّبِيُّ ﷺ أَنْ يَلْحَقُوا بِرَأْعِهِ يَعْنِي الْإِبِلَ فَيَشْرَبُوا مِنْ أَلْبَانِهَا وَأَبْوَالِهَا»

«Росулуллоҳ ﷺ уларни подачига яъни туяларга бориб, туяларнинг сути ва сийдигидан ичишга буюрдилар».²³ Холбуки, сийдик нажосат ва ҳаромдир. Биринчи ҳадисда ҳаром нарса билан даволанишдан қайтардилар, иккинчи ҳадисда эса ҳаром нарса (туя сийдиги) билан даволашга қарор қилдилар. Демак, бир нарсага қарор қила туриб, яна ундан қайтариш шунини ифодалайдики, ҳаром нарса билан даволаниш макруҳдир.

в) Қаринада Аллоҳ Азза ва Жаллага (қурбат) яқин бўлиш бор бўлиб, бу «Биринчи қатъийликни ифодаловчи қарина», деган мавзудан бошқа бўлиши:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُقْرَضُ مُسْلِمًا قَرْضًا مَرَّتَيْنِ إِلَّا كَانَ كَصَدَقَتَيْهَا مَرَّةً»

«Мусулмоннинг мусулмонга икки марта қарз бериши бир марта садақа қилиш билан тенг».²⁴

(21) Муслим: Масоқот-2931. Насоий: Сайд-4220, 4594. Ибн Можа: Тижорот-2156. Муснади Аҳмад-7635, 8039.

(22) Ибн Можа: 3500. У қилган ривоятда келади: Алқама Торик ибн Савиддан ривоят қилади: Торик Росулуллоҳ ﷺга деди: Ерларимизда узумлар ўсади, уни сиқиб-ачитиб ичсак бўладимиз? Росулуллоҳ йўқ, дедилар. Қайта сўрадим: Касалга ичирсакчи? Росулуллоҳ дедилар: Хеч шубҳасиз, бу шифо эмас, балки, дарддир.

(23) Бухорий: 1430, 5362. Ибн Можа: 3503.

(24) Ибн Можа: 3828. Аҳмад: 257/4, 217.

«مَا تَصَدَّقَ أَحَدٌ بِصَدَقَةٍ مِنْ طَيِّبٍ – وَلَا يَقْبَلُ اللَّهُ إِلَّا الطَّيِّبَ – أَخَذَهَا الرَّحْمَانُ بِيَمِينِهِ وَإِنْ كَانَتْ تَمْرَةً فَتَرَبُّو فِي كَفِّ الرَّحْمَانِ حَتَّى تَكُونَ أَعْظَمَ مِنَ الْجَبَلِ، وَيُرِيهَا لَهُ كَمَا يُرِي بِي أَحَدِكُمْ فَلَوْهُ أَوْ فَصِيلُهُ»

«Бирортангиз чин кўнгилдан садақа қилса – Аллоҳ фақат чин кўнгилдан қилинган садақани қабул қилади – Аллоҳ унинг садақасини ўнг қўлига олади. Агар бу садақа бир дона хурмо бўлса, тоғдан ҳам қатта бўлгунча у Раҳмоннинг кафтида боқилади. Раҳмон уни бирортангиз ўз тойчоғини ёки гўдагини тарбия қилганидек тарбия қилади».²⁵

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ يَأْمُرُ بِصِيَامِ الْبَيْضِ ثَلَاثَ عَشَرَ وَأَرْبَعَ عَشَرَ وَخَمْسَ عَشَرَ وَيَقُولُ: هُوَ كَصَوْمِ الدَّهْرِ أَوْ كَهَيْئَةِ صَوْمِ الدَّهْرِ»

«Росулulloҳ ﷺ (ойнинг) ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кунлари бийз рўзаси (тунлари ойдин бўлган кунларда тутиладиган рўза)ни тутишга буюрдилар ва бу рўза бир умр ёки бир умр мобайнида рўза тутиш кабидир, дедилар».²⁶

Росулulloҳ ﷺ

«إِنَّ الدُّعَاءَ هُوَ الْعِبَادَةُ»

«Албатта дуо бу – ибодатдир» дедилар.²⁷

Учинчи: Баробарликни ифодаловчи қарина. Бу қарина амал қилишни талаб қилиш билан амал қилмасликни талаб қилиш баробар эканини ифодалайди яъни мубоҳликни. Жумладан:

а) Бу қаринада Росулulloҳ амални баъзан қилиб, баъзан қилмаганлигини баёни бор:

Табароний Авсатда шундай ривоят қилади: Ибн Аббос билан Ҳасан ибн Али бирга ўтирган эдилар, олдиларидан бир жаноза ўтиб қолди. Шунда улардан бири ўрнидан турди, иккинчиси турмади. Ўрнидан турган ўрнидан турмаганга – Росулulloҳ (жаноза ўтаётганида) ўринларидан турмаганмидилар? деди. У – ҳа, (гоҳ) турар эдилар ва (гоҳ) ўтиравердилар ҳам, деди.²⁸ Бундан жаноза ўтаётганда ўтириш ҳам, туриш ҳам мубоҳ эканлигини тушунамиз.

⁽²⁵⁾ Муслим: 1014. Термизий: 661. Насоий: 2525. Ибн Можа: 1825. Муваддо: 1806. Дорамий: 1675. Аҳмад: 331\2. Ибн Ҳиббон: 109\8.

⁽²⁶⁾ Абу Довуд: 2449. Насоий: 2345, 2420. Ибн Можа: 1707. Аҳмад: 27\5. Ибн Ҳиббон: 411\8. Байҳақий: 294\4.

⁽²⁷⁾ Ибн Можа: 3828. Аҳмад: 167\4, 271.

⁽²⁸⁾ Табароний Авсатда: 2490.

б) Қаринада умумий исломий қонунчиликда, ҳеч қандай узрсиз афв қилинганлиги баён қилинган бўлади:

Росулуллоҳ ﷺ сарғ, пишлоқ ва мўйна ҳақида сўралганда шундай дедилар:

«الْحَلَالُ مَا أَحَلَّ اللَّهُ فِي كِتَابِهِ، وَالْحَرَامُ مَا حَرَّمَ اللَّهُ فِي كِتَابِهِ، وَمَا سَكَتَ عَنْهُ فَهُوَ مَا عَفَا عَنْهُ»

«Халол Аллоҳ Қуръонида халол қилган, ҳаром Аллоҳ Қуръонида ҳаром қилган нарсадир. Аллоҳ нима ҳақда сукут қилган бўлса, у авф қилган нарсадир».²⁹

в) Қаринада жисмнинг хусусиятларига боғлиқ бўлган ҳамда Аллоҳ ﷻ инсонга яратиб бўйсундириб қўйган аммо иккисида ҳам на хослов ва на чеклов бўлмаган амаллар бўлади:

وَسَخَّرَ لَكُمْ الْأَنْهَارَ

– „Дарёларни ҳам сизларга бўйсундирди“ [14:32]

اللَّهُ الَّذِي سَخَّرَ لَكُمْ الْبَحْرَ لَتَجْرِيَ الْفُلُكُ فِيهِ بِأَمْرِهِ

– „Аллоҳ (денгиздаги) кемалар Ўзининг амри билан жорий бўлиши учун сизларга денгизни бўйсундириб қўйган зотдир“.

[45:12]

كُلُوا وَاشْرَبُوا مِنْ رِزْقِ اللَّهِ

– „Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар“ [2:60]

وَكُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا

– „Еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар“ [7:31]

أَوَلَمْ يَنْظُرُوا فِي مَلَكُوتِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

– „Самовот ва Ер мамлакатлари ҳақида ўйламайдиларми?!“ [7:185]

انظُرُوا إِلَى ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ

– „(Эй инсонлар), уларнинг ҳар бирини мева туккан пайтидаги мевасига ҳолига боқинг!“ [6:99]

فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ

– „Бас, (ер)нинг ҳар томонида (сайр-саёҳат қилиб ё тижорат билан, ёки деҳқончиликни касб қилиб) юраверинглар ва (Аллоҳнинг берган) ризқ-рўздан енглар“ [67:15]

Холид ибн Валиддан ривоят қилинади: Росулуллоҳ ﷺ га қовурилган эчкемар келтириб қўйилган эди уни емоқчи бўлиб, қўллари билан елпидилар. Ёнидаги киши – ё Росулаллоҳ, бу эчкемарнинг гўшти, деган эди, Росулуллоҳ қўлларини тортиб олдилар. Шунда Холид – ё Росулаллоҳ, эчкемар ҳаромми? деди. Росуллоҳ

⁽²⁹⁾ Термизий: 1726, у бу ҳадисни ғариб ҳадис деди. Ибн Можа: 3367. Байхақий: 12\10.

«لَا وَلَكِنَّهُ لَمْ يَكُنْ بِأَرْضِي فَأَجِدُنِي أَعَافُهُ»

«Йўк, аммо менинг еримда бўлмаганлиги учун уни истехмол қилмайман», дедилар. Шунда Холид уни кўли билан елпиб еди. Росулulloҳ ﷺ эса қараб турдилар.³⁰

г) Ҳар қандай ҳаром қилинган, яъни, маълум сабабга кўра қатъий қайтарилган, кейин эса шу сабаб йўқолгач яна қайта ҳалол қилинган амал. Чунки бундай ҳалол қилиш мубоҳликни англатади. Аммо амал фарз, мандуб ва мубоҳ бўлиб, моне мавжуд бўлганлиги учун ҳаром қилинган бўлсаю, кейин моне йўқолгани учун қайта яна ҳалол қилинган бўлса, бу ҳалол қилиш аввалги моне йўқ бўлган ҳолатига қайтиш ҳисобланади. Яъни, моне борлигидан ҳаром қилиниб яна ҳалол қилиш далолатсиз ҳалол қилиш ҳисобланади:

Жума намозидан кейин тарқалишнинг мубоҳлиги ва эҳромдан чиқилгандан кейин ов қилишнинг мубоҳлиги («Инсон амалининг ҳукмлари-мубоҳ»га қаранг).

Моне туфайли бўлган бўлса, қайта мубоҳ ёки мандуб ёхуд фарз бўлиб қолади, яъни далолати бўлмайди. Масалан, пок одам (Мусҳафни) Қуръони Карим ёзилган варақни ушлаши мубоҳ. Агар моне ҳосил бўлиб қолса, уни ушлаш ҳаром бўлиб қолади. Қачон мана шу моне йўқолса, Мусҳафни ушлаш ҳам аввалги ҳукмига яна қайтади. Фарз ҳисобланган намоз ҳам, агар моне ҳосил бўлиб қолса, у ҳам ҳаром бўлиб қолади. Қачон мана шу моне йўқолса, ҳукм асл ҳолатига қайтади, яъни яна фарз бўлиб қолади. Суннат намоз ҳам, моне ҳосил бўлгунича мандуб бўлиб туради. Агар моне ҳосил бўлиб қолса, ҳаромга айланади. Қачон мана шу ҳаромлик тамом бўлса, у ҳам ўз ҳукмига, яъни, мубоҳликка қайтади.

Қариналарни, уларнинг қатъийлик ва қатъий эмаслигини тушуниб олиш кўпроқ ҳаракат қилиб, жиддий шуғулланишни талаб қиладиган масаладир. Чунки шаръий ҳукм мана шу қариналарга чамбарчас боғлиқдир. Аллоҳим, Ўзингдан ёрдам сўраган, амалида содиқ турган кишига ёрдам бер.

⁽³⁰⁾ Бухорий: 5076. Муслим: 1946. Насоий: 4316. Ибн Можа: 3241. Дорамий: 20\7. Аҳмад: 86\4.

УЧИНЧИ ФАСЛ

Шореънинг вазъ орқали бандаларнинг амалларига тааллуқли хитоби инсон амалларининг ҳукмлари талаб қилган нарса яъни вазъ хитобидир

Ҳаётда содир бўлувчи ҳар қандай амаллар бўлсин, Шореънинг хитоби албатта уларнинг ҳукмларини баён қилади ва бу ҳукмларга улар тақозо қиладиган ишларни белгилайди. Ҳукмнинг амалга ошиши ёки унинг мукаммал бўлиши мана шу ишларга боғлиқдир. Яъни бу ишлар шаръий ҳукм учун керакли бўлганлиги учун белгиланган.

Вазъ хитоби мана шу. У ҳукмга керакли бўлган ишга боғлиқ бўлиб, беш қисмдан иборатдир:

1. Сабаб; 2. Шарт; 3. Моне; 4. Сихҳа, бутлон ва фасод; 5. Азима ва рухсатлар.

1. Сабаб:

Сабаб – аниқ сифат бўлиб, далили самъий шу сифатнинг шаръийлигига эмас, ҳукмнинг аниқ бўлганига далолат қилган бўлади. Мисол учун:

أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ إِلَى غَسَقِ اللَّيْلِ

„Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни барпо қилин“.
[17:78]

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنْ زَالَتْ الشَّمْسُ فَصَلُّوا»

«Намозни қачон қуёш тиккадан оғанда ўқинг».³¹

Ушбу оят билан ҳадис қуёшнинг тиккадан оғиши намоз бўлганига белги эканини баён қиляпти. Бунинг маъноси шуки, қачон мана шу вақт бўлса, намознинг вақти бўлади, яъни қачон намознинг бошқа бир шарти топилса, уни адо қилиш жоиз бўлади. Аммо бу дегани қуёшнинг тиккадан оғиши намознинг вожиб (фарз) бўлганлигининг белгиси эканини англатмайди, балки намознинг (вақти) бўлганлигининг белгиси эканини англатади. Чунки намоз бошқа далиллар, яъни

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ

– „Намозни тўқис адо этинглар“.

[24:56]

⁽³¹⁾ Байҳақий: 438\1, 1905-рақам. Аҳмад: 349\4. Ал мўъжами кабир: 79\4.

إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَّوْقُوتًا

– „Албатта, намаз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди“ [4:103]

каби далиллар билан фарз бўлди.

Бошқа сабаблар ҳам шундай. Мисол учун,
فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ

– „Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин“ [2:185]

«صُومُوا لِرُؤُوسِهِ»

«Уни (янги ойни) кўриб рўза тутинг».³²

Ушбу оят ва ҳадисдан маълум бўлишича, янги ойнинг чиқиши ва уни кўриш рамазонда рўзанинг (вақти) бўлганини англатувчи белгидир. Аммо бу белги рўзанинг вожиб (фарз) бўлганлигининг белгиси эмас. Чунки унинг фарз бўлганига бошқа далил, яъни

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ

– „Эй имон келтирганлар, сизларга рўза тутиш фарз қилинди“ [2:183]

деган оят далил бўлди. Нисобга етиш ҳам закотнинг вожиб бўлганига белгидир. Шаръий битимлар ҳам мулкдан фойдаланиш ёки унинг кўчишининг мубоҳлигига бир сабабдир. Мажбур бўлиш эса ўлаксанинг гўшти мубоҳлигига сабабдир.

Бошқача айтганда, сабаб ҳукмнинг мавжуд бўлганини англатувчи бир белги холос. Чунки ҳукми вожиб қилувчи нарса қатъий амр билан келган далилдир. Сабабнинг далили эса ҳукмнинг мавжуд бўлганини англатувчи бир белгини ўз ичига олади. Бинобарин, сабабнинг мавжуд бўлиши билан ҳукм ҳам мавжуд бўлади, сабабнинг мавжуд бўлмаслиги билан ҳукм ҳам мавжуд бўлмайди.

2. Шарт:

Шарт бу маршрут (шартга муҳтож нарса)ни мукаммал қилувчи сифатдир. Бу сифатни ё мана шу маршрутнинг ҳукми талаб қилади ёки маршрутнинг ўзи талаб қилади. Аввалги ҳолатда (маршрутнинг ҳукми талаб қилган ҳолатда) мукаммал қилувчи сифат маршрутга керак бўлмайди, балки, бу сифат ҳукмга керак бўлади. Мисол учун, намаз маршрут. Шарт эса (яъни мукаммал қилувчи сифат) намознинг ўзи учун, яъни қандай адо этилиши учун керак эмас. Балки мукаммал қилувчи сифат намознинг ҳукми учун яъни адо қилиш вожиблиги учун керакдир. Чунки адо қилиш вожиблиги шартни яъни таҳоратни талаб қилади. Шарт эса бу ерда

⁽³²⁾ Муслим: 1024\3.

машрутнинг ҳукми талаб қилаётган нарсани мукаммал қилувчидир. Машрут (намоз) таклиф хитоби бўлгани учун шарт ҳам таклиф хитобига тааллуқли бўлади. Намозда авратни ёпиш шарти ва рамазон рўзасида кун чиқмасидан туриб ният қилиш шарти ҳам ҳукм учун керак.

Иккинчи ҳолатда (яъни машрутнинг ўзи талаб қилган ҳолатда) эса шарт вазъ хитобига тааллуқли бўлади. Бунда мукаммал қилувчи сифат (яъни шарт) машрутнинг ўзига керак бўлади. Мисол учун, закот нисоби машрут. Бу машрут учун мукаммал қилувчи сифат (шарт) керак бўлади яъни бир йил ўтиш шарти керак бўлади. Бу ерда шарт бевосита ҳукмнинг ўзига яъни адо қилишга керакмас. Масалан, бир йил ўтиши закотни адо қилиш вожиблигининг шарти дейилмайди, балки бир йил ўтиши нисобнинг шарти, дейилади. Қачон нисоб шарти мавжуд бўлса, закот ҳам вожиб бўлади. Шунинг учун бу ерда шарт нисоб учун яъни машрутнинг ўзи учун керак. Чунки ушбу машрут (нисоб) закотнинг сабаби яъни вазъ хитобининг сабаби бўлгани боис, шарт ҳам ана шу вазъ хитобига тааллуқли бўлади. Зинода дарра уриш учун турмуш қурмаган бўлиш шарти ва қўлни кесишда қўрғон билан ҳимояланган бўлиш шарти ҳам сабаб учун керак.

Шарт таклиф хитобига тааллуқли бўладими ёки вазъ хитобига, фарқсиз, шартнинг воқеи шуки, у топилмаса машрут ҳам топилмаслиги лозим, аммо у топилиши билан машрутнинг топилиши лозим эмас. Мисол учун, таҳорат топилмаса, намоз бўлмайди. Аммо баъзан таҳорат топилса-да, намоз топилмайди (масалан, вақти кирмагани учун). Шунингдек, мол нисобидан бир йил ўтмагунча закот топилмайди. Аммо бир йил ўтса-да, нисоб ўзгариб қолиши ёки қарздор бўлиб қолиш ёхуд бошқа сабабли закот топилмаслиги мумкин. Шунинг учун шарт топилсаёқ машрутнинг ҳам топилиши келиб чиқмайди, аммо шарт топилмаса, машрут ҳам топилмаслиги келиб чиқади. Шарт билан сабаб ўртасидаги фарқ мана шу.

Шарт билан рукн ўртасида ҳам фарқ бор. Бу иккисида ҳам мавжуд бўлиши билан машрут ҳам мавжуд бўлади, аммо шарт машрутни мукаммал қилувчи сифат бўлганлиги боис, у машрутнинг қисмига кирмайди. Масалан, таҳорат намознинг адо бўлиши шарти бўлиб, намознинг бир қисми эмас.

Рукн эса нарсанинг (машрутнинг) бир қисмидир. У нарсдан ажралмайди ва усиз нарса ҳам тўла адо топмайди. Мисол учун, намоздаги руку рукни намознинг бир қисми бўлиб, намоздан ажралмайди. Шунинг учун у рукн дейилади, шарт дейилмайди.

Шуни айтиш лозимки, шарт таклиф хитобига тааллуқли бўладими ёки вазъ хитобигами, фарқсиз, уни шарт, деб эъяъни қилиш учун албатта, шартлигига далолат қилувчи далил керак. Масалан, таҳорат таклифий ҳукм (намоз)нинг шарти. Чунки унинг шарт эканлигига Аллоҳ Субҳанаҳунинг нусусдаги мана бу каломи далилдир:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

– „Агар намозга турсаларингиз юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиганоқларигача ювинг, боиларингизга масх тортинг ва оёқларингизни ошиқларигача ювинг!“ [5:6]

Масалан, кўрғон билан ҳимояланган бўлиш вазъ ҳукмининг (яъни қўлни кесиш сабаби бўлган ўғирликнинг) бир шарти. Чунки Росулulloҳ ﷺ бунини ҳайвон ўғирлаш тўғрисидаги қўлни кесиш ишига нисбатан нусусда баён қилиб,

«مَا أَحَدَ مِنْ عَطْنِهِ فَفِيهِ الْقَطْعُ، إِذَا بَلَغَ ثَمَنَ الْمِحْنِ»

«(Ҳайвон) атанидан (бокиладиган хонасидан) ўғирланган бўлиб, нархи совутнинг нархига етган бўлса, (қўл) кесилади» дедилар. Ҳайвонларнинг атани уларни сақладиган жой яъни кўрасидир. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ мева ўғирлаш тўғрисида ҳам бундай дедилар:

«مَا كَانَ فِي الْخَزَائِنِ فَفِيهِ الْقَطْعُ، إِذَا بَلَغَ ثَمَنَ الْمِحْنِ»

«Ҳазоинда бўлиб, совутнинг нархига етган бўлса, (қўл) кесилади» Ҳазоин мева сақладиган жойдир. Совутнинг нархи эса ўғирлик нисобидир.

Хуллас, барча таклиф ва вазънинг шартлари шарт деб эъяъни қилиниши учун – нусусда айнан ўзи албатта келиши лозим.

Аммо битим (ақд)ларнинг шарти бундан мустасно. Инсон битимлар тўғрисида шаръий нусусда айнан ўзи келиши ё келмаслигидан қатъий назар, хоҳлаганича битимларга шартлар қўйиши мумкин. Бирок, бу шарт шариатга хилоф бўлмаслиги лозим. Бошқача айтганда, битим талабига зид яъни шаръий нусусда келган шартга зид бўлмаслиги лозим. Агар шарт битим талабига зид шарт бўлса, уни шарт деб эъяъни қилинмайди. Мисол учун ривоят қилинишича, Аббос رضي الله عنه музорабага маблағ бериб, музораба қилаётган шеригига бу маблағ билан бирор дарёдан ўтмаслигини, бирор водийга тушмаслигини ҳамда жонивор сотиб олмаслигини, агар музораба қилаётган шериги шуларни бузса, зарарни тўлашини шарт қилди. Росулulloҳ бундан хабар топганларида унинг шартини тўғри деб ҳисобладилар. Жобирдан ривоят қилинадики, у

отини миниб кетаётиб, уни ҳолдан тойдириб қўйибди. Кейин уни ташлаб кетмоқчи бўлди. Жобир ﷺ бундай деди: Менга Набий ﷺ етиб келдилар ва мени дуо қилиб, туямни урган эдилар у шундай юриб кетдики, аввал унчалик юрмаганди. Кейин – уни менга сотинг, дедилар. Мен – йўқ, дедим. Кейин яна – менга сотинг, дедилар. Шунда мен туямни Росулulloҳга сотиб, унинг бўталоғларини оиламга қолдирдим (яъни оиламга қолишини шарт қилдим).

Бу ерда Аббос ﷺнинг шартлари айнан шаръий нусусда келмаган, яъни музорабада денгиз ва водийдан ўтмаслик, жонивор билан тижорат қилмаслик шартларини айтган бирорта далил йўқ. Аббос ﷺ эса мазкур далил (жони бор нарса билан тижорат қилмаслик шартларини айтувчи далил йўқлиги далили)га биноан шу шартларни қўйди. Жобир ﷺ қўйган шарт ҳам шариятда айнан келмаган. Яъни ҳайвон сотилаётганда унинг қўзилари оилага қолдириш шартини айтган бирорта далил йўқ. Шунинг учун ушбу далилга (ҳайвон сотилаётганда унинг қўзилари оилага қолдириш шарти йўқлиги далилига) биноан Жобир ﷺ мазкур шартни қўйди.

Бу ўринда бу икки шартга Росулulloҳ ﷺ икром бўлдилар, шунинг учун Росулulloҳнинг ушбу икромлари далил бўлади, дейилмайди. Бундай дейилмаслигининг боиси, бу шартлар Росулulloҳнинг икром бўлишларидан аввал қўйилди. Яъни айна шартлар қўйилишидан аввал уларга ҳеч қандай далил йўқ эди. Росулulloҳнинг икром бўлишлари эса бу шартлар шариятга зид эмаслигини англатади. Шунинг учун бу шартлар шарт деб эъъянига олинган тўғри шартлардир.

Аммо шартлар шариятга зид келиб қолса, бу нотўғри шарт бўлади ва шарт деб эъъянига олинмайди. Мисол учун, бир киши бировга товар сотиб, унга бу товарни ҳеч кимга сотмасликни шарт қилса, бу нотўғри шарт бўлади ва у бекор қилинади. Харидор товарни ўзи хоҳлаган одамга сотишга ҳаққи бор. Бу шарт битим талабига зид бўлгани боис, шарт сифатида эъъянига олинмайди. Чунки харидор товарга эга бўлса, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи талабига кўра, у истеъмол қилиш ёки уни ишлатиш ёки уни бирор нарсага айрибошлаш каби айна мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Барира қиссасини олайлик: Бировнинг мулки (қули) бўлган Барира муайян маблағ эвазига озод қилиниши учун эгалари билан шартнома тузади. Шунда Оиша ﷺ Бариранинг ўрнига ушбу маблағни тўлаб, қизни озод қилишни ва қиз унинг (Оишанинг) валийлигига ўтишини истайди. Аммо Бариранинг эгалари унинг

валийлиги ўзларининг қарамоғида қолиш шарти билан Оиша ﷺ га сотишга рози бўлишади. Уларнинг бу шарти нотўғри шарт бўлиб, шариатга зид келганлиги боис бекор ҳисобланади. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ «Валийлик озод қилган кишига ўтади», уни сотганларга ўтмайди, дедилар. Шунда мўминлар онаси Оиша Барирани сотиб олди ва валийлиги Оишага ўтди. Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ унга «Бас, уни сотиб олиб, озод қилинг, улар эса хоҳлаганларича шарт қўяверишсин», дедилар.

Хулоса шуки, таклиф ва вазъ ҳукмларининг шартлари, агар бу шартларга нусусда бирор далил келмаган бўлса, шарт деб эъъяни қилинмайди. Буни таҳорат ва қўрғон билан ҳимояланган бўлиш тўғрисида баён қилдик. Аммо битимлар эса вазъ ҳукмларидан бўлгани боис – чунки улар сабаблардир – уларнинг шартлари бошқача. Инсон битимлар тўғрисида шаръий нусусда айнан ўзи келиши ё келмаслигидан қатъий назар, хоҳлаганича битимларга шартлар қўйиши мумкин. Бироқ, бу шарт шариатга хилоф бўлмаслиги лозим. Буни музораба, туя сотиш, товар сотиш ва кулни озод қилиш шартлари ҳақида айтиб ўтдик.

3. Моне:

Моне бу бир тартибли сифат бўлиб, самъий далилнинг далолат қилишича, қачон бу сифат мавжуд бўлса, уни ман қилаётган нарсанинг иллатига (ҳукм боисига) зид келувчи иллатни талаб қилади. Бошқача айтганда, моне ман қилувчи нарсанинг иллатига зид иллатни тақозо қилувчи нарсалардир. Бу таърифдан аён бўлишича, моне сабабнинг зидди ёки ҳукмнинг зидди бўлиши мумкин.

Мисол учун, қариндошлик мероснинг сабаби. Қасддан одам ўлдириш ушбу мероснинг монесидир. Бу ерда моне ҳукмнинг зидди бўлади, шунинг учун у меросни ман қилади, аммо қариндошликни ман қилмайди.

Яна бир мисол, нисобнинг етиши ва бир йил ўтиши закотнинг адо этилишининг шарти ва сабабидир. Қарз бўлиб қолиш ушбу закотни монесидир. Закотнинг монеси бу ерда сабабнинг зидди яъни нисобга етишнинг монесидир.

Монелар талаб ва адо жиҳатидан икки қисм бўлади:

1. Талаб билан бирга келмайдиган моне. Яъни талабни ҳам, адо қилишни ҳам ман қилувчи моне. Масалан, ухлаб қолиш ёки жинни бўлиб қолиш туфайли ақлнинг йўқолиши намоз, рўза, савдо-сотик каби ҳукмларнинг талабини ва уларнинг адо қилишни ман қилади.

Ҳайз ва нифос ҳам намоз, рўза, масжидга киришни ва уларни адо қилишни ман қилади яъни талабнинг асидан ман қилади. Чунки ҳайз ва нифосдан пок бўлиш намоз, рўза ва масжидга киришнинг шартидир.

2. Талаб билан бирга келадиган моне. Яъни бу моне талабни ман қилади, аммо адо қилишни ман қилмайди. Масалан, жума намозига нисбатан аёллик сифати ва рўза ва намозга нисбатан гўдаклик сифатини олайлик. Аёллик сифати жума намози талабининг монеси, гўдаклик сифати рўза ва намоз талабининг монесидир. Чунки жума намози аёл кишига вожиб эмас, рўза тутиш намоз ўқиш гўдакка вожиб эмас. Аммо аёл киши жума намозини адо қилса ва гўдак рўзани адо қилса, иккаласининг ҳам амали дуруст бўлаверади. Чунки моне талабдан монедир, адо қилишдан эмас. Шунингдек, барча рухсат сабаблари талабга нисбатан монедир, адога нисбатан моне эмас.

4. Саҳиҳ, бутлон ва фасод:

а) Саҳиҳ:

Саҳиҳ Шоренинг амрига мувофиқ келиш, демакдир. Бундай деб аталишидан мақсад, амал сихха (тўғри) бўлса, унинг натижаси бу дунёда ҳам келиб чиқади ва охиратда ҳам натижасига етилади. Масалан, намознинг барча рукн ва шартлари тўла бўлса, сихха (тўғри) намоз бўлади яъни савоб келтирувчи, зиммани оқлаб, жавобгарликдан соқит қилувчи намоз бўлади. Савдо-сотикнинг ҳам барча рукн ва шартлари тўла бўлса, саҳиҳ (тўғри) савдо-сотик бўлади яъни шаръан мулкка эга қилувчи, мулкдан фойдаланиш, тасарруф қилишни мувоҳ қилувчи савдо-сотик бўлади.

Бу амалнинг бу дунёда келиб чиқадиган натижаси жиҳатидан.

Энди, амалнинг охиратда келиб чиқадиган натижаси жиҳатидан олганда, «саҳиҳ намоз», дейишимиз охиратда савоб берилиши умид қилинадиган намоз, деганни англатади.

б) Ботил:

Ботил Шореннинг амрига мувофиқ келмаслик, демакдир. Ботилдан мурод, амал учун на дунёвий таъсирлари, на ухровий жазоси топилади. Яъни амал учун савоб ҳам олинмайди, зиммадан ҳам соқит бўлинмайди.

Масалан, намознинг бирор рукни тарк қилинса, бу намоз ботил бўлади. Савдо-сотикнинг бирор рукни тарк қилинса, у ҳам ботил савдо-сотик бўлади. Ботил бўлиши билан мулкдан фойдаланиш ҳаром бўлиб, охиратда жазога гирифтор қилади. Шунинг учун ботилнинг бу дунёда ҳам, охиратда ҳам натижа-асарлари бўлади.

Мисол учун, хайвон қорнидаги бола савдоси аслида ҳаром, яъни аслида қайтарилган савдо. Чунки у йўқ нарсанинг савдоси бўлиб, келишилаётган нарса ботил-алдов савдо ҳисобланади.

Яна бир мисол, балиқ овчиси сувга тўр ташлаб қўйиб, ундан олинадиган балиғни савдо қилиши ҳамда ғаввос сувдан дур олиб чиқмасдан аввал ўша дурни савдо қилиши ботил савдо бўлади. Чунки бу ҳам йўқ нарсанинг савдоси бўлиб, келишилаётган нарса аслида ботил-алдов савдо ҳисобланади.

в) Фасод:

Фасод билан бутлон ўртасида фарқ бор.³³ Чунки бутлон Шорёнинг амрига аслидан олганда мувофиқ келмаслик, демакдир. Яъни рукнларида бузилиш ёки бузилиш ҳукмини олган нарса бор бўлиб, худди хайвон қорнидаги бола савдоси каби, амал аслидан ман қилинган бўлади. Ёки шартнинг мавжуд эмаслиги амалнинг аслини бузиб юборади. Фасодда эса бундан ўзгача. Чунки фасодда амалнинг асли Шорёнинг амрига мувофиқ келаверади, аммо амалнинг аслини бузмайдиган унинг сифати Шорёнинг амрига мувофиқ келмайди. Шунинг учун фасоднинг сабаби бартараф қилинса, фасод ҳам бартараф бўлади.

Мисол учун, шаҳарда яшовчи шахс чўлда яшовчи шахсга нарса сотиши фосид амал. Чунки чўлда яшовчи шахс нарх-навони билмайди. Бу ерда мана шу билмаслик (сабаб) бартараф қилинса, унга нарса сотиш саҳих (тўғри) бўлиб қолади.

Яна бир мисол, бир киши сигир сота туриб, бу сигир фалон литр сут беради, дея шарт қўйса, ёки бир совлик қўй сота туриб, бу қўй қўчқор туғади, дея шарт қўйса, бундай савдо фосид савдо бўлади. Чунки бунда битим тузилаётган нарсанинг аслида эмас, балки сифатлаш ва ўлчашларида ботил-алдов мавжуд.

Яна бир мисол, бир неча кишилар фақат маблағлари билан, бир тансиз шериклик савдосини қилишса – акционерлик компанияси каби – бундай шериклик савдоси ботил ҳисобланади. Чунки унинг аслида яъни битим тузаётган икки тарафда бузилиш мавжуддир.

⁽³³⁾ Ибодатларда фасод билан бутлон ўртасида фарқ йўқ. Чунки ибодатлар ё зиммани покловчи тўғри (саҳих) ибодат бўлади ёки вожиб соқит бўлмайдиган нотўғри (ғайри саҳих) ибодат бўлади. Яъни тўғри намоз ё нотўғри намоз бўлади, бошқача намоз бўлмайди. Аммо молиявий битимларда фасод билан бутлон ўртасида фарқ мавжуддир. Молиявий битимлар савдо-сотик, ижара, ҳавола, шериклик ва бошқалар каби муқобил мажбуриятларни пайдо қилади ёки мулкни бировдан бировга кўчиради. Баъзилар молиявий битимга никоҳ битимини ҳам қўшишади. Бу қўшишда никоҳнинг тузилиши ё тузилмаслиги жиҳатидан эмас, балки никоҳдан келиб чиқувчи асоратлар жиҳатидан фасод ва ботилга бўлишади. Чунки никоҳ фосид ва ботил бўладиган бўлса, у тузилган никоҳ деб ҳисобланмайди ва бундай никоҳга жазо белгиланади.

Аммо бир неча кишилар шаръий шартларга асосан шериклик савдосини қилишса, аммо улардан бир шерик мен (ўртадаги маблағдан) муайян маблағ оламан, деган шартни қўйса, бундай шериклик савдоси фосид бўлади. Чунки унинг сифатида алдов бор. Яъни ушбу шерик муайян маблағ эмас, балки олинган фойдадан фоиз олиши лозим. Агар айни шериклар фойдадан фоиз олишга келишишса, фасод бартараф бўлади ва битим ҳам тўғри битим бўлиб қолади.

5. Азима ва рухсат:

Азима шаръий аҳкомлардан умумий тарзда тузилган ва унга амал қилиш бандаларга (мажбуран) юклатилган нарсадир.

Рухсат эса бирор узр туфайли азимага шаръий аҳкомлардан энгиллик тарзида тузилган, азима эса сақланиб қолинган, унга амал қилиш бандаларга (мажбуран) юклатилмаган нарсадир.

Рухсат – рухсат, деб эъяхни қилиниши учун албатта шаръий далил керак. Чунки у Аллоҳ Субҳанаҳу бирор узр туфайли тузган ҳукмдир.

Масалан, рўза азима. Уни тутмаслик эса бемор ёки мусофир одамга рухсат. Таҳоратда аъзони ювмоқ азима. Аъзога бирор жароҳат туфайли масҳ тортиш эса рухсат. Тик туриб намоз ўқиш азима. Уни ожизлигу туфайли ўтириб ўқиш эса рухсат. Намозни ўз вақтида ўқиш азима. Уни сафарда ва ёмғирда жам қилиб, ўз вақтидан бошқа вақтда ўқиш эса рухсат. Намозни ҳамма ракатлари билан тўла ўқиш азима. Уни сафарда қаср қилиб ўқиш эса рухсат, ва ҳоказо...

Азима умумий тарзда тузилган шаръий ҳукмлардан бўлганлиги учун бошқа мукаллафлар қолиб, фақат айрим мукаллафларга хос эмас. Шунингдек, унга амал қилиш билан бошқа амалларга амал қилиш ўртасида фарқ йўқ.

Аммо рухсат эса кутилмаган бир узр туфайли тузилган ҳукм бўлиб, бу ҳукм айни узр мавжуд бўлиб турган пайтда эъяхнига олинади ва узр бартараф бўлган пайтда бу ҳукм эъяхнига олинмайди.

Рухсат – рухсат сифатида тузилган ҳукм бўлгани боис, унинг ҳукми мубоҳдир. Агар (киши узрли бўлиб қолса ҳам,) азимага амал қилишда давом этаверса, азима мубоҳ ҳукмида тураверади. Агар у рухсатга амал қиладиган бўлса, рухсат ҳам рухсат ҳукмида туради.

Энди нима учун азима ҳам, рухсат ҳам мубоҳлик ҳукмида бир хил эканига келсак, бу ҳақда Росулulloҳ ﷺнинг қуйидагича ҳадислари мавжуд бўлиб, бу ҳадис иккала ҳолатда адо қилинса ҳам Аллоҳга итоат ҳосил бўлишини баён қилади:

«إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ أَنْ تُؤْتَى رُحْصَةٌ كَمَا يُحِبُّ أَنْ تُؤْتَى عَزَائِمُهُ»

«Албатта, Аллоҳ ўз рухсатларига ҳам, азималарига ҳам амал қилинишини яхши кўради».³⁴

Аммо маълум бир ҳолатда Аллоҳ рухсатга ёки азимага амал қилинишини кўпроқ севадиган ҳолат бундан мустаснодир. Мисол учун Аллоҳ Таоло айтади:

أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامٍ مَسْكِينٍ فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ

– „*Санокли кунлар. Сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутади. (Бирор узр туфайли) рўза тутушига қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдоридан эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса, ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутушингиз ўзингиз учун яхшироқдир*“.

[2:184]

Ушбу оятдан тушунилишича, кимга бирор узр туфайли рўза тутмаслик рухсати берилган бўлса-ю, аммо у ҳеч қийинчиликсиз рўза тутушига қодир бўлса, унинг рўза тутуши тутмаслигидан афзалдир. Шунингдек, ким тайёрада ёки енгил-юмшоқ машинада мусофирлик масофасига сафарга чиқса, у рўза тутуши ҳам мумкин, тутмаслиги ҳам мумкин. Аммо у Аллоҳ Таолонинг

وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ

Агар билсангиз, рўза тутушингиз ўзингиз учун яхшироқдир деган каломига кўра, рўза тутуши тутмаслигидан афзалдир.

Росулуллоҳ ﷺнинг ҳам бундай саҳиҳ ҳадислари бор: Росулуллоҳ ﷺ бир мусофир кишининг рўза тутиб олганини, рўза эса уни ҳолдан тойдириб кўйганини кўриб қолдилар ва бундай дедилар:

«لَيْسَ مِنَ الْبِرِّ الصِّيَامُ فِي السَّفَرِ»

«Сафарда рўза тутиш яхши эмас».³⁵

Ушбу ҳадисдан ким чарчатиб кўядиган сафарга чиққан бўлса, у рўза тутгандан тутмагани афзал эканлиги тушунилмоқда.

Биринчи ҳолатда, оятдан рўза тутиш яъни азимага амал қилиш афзал эканлиги, иккинчи ҳолатда эса ҳадисдан рўза тутмаслик яъни рухсатга амал қилиш афзал эканлиги тушунилмоқда.

Энди азима билан рухсат ўртасида афзалликни баён қилувчи бирор нусус келмаган бўлса, рухсат ёки азимага амал қилиш мувоҳликда бир хил бўлади. Юқорида ушбу мавзу бошида

⁽³⁴⁾ Ибн Можа: 69\2. Байхақий: 140\3. «Мўъжам кабир»: 84\10. «Мўъжам авсат»: 2602.

⁽³⁵⁾ Бухорий: 1810. Муслим: 1879.

келтирилган Росулulloҳнинг хадислари бунга далолат қилиб турибди.

ТҶҮРТИНЧИ ФАСЛ

Куллий шаръий ҳукм

Куллий қоида

Шаръий ҳукм Шорейнинг бандаларнинг амалларига тааллуқли хитоби бўлиб, бу хитоб – юқорида баён қилганимиздек – иқтизо ё вазъ ёки тахйир билан бўлади.

Бу шаръий ҳукм баъзан хос сўзга мансуб бўлиб, хос ҳукм бўлса, баъзан умумий сўзга мансуб бўлиб, умумий ҳукм бўлади.

Баъзан эса куллий (яхлит) сўзга мансуб бўлиб, куллий ҳукм бўлади.

Умумий сўз – муфрад ёки мураккаб (сўзлардан таркиб топган) сўз бўлиб, унинг остига бошқа сўзлар кирмайди. Мисол учун, «زَيْدٌ» Зайд» эркак шахсининг атоқли оти ёки «زَيْتُونٌ» зайтун» зайтун дарахтининг атоқли оти ёки «الْخَلِيلُ» Холил» Халил шахрининг номи ёхуд «عَبْدُ اللَّهِ» Абдуллоҳ» эркак шахсининг атоқли оти каби.

Умумий сўз – ҳар қандай муфрад сўз бўлиши, унинг остига бошқа ёлғиз сўзлар кириши мумкин. Мисол учун, «الشَّجَرَةُ» дарахт», «الْغُرِّي» ўғри», «الْمَيْتَةُ» ўлимтик», «الرِّبَا» рибо», «الرِّجَالُ» кишилар», «الْمُسْلِمُونَ» мусулмонлар» каби.

Куллий сўз эса – ҳар қандай мураккаб сўз бўлиб, унинг остига жузъий сўзлар киради.³⁶ Мисол: «مَا لَا يَتِمُّ الْوَجِبُ إِلَّا بِهِ فَهُوَ وَاجِبٌ» Вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир», «الْوَسِيلَةُ إِلَى الْحَرَامِ» Ҳаромга олиб борадиган восита ҳам харомдир» қоидалари каби.

Бу ерда биз «الْوَجِبُ», «الْوَسِيلَةُ» демадик. Агар шундай десак – «ال» замонга хос бўлмагани учун – сўз умумий сўз бўлиб қолар эди. Шунинг учун «مَا لَا يَتِمُّ الْوَجِبُ إِلَّا بِهِ» дедик, яъни остига бошқа жузъий сўзлар ҳам кирадиган мураккаб сўз қилдик. Шунингдек, жузъий

⁽³⁶⁾ Куллийлик хоҳ мутаветъ сўз бўлсин, хоҳ мушаккак сўз бўлсин, муфрад далолатларидан ҳисобланади (учинчи боб, биринчи фаслнинг муфрад мавзусига қаранг). Бирок, ушбу таркиб сўзни агар унинг остига бошқа жузъий сўзлар ҳам кирадиган тарзда сийгага бўлишининг имкони бўлса, бундай ҳолда, унинг остига айна куллийлик мажозий маъно сифатида киради, чунки мажознинг муфрад билан ўхшашлиги мавжуд. Ана шунда ушбу таркиб сўз куллий сўз бўлиб қолади-да, унинг остига жузъий сўзлар ҳам кириши мумкин бўлади. Шаръий ҳукм мана шу куллий сўзга мансуб ҳукм бўладиган бўлса, уни куллий қоида, деб аташ мумкин бўлади.

сўзлар, дейилишини ва ёлғиз сўзлар, дейилмаслигининг сабаби бу сўз мураккаб (таркиб топган) сўз эканлигидадир.

Шунинг учун шаръий ҳукм хос сўзга мансуб бўлса, хос ҳукм бўлиб, бошқасига ўтмайди. Мисол учун, Росулulloҳ икки кишининг гувоҳлигига тенг, деб ҳисоблаган Хузайманинг гувоҳлиги каби. Чунки бу ерда ҳукм фақат Хузаймагина³⁷ хос ҳукмдир.

Абу Бурданинг қурбонликка эчки сўйгани ҳақидаги ҳукм ҳам, унда «أَبُو بُرْدَةَ» деган хос сўз мавжудлиги учун фақат Абу Бурдага хосдир. Яъни Абу Бурдадан бошқа кимнинг эчкиси бир ёшдан ошмаган эчки бўлса, қурбонликка ярамайди.³⁸

Шунингдек, истиско намози, жаноза намози ва хавф намози каби хос намознинг тариқатига боғлиқ ҳукмда ҳам хос сўзга нисбат берилганлиги учун, хос ҳукм бўлади. Бундан фарқли ўларок, агар намозга ҳеч қандай хослов ва чекловсиз умумий сўз нисбат берилган бўлса, унинг ҳукми умумий ҳукм бўлади.

Масалан, шаръий ҳукмда «الْمَيْتَةُ الْوَالِدِيَّةُ» деган сўзга нисбат берилган бўлса, бу ҳукм умумий бўлади. Масалан, Аллоҳ Таолонинг

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ

– „Сизларга ўлакка ҳаром қилинди“ [5:3]

деган каломдаги «الْمَيْتَةُ الْوَالِدِيَّةُ» сўзи умумий бўлиб, ҳар қандай ўлимтик ҳайвоннинг ҳаром эканлигига далолат қилади ва бунда ўлимтик ҳайвоннинг бўғилиб ё зарб еб, ёки қатл қилиниб ўлганининг ёки унинг қора мол ё қўй каби ейиладиган ҳайвон бўлиши билан шер ё арслон каби ейилмайдиган ҳайвон бўлишининг фарқи йўқ.

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг

وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „судхўрликни ҳаром қилди“ [2:275]

деган каломдаги рибо (судхўрлик) сўзи ҳам умумий сўз бўлиб, рибонинг нақ ёки насия бўлишидан фарқсиз, ҳар қандай рибо ҳаром эканлигига далолат қилади.

Энди, шаръий ҳукмда куллий сўзга нисбат берилган бўлса, ҳукм куллий бўлиб, барча жузъий ҳукмларга ҳам тегишли бўлади. Масалан, «مَا لَا يَتِمُّ الْوَأَجِبُ إِلَّا بِهِ فَهُوَ وَاجِبٌ» Вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир», десак ҳукм «مَا لَا يَتِمُّ الْوَأَجِبُ إِلَّا بِهِ» дегандаги

⁽³⁷⁾ Абу Довуд: 3607. Насойи: 4647. Аҳмад: 215/5. Мустандрок: 21/2.

⁽³⁸⁾ Бухорий: 5226. Муслим: 1961.

куллий сўзга нисбат берилганлиги учун куллий ҳукм бўлади ва барча жузъий ҳукмларга ҳам тўғри келади.

Масалан, икки қўлни тирсаккача ювиш таҳорат ояти орқали вожиб бўлди. Энди, юваётганда тирсакнинг бир жузини қўшиб ювиш ҳам вожибдир. Чунки то икки қўл тирсаккача ювилиши амалга ошиши учун тирсакларнинг жузи (тирсак қисми) ҳам ювилиши зарур. Мана шу «مَا لَا يَتِمُّ الْوَأَجِبُ إِلَّا بِهِ فَهُوَ وَاجِبٌ» Вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир» қондаси туркумига киради.

Шунингдек, жазо ҳадларини қўллаш шу ҳақдаги оятлар нусуси орқали вожиб бўлди. Аммо бу вожиб имом-халифасиз амалга ошмайди. Шунинг учун, «مَا لَا يَتِمُّ الْوَأَجِبُ إِلَّا بِهِ فَهُوَ وَاجِبٌ» Вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир» қондаси тақозосига кўра мусулмонлар учун битта имом-халифани сайлаш ҳам вожиб бўлди.

Шаръий ҳукмларнинг жуда кўпи умумий ҳукмлардир. Хос ҳукмлар эса озчиликни ташкил қилади. Мужтаҳидлар шулардан куллий ҳукмларни битта далил ёки бир нечта далиллардан истинбот қиладилар. Чунки улар мана шундай далил ёки далиллар замирида иллат ёки иллат кўринишидаги маъно бор эканлигини гувоҳи бўлдилар ва бу эса уларни куллий ҳукмдан бир неча жузъий ҳукмларни ифодасини тузишларига ундади.

Мана шундай куллий ҳукм усули фикҳда «куллий қондалар» деган истилоҳ билан аталди.

Қуйида ушбу куллий қондалардан айримларини ва уларни шаръий далиллардан қандай истинбот қилинишини баён қиламиз.

1. «الْوَسِيلَةُ إِلَى الْحَرَامِ حَرَامٌ» Ҳаромга олиб борадиган восита ҳам ҳаромдир».

Бу қонданинг далили Аллоҳ Таолонинг ушбу қаломидир:

وَلَا تَسُبُّوا الَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ فَيَسُبُّوا اللَّهَ عَدْوًا بِغَيْرِ عِلْمٍ

– „Аллоҳдан ўзгага сизинадиган кимсаларни (бутларини) сўкманг! У ҳолда улар ҳадларидан ошиб, жоҳиллик билан Аллоҳни сўкурлар“. [6:108]

Ушбу оятда «وَلَا تَسُبُّوا» сўкманг» дея куфр олиҳаларини сўкишдан қайтарув бор. Бу ерда айна қайтарув қатъий қайтарув эканини ифодаловчи қарина мавжуд бўлиб, уларнинг олиҳасини сўкиш Аллоҳ Субҳанаҳунинг сўкиб юборишларига сабаб бўлиши қаринасидир. Мана шундан, бу оят кофирларнинг олиҳасини сўкиш ҳаром эканлигини ифодаламоқда. Лекин бу оятдан яна шу нарса ҳам тушунилмоқдаки, мана шу ҳаром қилинишнинг иллоти

кофирларнинг олихасини сўкиш Аллоҳ Субҳанаҳуни сўкишга олиб боришидан келиб чиқди. Чунки оятда фо сабабиянинг келиши шунга эслатма ва ишора мавжудлигига далолат қилиб турибди. Шу боис, аини оятдан ҳаромга олиб борувчи восита ҳам ҳаром қилинганлиги истинбот қилинди ва бу мана шу қоидага далил бўлди.

2. «مَا لَا يَتِمُّ الْوَجِبُ إِلَّا بِهِ فَهُوَ وَاجِبٌ» Вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир».

Бу қоиданинг далили «мантуқи вожибга далолат қилаётган Шореънинг хитобига риоя қилиш далолати»дир. Бошқача айтганда, агар Шореънинг хитоби бирор ишнинг вожиб эканини кўрсатиб турган бўлса, риоя қилиш далолатига кўра, мана шу хитобнинг ўзи «вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожиб» эканлигини кўрсатади.

Мисол учун, икки қўлни тирсаккача ювиш вожиб. Шореънинг унинг вожиблигига қилган хитоби эса мана бу оят:

فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ

– „*Юзларингиз ва қўлларингизни чиганоқларигача ювинг*“.

[5:6]

Бу ерда вожибни адо қилиш учун зарур бўлган нарса тирсак қисмини ҳам қўшиб ювишдир. Чунки икки қўлни тирсаккача ювиш учун албатта иккала тирсак қисмларини ҳам ювиш зарур.

Яна бир мисол, намоз вожиб яъни фарздир. Ушбу вожибликка Аллоҳ Таолонинг

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ

– „*Ва намозни барпо қилинглар*“.

[24:56]

каломи далолат қилади. Бу вожибни амалга ошириш учун зарур бўлган нарса эса таҳоратдир. Аммо таҳорат намознинг дуруст бўлиши учун бир шарт яъни мана шу вожибнинг шартидир. Шунинг учун таҳоратни намоз вожибининг далили ўз ичига олмайди, балки бунинг учун бошқа алоҳида далил керак бўлади. Аини ҳолатда бунга Аллоҳ Таолонинг мана бу каломи далил бўлади:

إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

– „*Намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиганоқларигача ювинг, бошларингизга масх тортинг ва оёқларингизни ошиқларигача ювинг*“.

[5:6]

Агар «вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир» шарт бўлмаса, у ҳолда, унинг вожиблигини намоз вожибининг

далили илтизом далолатидан тушунилувчи иллатни ўз ичига олади. Ушбу шаръий қоида мана шу жиҳатдан келиб чиқди.

3. «Истисҳоб қондаси».

«استصحاب» Истисҳоб» сўзининг луғавий маъноси суҳбатни (шерикликни) талаб қилиш, демакдир. Бир нарса бир нарсани ўзига лозим кўрса унга риоя қилди, дейилади. Яъни «استصحاب»дан мурод (асл) ҳолатга риоя қилишдир.

Усул уламолари таърифида эса иккинчи замондаги бир ишни биринчи замондаги исботига биноан исбот қилиш ҳукми, яъни бир ишни аввалги замонда собит бўлганига қараб, ҳозирги замонда исботини топишидир. Ҳар қандай ишнинг мавжудлиги исботланган бўлса-ю, кейин унга шубҳа уйғонган бўлса, ўша иш асл ҳолида қолади.

Истисҳоб шаръий далил эмас. Агар шаръий далил бўлганда эди, уни исбот қилиш учун қатъий ҳужжатга муҳтож бўлинар эди. Истисҳобда эса қатъий ҳужжат йўқ, балки у куллий шаръий қоида, яъни куллий шаръий ҳукм бўлиб, уни истинбот қилишда (зонний) тахминий далил ҳам кифоя қилади. Ушбу истисҳоб қондаси қуйидаги далиллардан истинбот қилинган:

1. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ وَإِنَّكُمْ تَخْتَصِمُونَ إِلَيَّ وَلَعَلَّ بَعْضَكُمْ أَنْ يَكُونَ أَلْحَنَ بِحُجَّتِهِ مِنْ بَعْضٍ فَأَقْضِي عَلَى نَحْوِ مَا أَسْمَعُ»

«Мен ҳам бир бандаман. Сизлар жанжаллашиб қолсангизу, бирингининг ҳужжати бирингизникидан ғализроқ бўлиши мумкин, мен сизлардан эшитган нарсамга қараб ҳукм қиламан».

Бу ҳадисни Бухорий Умму Салама тарафидан чиқарди. Бу ҳадисдан тушунилишича, Росулulloҳ ﷺ бу нарсага ўзига зоҳир бўлишига қараб ҳукм чиқаряптилар. Бу эса ҳукмни зоҳирига яъни асл ҳолатига бино қилишни англатади.

2. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّ الشَّيْطَانَ يَأْتِي أَحَدَكُمْ فَيَقُولُ: أَحَدَنْتَ أَحَدَنْتَ، فَلَا يَنْصَرِفَنَّ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا»

«Албатта, шайтон бирингизга келиб, таҳоратингни кетказдинг, таҳоратингни кетказдинг, дейди. Бас, то (елнинг)

овозини эшитмагунча ёки хид сезмагунча (намозни) тўхтатмасин».³⁹

Бу ҳадис шунга далолат қиладики, инсон аслида таҳоратига аниқ ишончда бўлса-ю, кейин кетиб қолганига шубҳа қилиб қолса, намозини адо қилавериши мумкин. У бошқа таҳорат қилиши шарт эмас. Агар кетиб қолганига аниқ ишонса ва таҳоратига шубҳаланиб қолса, у таҳорат қилиши лозим. Мана шу (ҳолатни истисҳоб қилиш) асл ҳолатга риоя қилиш бўлади.

3. Агар бир иш аввалги (асл) замонда мавжудлиги ёки мавжудмаслиги исботланган бўлса, аммо бу иш қатъан ҳам, тахминан ҳам йўқолганлиги зоҳир бўлмаса, у албатта, асл ҳолатида (исботланган ҳолича) тахмин қилиниши лозим. Тахминга амал қилиш эса вожибдир. Чунки тахмин шаръий аҳқомларга эргашган ҳужжат бўлиб, бу ҳужжат (гумон ғолиб келишга) кўпроқ эҳтимолга асосланган ҳужжатдир.

Мана шулар истисҳоб қоидасининг далиллари бўлиб, улардан «аниқ ишонч шубҳа билан йўққа чикмади», деган қоида тушунилади.

Истисҳоб қоидасини баҳс қилиш ўрни куйидаги ҳоллардадир: Ҳукм далил билан ўз исботини топган бўлсаю, аммо бу далил ўзининг сақланиб қолиши ва давом этишига далолат қилмаган бўлса ҳамда унинг сақланиб қолиши ва давом этишига далолат қиладиган бошқа бирор далил топилмаса, шунингдек, мужтаҳид ҳам имкони борича ҳаракат қилиб, ҳукмни ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган бирор далил тополмаган бўлса.

Бу эса истисҳоб қоидасига дахлдор эмаслигини англатади:

а) Ақлий далил нарсанинг мавжудлиги ва давом этишига далолат қилса. Масалан, Аллоҳ Таолонинг бор бўлиши зарурийлиги каби.

б) Нақлий далил нарсанинг сақланиб қолиши ва давом этишига далолат қилса. Масалан, покиза аёлларни зинокорликда айблаган кимсанинг гувоҳлиги қабул қилинмаслиги каби:

وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا

– «...уларнинг гувоҳлигини абадий қабул қилманглар». [24:4]

Яна бир мисол, жиҳоднинг давом этиши каби:

«الْجِهَادُ مَا ضِيَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

«Жиҳод қиёмат кунигача тўхтатмайди».⁴⁰

⁽³⁹⁾ Дорамий: 721. Аҳмад: 96/3. «Мўъжами кабир»: 249/9. «Мўъжами авсат»: 2085. «Насбур роя»: 128/1. «Талҳисул хабир»: 182/1.

⁽⁴⁰⁾ Дорамий: 721. Аҳмад: 96/3. «Мўъжами кабир»: 249/9. «Мўъжами авсат»: 2085. «Насбур роя»: 128/1. «Талҳисул хабир»: 182/1.

Ушбу нусус жиҳодни тўхтамаслигига далолат қилди.

Хуллас, а) ва б) пунктлари ва бошқаларда келган ҳукмлар нарсанинг мавжудлиги ва давом этиши истисҳоб қоидаси билан эмас, балки бошқа махсус далил билан исботлангандир.

Истисҳоб қоидасига мисоллар:

1. Бир киши бир қизга бокира деб уйланса, кейин қиз билан қўшилгач, қизни жувон эканлигини даъво қилса, бунга хужжат-далил келтирмагунича унинг даъвосига ишонилмайди. Чунки аввалда қизда бокираликнинг мавжуд бўлганлиги ва бу бокиралик ўсиб улғаяётган пайтида собит бўлганлиги аслдир. Шунинг учун (жувон эканлигига хужжат-далил йўқ экан) қизнинг бокиралигини истисҳоб қилиниб, ҳозирги замонда унга бокира, деган ҳукм берилади.

2. Бир киши иккинчи кишига қарз берганлигини даъво қилса, то бунга хужжат-далил келтирмагунича бу даъвоси қабул қилинмайди ва ҳолатни истисҳоб қилиниб, (даъвогарнинг эмас) даъво қилинаётган одамнинг гапи олинади. Чунки молиявий ҳуқуқлар бўйича жинойтдан поклик аслдир. То бунинг зиддига далолат қилувчи бирор далил топилмас экан, асликка амал қилинади.

3. Бир киши ўргатилган деган ўй билан ит сотиб олса, кейин итни сотган кишига ит ўргатилмаган чиқиб қолганлигини даъво қилса, ҳолатни истисҳоб қилиш қоидасига кўра, унинг даъвоси қабул қилинади. Чунки ҳайвон ўргатилмаган бўлиши аслдир. Шунинг учун то бунинг зидди исботланмас экан, шу аслик сақланиб қолади.

4. Шаръан тўғри никоҳ битими қилинганлигига биноан, эр-хотинликнинг собитлиги сақланиб қолиш ҳукми ва шаръан тўғри савдо битими қилинганлигига биноан, савдода мулкка эга бўлишнинг сақланиб қолиш ҳукми. Чунки ушбу эр-хотинлик ва мулкка эга бўлиш ҳукмларининг иккаласи ҳам кечиктиришни қабул қилмайдиган ҳукмлар бўлгани боис, то бунинг зиддини кўрсатувчи далил топилмас экан, ўзгаришсиз сақланиб қолиш далилини талаб қилади.

5. Таяммум қилган киши намоз ўқиятиб сувни кўриб қолса, ҳолатни истисҳоб қилиш қоидасига кўра, намози ботил бўлмайди. Чунки сувни кўриб қолишидан илгари намози тўғри намоз эди. Шунинг учун то сувни кўриб қолиш намозни бузади, деган бирор далил топилмас экан, истисҳобга амал қилинади.

4. «Зарар қоидаси».

Зарар қоидаси икки қисмга бўлинади:

а) Бир нарса зарарли бўлса, аммо уни қилишга ҳам, қилмасликка ҳам ёки қилиш ва қилмаслик ўртасида ихтиёр беришга ҳам Шореънинг хитоби келмаган бўлса, ана шу зарарли нарса ҳаром қилинади ва уни зарарлилиги ҳаром эканлигига далил бўлади. Чунки Шореъ зарарни ҳаром қилган. Бунинг қоидаси: «لَا ضَرَّارَ الْأَصْلُ فِي الْمَضَارِّ التَّحْرِيمِ».

б) Шореъ умумий бир нарсани мубоҳ қилган бўлсаю, аммо мана шу мубоҳ қилинган нарсалар орасидан бир бўлаги зарарли бўлса, ана шу бир бўлак нарса ҳаром қилинади ва унинг ҳаром эканлигига унинг зарарлилиги далил бўлади. Бунинг қоидаси: «كُلُّ فَرْدٍ مِنْ أَفْرَادِ الْمُبَاحِ إِذَا كَانَ ضَارًّا أَوْ مُؤَدِّيًا إِلَى ضَرَرٍ حَرَمَ ذَلِكَ الْفَرْدُ وَظَلَّ الْأَمْرُ مُبَاحًا» Мубоҳ нарсалардан биттаси зарарли ёки зарарга олиб борувчи бўлса, мана шу биттаси ҳаром қилинади ва қолганлари мубоҳлигича қолади.

Юқоридаги б) бўлимига Росулulloҳнинг ушбу икки ҳадислари далилдир:

«لَا ضَرَّارَ وَلَا ضِرَّارَ»

«Зарар кўриш ҳам бўлмасин, зарар етказиш ҳам бўлмасин».⁴¹

«مَنْ ضَارَّ ضَارًّا لِلَّهِ بِهِ، وَمَنْ شَاقَّ شَقًّا لِلَّهِ عَلَيْهِ»

«Ким зарар келтирса, Аллоҳ ҳам унга зарар келтирур. Ким машаққат келтирса, Аллоҳ ҳам унга машаққат келтирур».⁴²

Бу ҳадислар «لَا ضَرَّارَ الْأَصْلُ فِي الْمَضَارِّ التَّحْرِيمِ» Зарарли нарсаларнинг асли ҳаром қилишдир», деган қоида шаръий қоидаларнинг бири эканлигига далил бўлади.

Иккинчи қоиданинг биринчи бўлимига Росулulloҳнинг ушбу ҳадислари далил бўлади:

«لَا تَشْرَبُوا مِنْ مَائِهَا شَيْئًا وَلَا تَتَوَضَّأُوا مِنْهُ لِلصَّلَاةِ وَمَا كَانَ عَجِينِ عَجَنْتُمُوهُ فَعَلْفُوهُ
الْإِبِلَ وَلَا تَأْكُلُوا مِنْهُ شَيْئًا، وَلَا يَخْرُجَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ اللَّيْلَةَ إِلَّا وَمَعَهُ صَاحِبُهُ»

«Унинг (қудукнинг) сувидан озгина ҳам ичманг ва ундан намоз учун таҳорат ҳам қилманг. У сувдан хамир қориган бўлсангиз, уни туяларга едириб юборинг ва ундан ўзингиз

⁽⁴¹⁾ Ибн Можа: 2340. «Муватто»: 1429. Аҳмад: 133\1, 326\5. Аҳмад Шокир – бу Ҳадисни Ибн Можа ривоят қилди ва унинг санади саҳихдир, деди.

⁽⁴²⁾ Бухорий: 6733. Абу Довуд: 3635. Термизий: 1940, Термизий – бу ҳадис ҳасан ва ғариб, деди. Ибн Можа: 2342. Аҳмад: 453\3.

озгина ҳам еманг. Бирортангиз бу тунда ёлғиз ташқарига чиқмасин, шерик билан чиқса, майли».⁴³

Бу ерда самудларнинг кудуғида зарар мавжудлиги учун фақат ўшаларнинг кудуғидаги сув ҳаром қилинди ва қолган сувлар мубоҳлик ҳукмида қолди. Шунингдек, киши ёлғиз чиқишида зарар мавжудлиги ҳам фақат ўша тунга ва ўша жойга хос зарар эди. Шунинг учун ўша тунда ташқарига ёлғиз чиқиш ҳаром бўлади, қолган тунлари қолган жойларга ёлғиз чиқиш мубоҳлик ҳолида қолаверади. Бу биринчи бўлимга яъни мубоҳ нарсаларнинг бир бўлаги зарарли бўлишига далилдир.

Иккинчи бўлимнинг далили, яъни мубоҳ нарсаларнинг бир бўлагининг зарарга олиб боришига келсак, унинг далили ушбу ривоятдир: «Росулуллоҳ ﷺ Табукда ўн кечадан ортиқ туриб, у ердан нарига ўтмадилар. Кейин Мадинага қайтаётган эдилар, йўлда «Машаққат водийси», дейилган водийда битта, иккита ё учта отликни қондиришга кифоя қилгудек томчилаётган сувга дуч келдилар. Шунда Росулуллоҳ ﷺ:

«مَنْ سَبَقَنَا إِلَى ذَلِكَ الْوَادِي فَلَا يَسْتَقِينُ مِنْهُ شَيْئًا حَتَّى نَأْتِيَهُ»

«Биз қайтиб келгунимизча, ким биздан аввал бу ерга келса, сувдан озгина ҳам ичмасин», дедилар. Росулуллоҳдан аввал бир нафар мунофиқлар келишиб, сувни ичиб қўйишди. Росулуллоҳ қайтиб келаётиб ўша ерда тўхтаб, ҳеч нарсани топмадилар. Шунда:

«مَنْ سَبَقَنَا إِلَى الْمَاءِ؟»

«Ким биздан олдин сувга келди?», дедилар. Фалончи, фалончилар, дейишди. Шунда Росулуллоҳ:

«أَوْ لَمْ أَنَّهُمْ أَنْ يَسْتَقُوا مِنْهُ شَيْئًا حَتَّى آتِيَهُ؟»

«қайтиб келгунимча, уларни сувдан озгина бўлса ҳам ичишларидан қайтармадимми?» дедилар ва уларни лаънатлаб, дуои бад қилдилар.⁴⁴

Ушбу ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ аскарларнинг ташна бўлишларига олиб бориши боис, озгина сувни ичишдан қайтардилар. Бу ерда ушбу водий сувидан ичишда зарар йўқ. Балки у ерга Росулуллоҳ ﷺ етиб келиб, сувни қўшинга тақсимлаб беришларидан аввал уни ичиб қўйиш қўшиннинг сувсиз қолишига яъни зарарга олиб келади. Мана шулар зарар қоидасининг далиллари дир.

Мисол: Бир кишининг дарахти шоҳлари ўсиб кетиб, қўшнисининг ҳовлисига осилиб тушиши билан зарар етказиши

⁽⁴³⁾ «Ибн Ҳишом сийрати»: 164/4.

⁽⁴⁴⁾ «Ибн Ҳишом сийрати»: 171/4.

мумкин. Бундай ҳолда дарахт эгасига шохларни кўтариб қўйиш ёки кесиб ташлаш юкланади.

Мисол: Бир киши томининг тарновини омманинг йўлига чиқариб қўйиши билан йўловчиларга зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолда тарновини тортиб олиши керак бўлади. Омманинг йўлига уй қуриб олиш ва бошқа ишлар билан тўсиб олиш худди шундай зарарга киради.

Мисол: Шериклар ўртасида бўлиш мумкин бўлган шериклик маблағи бўлса-ю, шерикларнинг бири уни бўлишни талаб қилса, қолган шериклар буни рад этишса ҳам, унинг талаби қондирилади. Мақсад, ширкат мулки орқали талабгорга зарар етиб қолишини даф қилишдир.

Мисол: Бир кишининг товуғи қўшнисининг бир дона қимматбаҳо гавҳарини ютиб юбориши билан зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолда гавҳар эгаси бу товукни сўйиб, гавҳарни чиқариб олишга эгалик қилишга ҳаққи бор.

Мисол: Ҳар бир шахс ўз мулкидан қўшниларига зарар етказадиган тарзда фойдаланиши ман этилади. Мисол учун, ёғжувоз ёки печ ишлатиш билан бадбўй хид ва тутун билан қўшниларга озор етказиши каби.

Мисол: Оғир қурол-аслаҳалар, кимёвий ва ядровий қуроллар заводларига шахсан эга бўлиш ман қилинади. Чунки бундай мулкларга эга бўлишда зарар мавжуд.

Мисол: Қози қарз эгасининг талабига биноан қарздорни – то у ажрим қилиш ишига ўзининг ўрнига вакил тайинлагунига қадар – сафарга чиқишдан ман этишга ҳаққи бор. Шунингдек, қарздор ўз вакилини вакилликдан бўшатиши мумкин эмас. Буни қарз эгасини зарардан сақлаш учун қилинади.

Мисол: Ақли заиф шахс ёмон хатти-ҳаракатлари билан ўзига ва оиласига зарар етказётган бўлса, уни жамиятдан ажратиб қўйиш шаръан жоиздир.

Мисол: Бир ариқ икки қўшнининг экинидан оқиб ўтаётган бўлса, ариқнинг бошида жойлашган қўшни ариқдан ўзи фойдаланиб, қўшнисидан тўсиб қўйиши мумкин эмас.

Мисол: Бир боғбоннинг ўз оиласи билан яшайдиган боғида бошқа бир кишининг ҳам дарахти бўлса. Бу киши дарахтини парвариш қилиш учун боққа қатнаши билан боғбонга ва оиласига озор бераётган бўлса, бу зарарни даф қилиш учун боғбон унинг дарахтини ундан сотиб олишга ёки суғуриб ташлашга ҳаққи бор.

Маҳкумун фихи:

«Маҳкумун фиҳи» (ҳукм ўрни), деб банданинг Шорёнинг хитобига тааллуқли амалини айтилади.

Шорёнинг бандалар амалларига тааллуқли шаръий далилларни ўқиб-ўрганилса, маҳкумун фиҳи асосан қуйидаги ҳолатларда келиши маълум бўлади:

1. Аллоҳ Жалла жалалуҳу биронта ҳам амални баён қилиб бермасдан туриб, уни бизга юкламайди ва унга кўра бизни ҳисоб ҳам қилмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا

– „*Биз то бирон набий юбормагунимизча (ҳеч кимни) азоблагувчи эмасмиз*“. [17:15]

Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ

– „*Сизга одамларга нозил қилган нарсаларни баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатмани — Қуръонни нозил қилдик*“. [16:44]

Аллоҳ Таоло айтади:

فَاسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ

– „*Агар билмасангизлар, аҳли илмлардан сўранг*“. [21:7]

2. Аллоҳ Жалла Жалалуҳу бизга (куч-имкониятимиз) тоқатимиздан ташқари нарсани юкламади. Аллоҳ Таоло айтади:

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا

– „*Аллоҳ ҳеч бир жсонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмади*“. [2:286]

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِذَا أَمَرْتُكُمْ بِأَمْرٍ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ»

«Сизларга бир ишни амр қилсам, уни кучингиз етганича бажаринг».⁴⁵

3. Аллоҳ Жалла жалалуҳу биздан бирор амални то Ўзининг ва Росулининг амрига итоат қилган ҳолда адо этмагунимизча қабул қилмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

فَلَا وَرَيْكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

– „*Йўк, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар*“. [4:65]

Аллоҳ Таоло айтади:

فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ

⁽⁴⁵⁾ Бухорий: 6744. Муслим: 2880. Аҳмад муснади: 508\2, 7188. Насоий: 2572. Ибн Можа:

– „*Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз у нарсани Аллоҳга ва пайгамбарига қайтарингиз*“.

[4:59]

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар.

«كُلِّ مَا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Бизнинг ишимиздан бўлмаган ҳар бир иш мардуддир».⁴⁶

4. Банданинг амаллари ичида Аллоҳнинг ҳаққи бўлган амаллар бор. Бу амалларга кўра, ҳадлар каби жазо чоралари келиб чикиб, раҳм-шафқат қилинмайди. Банда бу ҳақни соқит қилиш салоҳиятига эга эмас. Росулуллоҳ ﷺ бундай дедлар:

«أَتَشْفَعُ فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ?... وَإِنَّمِ اللَّهُ لَوَ أَنْ فَاطِمَةَ بِنْتُ مُحَمَّدٍ سَرَقَتْ لَقَطَعْتُ يَدَهَا»

«Аллоҳнинг жазо-ҳадлари тўғрисида раҳм қилиясизми?... Аллоҳга қасамки, ҳатто Муҳаммаднинг қизи Фотима (бирор нарса) ўғирласа ҳам унинг қўлини кесган бўлардим».⁴⁷

Бу амаллари ичида банданинг ҳаққи бўлган амаллар бор. Уларга кўра, қасос ёки дия-хун каби, жазо чоралари келиб чиқади ва банда шариат аҳқомларига, кўра афв қилиш ҳуқуқига эгадир. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَى بِالْأُنثَى فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَاتَّبِعْ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءٌ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ...

– „*(Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан, қасос олиш фарз қилинди. Энди ким биродари томонидан афв қилинса, у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир*“.

[2:178]

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ أُصِيبَ بَدَمٍ أَوْ خَيْلٍ - وَالْخَيْلُ : الْجِرَاحُ - فَهُوَ بِالْخِيَارِ بَيْنَ إِحْدَى ثَلَاثٍ : إِمَّا أَنْ يَفْتَنَ أَوْ يَأْخُذَ الْعَقْلَ أَوْ يَعْفُوَ، فَإِنْ أَرَادَ رَابِعَهُ فَخُذُوا عَلَيَّ يَدَيْهِ»

«Кимга қонли ёки жароҳатли мусибат етса, бас, у уч йўлдан бирини танлаши: ё қасд олади ё хун олади ёки афв қилади. Агар у тўртинчисини ирода қилса, қўлларидан ушлаб қолинг».⁴⁸

⁽⁴⁶⁾ Саҳиҳи Бухорий: Китоби сулҳ-2999 рақам. Саҳиҳи Муслим: Китоби акзия-3242, 3243 рақам. Сунани Абу Довуд: Китоби сунна-3990 рақам. Сунани Ибн Можа: Мукаддима-14 рақам. Муснади Аҳмад: Муснади ансор-23975, 24298, 24840, 24955, 25124 рақамлар.

⁽⁴⁷⁾ Бухорий: 213\4. Муслим: Ҳадлар: 9.

⁽⁴⁸⁾ Абу Довуд: 4496. Дорамий: 2351. Аҳмад: 31\4. Байҳақий: 52\8. Доркутний: 96\3.

5. Шорёнинг хитоби амалларга тааллуқли бўлса, ё бевосита тааллуқли бўлиб, тақлиф хитоби, дейилади, ёки билвосита тааллуқли бўлиб, амалнинг муайян вазиятига тааллуқли бўлади яъни вазъ хитоби, дейилади. Буни «Шаръий ҳукм» мавзусида айтиб ўтдик.

Маҳқумун алайҳ (банда):

Маҳқумун алайҳ, деб Шорёнинг хитоби унинг амалига тааллуқли бўлган банданинг ўзига айтилади.

Айни мавзу билан боғлиқ шаръий аҳкомларни ўқиб ўрганилса, шунга алоқадор бўлган асосий ҳолатлар қуйидагилардан иборат эканлиги аён бўлади:

1) Шорёнинг ақида ва аҳкомлар сифатида Исломга қилган хитоби мусулмон бўладими, кофир бўладими, барча инсонларга қаратилган хитобдир ва улар шунга кўра ҳисоб бериладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ

– „*Эй Муҳаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча инсонларга набий қилиб юбордик*“ [34:28]

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا

– „*Айтинг (эй Муҳаммад): Эй инсонлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ юборган элчман*“ [7:158]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُم

– „*Эй инсонлар Роббингизга ибодат қилинг*“ [2:21]

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ

– „*...ва инсонлар зиммасида байтуллоҳни ҳажж-зиёрат қилиши бор*“ [3:97]

Булар хитоб жиҳатидан. Энди ҳисоб беришлари жиҳатидан олганда, мусулмоннинг ҳисоб бериши аниқ-равшан, аммо кофир эса унинг ҳисоб бериши Аллоҳ Таолонинг ушбу оятларида баён қилинади:

وَوَيْلٌ لِّلْمُشْرِكِينَ * الَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ الزَّكَاةَ

– „*Закотни адо этмайдиган мушрикларга ҳалокат бўлғай*“ [41:6-7]

وَوَيْلٌ لِّلْكَافِرِينَ مِنْ عَذَابٍ شَدِيدٍ

– „*Кофирлар учун қаттиқ азоб - ҳалокат бўлғай*“ [14:2]

Бу ҳақда яна кўплаб оятлар мавжуд.

2) Мусулмон бўлмаган кимсадан намоз, рўза, закот, ҳаж каби Ислом тўғри бўлишини шарт қилиб қўйган бирорта амални адо қилиши қабул қилинмайди. Аммо Ислом тўғри бўлишини шарт қилинмаган нарсаларда уни қабул қилинади. Сафарда васиятга

гувоҳлик беришга ўхшаш ишларда унинг гувоҳлиги қабул қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا شَهَادَةُ بَيْنِكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ حِينَ الْوَصِيَّةِ اثْنَانِ ذَوَا عَدْلٍ مِّنْكُمْ أَوْ آخَرَانِ مِمَّنْ غَيْرُكُمْ إِن تُمْرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَأَصَابَتْكُمْ مُصِيبَةُ الْمَوْتِ

– „Эй мўминлар, бирортангизга ўлим келганда - васият қилар вақтида ўзингиздан (яъни мусулмонлардан) бўлган икки адолат эгаси ёки агар бирор ерга сафар қилиб, ўша ерда сизга ўлим етган бўлса, ўзгалардан бўлган (мусулмон бўлмаганлардан) икки киши ўрталарингизда гувоҳ бўлсин“.

[5:106]

3) Мусулмон киши шариат аҳкомларини Аллоҳ ва Росулига итоат қилган ҳолда татбиқ қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Росулига ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга итоат қилингиз! Бордию бирор нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва Росулига қайтаринг“.

[4:59]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ

– „Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинг ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингизда дунёдан ўтинг“.

[3:102]

Шариат аҳкомлари Исломий давлатда мусулмон бўлмаганларга зиммийлик битимига кўра татбиқ қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَن يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ

– „...то хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан жезия тўласинлар“.

[9:29]

Яъни Ислом аҳкомларига бўйсунган ҳолда беришсин. Чунки уларни Ислом ҳукмларига бўйсунишга мажбур қилинмайди, аммо Аллоҳ Таолонинг

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ

– „Динга киришга мажбурлаш йўқ“.

[2:256]

деган каломига мувофиқ уларни Ислом ақидасини қабул қилишга мажбур қилинмайди.

4) Маҳкум бандадан амалларни бевосита адо этиш қуйидаги уч ҳолатда соқит қилинади

Балоғатга етмаган бўлса;

Батамом ақдан озган жинни бўлса;

Атрофида нима бўлаётганини билмайдиган даражада қаттиқ ухлаётган бўлса.

Бунга Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзлари далилдир:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثٍ: الصَّبِيِّ حَتَّى يَبْلُغَ وَالنَّائِمِ حَتَّى يَسْتَبْقِظَ وَالْمَجْنُونِ حَتَّى يَفِيقَ»

«Уч кишидан қалам кўтарилди: гўдак то балоғатга етгунча, ухлаётган то уйғонгунча, жинни то хушига келгунча».⁴⁹

5) Мукаллаф банда куйидаги узрлар туфайли жавобгарликдан озод қилинади:

1. Ўлдирилиш билан ёки ўлдирилиш ҳукмидан саналувчи нарса билан мажбурланиш орқали ўз иродасидан маҳрум қилинган бўлса;

2. Ўзига вожиб бўлган нарсаларни эслолмайдиган даражада қаттиқ эсар бўлса;

3. Амални хато доирасида – беқасд – яъни ихтиёрисиз содир этган бўлса. Бу Росулulloҳ ﷺнинг ушбу ҳадислари доирасига киради:

«رُفِعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأُ وَالنَّسْيَانُ وَمَا اسْتَكْرَهُوا عَلَيْهِ»

«Умматимдан уч нарса хато, унутиш ва мажбурланиш (сабабли қилинган гуноҳ) олиб ташланди».⁵⁰

Яъни мана шу уч ҳолатда жавобгарликдан озод этилади.

Шу айтилган ҳоллардан башқа ҳолларда, шаръий аҳкомлар тақозосига кўра, бандалар мукаллаф (амалларни адо қилиш мажбурияти юкланган)дирлар.

⁽⁴⁹⁾ Абу Довуд: 4398. Аҳмад: 100\6. Насойи ва Ибн Можалар уни саҳиҳ санад билан Оиша رضي الله عنها тарафидан, Абу Довуд, Термизий, Насойи, Ҳокимлар эса Али رضي الله عنه тарафидан ривоят қилганлар.

⁽⁵⁰⁾ Ҳадис ровийлари ишончли, аммо узилиш бор бўлиб, уни Табароний, Дориқутни ва Ҳокимлар ривоят қилганлар, Ибн Можа эса 202\16да саҳиҳ деган).

ИККИНЧИ БОБ

ДАЛИЛ

БИРИНЧИ ФАСЛ

Шаръий далиллар

«الدَّيْلُ» сўзининг луғавий маъноси «الدَّالُّ» «етакловчи» бўлиб, етакловчи ва йўл кўрсатувчи нарсаларга, айтилади. Фуқоҳолар таърифида далил, деб аталган нарса мана шу. Ярни уларнинг таърифида тўғри назар солиш орқали хабарли матлубга етиш мумкин бўлган далилдир.

Усул уламолари эса далил – хабарли матлубга етиш мумкин бўлган нарса, деб таъриф беришди. Бошқача ибора билан айтганда, изланиш олиб борилаётган нарса шаръий ҳукм эканига ҳужжат келтирувчи нарса далил, деб ҳисобланади.

Ҳужжат то ҳужжат, деб ҳисобланиши учун албатта унинг ҳужжатлигига қатъий далил бўлиши лозим. Бу эса шаръий далил, деб ҳисобланаётган нарсанинг асли Аллоҳдан яъни ваҳидан эканлиги исботланиши лозим, демакдир.

Далил куйидаги тўрт манба орқали амалга ошади:

1. Қуръони Карим;
2. Суннат;
3. Саҳобалар ижмоси;
4. қиёс;

Ушбу тўрт манбага етарлича батафсил тўхталиб ўтамыз:

1. Қуръони Карим

Қуръони Карим бу – Аллоҳнинг ваҳиси яъни Жаброил عليه السلام воситасида Росули Муҳаммад صلى الله عليه وسلمга нозил қилган, сўзлари ҳам, маъноси ҳам Аллоҳники бўлган, ожиз қолдирувчи, тиловат қилиш билан ибодат қилинувчи ва бизга мутавотир даражасида нақл қилинган каломидир.

Қуръони Каримнинг Аллоҳ عز وجلнинг каломи эканига ақлий далил шуки, у арабча калом бўлиб:

Ё араблар тарафидан, ё Муҳаммад тарафидан ёки Аллоҳ тарафидан бўлиши мумкин ва булардан ўзга тарафдан бўлиши мумкин эмас.

Араблар тарафидан бўлиши ноҳақ. Чунки арабларнинг ўзлари унга ўхшашини келтиришга ожизлик қилишди. Бу эса қатъийлиги ва аниқ ишончни ифодаловчи мутавотир даражада исбот бўлди. Шу билан бирга Қуръони Каримнинг ўзи луғат, баён ва сўз устаси бўлган арабларни очиқ баҳсга чақирди:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّن مِّثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِّن دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

– „Агар Биз бандамизга нозил қилган Қуръондан шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳола, унга ўхшаган биргина сура келтиринг ва агар ростгўй бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг“: [2:23]
أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ وَادْعُوا مَنْ اسْتَطَعْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ

– „Ёки: «Уни Муҳаммад тўқиб чиқарган», дейишадими?!
Айтинг (эй Муҳаммад): «У ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чақириб шу (Қуръон)га ўхшаш биргина сура келтиринг“: [10:38]

Демак, Қуръони Карим араблар томонидан ижод қилинган эмас. Чунки улар Қуръони Каримга ўхшашини келтиришга ожизлик қилишиб, бу ожизликларини тан олишди. Унга ўхшашини келтиришдан бугун ҳам ожиз қолишяпти ва то қиёмат кунига қадар ожиз қоладилар.

Қуръони Карим Муҳаммад тарафидан бўлиши ҳам ноҳақ. Чунки Муҳаммад арабларнинг бири бўлиб, у ҳар қанча сўзга уста бўлмасин, ўзи яшаб турган асрдан буткул ажралиб туриши мумкин эмас. Араблар ожизми, уларнинг бири бўлган Муҳаммад ҳам ожиздир. Шунинг учун қабиладошлари келтиришга кодир бўлмаган каломни у ҳам келтира олмайди.

Шунингдек, Муҳаммад ﷺ дан мутавотир даражасида ривоят қилинган мана бундай ҳадис бор:

«مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ»

«Ким менга қасддан ёлгон гапирса, дўзахдан ўзига жой тайёрлаб олсин».⁵¹

Агар Муҳаммад ﷺ нинг каломи билан Қуръони Карим солиштириб кўрилса, бу икки калом ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик кўринмайди.

Шунингдек, масалан, дунёнинг ҳамма шоир, ёзувчи, файласуф ва муфаккирлари бирор услубда асар битишса, аввалда бу услуб заифроқ чиқади. Кейин бу услублари юқорилаб-юқорилаб, ниҳоят уларнинг қудрат чўккисигача кўтарилади. Шунинг учун улар кўллаган услуб заифлик ва кучлилиқда бир биридан фарқли бўлаверади. Бунга улар орасида мавжуд бўлган айрим ёмон, дағал иборадаги асарларнику айтмай қўя қолайлик. Аммо Қуръони Карим эса унинг ушбу биринчи кунда нозил бўлган

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ

– „Яратган Роббингиз номи билан ўқинг“: [96:1]
оятдан тортиб то энг охири нозил бўлган

⁽⁵¹⁾ Бухорий: 104, 107. Муслим: 503. Термизий: 2183. Абу Довуд: 2821.

وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ

– „**Ва** (барчангиз) **Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз!** **Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади**“.

[2:281]

ояти ҳам балоғат ва фасоҳат чўккисида туриб, ўткир фикрлар ва кучли ифодалар билан нозил бўлди. Унда на бирорта дағал, саёз услубдаги ибора бўлсин, на бирорта бачкана фикр бўлсин. Аксинча, Қуръондаги ибора ва фикрларнинг барчаси кучли битта бўлак, битта жумла сифатида батафсил услубда нозил бўлди. Бу эса ўз навбатида, Қуръони Каримдаги калом ибора ва маъноларнинг ўзаро ихтилофли бўлган инсоний каломдан жуда юқори туришига далолат қилади. Бу билан, юқорида исботлаганимиздек, Қуръони Карим Муҳаммаднинг ҳам, арабларнинг ҳам каломи эмас, балки оламлар Роббиси Аллоҳнинг каломи эканлиги исботланади. Аллоҳ Таоло айтади:

لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَنْزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ

– „**Унга** (Қуръони Каримга) **олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил-ноҳақлик келмас**, (у) **ҳикмат ва ҳамду-сано эгаси томонидан нозил қилинган**“.

[41:42]

Қуръони Каримнинг нозил бўлиши ва ёзилиши:

Қуръони Карим Набий Муҳаммад ﷺга йигирма уч йил ичида бўлак-бўлак ҳолда нозил бўлди. Оятларнинг нозил бўлиш оралиғи ҳар хил бўлиб, баъзан кетма-кет, баъзан анча узоқ вақтни ташкил қиларди. Бу Аллоҳ Таолонинг ушбу икки оятида ўз ифодасини топади:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ الْقُرْآنُ جُمْلَةً وَاحِدَةً كَذَلِكَ لِنُثَبِّتَ بِهِ فُؤَادَكَ وَرَتَّلْنَاهُ تَرْتِيلًا

– „**Кофир бўлган кимсалар: «Нега бу Қуръон унга битта тўплам қилиб нозил қилинмади?»**, дедилар. **Биз Қуръон билан сизни дилингизни собит қилиш учун мана шундай** (бўлиб-бўлиб нозил) **қилдик ва уни дона-дона қилиб ўқидик**“.

[25:32]

وَقُرْآنًا فَرَقْنَاهُ لِتَقْرَأَهُ عَلَى النَّاسِ عَلَى مُكْتٍ وَنَزَّلْنَاهُ تَنْزِيلًا

– „**Ва Қуръон одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб нозил қилдик**“.

[17:106]

Дарҳақиқат, Қуръони Карим Росулulloҳ ﷺга нозил бўлар экан, Росулulloҳ уни қалбларда жойлаб олишга ҳамда тери, варақ, қағод⁵² каби парчаларга, шунингдек ўзларининг елкаларига, катта суякларга, хурмо новдаларига, силлиқ тошларга ёзиб қўйишга буюрар эдилар. Росул ﷺ суралардаги оятлар ва суралар тартибини

⁽⁵²⁾ Қоғоз - «Мўъробул қомус»: 335 саҳифа, 1 жуз.

баён қилиб берардилар. Росулulloҳ ﷺ вафот қилганларида Қуръони Карим у кишининг шахсан иштирокларида ва иқрорлари остида ёзиб бўлинган эди. Аммо айни оятлар ва суралар ёзилган парчалар бирин-кетин тартибга солинмаган, балки уларнинг тартиби қалбларда ёдланиб қолган эди. Росулulloҳ ﷺ вафот этганларида Қуръони Карим мана шундай ҳолатда сақланиб қолди. Баъзи ривоятларда Росулulloҳ ўзларидан кейин ўз олдидаридаги нарсадан ўзга ҳеч нарса қолдирмаганликлари яъни Қуръони Каримнинг ҳаммасини ўз иштирокида ёзилиб қолдирганлари ҳақида келган хабарлар мана шу маънодадир.

Абдулазиз ибн Рофеъ шундай ривоят қилади: «Мен Шаддод ибн Муъқил ﷺ билан бирга Ибн Аббос ﷺнинг олдига кирдим. Шаддод унга – Набий ﷺ бирор нарса қолдирдиларми? деди. Шаддод – ўз олдидаридаги нарсадан ўзга ҳеч нарса қолдирмадилар, деди».

Абдулазиз ибн Рофиъ яна шундай деди: «Биз Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг олдига кириб, ундан ҳам сўраган эдик, у ҳам – ўз олдидаридаги нарсадан ўзга ҳеч нарса қолдирмадилар, деди».

Бу Қуръони Каримни ваҳи котиблари Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурда ёзганликларига нисбатан келган ривоятлар. Аммо Қуръони Каримни ваҳи котиблари Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги ҳадис орқали иқрорлари остида ёзганликларига қўшимча, баъзи мусулмонлар Қуръондан ўзи учун ёзиб олганлиги ҳақида ҳам саҳиҳ ривоят мавжуд:

«لَا تَكْتُبُوا عَنِّي غَيْرَ الْقُرْآنِ»

«Мендан Қуръондан бошқани ёзмаг».⁵³

Шундай қилиб, Росулulloҳ ﷺ вафот этганларида Қуръони Каримнинг ҳаммасини ул зоти муборакнинг шахсан иштирокларида ваҳи котиблари тарафидан ҳамда баъзи бир ўзи учун ёзиб олган мусулмонлар тарафидан ёзилиб қолди.

Қуръони Каримни жамлаш:

Абу Бакр ﷺ муртадлар урушида Қуръони Каримни ёд олган мусулмонларнинг кўпчилиги шаҳид бўлиб кетишидан қўрқдилар. Улар Қуръони Карим сураларини тартибан ёдлаган эдилар. Шунинг учун Абу Бакр ﷺ ёзиб қолдирилган оятларни Росулulloҳ ﷺ иқрор бўлган тартибидаги суралар бўйича жамлашга буйруқ бердилар. Шунда устига ҳар бир суранинг оятлари ёзиб қўйилган бўлақлар кетма-кет тартиби билан жамланди. Саҳобалар оятларни бундай жамлашдан аввал уларнинг ёзуви Росулulloҳ ﷺнинг

⁽⁵³⁾ Муслим: 3004, Китоби зуҳд, 16 боб. Аҳмад: 2\3, 39\21, 56. Дорамий: Муқаддима: 450. Ибн Хиббон: 256\1. Байхақий: 10\5. Абу Яълий: 466\2. «Мустадрак»: 216\1.

хузурида ёзилган ёзув эканлигини таъкидлаб олдилар. Улар бу ишда ҳар бир ёзув парчага иккита саҳоба гувоҳлик беришларини талаб қилишди ва бу икки саҳоба ҳар бир ёзув парча ҳақиқатдан ҳам Росулulloҳ ﷺнинг хузурида ёзилган ёзув эканлигига гувоҳлик бердилар. Улар ҳар бир оят мутавотир жаражасида кўплаб саҳобалар тарафидан ёдланиб қолинганини билсалар-да, бу билан кифояланмадилар. Шунинг учун тавба сурасининг охирини Росулulloҳ ﷺнинг хузурида ёзилган эканига фақат Хузайма رضي الله عنهдан бошқа ҳеч ким гувоҳлик беролмаган пайтда, саҳобалар жамлашда тўхталиб қолдилар. Кейин ўрталарида Росулulloҳ ﷺ Хузайманинг гувоҳлигини икки кишининг гувоҳлигига тенглаганликлари ҳақидаги ҳужжат-далил қоим бўлди. Ана шунда саҳобалар бу оятни ўзлари ҳам қатъий равишда ёддан билишларига қарамасдан, Хузайма гувоҳлик берган оят ёзувини Қуръон оятларига қўшиб жамладилар. Саҳоба رضي الله عنهمларнинг шундай қилишлари боиси кўпроқ ишонч ҳосил қилишни мақсад қилганликларидир. Чунки саҳоба رضي الله عنهمлар ўз хотиралари билан ёзилган Қуръонни эмас, балки Росулulloҳ ﷺнинг хузурида ёзилган саҳифаларни жамлашни истадилар.

Шунинг учун Абу Бакр жамлаган саҳифа юқорисида ёзилган оятларнинг номлари ҳам, сураларнинг жойлашиш тартиби ҳам худди Росулulloҳ ﷺ иқроп бўлган ном ва тартиб асосида жамланди.

Зайд ибн Собит رضي الله عنه бундай деди: «Ямома аҳли билан бўлаётган урушда Абу Бакр Сиддиқ менга чопар жўнатди. Келсам, олдида Умар ибн Хаттоб ҳам бор экан. Абу Бакр رضي الله عنه менга бундай деди: Умар келиб, менга – Ямома урушида Қуръони Карим қорилари қирилиб кетмоқда, агар бу қирғин ватандош қориларга ҳам етиб келса, Қуръоннинг кўпи зое кетиб қолади деб кўрқаман, шунинг учун ўйлашимча, Қуръонни жамлашга буйруқ беришингиз лозим, деди. Мен Умарга – Росулulloҳ ﷺ қилмаган ишни биз қиламизми? дедим. Умар – Аллоҳ ҳаққи, бу яхши иш, деди ва менга бу гапни такрорлайверган эди, Аллоҳ бу ишга қалбимда мойиллик пайдо қилди ва мен ҳам Умарнинг фикрига қўшилдим». Зайд ибн Собит رضي الله عنه яна бундай деди: «Абу Бакр менга – сиз ёш оқил йигитсиз, биз сизга шубҳаланмаймиз, Росулulloҳ ﷺга тушган ваҳини ёзиб борганингиз боис, Қуръонни бирма-бир биласиз, бас, шундай экан, Қуръонни жамланг, деди. Аллоҳ ҳаққи, ҳатто улар менга бирор тоғни ўрнидан кўчиришга буюрганларида ҳам, бу Қуръонни жамлашга бўлган буйруқдан оғирроқ бўлмас эди. Мен Умарга – Росулulloҳ ﷺ қилмаган ишни сизлар қиласизларми? дедим. Абу

Бакр – Аллоҳ ҳаққи, бу яхши иш, деди ва менга бу гапни такрорлайверган эди, Аллоҳ Абу Бакр ва Умар ﷺнинг қалбини мойил қилган ишга менинг қалбимни ҳам мойил қилди. Кейин мен Қуръонни хурмо таналари, суяклар ва кишиларнинг қалбларидан бирма-бир йиғиб, жамлашга киришдим. Шунда ушбу тавба сурасининг охирини Хузайма Ансорийда топдим, бошқа ҳеч кимда буни тополмадим:

لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنْفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَؤُوفٌ رَّحِيمٌ
– „**Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, сизнинг машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизнинг (саодатга етишишингизга) ташна, мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Набий келди**“.

Кейин ушбу жамланган саҳифалар Абу Бакр ﷺнинг қўлида, кейин Умар ﷺнинг қўлида, кейин унинг қизи Ҳафса ﷺнинг қўлида турди.

Усмон ﷺ халифа бўлгач, мўминлар онаси Ҳафсадан саҳифаларни беришни талаб қилди ва ундан нусха кўчириб олиб, яна қайтариб берди. Кейин бу саҳифалар то Марвон ибн Ҳакам давригача Ҳафса ﷺнинг қўлида бўлди. Марвон Мадинага волий бўлиб турган вақтида саҳифаларни бўлак-бўлак қилиб ясади.

«Ибн Шихоб бундай ривоят қилади: Менга Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳикоя қилишича, Марвон – у пайтда Муовия тарафидан Мадинага амир қилинган эди – Ҳафсадан Қуръон қилиб ёзилган саҳифаларни беришни талаб қилган эди, Ҳафса уларни беришдан бош тортди. Солим ҳикоясини давом этади: Ҳафса ﷺ вафот этгач, уни дафн қилиб қайтаётганимизда Марвон Абдуллоҳ ибн Умарга одам жўнатиб, ундан ўша саҳифаларни бериб юборишни қатъий талаб қилди. Абдуллоҳ ибн Умар саҳифаларни бериб юборгач, уларни бўлак-бўлак қилиб тайёрлашларига буйруқ берди ва бундай деди: мен буни узок замонлар ўтиб, одамлар бу саҳифаларга шубҳаланиб қолишлари мумкинлигидан кўрққаним учун шундай қилдим».⁵⁴

Нусха олинган Мусхафлар

Усмон ﷺ халифалик вақтида Абу Бакр ﷺ замонида жамланган, кейин мўминлар онаси Ҳафса ﷺнинг қўлида турган саҳифаларни келтириб олиб, нусха кўчирувчилар жиҳозини ташкил қилди ва бир нечта Мусхаф қилдириб, одамлар Қуръон тўғрисида ихтилоф қилмасликлари учун уларни бошқа шахарларга жўнатди. Ушбу нусха кўчиришдан аввал баъзи одамлар ўзлари ёзишган нусхаларни

⁽⁵⁴⁾ «Фатхул Борий»: «Қуръон фазилатлари» бўлими, «Қуръонни жамлаш» боби: 394\10. Аҳмад ибн Амрнинг «Оҳод ва масонийлар»: 410\5 саҳифа, 3054 рақам.

эса мутавотир Мусхафга зид бўлгани боис, ёкиб юборишларига буюрди.

«Хузайфа ибн Ямон Усмоннинг халифалик вақтида ғазотдан қайтиб келди. Ўшанда шомликлар ирокликлар билан бирга Арманистон ва Озарбайжонни фатҳ қилиш учун ғазот олиб бораётган эдилар. Хузайфа одамлар Куръонни хар хил ўқишаётганидан қаттиқ ташвишга тушди ва Усмон ﷺ га бундай деди: Эй амирул мўминин, сиз бу Умматни тушунинг, акс ҳолда, худди яҳудий ва насронийлар ихтилоф қилишганидек, бу Уммат ҳам Куръон тўғрисида ихтилоф қилиши мумкин. Шунда Усмон ﷺ Ҳафса ﷺ га чопар жўнатиб, бизга Куръон саҳифаларини жўнатиб юборинг, ундан нусха кўчириб олиб, яна сизга қайтариб берамиз, деди. Ҳафса ﷺ саҳифаларни жўнатди. Усмон ﷺ Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос ва Абдурахмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомларга ундан нусхалар кўчириб Мусхафлар қилишни буюрди».⁵⁵

(Абу Довуднинг Мисъаб ибн Саъддан қилган ривоятида айтилишича, Усмон ﷺ – энг чиройли ёзадиган котиб ким? деди. Шунда энг чиройли ёзадиган котиб Росулulloҳ ﷺ нинг котиби Зайд ибн Собитдир дейишди. Усмон ﷺ – ким араб тили қоидасини яхшироқ билувчи (яна бир ривоятда фасоҳатлироқ гапирувчи), деб сўради. Саид ибн Ос, дейишди. Шунда Усмон – Саид айтиб турсин, Зайд ёзсин, деди.

Дарҳақиқат, улар саҳифалардан нусха кўчириб, Мусхаф қилишни мукамал адо этдилар. Шундан кейин Усмон ﷺ уларни Ҳафсага қайтариб берди ва кўчирилган Мусхафларни оламнинг турли жойларига жўнатиб, колган саҳифа ва Мусхафларни ёкиб юборишга буюрди.

Нусха кўчириш пайтида бир муаммога, яъни «التَّابُوتُ» сўзини қандай ёзиш тўғрисида ихтилофга дуч келинди. (Термизийнинг келтиришича, Ибн Шихоб бундай деди: Ўша куни «التَّابُوتُ», деб ёзиш билан «التَّابُوهُ», деб ёзиш тўғрисида ихтилоф бўлди. Қурайшликлар «التَّابُوتُ», деб ёзиш лозим, дейишса, Зайд «التَّابُوهُ», деб ёзиш лозим деди. Шунда улар айна ихтилофларини Усмонга ҳавола қилган эдилар у – «التَّابُوتُ», деб ёзинг, чунки Қуръон қурайш тилида нозил бўлган, деди).

⁽⁵⁵⁾ Бухорий 4987. Термизий: 3029.

Шу ерда бир савол туғилади: Улар ўртасидаги айни ихтилоф қаердан келиб чикди, ахир улар мавжуд саҳифаларнинг ўзидан нусха олаётган эдилар.

Мен ушбу мавзуда изланиш олиб борганимда ушбу ихтилофнинг келиб чиқишига қуйидагилар сабаб бўлди, деган фикрга келдим:

Юқоридагилардан бизга маълум бўлишича, саҳифалардан ўқиб бериб турган киши Саид ибн Ос эди, уни ёзган эса Зайд ибн Собит бўлиб, бу иш барча саҳобалар ҳозирлигида бўлиб ўтди. Шунда Саид «التَّابُوتُ» сўзини ўқиб берган эди Зайд уни ансорийлар ёзишга одатланганидек «التَّابُوتُ», деб ёзади. Чунки бу сўзни ансорийлар шундай гапиришар ва шундай ёзишар эди. Шунда ҳозир бўлганлар Зайдга бу сўз саҳифаларда «ت» тои мафтуҳа билан ёзилганини билдиришади ва уни кўрсатишади. Зайд эса кўнгли хотиржам бўлиши ва янада аниқроқ исботланиши учун бу мавзунини Усмонга ҳавола қилишни истайди. Шунда Усмон уларга «ت» тои мафтуҳа билан ёзиш лозимлигини, чунки Қурайш тили шундай бўлиб, ваҳи Қурайш тилида нозил бўлганини ҳамда Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларида ҳам шундай ёзилганини хабар қилади. Натижада бу сўзни «ت» тои мафтуҳа билан ёздилар ва бошқа сўзга ихтилоф қилмайдилар. Чунки улар ўз ижтиҳодлари билан эмас, айнан саҳифалардаги ёзув бўйича ёздилар.

Шундай қилиб, Мусҳафлар нусхасини ёзиш иши худди Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларида ёзилган, кейин уни Абу Бакр ؓ жамлаган саҳифалардаги мавжуд ёзув шаклида адо этилди.

Аммо Усмон ؓнинг оламнинг турли жойларига жўнатган Мусҳафларнинг сони ҳақида ҳар хил фикр мавжуд. Баъзилар олтига бўлган, Усмон уларни Басра, Куфа, Шом, Макка, мадиналикларга биттадан жўнатиб, биттасини ўзига ажратиб қолдирган ва бу Имоми Мусҳафи, деб аталган, дейишади. Баъзилар эса Мусҳафлар еттита бўлган, бештаси юқоридаги жойларга, олтинчиси Яманга ва еттинчиси Баҳрайнга жўнатилган, дейишади.

Шундай қилиб, барча Усмон Мусҳафлари Росулulloҳ ﷺдан мутавотир бўлган қироатда (ўқилишда) ва аксари бир хил ёзувда жам қилинди. Росулulloҳ ﷺдан мутавотир бўлган мазкур Мусҳафлар ичида, мисол учун, сураи ҳадиднинг 24-оятдаги «فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ» деган калом «فَإِنَّ اللَّهَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ» деб ҳам ўқилгани ва шунга ўхшаш каби, икки хил ўқилувчи сўзларга келсак, улар

иккига ажратилиб, юқорида айтилган юртларга жўнатилди ва устки қисмларига бу Мусхафда бундай ёзилган, бу Мусхафда эса бундай ёзилган, дея ёзиб қўйилди. Чунки Росулulloҳ ﷺ иккала қироатга ҳам, иккала ёзувга иқроп бўлганлар.

Усмон رضي الله عنه бир хил ёзувда ёзилган Мусхафлар бўладими ёки ҳар хил ёзувда ёзилган Мусхафлар бўладими, фарқсиз, айна Мусхафларни кўчиришда барча мутавотир бўлган қироатларни ҳам, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг ҳузурда ёзилган ёзувларни ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Уларнинг ичида бир хил ёзувдагилари кўпчилигини ташкил қилади ва ҳар хил ёзувда ёзилганларини эса – уларнинг сони ўндан ошқ – Усмон رضي الله عنه уларни алоҳида ажратиб, юқорида айтилган юртларга тарқатилган Мусхафлар орасига жойлаб қўйди.

Кейинги асрларда мусулмонлар ана шу Мусхафларга қўшимча бошқа Мусхафларни то бугунги кунимизгача кўчириб келдилар. Бу кўчирилган Мусхафлар ҳам худди Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг ҳузурда ёзилган ёзувларда ва худди саҳоба رضي الله عنهمлар ўқишгандек қироатда кўчирилди.

Қуръони Каримнинг муҳофазасини Аллоҳ Субҳонаху ва Таоло Ўз зиммасига олди. Яъни ботил Қуръоннинг олдидан ҳам, ортидан ҳам келолмайди, бирор кимса унинг бир дона ҳарфини ҳам ўзгартиролмайди ва мабодо, шундай қилинса ҳам, бу албатта, фош бўлиб қолади. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

– „Албатта, зикрни (Қуръонни) Биз нозил қилдик ва албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз“. [15:9]

إِنَّ عَلَيْنَا جَمْعَهُ وَقُرْآنَهُ

– „Албатта, уни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамиздадир“. [75:17]

وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا

– „Агар у Аллоҳдан бошқасининг ҳузурдан бўлганда, ундан кўп ихтилофлар топган бўлар эдилар“. [4:82]

لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَنْزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ

– „Унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келмас. У ўта ҳикматли ўта мақталган зотнинг нозил қилганидир“. [41:42]

Аллоҳ Субҳонаху ва Таоло Қуръони Каримни ҳимоя қилди ва уни жамлайдиган кишини ҳам, то мутавотир нақл билан бизга етиб келгунига қадар ўзгартиришдан ҳимоя қиладиган кишини ҳам олдиндан белгилаб қўйди. Шунинг учун саҳоба رضي الله عنهمлар ваҳида келган нарсанинг айнан ўзини ҳамда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم ёзишга буюрган нарсанинг айнан ўзини нақл қилдилар ва бу нарса то

Аллоҳ ер юзи ва унинг устидаги нарсаларни меърос қилиб қолдиргунига қадар Ўзи хоҳлаганча шундай бўлиб қолади.

Мутавотир кироатларни жамлаш:

Айрим тобеинлар ва уларнинг тобелари мутавотир кироатларни жамлаш билан шуғулландилар. Улар китобларда бу кироатларни ўзларига етиб келиш санадини батафсил баён қилишиб, шундай кироатлар билан боғлиқ нарсаларни тартиб билан ёзиб қолдирдилар. Бу олимларнинг номлари қуйидагича:

Нофеъ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Наим Лайсий Абу Равим Маданий қори мавлоларидир. У қора танли киши бўлиб, асли асфaxonликдир. У етмиш нафар тобеин қўлида Қуръон ўқиди. Улар жумласига қори Абу Жаъфар ибн Язид ибн Қаъко, оёғи оксоқ Абу Довуд Абдурраҳмон ибн Ҳирмиз, қози Шайба ибн Нассох, Абу Абдуллоҳ Муслим ибн Жандаб Ҳазлий Қос, Абу Рух Язид ибн Румонлар кирадилар. Бу тобеинлар кироатни Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Иёш ибн Абу Робиа каби саҳобалардан ўргандилар, бу саҳобалар эса Росулulloҳ ﷺдан ўргандилар. Нофеъ ибн Абдурраҳмон ҳижрий 169 йили Мадинада вафот этди.

Нофеъ ибн Абдурраҳмонни икки ровийлари бор. Улардан бирининг исми Исо ибн Мино Маданий Зарқий, лақаби «Қолун», куняси Абу Мусодир. У захрийлар мавлоси бўлиб, Ҳижратнинг тақрибан 220 йили Мадинада вафот этди. Ривоят қилишларича, унинг кироати жуда яхши бўлганлиги учун Нофеъ уни Қолун деб чақирган. Чунки қолун сўзи румликлар тилида жуда яхши, демакдир.

Нофеъ ровийларнинг иккинчисининг исми Усмон ибн Саид Маданий, куняси Абу Саид, лақаби «Вариш»дир. Унинг Вариш деган лақаби оппоқ одам бўлганлиги учун қўйилди. Ҳижратнинг 197 йили Маккада вафот этди.

Абдуллоҳ ибн Касир, Амр ибн Алқаманинг мавлоси Абу Муъбид Каноний Дорий Маккий. Унинг асли форс, тобеинлардан, Маккани яхши билувчи, аттор эди. Уни Абдуд Дор авлодидан бўлиб, Бухорийнинг айтишича, маккаликдир. У ҳижратнинг 54 йили Маккада Муовия даврида туғилди. Ҳижратнинг 120 йилида Ҳишом ибн Абдулмалик даврида вафот этди. У Қуръонни Набий ﷺнинг дўсти Абдуллоҳ ибн Соиб Махзумийда, Қайс ибн Соибнинг мавлоси Мужоҳид ибн Жубар Абул Ҳажжожда ҳамда Ибн Аббоснинг мавлоси Дарбосда ўқиди. Мужоҳид билан Дарбос Ибн Аббосда, у Убайда, Зайд ибн Собит Набий ﷺда ўқиган.

Ибн Касирнинг ҳам икки ровийлари бор. Улардан бирининг исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абу Базза Маккий

бўлиб, муаззинлик қилади. Унинг лақаби «Баззий», куняси Абул Ҳасан. Ҳижратнинг 250 йили Маккада вафот этди.

Абдуллоҳ ибн Касирнинг иккинчи ровийининг исми Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Холид ибн Саид Маккий Махзумий, лақаби «Қанбал», куняси Абу Амрдир. Уни Қанбал, дейишларининг сабаби улар Маккада қанобиллар, дея танилган аҳли байт бўлганлар. Ҳижратнинг 291 йили Маккада вафот этди. Баззий ва Қанбаллар Ибн Касирдан қироатни санад билан ривоят қилганлар.

Абу Амр Ало Мозиний нахвчи қори бўлиб, Миср аҳлига Қуръон ўқитган. Исми Забон эканлиги тўғрироқ. Ҳижратнинг 68 йили Маккада таваллуд топди, Басрада ўсиб, улғайди ва 154 йили Куфада вафот этди. У Ибн Касирда юқорида айтганимиздек, санад билан Қуръон ўқиди. Шунингдек, Мужоҳид ва Саид ибн Жубарда ҳам ўқидилар, улар эса Ибн Аббосда, у Убайда, Убай Набий ﷺ да ўқиган.

Абу Амрнинг икки ровийлари бор. Улардан бирини «Даврий» Абу Умар Ҳафс ибн Умар Ибн Абдулазиз Даврий нахвчидир. Давр Бағдоддаги жойнинг номидир. Ҳижрий 246 йили вафот этди.

Абу Амрнинг иккинчи ровийси «Савсий» Абу Шаиб Солиҳ ибн Зиёд ибн Абдуллоҳ Савсий. Ҳижрий 261 йили вафот этди. У қироатни Абу Муҳаммад Яҳё ибн Муборак Адвий. У Язидий, деб ҳам танилган.

Абдуллоҳ ибн Омир Яҳсабий. Шом аҳлининг қироат бўйича имоми. Валид ибн Абдулмалик халифалиги даврида Дамашқ қозиси бўлди. Куняси Абу Имрон. У тобеинлардан бўлиб, ҳижрий 118 йили Дамашқда вафот этди. Араблар ичида етти хил қироатда унга, Абу Амрга ва қолган мавлоларга етадиганлари йўқ. Росулulloҳ ﷺнинг вафотидан икки йил аввал туғилди. Қуръонни Абу Дардо Уваймир ибн Омирда, Абу Дардода, у эса Набий ﷺ да ўқиди. Шунингдек, у Муғира ибн Абу Шихоб Махзумийда ҳам икки йил Қуръон ўқиди. Муғира Усмонда, у эса Набий ﷺ да ўқиган.

Уни икки ровийларидан бири дамашқлик қози Ҳишом ибн Аммор ибн Насирдир. Куняси Абул Валид. Ҳижрий 245 йили вафот этди. Иккинчи ровийси Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Башир ибн Заквон Дамашқий. Куняси Абу Амр. Ҳижрий 173 йили туғилиб, 252 йили Дамашқда вафот этди. Бу икки ровий Ибн Омир қироатини санади билан ривоят қилдилар.

Осим ибн Абу Нужуд Асадий Куфий Абу Бақр мавлолари. Отасининг исми Баъдала эканлиги тўғрироқдир. У ҳижрий 127 йили вафот этди. Қуръонни Абу Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн

Ҳабиб Салмий ҳамда Абу Марям Зар ибн Жайшда ўқиди. Абу Абдуррахмон эса Усмон ва Алидан, улар Зайд ибн Собит ва Абдуллоҳ ибн Масъуддан, улар Набий ﷺ дан ўқидилар. Зар эса Усмон ва Ибн Масъудда, улар Набий ﷺ да ўқидилар.

Унинг икки ровийларидан бири Шуъба ибн Иёш ибн Солим Куфий Асадий мавлоларидир. Унинг куняси Абу Бакр бўлиб, ҳижрий 194 йил Куфада вафот этди. Иккинчи ровийси эса Ҳафс ибн Сулаймон ибн Муғира Асадий Баззоз Куфийдир. Куняси Абу Амр бўлиб, тақрибан, ҳижрий 190 йили вафот этди.

Ҳамза ибн Ҳабиб ибн Имора ибн Исмоил Куфий. У Икрима ибн Рубъий Таймий Зиёт оиласининг мавлоси бўлиб, ҳижрий 80 йили туғилди. У баъзи саҳобаларнинг айримларини кўрган бўлса ҳам керак. Ҳижратнинг 156 йили Абу Жаъфар Мансур халифалиги даврида Ҳулвонда вафот этди. Қуръонни Жаъфар Содикда ўқиди. Жаъфар эса отаси Муҳаммад Бокирда, у ҳам отаси Зайнул-Обидинда, у ҳам отаси Ҳусайн Алида, у ҳам отаси Али ибн Абу Толибда ўқидилар. Шунингдек, Муҳаммад ибн Абу Лайлида ҳам Қуръон ўқиди. Муҳаммад эса Абу Минҳолда, у Саид ибн Жубайрда, у Абдуллоҳ ибн Аббосда, у Убай ибн Каъбда ўқидилар. Яна у Ҳимрон ибн Аъюнда, у Абу Асвадда, у эса Усмон ва Алида ўқиди. Усмон, Али, Ибн Масъудлар Набий ﷺ да ўқидилар.

Ҳамза ибн Ҳабибни икки ровийси бор. Уларнинг бири Халаф ибн Ҳишом Баззоз бўлиб, куняси Абу Муҳаммад эди. Ҳижратнинг 229 йили вафот этди.

Иккинчи ровийси Халлод ибн Холид Куфий бўлиб, куняси Абу Исодир. Ҳижрий 220 йили вафот этди. Бу икки ровий Абу Исо Салим ибн Исо Ҳанафий Куфийдан Қуръон ўқишганини ривоят қилишди. Салим ибн Исо ҳижрий 189 йили Куфада вафот этди.

Кисойй (чунки у Кисода эҳромга кирган) Али ибн Ҳамза Абу Ҳасан Асадий Куфий қори, нахвчи мавлолари. Ҳижрий 120 йили Ҳудудда туғилди, Қуръон ва унинг тажвидини Ҳамза Зиёт ва Исо ибн Умар Ҳамазонийда ўқиди. Ҳижрий 189 йили Ройдаги (Рой-Эрондаги шаҳар) Ранбавих, деган қишлоқда вафот этди. У Ҳамзада Қуръон ўқиди. Унинг санадини юқорида айтиб ўтилди. Шу билан бирга, Исо ибн Умарда ҳам ўқиди. Исо ибн Умар эса Талха ибн Мусрифда, у Нахъийда, у Алкамада, у Ибн Масъудда, у Набий ﷺ да ўқидилар.

Унинг ҳам икки ровийси бўлиб, улардан бири Абу Ҳорис Лайс ибн Халад Бағдодий. Ҳижрий 240 йили вафот этди. Иккинчиси Ҳафс Даврий. У кироатни – юқорида айтганимиздек – Абу Амрдан ривоят қилди.

Бугунги кунда нашр қилинаётган Мусхафлар (حَفْصُ عَنْ عَاصِمٍ) кироатида яъни худди Усмон رضي الله عنهнинг кўчирган нусхасидаги ёзув бўйича Ҳафс Осимдан ўқиган кироатга мувофиқ келади. Кейинги пайтда Варишнинг Нофеъдан ривоят қилган кироатига мувофиқ келувчи Мусхафлар ҳам нашр қилинмоқда. Шунингдек, Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсири каби, Қуръони Каримнинг баъзи тафсирлари ҳам Абу Амр ибн Алонинг ривоятига мувофиқ келмоқда. Баъзи исломий ўлкаларда эса Қуръони Карим хануз қўлда ёзилмоқда.

Қуръони каримнинг етти ҳарфга нозил бўлиши:

Росулуллох ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ أَنْزِلَ عَلَى سَبْعَةِ أَحْرَفٍ فَاقْرَأُوا مَا تيسَّرَ مِنْهُ»

«Албатта, бу Қуръон етти ҳарфга нозил қилинди. Бас, ундан муяссар бўлганича ўқинг».⁵⁶

Росулуллох ﷺ яна бундай дедилар:

«أَقْرَأَنِي جِبْرِيلُ عَلَى حَرْفٍ فَرَجَعْتُهُ فَلَمْ أَسْتَعِيدْهُ حَتَّى انْتَهَى إِلَى سَبْعَةِ حُرُوفٍ»

«Жаброил менга бир ҳарфни ўқитган эди, мен уни такрорладим. Яна уни қайтармасимданок, етти ҳарфга бориб қолди».⁵⁷

Уламолар бу етти ҳарфдан нима мақсад қилинганлиги ҳақида турли фикр билдирганлар. Бироқ, Қуръони Карим кироатларини кўпроқ ўрганилса, бу кироатлар куйидаги етти араб қабилаларининг лаҳжаларига дахлдор кироатлар эканлиги аён бўлади:

Қурайш;

Тамим;

Қайс;

Асад;

Ҳузайл;

Канонанинг бир қисми;

Тоъийлардан бир қисми.

Араб тили мана шу етти қабила тилидан олинди. Шунинг учун ушбу етти ҳарф, дейилишдан мақсад мазкур етти қабила лаҳжалари бўлиши мумкинлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Бир хил ёзувли мугавотир кироатлар (улар Қуръоннинг кўп жойида келган)

Мисол (1):

⁽⁵⁶⁾ Бухорий: 2241, 4608, 4653. Термизий: 2867.

⁽⁵⁷⁾ Бухорий: 2980, 4607. Муслим: 1354, 1357.

Осим бундай қироат қилди:

﴿قَتَلْتَنِي آدَمُ مِنْ رَبِّيهِ كَلِمَاتٍ﴾

– „**Бас, Одам ўз Роббисидан сўзларни қабул қилиб олди**“. [2:37]
Ибн Касир эса бундай қироат қилди:

﴿فَسَلَّقِي آدَمَ مِنْ رَبِّيهِ كَلِمَاتٍ﴾

Мисол (2):

Ибн Касир омонат сўзини муфрад (бирлик) шаклида қироат қилди:

﴿وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمَانَاتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ﴾

Осим эса омонат сўзини жам (кўплик) шаклида қироат қилди:

﴿وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمَانَاتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ﴾

– „**Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилгувчилардир**“.

[23:8]

Мисол (3):

Осим бундай қироат қилди:

﴿وَهَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ مُوسَى﴾

– „**Сизга Мусонинг хабари келдими?**“.

[20:9]

Ҳамза ва Кисойй эса имола қилиб қироат қилишди:

﴿وَهَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ مُوسَى﴾

Мисол (4):

Осим бундай қироат қилди:

﴿فَأَنْتَ رَقَبَةٌ * أَوْ إِطْعَامٌ فِي يَوْمٍ ذِي مَسْغَبَةٍ﴾

– „**У қул озод қилишдир**“.

[90:13-14]

Абу Амр эса бундай қироат қилди:

﴿فَأَنْتَ رَقَبَةٌ * أَوْ إِطْعَامٌ فِي يَوْمٍ ذِي مَسْغَبَةٍ﴾

Мисол (5):

Осим бундай қироат қилди:

﴿وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا آتَاكُمْ﴾

– „...**Токи келган нарсага хурсанд бўлмаслигингиз учун**“. [57:23]

Абу Амр эса бундай қироат қилди:

﴿وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا آتَاكُمْ﴾

Ҳар хил ёзувли мутаботир қироатлар (уларни Усмон ﷺ Мусхафларга киритиб қўйган ва Куръоннинг ўндан ортиқ жойида келади):

Мисол (1):

Маккий Мусхафлардан бошқа ҳамма Мусхафларда бундай келади:

﴿وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ﴾

Маккий Мусхафда эса бундай келади:

﴿وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ﴾

– „...*Остидан дарёлар оқиб турадига жаннатларни тайёрлаб қўйди*“ [9:100]

Мисол (2):

Куфий, Басрий ва Маккий Мусхафларда бундай келади:

فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ

Маданий ва Шомий Мусхафларда эса мана бунда келади:

﴿فَإِنَّ اللَّهَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ﴾

– „*Албатта, Аллоҳнинг Ўзи бехожат ва ҳамду саного лойиқ зот*“ [57:24]

Мисол (3):

Шомий Мусхафдан бошқа ҳамма Мусхафларда бундай келади:

وَقَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا

– „*«Аллоҳнинг боласи бор», дедилар*“ [2:116]

Шомий Мусхафда эса бундай келади:

﴿قَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا﴾

Мисол (4):

Маккий, Куфий ва Басрий Мусхафларда бундай келади:

وَلَا يَخَافُ عُقْبَاهَا

– „*(Аллоҳ бу ишнинг) оқибатидан қўрқмас*“ [91:15]

Маданий ва Шомий Мусхафларда эса бундай келади:

﴿فَلَا يَخَافُ عُقْبَاهَا﴾

Мусхафларга нукта қўйиш:

Абу Асвад Дуалий Басра волийсининг талаби билан Мусхафларни нукта қўйиб чиқди. Бунга Муовия ибн Абу Суфённинг – унинг ўғли Куръонни хато ўқиб қўяётгани туфайли – маломат килиши туртки бўлди.

Танқит деб ҳарфларга фатҳа, касра, заммаларни қўйишни айтилади. Нукта қўйиш, деб аталишининг сабаби: Абу Асвад бир кишини ишга олди ва унга – Мусхафдаги сиёҳдан бошқа рангдаги бир сиёҳ ва бўёқни қўлингизга олинг, деди. Сўнг давом этди: Мен сизга ўқиб бериб тураман, агар лабларимни очсам, ҳарфнинг устига битта нукта қўйинг, у фатҳа ўрнида бўлсин. Агар лабларимни юмсам, ҳарф ёнига нукта қўйинг. Лабларимни касра қилсам (и) ҳарфнинг остига нукта қўйинг.

Дарҳақиқат, ҳаракатни нукта, деб аталганининг боиси, Абу Асвад калимага ҳаракатларни белгилашда нукта сўзини истемол қилганидир. Аббосийлар Халифалиги даврида, Халил ибн Аҳмад заммани ҳарф устига кичик вов шаклида, фатҳани ҳарф устига

кичик алиф шаклида, касрани ҳарф остига кичик йо шаклида ёзиб, ташид ва сукунларни қўйиб чиқди. Танқит (تَنْقِيطُ) сўзи эса ҳарфлар бир-биридан ажралиб туриши учун уларнинг уст ва остларига нукта қўйиш, деган маънони англатади. Масалан, бо ҳарфи то ва со ҳарфларидан ажралишиб туриши каби. Бу ишни Наср ибн Осим ва Яҳё ибн Юаммарлар Ҳажжож ибн Юсуф Сакфийнинг амри билан қилишди. Ҳажжожга бу ишни Ироққа волийлик қилаётганида Абдулмалик ибн Марвон буюрган эди.

Муҳкам ва муташобих:

Биз Қуръоннинг «Носих ва мансух», «Мутлақ ва муқайяд» каби қисмлари ҳақида китобимизнинг тўртинчи бобида Қуръон ва Суннатнинг қисмлари ҳақида сўз юритаётиб айтиб ўтамиз. Ушбу фаслда фақат Қуръони Карим билан боғлиқ бўлган «Муҳкам ва муташобих» мавзуси тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Аллоҳ Таоло айтади:

مِنْهُ آيَاتٌ مُّحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرُ مُتَشَابِهَاتٌ

– „*Унда (Қуръонда) муҳкам оятлар бор, улар китобнинг аслидир ва муташобих (оят)лар ҳам бор*“. [3:7]

Муҳкамдан мақсад, Қуръон оятлари ичида эҳтимолга ўрин қолдирмайдиган даражада маъноси очиқ-зоҳир бўлиб турган оятга айтилади. Мисол учун, Аллоҳ Таоло бундай деди:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „...*Ва Аллоҳ савдони ҳалол рибони ҳаром қилди*“. [2:275]

Муташобихдан мақсад, солиштириш ёки солиштирмаслик жиҳатидан битта маънодан кўпроқ маънонинг эҳтимоли бўлган оятга айтилади.

Солиштириш жиҳатидан муташобих бўлган оятларга мисоллар:

وَالْمُطَلَقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

– „*Талоқ қилинган аёллар уч қуруқ кутарлар*“. [2:228]

Бу оятдаги «*قُرُوءٍ* қуруъ» сўзидан мурод, ҳайз ёки ҳайздан покланиш, демакдир.

أَوْ يَعْفُوَ الَّذِي بِيَدِهِ عَقْدَةُ النِّكَاحِ

– „...*ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши авф қилса*“. [2:237]

Бу оятда никоҳ тугуни қўлида бўлган кишидан мурод эр ёки валий бўлиши мумкин.

أَوْ لَأَمْسَنُكُمُ النِّسَاءَ

– „*ёки аёлларингиз билан муломаса қилсангиз*“. [5:6]

Бу оятдаги муломаса сўзидан аёл кишини ушлаш ёки у билан жинсий алоқа қилиш тушунилади.

Солиштирмаслик жиҳатидан муташобих бўлган оятларга мисоллар:

وَيَقَىٰ وَجْهَ رَبِّكَ

– „*Роббингизни «юзи-Ўзи»гина боқийдир*“. [55:27]

وَتَفَحَّتْ فِيهِ مِنْ رُوحِي

– „*Ичига Ўз «руҳимдан» нуфлаганимда*“. [15:29]

مِمَّا عَمَلْتُمْ أَيْدِينَا

– „*Ўз «қўлларимиз» билан қилган*“. [36:71]

وَمَكْرُوا وَمَكَرَ اللَّهُ

– „*Макр қилдилар, Аллоҳ ҳам «макр» қилди*“. [3:54]

وَالسَّمَاوَاتُ مَطْوِيَّاتٌ بِيَمِينِهِ

– „*Осмонлар эса унинг қудрат «қўлига» йигилгандир*“. [39:67]

Бу оятлардаги сўзлардан араблар услублари бўйича араб тилининг маъноси тарафлама ҳам, шаръий маъно тарафлама ҳам, бир неча маънонинг эҳтимоли бор. Шунинг учун буларнинг барчаси эшитган одамга иштибоҳли бўлганлиги боис, муташобих, дейилади.

Муташобих – тушунарсиз нарса, дегани эмас. Зеро, Қуръони Каримда тушунарсиз нарса йўқ. Чунки Қуръонда тушунарсиз нарса бўлса, у одамлар учун (ушбу оятларда айтилган) баён бўлмай қолади:

هَذَا بَيَانٌ لِّلنَّاسِ

– „*Бу одамлар учун баёндир*“. [3:138]

وَأَنزَلْنَا إِلَيْكَ الذُّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ

– „*Сизга бу зикр (Қуръон)ни одамларга нозил қилинган нарсаларни баён қилиб беришингиз учун нозил қилдик*“. [16:44]

Энди, суралар бошидаги муқаттаот ҳарфларига келсак, булар сураларни танитиб турувчи номларидир, деган фикр бошқа фикрлар ичида тўғрироқдир.

Муташобих эшитган кишига иштибоҳли бўлганлиги эъъянидан уни тушуниш учун меҳнат қилиш зарур бўлади. Кўпчилик муташобехни тушуниб олиши мушкул иш. Уни илмда собит (ўткир) бўлганлар тушунади ва улар орқали қолганларга тушунтирилади:

وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلٌّ مِّنْ عِنْدِ رَبِّنَا

– „*Унинг (муташобихнинг) таъвилини фақат Аллоҳ билади ва илмда собит бўлганлар (ҳам биладилар. Улар) «Унга имон келтирганмиз, ҳаммаси Роббимиз ҳузуридандир», дейдилар*“. [3:7]

Бу оятдаги вов атф вовидир яъни унинг таъвилини Аллоҳ Таола билади ва илмда собит бўлганлар билишади. Бу вов истиъноф (ибтидо) вови эмас. Яъни жумла унинг таъвилини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди, деган маънони англатмайди. Чунки агар шундай

маъно бериладиган бўлса, Қуръонни одамлар учун баён бўлгани йўқ бўлиб кетади.

Баъзилар – агар вов атф вови бўлса, у холда *«يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا»* «жумласи атф қилиш ва унинг маътуф алайҳиси бўлиши лозим, бу эса мумкин эмас, дейишади. Бунга жавоб шуки, агар оятда қарина бўлмаганида, бу гапни тўғри, дейиш мумкин эди. Қарина эса айни жумладаги мантукнинг ўзидир. Чунки мана шу мантук ушбу жумлани маътуфга яъни Аллоҳ Таолога қайтишини бекор қилиб қўяди. Негаки, Аллоҳнинг Ўзи *«يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا»* Унга имон келтирганмиз, ҳаммаси Роббимиз ҳузуридандир», дейиши мутлақо ақлга сиғмайди. Шунинг учун бу жумла фақат маътуфга, яъни илмда собит бўлганлар билишади ва вов атф учун бўлади ва маъноси унинг таъвилини Аллоҳ ва илмда собит бўлганлар билишади, дегани бўлади.

Мусхаф ёзуви тавқифий (ваҳи қилинган)дир:

Бунинг маъноси шуки, Қуръонни Росулulloҳ ﷺ қарор қилган, Абу Бакр ؓ жамлаган, кейин Усмон ؓ ундан мусхафлар нусхасини кўчирган ўша ёзувдан бошқа ҳеч қандай ёзувдан кўчириш мумкин эмас. Бунинг далиллари қуйидагича:

Абу Бакр Қуръонни жамлаётиб, оят ёзилган бирорта парчани ёдланган кироятга мос келишига қараб жамлашга рози бўлмади. Балки жамлаш учун ҳақиқатдан ҳам бу оятга Росулulloҳ ﷺ икром бўлганликларига далил бўлишини шарт қилди. Бу ҳақда юқорида баён қилдик ҳамда то Хузайманинг гувоҳлиги икки кишининг гувоҳлигига тенг келишига далил топилмагунича, Тавба сураси охири ёзилган парчани Мусхафга жамлашдан тўхталиб турганликларини ҳам айтиб ўтдик.

Усмон ؓ замонида саҳобалар Мусхаф нусхалари кўчиришётганда ҳам то Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларида ёзилган ва кейин Абу Бакр жамлаган Мусхафга тўғри келмагунича, бирорта оят ёзилишига рози бўлмадилар. Ҳатто «*ثَابُوتٌ*» сўзини ёзиш устида ихтилоф қилишган вақтда ҳам Усмон уларни Абу Бакр жамлаган Мусхафда ёзилган сўзни ёзишга мажбур қилди ҳамда ўша Мусхафдаги ёзувга зид келадиган бирорта ҳам сўз Мусхафларга ёздирмади.

Қуръонда келадиган шундай сўзлар борки, улар Қуръонда бир неча хил ёзув билан келди.⁵⁸ Шунингдек, баъзи сўзлар ўқишиш

⁽⁵⁸⁾ Мисол учун, «*الرَّبِّيَا*» сўзи бақара сурасида «*الرَّبِّيَا*» шаклида, рум сурасида эса «*الرَّبِّيَا*» шаклида ёзилган.

қоидасига хилоф ёзувда ёзилган.⁵⁹ Ушбу ёзувлар Аллоҳ Таоло тарафидан қасд қилинган ва Росулulloҳ ﷺ иқрор бўлган ёзув эканлиги, ҳикмати фақат Аллоҳ билгувчи бўлганлиги билан тафсир қилинади холос. Қуръон ёзуви тавқифий, дегани мана шу.

Бу айтилганлар фақат Қуръонни Мусхафга ёзиш тўғрисида. Аммо оятларни имловий қоидага мувофиқ ҳужжат-далил сифатида ёзиш эса бу ҳақда қайтарув йўқлиги боис, жоиз ҳисобланади.

1. Суннат

«السُّنَّةُ Суннат» сўзининг луғавий маъноси йўл, манҳаж ва жиҳат, демакдир.

Ҳадис уламолари наздида «Росулulloҳ ﷺ га изофа қилинган сўз ё амал ё тақрир ёки яратилиш сифати ва ё ахлоқий сифат», деганидир.

Усул уламолари наздида эса «Росулulloҳ ﷺ ҳақида келган сўзи ё амали ёки сўз ё амалга иқрор бўлиши», деганидир.

Суннат ҳужжатдир. Унинг ҳужжатлигига далиллар мавжуд:

وَمَا يَطِّقُ عَنِ الْهَوَىٰ * إِنَّ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ

– „*Ва у (Пайғамбар) сизларга ўз ҳавои-хоҳиши билан сўзламас. У фақат ваҳи қилинаётган бир ваҳидир*“.

[53:3]

إِنْ أَتَّبِعْ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ

– „*Мен фақат ўзимга ваҳи қилинган нарсаларгагина эргашаман*“.

[6:50]

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

– „*Набий сизларга нимани ато этса, олинг, сизларни нимадан қайтарса, қайтинг*“.

[59:7]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

– „*Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилинг ва Пайғамбарга ҳамда ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охираат кунига имон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтаринг*“.

[4:59]

Суннат далил қилиш жиҳатидан икки қисмдир:

а) Мутавотир Суннат:

Мутавотир Суннат – бир гуруҳ табаа тобеинлар бир гуруҳ тобеинлардан, бир гуруҳ тобеинлар саҳобалардан, бир гуруҳ саҳобалар эса Набий ﷺ дан қилган ривоятга айтилади. Бунинг учун

⁽⁵⁹⁾ Мисол учун, «سُحُفٍ» сўзи Анбиё сурасида «سُحُفٍ» шаклида, «مَالِكِ» сўзи Фотиҳа сурасида «مَالِكِ» шаклида, «الْمَلَأَهُ» сўзи Бақара сурасида «الْمَلَأَهُ» шаклида, «أَصْحَابَهُ» сўзи Намл сурасида «أَصْحَابَهُ» шаклида ёзилган.

ушбу гурухларнинг ҳар бири ривоятнинг барча қатламларида ёлгонга тил бириктиришдан омон қоладиган даражада етарли санокдан ташкил топган бўлиши шарт қилинди. Мисол учун:

«مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلَيْتَبَوَّأَ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ»

«Ким менга қасдан ёлгон гапирса, ўзига дўзахдан жой тайёрлайверсин». Бу ҳадисни Бухорий Абу Ҳурайра, Зубайр ва бошқалардан ривоят қилган. Шунингдек, уни Муслим ҳам Абу Ҳурайра ва Абу Саид Худрийдан ривоят қилган. Ҳадиснинг ривоят йўллари ҳам айнан мана шу лафзда мутавотир бўлиб, бу лафзий мутавотир, дейилади ва мутавотир Суннатга дахлдор ҳисобланади. Энди ровийлари мутавотир даражасига етишган ва лафзларига мувофиқ келмаган ҳолда фақат маъносига иттифоқ қилишган ҳадис ёки ҳадис қисми маънавий мутавотир ҳадис, дейилади. Мисол учун, бомдод намози Суннати икки ракат бўлишини олсак, бу ҳақдаги ҳадислар лафзи ҳар хил бўлсада, унинг битта маънодаги ривоятлари мутавотир даражасига етган.

Мутавотир Суннат ақида ва аҳкомларга далил бўлишга ярайди, чунки улар Росулulloҳ ﷺ дан – сўзлар орқали бўладими ё амал орқалими, фарқсиз – қатъий собит бўлган.

б) Оҳод хабар: Оҳод хабар – Росулulloҳ ﷺ дан бир киши ёки бир-бирларидан алоҳида бўлган ва мутавотир даражасига етмаган бир неча киши ривоят қилган хабардир. Бу хабар ровийларнинг қайсидири табақасидан бўлиши яъни тобеинлар тобеиндан бошлаб то Росулulloҳдан ривоят қилувчи саҳобаларгача бўлган табақанинг хабари бўлиши мумкин. Ушбу Суннатнинг субути зонний (яъни тахминан собит бўлган) бўлиб, шаръий аҳкомларнинг барчасига далил бўла олади. Бунинг учун ушбу ҳадис саҳиҳ ёки ҳасан бўлиши лозим.

Оҳод ҳадисга – аҳкомлар ибодат бўлиши ёки муомалалар бўлиши ёхуд жазо-чоралари бўлишидан қатъий назар – амал қилиш лозим ҳамда барча шаръий аҳкомларга уни далил қилиш мумкин.

Бунга далил шуки, шариатда гувоҳлик даъвои исбот қилишда эъъянига олинади, ҳолбуки, гувоҳлик эса оҳод хабардир. Қуръони Карим нусусида ҳам мол-мулк борасида икки кишининг ёки бир киши ва икки аёлнинг гувоҳлиги билан ҳамда зино борасида тўрт кишининг гувоҳлиги билан ҳукм қилиниши собит бўлган.

Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ (қарз даъвоси борасида) гувоҳи бўлган кишининг гувоҳлиги ва ҳақдорнинг қасам ичиши билан

ҳукм қилдилар.⁶⁰ Эмизишда эса битта аёлнинг гувоҳлигини қабул қилдилар.⁶¹ Буларнинг ҳаммаси оҳод хабардир. Саҳобалардан ҳам шу нарса собит бўлганки, шаръий ҳукмларнинг барчасида, агар ровийга ишонсалар, оҳод хабарни далил сифатида олганликлари машҳур бўлган ва кўп марта учрагандир.

Росулуллоҳ ﷺ дан содир бўлган нарсаларга эргашиш:

Суннат ҳужжатдир. У қилишга хоҳ қатъий талабни, хоҳ қатъий бўлмаган талабни ёки ихтиёрни тақозо қилсин, ёхуд қилмасликка хоҳ қатъий талабни ёки қатъий бўлмаган талабни тақозо қилсин, фарқсиз, қандайлигига қараб, унга эргашиш вожибдир. Буни биринчи бобда айтиб ўтдик.

Эргашиш дегани – бир ишни Росулуллоҳ ﷺ қилганидек қилиш ёки Росулуллоҳ ﷺ қилгани сабабли қилиш, яъни Росулуллоҳ ﷺ га иқтидо қилиб қилиш, демакдир.

Росулуллоҳ ﷺ га мана шундай маънода эргашиш вожибдир:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ

– „**Айтинг (эй Мухаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг. Шунд**

а Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади“.

[3:31]

فَأْمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ وَاتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ

– „**Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига — Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайгамбарга имон келтирингиз ва унга эргашингиз— шояд ҳидоят топурсиз**“.

[7-158]

Ушбу эргашиш эргашилаётган нарсанинг қандайлигига қараб бўлиши лозим. Агар Росулуллоҳ ﷺ фарзга буюраётган бўлсалар, уни бажариш вожиб (фарз) бўлади. Агар мандубга буюраётган бўлсалар, уни бажариш вожиб бўлмайди. Барча шаръий аҳкомлар мана шундай бўлади. Булар Шорейнинг бизга қилган хитобига нисбатан шундай.⁶²

Бу эргашишнинг Росулуллоҳ ﷺ нинг амалларига нисбатан куйидагича тафсилоти бор:

⁽⁶⁰⁾ Аҳмад: 21423. Дорқутний: 212\4. Бу Ҳадисни Термизий Жаъфар ибн Мухаммаддан, у отасидан, отаси эса Алидан ҳикоя қилган: 1265.

⁽⁶¹⁾ Абу Довуд: 306\3. Термизий: 452\3. Насоий: 109\6. Дорамий: 209\2. Аҳмад: 384\4.

⁽⁶²⁾ яъни шаръий қонунчилик масаласида шундай. Аммо дунёвий илм фан ишларида эса масалан, қишлоқ хўжалик фани, илмий саноат, ерни ўғитлаш, дарахтларни чанглатиш, уй-жой, завод, фабрика қурилиши, машинасозлик каби услубларга эргашиш вожиб ҳисобланмайди. Зеро, Росулуллоҳ ﷺ «أَنْتُمْ أَغْلَمُ بِأَمْرِ دُنْيَاكُمْ» **Дунёвий ишингизни ўзингиз билувчироксиз**», дедилар.

Биринчи: Ўтириш, туриш, ейиш ва ичиш каби (жибиллий) табиий амаллар. Булар Росулulloҳ учун ҳам, Уммати учун ҳам мувоҳ амаллардир.

Иккинчи: Фақат Росулulloҳга хос амаллар эканлиги исбот бўлган, бошқа ҳеч ким шерик бўлмайдиган амаллар. Масалан, Росулulloҳнинг ўзига хос бўлган вусол рўзаси,⁶³ тўрттадан ортиқ аёлни ўз никоҳида бўлиши ва шунга ўхшаш амаллар фақат Росулulloҳга хос бўлган, Умматига хитоб қилинмаган амаллардир.

Росулulloҳ ﷺнинг бизга баён қилиб бераётганини англатувчи амалларига келсак, бу амаллари ҳеч қандай ихтилофсиз далилдир. Бундай баённи англатувчи амаллар ё Росулulloҳ ﷺнинг очиқ сўзи билан келади ёки ҳолатлар қаринаси билан келади. Очиқ сўзлари билан келадиган баёнга мисол, Росулulloҳ ﷺнинг ушбу икки сўзларидир:

«صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي»

«Менинг қандай намоз ўқишимни кўрганингиздек намоз ўқинг».⁶⁴

«خُذُوا عَنِّي مَنَاسِكَكُمْ»

«ҳаж ибодатларингизни мендан ўрганинг».⁶⁵

Учинчи: Ҳолатлар қаринаси билан келадиган баён куйидагича: Агар нусусда қисқа сўз келса ёки умумий сўз келиб, ундан хослов ирода қилинган бўлса ёхуд мутлақ сўз келиб, ундан чеклов ирода қилинган бўлса, Росулulloҳ унга эҳтиёж туғилишидан аввал баён қилмаган, қачон эҳтиёж туғилганда баён бўлишга яроқли бир ишни қилиб кўрсатган бўлсалар бу ҳолатлар қаринаси билан келадиган баёндир. Мисол учун Росулulloҳнинг ўғрининг ўнг қўлини⁶⁶ кесиб кўрсатган амаллари Аллоҳ Таолонинг

فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا

– „...қўллари кесинглар“.

[5:38]

каломининг баёнидир. Юзлари билан икки кафтларига масҳ тортиб таяммум қилиб кўрсатишлари ҳам,⁶⁷ Аллоҳ Таолонинг

فَامْسَحُوا بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ

– „...юз ва қўларингизга масҳ тортинг“.

[4:43]

⁽⁶³⁾ Бухорий: 1861, 1964. Муслим: 1102 Ибн Умардан.

⁽⁶⁴⁾ Бухорий: Азон-595, 5549. Муслим: 1297. Дорамий: Салот-1225. Аҳмад: 53\7. Байҳақий: 354\2.

⁽⁶⁵⁾ Муслим: Ҳаж-2286. Насой: Ҳаж-3012. Абу Довуд: Носик-1680. Муснади Аҳмад: 13899, 14091.

⁽⁶⁶⁾ Аҳмад: 177\2. Саҳобалар ижмои: Абдуррахмон Моликийнинг «жазолар низоми китоби»да келган.

⁽⁶⁷⁾ Бухорий: 129\1. Муслим: 279\1. Аҳмад: 263\4

деган каломининг баёнидир. Баён вожиб (фарз), мандуб ва мубоҳликда баён қилинаётган нарсага эргашади.

Тўртинчи: Росулulloҳ ﷺнинг бошқа амаллари ҳам борки, бу амаллар нусусда фақат талаб қилиб келган бўлади холос. Шунинг учун бу талабнинг қатъий ёки қатъий эмаслигини ёхуд ихтиёрий эканини белгилаб берувчи қаринага керак бўлади. Бунга биринчи бобимизнинг иккинчи фаслида келган мисоллар тўғри келади.

Энди Суннатнинг далолати ва далилларни таржих қилишга келсак, булар ҳақида – инша Аллоҳ – бешинчи бобнинг учинчи фаслида ўз ўрнида зикр қиламиз.

Бироқ мен қуйида Суннатни тушуниб олишда керак бўладиган унинг истилоҳи ва мадлули (маъноси) ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ким бу борада чуқурроқ ўрганмоқчи бўлса, Ҳадис истилоҳлари ҳақидаги китобларга мурожаат қилиши мумкин:

Ҳадис, хабар, Суннат – юкорида айтиб ўтганимиздек – битта маънодадир.

Асар: Асар – саҳоба ﷺларга бориб тўхтайдиган ҳадисдир.

Матн: Матн – гапдаги санад ниҳоясига тақаладиган нарса яъни Ҳадисда келган нусусдир.

Санад: Санад – матнга олиб борувчи йўл яъни матнга олиб боруви кишилар (ровийлар)дир.⁶⁸

Муҳаддис: Муҳаддис – (бизга) Ҳадисни етказиб берадиган, ҳадис ривояти ва диroyати (хабардорлиги)га қаттиқ аҳамият берган кишидир.

Ҳофиз: Ҳофиз – муҳаддислик сифатларига эга бўлган, яна бу сифатларга кўп ҳадис ёдлаш ва унинг йўлларини яхши билиши сифатларини ҳам жамлаган кишидир. Бу киши юз мингта ҳадисни матни ва санади билан – йўллари турли хил бўлса ҳам – миясига жойлаштириб олган бўлиши шарт. Агар у юз мингдан ортиқ ҳадисни миясига жойлаб, мана шу пухта ўрганган ҳадислари санади билан уч юз мингга етган бўлса, у обрў эъъянли хофиз ҳисобланади.

Ҳоким: Ҳоким – ривоят қилинган ҳамма ҳадисларни матни, санади, жароҳати, адли ва тарихи билан пухта ўрганиб олган кишидир.

Амирул мўминин фил ҳадис: Бу лақаб кўп ҳадис ёдлаши ва диroyати (хабардорлиги) билан машҳур бўлиб, ўз асри ва Умматининг олимига айланган кишига қўйилади. Ушбу лақабга

⁽⁶⁸⁾ Санадлар Молик Анадан, у Умарнинг дўсти Нофеъдан, у Умарнинг ўғлидан қилган ривоят билан мустаҳкам бўлган санадлардир. Уни имом Аҳмад имом Шофеидан у имом Моликдан, у Нофеъдан, у Умарнинг ўғлидан қилинган санади эса олтин сулола, номини олган.

мадиналик Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Зақвон (Абу Занод) (131 х), имом Бухорий ва бошқалар сазовар бўлганлар.

Ривоятга хос ҳадис илми: Бу илм Набий ﷺнинг сўзлари, амаллари, (тақрир) маъқуллашлари, сифатларини ва бу ривоятларни аниқлаб-қузатишлари ва сўзлар тахририни ўз ичига олади.

Дириятга хос ҳадис илми: Бу илм ривоят ҳақиқати, шартлари, турлари, ҳукмлари, ривоят қилувчи кишилар, бу кишиларнинг шартлари, ривоят қилинаётган нарса ва у билан боғлиқ нарсалар турларини ўз ичига олади. Дирият ҳадис маъносини – қатъий нусусга зид келиши жиҳатидан – билишдир.

ҳадиснинг санад жиҳатидан турлари:

Мутавотир ҳадис: Унинг таърифи юқорида баён қилинган.

Машҳур ҳадис: Машҳур ҳадис уч кишидан кўп ва барча табақага мансуб бўлган ривоятчилар иштирок этган, аммо мутавотир даражасига етмаган ҳадисдир. Уни мустафиз ҳадис, деб ҳам аталади.

Масалан:

«رُفِعَ عَنِّ أُمَّتِي الْخَطَأُ وَالنِّسْيَانُ وَمَا اسْتَكْرَهُوا عَلَيْهِ»

«Умматимдан хато, унутиш ва мажбурланган иш афв этилди».⁶⁹

Бу ҳадисни усул уламолари машҳур деб билдилар. Шунингдек, машҳур деб, Набий ﷺдан оҳод сифатида ривоят қилиниб, кейин тобеинлар ва уларга тобе бўлганлар даврида машҳур бўлган, яъни тобеинлар ва уларга тобе бўлганлар замонида мутавотир бўлган ҳадисни ҳам машҳур, дейилади.

«أَبْعَضُ الْحَلَالِ عِنْدَ اللَّهِ الطَّلَاقُ»

«Аллоҳ қаттиқ ёмон кўрган ҳалол нарса талокдир».⁷⁰

Бу ҳадисни фуқаҳолар машҳур дейишди.

«الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ، وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ»

«Мусулмон мусулмонларга қўли ва тили билан озор бермаган кишидир. Муҳожир Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни тарк қилган кишидир».⁷¹

Бу ҳадисни ҳам муҳаддислар, фуқаҳо ва усул уламолари саҳиҳ машҳур, дейишди.

⁽⁶⁹⁾ Ҳадис ровийлари ишончли, аммо узилиш бор бўлиб, уни Табароний, Дориқутни ва Ҳокимлар ривоят қилганлар, Ибн Можа эса 202\16да саҳиҳ деган).

⁽⁷⁰⁾ Абу Довуд: 1863. Ҳоким уни саҳиҳ деди. Ибн Можа: 2008.

⁽⁷¹⁾ Бухорий: 6119. Абу Довуд: 1449. Насоий: 4996. Аҳмад: 163\2. Ибн Можа: 203\11.

«إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَىٰ»

«Амаллар ниятлар биландир. ҳар бир киши ниятига қараб ҳисоб қилинади».⁷²

«إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ الْجُمُعَةَ فَلْيَغْتَسِلْ»

«Бирортангиз жума кунига келса, бас, ғусл қилсин»⁷³

«أَمْرُهُ ﷺ بِرَفْعِ الْيَدَيْنِ فِي الصَّلَاةِ عِنْدَ الرُّكُوعِ وَرَفْعِ الرَّأْسِ»

«Росулуллоҳ ﷺ унга намозда руку қилиш олдидан ва рукудан бошни кўтараётганда икки қўлни кўтаришга (рофъул ядайнга) буюрдилар».⁷⁴

Ушбу ҳадисларнинг бари саҳиҳ дея чиқарлган машҳур ҳадислардир.

Азиз Ҳадис: Азиз ҳадис бу санад (ровийлари)нинг барча табақаларида икки ёки уч киши тарафидан бир марта ривоят қилинган ҳадисдир. Агар уни бошқа табақаларда кўпроқ жамоа ривоят қилган бўлса, машҳур азиз ҳадис бўлади.

Масалан, ушбу Ҳадис каби:

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ عَنِ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ»

«Бирортангиз то мен унинг ота-онасидан ва фарзандларидан маҳбуброқ бўлмагунимча мўмин бўлолмайди».⁷⁵

Оҳод ҳадис: Оҳод ҳадис таърифи юқорида баён қилинди. У машҳур ҳадисни ҳам, азиз ҳадисни ҳам ўз ичига олади.

Ҳадиси қудсий: Росулуллоҳ ﷺ бирор каломни Аллоҳ Субҳанаху ва Таолога нисбат берган ҳадисдир.

Ҳадисларнинг иттисол (боғланиш) жиҳатидан турлари:

Муттасил ҳадис: Муттасил ҳадис санади бошланишидан то охиригача узилмаган ҳадисдир.

Мункотеъ ҳадис: Мункотеъ ҳадис ривоятчиларидан бири бир жойда ёки кўпроқ жойда тушиб қолган ёхуд ноаниқ ривоятчи зикр қилган ҳадисдир.

Мўъзал ҳадис: Мўъзал ҳадис санадидан кетма-кет икки ёки кўпроқ ривоятчи тушиб қолган Ҳадисдир.

Муаллақ Ҳадис: Муаллақ Ҳадис санади (ровийлари)нинг аввалида кетма-кет бир ёки кўпроқ ривоятчи олиб ташланган ҳадисдир. Муаллақ ҳадис саҳиҳи Бухорийда кўп келади.

⁽⁷²⁾ Бухорий: 1. Муслим: 3530.

⁽⁷³⁾ Бухорий: 837, 842. Муслим: 844).

⁽⁷⁴⁾ Бухорий: 702, 704. Муслим: 390).

⁽⁷⁵⁾ Бухорий: 13, 14. Муслим: 309).

Мўъзал муаллақдан кўра кўпроқ нарсани ўз ичига олади. Чунки ривоятчининг олиб ташланиши муаллақда аввалида келган бўлса, мўъзалда аввалида ҳам, орасида ҳам келади.

Ҳадиснинг санад интиҳоси жиҳатидан турлари:

Марфу ҳадис: Марфу – муттасил бўладими ё макту (узилган)ми, фарқсиз, – Набий ﷺ га нисбат берилган ҳадисдир.

Мавқуф ҳадис: Мавқуф – муттасил бўладими ё макту (узилган)ми, фарқсиз, – бир саҳобага нисбат берилган ҳадисдир.⁷⁶

Макту ҳадис: Макту – муттасил бўладими ё мункотеъ (узилган)ми, фарқсиз, – тобега нисбат берилган ҳадисдир.⁷⁷

Ҳадиснинг саҳиҳлик жиҳатидан турлари:

Саҳиҳ ҳадис: Саҳиҳ ҳадис – санади (ровийлари) одил зобитдан одил зобитгача нақл қилишда то охиригача уланиб келган ва шазуз бўлмаган (истисно бўлмаган), иллоти йўқ ҳадисдир.

Шузуз (истисно), дейишдан мурод, афзалроқ бўлган кишининг ишончда истисно бўлиши яъни ҳадисни бир киши ёлғиз ўзи зикр қилган бўлиб, бу ҳадиси ўзидан афзалроқ кишининг бошқа ҳадисларига зид келишидир. Бошқача айтганда, шузуз истисно ва ёлғиз ўзи зикр қилишдир.

Иллат дейишдан мурод, ҳадиснинг – санади, матни ёки иккаласида ҳам – саҳиҳлигига путур етказувчи иллат (камчилик), демакдир.

Ҳасан ҳадис: Ҳасан ҳадис ишлаб чиққан кишиси маълум, ривоятчилари машҳур бўлган, кўплаб ҳадислар шу ҳадисга доир бўлган, уларни аксар уламо ва фуқаҳолар истеъмол қилган, санади орасида ёлғон гапириш билан айбланган киши топилмаган ҳамда шузузлик ҳам топилмаган ҳадисдир. Усул уламолари таърифи мана шу.

Бу ҳадис муҳаддислар истилоҳида бундай дейилади: Санади одилликка боғланган, зобитлиги энгилроқ бўлган, шузуз ва иллат топилмаган ҳадисдир.

Заиф ҳадис: Заиф ҳадис саҳиҳлик ва ҳасанлик сифатлари йўқ бўлган ҳадис бўлиб, уни ҳужжат қилинмайди.

Мурсал ҳадисга амал қилиш ҳукми:

Мурсал ҳадис: Мурсал ҳадис саҳоба тарафидан узилиш бўлган ҳадисдир. Яъни санади (ривоятчилари) бошидан то тобеингача

⁽⁷⁶⁾ Бир саҳоба биз ушбуга буюрилдик ёки биз ушбудан қайтарилдик, деса ёхуд ушбу Суннатдир, деса, омма наздида мана шу ҳадис ўша саҳоба марфуи, ҳисобланади.

⁽⁷⁷⁾ Тобе мана бу ва мана булар Суннатдир, деса, бу Ҳадис ўша тобе мурсали ҳисобланади.

уланган, кейин эса тобеин ушбу ҳадисни Росулulloҳ ﷺ га нисбат берган-у, аммо саҳоба ﷺ ни зикр қилмаган ҳадисдир.

Бу ҳадисга амал қилиш тўғрисида ҳар хил фикр бор. Баъзилар уни ҳужжат қилишга рухсат берса, баъзилар уни инкор этган.

Тўғриси, мурсал ҳадиснинг саҳиҳ, ҳасан ёки заиф эканини аниқлаш учун бу ҳадисга марфу ҳадис каби муомала қилинади. Сабаби тобеин билан Росулulloҳ ﷺ ўртасидаги ривоятда саҳобанинг тушиб қолиши бу ҳадиснинг саҳиҳлигига зарар етказмайди. Чунки саҳоба ﷺ ларнинг ҳаммалари одилдирлар.

Машҳур мурсал ҳадислар:

Мадина аҳолисидан: Саид ибн Мусайяб мурсали;

Макка аҳолисидан: Ато ибн Абу Робаҳ мурсали;

Миср аҳолисидан: Саид ибн Абу Ҳилол мурсали;

Шом аҳолисидан: Макхули Дамашкий мурсали;

Басра аҳолисидан: Ҳасан ибн Абу Ҳасан мурсали;

Куфа аҳолисидан: Иброҳим ибн Язид Нахъий мурсали.

Булар ичида Саид ибн Мусайяб мурсали саҳиҳроқдир. У саҳобалар авлодидан бўлиб, отаси Мусайяб ибн Ҳазан дарахт остида ва розилик учун қилинган икки байъатни кўрган саҳобалардандир. Шунингдек, у Умар, Усмон, Али, Зубайр ва бошқа саҳобаларни кўрган тобеиндир. Шу билан бирга, бу тобеин Ҳижоз аҳолисининг фақиҳи ва Мадинанинг етти фуқаҳосининг бири ҳамдир.⁷⁸

3. Ижмо

Кимнинг ижмоси шаръий далил бўлиши тўғрисида ҳар хил фикр билдирилган. Баъзилар Муҳаммад ﷺ нинг Уммати ижмоси, деган бўлса, баъзилар уламоларнинг бирор шаръий ҳукмга қилган ижмолари ҳам дейилди. Шунингдек, баъзилар Мадина ижмоси, деган бўлса, баъзилар саҳоба ﷺ ларнинг ижмоси деди. Баъзилар эса яна бошқача дейишди.

Биз қуйидагиларни айтиб ўтиш орқали шаръий далил, деб эъъяни қилинувчи ижмо қандай ижмо эканини билишга ҳаракат қиламиз:

«الْإِجْمَاعُ» ижмо» луғатда икки хил маънони англатади: Биринчи, бир нарсага азм қилиш ва лойиҳалаштириш. Иккинчи иттифок қилиш.

Биринчи маъноси биров бир нарсага азм қилса, фалончи унга ижмо қилибди, дейилади. Буни Аллоҳ Таолонинг

⁽⁷⁸⁾ Етти фуқаҳолар ушбулар: Саид ибн Мусайяб, Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр, Урва ибн Зубайр, Хорижа ибн Зайд ибн Собит, Абу Салма ибн Абдурахмон ибн Авф, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ва Сулаймон ибн Ясор.

فَأَجْمِعُوا أَمْرَكُمْ

– „...Ўз ишингизга келишаверинг (яъни азм қилаверинг)“.[10-71]
деган каломи ҳамда Росулulloҳ ﷺнинг

«لَا صِيَامَ لِمَنْ لَمْ يَجْمَعْ الصِّيَامَ مِنَ اللَّيْلِ»

«Рўзасини кечанинг бир қисмига уламаган (яъни азм қилолмаган) кишининг рўзаси рўза эмас»⁷⁹ деган ҳадислари кўрсатиб турибди. Шунга биноан, ижмо сўзига битта азм-мақсад, деган маъно берилса тўғрироқ бўлади.

Ижмо сўзининг иккинчи маъноси одамлар бир нарсага иттифоқ қилишса иттифоқ қилишди, дейилади. Шунга биноан, хоҳ дунёвий, хоҳ диний иш бўлсин, барча жамоанинг қайсидир бир ишга қилган иттифоқи ижмо, дейилади.

Ижмонинг усул уламолари наздидаги истилоҳи эса бундай: Бирор воқеага бунинг шаръий ҳукми бундай, дея иттифоқ қилишдир. Бу таърифдан кўришиб турибдики, усул уламолари назарда тутган ижмо шаръий далил ўрнида туради. Чунки шаръий далиллар Қуръон ва Суннатда келган бўлиб, уларни фақат ваҳи олиб келган, ваҳидан бошқа нарса олиб келмаган. Бу эса шуни англатадики, далил деб эъяъни қилинадиган ижмо бир далил, ўрнида туриб, ижмо қилган кишилар бу далилни билганлар аммо уни сўз орқали ривоят қилмаганлар. Бу эса улар билганликлари учун ривоят қилишмаган бу далил ҳам Росулulloҳ ﷺнинг суннатларидан эканлигини англатади. Чунки Қуръоннинг ҳамма сўзлари тиловат қилинган ва ёд олинган сўзлардир.

Энди қилган ижмолари суннатдан бўлган бир далил ўрнида турувчи кишилар эса Росулulloҳ ﷺ билан суҳбат-дўстликда бўлиб, ул зотни кўрган кишилар яъни саҳобалардир. Қилган ижмолари бир далил ўрнида, деган гап саҳобалардан ўзга кишиларга айтилмайди.

Шунинг учун саҳобалар ижмоси далил ҳисобланади.

Бир жиҳатдан шундай. Бошқа жиҳатдан эса ижмолари хато бўлиши мумкин бўлмаган, фақат тўғри ижмо қиладиган кишилар саҳоба ﷺлардир. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло уларни ҳеч қандай хослов ва чекловсиз мадҳ қилди.

Аллоҳ Таоло айтади:

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

⁽⁷⁹⁾ Термизий: 662. Насойи: 2291. Ибн Можа: 1690. Абу Довуд: 2098. Термизийнинг айтишича, бу ҳадисни Ибн Можага мавкуфдир, дейиш тўғрироқдир.

– „*Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашиган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир*“.

[9:100]

Бу билан саҳобалар ижмоси далил ўрнига ўтувчи ҳужжат эканлиги, Аллоҳ Қуръоннинг ҳеч қандай чекловсиз нусуси орқали уларнинг ижмоларини мақтаганлиги аён бўлди. Тобеинлар ҳақида эса Аллоҳ юкоридаги оятда «*بِإِحْسَانٍ* чиройли амаллар билан», дея мактовни чеклади. Демакки, саҳобалар ижмосигина тўғри бўлиши ва хато бўлмаслиги мумкин. Яъни уларнинг ижмоси Росулulloҳ ﷺ дан эшитишган, кўришган, аммо ривоят қилишмаган, чунки уларнинг барчалари уни яхши билишган далилдир.

Шунга кўра, саҳобалар олдида бирор масала пайдо бўлиб, бу масала Қуръон нусусида ҳам, Суннат нусусида ҳам ривоят қилинмаган бўлса, кейин саҳобалар бу масаланинг шаръий ҳукми бундай, дея ҳаммалари битта ҳукми айтган бўлсалар, мана шу ижмо бўлади. Бунинг маъноси шуки, улар айтган ушбу шаръий ҳукм Росулulloҳ ﷺ нинг ҳадисларига асосланган ҳукмдир, чунки ўзлари бу ҳукми билганлари боис уни ривоят қилмадилар.

Ижмонинг яна бир тури ҳам бор. У сукутли ижмо, дейилади. Яъни бир саҳоба масаланинг шаръий ҳукмини баён қилади, қолганлар эса унга, унинг тўғрилигига иқдор бўлишиб, сукут қиладилар. Аммо бу турдаги ижмо ижмо, деб ҳисобланиши учун уларда албатта куйидаги шартлар топилиши лозим:

1. Хусусан ижмо қилинаётган воқеа аҳамиятга молик воқеа бўлиб, саҳобалар уни қайтармай туришлари мумкин бўлмайдиган воқеа бўлса. Аммо шариат руҳсат берган воқеа бундан мустасно. Яъни шариатга хилоф бўлгани учун инкор этиладиган воқеа бўлиши;

2. Баҳс қилинаётган воқеадан саҳобалар хабардор бўлиб, эшитаётган воқеа бўлиши; токи саҳобалар унга эшитмаганликлари учун эмас, балки маъқуллаганликлари учун сукут қилган бўлсинлар.

3. Саҳобалар масалага ҳукм бераётган пайтда унга таянч сифатида бирор оят ёки Росулulloҳ ﷺ нинг ҳадисларини ривоят қилиб келтирмаган бўлишлари; Чунки масалага қачон оят ё ҳадис келтирилса, бу масаланинг далили бўлиб қолади, ижмо бўлмай қолади.

4. Ижмо қилинаётган масала Халифанинг фикр билдириш ва ижтиҳод қилиш салоҳияти остидаги масала бўлмаслиги; Масалан, давлатнинг мол-мулклари масаласи каби. Чунки саҳобалар Халифанинг салоҳияти остидаги масалага сукут қилсалар, бу сукутли ижмо бўлмайди. Балки бу Халифага итоат қилиш бўлади. Чунки бундай масала унинг фикр билдириш ва ижтиҳод қилиш салоҳиятига кирувчи масаладир.

Бунга мисоллар:

1. Бобонинг ўғил билан бирга оладиган мероси. Яъни бир шахс вафот этиб, фақат ўғли ва отаси (яъни бобо) қолса, бобо отанинг ўрнига ўтади ва ўлган шахснинг ўғли мавжуд бўлса-да, бобо ҳам ота сифатида мероснинг олтидан бирига эга бўлади. Мана шу саҳобалар ижмоси билан собит бўлган ҳукмдир.

2. Отанинг эркак ва аёллардан иборат бану аъён ва бану аллотлардан авратини тўсиши. Бу ҳам саҳобалар ижмосидир.⁸⁰

3. Собиқ Халифалик тугаган вақтдан бошлаб уч кун ичида халифа сайлашнинг вожиблиги. Дарвоқе, энг буюк саҳобалар Росулulloҳ ﷺни дафн қилишни тўхтатиб, бану Соидалар айвонига йиғилдилар ва уч кун орасида Абу Бакрни халифа қилиб сайладилар. Ундан кейин Умар Халифаликка жаннат билан башорат қилинган олти саҳобани номзод қилди ва улар уч кун ичида ораларидан халифа сайламайдиган бўлсалар, барчаларини қатл қилгани бир вакил таъйин қилди. Умарнинг бу ишига саҳобалардан бирортаси эътироз билдирмади. Агар бунга ўхшаган иш Исломга зид иш бўлганида эди, уни инкор қилган бўлар эдилар. Бас, шунинг учун ҳам бу иш ижмо бўлиб қолди.

4. қиёс

«القياس» қиёс» луғатда ўлчаш демакдир. Масалан, ерни метр билан ўлчадим ёки кийимни зиро (ўлчов бирлиги) билан ўлчадим каби. Бу сўзда икки иш керак бўлади ва бу ишларнинг бири иккинчисига тенглаштириш учун қўшилади. Демакки, у иккита нарса ўртасидаги нисбат ва қўшув, демакдир. Шунинг учун фалончи фалончига қиёс қилиниб, фалончига қиёс қилинмади яъни унга ўхшамокчи бўлган эди, унга ўхшолмади, дейилади.

Қиёс усул уламолари истилоҳида бундай таъриф берилди: Шаръий ҳукм чиқаришда бир ишни яна бир ишга эргаштириш, бундан мақсад иллат (ҳукм боиси)да улар ўртасини бирлаштириш яъни шаръий ҳукмга боис бўлиш тўғрисида ўрталарини бирлаштиришдир.

⁽⁸⁰⁾ Бану аъён ота ва онанинг ака-укалари ва опа-сингиллари. Бану аллот отанинг ака-укалари ва опа-сингиллари. Бану ахёф эса онанинг ака-укалари ва опа-сингилларидир.

Қиёс қачонки бир иш устида қиёс қилувчи ва қиёс қилинувчи нарсалар яъни шу иккаласини бир-бирига қўшувчи нарсалар топилган тақдирдагина вужудга келади. Ушбу қиёс қилувчи ва қиёс қилинувчи нарсалар ўртасини қўшадиган бир иш ҳукмнинг боисидир.

Шунинг учун қиёс дегандан мурод ақлий қиёс эмас, шаръий қиёсдир. Яъни бу шундай қиёски, унда қиёсни эъъянига олишга далолат қилаётган шаръий бир ишора мавжуд. Бошқача айтганда, бу қиёсда муайян шаръий нусусда келган шаръий иллат бор бўлади.

Энди ақл ёрдамида шариат тўпламидан тушуниладиган, бироқ, унга далолат қилувчи бирор далил мавжуд бўлмаган ёки шариатда келган ҳеч қандай ҳукм боисисиз тўғридан-тўғри солиштириб кўриш орқали хулоса қилинадиган қиёсга келсак, бундай қиёслаш ҳеч қандай ҳолатда мумкин эмас.

Айримлар: ужра (иш ҳақи) ваколоти билан ижарани лозим ақд қилишда ужра ваколлатини ижарага қиёс қилса бўлади, ваҳолангки, иккаласида ҳам иш ҳақи бериш мавжудлиги сабабли вакот ҳам жойиз авдлардан, дейишади. Бироқ бу ерда икки вазифанинг бир-бирига ўхшагани учун ҳукми ҳукмга қиёс қилинмаяпти, балки ҳукми ҳукмга иккаласида ҳам ҳукм боиси мавжудлиги учун қиёс қилинмаяпти. Чунки ижарани лозим ақдлардан қилган нарса иш ҳақидир. Қачон ваколлатла иш ҳақи топилса, ақдни лозим қилишга боис ҳам топилади. Ана шунда иш ҳақи ваколлати ҳам лозим ақдлардан бўлиб қолади. Яъни муайян иш ҳақига ваколлат қилинган бўлса, бу ваколлат ваколлатни ижарага қиёс қилганда лозим ақдлардан бўлиб қолади. Чунки ижарага олган кишига иш ҳақини тўлаш вазифасини юклашга ва ижарага олинган кишига эса ишни бажариб бериш вазифасини юклашга – ижара ҳам лозим ақдлардан эканига бўлган илтизом (вазифа юклаш) далоллатининг далиллариандир. Демак, қачон мана шу илтизом (вазифа юклаш) топилса, ижарага ваколлатни қиёс қилса бўлаверади.

Шунингдек, бирор воқенинг шаръий ҳукмини шу воқенинг ҳамма турларига ҳам – турлари кўпайиб кетган тақдирда – татбиқ қилиш қиёс қилиш ҳисобланмайди. Масалан, мусалласнинг ҳаромлиги ҳукмини унинг турлари кўпайиб кетса, барча маст қилувчи ичимликларга татбиқ қилингани каби. Чунки қиёс бир ҳукми бир мавзудан чиқариб олиб, иллат бор бўлгани учун бошқа мавзуга ўтказишдир. Аммо бу ерда ҳеч қандай ҳукми ўтказиш бўлмаяпти. Биз ҳар бир маст қилувчи ичимликнинг ҳаромлигини ҳукм қилаётганимизда мусалласнинг ҳаромлиги ҳукмини бошқа нарсага ўтказиш бобидан келиб чиқиб эмас, балки маст қилувчи

ичимликнинг табиати устида ҳукм қилиш бобидан келиб чиқиб ҳукм қиляпмиз. Масалан, қачон ичимликнинг маст қилувчи ичимлик эканлиги аниқланса, унинг ҳаром эканлиги ҳукми ўша ичимликка татбиқ қилинади. Чунки бу ҳукм бошқа мавзу эмас, айнан ўша мавзудир. Бу (қиёс қилиш эмас) манотни аниқлаш, дейилади.

Манот дейишдан мақсад, Шорё ҳукмни боғлиқ қилиб қўйган нарса демакдир. Яъни манот ҳукмнинг далили ҳам, иллати ҳам эмас, балки ҳукмнинг ўзи мос келадиган масаладир.

Энди манотни аниқлашга келсак, ҳукм берилётган нарсанинг воқеини текшириб кўришдир. Мақсад, ўша нарсанинг асл ҳақиқатини билиб олиш. Шунинг учун манот шаръий ҳукм мос келадиган воқедир. Масалан, мусаллас ҳаром десак, шаръий ҳукм мусалласнинг ҳаромлигидир.

Муайян ичимликни маст қилувчи ичимлик яъни мусалласми ё мусаллас эмаслиги унинг воқеини билишга боғлиқ. Қачон шу ичимликнинг воқеини билиб олингандан кейингина унинг ҳаром ё ҳаром эмаслиги аниқ бўлади ва мана шу манотни аниқлаш, дейилади.

Шунинг учун муайян воқенинг манотини аниқлангач, унинг шаръий ҳукмини турларига татбиқ қилиш қиёс ҳисобланмайди. Чунки бу ишда ҳукмни бир мавзудан иккинчи мавзуга ўтказиш иши кетмаяпти.

Қиёснинг ҳужжатлиги:

Юқорида ўтганлардан аён бўлишича, эъёнига олинадиган қиёс шундан иборат эканки, қиёснинг иллати далилда келган бўлиши лозим. Яъни қиёснинг воқеи иллати айтилган далил демакдир. Шунинг учун қиёснинг ҳужжатлиги иллатни ўз ичига олган далилларнинг яъни Қуръон, Суннат ва ижмонинг ҳужжатлигидан келиб чиқади. Қачон Қуръон, Суннат ва ижмонинг – юқорида айтганимиздек – ҳужжатлиги собит бўлса, қиёснинг ҳам ҳужжатлиги исботланади.

Қиёсни (ҳужжат сифатида) истеъмол қилишни Росулulloҳ ﷺ ўргатдилар. Росулulloҳ ﷺ ҳажни ўтаб бериш ва рўзадорнинг бўса олиши тўғрисида сўралганда, сўровчига тўғридан-тўғри жавоб берибгина қўймадилар. Балки саволга жавоб беришдан аввал мусулмонларни қиёсдан фойдаланиш йўлини кўрсатиб берган ҳолда одамзод қарзини (ҳажни) ўтаб бериш ва оғизни чайқаш масаласида келган иллатни келтириб ўтдилар:

«Росулulloҳ ﷺдан ривоят қилинадики, Хасъам қабиласилик бир киши ул зотдан – отам Исломни қабул қилди, аммо у қариб қолгани

боис туяга минолмайди, ҳаж эса унга фарз қилинган, бас, мен отам учун ҳаж қилиб берсам бўладими, деб сўради. Росулulloҳ – сиз отангизни катта ўғлимисиз? дедилар. Ҳа, деди. Росулulloҳ – Нима деб ўйлайсиз, отангизнинг қарзи бўлса, сиз унинг ўрнига тўласангиз бўладими? дедилар. Ҳа, деди. Росулulloҳ – шундай бўлгач, отангизнинг ўрнига ҳаж қилаверинг, дедилар».⁸¹

Умар ривоят қилади: «Мен бир куни жуда хурсандчилигим ошиб, рўзадор ҳолимда бўса олдим. Кейин Росулulloҳ ﷺнинг олдиларига бориб, бугун катта гуноҳ қилиб қўйдим, рўзадор ҳолимда бўса олдим, дедим. Шунда Росулulloҳ ﷺ – нима деб ўйлайсиз, агар рўзадор ҳолингизда оғзингизни чайқасангиз, бўладими? дедилар. Мен – буни ҳечкиси йўқ, дедим. Шунда Росулulloҳ ﷺ – унда нима (яъни жоиз), дедилар».⁸²

Аммо бу ҳукм Росулulloҳ киёс қилганликларини англамайди. Балки Росулulloҳ ﷺ киёсдан фойдаланишни ўргатадиган сийғада Аллоҳдан ўзига келган ваҳи орқали ҳукм чиқарганликларини англатади. Чунки Росулulloҳ ﷺдан содир бўлган барча сўз, амал ва икром – юқорида баён қилиб ўтганимиздек – Аллоҳ тарафидан ваҳидир.

Дарҳақиқат, киёсни саҳоба ﷺлар ҳам ишлатдилар. Абу Бакр ﷺдан шундай саҳиҳ ривоят борки, у отанинг онасига мерос ажратмай, онанинг онасига ажратди. Шунда ансорийлардан бири шундай деди: Сиз марҳум эркакнинг молидан аёл кишига мерос ажратяпсиз, қайсики, бу аёл вафот этса, бу эркак ундан мерос олмайди. Сиз марҳум эркакнинг молидан аёл кишига мерос ажратмадингиз. Агар бу аёл вафот этса, бу эркак унинг ҳамма молига меросхўр бўладику?! Шунда Абу Бакр иккала аёлни ҳам олтидан бир меросга шерик қилиш фикрига қайтди.

Умар ﷺ етти киши иштирокида ўлдирилган киши учун ўч олиш масаласида шак қилиб қолди. Шунда унга Али ﷺ – эй мўминлар амири!, нима деб ўйлайсиз, агар бир тўп кишилар ўғрилиқ қилишса, ҳаммаларини қўлини кесармидингиз? деди. Умар – ҳа, деди. Шунда Али – бу ҳам шундай, деди.

Киёс арконлари:

Юқорида айтилганлардан маълум бўлишича, демак, киёс шаръий далил бўлиб, унинг тўртта аркони мавжуд:

- Киёс қилинишга ярайдиган асл (илдиз).
- Киёс қилинмоқчи бўлаётган фаръ (новда).

⁽⁸¹⁾ Бухорий: 1442. Муслим: 1334).

⁽⁸²⁾ Абу Довуд: 2037. Аҳмад: 132, 350. Дорамий: 1661. Байҳақий: 218/4.

- Аслга хос бўлган шаръий ҳукм.
- Асл билан фарънинг ўртасини жамловчи иллат (ҳукм боиси).

Фарънинг ҳукми қиёс рукнларидан эмас. Чунки фаръдаги ҳукм қиёснинг тўғрилигига боғлиқдир. Шундай экан, агар у қиёснинг рукнларидан бўладиган бўлса, у ҳолда, ўзига ўзи боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса мумкин эмас.

Мисол учун: Жума намозига азон айтилганда савдо-сотик қилишнинг ҳаром қилинганига ўша пайтдаги ижара ҳам ҳаром қилинганлиги қиёс қилинди. Чунки бу ҳукмда Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига кўра, «жума намозидан чалғитиш»дан истинбот қилинган иллат бор:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ

– „*Эй мўминлар, қачон Жума кундаги намозга азон айтилса, дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринг ва олди-сотдини тарк қилинг!*“ [62-9]

Асл: савдо-сотик.

Фаръ: ижара.

Аслга хос бўлган шаръий ҳукм: жума намозига азон айтилганда савдо-сотик қилишнинг ҳаром қилингани.

Иллат: жума намозидан чалғитиш.

қиёс арконларининг шартлари

а) Аслнинг шартлари:

Асл бу унинг устига бошқа нарса бино қилинган яъни бошқа (ҳукм)га муҳтожлик сезмаган, бошқа нарсани унга қиёс қилинадиган нарсадир. Унинг шартлари унда ҳукм исбот топиши яъни мансух қилинмаган бўлишидир.

б) Асл ҳукмининг шартлари:

1. Қуръон, Суннат ва ижмодан бирор далил орқали шаръий ҳукм бўлсин;

2. Аслнинг ҳукмига далолат қилувчи далил фаръга ишлатилган бўлмасин;

3. Аслнинг ҳукми ноаниқ бўлмаган муайян бир иллат билан иллатланган бўлсин;

4. Аслнинг ҳукми фаръ ҳукмидан кейин келган бўлмасин;

5. Аслнинг ҳукми қиёс қонунларидан узилган бўлмасин. Масалан, сафар рухсати каби, аввалда шариатда бўлган ҳукмга ўхшаш. Ёки маъноси тушунилмайдиган нарсалардан бўлмасин. Бунда Хузайманинг гувоҳлиги икки кишининг гувоҳлигичалик бўлиши каби умумий қоидадан мустасно бўладими ёки

ракатларнинг сони ва жазо-ҳадлари миқдори каби умумий қоидадан мустасно бўлмайдами, фарқсиз.

в) Фарҳ шартлари:

Фаръ бу баҳс қилинган ва қиёс қилиниши лозим бўлган ҳукмдир. Унинг шартлари қуйидагича:

1. Унинг бирор кучли муҳолифи бўлмалиги лозим; Чунки бундай муҳолиф қиёс илллати тақозо қилган нарсанинг тескарисини тақозо қилади.

2. Фаръдаги мавжуд иллат аслдаги мавжуд иллатга айнан ёки шаклан муштарак бўлиши лозим;

3. Фаръдаги ҳукм асл ҳукмига айнан ёки шаклан монанд бўлиши лозим; Айнан монанд бўлишига мисол, мусаққал билан муҳаддад ўртасида муштарак жон тўғрисида қасос олишнинг вожиблиги.⁸³ Шаклан монанд бўлишига мисол, ёши кичик қизнинг молида валий бўлиш лозимлигига қиёсан унинг никоҳида ҳам валий бўлиш. Чунки қизнинг моли ва ёши ўртасидаги муштараклик айнан валийлик эмас, шаклан валийликдир. Агар шундай бўлмаса, қиёс ботил бўлади.

4. Фарънинг ҳукми нусусда келган бўлмалиги лозим;

5. Фарънинг ҳукми аслнинг ҳукмидан муқаддам келган бўлмалиги лозим.

г) Иллат:

Иллат у туфайли ҳукм вужудга келган нарсадир. Бошқача айтганда, ҳукмга боис бўлган, яъни ҳукмнинг шаръан қонуллашишига боис бўлган ишдир.

Иллат ҳукмнинг ҳукмлигига далил ва уни танитувчи белги, аломатдир. Шу билан бирга у ҳукмга туртки бўлгани боис ҳамдир. Иллат ҳукмнинг шаръий тус олишига сабабчидир. Шунинг учун у нусуснинг маъкули (ақлан тушуниладиган нарсаси)дир. Агар нусус таркибида иллат йўқ бўлса, нусусда мантук ҳам бўлади, мафҳум ҳам бўлади, аммо маъкул бўлмайди. Натижада, бу нусусга бошқа нусусни мутлақо қўшиб бўлмайди. Аммо нусус таркибида тушунарли бир сифат орқали ҳукми солиштириб кўриш мумкин бўладиган даражада иллат мавжуд бўлса, у ҳолда, нусуснинг мантуқи ҳам, мафҳуми ҳам, маъкули ҳам бор бўлади ва бу нусусга бошқа нусусни қўшиш мумкин бўлади. Чунки нусусда иллат мавжуд бўлса, бу нусус бошқа ҳодисаларнинг турлари ва навларини ҳам ўз ичига олаверади. Бошқа ҳодисаларнинг тур ва навларини ўз ичига олишда мантуқи ва мафҳуми орқали эмас,

⁽⁸³⁾ Мусаққал одам ўлдиришда ишлатиладиган тош каби оғир нарса. Муҳаддад эса шу ишда ишлатиладиган қилич ва пичоқ каби ўткир нарса).

балки қўшиш орқали ўз ичига олади. Чунки мафхум ҳам, мантук ҳам нусусдаги иллатда иштирок этади.

Иллат баъзан ҳукмнинг далилида келиши мумкин. Бу ҳолда ҳукмга хитоб ва хитоб ўз ичига олган иллат далолат қилади. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

مَا أَقَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرَى فَلِلَّهِ وَاللِّرَسُولِ وَلِلَّذِي الْفُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ
وَابْنِ السَّبِيلِ كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ

– „*Аллоҳ қишлоқ-шаҳарларнинг (кофир) аҳолисидан Ўз пайгамбарига ўлжа қилиб берган нарсалар — токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун — Аллоҳники, пайгамбарники ва (пайгамбарнинг) қариндош-уруғлари, етимлар, бечора-мускинлар ва йўловчи-мусофирларникидир*“.

[59-7]

Кейинги оятда

لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ

– „*(Бу ўлжалар) камбағал муҳожирларники*“.

[59-8]

деди. Ўлжа ҳақида ва Назир қабиласи тўғрисида нозил бўлган бу оят ҳукмга яъни ўлжани камбағал муҳожирларга бериш ҳукмига далолат қилмоқда. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ ўлжани фақат муҳожирларга бердилар ҳамда – икки камбағал ансорийдан бошқа – бирорта ансорийга бермадилар.

Бу оятда келган токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун деган иллат эса яъни фақат бойлар ўртасида айланавермасдан бошқаларга ҳам кўчиши учун, деган иллат ҳукмга яъни ҳукми шаръий ҳукм бўлишига боис бўляпти.

Иллат шартлари:

1. Иллат шаръий иллат бўлиши лозим. Яъни нусусда очиқ-ойдин ё далолат ё истинбот ёки киёс орқали келган бўлиши лозим; Аммо иллат ақл орқали ёки ақлий истинбот орқали келиб, ҳеч қандай шаръий нусусга асосланмаган бўлса, бундай иллатни киёс қилишга яроқли иллат, деб эъяъни қилинмайди ҳамда унга асосланган ҳукм ҳам шаръий ҳукм ҳисобланмайди.

2. Иллат асли ўзи шаръий ҳукм бўлмаслиги лозим. Агар шундай бўлса, у ҳукми шаръий ҳукм қилишга боис бўлмайди, балки асл ҳукм бўлади холос.

3. Иллат бошқага ҳам ўтувчи иллат бўлиши лозим. Шунинг учун бошқага ўтмайдиган қосир иллат қиёс қилишга яроқсиз иллат ҳисобланади.

4. Иллат асл ҳукмдан кейин келган бўлмаслиги лозим. Чунки агар шундай бўлса, бу асл ҳукм иллатдан аввал собит бўлган

бўлади яъни ҳукмнинг шаръий ҳукм бўлишига боис бўлмай қолади.

5. Иллат ҳукмга таъсир қиладиган, иллат бўлишга муносиб ва иллатлиги тушунарли сифат бўлиши лозим. Мисол учун, ғазабланиш қозини ажрим қилишдан тўсишга таъсир қилувчи сифат. Яъни ғазаб фикрлашда тартибсизликни пайдо бўлишига сабаб бўлиб, ажрим қилишга таъсир қилади. Шунинг учун бундай ҳолатда ғазабланиш сифати ғазабланган қозини ажрим қилишдан ман қилувчи иллат бўлади. Бироқ, қозининг узун бўйлик бўлиши ажрим қилишга таъсир қилмайди. Чунки унинг бўйининг узунлиги ажрим қилиши мумкин ё мумкинмаслигига таъсири йўқ ва ҳукмга таъсир этмайди. Шунга ўхшаш оқ ва қора танлик, узун ва калта бўйлик каби барча сифатлар таъсир қилмайдиган ҳамда иллат бўлишга ярамайдиган сифатлардир. Чунки бу сифатлар билан шу сифатлар зикр қилинган ҳукм ўртасида муносиблик йўқ, бинобарин, иллатлик учун тушунарлик ҳам эмас.

6. Иллат таъсирдан холи тўғридан-тўғри солиштирув бўлмаслиги лозим. Мисол учун, бомдод намозини қаср қилиш мумкин эмас, уни вақтидан аввал ҳам, кейин ҳам – жам қилиб – ўқиб бўлмайди, дейилса-да, кейин шом намозини ҳам қаср қилиб бўлмайди, дея бомдодга қиёс қилинса, шубҳасиз, бундай қиёс хатодир. Бундай солиштирув иллатлашга ва қиёслашга ярамайдиган солиштирувдир.

7. Иллатлашда уни бузувчи нарса бўлмаслиги лозим. Яъни иллат мустаҳкам бўлиб, иллатланаётган нарсанинг борлигига қарамай, ҳукм ўзгаришсиз қолавериши лозим. Масалан, Шофейй қимматбаҳо тақинчоқларга закот бериш тўғрисида – улар ўсмайдиган мол, шунинг учун уларга закот буюрилмайди, деди. Унга муҳолиф эса – бу гап ман қилинган қимматбаҳо тақинчоқларга зиддир, чунки ман қилинганлари ўсмайдиган бўлса ҳам, уларга закот буюрилади, деса, ҳукм (Шофеййнинг ҳукми) ўзгаришсиз қолаверади. Ёки сафарда рўза тутмаслик рухсатини иллатловчилар – унинг илллати машаққатдир, дейишди. Буни рад этувчилар эса – ҳаммолга муқимликда рўза тутмаслик рухсат берилмайди, яъни гарчи унинг машаққати мусофирнинг – айникса самолёт, енгил машина каби воситаларда сафарга чиққан мусофирнинг – машаққатидан зиёда бўлса ҳам, рухсат берилмайди, дейишди. Бу ва бундан бошқа иллатлашлар иллат ҳисобланмайди ҳамда қиёслашга ҳам ярамайди.

8. Иллат баҳс босқичидаги ҳукмга ҳам таъсири бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, иллат гарчи ҳукмга муносиб бўлса ҳам, қиёс қилишда иллат бўлишга ярамайди. Мисол учун, шаръий ҳукм

истинбот қилинишга мухтож бир баҳс босқичидаги масала бўлса, масалан, аёл ўзининг никоҳида ўзига ўзи валий бўлиши жоизми ё жоиз эмасми, деган бир масала бўлса, жоиз эмас деяётган киши жоиз эмаслигига унинг лаёқатсиз (ожиза) эканлигини иллат қилса, бу иллат иллатликка ярамайди. Чунки баҳс босқичи аёлнинг лаёқатли ва лаёқатсиз бўлган пайтида ҳам ўзига ўзи валий бўлиши тўғрисида пайдо бўлган баҳсдир. Шунинг учун бу киши аёлнинг ўзига ўзи валий бўлиши жоиз эмаслигига бирор лаёқатсизлик далилини топиб оладиган бўлса, бу далил аёлнинг ҳамма ҳолатларида ҳам ўзига ўзи валий бўлолмаслигининг қиёсига далил бўлолмайди. Балки у бошқа бирор далил излаши лозим бўлади.

9. Иллат Шорейнинг ана шу ҳукми баён қилишда кўзлаган мақсадни ифодаловчи ҳикмат бўлмаслиги лозим. Бу ҳақда инша Аллоҳ келгусида баён қиламиз.

10. Иллат Қуръон, Суннат ва ижмо нусусларида рад этилишдан омон қолган бўлиши лозим.

Иллат турлари:

Юқорида иллат ҳукмининг ҳукмлигига далил ва уни танитувчи белги, аломат ҳамда ҳукмининг шаръий ҳукм бўлишига боис, дедик.

Шунга кўра иллат далилда ё очиқ-ойдин ё далолат ё истинбот ёхуд қиёс орқали келиши лозим. Буни қуйида батафсил баён қиламиз:

Биринчи: Очиқ-ойдин келган иллат:

Бу иллат қуйидагича:

а) Иллат нусусда «لَا جُنْحَ مِنَ الْجُلِّ» боис, сабабли», деган сўз билан очиқ-ойдин келади. Масалан, Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзларида келгани каби:

•
«كُنْتُ نَهَيْتُكُمْ عَنْ ادِّخَارِ لُحُومِ الْأَصْحَابِ لِأَجْلِ الدَّافَّةِ فَادَّخِرُواهَا»

«Мен сизларни келаётган мухтожлар сабабли қурбонлик гўштларини сақлашдан қайтаргандим, энди сақлайверинглар».⁸⁴

•
«إِنَّمَا جُعِلَ الْإِسْتِئْذَانُ مِنْ أَجْلِ الْبَصَرِ»

«Кўз боис киришга рухсат сўраш вожиб бўлди».⁸⁵

Аллоҳ Таоло айтади:

⁽⁸⁴⁾ Муслим: 1971, 3643. Абу Довуд: 2429. Молик: 918).

⁽⁸⁵⁾ Бухорий: 5772. Муслим: 4013, 4014.

مِنْ أَجْلِ ذَلِكَ كَتَبْنَا عَلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنَّهُ مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَا أَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا

– *„Ана ўша (фожеа) сабабли Бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) ёзиб кўйдик: кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузгунчилик қилмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак; гўё барча одамларга ҳаёт берибди“.* [5:32]

б) Иллат нусусда «كَيِّ» ва «لِ» ҳарфлари орқали очик тушунарли ҳолда келади:

كَيِّ:

لِكَيْ لَا يَكُونَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِي أَزْوَاجِ أَدْعِيَائِهِمْ

– *„Мўминларга ўз асранди болалари хотинларида танглик бўлмасин учун“.* [33-37]

كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ

– *„Сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиған нарса бўлиб қолмасин учун“.* [59-7]

لِ:

لِيَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ

– *„Токи бу найгамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун“.* [4-165]

• Аммо бу ҳарфлар иллатни кўрсатмайдиган, балки оқибат-ҳикматни кўрсатадиган ҳарфларга далолат қилмаслиги шарт:

أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ

– *„Қуёш оғишидан (бошлаб) намозни тўкис адо қилинг“.*

[17:78]

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

– *„Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим“.*

[51:56]

لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ

– *„Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлишлари учун“.*

[22-28]

Бу ҳақда ҳикмат тўғрисидаги мавзуимизда батафсил баён қиламиз.

Иккинчи: далолат (махно) орқали келган иллат:

Иллат кейин бино бўладиган нарсага имо ва эслатма ҳолатида бўлади. Бунда иллат сўз лозимидан яъни илтизом далолати (маъноси)да келади. Бунда сўз ўз туришича иллатга

далолат қилмайди. Бошқача ибора билан айтганда, иллат сўзнинг мантуқидан эмас, мафҳумидан олинади.

Бу икки ҳолатда бўлади:

Биринчи ҳолат: Асли луғавий жиҳатдан яъни мантуқ жиҳатидан иллатлаш учун тузилмаган, балки сўз зарурати яъни мафҳум жиҳатидан иллатлашни ифодалайдиган ҳарфлар орқали иллатлаш. Масалан, таъкиб (шарҳлаш) учун келувчи «фо» ва ғоя-мақсад учун келувчи «хатто» ҳарфлари каби:

а) Таъкиб (шарҳлаш) ва сабаб «фо»си:

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ أَحْبَبَ أَرْضًا مَيْتَةً فَهِيَ لَهُ»

«Ким ўлик ерни тирилтирса, бас, ер ўшаники».⁸⁶

Росулуллоҳ ﷺ яна бундай дедилар:

«مَلَكَتْ نَفْسَكَ فَأَخْتَارِي»

«Сен ўзинга эгасан (хўжайинсан), бас ихтиёр ўзингда (хоҳласанг эринг билан қол, хоҳласанг ажраш)».⁸⁷

Биринчи ҳадисда ерга эга бўлишни сабаб (фо)си орқали тирилтиришга боғлаш билан тирилтиришни мулкка эга бўлишга иллат қилиб кўйилди. Яъни ким ўлик ерни тош ётқизиш ё экин экиш ва ё ободонлаштириш ёки ариқ очиш билан тирилтирса, ер ўшанга бўлади, дейиляпти.

Иккинчи ҳадисда

Фо ҳарфи луғавий жиҳатдан иллатлашни ифода қилмаганлиги боис фога қуйидаги шартлар кўйилган:

1. Фо ҳарфи иллатлаш учун келганда иллатлаш фонинг маъносига лозим бўлиши шарт қилинади. Чунки фо асида луғатда жамъи мутлақни ифодаловчи «و» «ва» маъносини англатади. Баъзан эса муҳлат билан ихтиёрни ифодаловчи «ثُمَّ» «кейин» маъносини англатади. Аммо фо бошқа маъноларига нисбатан кўпроқ таъкиб яъни шарҳлаш маъносида келади.

2. Фо ҳарфи иллатлаш учун келганда иллатлаш фонинг маъносига умумий лозим бўлиши шарт қилинади. Яъни ҳукмни иллат жиҳатидан бошқага ўтувчи ҳукм қилиш мумкин. Аммо ҳукм қосир бўлиб, бошқасига ўтмайдиган бўлса, бундай ҳолатда фо сабабни англатади.

Мисол учун:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا

⁽⁸⁶⁾ Термизий: 1378, 1379. Доркутний: 217(4).

⁽⁸⁷⁾ Аҳмад: 24294).

– „Ўзри аёл ва ўзри эркакни қўлларини кесинг“ [5:38]

الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِئَةَ جَلْدَةٍ

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак — улардан ҳар бирини юз даррадан уринг“ [24:2]

«وَرَزَانًا مَّا عَزَّرَ فَرَجَمَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ»

«Моиз зино қилди, шунда Росулulloҳ ﷺ уни тошбўрон қилдилар». ⁸⁸

Бу нусусларда фо ҳарфи иллатлашни ифодалаётган бўлса-да, бу иллатлаш қосир бўлиб, бошқасига ўтмайди (яъни фақат битта ҳукмнинг илллати бўлиб қолади). Бундай ҳолатда фо (фои сабабия) сабабни англатувчи фо бўлади. Яъни ўғрилиқ қўл кесилишнинг сабаби, зино дарра урилишнинг сабаби, дейишимиз мумкин.

3. Фодан кейин келган ҳарф ўзидан аввалгини мукаммал қилмаслиги шарт қилинади. Агар мукаммал қилса, фо иллатлаш фоси эмас, (фои шартий) шарт фоси бўлиб қолади.

Мисол учун:

إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ

– „...Намозга турсангизда юзларингизни ювинг“ [5:6]

б) Фо ҳарфининг «حَتَّى» аслида ниҳоя маъносини англатиши:

Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِنْ أَحَدٌ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجْرُهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ

– „(Эй Муҳаммад), агар мушириклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни омонлик жойига етказиб қўйинг“.

[9-6]

Бу оятда муширикни ҳимоя қилиш илллати унга Аллоҳнинг каломини эшиттириш яъни унга даъватни етказишдир.

Бунда фо ҳарфи аслида мантук жиҳатидан ғоя учун қўйилган «حَتَّى токи» ҳарфнинг илтизом маъносини англатади.

Иккинчи ҳолат: Шорё ҳукм билан бирга тушунарли муносиб яъни иллатни ифодаловчи сифатни зикр қилади. ⁸⁹ Бундай ҳолатда ҳукм қуйидагича турларга бўлинади:

⁽⁸⁸⁾ Бухорий: 4866, 6317. Муслим: 3202).

⁽⁸⁹⁾ Тушунарли муносиб сифат деганнинг маъноси нусусда сифат билан сифатдан келиб чикувчи ҳукм ўртасида таъсирли алоқа мавжуд бўлади. Масалан, «لَا يَقْضَى الْقَاضِي وَهُوَ غَضَبًا» Қози газабланган ҳолатида ҳукм қилмасин», деган нусусда газаб сўзи ҳукм қилишдан қайтаришни тушунтирувчи муносиб сифатдир. «الْقَاتِلُ لَا يَرْثُ» Қотил мерос олмайди», деган нусусда ҳам ўғил тарафидан отанинг ўлдирилиши (қотил) ўғилнинг отасидан мерос олмаслигига муносиб сифат бўлади ва ҳоказо барча шунга ўхшаш муносиб келувчи сифатлар. Аммо қора танли

а) Ҳукм бошланишдаёқ яъни ҳеч қандай саволсиз зикр қилинади: Масалан, Росулulloҳ ﷺ

«الْقَاتِلُ لَا يَرِثُ»

«қотил мерос олмайди».⁹⁰ деган бўлсалар бу сўзлари билан қотилни меросхўрлар сафидан чиқариб қўйдилар. Чунки қотил сўзи тушунарли сифатдир.

«فِي الْغَنَمِ السَّائِمَةِ زَكَاةٌ»

«Яйловда ўтловчи қўйларга закот бор».⁹¹

Бу Ҳадисда эгаси емламасдан яйловда боқаётган «السَّائِمَةُ» «чорва» ҳайвонлари ҳам тушунарли сифатдир.

«لِلرَّأَجِلِ سَهْمٌ وَلِلْفَارِسِ ثَلَاثَةٌ أَسْهُمٌ»

«Пиёдага битга ҳисса, отликқа учта ҳисса (берилсин)».⁹²

Бу ҳадисда ҳиссалар пиёда жанг қилган киши билан отда жанг қилган кишининг сифатларига қараб тақсимланмоқда.

б) Ҳукм савол билан бирга ва савол ўрнида зикр қилинади: Ривоят қилинадики, Росулulloҳ ﷺ дан янги хурмони қуриган хурмога айирбошлаш ҳақида сўрашганида Росулulloҳ

«أَيَنْقُصُ الرُّطْبُ إِذَا يَبِسَ؟»

«Хурмо қуриса вазни камаядими?», деб сўрадилар. Ҳа, дейишган эди «فَلَا إِذَا» унда, йўқ (айрбошланмасин)», дедилар.⁹³

Бу ҳадисдан вазннинг камайиши янги хурмони қуриган хурмога айирбошлашдан қайтаришга иллат бўлаётгани тушуниляпти.

в) Ҳукм савол билан бирга савол ўрнида бўлмай зикр қилинади:

«Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилинади, Хасъам кабиласилик бир қиз Росулulloҳдан – отамнинг вафоти яқинлашиб қолди, ҳаж эса унга фарз қилинган, бас, мен отам учун ҳаж қилиб берсам унга фойдаси бўладими, деб сўради. Росулulloҳ – Нима деб ўйлайсиз, отангизнинг қарзи бўлса, сиз унинг ўрнига тўласангиз отангизга

қози ҳукм қилмасин, дейилса, бунда қора танлик сифатнинг ҳукм қилишдан қайтаришга алоқаси йўқ. Чунки таннинг қора ранги ҳукм қилишдан қайтаришни тушунтирувчи муносиб сифат эмас. Шунингдек, узун бўйли киши мерос олмайди, дейилганда ҳам бўйнинг узунлик сифати меросдан қайтаришни тушунтирувчи муносиб сифат эмас. Чунки меросхўрнинг узун ёки калта бўйлик сифати ҳукми тушунтирмайди ва унга муносиб ҳам эмас ва ҳоказо.

⁽⁹⁰⁾ Термизий: 2135 у саҳиҳ эмас, Аҳмад: 49\1).

⁽⁹¹⁾ Абу Довуд: 96\2. Байҳақий: 99\4.

⁽⁹²⁾ Термизий: 1475 у хасан саҳиҳ, деган. Абу Довуд: 2358. Ибн Можа: 2845. Дорамий: 2362.

⁽⁹³⁾ Термизий: 1146. Насоий: 4469. Абу Довуд: 2915. Ибн Можа: 2255. Молик: 1139.

фойдаси бўладими? дедилар. Ҳа, деди. Росулulloҳ – Аллоҳнинг қарзи, тўланишга ҳақлироқ қарздир, дедилар».⁹⁴

Бу Ҳадисда хасъамлик қиз ҳаж ҳақида савол берган эди Росулulloҳ ﷺ инсон қарзини зикр қилдилар. Ҳаж ҳам ҳаж сифатида инсон қарзи билан баробардир. Шунинг учун қарзни Аллоҳнинг инсон устидаги ҳаққи билан инсоннинг инсон устидаги ҳаққи ўртасига кўшиб зикр қилдилар. Бу эса қарзнинг адо қилинишини тушунтирувчи муносиб сифатдир. Бу ҳадис юқорида савол берувчи эркак киши ҳолатида келган эди.

Бу ҳадис Росулulloҳ ﷺнинг инсонларни қиёсни шартлари билан бирга ишлатишга тарғиб қилганларига ҳам далил бўлади.

Учинчи: Нусусда истинбот орқали келган иллат:

Бунда нусус таркиби ҳукм учун иллатни истинбот қилишни ифодалайди. Бу иллат очиқ-ойдин ҳам, далолатан ҳам зикр қилинмаган бўлади.

Биринчи мисол: Ривоят қилинадики, Умар رضي الله عنه Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан рўзадор одам бўса олса, рўзаси бузиладими, дея сўраганида, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم – нима деб ўйлайсиз, агар рўзадор ҳолингизда оғзингизни чайқасангиз, бу рўзангизни бузадими? дедилар. Умар йўқ, деди.⁹⁵

Юқорида бу Ҳадисни тўла зикр қилиб ўтдик. Бу ҳадисдан бўса олиш рўзани бузмаслиги худди оғиз чайқаш рўзани бузмаслиги билан – агар оғизни чайқаш сувнинг қоринга тушишига сабаб бўлмаса – бир хиллигини истинбот қилдик. Бу билан бўса олиш ҳам – агар манийнинг тушишига сабаб бўлмаса – рўзани бузмаслиги келиб чиқди. Бундан бўса олиш билан рўзани бузиш илллати яъни маний тушиш илллати ҳам истинбот қилинди ва бу иллат яъни маний тушиш илллати истинбот қилинувчи иллат, деб аталди.

Иккинчи мисол:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ

– „*Эй мўминлар, қачон Жума кундаги намозга азон айтилса, дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринг ва савдо-сотикни тарк қилинг*“.
[62-9]

Ушбу оят савдо-сотик ҳукмини эмас, жума намози ҳукмини баён қиляпти. Савдо-сотикдан қайтариш жумага боришдан қайтаришга иллат бўлмаганида эди, жума намози ҳукмига боғланмаган бўлар эди. Аллоҳ Таолонинг «وَذَرُوا الْبَيْعَ» ва савдо-

⁽⁹⁴⁾ Бухорий: 1442. Муслим: 1334.

⁽⁹⁵⁾ Бу Ҳадис «қиёснинг ҳужжатлиги» сарлавҳасида келган.

сотикни тарк қилинг», деган каломи гарчи қилмасликка бўлган амр сийғасида келаётган бўлса-да, бироқ, бу қилмаслик талаби қарина орқали қатъий талаб бўляпти. Қарина эса мубоҳдан қайтариш талабидир. Бундан ташқари бу ерда хитоб мавзуси жума намозига бориш мавзуси бўлиб, бу фарз ҳукмидадир. Бу билан азон пайтида савдо-сотик қилишдан қайтарув қатъий қайтарув бўлиб қолади.

Ушбу оятдан азон пайтида савдо-сотик қилишнинг ҳаромлигига бир иллат истинбот қилинади, у ҳам бўлса, жума намозидан чалғитиш иллатидир. Бу иллат ҳам истинбот қилинган иллат, дейилади ва ҳукм бор ва йўқликда ана шу иллатга боғлиқ бўлади. Натижада, жума намозига азон айтилган вақтда савдо сотик қилиш ҳам, ижара ҳам, бошқа ҳар қандай амаллар ҳам намоздан чалғитганлиги боис қиёс орқали ҳаром қилинади.

Учинчи мисол: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«الْمُسْلِمُونَ شُرَكَاءٌ فِي ثَلَاثٍ: الْمَاءِ وَالْكَلْبِ وَالنَّارِ»

«Мусулмонлар уч нарсада: сув, ўт-ўлан ва оловда шерикдирлар».⁹⁶

Бир саҳиҳ ҳадисда ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ сувнинг Тоиф ва Хайбарда инсонларнинг шахсий мулки бўлишини мубоҳ қилдилар. Улар экинлари ва боғларини суғоришда сувни хусусий қилиб ишлатдилар.

Ушбу икки ҳадисдан сувда шерик бўлиш сувнинг сув бўлганлиги жиҳатидан эмас, балки сувнинг сифати жиҳатиданлиги тушуниляпти. Яъни сув жамоанинг эҳтиёжи тушадиган тармоғи бўлгани учун одамлар унда шериклик қиладиган умумий мулк бўлиши лозим, шахсий мулк бўлмаслиги керак. Энди, қачон сувга одамларни эҳтиёжи бўлмаса, у шахсий мулк бўлиши жоиздир.

Мана шундан сувга шерик бўлиш илллати истинбот қилинди яъни бу иллат сув жамоа тармоғидан бўлганлиги иллатидир. Бу ҳукм ҳам борлик ва йўқликда иллатга боғлиқ бўлади. Қачон сув жамоа тармоғидан бўлса, ҳатто мазкур учта нарсадан бўлмаса ҳам, у омма мулки бўлиб қолади. Қачон ундан иллат йўқолса, яъни жамоа тармоғидан бўлмай қолса, у шахсий мулкка айланади.

Тўртинчи мисол: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا حِمَىٰ إِلَّا لِلَّهِ وَرَسُولِهِ»

«Дахлсизлик фақат Аллоҳ ва Росулига хосдир».⁹⁷

⁽⁹⁶⁾ Абу Довуд: 278\3. Ибн Можа: 862\2. Аҳмад: 364\5).

⁽⁹⁷⁾ Бухорий: 370, 3012. Аҳмад: 71\4. Абу Довуд: 2679).

Бу ҳадисдан бирор киши омма мулкидан бирортасини ёлғиз ўзига доимий хослаб олишдан қайтаришга иллат истинбот қилинади. Бу иллат «доимий банд қилиш» иллатидир.

Шунга биноан, поезд, трамвай, троллейбус каби транспорт воситаларини шахсий мулк қилиб олиш ман қилинади. Чунки бу воситалар махсус темир йўл ва электр симда ҳаракат қилади. Яъни улар омма йўлининг бир қисмини доимо банд қилади. Қачон бу иллат яъни «омма мулкининг бир қисмини доимо банд қилиш» иллоти йўқолса, ҳукм ҳам йўқолади. Мисол учун, бир киши шахсий поезди бўлишини хоҳласа ва бу поезди ўзига қарашли ердаги темир йўлда ҳаракатланадиган бўлса, уни бундай поездга эга бўлишдан ман қилинмайди. Шунинг учун машиналар ва самолётлар шахсий мулк бўлиши жоиздир. Чунки улар йўлдан бир қисмини доимий банд қилмайди.

Шунингдек, ҳеч кимни фойдаланишдан ман қилинмайдиган денгиз ва катта дарёлардаги сув транспортларига нисбатан ҳам шундай (яъни улар бир кишининг мулки бўлиши жоиз эмас). Аммо суғориш учун фойдаланилувчи кичик дарёларда ҳаракатланувчи сув транспортлари эса бу дарёлар умумий йўл сифатида бўлгани учун шахсларга кичкина кемаларга эга бўлиш рухсат берилади. Чунки кичик кемалар омма мулки бўлган дарёни хусусий қилиб қўймади. Лекин сув трубалари ва ариқларга келсак, булар омма мулки бўлиши лозим. Чунки йўлнинг бир қисмини доимий банд қилади.

Тўртинчи: қиёсий иллат:

Нусусда далолатли иллат бўлади. Мана шу иллат билан асл ҳукми ўртасида таъсирли алоқа бўлса, бу алоқадан янги бир иллатни қиёс қилишда фойдаланиш мумкин. Бу янги иллатни нусусда далолати бор бўлган иллатга қиёс қилинади ва айни янги иллат қиёсий иллат, дейилади. Бу иллат қиёслашда янги ҳукмни ишлаб чиқиш учун ишлатилади. Шунингдек, бошқа иллатлар турларида ҳам баб-баробар ишлатилаверади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, иллат билан ҳукм ўртасидаги алоқа қачонки бу иллат далолат жиҳатидан иллатлашнинг тушунарли сифати бўлган тақдирдагина вужудга келиши мумкин. Яъни иллат мана шу сифатни иллат бўлаётганини ҳам тушунтириб турсин ҳамда мана шу сифат иллат, деб эъъни қилинишига бўлган сабабни ҳам тушунтириб турсин. Чунки ушбу иллат билан ҳукм ўртасидаги таъсирли алоқани пайдо қилувчи нарса мана шу сабабдир.

Бунга мисоллар:

Росулulloх ﷺ бундай дедилар:

«لَا يَقْضِي الْقَاضِي وَهُوَ غَضَبَانُ»

«қози ғазабланган ҳолида ажрим қилмасин».⁹⁸

Бу ерда ғазаб тушунарли сифат бўлиб, ғазабни иллат қилган ҳолда ҳукм билан бирга зикр қилинди.

Аммо далолат жиҳатидан зикр қилинган иллат яъни ғазаб ажрим қилишга таъсир қилувчи тушунарли сифатдир. Бу ерда далолатидан тушунилувчи иллат билан асл ҳукм ўртасида яъни ғазаб билан ажрим қилиш ўртасида таъсирли алоқа бор. Ушбу таъсирли алоқа эса фикрнинг тарқоқ бўлиши ва бесаранжом ҳолатда бўлишидир. Шунингдек, бошқа ҳар қандай янги тушунарли сифат ҳам айни таъсирли алоқани ўз ичига олади. Масалан, очликни олайлик. Бу сифат ҳам мана шу алоқа орқали нусусда далолатидан тушунилувчи иллатга қиёс қилинади ва ушбу янги тушунарли сифат (яъни очлик) қиёсий иллат, дейилади. Натижада, ушбу икки сифат яъни ғазаб ва очлик сифатларида мавжуд таъсирли алоқа орқали ғазаб далолатидан тушунилувчи иллат, очлик эса қиёсий иллат бўлиб қолади.

Яна бир мисол: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ كَسَرَ شَيْئًا فَهُوَ لَهُ وَعَلَيْهِ مِثْلُهُ»

«Ким бир нарсани синдириб қўйса, синган нарса уники бўлади ва ўшандай нарса бўйнига тушади».⁹⁹

Бу ҳадисда далолатидан тушунилувчи иллат келган. Бу иллатни ифодалаш учун сўз оқида фо ҳарфи ишлатилди. Ушбу фо ҳарфи эса луғавий жиҳатдан иллатни англатмаслиги бизга маълум. Шунинг учун ҳам айни иллат далолатидан тушунилувчи иллат, деб аталган. Ҳадисда кимнинг қўлида биродарининг нарсаси бўлиб, уни синдириб қўйса, ўшандай нарсани биродарига тўлаши лозимлиги баён қилинди.

Ушбу нусусда ишлатилган фо ҳарфи шуни англатадики, нарсанинг синдирилиши унинг қийматини тўлашга иллатдир. Чунки синдириш иллатлашни тушунтириб турган сифат бўлиб, унинг асл ҳукми (яъни қийматини тўлаш вожиблиги ҳукми) билан алоқаси бор. Айни алоқа эса «мана шу нарсанинг аслича қолмаслиги»дир ва бу алоқани боғлаш орқали янги иллатни яъни «нарсанинг асли ўзгариши»ни нусусда келган далолат иллатига яъни «нарсанинг синиши ёки айнан ўзининг йўқолиши» иллатига

⁽⁹⁸⁾ Бухорий: 6739. Муслим: 1717.

⁽⁹⁹⁾ Ибн Можа: 782|2. Бухорий: «كسر لعير» бировнинг нарсасини синдириб қўйса», деган сўз билан ривоят қилган. Абу Яъло: 85|6. Доркутний: 153|4).

қиёс қилинади. Мана шу янги иллат қиёсий иллат, дейилади ва у янги аҳкомларни ҳам асл ҳукмига қиёс қилишда ишлатилаверади.

Демак, кимнинг қўлида биродарининг нарсаси бўлиб, уни синдириб қўйса, «синиш далолат илллати» бўлгани боис, ўшандай нарсани биродарига тўлаб беради. Шунга ўхшаш, ким ўша синдириб қўйган нарсанинг айнан ўзини ўзгартирса, масалан, унинг ўрнига биродарига ўзидаги буғдойни тегирмондан чиқариб берса ёки ўзидаги пўлатдан унга қилич ясаб берса, булар ҳам ўшандай нарса билан тўлаш, деб эъъъни қилинади. Чунки у синган нарсанинг айнан ўзини ўзгартирди. «Нарсанинг асли ўзгариши» эса қиёсий иллатдир.

Иллат турларига яна бошқа мисоллар:

1. Очiq-ойдин келган иллат:

1. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنْ كُنْتُمْ ثَلَاثَةً فَلَا يَتَّحِ أَثْنَانِ دُونَ الثَّالِثِ مِنْ أَجْلِ أَنْ ذَلِكَ يُحْزِنُهُ»

«Уч киши бўлсангиз, бирингиз қолиб иккитангиз пичирлашманг. Чунки, бу уни хафа қилади».¹⁰⁰

Бу хадисда иллат

«مِنْ أَجْلِ أَنْ ذَلِكَ يُحْزِنُهُ»

«Чунки, бу уни хафа қилади», деган сўзлардир. Яъни бунда «مِنْ أَجْلِ» нима учунки», деган иллат ҳарфлари очiq ишлатилди ва шу боис, очiq-ойдин келган иллат бўлиб қолди.

2. Далолатидан тушунилувчи иллат:

Бунда тушунарли сифат ишлатилади:

1. Аллоҳ ﷻ айтади:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ

– „*(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни қўрқувга солурсизлар*“.

[8:60]

Бу оятда душманни қўрқувга солиш муносиб сифат бўлиб, иллатни ифода қиляпти. Чунки

«تُرْهَبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ»

«Бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни қўрқувга солурсизлар» сўзи далолат иллатидир.

⁽¹⁰⁰⁾ Аҳмад: 375\1, 425. Аҳмад Шокир уни саҳиҳ санади, деди. Таёлисий: 34 саҳифа 257 рақам).

2. Росулulloх ﷺ бундай дедилар:

«مَا كَانَتْ هَذِهِ لِقَاتِلٍ...»

«Бу (аёл бизга қарши) жанг қилмаган эди».¹⁰¹

Бу ҳадисда аёлнинг душман қўшини билан бирга жанг қилмагани уни ўлдириш ҳаром қилинганига иллат бўляпти. Бу тушунарли сифат бўлиб, «жанг қилмаган», деган сўз орқали далолат иллоти бўляпти. Бинобарин, душман аёлларидан бири мусулмонларга қарши жанг қилса, уни ўлдириш жоиз бўлади.

3. Истинбот орқали чиқарилувчи иллат:

Росулulloх ﷺ

«أَرَأَيْتَ لَوْ تَمَضَّمْتِ هَلْ يُفْسِدُ صَوْمُكَ؟ قَالَ: لَا. قَالَ: فَكَذَلِكَ الْقُبُلَةُ»

«Нима деб ўйлайсиз, оғзингизни чайқасангиз, рўзангиз бузиладими?» дедилар. Йўқ, деди. Шунда «Бўса олиш ҳам шундай», дедилар.¹⁰²

Бу нусудан бўса олганда рўзанинг бузилиш иллоти манийнинг тушиши эканлиги истинбот қилинади. Яъни киши бўса олсаю, маний тушмаса, рўзаси бузилмайди. Демак, манийнинг тушиши истинбот орқали чиқариладиган иллатдир. Чунки бу худди оғиз чайқаш кабидир. Оғиз чайқаганда сув қоринга тушса, рўза бузилади. Бўса олинганда маний тушса ҳам рўза бузилади.

4. қиёсий иллат:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يَبِيعَ حَاضِرٌ لِبَادٍ»

«Росулulloх ﷺ шаҳарликнинг саҳроликка нарса сотишдан қайтардилар».¹⁰³

Бу нусудда савдонинг бузилиш иллоти сотувчининг шаҳарлик, харидорнинг саҳролик бўлишидир. Иккала нарса ҳам иллат чиқариш учун тушунарли сифат бўлади. Чунки саҳродан келган киши шаҳарликлар бозоридаги нарх-навони билмайди. Шунинг учун «сотувчининг шаҳарлик, харидорнинг саҳролик бўлиши» далолатли иллат, дейилади.

Аммо бу ерда ушбу иллат билан ҳукм ўртасида яъни харидорнинг саҳролик бўлиши билан савдонинг бузилиши ўртасида таъсирли алоқа бор. Ушбу таъсирли алоқа эса саҳроликнинг бозор нархини билмаслигидир. Шунга кўра, айти таъсирли алоқани яъни иллатланиш жиҳатини ўз ичига олган барча сифатлар қиёсий иллат бўлади. Масалан, «харидор камокдан

(101) Абу Довуд: 2669. Аҳмад: 488\3. Ибн Ҳиббон: 112\11).

(102) Аҳмад: 12\1. Ибн Хузайма: 245\3. Мустандрок: 198\2. Байҳақий: 218\4).

(103) Бухорий: 2033, 2043. Муслим: 1413).

чиққан бўлиши ёки узоқ вақт йўқ бўлиб кетиб, келган бўлиши» каби. Мана шундай ҳолларда ҳам унга нарса сотиш мумкин бўлмайди.

Демак, «харидорнинг сахролик бўлиши» далолатли иллат бўлиб, «харидорнинг қамоқдан чиққан бўлиши» қиёсий иллатдир.

Қиёсий иллатни далолатли иллатдан қиёс қилиб олинди, чунки улар ўртасида таъсирли алоқа яъни бозор нархини билмаслик алоқаси мавжуд.

Шуни ҳам айтиш лозимки, далолатли иллат билан қиёсий иллат ўртасида ўзаро жамловчи таъсирли алоқа мавжуд бўлмаса, қиёсий иллат ҳам мавжуд бўлмайди. Худди фаръни аслга қиёс қилиш учун албатта улар ўртасида алоқа мавжуд бўлиши шарт бўлганидек. Мана шу ўта муҳим масала бўлиб, уни доимо идрок этиш лозим.

Иллат билан сабаб ўртасидаги фарқ:

Сабаб: Сабаб ҳукмнинг мавжудлигини англатувчи белгидир. Масалан, қуёшнинг тиккадан оғиши намозни билиш учун ишора бўлганидек.

Иллат: Иллат у орқали ҳукм вужудга келган нарса бўлиб, ҳукмнинг шаръий тузилишига боисдир. Яъни иллат ҳукмнинг шаръий тузилиши сабабидир, вужудга келиши сабаби эмас. У худди нусус каби ҳукм далилларидан бир далилдир. Масалан, Аллоҳ ﷻнинг ушбу каломидан истинбот қилинган жума намозидан чалғитиш илллати каби:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ

– „*Эй мўминлар, қачон Жума кунисидаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринг ва олди-сотдини тарк қилинг!*“ [62:9]

Бу ерда чалғитув ҳукмнинг шаръий ишлаб чиқишига яъни жумага азон айтилган вақтда савдо-сотик қилишнинг ҳаромлиги ҳукмига боис бўляпти. Шунинг учун ҳам у сабаб эмас, иллатдир. Қуёшнинг тиккадан оғишида эса иллат эмас. Чунки пешин намозининг шаръий тузилишига қуёшнинг тиккадан оғиши сабаб бўлмади, балки белги бўлди. Яъни пешиннинг вужудга келиши фарз бўлганига белги бўлди.

Иллат билан ҳикмат ўртасидаги фарқ:

Иллат шаръий тузилишнинг боиси, дедик. Юқорида айтганимиздек, иллат нусусдан ишлаб чиқилади. Аммо шундай нусуслар ҳам борки, унда иллат бўлиб келган ҳарфлардан ёки унинг тузилишидан иллат маъноси шундоқ кўриниб турса-да, бироқ, мана шу нусусда ё бошқасида қариналар мавжуд бўлади. Бу қариналар эса айна нусусдаги ана шу иллат маъносини бекорга чиқариб, бошқа маънони яъни Шорёнинг ғояси маъносини пайдо

қилади. Бу ғоя Шорёнинг шаръий ҳукми тузишига боис эмас, балки шаръий ҳукми тузишдан кўзлаган ғоясидир.

Шорёнинг ҳукмдан кўзлаган мақсадини баён қилувчи ушбу ғоя ёки натижага эса истилоҳда «ҳикмат», деб аталди. Иллат, деб аталмади. Чунки у ҳукмининг шаръий бўлишига боис эмас.

Ҳикмат баён қилинган мана шундай нусуслардан айримларини келтириб ўтамиз:

Биринчи: исломий шариатда умумий шаклда келган нусуслар:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

– „*Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик*“.

[21:107]

وَنَزَّلْنَا مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ

– „*Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз*“.

[17:82]

Бу нусусларда раҳмат ва шифо шариатнинг натижали сифатидир шаръий тузилишига боис эмас. Чунки ундаги сийға иллатланаётганига далолат қилмаяпти. Шунинг учун иллатлаш бекор қилинади-да, раҳмат шариатнинг тузилишига ҳикмат бўлиб қолади.

Иккинчи: Айрим аҳкомлар тўғрисида ҳикматларни баён қилган нусуслар:

لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ

– „*Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шохид бўлишлари учун*“.

[22:28]

Бу нусусда ҳаждаги ҳикмат баён қилинди.

إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ

– „*Албатта, шайтон ичкилик ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришни солишни истайди*“.

[5:91]

فَأَلْقَتْهُ أَلٌ فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَزَنًا

– „*Бас уни Фирҳавн хонадони ўзларига душман ва ҳамташвиш бўлиши учун тугтиб олдилар*“.

[28:8]

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

– „*Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим*“.

[51:56]

وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ لَكُمْ وَلِتَطْمَئِنَّ قُلُوبُكُم بِهِ

– „*Бу (мададни) Аллоҳ фақат сизларга хушхабар бўлсин, деб ва дилларингиз таскин топишлиги учун қилди*“.

[3:126]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

– „*Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилинган каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди*“.

[2:183]

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ

– „*Албатта намоз фаҳш ва мункардан тўсур*“. [29:45]

Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا تُنْكِحُ الْمَرْأَةَ عَلَى عَمِّيَّهَا وَلَا عَلَى خَالِيَّهَا وَلَا ابْنَةَ أُخِيَّهَا وَلَا عَلَى ابْنَةِ أُخِيَّهَا فَإِنَّكُمْ إِنِ فَعَلْتُمْ ذَلِكَ قَطَعْتُمْ أَرْحَامَكُمْ»

«Аёл аммасининг устига, холасининг устига, ака-укасининг қизи устига, опа-синглисининг қизи устига (кундаш бўлиб) никоҳланмасин. Чунки, шундай қилсангиз, силаи раҳми узган бўласиз».¹⁰⁴

Юқоридаги барча нусусларда Шореъ ҳукмининг шаръий тузилиши боисини баён қилмади, балки ҳукмдан кўзлаган ғояни баён қилди. Яъни Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг айни ҳукми тузишдан кўзлаган ҳикмати ким шу ҳукми татбиқ қилса, уни татбиқ қилиши натижасида кўринишини баён қилди.

Юқоридаги нусуслар сийғалари қариналари билан бирга – бу қариналар хоҳ нусуснинг ўзида, хоҳ бошқа нусусда бўлсин – ҳукмининг тузилишига боис бўлган иллат ифодаланмаётганлиги баён қилинмоқда. Агар иллат ифодаланганда, албатта иллат келган ва ҳукм ҳам маълул (иллатланаётган ҳукм) билан борлик ва йўқликда бир хил бўлар эди.

Мисол учун, юқорида келган

لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ

– „*Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлишлари учун*“. [22-28]

дейилган нусусда ҳажнинг ҳукм бўлиб тузилишига манфаатларга шоҳид бўлиш боис (иллат) эмас. Чунки ҳаж тўғрисидаги

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ

– „*Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бордир*“. [3:97]

оятда ҳажнинг фарз бўлишига ҳеч қандай иллат айтилмаган.

Яна бир мисол, юқорида келган

فَأَلْتَقِطَهُ آلُ فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَزَنًا

– „*Бас уни Фиръавн хонадони ўзларига душман ва гамташвиш бўлиши учун тутиб олдилар*“. [28:8]

дейилган нусусда Фиръавн оиласи Мусо ﷺ ни ўзларига душман бўлиши учун тарбия қилишмади. Балки оқибат-натижа шундай бўлиб қолди.

⁽¹⁰⁴⁾ Бухорий: 4819. Муслим: 1408).

Шунингдек,

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ

– „*Албатта намоз фаҳши ва мункардан тўсур*“.

[29:45]

дейилган нусусда ҳам намозни ҳукм бўлишига иллат ифодаланмаяпти, чунки намознинг фарз бўлишини баён қилувчи мана бу оятларда намозни фарз бўлишига ҳеч қандай иллат айтилмаган:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ

– „...*Ва намозни барпо қилинг*“.

[2-43]

إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَّوْفُوتًا

– „*Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди*“.

[4:103]

Шундай қилиб, юкоридаги нусуслар сийғаларида қариналари билан бирга – бу қариналар хоҳ нусуснинг ўзида, хоҳ бошқа нусусда бўлсин – ҳукмнинг тузилишига боис бўлган иллат ифодаланмаяпти, балки ҳикмат ифодаланаяпти.

Ҳикмат ва иллат ўртасидаги фарқ жуда катта. Иллат ҳукмнинг тузилишига боис (туртки), яъни иллат сабабли ҳукм келиб чиққан. Ҳикмат эса айни ҳукмдан кўзланган натижа ва ғояни баён қилади.

Иллат келган жойда ҳукм келмай қолмайди. Чунки иллат бор бўлса, ҳукм ҳам бор, иллат йўқ бўлса, ҳукм ҳам йўқ. Чунки ҳукм шу иллатга қараб тузилади. Бироқ ҳикмат эса баъзи ҳолларда мавжуд бўлса, баъзи ҳолларда мавжуд бўлмай қолади.

Иллат ҳукм тузилишига боис бўлиб, ҳукмдан аввалроқ мавжуд бўлади, ҳукм натижасида пайдо бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида, ҳикмат ҳукм натижасида келиб чиқади ва шунинг учун ҳам баъзан мавжуд бўлмай қолади.

Мисол учун,

لِيَتَّخِذُوا مَنَافِعَ لَهُمْ

– „*Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шоҳид бўлишлари учун*“.

[22:28]

дейилган. Ҳолбуки, баъзи кишилар ҳаж қиладилар-у, аммо манфаатларни шоҳиди бўлмайдилар.

Шунингдек,

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

– „*Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим*“.

[51:56]

дейилган. Аммо кўпчилик махлуқот Аллоҳга ибодат қилмайди.

Булардан бошқа ҳикмат, деб айтиш мумкин бўлган барча нусуслар ҳам шундай.

Шуни ҳам билмоқ лозимки, ҳукмнинг тузилишидаги ҳикматни Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолодан ўзга ҳеч ким билмайди. Шунинг учун албатта, ҳикмат эканлигини кўрсатувчи шаръий нусус бўлиши керак. Агар нусусда ҳикмат келмаган бўлса, бу Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг ҳикматлар ёки бу шаръий мақсадлар, деб эъёъни қилиш ножоиздир. Чунки ҳикматни ҳам, шаръий мақсадларни ҳам мақсад қилувчи фақат Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолодир. То Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг Ўзи ваҳи воситасида билдирмагунича, на ақлан ва на шаръан Аллоҳнинг ҳикматини билиш мумкин эмас.

Хулоса шуки, ҳикмат ҳукмнинг тузилиши ғояси яъни ундан келиб чиқувчи натижадир. Айни натижа нимани кўрсатмасин, у шаръий иллат бўлолмайди, балки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг хабари бўлади холос. Яъни нусусда келган ана шундай натижалар ҳукмларнинг эмас, нарсаларнинг хабари бўлади, қиссалар, ваъз ва иршодлар, деб эъёъни қилинади. Бу натижаларга бундан ўзгача эъёънида қараш дуруст эмас. Чунки улар ҳукм тузишга ҳам, аҳкомлар истинбот қилишга ҳам дахлдор эмас.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Далил, дея таҳмин қилинган, аммо далил ҳисобланмаган нарса:

«*اِسْتِدْلَالٌ* Истидлол» «*اِسْتِيفَاعٌ* истифъол» вазнида бўлиб, луғатда далил талаб қилиш, далил излаш, изланаётган нарсага олиб боровчи йўл деганни англатади. Баъзан, хоҳ нас (нусус) ё ижмо ёки қиёс бўлсин, далил дейилади. Баъзан эса, тўғри далил, дея гумон қилиниб, бошқача чиқиб қолган далил турларига айтилади.

Далил дея таҳмин қилинаётган нарсалар тўрт тур:

1. **Биздан аввалгилар шариати;**
2. **Битта саҳоба мазҳаби;**
3. **Истихсон;**
4. **Масолиҳул мурсала.**

Буларнинг ҳужжат эмаслиги тўғрисида қуйидаги бандларда айтиб ўтмоқчимиз:

1. **Биздан аввалгилар шариати:**

Биздан аввалгилар шариати биз учун мутлақо шариат эмас ва бизга ҳужжат бўлолмайди. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло айтади:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيِّمًا عَلَيْهِ

– „*Биз сизга Китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этувчи қилиб нозил қилдик*“.

[5:48]

Яъни ўзидан олдинги нарсаларни насх қилувчи этиб, нозил қилдик, демакдир. Шунинг учун биздан аввалги бирор шариат билан бизга хитоб қилинмаган, балки фақат Ислом билан хитоб қилинган.

2. **Битта саҳоба мазҳаби:**

Битта саҳоба мазҳаби бизга мутлақо далил эмас ҳамда ҳужжат бўлолмайди. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло айтади:

فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ

– „*Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайгамбарига қайтарингиз*“.

[4:59]

Бу оятда ихтилоф қилиниб қолган вақтда Аллоҳ ва Росулига мурожаат қилиш вожиб қилинди.

Саҳобалар ҳам ҳар бир саҳобий бошқалардан мухолиф фикрга эга бўлиши жоизлигига ижмо қилганлар. Агар битта саҳобанинг мазҳаби (фикри) ҳужжат бўлганида эди, уларнинг ҳар бири

иккинчисига эргашиши вожиб қилинган бўларди, бу эса амри маҳолдир.

Саҳобалар ўз ижтиҳодларида муҳолиф фикрда бўлганликлари ҳам машхур ва маълумдир.

3. Истиҳсон:

«اسْتِحْسَانٌ» Истиҳсон» «اسْتِيفَاعٌ» вазнида бўлиб, луғатда бирор нарсани чиройли (яхши) деб билишни англатади. Яъни «اسْتِيفَاعٌ» хунук, деб билиш сўзининг зиддидир.

Бу сўзнинг истилохий маъноси – мужтаҳиднинг фикрига ялт этиб келган, аммо иборада бирор ёрдам бўлмагани учун уни кўрсатиб беришдан ожиз бўлган далил, деганни англатади.

Баъзилар истиҳсон бу бир қиёсдан иккинчи кучлироқ қиёсга чекиниш, дейишган. Улар истиҳсонни Қуръон, Суннат ва одат нусуси тарафга қиёсдан чекиниш, деб ҳисоблашади. Шунингдек, бир ҳукмдан бошқа бир ҳукмга чекиниш ҳам худди шундайдир. Улар Аллоҳ Таолонинг

وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَمِّ الرِّضَاعَةَ

– „**Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар.** (Бу ҳукм) **эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир**“. [2:233]

деган каломидаги умумий ҳар бир онага қилинган эмизиш талабидан юқори мартабадаги она тўғрисида чекинишади. Яъни бундай она боласини эмизмайди, дея уни айни ҳукмдан чиқариб юборишади.¹⁰⁵

Шунингдек, улар тикувчи ва дазмолловчи каби ёлланган ишчи тўғрисида ҳам куллий қоидадан талабларидан чекиниш қиладилар.¹⁰⁶ Ҳолбуки, куллий қоида шуни талаб қиладики, ёлланган ишчи қўлидаги нарсага – агар унга қасддан ёки эҳтиётсизлик билан зарар етказмаган бўлса – кафил бўлмайди. Чунки акс ҳолда хос далил талабига кўра, унинг қўли омонатли қўл бўлиб қолади. Хос далил эса ўт қўйиб юбориш ва чўктириб юбориш каби куч билан зарар етказилмаган бўлса, қўлдаги нарсага кафил бўлиш далилидир. Айни кафилликдан мақсад, одамлар ёлланма ишчига берган омонатларида хотиржам бўлишсин, уларга зарар етказилишдан сақланилсин ҳамда ёлланма ишчилар орасида бепарволик ва хиёнат кўпайиб кетмасин.

⁽¹⁰⁵⁾ Бу мавжуд далилдан ҳеч қандай асосиз чекиниш, демакдир. Чунки нусус ҳар бир онага умумий бўлиб келган.

⁽¹⁰⁶⁾ Бу ҳам мавжуд далилдан ҳеч қандай асосиз чекиниш, демакдир. Чунки Росулulloҳ ﷺ «لَا ضَمَانَ عَلَى مُؤْتَمَنٍ» Омонат олган киши (омонатга) кафил бўлмасин», дедилар.

Истихсон далил эмас. Агар чекиниш кучлироқ далилга бўлса, бу далиллар ўртасида кучлигини танлаш ҳисобланади. Аммо чекиниш далилсиз чекиниш бўлса, бундай чекиниш далил ҳисобланмайди. Чунки Аллоҳ Таоло айтади:

فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ

– „*Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайгамбарига қайтарингиз*“ . [4:59]

Демакки, мусулмон кишидан Аллоҳу Росули ﷺнинг ҳукмига ёки шу иккиси кўрсатган ижмо ва қиёсга эргашиш талаб қилинади. Истихсон эса далилдан ҳеч қандай далил-асоссиз чекиниш бўлса, бу Аллоҳу Росули ﷺга қайтариш ҳисобланмайди.

Бу аксар саҳобаларнинг ҳукмлари. Яъни улар Қуръон, Суннат, ижмо ва қиёсдан ўзга ҳеч нарса, ҳеч қандай истихсон билан ҳукм қилмадилар.

Бу истихсоннинг иккинчи таърифи тўғрисидаги гаплар.

Энди унинг биринчи таърифига келсак, истихсон ҳужжат вазифасини ўтолмаслиги аниқдир. Чунки ана шу таърифда истихсон мужтаҳиднинг фикрига ялт этиб келган, аммо иборада бирор ёрдам бўлмагани учун уни кўрсатиб беришдан ожиз бўлган далил, дейилган. Демак, мужтаҳид фикрига ялт этиб келган нарса нима эканини яхши билмайди-ми, бинобарин, бу нарса далил, деб эъъъни қилинмайди.

4. Масолиҳул мурсала:

Масолиҳул мурсалага бундай таъриф беришган: – У эъъъни берилиш ёки бекор қилинишга бирор хос далил орқали гувоҳлик берилмаган маслаҳа (манфаат)дир. Бу маслаҳани олишда – у нусуда келмаганлиги боис – кийинчиликни даф қилиш мақсадидагина олинishi шарт қилинади.

Улар бир киши бировга мол берган бўлса-ю, кейин уни исботлашдан ожиз бўлса, Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги сўзларига кўра, даъво қилинаётган киши (яъни молни инкор қилаётган киши)дан қасам ичиш талаб қилиниш ишини бунга мисол қилиб келтиришади:

«الْبَيْتَةُ عَلَى مَنْ ادَّعَى وَالْيَمِينُ عَلَى مَنْ أَنْكَرَ»

«**Даҳвогар ҳужжат келтирсин, инкор қилувчи қасам ичсин**». ¹⁰⁷ Аммо улар инкор қилувчи киши билан даъвогар ўртасида алоқа бўлган тақдирдагина инкор қилувчи киши қасам

⁽¹⁰⁷⁾ Термизий: Ибн Аббос хасан саҳих, деди. Бу ҳадисга Росулulloҳнинг аҳли илм бўлган саҳобалари ва бошқалар амал қилдилар. Бухорий ва Ибн Можа эса Ҳадисни «إِنَّ الْبَيْتَةَ عَلَى مَنْ ادَّعَى وَالْيَمِينُ عَلَى الْمُدَّعَى عَلَيْهِ» деган лафз билан ривоят қилишди).

ичиши вожиб, дейишади. Бундай дейишлардан мақсад, нодон кимсалар доно кишиларни ёлғон даъволар билан маҳкамага судрамасликларидир.

Масолиҳул мурсаланинг таърифидан у далил эмаслиги очик кўриниб турибди. Нусусга хилоф ўлароқ, унга амал қилиш эса ботил ишдир, бундай қилиб бўлмайди. Бу фикримизга қуйидагилар далил бўлади:

1.

وَمَا اخْتَلَفْتُمْ فِيهِ مِنْ شَيْءٍ فَحُكْمُهُ إِلَى اللَّهِ

– „**Бирор нарсада ихтилоф қилсангиз, унинг ҳукми Аллоҳдадир**“.

[42:10]

فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ

– „**Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайгамбарига қайтарингиз**“.

[4:59]

الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي

– „**Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неҳматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим**“.

[5:3]

أَيْحَسِبَ الْإِنْسَانُ أَنْ يُتْرَكَ سُدًى

– „**Инсон бекор ташлаб қўйилишини (тама) умид қилурми**“.

[75:36]

Ҳар бир нарса баён қилиб берилган. Шундай экан, қандай қилиб шариатда эъяъни берилмаган ёки бекор ташлаб қўйилган нарсалар ҳам бор, дейиш мумкин.

2. Маслаҳа (манфаат)ни белгилаб берувчи шариат экан, демак, истислоҳ (масолиҳул мурсала ҳукми) манфаат устига қурилган ҳукм бўлиб, уни шариат белгилаб бермаган. Шунинг учун у ҳужжат эмас.

3. Ҳукми манфаат устига қуриш ва уни шариат белгиламаганлиги фақат ақлни ҳакам қилиб олиш, демакдир. Бу эса мумкин эмасдир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, юкорида айтиб ўтилган, мужтаҳидлар тарафидан қабул қилинган далиллардан ишлаб чиқилган аҳкомлар шаръий аҳком, деб эъяъни қилинади. Чунки улар ярим далилга асосланган.

УЧИНЧИ БОБ

ДАЛИЛНИ ТУШУНИШ

УЧИНЧИ БОБ МУҚАДДИМАСИ

Юқорида айтганимиздек, далил бирор ҳақиқатни исбот қилишга мансуб нарса. У усул уламолари наздида билим ва аниқ ишончни ифодалайди.

Белги «أَمْرٌ» эса ундай эмас. У мадлул (далил қилинаётган нарса)га бўлган гумонни кетказиш учун керак бўлувчи нарса. Масалан, ёмғирга нисбатан булут каби. Бунда булут ёмғирнинг ёғишига бўлган гумонни кетказиш учун керак.

Агар мана шу белги баъзан ўзи далолат қилаётган нарсдан ажрамаса, аломат, деб ҳам аталади. Масалан, исмдан ажрамайдиган алиф ва лом ҳарфининг далолати каби. Бунда алиф ва лом исмнинг аломатидир. Аммо ёмғирга нисбатан булут каби, далолат қилаётган нарсдан ажраладиган бўлса, белги, дейилади. Демак, далил белги ва аломатдан бошқа нарса.

Далилни усул уламолари билим ва ишончни ифодалайди, деб билишларини айтиб ўтдик. Улар далилга ўз истилоҳларида хабар топмоқчи бўлинаётган нарсани билиш учун тўғри назар солишга элтувчи нарса, деб таъриф беришди.

Тўғри назар солиш учун шаръий ҳукми истинбот қилиш учун унинг далилини билмоқчи бўлаётган кишига қуйидаги икки муҳим нарсани билиши лозим бўлади:

1. Сўзлар ва уларнинг далолатларини билиш;
2. Қуръон ва Суннат қисмларини билиш.

Бу икки нарсани билиш шунинг учун зарурки, улар воситасида далил ҳамда ижтиҳод учун керакли нарсаларни тушуниб олингандан сўнг ҳукми чиқариб олиш мумкин бўлади.

Биз бу бобда «луғат ва сўзлар далолатлари»ни, тўртинчи бобда «Қуръон ва Суннат қисмлари»ни, бешинчи бобда эса «ижтиҳод»ни тадқиқ қилмоқчимиз.

БИРИНЧИ ФАСЛ

Луғат ҳақида

«اللُّغَةُ» Луғат» ҳар бир халқ ўз мақсадини ифодалаш учун ишлатувчи товушлардир. «لَعَوْتُ» дегани гапирдим, деганидир. Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا

– „Улар лағв олдидан ўтсалар, олийжаноблик билан ўтурлар“.

[25:72]

Лағвдан мурод ботил сўздир. Ҳадисда ҳам

«مَنْ قَالَ فِي الْجُمُعَةِ صَهً فَقَدْ لَعَا»

«Ким жума намозида жим бўл, деса, лағв қилибди».¹⁰⁸

Лағв қилибди дегани гапирибди, демақдир. «اللُّغَةُ» Луғат» сўзи «لَعَا» сўзламок» сўзидан олинган.

«اللُّغَةُ» сўзининг таърифи бирор маъно учун тузилган сўз, демақдир. Луғатларни билиш йўли фақат ривоятдир.

Айримлар луғатни келиб чиқишига қараб, қуйидаги қисмларга бўлишади:

1. Сомий луғат. Бунга арабий, иброний (яхудий), сурёний (оссурий), килдоний (халдейлар тили), ҳабаший (эфиоп тили), ошурий, бобилий, финикий, ҳиярий, набатий луғатлар киради.

2. Орий луғат. Қадимда ҳинд санскрит луғати ҳам шу луғатдан. (Форс, лотин, герман каби қадимги луғатлар ҳам мана шу икки луғат оиласига мансуб). Орий луғатдан инглиз, немис, француз, италян ва испан каби янги луғатлар келиб чиққан.

3. Турон (туркий), можарий (венгерча), татар ва монгол луғатлари.

Баъзилар луғатни таркиб топиш жиҳатидан қуйидаги уч қисмга бўлишади:

1. Уҳодий (бир ундошдан иборат) луғат. Бу луғат хитойчага ўхшаш бир бўғиндан таркиб топган бўлиб, унинг барча маъно ва лафзлари ўзгармас бир бўғимдан иборат.

2. Мазжий (қўшма сўзли) луғат. Бу луғатда сўзлар икки сўздан таркиб топган бўлиб, биринчиси асл маънога далолат қилса, иккинчиси музофун илайҳи маъносига далолат қилади. Масалан,

⁽¹⁰⁸⁾ Термизий: 470, у ҳасан саҳиҳ деди. Абу Довуд: 887. Насоий: 1384. Бухорий шарҳлаб ривоят қилган.

япон ва турк тилларидаги каби фоил, исми замон, исми маконга ўхшаш.

3. Мутасарриф (сарф қилинувчи) луғат. Бунда битта аслий сўз бир неча сийғага айланиб, арабий, иброний ва сурёний каби ҳар бири бошқасидан ўзгача маънони англатади. Бироқ булар ичида араб луғати мумтоз тилга айланган. Чунки у ҳам иштиқоқли (сўз ясалувчи) луғат ва ҳам эъроб (флексия ва турлаш) қилинувчи луғатдир. Масалан, ... *وَضَاعَةٌ*, *وَضِيعٌ*, *مَوْضُوعٌ*, *وَاضِعٌ*, *يُضَعُ*, *وَضَعٌ* каби.

Луғатларни тузиш:

Луғатнинг тузилишига кўнгилдаги нарсани ифодалаш сабаб бўлади. Унинг мавзуси ҳарфлардан таркиб топган сўзлардир. Сўз зехндаги нарсанинг моҳияти эмас, ифодаси учун тузилган. Сўз фикрдан бошқача: Фикр воқега берилган ҳукм. Сўз эса ундаймас. Чунки у воқенинг ҳақиқатига ва у ҳақда ҳукм чиқаришга далолат қилиш учун тузилмаган. Балки зехндаги нарсани ифодалаб бериш учун тузилган. Сўзнинг бу ифодаси воқега мос келадими ё зидми, фарқи йўқ. Чунки сўзнинг айтилиши хорижиймас, зехний маъноларга доирдир.

Барча луғатлар истилоҳий бўлиб, Аллоҳ тарафидан эмас, инсон тарафидан тузилган. Энди Аллоҳ Субҳанахунинг

وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ

– „*Аллоҳ*) *Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди*“.

[2:31]

деган каломига келсак, нарсаларнинг исмларидан мурод луғатлар эмас. Яъни Одамга нарсаларнинг ҳақиқати ва хусусиятини ўргатди, унга ҳис этган нарсалари устидан ҳукм чиқаришда ишлатадиган маълумотларни берди, демакдир.

Аммо Аллоҳ Субҳанаху мана бундай дейди:

وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ

– „*Унинг* (Аллоҳнинг) *оятларидан* (яна бири) – *У зот осмонлар ва ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангингизни хилма-хил қилиб қўйганидир*“.

[30:22]

Яъни луғатларингиз, демак. Оятнинг маъноси мана бундай: Аллоҳнинг қудратига бўлган далилларнинг бири сизларнинг хилма-хил луғатга эга бўлганингиз, демакдир. Аллоҳ Субҳанаху хилма-хил луғатни тузди, дегани эмас. Агар луғат тавқифий (Аллоҳга хос) бўлганида эди, пайғамбарларнинг жўнатилиши луғатни билишдан муқаддам бўлиши лозим бўлар эди. Ҳолбуки, барча пайғамбарлар луғат пайдо бўлишидан кейин жўнатилган:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَسُولٍ إِلَّا بِلِسَانٍ قَوْمِهِ

– „*Биз ҳар бир пайгамбарни ўз қавмининг тили билан (сўзлайдиган қилиб) юборганмиз*“.
[14:4]

Қуръон арабийдир:

Қуръоннинг барча сўзлари арабий бўлиб, унда бирорта ҳам ноараб сўз йўқ. Буни Қуръоннинг катъий нуусиси ҳам кўрсатиб турибди:

إِنَّا جَعَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا

– „*Албатта, уни арабий Қуръон қилдик*“.
[43:3]

يَلِسَانٍ عَرَبِيٍّ مُّبِينٍ

– „*(Қуръонни) очик-равшан арабий тилда (нозил қилди)*“.
[26:195]

وَلَوْ جَعَلْنَاهُ قُرْآنًا أَعْجَمِيًّا لَقَالُوا لَوْلَا فُصِّلَتْ آيَاتُهُ

– „*Агар Биз (Қуръонни) ажсамий (яъни араб тилида бўлмаган) Қуръон қилганимизда, албатта улар: «Унинг оятлари баён қилинмабди-да», деган бўлур эдилар*“.
[41:44]

قُرْآنًا عَرَبِيًّا غَيْرَ ذِي عِوَجٍ لَّعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ

– „*(Биз Қуръонни) бирон эгрилик эгаси бўлмаган арабий Қуръон ҳолида (нозил қилдик). Шояд (Аллоҳдан) қўрқсалар*“.
[39:28]

Энди Қуръоннинг «*الْمِشْكَاةُ*», «*الْقِسْطَاسُ*», «*الاسْتَبْرَقُ*», «*السَّجِيلُ*» каби бошқа луғатлардан олинган сўзларни ҳам ўз ичига олганига келсак, бу сўзлар муарраб (араблашган) сўзлардир. Чунки араблар Қуръон нозил бўлишидан аввал ҳам бошқа тиллардан кирган сўзларни ўзларида топилмайдиган отлар сифатида истеъмол қилишиб, уларни ўзларининг луғавий ҳарф ва вазнларига солиб олишар, кейин эса бу сўзлар араблар тарафидан тузилган сўзлар билан бир хил сўзларга айланиб қолар эди.

Қуйидаги жоҳилиятда битилган шеър мазмунида Қуръон нозил бўлишидан аввал муарраб сўзлар ишлатилган:

ترى بحر الأرام في عرصاتها

109. وقيعانها كأنه حبّ (فلفل).

مهفهفة بيضاء غير مفاضة

110. ترائبها مصقولة كالسجسجل.

وخذّ (كقسطاس) الشّامى ومشفر

111. كسبت اليمانى قده لم يجرد.

(109) Санскрит тилда «пила», араб тилида «фулфул», араб тилида фулфул имрул қайс.

(110) Лотинчада Sexangulus имрул қайс.

(111) Юнончада Kuaartees, кўз қараш.

فتغلغل لكم ما لا تغل لأهلها

قرى بالعراق من قفير (ودرههم).¹¹²

وتضيء في وجهه الظلام منيرة

(كجمانة) البحري سل نظامها.¹¹³

كأن ثيابنا متنا زمنهم

خضبن (بأرجوان) أو طلبنا.¹¹⁴

جاءت عليه كل بكر حرّة

فتركن كلّ قراره (كالدرههم).¹¹⁵

Шундай қилиб, четдан кирган сўзни муарраб қилиш сўзни арабий сўзга айлантириб қўяди ва бу ҳар бир асрда ҳар бир арабга жоиз ишдир. Аммо бунинг учун у араб тили (луғати) бўйича мужтахид бўлиши, аввалги араблар йўлидан ҳаракат қилиши, яъни бу сўзни араб тили ва ҳарфлари вазнига солиб олиши, бир вақтнинг ўзида, бундай арабийлаштириш фақат нарсалар отлари учунлигига, ҳар бир четдан кирган сўз учун эмаслигига риоя қилиши шарт бўлади.

Шунингдек, сўзни арабийлаштириш сўзни арабий сўзга айлантириб қўяди ва – юқорида айтганимиздек – бу ҳар бир арабга жоиздир. Чунки араблар аҳли луғат бўлиб, улар мана шундай қилганлар. Мисол учун, «تَلْفُونُ» телефон» сўзи инглизча сўз бўлиб, у арабча «فَعُولٌ» вазнига солинган. «عُرْبُونَ» сўзи ҳам шу вазнда. Натижада бу сўз «تَلْفُونٌ» бўлиб қолди. Бир вақтда, ҳарфлари ت, ل, ف, ن ҳарфларидан иборат бўлган «تَلْفُونٌ» сўзи муарраб сўзга айланиб, арабий сўз бўлиб қолди. «جَدُونٌ» (велосипед рули) сўзи ҳам арабча «ج, د, ن» ҳарфларидан ташкил топди. Аммо мисрча «ж» ҳарфи арабчада йўқ. Шунинг учун бу ҳарф «ج» жим ҳарфига алмаштирилиб, «فَعُولٌ» вазнига солинади-да, «جَدُونٌ» сўзи муарраб, бинобарин, арабий сўзга айланиб қолди. «جَهُولٌ» сўзи ҳам шу вазнда. Муарраб қилиш (арабийлаштириш) мана шундай бўлади.

(112) Юнон тилида Drakhmee Антара (араб фолклор қахрамони).

(113) Лотин тилида Gemona маржон.

(114) Акад тилида ва араб тилида. Арабчада эса амр.

(115) Юнон тилида Drakhmee.

Ўрни келганда шуниси ҳам муҳимки, арабийлаштириш ишида хис қилинувчи нарсалар исмларигагина чекланиш лозим. Маъноларга далолат қилувчи сўзлар учун эса араблар иштиқокни, ўхшатма, қочирма сўзлар учун эса мажозни тузишган.

Демак, арабийлаштириш фақат хис қилинувчи исмларда бўлади. Бу исмларга «إبراهيم» каби аламлар (атоқли отлар) ҳам киради. Чунки тилшунос халқ бўлмиш араблар арабийлаштириш ишини фақат мана шундай тарзда қилишди.

Бу иш ҳар қандай асрда яшовчи арабга юқорида айтиб ўтилган шартлар орқали мужтаҳид бўлиш шarti билан жоиздир.

Энди бу сўзларни тузишга келсак, бу иш фақат ҳижратнинг ўн иккинчи асри охиригача яшаб ўтган ҳақиқий арабларга шунингдек, ҳижратни тўртинчи асригача яшаган араб қабилаларигагина хос ишдир. Ҳар қандай арабга эмас.

Араб тилига асос солган араб қабилалари қуйидагилардир.

Қурайш, Тамим, Қайс, Асад, Ҳузайл, Канонанинг бир қисми ва тоъийлар. Четдан кирган сўзлар, эъроблаш ва сарф қилиш ишида фақат мана шу арабларга таянилган. Улардан бошқа бирорта қабилага, хусусан, ажнабий халқларга қўшни бўлиб яшовчи қабилаларга таянилмаган. Ажнабий халқларга қўшни бўлиб яшовчи қабилалар қуйидагилар:

Лахам ва Жузом. Бу қабилалар Миср ва Қибтга қўшни бўлган.

Бакр. Бу қабила форсларга қўшни бўлган.

Кузоъа. Бу қабила Шомга қўшни бўлган.

Яман аҳолиси. Булар Ҳиндистон ва Ҳабашистон (эфиопия)га қўшни бўлган.

Абдуқайс ва Азди Аммон қабилаларига ҳам таянилмайди. Чунки булар ҳам Баҳрайнда жойлашган бўлиб, ҳинд ва форслар билан аралаш яшашган. Шунинг учун араб тили масаласида мазкур етти қабилагагина чекланилади.

Бу қабилаларнинг энг фасоҳатлиси Қурайш қабиласи бўлиб, улар байтул ҳаромнинг қўшнилари ва валийларидир. Арабларнинг вакиллари, ҳожилари ва бошқалари Маккага ҳаж қилгани келишар, ўз масалаларида маккаликлардан маслаҳат сўрашарди. Макка атрофида эса шоир ва адибларнинг мусобақа майдонини ташкил қилувчи бозорлари бор эди.¹¹⁶ Бу бозорларда араб шоирларининг

⁽¹¹⁶⁾ Макка атрофидаги бу бозорлар ҳажада қуйидаги тартибда бўларди: Укоз бозори биринчи зулқаъда ойдан йигирманчисигача бўларди. Кейин Макка яқинидаги Мижаннада шу ойнинг охиригача бўларди. Кейин Арафот яқинидаги Зулмажозда зулҳижжанинг биринчи кундан бошланиб, у ердан арафотдаги мавкифул аъзамга бориларди. Ҳаж мавсумидан кейин эса Ҳайбарда бўларди).

хар бири ўз қабилаларининг энг фасоҳатли сўзларини танлаб, мана шу сўзлардан соф тоза, ҳаммага тушунарли қилиб, уларга ёқмай қолишидан эҳтиёт бўлиб шеър битишар, бозорга олиб чиқишар эди. Қурайш қабиласи фасоҳатли, чиройли ва нозик сўзлар устаси бўлгани учун араб вакиллари қелишса, уларни энг чиройли сўзлари, энг майин, тоза жумлалари ва шеърлари билан ҳайратга солишар, ҳайратга солган айни сўзларни китобларида битишиб, бу билан энг сўзга уста арабларга айланишарди.

Қурайш луғатлари нотўғри ишлатиладиган кашкаша сўзлардан холи эди. Кашкаша сўзлар Робиъа ва Музар қабилалари тарафидан муаннасадаги мухотаб кофидан кейин шин ҳарфини қўшиб ишлатилувчи сўзлардир. Қайс ва Тамим қабиласи эса анъана қилиб гапиришар эди. Анъана, деб сўзнинг бошида ҳамза келса, уни айн қилиб талаффуз қилишга айтилади. Масалан, «أَنَّكَ» сўзини «عَنَّكَ» сўзини «إِذَنْ، عَسَلَمَ» сўзини «عِذَنْ» қилиш каби. Ҳузайл қабиласи эса фаҳфаҳа ишлатишарди. Фаҳфаҳа, деб «حَتَّى» сўзидаги «ح» ни «ع» га алмаштириб талаффуз қилишни айтилади. Масалан, «لَيْسَ جَنَّتَهُ» «س» деганидаги каби. Яманликлар луғатидаги ватам эса «س» ҳарфинини «ت» ҳарфига алмаштириб айтишдан иборат эди. Масалан, «النَّاسُ» ўрнига «النَّاتُ» каби. Шаншана қилиш эса «ك» ҳарфини бир оз «ش» ҳарфига алмаштириб талаффуз қилишдир. Масалан, «اللَّهُمَّ كَيْشَ» дейиш ўрнига «اللَّهُمَّ كَيْشَ» дейиш каби. Саъд ибн Бакр, Ҳузайл, Азд ва Ансорлар қабиласи эса истинто қилиб гапиришар эди. Бу сукунли «ع» ни «ط» олдида келса, «ن» қилиб гапиришни айтилади. Масалан, «أَعْطَى» сўзини «أَنْطَى» қилиб гапириш каби.

Мана шулар орқали Қурайш мазкур қабилалар орасида энг сўзамол фасоҳатли қабила эди.¹¹⁷ Зеро, Қурайш тилидан араб тили келиб чиқди, у тилда Росулulloҳ ﷺ дан мутавотир бўлган кироатлар билан Қуръони Карим нозил бўлди.

Мазкур араблардан араб тили ва луғатини нақл қилиб, илм даражасига кўтарганлар басралик ва куфалик араблар бўлди.

⁽¹¹⁷⁾ Қурайш қабиласи ичида энг фасих сўз устаси Росулulloҳ ﷺ дирлар. Ул зотнинг шундай фасоҳатли сўзлари бор эдики, араблар ҳам илгари ундайини билишмаганди. Мисол учун «لَا يُلْدَعُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرِ»، «حَمَى الْوَطَيْسِ» қизигандан кизиди, «مَاتَ خَفَّ أَفْقَهُ» «مَرَّتَيْنِ» Мўмин битга тешиқдан икки марта чақилмайди» каби.

Арабларнинг нарсалар номини қандай ифодалашлари:

Араблар нарсалар номини ифодалашда куйидаги масдарлардан фойдаланишди:

1. Ҳақиқат. У учга бўлинади: луғавий ҳақиқат, шаръий ҳақиқат урфий ҳақиқат.

2. Ўхшатма ва қочирмаларни ифодаловчи мажоз.

3. Нарсалар ва аламлар номини ифодаловчи арабийлаштириш. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтдик

4. Маъноларни ифодаловчи иштиқоқ.

Буларнинг ҳар-бири тўғрисида керагича батафсил сўз юритамиз:

1. ҳақиқат:

Ҳақиқат зехндаги маънога далолат қилиш учун тузилган сўзлардир. Агар сўз аҳли луғат ҳақиқий араблар тарафидан берилган маъно билан истеъмол қилинаётган сўз бўлса, бу ҳақиқат луғавий ҳақиқат, дейилади. Масалан, «الْتَّرُّزُ оз», «أَزَأُ الْعَنَمَ» кўйларни тўйдирмади», «الدَّهْمُ қоралик», «رَقَمُ التَّوْبِ» кўйлак чизиқлари», кўйлак ранги, «جَزَى الشَّيْءِ» «жар ва насбга тақаббур», «ثَرْنٌ» дўстига ва қўшнисига озор берган такаббур», «جَزَى الشَّيْءِ» «жар ва насбга тақаббур» каби сўзлар.

Агар сўз ўзига берилган маънодан бошқа маъно билан ишлатилаётган бўлса, яъни ўзига берилган маънодан бошқа маънога кўчирилган сўз бўлса, уни текшириб кўрилади: Агар бошқа маънога урф-одат сабабли кўчирилган бўлса, урфий ҳақиқат, дейилади. Мисол учун, «دَابَّةٌ» сўзини олайлик. Бу сўзга асли луғатда ер юзида ўрмаловчи ҳар бир жонзот, жумладан инсон ва ҳайвон маъноси берилган эди. Аммо аҳли луғатларнинг урфий истеъмоли бу сўзни тўрт оёқли ҳайвонлар, деган маънога хослаб кўйди ва биринчи маъноси тарк қилинди. Яна бир мисол, «الْعَائِطُ» сўзи ҳам асли луғатда ернинг пасткам жойи, деган маънога эга эди. Кейин урфда нажосат ташланадиган жой, деган маънода ишлатиладиган бўлди. Биринчи мисолдаги исмга умумий маъно берилган эди. Кейин аҳли луғатлар урфи бу сўзнинг айрим номларини хослаб кўйди. Иккинчи мисолдаги исмга ҳам муайян бир маъно берилган эди. Кейин урфда бошқа маънода ишлатиладиган бўлиб қолди. Урфий ҳақиқат икки турли:

а) Луғавий урфий ҳақиқат. Бу ҳақиқий араблар томонидан қўлланувчи урфга айланиб қолган сўздир.

б) Ҳар қандай аҳли илмнинг ўзларига хос истилоҳ сифатида урфларига айланиб қолган сўздир. Мисол учун, «التُّحَاةُ» истилоҳи раф, жар ва насбга ишлатилгани каби... ва ҳоказо.

Бу сўзлар ҳақиқий араблар кўйган маънога хос эмас. Балки улар геометрия, химия каби ҳар қандай илм мутахассислари томонидан аталишга одатланилган номлардир. Бу сўзлар худди урфий ҳақиқат каби фарқсиз арабий луғат ҳисобланади.

Агар сўзнинг маъносининг бошқа маънога кўчиши шариат сабабли бўлса, бу шаръий ҳақиқат (шаръий истилоҳ), дейилади. Махсус ҳаракатларни ифодаловчи «الصَّلَاةُ» намоз» сўзи каби. Бу сўзнинг асли луғавий маъноси «الدُّعَاءُ» дуо» маъносида бўлган. Маълум нарсалардан тийилишни ифодаловчи «الصِّيَامُ» рўза» сўзи ҳам аслида «الإِمْسَاكُ» тийилиш» маъносида эди. Ушбу шаръий ҳақиқатни асли луғавий маъносидан чиқарилиб, айна маънони берилиши учун шаръий нусусга мухтож бўлинади. Шаръий ҳақиқат «الصَّلَاةُ» ва «الصِّيَامُ» каби исмлар билан бирга феълларни ҳам масдар сифатида ўз ичига олади. Бунда масдар шаръий маънода бўлса, феъл ҳам шаръий маънода бўлади. Мисол учун «صَلَاةٌ» намоз» сўзидан олинган «صَلَّى» намоз ўкиди» сўзи каби.

Шаръий ҳақиқат масдар, исми фоил, исми мафъул, «أَفْعَلٌ» вазидаги исми тафзилларни ўз ичига олади. Мисол учун, «زَيْدٌ مُؤْمِنٌ» Зайд мўмин ёки Амрдан ҳам фосикрок ёки фосик ёки жанжалкаш» деган сўзимиздаги каби.

Ўзининг луғавий маъносидан шаръий маъносига кўчирилган сўзларга мисол: «التَّنْفُسُ» сўзининг луғавий маъноси «руҳ», «нафс», «жон ато қилувчи нарса». Шаръий маъноси Жаброил ва ҳаёт сирини:

يَوْمَ يَقُومُ الرُّوحُ وَالْمَلَائِكَةُ صَفًّا

– „Ўша кунда Жаброил ва фаришталар саф бўлиб турадилр“.

[78:38]

قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي

– „(Эй Муҳаммад) «Рух Роббимнинг ишидир», денг“.

[17:85]

«الْجَنَّةِ» Жаҳаннам» сўзининг луғавий маъноси: «ловуллаб ёнувчи олов».

Шаръий маъноси: «охиратда олов билан азобланадиган яъни азоблаш ҳовлиси».

«الْجَنَّةِ» жаннат» сўзининг луғавий маъноси: «хурмо ва узумлар боғи».

Шаръий маъноси: «охиратдаги нематлар берилувчи ҳовли».

«التَّارُ» олов» сўзининг луғавий маъноси: «ўтин каби нарсалар билан ёнувчи». Шунингдек, «фикр, маслаҳат», деган маънолари ҳам бор.

Шаръий маъноси: «охиратда азобланиш учун ишлатилувчи нарса».

«الرَّكَاءُ» сўзининг луғавий маъноси: «поклик; ўсиш; мақтов; барака; яхшилик».

Шаръий маъноси: Буюрилган фарз.

2. Мажоз:

Мажоз луғатда ўринни бермоқ яъни қолдирмоқ ва узмоқ. Шаръий истилоҳда: Сўзни ўзига берилган маънодан бошқа маънода қўлланишидир. Бундан мақсад, сўзнинг ўз луғавий маъносида ишлатишдан ман қилувчи ҳамда луғавий маъноси билан кейинги маъноси ўртасида алоқа борлигини кўрсатувчи қарина топилган бўлишидир. Агар ишлатилётган маъно билан асл луғавий маъно ўртасида ўхшашлик алоқаси бўлса у истиора, деб аталади ва у бир неча хил бўлади.

а) Очиқ айтилган истиора. Бунда ўхшатилаётган нарса очиқ айтилади. Масалан, «أنت أسد» сен шерсан» каби.

б) Қочирмали истиора. Бунда ўхшатилаётган нарса ҳазф қилиниб, унга унинг лозимларидан бири билан ишора қилинади. Масалан, «وَإِذَا الْمَنِيَّةُ أَنشَبَتْ أَظْفَارَهَا أَلْفَيْتَ كُلَّ تَمِيمَةٍ لَا تَنْفَعُ» агар ўлим тирноқлари билан тирнаса, ҳар қандай тумор ҳам фойда бермайди» деган мақолда «الْمَنِيَّةُ» сўзини ваҳший ҳайвонга ўхшатиляпти. Аммо ўша ваҳший ҳайвон сўзи жумладан ҳазф қилинган ва унинг ўрнига рамзий сўз яъни тирноқ билан тирнаш сўзи қўйилган.

в) Ўхшатма истиора. Бунда ўхшатилаётган нарсани ўхшатилган нарса билан бирга исботланади. Натижада, ўхшатма истиора мана бу гапимизда мисол бўлади: «إِنَّ الْمَوْتَ إِذَا وَقَعَ وَدَبَّ فِي أَوْصَالِ الضَّحِيَّةِ فَلَا يَمْنَعُ حَيْبُنَدٍ مِنْ وَقُوعِهِ شَيْءٌ» агар ўлим қурбонлик ҳайвонига етиб қолса ва унинг барча бўғимларига ўрмалаб кирган бўлса, ўлимни ҳеч нарса кетказолмайди». Бу гап бирор ваҳший ҳайвон қурбонлик ҳайвонига тирноқларини суқиш билан уни аниқ ўлим ёқасига олиб келиб қўйган, бирор муолажа фойда бермайдиган ҳолатда айтилган гап.

г) Тамсилий истиора. Тамсилий истиора таркиб топган мажоз ёки таркиб топган сўз бўлиб, ўзининг аслий маъносига ўхшаш ишлатилади. Унда ўхшашлик жиҳати бир неча ишлардан таркиб топган хилма-хил бўлади ва ўз лафзида ўзгаришсиз зикр қилинади-

да, машхур сўзга айланиб қолгач, зарби масал бўлиб қолади. Мисол учун, иккиланувчи одамга «أَرَأَيْكَ تُقَدِّمُ رَجُلًا وَتُؤَخِّرُ أُخْرَى» бир оёғингни олдинга бошқасини орқага ташлаётганингни кўриб турибман» каби.

Истиорада сўзни асл маъносидан кўчма маънога кўчирилиш орқали далолат ва муболаға маъноси очиқ айtilган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, саҳоватли киши саҳий денгизга, ўлим ваҳший ҳайвонга ва маънавий нарса ҳиссий нарсага айлангани каби.

Агар кўчма маъно билан аслий маъно ўртасидаги алоқа ўхшашсиз алоқа бўлса, мажоз мурсал, дейилади. Мурсал алоқалари бир нечта, масалан:

1. Агар нарса ўзининг жузи (қисми) номи билан айtilса, алоқа жузвий бўлади: Масалан:

فَمِ اللَّيْلِ إِلَّا قَلِيلًا

– „*Кечаси (бедор бўлиб, намозда) фақат озгина турунг!*“.

[73:2]

Бу оятда турунг дейишдан мурод намоз ўқинг, демакдир. Чунки туришни зикр қилиш билан намозни назарда тутилган яъни қиём (туриш) намознинг жузи (бир қисми)дир.

2. Баъзан алоқа куллий (яҳлит) бўлади:

يَجْعَلُونَ أَصَابِعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ

– „*Панжсаларини қулоқларига тиқиб олишади*“.

[2:19]

Бу оятда бармоқларни тиқиб олишдан яҳлит бармоқлар эмас, балки бармоқнинг учи ирода қилинган. Натижада яҳлитлик зикр қилиниб, бир қисм ирода қилинди.

3. Сабабият. Яъни нарсани унга сабаб бўлган нарса номи билан аташ:

فَمَنْ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَى عَلَيْكُمْ

– „*Бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг*“.

[2:194]

Бу оятда адоватни адоват билан қайтариш яъни нарсани ўша нарсага сабаб бўлган нарса номи билан аталди.

إِنَّمَا تَحْنُ مُسْتَهْزِئُونَ * اللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ

– „*Улар қулмоқдамиз (дейишади). Аллоҳ уларнинг устидан кулади*“.

[2:14-15]

Яъни Аллоҳ кулишга кулиш билан уларни жазолади.

وَمَكْرُوا وَمَكَرَ اللَّهُ

– „*Макр қилдилар. Аллоҳ ҳам «макр» қилди*“.

[3:54]

وَجَزَاءُ سَيِّئَةٍ سَيِّئَةٌ مِّثْلَها

– „*Ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир*“.

[42:40]

فَيَسْخَرُونَ مِنْهُمْ سَخِرَ اللَّهُ مِنْهُمْ

– „*Масхара қиладиган кимсаларни Аллоҳ масхара қилур*“.

[9:79]

نَسُوا اللَّهَ فَنَسِيَهُمْ

– „*Улар Аллоҳни унуттишгач, Аллоҳ ҳам уларни унутди*“.

[9:67]

Шоир ҳам бундай деди:

أَلَا لَا يَجْهَلَنَّ أَحَدٌ عَلَيْنَا فَتَجْهَلُ فَوْقَ جَهْلِ الْجَاهِلِينَ

Бизга биронтаси ҳаргиз жаҳл қилмасинки, акс ҳолда жоҳилларнинг жаҳлидан ҳам ўтиб тушган жаҳл қиламиз

Баъзида бу алоқа қарама-қарши, деб ҳам аталади. Яъни нарсани унинг зидди номи билан аталиш. Бунда ёмонликнинг жазосини ёмонлик билан эмас, балки мажозий маънода ёмонликнинг зидди билан зикр қилинади.

Бундай алоқа жазойи, деб ҳам аталади. Бунда феълга жазо унинг лафзида зикр қилинади. Ёки бу алоқа сабабий алоқа, дейилади. Бунга ушбу сўз мисол бўлади: «أَنْبَتِ الْأَرْضُ مَطَرًا» ер ёмғирни (ёмғир сабабли) ўстириб чиқарди».

4. Мусаббабия. Бунда нарса номини унга сабаб бўлган нарсанинг номи билан аталади. Масалан, «أَمْطَرَتِ السَّمَاءُ نَبَاتًا» осмон ўсимликларни (ёмғир сабабли) ўстирди» каби.

5. Келажакда бўладиган нарса эъъяънидан мурсал алоқа:

إِنِّي أَرَانِي أَعْصِرُ خَمْرًا

– „*Мен тушимда шароб сиқайтган (тайёрлаётган) эмишман*“.

[12:36]

6. Ҳозирда бўладиган нарса эъъяънидан мурсал алоқа:

وَأَتُوا الْيَتَامَىٰ أَمْوَالَهُمْ

– „*Ва етимларга молларини беринг*“.

[4:2]

Чунки етим балоғатга етса, етимлиги тугайди.

7. Ҳолни маҳаллий (жойга алоқали) ном билан аташ алоқаси:

فَلْيَدْعُ نَادِيَهُ

– „*Бас, у ўзининг тўдасини (ёрдамга) чақираверсин*“.

[96:17]

Бу ерда алоқа жойга боғлиқ бўлиб, мақсад йиғин аҳлини чақираверсин, демакдир.

وَأَسْأَلِ الْقَرْيَةَ الَّتِي كُنَّا فِيهَا

– „*Биз бўлиб қайтган шаҳардан сўраб-суриштиргин*“.

[12:82]

Бу оятда шаҳардан, деганда шаҳар аҳлидан дегани тушунилади.

8. Ҳазф.

إِنَّ الَّذِينَ يُؤْذُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ

– „Албатта Аллоҳга ва Унинг пайгамбарига озор берадиган кимсаларни ...“ [33:57]

Яъни Аллоҳнинг дўстларига.

9. Бир сўзни бошқа сўз ўрнига ёндош бўлиш учун қўйиш (яъни нарса номини ёндош бўлиш учун бошқа сўз номи билан аташ). Масалан, «السُّقَاةُ وَالسُّقَاةُ رَاوِيَةٌ» овқатлар ва ичимликлар учун ровия бор» дейишгани каби. Бунда «رَاوِيَةٌ»дан мурод айна юклар ортиладиган туядир.

Яна ақлий мажоз ҳам бўлади. Бунда феълни бирор катта мақсадда ўзининг ҳақиқий фоили ўрнига бошқа фоил қўйилган бўлади. Масалан, «جَمَعَ أَبُو بَكْرٍ الْقُرْآنَ» «амир шаҳар курди», «جمع أبو بكر القرآن» Абу Бакр Куръонни жамлади» каби.

Ушбу айтилганларнинг ҳаммаси мажоз ҳақида. Унинг барча турларига албатта бирор қарина келиб, ўзининг ҳақиқий маъносини ман қилади.

Энди сўздан яширин маъно ирода қилинса-ю, аслий маъноси ҳам тушунилиши жоиз бўлса, бу ҳолда кочирма, дейилади. Мисол учун, «تَوَّوْمُ الصُّحَى» чошгоҳ уйқучиси» деймиз. Бундаги чошгоҳ уйқучиси, дейишимиздан ўз уйининг бекаси бўлган аёлни мақсад қилганмиз. Бу сўзнинг ҳақиқий маъноси эса уйқуни жуда яхши кўргани учун то чошгоҳгача ухлайверадиган аёл, демакдир. Бу мавсуф (сифатланаётган сўз)дан кочирмадир.

Сифатдан ҳам кочирма бўлади. Масалн, «عَرِيضُ الْقَفَى» энсаси кенг», деймиз. Бундай деган сифатдан нодонлик ва аҳмоқлик мақсад қилинган бўлиб, бу маъно лозимидир. Баъзан айна иборадан ҳақиқий маъно яъни энсаси кенг одам ҳам назарда тутилади.

Баъзан кочирма нисбатга далолат қилади: «الْمَجْدُ بَيْنَ ثَوْبَيْهِ وَالْكَرَمُ بَيْنَ» «يَدَيْهِ» улуғлик кийимда, сахийлик қўзда», каби.

Кочирма баъзида кенг маънода келиши мумкин. Яъни бундай кочирмани сўзнинг оқими ва қаринаси орқали тушуниб олинади. Масалан:

أَوْ لَامَسْتُمُ النِّسَاءَ

– „...Ёки аёллар билан муломаса қилсангиз“ [4:43]

Бу оятда муломасадан жинсий алоқа киноя қилинган.

وَأَجْعَلْ لِي لِسَانَ صِدْقٍ فِي الْآخِرِينَ

– „Мен учун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мақтовлар қилгин“ [26:84]

Бу оятда «рост мактовлар»дан мурод, яхши мактовдир.

يَوْمَ يُكْشَفُ عَنْ سَاقٍ

– „**Болдирлар очиладиган Кунида**“.

[68:42]

Яъни қиёмат кунида масаланинг жиддийлиги қочирма қилинмоқда. Чунки ким жиддий ишга киришмоқчи бўлса пойчаларини шимаради.

Фотима бинт Қайс Набий ﷺга «менинг қўлимни сўраганлар ичида Абу Жаҳм ҳам бор», деди. Шунда Набий ﷺ дедилар:

«أَمَا أَبَوَا الْجَهْمِ فَإِنَّهُ رَجُلٌ لَا يَضَعُ عَصَاهُ عَنْ عَاتِقِهِ»

«**Абу Жаҳм елкасидан асосини қўймайдиган киши**».¹¹⁸ Бу ҳадисдаги елкасидан асосини қўймайдиган кишидан аёлларни кўп урадиган киши ёки сафарга кўп чиқадиган кишидан қочирма қилинган.

Луғавий мажоз:

Луғавий мажоз сўзнинг алоқа ва шаръий қарина боис, ўзи учун берилган маънодан бошқа маънода ишлатилишдир. «Инсон» деган сўз «нотик» дея ишлатилиши каби.

Урфий мажоз:

Хос урфий: Хос урфий сўзнинг хос урф боис ўзи учун берилган маънодан бошқа маънода ишлатилишидир.

Умумий урфий: Умумий урфий алоқа бор бўлгани учун «Аҳмоқ инсон», деган сўз «الدَّائِبَةُ ўрмаловчи», дея айтилиши каби.

Ҳукм ифодаси:

Ҳақиқат ҳам, мажоз ҳам ҳукмни ифода қилиш тўғрисида бир хилдир. Ҳақиқат ўзи учун берилган маънони ҳар қандай умумий ёки хос суратда буйруқ ва қайтарув тарзида исбот қилади. Масалан, Аллоҳ Таоло бундай деди:

وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ

– „**Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар**“.

[25:68]

Бу оятда барча мухотаб (тингловчи инсон)ларга қарата умумий тарзда ноҳақ одам ўлдиришдан қайтарув бор. Шунингдек, мажоз ҳам сўзнинг ўзи учун берилган маънодан бошқа маънода ишлатилаётганини ифодалайди. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

إِنِّي أَرَانِي أَعْصِرُ خُمْرًا

– „**Мен тушимда шароб сиқаётган (тайёрлаётган) эмишман**“.

[12:36]

⁽¹¹⁸⁾ Муслим: 2709. Абу Довуд: 1944).

Маълумки, шароб сиқилмайди, балки узум сиқилади ва ундан шароб олинади. Бу оятдаги маъно эса сиқиш оқибатида шароб олиш назарда тутилгани боис мажозий маъно бўлиб келган.

Ҳақиқат билан мажозни ишлатилишнинг икки жиҳати мавжуд:

Очиқ-ойдин:

Ҳақиқатдаги очиқ ойдин: Никоҳ ва бошқа битимларда икки тарафнинг таклиф ва қабулларида ишлатилувчи розиман, қабул қилдим, сотдим, сотиб олдим каби сўзлар каби очиқ айтилувчи ҳақиқат.

Мажоз: Масалан, «ذَلِكَ الشَّجَرَةَ بُو دАРАХТДАН ЕДИМ», деганда унинг мевасидан едим, деган мажоз каби.

Киноя:

Ҳақиқатдаги кочирма: Масалан, «لَقَيْنِي صَاحِبِكَ وَحَدَّثْتَهُ عَنِ الْمَوْضُوعِ لِيَبْقَى» ҚИЙИ САҲИБИҲИ ВА ҲАДӢТӢ АУ АН ИЛ МУВУЪУ АЛ-МУВУЪУ АЛ-АМӢ ХАССА дўстингиз билан учрашиб, бу иш шахсий бўлиб қолиши учун унга айни мавзунни айтдим», каби.

Мажоз: мисол учун, биров ўз хотинига «اعْتَدِي» идда сакла», деса, бундан у талоқ иддасини саклашни назарда тутади, бинобарин, талоқ тушади ёки идда кунларини санаш керак бўлади. Шубҳасиз, идданинг сабаби талоқ бўлгани эъъънидан ушбу мажозий маънодан талоқ мақсад қилинади.

4. Иштиқоқ:

а) Кичик ёки энг кичик иштиқоқ:

Бугунги кун луғатшунослигида умумий иштиқоқ баъзан эса ўртача иштиқоқ, деган иштиқоқ мавжуд. Бу нарса одамлар қўлидаги дарслик китобларидаги нарсадир. Масалан, аслий ўзакни оласиз-да, яхшилаб текшириб, сийға ва мабнийлари ҳар хил бўлса ҳам, ана шу сўз маънолари ўртасини жамлайсиз. Масалан, م ل س, السلام, سليمان, سالم, يسلم, سليم» ...«سلمى»

Шунингдек, «ط ب س» ҳарфларини таркиб қилиш каби:

«سَبَطٌ» (аммо جَعَدٌ маъносида эмас).

سَبَطٌ – سَبَطًا, سَبَطًا, سَبَطًا, سَبَطًا, سَبَطًا

سَبَطٌ узун.

سَبَطٌ كُؤلِي اُؤئِي (сахий).

سَبَطٌ مَطْرٌ емғирнинг савалаши.

حُسَيْنٌ سَبَطٌ مِنْ أَسْبَاطٍ¹¹⁹ умматлардан бир уммат.

السَّبَطُ ўғилнинг ўғли (набира).

السَّابَاتُ икки ҳовли орасидаги айвон

السَّبَاةُ уй ўртасига ташлаб қўйиладиган супурги.

سَابُوطٌ эркин юрувчи ҳайвон.

Бошқача айтганда, маънодор сўз моддасидан феъл, фоил, мафъул, сифат, масдар каби сўзлар иштиқоқ қилинади. Айни тур маънога жуда бойдир. Чунки ҳар қандай сўз моддасидан бир неча маънодаги моддаларни иштиқоқ қилиб чиқариш мумкин.

б) Энг катта ёки катта иштиқоқ:

Ушбу иштиқоқни Ибн Жаний (Абу Фатҳ Усмон) «الاشْتِقَاقُ الْأَكْبَرُ», деб атади. Баъзилар эса «الاشْتِقَاقُ الْكَبِيرُ», деб атади:

1. Бунда сулосий аслий ўзакни оласиз-да, шу ўзакка ва ўзакдан ясалган етти бирикмаларга битта маънони боғлайсиз (чиқариб оласиз). Масалан, ل, و, ق бирикмаларидан суръат, енгиллик ва ҳаракат тезлигини англагувчи сўз ясайсиз:

القول яъни оғиз ва тил бу сўзга енгил айланиши учун.

القلوب ёввойи эшак, яъни енгиллиги ва тезлиги учун.

الوقل тоғ эчкиси, яъни чаккон ҳаракати учун.

يَلْقَى ёлғон гапда тўхтатмаслик, яъни тезлагани учун.

لوق юмшатмоқ, яъни қўл ҳаракати орқали.

القوة бургут, яъни енгил ва тез учарлиги учун.

2. Бунда ўзаро яқин маънолар ўзаро яқин сўзлардан келиб чиқади. Яъни маъноларнинг ўзаро яқинлигига бўлган сабаб сўзлар товушларини ҳам бир-бирига ўзаро яқин қилиб қўяди. Мисол учун:

«أَزَّ-هَزَّ» ҳаяжонга солиш, «هَزَّ» титраш. Ҳаяжонга солиш қалбларни титратишдан кучлироқдир. «أَزَّ»даги «ҳамза» эса «هَزَّ»даги «ҳо»дан кучлироқдир.

⁽¹¹⁹⁾ Термизий: 658\5, у хасан саҳиҳ деди. Аҳмад: 172\4. Ибн Ҳиббон: 427\15. Ибн Можа 141.

«أسف=عسف» афсус надомат», «عسف зулм». Қалбдаги афсус-надомат зулмдан ҳам ёмондир. «أسف»даги «хамза» эса «عسف»даги «айн»дан кучлироқдир.

عصر қисиш. Қисиш қисилаётган нарсага етказилувчи қийинчилик.

عسر яра.

عزر таъзир, уриш.

Бу уч ҳарфда қийинчилик маъноси жамланган.

Мисол учун:

اختضم иштаҳа билан ейиш, яъни тарвуз ва бодринг каби юмшоқ емишларни ейиш учун айтилди.

القضم ғажиш, ямлаш, яъни қаттиқ емишни куч билан ейиш учун айтилди.

Бас, «خ» ҳарфи юмшоқ бўлгани учун юмшоқ емишга нисбатан, «ق» ҳарфи эса қаттиқ бўлгани учун қаттиқ емишларга нисбатан ишлатинг ҳамда ҳарфлар товушини нарсалар ҳисси билан уйғун қилинг.

Мисол учун:

قبض чангали билан олмоқ. Яъни қўлнинг учи билан эмас, ҳаммаси билан.

قبض чимчиб олмоқ. Яъни «قبض»ни бармоқ учларига хослаш.

Бу ерда «ض» ҳарфининг оғиз махражини қоплаб, кенг равишда чиққани учун бу ҳарф кўпроқ нарсалар тўғрисида ишлатилди.

«ص» ҳарфи эса махражни соф қилиб, тор равишда чиққани учун бу ҳарф озроқ нарсалар тўғрисида ишлатилди.

Мисол учун:

رخو=رخود кучсизлик, «رخود» заифлик». «ر» ва «خ» ҳарфларининг бирга келиши иккала сўзда ҳам заифлик маъносини келтириб чиқарди.

в) Мураккаб иштиқок:

Бу иштиқок ўртача иштиқокдан фарқ қилади. Бу иштиқок калиманинг аслидан яъни феъл ва масдардан олиниб, исмлардан феъл ясалади. Бу исмлар жонворлар отлари ёки бошқа бўлсин фарқсиз. Қуйида исмлардан иштиқок қилинган феълларни баён қиламиз:

1. Санок отлардан ясалган феъллар: «وَحَدَّه» уни битта қилди, бирлаштирди, «أَحَدَهُ» уни битта қилди, «كُنَّاهُ» уни иккита қилди, «لَثَنَهُ» уни учта қилди, каби.

2. Исми замонлардан иштиқоқ қилинган феъллар: «شَتَوْتُ» қишга кирди, «أَخْرَفَ الْقَوْمُ» қавм кузлади», яъни кузга кирди. Шунингдек, «شَتَوْتُ» қишга кирди», «أَصَّافَ» ёзга кирди», «أَصَّحَّ» тонг отдирди», «أَمَسَى» кечга кирди», «أَطَهَرَ» пешин вақтига кирди» каби.

3. Исми маконлардан иштиқоқ қилинган феъллар: «أَفْضَيْتُ» фазога чиқдим», «أَغْرَقَ» Ироққа борди», «أَعْمَنَ» Аммонга борди», «أَنْجَدَ» Наждга борди», каби.

4. Жисм аъзоларидан иштиқоқ қилинган феъллар: «أَذَّنَهُ» кулоғига урди», «يَدَيْتَهُ» қўлига урди», «مَعَيْنَ» кўзига урди», «تَأَبَّطَهُ» қўлтиғига қистирди, қўлтиқлади».

5. Жисм аъзосидан бошқа жониворлар номларидан феъл иштиқоқ қилиш:

«اسْتَأَسَدَ» шердек (ботир) бўлди», «تَتَمَّرَ» коплондек (ботир) бўлди», «اسْتَنَوَقَ» туядек (чарчамас) бўлди».

6. Ажам исмлардан иштиқоқ қилинган феъллар:

«مُدَّرَهُمُ» бадирҳам (бадавлат) одам».

7. Товуш отларидан иштиқоқ қилинган феъллар:

«هَاهَيْتُ» туяни «ҳа, ҳа» деб ҳайдадим», «جَأَجَأْتُ» кўчқорни «жа, жа», деб ҳайдадим», «بَالِغَمِ» кўйларни ҳайдамоқ».

8. Ҳарфлардан феъл иштиқоқ қилиш:

«سَأَلْتُكَ حَاجَةً فَلَوَّيْتُ لِي» сендан бир хожат сўрасам, «لَوَّأَ» қилдинг (ундай бўлсайди, бундай бўлсайди, деявердинг», «سَأَلْتُكَ حَاجَةً فَلَايْتُ لِي» сендан бир хожат сўрасам, «لَايْتُ» қилдинг», яъни йўқ деддинг, «كَفَوْتُ» коф ҳарфини чиройли коф қилиб айтдим ва долни яхшилаб дол қилиб айтдим», «هَلَمَلَمْتُ» дедим яъни қани буёққа дедим. Мана шу тарзда демак, ҳеч қандай ўзаги, асли бўлмаган ҳамда иштиқоқ бўлмайдиган ҳарфлардан ҳам феъллар иштиқоқ қилинган.

Бу иштиқоқи мураккаб, деб аталишига сабаб у худди «م ل ك» ҳарфларидан: «مُكَلِّمٌ, كَلِّمٌ, كَلَامٌ, تَكَلَّمَ» каби сўзлар иштиқоқ

килинганидек, оддий иштиқокдан фарқ қилади. Яъни оддий иштиқок ҳеч қандай зоидасиз сулосий мужарраддан ясаллади.

Аммо мураккаб иштиқок бундай эмас. Чунки оддий иштиқокда «*سَكَنَ* маскан» сўзидан «*تَسَكَّنَ* мискин бўлиб қолди» феъли ясалган бўлса, мураккаб иштиқокда кўпроқ ҳарфлар иштиқок қилинади: «*مَسَكَنَ* маскан» исмидан «*تَمَسَكَنَ* мискин бўлиб қолди» феъли, «*مَدَّرَعَ* зирхли» исмидан «*تَمَدَّرَعَ* зирхли бўлди» феъли иштиқок қилингани каби.

Айрим уламоларнинг айтишича, зоида ҳарфли мураккаб иштиқок – зоида ҳарфсиз оддий иштиқокдан тушунарлироқ бўлади. Бунинг учун иккаласи ҳам бир хил маънода бўлиши керак. Масалан, юкоридаги «*تَدَّرَعَ*, *تَسَكَّنَ*» мисолларини олайлик:

Оддий иштиқок баъзан мана бу сўзлардан олинади:

«*تَسَكَّنَ*» сўзи «*سُكُونٌ*» ёки «*مَسْكَنَةٌ*» сўзларидан.

«*تَدَّرَعَ*» сўзи «*دَرَعٌ*» ёки «*مَدَّرَعَةٌ*» сўзларидан.

Мураккаб иштиқокда айтилмоқчи бўлган нарса иккиланмай кескин айтиб қўя қолинади:

«*تَمَسَكَنَ*» сўз «*مَسْكَنَةٌ*» сўзидан.

«*تَمَدَّرَعَ*» сўзи «*مَدَّرَعَةٌ*» сўзидан.

г) Бу иштиқок куббор, дейилади. Баъзилар уни наҳат ҳам дейишади ва бу иштиқок сарф қилинувчи иштиқок эмас:

حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ «*حَيَّ*», демок.

«*لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ*» *حَوْلَقَ*.

«*جُعِلْتُ فِدَاكَ*» *جَعَفَلَ*—*جَعَفَلَدَ*.

«*بِسْمِ اللَّهِ*» *بَسَمَلَ*.

«*السَّلَامُ عَلَيْكُمْ*» *سَمَعَلَ*.

«*حَسْبِيَ اللَّهُ*» *حَسِبَلَ*.

«*سُبْحَانَ اللَّهِ*» *سَبِحَلَ*.

«*بِأَبِي أَنْتَ وَأُمِّي*» *بَأْبَأَ*.

«*شَقُّ حَطَبٍ*»дан яъни кўчқор ва шохли жонвор.

«*عَبْدُ شَمْسٍ*» яъни *عَبَسَمَسَ* а) кунгабоқар; б) хаворангул.

«*قَوِيُّ الصُّلْبِ*» яъни *قَصَلَبَ* кучли, метин.

«*صَهَّصَلِقٌ*» овози ўткир.

يٰٓهٰجِمٍ يٰٓهٰجِمٍ яъни **بُنُو الْهٰجِمِ** ҳажимлар авлоди.

بَلْحَيِّثَةِ يٰٓهٰجِمٍ яъни **بُنُو الْخَيِّثَةِ** ҳабисалар авлоди.

«أَطَالَ اللهُ بِقَاتِكَ» **طَبَّقَ-طَبَّقَ**, демок.

صَلَّدَ қаттиқ бўлмоқ яъни «**صَلَّدَ** қаттиқ» ва «**صَدَّمَ** зарба»дан.

جَلَمُوذٌ қаттиқ яъни «**جَلَدٌ** чидамлилик» ва «**جَمَدٌ** муз»дан.

Булар сулосий, рубоий, хумосий ва сулосийлардир.

Куйидагилар араблар луғатлари хусусида ишлатишадиган манбалардир:

- «**الْوَضْعُ** Вазъ» (сўз тузиш, ишлаб чиқиш).
- «**التَّعْرِيبُ** Таъриб» (араблаштириш, муарраб қилиш).
- «**الْمَجَازُ** Мажоз» (мажоз, кўчма маъно).
- «**الإِشْتِقَاقُ** Иштиқок» (сўз тузиш).

Булар ҳақида юқоридаги бандларда баён қилиб ўтдик.

Арабларнинг гапни қандай тузишлари:

Гап ҳалқум ортидан оғиз учигача ёйилувчи товушлардан таркиб топувчи ҳарфлардир. Араб ҳарфларини текшириб кўрилса, улар жами йигирма саккизта эканлиги аён бўлади. Араблар ўзаро жонли тил учун фақат ушбу ҳарфлар кифоя қилмаслиги ҳамда уларнинг ўзи билан мақсад амалга ошмаслигини билишгач, уларни суноъий (ўзаги икки ҳарфлик), сулосий (ўзаги уч ҳарфлик), рубоъий (ўзаги тўрт ҳарфлик), хумосий (ўзаги беш ҳарфлик) сўзлар тузишди. Ушбу ўзаги аслий ҳарфли сўзларни беш ҳарфлидан оширишмади. Фақат мулҳақ бўлганда ва зарур ҳолдагина бештадан оширишди холос. Кейин бу калималардан жумлалар тузишди ва луғатларини сўз маъноси жиҳатидан икки қисмга бўлишди:

1. Муфрад.

2. Мураккаб.

Биринчи, муфрад:

Муфрад сўзининг бўлаги маъносининг бўлагига далолат қилмайдиган нарса бўлиб, у ҳарф, феъл ва исмга бўлинади.

а) ҳарф:

Ҳарф бу бошқа ҳарф билан қўшилганда маъно касб этувчи нарсадир. У бошқа ҳарф билан қўшилмаса, маъно касб қилмайди. Шунинг учун айрим ҳарфларнинг маъносини билиб, тафсир қилишимиз лозим. Зеро бу фикҳ мавзусида жуда ҳам зарурдир.

Жар ҳарфлари:

1. «**مِنْ**» ҳарфи.

«*من*» ҳарфининг «ғоя бошланиши»ни англатиши:

«*سِرْتُ مِنْ بَغْدَادَ*» Боғдоддан юрдим».

سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى

– „*Ўз бандасини кечаси Масжидул ҳаромдан атрофини баракли қилганимиз Масжидул Ақсога оят-мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайр қилдирган зот пок бўлди*“. [17:1]

Бу оятда ғоя бошланиши макон (масжид)дир.

لَمَسْجِدٍ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِن أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَن تَقُومَ فِيهِ

– „*Биринчи кундан тақво асосига қурилган масжид борки, сиз ўшанда туришингиз лойикроқ*“. [9:108]

Бу оятда ғоя бошланиши замон (биринчи кун)дир.

«*من*» ҳарфининг «Табъиз» (бўлак)ни англатиши:

«*أَكَلْتُ مِنَ الْخُبْزِ*» нондан (бир бўлак) едим».

«*Жинс*»ни баён қилиб келиши:

«*خَاتَمٌ مِّنْ ذَهَبٍ*» тилла (жинсидан бўлган) узук».

Ортиқчалик (ҳеч ким ё ҳеч нарса)ни англатиб келиши:

«*مَا جِئَنِي أَحَدٌ*» менга ҳеч ким келмади».

«алмаштириш, бошқани афзал кўриш»ни англатиши:

أَرْضِيْتُمْ بِالْحَيَاةِ الدُّنْيَا مِنَ الْآخِرَةِ

– „*Охиратни қўйиб, ҳаёти дунёга рози бўлдингизми*“. [9:38]

وَلَوْ نَشَاءُ لَجَعَلْنَا مِنْكُمْ مَلَائِكَةً فِي الْأَرْضِ يَخْلُقُونَ

– „*Агар хоҳлаганимизда, албатта сизларнинг ўрнингизга ерда халифа бўладиган фаришталарни (пайдо) қилган бўлар эдик*“.

[43:60]

2. «*إِلَى*» ҳарфи.

«*إِلَى*» ҳарфининг «ғоя бошланиши»ни англатиши: «*سِرْتُ إِلَىٰ يَبْرُوتَ*»

Байрутга юрдим».

«Охири» ва бошқани англатиши: «*سِرْتُ الْبَارِحَةَ إِلَىٰ آخِرِ اللَّيْلِ أَوْ نِصْفَهُ*»

кеча тун охиригача ёки ярмигача юрдим».

«*مع* билан, бирга» маъносини англатиши:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمْ إِلَىٰ أَمْوَالِكُمْ

– „*Уларнинг молларини ўзингизнинг молингизга қўшиб еман*“. [4:2]

3. «*حَتَّى*» ҳарфи.

Бу ҳарф кейин бўладиган ёки кейингаликка алоқали сўзнигина жар қилади:

سَلَامٌ هِيَ حَتَّى مَطَّلَعَ الْفَجْرِ

– „У (кеча) то тонг отгунгача тинчлик-омонликдир“. [97:5]
«баликни бошигача едим».

Бу ҳарф мана шулардан бошқа сўзларни жар қилмайди.
Масалан, «سِرْتُ الْبَارِحَةَ حَتَّى نِصْفِ اللَّيْلِ» дейилмайди.

4. «فِي» ҳарфи.

Зарф (равиш)ни англатиши: «زَيْدٌ فِي الْمَدِينَةِ» Зайд шаҳарда». Кўпроқ зарфни англатиб келади.

«عَلَى га» маъносида келиши:

وَأَصْلَبْتَكُمْ فِي جُدُوعِ النَّخْلِ

– „Ва сизларни хурмо шохларига осурман“. [20:71]

Баъзан кўчма маънода ҳам келади: «عَلِمَ الْفُلَانِي» фалончининг илмига назар ташладим».

Сабаб бўлиб келиши:

«دَخَلَتْ امْرَأَةٌ النَّارَ فِي هَرَّةٍ حَبَسَتْهَا فَلَا هِيَ أَطْعَمَهَا وَلَا هِيَ تَرَكَتْهَا تَأْكُلُ مِنْ خُشَّاشِ الْأَرْضِ»

«Бир аёл мушук сабабли дўзахга кирди: на мушукни овқатлангирди ва на ердаги қурт-кумурсақаларни ейиши учун уни кўйиб юборди». ¹²⁰

5. «بَاءً» ҳарфи.

Кўшимча ҳарф бўлиб келиши: «بِهِ» унда дард бор», «أَمْسَكْتُ بِالْقَلَمِ» қаламни ушладим», «أَخَذْتُ بِرَأْسِكَ» фикрингни қабул қилдим», «مَرَرْتُ بِزَيْدٍ» Зайднинг олдидан ўтдим».

Кўмакчи ҳарф бўлиб келиши: «بِالْعَصَى» асо билан урдим», «كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ» қалам билан ёздим», «قَطَعْتُ بِالسِّكِّينِ» пичоқ билан кесдим».

Мусохаба яъни илова бўлиб келиши: «اِشْتَرَيْتُ السِّيفَ بِقِرَابِهِ» қилични қини билан сотиб олдим».

فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ

– „Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан покланг“.

[110:3]

мутааддий қилиб келиши: «ذَهَبْتُ بِهِ» кетказдим».

⁽¹²⁰⁾ Бухорий: 712, 2236. Муслим: 904.

ذَهَبَ اللَّهُ بِنُورِهِمْ

– „Аллоҳ нурларини кетказди“ [2:17]

«عَلَى» маъносида келиши:

وَمِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِقِنطَارٍ يُؤَدُّهُ إِلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمَنُهُ بِيَدِيَارٍ لَا يُؤَدُّهُ إِلَيْكَ

– „Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, хиёнат қилмай сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, сизга қайтиб бермайди“ [3:75]

Сабаб бўлиб келиши:

فَظَلَمَ مَنْ الذِّينَ هَادُوا حَرَمْنَا عَلَيْهِمْ طَيِّبَاتٍ أُحِلَّت لَهُمْ وَبِصَدِّهِمْ عَن سَبِيلِ اللَّهِ كَثِيرًا

– „Яхудий бўлган кимсаларнинг зolimликлари ва қўй кишиларни Аллоҳ йўлидан тўсганлари сабабли уларга олдин ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик“ [4:160]

Зарф (равиш)ни англатиши:

وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ بِبَدْرٍ

– „Аллоҳ Бадр жангида сизларни голиб қилди“ [3:123]

وَإِنَّكُمْ لَتَمُرُّونَ عَلَيْهِمْ مُصْبِحِينَ

– „(Эй Макка аҳли,) аниқки, сизлар эртаю кеч уларнинг устидан ўтиб турурсизлар“ [37:137]

Яъни кечасида, демакдир.

Қасам маъносида келиши: «أُقْسِمُ بِاللَّهِ» Аллоҳга қасам ичаманки».

Боис ва учун маъносида келиши:

وَلَمْ أَكُنْ بِدُعَائِكَ رَبِّ شَقِيًّا

– „Роббим, мен сенга дуо қилиб, ноумид бўлган эмасман“ [29:4]

Зоида бо бўлиб келиши:

وَلَا تُنْفُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ

– „Ва ўзингизни ҳалокатга ташламанг“ [2:195]

Бир нарсанинг ўрнига (бадалига), алмаштириш маъносида келиши:

«مَا يُسْرِنِي بِهَا حُمْرُ النَّعَمِ»

«Умени килил туя бадалида (жуда қаттик) хурсанд қилди»¹²¹

أُولَئِكَ الَّذِينَ اسْتَرَوْا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالْآخِرَةِ

– „Ана ўшалар охират ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир“ [2:86]

«عُقُوبَةٌ» «عُقُوبَةُ الْحَبْسِ بِالْغَرَامَةِ خَطَأً»

«عُقُوبَةُ الْحَبْسِ بِالْغَرَامَةِ» қамоқ ўрнига жарима жазоси хато».

(121) Бухорий: 881, 2783. Муслим: 2404.

«مِنْ» маъносида келиши: «شَرِينٌ بِمَاءِ الْبَحْرِ» дарё сувидан ичишди».

سَأَلَ سَائِلٌ بِعَذَابٍ وَاقِعٍ

– „*Бир сўрагувчи кимса азобни сўради*“.

[70:1]

б. ل ҳарфи.

а) жар қилувчи омил (бошқарувчи юклама) бўлиши:

Баъзан ل очикдан-очик касра бўлиб келади:

«لِزَيْدٍ Зайд учун», «لِعَمْرٍو Амр учун». Бирок, бевосита нидо ҳарфи билан келса, фатҳали бўлади: «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ». Замир билан келса ҳам фатҳали бўлади: «لَنَا биз учун», «لَكُمْ сиз учун», «لَهُمْ улар учун». Мутакаллим ҳарфи бўлган «ي» билан келса, касра бўлади.

«ل» ҳарфи маънолари:

1. Истихқок (ҳақли бўлиш) маъносида: Бунда маъно билан зот ўртасида келади: «الْحَمْدُ لِلَّهِ» ҳамд Аллоҳга», «الْمُلْكُ لِلَّهِ» мулк Аллоҳга».

2. Хослов маъносида: «الْجَنَّةُ لِلْمُؤْمِنِينَ» жаннат мўминларга хос».

3. Мулк маъносида: «لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ» осмонлар ва ердаги нарсалар Униқидир».

Мулкка эга қилиш маъносида: «لِزَيْدٍ مِائَةَ دِينَارٍ» Зайдга юз динор инъом қилдим». Мулкка эга қилишга ўхшаш: «لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا» сизга ўзингиздан хотинларни яратди».

4. Иллатлаш (боис қилиш) учун келиши:

لِإِيلَافِ قُرَيْشٍ * إِيلَافِهِمْ رِحْلَةَ الشِّتَاءِ وَالصَّيْفِ

– „*Қурайшнинг лозим тутиши қандай яхши. Уларнинг қиш ва ёз сафарларини ўзларига лозим тутишлари қандай яхши*“.

[106:1]

Иллатлаш лами баъзан ўзи ёки замир орқали музорени насб қилади:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ

– „*Сизга эса одамларга баён қилиб беришингиз учун Қуръонни нозил қилдик*“.

[16:44]

5. Нафи таъкиди бўлиб келиши: Бунда лом ҳарфи феъл ичида «لَمْ يَكُنْ مَا كَانَ» сўзларидан кейин келиб, бу сўзлар ломли феълга мансуб сўзлар бўлади:

وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُظْلِعَكُمْ عَلَى الْغَيْبِ

– „*Аллоҳ сизларни гайб илмидан хабардор қилмади*“.

[3:179]

12. Қасам ҳарфидан холи таажжубланишни англаиб келиши. Бу нидода ишлатилади. Мисол учун Имруъул Қайс шеърида бундай деди:

فيا لك من ليل كأنّ نجومه بكلّ مغار القتل شدت يبذل¹²³

Бошқасида ҳам ишлатилади. Аъший ўз шеърида бундай деди:

شأب وشيب وافتقار وثروة فله هذا الدهر كيف ترددا

«Йигитлик, кексалик, камбағаллигу бойлик. Ё Аллоҳ бу давр қандай ўзгарувчан».¹²⁴

12. Фейли мутааддий қилиб келиши: «*مَا أَضْرَبَ زَيْدًا لِعَمْرٍو وَمَا أَحْبَهُ*»
Зайдни Амр учун урмайман ва Бакр учун уни яхши кўрмайман».

13. Зоида таъкид ломи бўлиб келиши:

а) Хоҳлаш ва буюриш феълидан кейин, насбли музорега кўшилиб келувчи лом:

إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ

– *„Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни хоҳлайди“*. [33:33]

وَأَمْرٌ لِّأَعْدِلَ بَيْنَكُمُ

– *„Ва сизларни ўртангизда адолат қилишга буюрилдим“*.

[42:15]

б) Ломи тақвия (кучайтириш ломи), деб аталган лом: Бу лом заиф омилни кучайтириш учун ўша омил сўнггида келади:

هَذِي وَرَحْمَةٌ لِّلَّذِينَ هُمْ لِرَبِّهِمْ يَرْتَابُونَ

Аллоҳ номига қасамки, қиламан», десаю, қилса, гуноҳкор бўлади. Чунки «*وَاللّٰهُ أَفْعَلُ*»нинг маъноси «*اللّٰهُ لَا أَفْعَلُ*» Аллоҳ номига қасамки, қилмайман», деганидир. Ким сўзини исботламоқчи бўлса, «*وَاللّٰهُ لَا أَفْعَلُنَّ*» Аллоҳ номига қасамки, албатта қиламан», дейиши лозим. Шундай қилмаса гуноҳкор бўлади. Бу бир инсоннинг «албатта, қасамлар гап услуби (қоидаси) устига бино бўлган», деган гапига тўғри келади. Аммо ким «қасамлар урф-одат устига бино бўлган», деса, у айни қасамни урф-одат борасида тополмайди. Чунки айни қасам инкор учун эмас, исбот учундир. Қасам ломи юқорида оятда келганидек, ўша қасамдан кейин, қасамга жавоб бўлиб келади. Баъзан лом муқаддар бўлиб келади: «*لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ*»
«Сизлар учун Аллоҳнинг Расулида гўзал ибрат бордир». Бу оятда лом код ҳарфи билан келди. Қод эса сарфланувчи ва мусбат бўлган мозий билан музорегагина хосдир. Бунинг учун музоре насб, жазм бўлмаслиги, олдида син ва савфа ҳарфлари келмаслиги шарт бўлади. Шунинг учун ким «*قَدْ لَا أَذْهَبُ، قَدْ لَنْ أَذْهَبُ*» деса, хато гапирган бўлади. Балки бунинг ўрнига у «*رَبَّمَا لَا أَذْهَبُ*» дейиши лозим. Баъзан қасам ломи ҳазф бўлиб келади: «*لَا جِرمَ لَتَيْتِكَ*» каби. Аслида бу «*لَا جِرمَ أَقسَمَ لَتَيْتِكَ*» эди, «*لَا جِرمَ أَقسَمَ*» ҳазф бўлиб, лом махзуп бўлган қасамнинг жавобидир.

⁽¹²³⁾ Имруъул Қайс девони: 117.

⁽¹²⁴⁾ Аъший: «Девони кабир»: 50.

– „*Роббиларидан кўрқадиган кишилар учун ҳидоят ва раҳмат бўлур, деб...*“. [7:154]

Ёки амалнинг бир бўлаги билан келади:

مُصَدِّقًا لِّمَا مَعَهُمْ

– „*Ўзларидаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи*“. [2:91]

в) Ломнинг жазм қилувчи омил (бошқарув юкласи) бўлиши. Бу лом талаб қилиш учун тузилган бўлиб, ўзининг ҳаракати касралидир. Аммо «фо» ва «вов»дан кейин келса, ҳаракати кўпинча сукунли келади:

فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي

– „*Бас, Менинг (дахватимга) жавоб қилсинлар ва Менга имон келтирсинлар*“. [2:186]

Баъзан «ثم»дан кейин ҳам сукунли бўлиб келади:

ثُمَّ لِيَقْضُوا تَفَثَهُمْ

– „*Сўнгра улар қирларини кетказсинлар*“. [22:29]

г) Лом баъзан омил (бошқарувчи юклама) бўлмай келади ва у етти турдан иборат бўлади:

1. Мубтадо ломи. Бу лом икки ишни яъни жумла мазмунини тавкиди ва музореънинг ўрнини ҳолга бўшатишни ифодалайди. Бу икки мавзуга алоқадор:

а) Мубтадо:

نُتْمُ أَشَدُّ رَهْبَةً

– „*Сизлар (мунофиқларнинг) дилларида Аллоҳдан кўра кўрқинчлироқсиз*“. [59:13]

б) «إِنَّ»га Хабар:

1. Исм хабар бўлиши:

إِنَّ رَبِّي لَسَمِيعُ الدُّعَاءِ

– „*Албатта, Роббим барча дуоларни эшитгувчидир*“. [14:39]

2. Шибҳ жумла бўлган музоре олдида келиши:

وَإِنَّ رَبَّكَ لَيَحْكُمُ بَيْنَهُمْ

– „*Албатта, Роббингиз уларнинг ўртасида ҳукм қилур*“.

[16:124]

3. Шибҳ жумла олдида келиши:

وَإِنَّكَ لَعَلَى خُلُقٍ عَظِيمٍ

– „*Албатта сиз улуг Хулқ устидадирсиз*“. [68:4]

1. Ломи зоида. Бу лом мубтадонинг хабари олдида келади:

أُمُّ الْخَلَيْسِ لَعَجُوزٌ شَهْرِيَّةٌ تَرْضَى مِنَ اللَّحْمِ بَعْضَ الرِّقْبَةِ

«*لكن*»нинг хабари олдида ҳам келади: «*لكنني من حبيها لعميد*». аммо уни яхши кўришни қасд қилдим».

Баъзиларнинг «أراك لَشَامِي» деган гапидаги «ارى»нинг иккинчи мафъули олдида ҳам келади.

3. Ломул жавоб. У уч турлидир:

а) «لَوْ»га жавоб:

لَوْ كَانَ فِيهِمَا آلِهَةٌ إِلَّا اللَّهُ لَفَسَدَتَا

– „Агар Аллоҳдан ўзга илоҳлар булганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди“.

[21:22]

б) «لَوْلَا»га жавоб:

وَلَوْلَا دَفَعُ اللَّهُ النَّاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لَفَسَدَتِ الْأَرْضُ

– „Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади“.

[2:251]

4. Рухсатга шарт вазифасини ўтовчи лом. Аммо ундан кейинги жавоб жавоби шартга эмас, қисмга мабни бўлади:

لَئِنْ أَخْرَجُوا لَا يَخْرُجُونَ مَعَهُمْ

– „Қасамки, агар қувиб чиқарилсалар улар билан бирга чиқиб кетмаслар“.

[59:12]

5. Алиф-ломнинг ломи: «المرجل қозон», «الحارث қўриқчи», каби.

6. Исми ишоралар олдида келувчи лом. Бунда баъзан узоқликни, баъзан «ذَلِكَ»дан ташқари таъкидни англатади. «تلك»да суқун келса, «ذَلِكَ»да икки суқун бир жойда келиб қолгани учун касра келади.

7. Таажжуб ломи. Бу лом жар қилувчи лом эмас: لَطْرُفَ زَيْدٍ. Зайд қандаям сўзга уста!», «لَكَرُمَ عَمْرٍ» Амр қандаям сахий!».

8. «عَلَى» ҳарфи:

Истиъло учун: «زيد على زيدning елкасида қарзи бор». «زيد على زيد текис ер устида турибди».

«فِي» маъносида келиши:

وَدَخَلَ الْمَدِينَةَ عَلَى حِينٍ غَفْلَةٍ مِّنْ أَهْلِهَا

– „(Кунлардан бирида Мусо) шаҳарга унинг аҳолиси гафлатда бўлган (пешин) пайтида кирган эди“.

[28:15]

«عَنْ» маъносида келиши:

إِذَا رَضِيْتُ عَلَىٰ بَنِي قَشِيرٍ لِعَمْرٍوَاللَّهُ أَعْجَبَنِي رِضَاهَا

Агар менга Қашир қабиласи рози бўлса, Аллоҳ номига қасамки, уларнинг розилиги мени ажаблантиради.

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ

– „Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир“.

[42:11]

Бу оятда «لَيْسَ شَيْءٌ مِّثْلَهُ» тақдир қилинган.

Жар қилувчи ҳарф бўлмай, балки замир бўлиб, насб ва жар ҳолида келиши:

مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ

– „Роббингиз сизни тарк этгани йўқ“.

[93:3]

Хитоб маъносини англатиб, аммо ўзининг алоҳида ўрни бўлмай, исми ишорага боғланиб келиши: «تِلْكَ، ذَلِكَ» каби. Боғланмасдан, алоҳида исми ишора бўлиб келиши: «إِنَّا كُنَّا، إِنَّا» каби. Баъзи исми феъллар билан келиши: «وَرِيدُكَ» каби.

Исм бўлиб келиши: «يُضْحِكُنْ عَنْ كَالْبَرْدِ الْمُنْهَمِ» каби.

11. «مُذٌ، مُنٌ» ҳарфлари:

Бу ҳарфлар исми зоҳир (исми замон)ларни жар қилади. Агар ҳозирги замон бўлса, «فِي» маъносини англатади: «مَا رَأَيْتُ مُذُ يَوْمَنَا» каби. Бу аслида «مَا رَأَيْتُ فِي يَوْمَنَا» эди. Агар ўтган замон бўлса, «مِنْ» маъносини англатади: «مَا رَأَيْتُ مُذُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ» каби. Бу аслида «مَا رَأَيْتُ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ» эди.

12. «غَيْرٌ، غَيْرٌ، غَيْرٌ، غَيْرٌ» ҳарфлари.

«غَيْرٌ» ва «سَوَى» ҳарфларидан кейин келган исм жар келади, аммо бу исмнинг ўзи шу ҳарфга изофа бўлади. «غَيْرٌ» ва «سَوَى» сўзларига эса эъроблашда худди «إِلَّا» каби мустаснолик ҳукми берилади:

«مَا رَأَيْتُ»، «مَا حَضَرَ غَيْرَ مُحَمَّدٍ»، «مَا حَضَرَ الطَّلَابِ غَيْرَ مُحَمَّدٍ»، «حَضَرَ الطَّلَابِ غَيْرَ مُحَمَّدٍ» каби.

Исм «غَيْرٌ» ва «حَاشَا» ҳарфларидан кейин мустасно бўлади. Ўзи эса мафъул биҳи бўлгани боис насб ҳолида бўлади ва феъллар мозий келади: «طَارَتِ الْحَمَامَاتُ غَدَاً حَمَامَةً». Ёки жар қилувчи ҳарф, деган эъъянида жар ҳолида келади: «طَارَتِ الْحَمَامَاتُ غَدَاً حَمَامَةً» каби.

Тасдиқ ҳарфлари:

«نَعَمْ» ҳарфи: Ўзидан аввалги саволга тасдиқ сифатида келади: «أَقَامَ زَيْدٌ؟ نَعَمْ، قَامَ زَيْدٌ» каби.

«بلى» ҳарфи: Нафи (қайтарувга) ижобий жавоб бериб келади: «ما بلى» «قام زيد, بلى» яъни «йўқ турди», демакдир.

«أجل» ҳарфи: Хабарни (хабардан бошқасини эмас) тасдиқ қилиб келиши: «قام زيد؟ أجل» яъни «ха турди», демакдир.

Атф ҳарфлари:¹²⁵

1. «و» ҳарфи (вов ҳарфи атф ва бошқа ўринларида ишлатилади).

а) Атф бўлиб ишлатилиши. Унинг маъноси мутлақ атф бўлиб, нарсани қуйидаги нарсаларга атф қилади:

Маътуфни ҳамроҳ (кема ҳамроҳлари)га атф қилиши:

فَأَنْجَيْنَاهُ وَأَصْحَابَ السَّفِينَةِ

– „Сўнг Биз (Нух)га ва кема ҳамроҳларига нажот бердик“.

[29:15]

Маътуфни ўзидан аввалги (пайғамбар)га атф қилиши:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا وَإِبْرَاهِيمَ

– „Қасамки, Биз Нух ва Иброҳимни пайғамбар қилиб юбордик“.

[57:26]

Маътуфни ўзидан кейинги (пайғамбар)га атф қилиши:

كَذَلِكَ يُوحِي إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ

– „Сизга ва сиздан аввалги (пайғамбарлар)га мана шундай ваҳий қилур“.

[42:3]

Атф ва маътуф бир-бирига яқин ёки узоқроқ бўлиши мумкин. Масалан:

إِنَّا رَأَوُوهُ إِلَيْكَ وَجَاءَلُوهُ مِنَ الْمُرْسَلِينَ

– „Биз уни сенга қайтаргувчимиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчимиз“.

[28:7]

б) Истиъноф (ибтидо) вови:

وَنُقَرُّ فِي الْأَرْحَامِ مَا نَشَاءُ

– „Ўзимиз хоҳлаганимизча (оналарингиз) қорнида қолдирамиз“.

[22:5]

⁽¹²⁵⁾«كُلَّمَا» ҳарфи феъл учун атф маъносини англатади. Бунда такрорлаш жиҳатидан шарт маъноси ҳам бўлиб, феъл олдида келади ва асло исм билан бирга келиши тўғри эмас. Масалан «كُلَّمَا دَخَلَتْ امْرَأَةٌ» дейишингиз нотўғри, балки «كُلَّمَا دَخَلَتْ امْرَأَةٌ» дейишингиз тўғридир. Шунга кўра, Аллоҳ Таолонинг «كُلَّمَا نَضَجَ جُلُودُهُمْ بَدَلْنَاهُمْ جُلُودًا غَيْرَهَا», «كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا أُعِيدُوا فِيهَا», «كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا أُعِيدُوا فِيهَا», деган каломларида хар сафар (такрорлаш), деган маъно келиб чикади шунинг учун атф ҳарф келмаса-да, аммо феълларга атф бўлади.

в) Жумлаи исмийга кирган вов ҳолия: «جاء فلان وَالشَّمْسُ طَالِعَةٌ» каби. Жумлаи феълияга кирган вов ҳолия: «جاء فلان وَقَدْ طَلَعَتِ الشَّمْسُ» каби.

г) вов мафъул: Бу вов ўзидан кейинги исмни насб қилади: «سَرَتْ وَالنَّيْلَ» каби.

д) Насб ҳолидаги музоре олдида келиб, музорени очиқ исмга атф қилади: «ولبس عبائة ونقر عيني» каби. Ёки вов натижа бўлиб келади": «لا تنه عن خلق وتأتي مثله» каби. Бу ҳолатда бирор наҳи ё талаб қилувчи ҳарф вовдан аввал келиши зарурдир.

е) Вов қасам: Бунда фақат зоҳир олдида келиб, фақат мутааллиғи ҳазф қилинган бўлади:

وَالْقُرْآنَ الْحَكِيمَ

– „*Ҳикматли Қуръонга қасам*“. [36:2]

ё) вов зоида:

حَتَّىٰ إِذَا جَاؤُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا

– „*То қачон улар дарвозалари очилган ҳолдаги (жаннатга) келиб етганларида*“. [39:73]

Бу ҳарфни бир жамоа наҳвчи уламо исбот қилди. Шунингдек, у «الَّ»дан кейин келиб, исбот қилиниши лозим бўлган ҳукми таъкидлайди: «ما من أحد إلا وله طمع أو حسد» каби.

ж) вов самония (саккиз вови). Буни бир жамоа адабиётчи, наҳвчи ва муфассирлар таъкидлаган. Уларнинг айтишича, араблар олти, етти, деб санашса, олтидан кейин албатта ва саккиз, деб вов кўйишади ва еттида санок тугаб, вов билан саккиздан бошланади, дейишади. Улар бунга Аллоҳ Таолонинг ушбу каломини далил қиладилар:

سَيَقُولُونَ ثَلَاثَةً رَّابِعُهُمْ كَلْبُهُمْ وَيَقُولُونَ خَمْسَةً سَادِسُهُمْ كَلْبُهُمْ رَجْمًا بِالْغَيْبِ وَيَقُولُونَ سَبْعَةً وَتَأْمِنُهُمْ كَلْبُهُمْ

– „*Ҳали улар: «Учтадир, тўртинчилари итларидир», десалар, айримлари: «Улар бешта бўлиб, олтинчилари итларидир», деб гайбга тош отурлар. Яна: «Улар еттитадирлар ва саккизинчилари итларидир», ҳам дейдилар*“. [18:22]

з) Бу вов жумлага кириб, уни сифатлайди ва бу вовни вовул ҳол, дейишади:

وَعَسَىٰ أَنْ تَكَرَّهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ

– „*Шоядки, ёмон кўрган нарсангиз сиз учун яхши бўлса*“.

[2:216]

и) вов музаккар замир:

«الرجال قاموا» каби.

к) вов фасл: Бу вов фақат ёзилганда билинувчи вовдир: масалан, «عَمْرُو» каби. Бунда вов фатҳа ва касрада «عَمْرُو» билан «عَمْرُ»нинг фарқини ажратиш учун келади. Яна «أولئك, أولى» каби вов форика ҳам бор.

2. «ف» ҳарфи. Бу фо ҳарфи ҳеч қандай амал қилмайдиган эъяснисиз фо бўлиб, қуйидаги ҳолатларда келади:

а) Фо атф. У уч ҳолатда келади:

1. Фо тартиб. Бу ҳам икки тур: Биринчи маътуф билан бир тартибда ажралмай келувчи тартиб фоси:

خَأَقَاكَ فَسَوَاكَ فَعَدَاكَ

– „*Сени яратиб, сўнг (барча аъзоларингни) тиклаб, сўнг (қоматингни ҳам) расо қилиб, қўйди*“. [82:7]

Иккинчи маътуф билан бир тартибда эмас, балки ажралиб келувчи тартиб фоси:

وَنَادَى نُوحٌ رَبَّهُ فَقَالَ رَبِّ إِنَّ ابْنِي مِنْ أَهْلِي

– „*Нуҳ Парвардигорига нидо қилиб, «Парвардигорим, албатта, ўғлим менинг аҳли оиламдандир, деди*“. [11:45]

Атф билан маътуф ораси хусусан аҳкомлар тўғрисида узоқлашиб келса, фо натижа бўлади:

وَيَلُكُم لَّا تَقْتَرُوا عَلَى اللَّهِ كَذِبًا فَيُسْحِكَكُمْ بِعَذَابٍ

– „*Аллоҳ шахнига ёлгон тўқиманг, у ҳолда сизларни азоб билан ҳалок қилур*“. [20:61]

وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَى سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهَانٌ مَقْبُوضَةٌ

– „*Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз қўл билан тутгудек гаров олинг*“. [2:283]

Демак, азоб билан ҳалок қилиш ёлгон-яшиқ тўқишдан узоқ қилади, гаровга олиш ҳам қарз олди-берди қилишдан узоқ қилади. Аммо шуни кенгроқ тушуниш лозимки, ёлгон тўқиш ҳукми ҳалок қилиш, қарз олди-берди қилиш ҳукми гаровга олишидир.

2. Фо таъкиб (шарҳлаш фоси): ҳамма нарсада «фақат» маъноси келади:

Уйланиш билан фарзанд кўриш ўртасида фақат ҳомиладорлик даври бўлиб ўтган бўлса, تَزْوِجٌ زَيْدٍ فَوَلَدَ لَهُ маъносида келади: дейишгани каби.

ثُمَّ خَلَقْنَا النُّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا الْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا الْمُضْغَةَ عِظَامًا فَكَسَوْنَا الْعِظَامَ لَحْمًا
– „*Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўштни яратиб, парча гўштан суякларни яратиб, бу суякларга гўшт қопладик*“.

[23:14]

Бу вовнинг маъноси Имруъул Қайсинг мана бу шеърида келади: «بسقط اللوى بين الدخول فحومل».¹²⁶

3. Фо сабабия. Бу кўпроқ жумла атф ёки сифат бўлганда келади.

Биринчи:

فَوَكَرَهُ مُوسَى فَقَضَى عَلَيْهِ

– „*Шунда Мусо бир мушт уриб уни ўлдириб қўйди*“.

[28:15]

Агар фо маҳзуб бўлган феълга атф бўлса, у фо фасиха, бўлади:

أَنْ اضْرَبَ بَعْصَاكَ الْحَجَرَ فَانْبَجَسْتَ

– „*Асоинг билан тошни ургин!*» (дедик). *Бас, (чашма) отилиб чиқди*“.

[7:160]

Яъни «فإن ضربت فقد انبجست» ёки «فضرِب فانبجست» демакдир. Баъзан фо билан туташганда музоре феъли – агар келаси замонни англатса – насб бўлади:

لَا يُفْضَى عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا

– „*На уларга ҳукм қилиниб, (дўзахда) ўла олурулар*“.

[35:36]

Иккинчи:

لَاكِلُونَ مِنْ شَجَرٍ مِّنْ زَقُّومٍ * فَمَا لُؤُونَ مِنْهَا الْبُطُونَ

– „*Шак-шубҳасиз заққум дарахтидан егувчи – ундан қоринларингизни тўлдиргувчидирсизлар*“.

[56:52-53]

б) Фо жумла шартда келади. Агар жавоб воқеъга далолат қилса, фо зарур бўлади:

وَإِنْ يَمْسَسْكَ بَخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

– „*Агар сизни бирон яхшилик билан ушласа, бас, билингки, У ҳамма нарсага қодирдир*“.

[6:17]

Шунингдек, музоре феъли келаси замонга далолат қилиб, фо шарт ҳарфларига таъсир қилмаган ҳолат:

وَمَا يَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَنْ يُكْفَرُوهُ

– „*Улар қилган бирон яхшилик беркитилмайди (яъни зое бўлмайди)*“.

[3:115]

مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ

– „*Сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурулар*“.

[5:54]

(126) Имруъул Қайс девони: 110 «...قفي نيك من ذكرى حبيب وميرل...».

وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَلَيْسَ مِنَ اللَّهِ فِي شَيْءٍ

– „Ким шундай қилса, бас, (y) Аллоҳдан ҳеч нарасада йўқ“.

[3:28]

إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ

– „Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг, шунда Аллоҳ сизларни севади“.

[3:31]

в) Фо жумладаги таъкидга далолат қилувчи зоида фо бўлса, муайян ҳолларда у хабар билан ва хабардан бошқа нарса билан келади:

قُلْ إِنَّ الْمَوْتَ الَّذِي تَفِرُّونَ مِنْهُ فَإِنَّهُ مُلَاقِيكُمْ

– „Айтинг: «Сизлар қочаётган бу ўлим албатта сизларга йўлиққувчидир“.

[62:8]

«كلّ رجل يدخل الدار أو في الدار فله دراهم» каби.

Фонинг хабардан бошқа нарса билан келиши:

وَيَا بَاكَ فَطَهَّرْ

– „Либосларингизни пок тутинг“.

[74:4]

«وأنت فرعاك الله» каби.

3. «ثم» ҳарфи.

Тарохий (узоқда қелиш)га далолат қилиши:

وَإِنِّي لَعَفَّارٌ لِّمَن تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا ثُمَّ اهْتَدَى

– „Ва мен тавба қилган, ҳамда имон келтириб яхши амаллар қилган, сўнгра ҳидоят узра юрган кишиларни мағфират қилгувчидирман“.

[20:82]

Вов маъносида келиши:

فَالْيَنَّا مَرَجِعُهُمْ ثُمَّ اللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ

– „Ўзимизга қайтадилар. Кейин Аллоҳ улар қилаётган барча ишларга гувоҳдир“.

[10:46]

Бунда вов Аллоҳнинг аввалда гувоҳ бўлмаганлигини истисно қиляпти.

4. «حتّى» ҳарфи.

Маътуф маътуфун илайҳининг бир қисми бўлганда бу ҳарф атф ҳарфи бўлиб келиши зарур бўлади: «مات الناس حتّى الأنبياء», «أكلت السمكة», «حتّى رأسه» каби.

5. «أو» ва «إمّا» ҳарфлари.

«أو» Ҳарфи талабдан кейин келса, ё ихтиёр бериш учун келади ёки мувоҳ қилиш учун келади.

Ихтиёр бериш учун келиши: «تزوج هنداً أو أختها».

Гоҳида мубоҳ қилиш учун бўлади:¹²⁷ «جالسُ العلماءُ أو الزهادُ».

Агар ҳарфи хабар жумлага кирса, ё шакни ёки ноаниқликни ифодалайди. Шакни ифодалашига мисол:

قَالُوا لَيْتَنَا يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ

– „**Бир кун ё ярим кун турдик, дедилар**“.

[18:19]

Ноаниқликни ифодалашига мисол:

وَإِنَّا أَوْ إِيَّاكُمْ لَعَلَىٰ هُدًى أَوْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ

– „**Шак шубҳасиз ё бизлар ёки сизлар аниқ ҳидоят устида ёки очиқ залолатдадир**“.

[34:24]

Баъзан қисмларга бўлишни англатади: «الكلمة اسم أو فعل أو حرف» каби.

Ёки қисқа келган нарсани муфассал қилишни англатади: «اختلف

каби. «القوم فمن ذهب, فقالوا ذهب سعيد أو خالد أو عليّ

قَالُوا سَاجِرٌ أَوْ مَجْنُونٌ

– „**Сеҳргар ёки мажнун дедилар**“.

[51:52]

Яъни баъзилари сеҳргар, баъзилари мажнун дейишди.

Баъзан «بَلْ» маъносида келади. Масалан, Аллоҳ Таоло бундай деди:

وَأَرْسَلْنَاہُ إِلَىٰ مِثَّةِ آلْفٍ أَوْ يَزِيدُونَ

– „**Биз уни юз минг, балки ундан-да кўпроқ (одамга) пайгамбар қилдик**“.

[37:147]

Яъни балки ундан ҳам кўп, демакдир. Ёки «خالد أو عليّ» деган сўзда ҳам Саид эмас, балки Холид келди, демакдир.

«أَوْ» Ҳарфининг хабарлар бериш, амр қилиш ва истифҳомда келиши:

а) Шак учун хабар беришда келиши: «جاء إمّا أحمد وإمّا حسن» каби.

б) Ихтиёр бериш учун амр қилишда келиши: «اطعم إمّا أحمد وإمّا

حسنًا» каби.

в) Истифҳомда келиши. Бунда икки нарсанинг бири билинади, аммо истифҳом ёки тенглаштириш ҳамзасидан сўнг қайси бири эканини аниқлашга шак қилинади:

(127) Мубоҳ қилиш билан ихтиёр бериш ўтасидаги фарқ шуки, уларнинг бирига ё иккинчисига ёки иккаласига ҳам амал қилиш мумкин бўлса, мубоҳ бўлади. Агар иккаласига амал қилиш мумкин бўлса, ихтиёр бериш бўлади. Масалан, «تزوج هذا أو أخيها» каби.

سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أُنذِرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ

– „*Хоҳ (Аллоҳ азобидан) кўрқитинг, хоҳ кўрқитманг, уларга баробардир*“.

[2:6]

6. «لَا», «بَلْ» ва «لَكِنْ» ҳарфлари.

Бу ҳарфларнинг барчаси ҳукмда маътуф маътуфун илайҳига зид иш қилганини англатади:

جاءني زيد لا عمرو

جاءني زيد بل عمرو

جاءني زيد لكن عمرو

Учинчидан: Нафи ҳарфлари:

1. «مَا» ҳарфи. Бу ҳарф ҳозирги замон феълини нафи қилишни ёки ҳозирги замон феълига яқин мозий феълини нафи қилишни англатади: «ما تفعل, ما فعل» каби.

«لَا» ҳарфи келаси замонни нафи қилишни англатиб, ё хабарни нафи қилади ёки инкор қилади. хабарни нафи қилиши: «لَا رجل في الدار» каби. Инкор қилиши: «لَا رعاك الله» каби.

«لَمْ يَفْعَل» ва «لَمَّا» ҳарфлари мозийни музорега айлантиради: «لَمْ يَفْعَل», «لَمَّا يَفْعَل» каби.

2. «لَنْ» ҳарфи. Бу ҳарф келаси замон нафисини таъкилдашни англатади:

فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا

– „*Бундай қилолмасангиз, ҳаргиз қилолмайсиз ҳам*“.

[2:24]

3. «إِنَّ» ҳарфи. Бу ҳарф ҳозирги замонни нафи қилишни англатади:

إِنْ كَانَتْ إِلَّا صَيْحَةً وَاحِدَةً

– „*Фақат биргина даҳшатли қичқириқ бўлди*“.

[36:29]

б) Исм:

Исм бу ўзининг маъносига далолат қилган, ўзининг маъносидан ташқаридаги замонга муҳтож бўлмаган нарсадир. Исм куллий ва жузъий бўлади.

• Куллий исм:

Куллий исмнинг маъносида кўпчилик иштирок этиши мумкин. Агар барча маъноларида баробар бўлса, мутавоте, дейилади: «الإنسان», «الفرس» каби. Қуръон ва Суннат қисмларидан бири бўлган (ом) умумий маънони ҳам ўз ичига олади. Агар маъно ўзининг

барча маъноларида баробар бўлмаса, мушаккак (ноаник), дейилади. Масалан, «النور» деган сўз каби. Чунки куёшнинг нури ой ва чирок нурларига нисбатан кучлироқ бўлади ва шу боис бу маънони мутавоте ё бошқалигини билиш учун чуқурроқ назар солиш керак бўлади. Чунки бу сўзнинг ҳақиқий маъноси фақат битта бўлади. Шунинг учун Қуръон ва Суннатнинг умумий қисмлари бу маънони ўз ичига олади. Ёки маъно барча маънолари сифатида саноғи ортиқчалик ва камлик жихатидан ҳар хил бўлгани учун муштарак (антоним) маъно бўлиши мумкин. Бундай ҳолатдаги маънони Қуръон ва Суннат қисмларидан мужмал (қисқа) маъно ўз ичига олади.

- Исмнинг жузъий маъноси:

Исмнинг бу маъноси кўпчиликни ўз ичига олмайди. Масалан, эркак жинсини англатувчи алам бўлган «زيد» ҳамда «ك»، «هُو»، «هَي»، каби замирлар жузъий исмлар бўлиб, уни Қуръон ва Суннат қисмларидан бўлган хос маъно ўз ичига олади.

Исмнинг хабар берувчи аломатлари мавжуд. Масалан, «و» «كتبوا»даги «و»، «ا» «الرجل»даги «ال»، «ت» «كتبت»даги «ت», «ا» «كتبنا»даги «ا»، «و» «كتبوا»даги «و», ёхуд танвин, нидо ҳарфи, жар ҳарфи, ёки кўмакчи ҳарфлар каби.

в) Феъл (иш ҳаракат):

Феъл бу бир замонда ҳосил бўлган ҳодисага далолат қилувчи нарсадир.

Ҳадас масдар, яъни феъл исмидир.

Ҳосил бўлувчи замон мозий, ҳозирги замон, келаси замон ва амрдир.

Мозий: унинг аломати фоил тоси ҳамда сукунли муаннас тосидир: «قأت»، «كتبت» каби.

Музоре: ҳозирги ва келаси замондир. Унга **لَمْ** кўшилиши мумкин: «لَمْ يَرَجِعْ»، «يَسْأَلُ» каби. Шунингдек, ушбу тўрт зоида ҳарфлар билан бошланади: «ن»، «أ»، «ت»، «ى». Келаси замон феъли ўз олдида «س» ва «سوف» ҳарфларини кўшиши билан фарқ қилади: «سَيرَ جمع»، «سوف يَرَجِعُ» каби.

Амр: таъкиднинг энгил ёки оғир нунини қилган феълдир. Масалан, «اصْرَبْ»، «اخْرَجْ» каби.

Феъл амрга далолат қилиб, унга таъкид нуни кўшилмаган бўлса, у исми феъл бўлади. Масалан, «صَهُ»، «تعلَى»، «هات» каби.

Гап турлари яъни сўзларнинг исмларга кўшиш жиҳатидан турлари:

1. Мутабойин:

Мутабойин лафз билан маъно ўзаро зид бўлган сўз бўлиб, у бошқаларга нисбатан машхурроқ ва кўпроқдир. У икки турли:

а) Лафз ва маъно бутунлай зид бўлган сўз: «رجل», «قلم», «سيف», «أسد».

б) Лафз ва маъно зид бўлмаган сўз:

الحزم – Ердан «الحزن»дан юкорирок.

الخضيم – Юмшоқ емишларни оғизни тўлдириб ейишга нисбатан айтилувчи сўз.

القضم – Қаттиқ емишларни оғиз тишлар билан ейишга нисбатан айтиладиган сўз.

в) Лафзи зид аммо маъноси яқин сўз:

مدحه – тирик одамга нисбатан уни мактади, демакдир.

أبنه – Ўлган одамга нисбатан унга йиғлади, демакдир.

عاده – Касал одамга нисбатан уни бориб кўрди, демакдир.

زاره – Соғлом одамга нисбатан уни зиёрат қилди, демакдир.

г) Лафзи яқин аммо маъноси зид сўз:

بُرٌّ – Бугдой.

بِرٌّ – Яхшилиқ.

حراج Қийин (ҳараж) аҳволга тушиб қолди.

تحراج Қийинчилик (ҳараж)дан узоқлашди.

فزع – Кўрқинчга тушди.

فزع – Кўрқинч ундан чекинса, қалби тинч бўлди.

2. Мутародиф (махнодош, синоним):

Мутародиф лафзи маъносига зид келган сўздир.

سيف – Ўткир, қилич, қоплон.

سهيم – Нишоб, пичоқ, чалаузар.

3. Муштарак:

Муштарак лафзи яқин аммо маъноси зид сўздир.

а) маъноси зид сўзлар:

الجون – Қора, ок.

الرجاء – Умид, кўрқув.

الجلل – Арзимаслик, улуғлик.

القرء – Ҳайз, ҳайздан покланиш.

الناهل – Чанқоқ, чанқоғини қондирган.

الغامر – Боқий, мозий.

б) Ҳар хил маъноли сўзлар:

عين – Кўз, мол-мулк, тарози, жосус, олтин, қуёш.

قضى – Амр қилди, билдирди, ясади, фориғ бўлди.

4. Мутавоте:

Мутавоте саноғи ҳар хил аммо маъно сифатида исм қўйилган маъноси эса бир хил бўлган сўзлардир. Мисол учун, шахс исми «زيد»га, «عمرو»га, нарсалар номи «السماء», «الأرض», «الإنسان»га, ранг номи «السواد», «البياض», «الاحمر»га тўғри келади. Буларнинг бари ўзига ном сифатида берилган маънога тўғри келади ва бу муштаракдан фарқ қилади.

Иккинчи: Мураккаб. Мураккаб гап икки ва иккидан кўп исмдан таркиб топган, ўзидан бир маънони англатган гапдир. Мана шу таркиб топган сўзлар ҳар бири ўз алоҳида маъносига эга бўлиб, икки қисмга бўлинади:

1 – Иснодий (эга кесимли, мубтадо-хабарли) гап:

Иснодий гап икки турли: ихборий (кўчирма гап) ва иншоий (буйруқ, илтимос, ман қилишни ифодаловчи гап)дир.

Ихборий гап бир нарсани яна бир нарсага берган ҳукми (хабари)дир. Масалан, ижтиҳодни Зухайрга нисбат берилса, бу хабар тўғри ё нотўғри бўлиши эҳтимолини туғдиради. Бу куйидагиларни ўз ичига олади:

Муснад илайҳи (от кесимли гапнинг эгаси яъни мубтадо): Муснад илайҳи фоил, ноиб фоил, мубтадо, қиска феъл исми, «ليس» амалидаги шибҳ исм, иннанинг исми, жинс учун ло нофиянинг исми бўлиши мумкин.

Муснад (от кесимли гап, яъни хабар): Муснад феъл феъл исми (масдар), мубтадонинг хабари, қиска феъл хабари, ليس харфининг хабари, инна ва аховатининг хабари бўлиши мумкин.

«يعاقب العاصون», «جاء الحق وزهق الباطل», «زهير مجتهد», «تأبط شرا», Масалан, «إن الله عليم بذات», «ما زهير كسولا», «وكان الله عليماً حكيماً», «السبر مفتاح الفرج», «لا إله إلا الله», «الصدور»¹²⁸.

Иншой гап эса унга феъл-фоил, мубтадо-хабар, инна ва аховатининг исми-хабари ва бошқалар каби муснад ҳам муснад илайхи ҳам мавжуд бўлса-да, маълум жиҳатдан кўпинча талаб маъносини англатади ва тўғри ё нотўғри деган эҳтимолни туғдирмайди. У кўпроқ қуйидаги турларда келади:

а) «استفهام» Истифҳом яъни моҳиятни сўраш:

«هل قام زيد؟» «ما حقيقة الإنسان؟» каби.

б) «الأمر» Амр яъни истеъло орқали моҳиятга эришиш учун талаб қилишдир:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاٰكِعِيْنَ

– „*Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва руку қилгувчилар билан бирга руку қилинг*“.
[2:43]

в) «التماس» Илтимос:

Илтимос ўзини тенг кўриш орқали моҳиятга эришиш учун талаб қилиш. Масалан, бир шахс бир шахсдан «اعطني القلم», «خذ الكتاب» дея талаб қилгани каби.

г) «السؤال» Савол (сўраш):

Савол ўзини ҳокисор олган ҳолда моҳиятга эришиш учун талаб қилишдир. Аллоҳдан сўраш эса дуо, дейилади: «اللهم اغفر لي», «اللهم» каби.

д) «الترجي» Умид қилиш:

Яъни яхши кўрган нарсасини умид қилишдир:

«لعلّ الصديق قائم» каби.

е) «التمنى» Орзу қилиш:

⁽¹²⁸⁾ жинс учун ло нофия агар унинг хабари но аниқ бўлса, хабарини зикр қилиш зарур бўлади. Масалан ушбу хадис каби, «لا أحد غير من الله». Агар хабар маълум бўлса, кўпчилик хабарини ҳазф қилган. Жумладан, Тамим қабиласи ва тойлик араблар уни ҳазф қилишни лозим кўришган. Ҳижозликлар ҳам уни исботига руҳсат беришиб, кўпроқ ҳазф қилиш лозим дейишган. Аллоҳ Таолонинг «لا إله إلا الله» сўзида ҳам лонинг хабари ҳазф қилинган. Яъни бу сўз «لا» ва унинг исмидан бадалдир. Чунки «لا» ва унинг исми мубтадога маҳаллан рафдир. Шунинг учун бу ерда «الله» сўзини бадал қилиш лозим, насбли истисно қилиш мумкин эмас).

Яъни тама қилинмайдиган ёки қийинчилик билан етиладиган нарсани умид қилишдир. Тама қилинмайдиган нарсани умид қилишга мисол: «ألا ليت الشباب يعود يوماً فأخبره بما فعل المشيب». Қийинчилик билан етиладиган нарсани умид қилишга мисол: «ليت لي ألف دينار».

«ليتك تذهب» баъзан мумкин бўлган нарсага ҳам ишлатилади: «ليتك تذهب» каби.

ё) «النداء» Нидо:

Яъни «أى», «أ» ҳарфлари яқиндаги одамга нидо қилишни англатади.

«يا» ҳарфи фақат Аллоҳнинг исмига нидо қилиш учун таъйин қилинган. «يا» билан «وا» ҳарфлари мунгли маънога хос ҳарфлардир. Айниқса, «وا» ҳарфи кўпроқ шундай. Чунки «يا» ҳарфи фақат ҳақиқий нидо «يا»си билан аралашиб кетмайдиган ҳолдагина мунгли маънога ишлатилади.

حملت أمراً عظيماً فاصطبرت له وقيمت فيه بأمر الله يا عمرا

Сен жуда катта ишни кўтардинг ва унга сабр қилдинг
Бу ишда Аллоҳнинг буйруғини бажардинг эй Умар
Бу Журайрнинг байти бўлиб, унда Умар ибн Абдулазиз ﷺ
мунгли сўз айтмоқда. У сабр билан кўтарган иш эса Халифалиқдир.
Нидо ҳарфлари турлари:

Алам: «يا زهير».

Накраи мақсуда: «يا رجل».

Музоф: «يا عبد الله, يا راكب السيارة».

Музофга ўхшаш: «يا علما بحالى استجب سؤالى, يا راغبا صحبتنا أهلا بك».

2 – Изофали мураккаб гап: «كتاب التلميذ, عبد الله».

3 – Баёнли мураккаб гап: «كل كلمتين كانت ثانيهما موضحة لمعنى الأوّل».

Сифатли мураккаб: «فاز التلميذ المجتهد».

Бадалли мураккаб: «جاء خليل أخوك».

Таъкидли мураккаб: «جاء القوم كلهم».

4 – Атфли мураккаб (боғловчи сўз): «ينال التلميذ والتلميذة الحمد والثناء»
«إذا تابرا على الدرس والاجتهاد».

ИККИНЧИ ФАСЛ

Сўзлар далолатлари

Сўз маънога далолат қилади.

Маъно эса сўзнинг маддули (далолати)дир.

Луғавий тадқиқотлар фақат сўзлар тадқиқотларидир.

Сўзлар уларга берилган далолатлар жиҳатидан уч қисмдир:

1. Мутобақа (мувофиқлик) далолати:

Бу сўзнинг ўз атамасига батамом далолат қилишидир. Масалан, инсон гапирувчи ҳайвон (махлук)га далолат қилгани учун шундай аталгани каби. Чунки сўз ўз маъносига мувофиқ келяпти.

2. Тазаммун далолати:

Бу сўзнинг атама қисмига далолат қилишидир. Масалан, инсонни ҳайвонга ёки фақат гапиришга далолат қилгани каби. Сўз уни ўз зимнига олгани ҳамда мавзу зимнида бўлгани учун ҳам тазаммун, деб аталди.

3. Илтизом далолати (мантиқий далолат):

Бу сўзнинг ўз остидаги мантиққа далолат қилишидир. Масалан, шер кўркмасликка далолат қилгани ва шунинг учун шер, деб аталгани каби. Чунки далолат қилаётган маъно унга берилган маънонинг остида яширинган. Илтизом деганда сўз эшитилган пайтда ақлан пайдо бўладиган мантиқий маъно назарда тутилган.

Юқоридаги далолатнинг икки қисми очиқ далолатдир. Чунки иккала қисмдаги далолатлар мантуққа алоқадор бўлиб, муҳимроқ ва кўпроқ истеъмол қилинувчи далолатлардир. Булар шундай далолатларки, уларни гапирувчи ҳам, ёзувчи ҳам, изланувчи ҳам пухта билмагунича жумланинг тузилишида, сўзлар таркибида гап тўғри чикмайди. Сўзнинг оқими ва таркиби жиҳатидан ўз маъносига далолат қилиши қомусларда берилган соф луғавий маънолардан ҳам кенгроқ қамровга эгадир. Масалан, жумлаларда истисно, шарт таъкидларни келиши, айрим ҳарфлар олдин, кейин келиши ёки ҳазф қилиниши каби.

Аммо учинчи қисмдаги далолат эса хусусан изланувчи ва мужтаҳид учун сувнинг ҳаёт учун зарур бўлгани каби зарур далолатдир. Бу далолатнинг зарурлиги уларнинг жумладаги оқими ва таркибий кўринишлари жиҳатидан эмас, балки оҳангги, ишоралари ҳамда иллат-боисларни ўз ичига мужассамлаганидир. Яъни хитоб оҳангги ва товуши жиҳатидан зарурдир. Хитобнинг оҳанг ва товуши эса мувофақат мафҳуми ёки муҳолафат мафҳуми яъни хитоб далили демакдир.

Иқтизо (буйруқ), танбиҳ ва ишора далолатлари каби далолатларнинг бошқа турлари ҳам борки, улар ҳам мазкур учинчи далолат яъни илтизом далолати жумласидан бўлиб, булар ҳақида кейинроқ баён қиламиз.

Мантуқ:

Мутобақа ва тазаммун далолатларини ўз ичига олувчи бу далолат сўздан айтилган пайтдаёқ тушуниладиган қатъий далолатдир. Масалан, Набий ﷺнинг

«فِي الْغَنَمِ السَّائِمَةِ زَكَاةٌ»

«**Яйловда ўтловчи қўйларига закот бор**»¹³⁰ деган ҳадисларидан мана шундай маъно тушунилади.

Аллоҳ Таолонинг ота-онага уф дейишнинг ҳаромлиги айтилган ушбу каломидан ҳам мана шундай мантуқ тушунилади:

فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أَفٌّ

– „**Уларга қараб «уф» тортманг**“. [17:23]

Мантуқ таърифида «қатъий» деган сўз келишидан мақсад мафҳум (тушунча)даги айрим далолатларни ажратиб олишдир. Яъни айни далолатлар орқали сўзлар мантуқидан фойдаланиб, улардан керакли маъно ёки тушунча чиқариб олинади. Мисол учун иқтизо далолати ҳам шундай. Чунки иқтизо далолати замирида ётган аҳкомлар сўзнинг айтилган пайтиданоқ тушунилади. Яъни сўз айтилган пайтда унга керакли маъно ва тушунча чиқарилиб олинади.

Мантуқ фақат сўз мантуқидан олинган ва ҳеч қандай ақлий маънога ўтилмаган тушунчадир. Шунинг учун ҳам унинг таърифида «қатъий» дейилди.

Мантуқ ҳам сўз мафҳумидан тушунилса-да, аммо у ўзининг мантуқ номига хос бўлиб, қолган нарсалар икки нарсанинг орасини ажратиб олишда ишлатилувчи умумий-муштарак маънони таърифлайди.

Мантуқ далолати очик ва махфий келиши жиҳатидан икки қисмдир.

Далолати очик мантуқ:

1. Мухкам сўз:

Мухкам энг очик ва энг тушунарли сўздир. Яъни мухкам сўзда Аллоҳ Таолонинг ушбу каломида айтилганидек, унга берилган маъно ҳеч қандай изоҳ ва насхсиз яққол кўриниб туради:

إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

– „**Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир**“. [8:75]

⁽¹³⁰⁾ Абу Довуд: 96\2. Байҳақий: 99\4).

2. Муфассар (изоҳли) сўз:

Муфассар унга берилган маъно изоҳлашга ҳожат йўқ маъно бўлган, аммо рисолат замонасида насх қилинган бўлиши эҳтимоли бўлган сўздир. Яъни унинг маъноси қатъий далил орқали кўриниб туради, ўзга маъно эҳтимоли туғилмайди ҳамда шаръий ҳукм тўғрисида бўлади:

وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَآفَّةً

– „Барча мушрикларга қарши жанг қилингиз“. [9:36]

فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً

– „Уларни саксон дарра уринг“. [24:4]

فَصِيَامٌ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ فِي الْحَجِّ وَسَبْعَةً إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشْرَةٌ كَامِلَةٌ

– „Уч кун ҳажда, етти кун қайтганидан кейин рўза тутсин!
Бу тўла ўн кундир“. [2:196]

3. Нас (нусус) сўз:

У берилган маъно очик кўриниб турган, хослаш ва изоҳлашнинг ҳам эҳтимоли бўлган ёки оқимининг ўзиданоқ асли қандай маъно мақсад қилингани билинган сўзлар тизимидир:

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلَ الرِّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „Бунга сабаб уларнинг: «Бай (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган“. [2:275]

Бу нусусда мумосала (маъноларни ўзаро солиштириш) ман қилинади.

4. Зоҳир сўз:

Унинг истилоҳий маъноси аслий ёки урфий жиҳатдан берилган маъно далолатидир. Ундан ўзга маънолар эса зоҳир эмас, эҳтимолийдир. Унинг яна бир таърифи: иборасининг ўзидан ақлда дарҳол пайдо бўладиган, бошқа қаринага муҳтож бўлинмайдиган аммо гап оқимидан асли мақсад қилинган маъно англашилмайдиган сўздир.

Биринчи таърифга мисол:

فَمَنْ اضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ

– „Энди кимки золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса гуноҳқор бўлмайди“. [2:173]

Бу оятдаги «бағ» сўзидан икки маъно тахмин қилинади: биринчиси кучсизроқ тахмин яъни жоҳил-билимсиз, деган маъно, иккинчиси кучлироқ тахмин яъни золим, деган маънодир. Чунки оят оқимидан шу маъно зоҳир бўлиб турибди.

Иккинчи таърифга мисол:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „...Ва Аллоҳ савдони ҳалол рибони ҳаром қилди“. [2:275]

Бу оятдан дарҳол ақлга келадиган зоҳирий маъно бай ҳалол, рибо ҳаром эканлигидир. Бу оят оқими мумосалани рад қилишининг эса бунга дахли йўқ.

Яна бир мисол:

فَانكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَثْنَى وَثُلَاثَ وَرُبَاعَ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا فَوَاحِدَةً

– „*Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинг. Бас, адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)*“.

[4:3]

Бу оятда ҳеч қандай қаринага тўхталмасдан фикрга дарҳол келадиган маъно никоҳи ҳалол бўлган аёлларга уйланиш мувоҳабидир. Аммо оятнинг асли маъносидан бу қасд қилинмаган. Асли қасд қилинган маъно аёлларга уйланишнинг тўрттагача чеклаш ёки битта билан кифояланишдир. Оятнинг зоҳирий маъносига ҳам амал қилиш мумкин. Чунки қарина топилгунича сўзнинг зоҳирий маъносидан асл маъносига ўтилмайди. Қачон қарина топилса, кейин ўша қаринадан чиқарилган маънога амал қилинади.

5. Муаввал (шарҳланувчи) сўз:

Муаввал фақат зоҳиридан маъно чиқиши муҳол бўлган. Шунинг учун оқимга қараб бошқа маънога ўтиш лозим бўлган сўздир. Бу мантуқнинг бир туридир. Чунки унинг зоҳирий маъноси муҳол ва заиф, оқимидан чиқариб олинмаган маъно эса кучли маъно бўлиб, айнан лафз ҳам ана шу маънога мувофиқ келяпти ва ана шунга асослангандир. Масалан, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи каби:

وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ

– „*Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир*“.

[57:4]

Бу оятдаги бирга бўлиш маъносидан Аллоҳнинг зотан яқинлиги маъносини чиқариш мумкин эмас. Аммо айти бирга бўлиш маъносини куч-қуват, бошқариш ва илм маъносида шарҳласак, бу тўғри маъно бўлади ҳамда ҳеч қандай ўзга маънога таяниш ва яшасиз оят сўзининг ўзидаги мантуқ бўйича юриб асл маънога олиб боради.

Далолати махфий сўз:

6. Махфий сўз:

Махфий сўз дейишдан мурод унда бир оз ноаниқлик мавжуд бўлган, зоҳиран маъноси кўриниб турган, аммо тасодифан хато маъно чиқиб қоладиган сўздир. Масалан:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا

– „*Ўғри аёл ва ўғри эркекни қўларини кесинг*“.

[5:38]

Бу оятда «السارق» сўзига зоҳирий маъно берилган. Бироқ, бу маъно уйғоқ кишини ҳам ғафлатда қолдириб, кўз ўнгида молини уриб кетадиган киссавурга ҳам тўғри келадими.

Ўғрилик бу оғир жиноят. Бас оятдаги «السارق» сўзи қабрни ковлаб, мурдалар кафанини ўғирлайдиган кимсага (наббошга) ҳам тўғри келадими. Ҳолбуки кафан ўғриси бировнинг мулки бўлмаган, аҳамиятсиз нарсани оляпти.

Ўғрилик маъносини киссавур ва кафан ўғрисига нисбатан мулоҳаза қилинган, киссавурга ўғри, деган маънони беришди. Қабрдан кафан ўғирлайдиган кимсага нисбатан эса бу масала ижтиҳодга муҳтож масала бўлиб, киссавур ва кафан ўғриси махфий маъно бўлиб чиқди.

7. Мушкул сўз:

Мушкул сўз сўзининг ўзидаёқ махфийлик-мушкуллик бўлган, ундан кўзланган мақсадга эса бирор далилга асосланган тафаккур орқалигина етиладиган сўздир. Масалан, ушбу оятдаги القروء сўзи каби:

وَالْمُطَلَقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

– „Талоқ қилинган аёллар ўзларини уч «куру» қутарлар“.

[2:228]

8. Мужмал (қисқа) сўз:

Намоз ва рўза каби сўзлар. Бу каби сўзлардан қасд қилинган Суннат (хукм) баён қилингандир.

9. Муташобих сўз:

Бу сўзнинг далолати махфийлик, тушуниш қийин бўлган қисмлар кўпдир.

Баъзилар далолатни икки қисмга: 1. Муҳкам ва 2. муташобихга бўладилар.

Муҳкам маъноси зоҳир бўлиб турган ҳамда ҳеч қандай эҳтимолий маънога ўрин қўймайдиган сўздир. Масалан,

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „...Ва Аллоҳ савдони ҳалол рибони ҳаром қилди“.

[2:275]

каби.

Муташобих эса эшитувчига маъноси ноаниқ бўлган сўздир:

وَالْمُطَلَقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

– „Талоқ қилинган аёллар уч қуруқ қутарлар“.

[2:228]

أَوْ يَعْفُوَ الَّذِي بِيَدِهِ عَقْدَةُ النِّكَاحِ

– „Ёки никоҳ қўлида бўлган зот кечади“.

[2:237]

وَالسَّمَاوَاتُ مَطْوِيَّاتٌ بِيَمِينِهِ

– „Осмонлар эса Унинг (қудрат) қўлига йиғилгандир“.

[39:67]

Мантукқа бошка мисоллар:

а) Мутобақа, Газаммун, сўзнинг ҳақиқий маъноси:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَبْطُلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى

– „*Эй мўминлар, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг*“. [2:264]

Бу оятдаги «*صدقات*» сўзидан умумий ҳамма садақа, яъни нима инфоқ-эҳсон қилинса Аллоҳга яқин қилиши кўзда тутилган. Мана шундан бу сўз мутобақа ва луғавий ҳақиқий маънодаги сўз, дейилади.

Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ

– „*Албатта, садақалар (яъни закотлар) фақирларга, мискинларга...*“. [9:60]

Бу оятдаги «*صدقات*» сўзидан фақат жузъий маъно яъни закот маъноси тушунилади. Мана шундан бу сўз тазаммун ва луғавий, ҳақиқий маънодаги сўз, дейилади.

2. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ الْمُكَدِّبِينَ الضَّالِّينَ

– „*Энди агар у ёлгон дегувчи адашганлардан бўлса...*“. [56:92]

Бу оятдаги «*الضالين*» сўзи шаръий ҳақиқий маъно, яъни барча кофирлар назарда тутилган мутобақа маънодир.

Аллоҳ Таоло айтади:

غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ

– „*Ғазабга дучор бўлмаган ва адашганлардан бўлмаган*“. [1:7]

Бу оятдаги «*الضالين*» сўзи эса шаръий ҳақиқий маъно бўлса-да, аммо фақат насронийлар назарда тутилган жузъий маънони англатади. Мана шундан бу тазаммун маъноси дир.

3. Аллоҳ Таоло айтади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعاً ثُمَّ اسْتَوَىٰ إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَّاهُنَّ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ

– „*У шундай Зотки, сиз учун ердаги барча нарсани яратди. Сўнгра самога юзланди-да, уларни етти осмон қилиб тиклади*“. [2:29]

Бу оятдаги «*السموات*» сўзи луғавий ҳақиқий маъно ҳамда мутобақадир.

Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَنَّا لَمَسْنَا السَّمَاءَ فَوَجَدْنَاهَا مَلْتَأَةً حَرَسًا شَدِيداً وَشُهَاباً

– „*Ва албатта, биз осмонга (етишни) талаб қилдик, бас, уни қучли қўриқчиларга ва учқунларга тўлган ҳолда кўрдик*“. [72:8]

Бу оятдаги «السماء» сўзи осмон деган ҳақиқий луғавий маъно бўлиб, тазаммун, демакдир.

б) Мутобақа ва тазаммунда сўз ҳақиқий маънода бўлади аммо қуйидагича мажоз ҳам келади:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

ثُمَّ صُبُّوا فَوْقَ رَأْسِهِ مِنْ عَذَابِ الْحَمِيمِ

– „*Сўнгра боши устидан қайноқ сув азобини қуйинг*“. [44:48]

Бу оятдаги «الرأس» сўзи бош, деган ҳақиқий луғавий маъно бўлиб, мутобақа, демакдир.

Аллоҳ Таоло айтади:

قَالَ رَبِّ إِنِّي وَهَنَ الْعَظْمُ مِنِّي وَاشْتَعَلَ الرَّأْسُ شَيْبًا

– „*Роббим, дарҳақиқат менинг суякларим мўртлашди, кексаликдан бошим (сочим) оқарди*“. [19:4]

Бу оятдаги «الرأس» сўзи эса жузъий яъни соч маъносида бўлиб, тазаммун демакдир.

2. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّا أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ

– „*Биз Нухни ўз қавмига пайгамбар қилиб юбордик*“. [71:1]

Бу оятдаги «القوم» сўзи умумий луғавий ҳақиқий маъно. Яъни ҳар бир набий ўзининг барча қавмига, жумладан, масалан, Мусо ҳам ўзининг барча қавмига набий қилиб жўнатилди, демакдир.

Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ

– „*Эсланг! Мусо ўз қавмига деди*“. [2:67]

Бу оятдаги сўзи эса кўчма маънода яъни қавмининг бир қисми бўлиб, тазаммун, демакдир.

3. Аллоҳ Таоло айтади:

الْيَوْمَ نَخْتِمُ عَلَىٰ أَفْوَاهِهِمْ

– „*Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз*“. [36:65]

«الأفواه» сўзи мутобиқ ҳақиқий маънодаги умумий сўзdir.

Аллоҳ Таоло айтади:

يَقُولُونَ بِأَفْوَاهِهِمْ مَّا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ

– „*Улар кўнгилларида бўлмаган нарсаларни оғизларида гапирмоқдалар*“. [3:167]

«الأفواه» сўзи бу оятда тил, деган кўчма маънода келган. Яъни тилларида гапирмоқдалар, деган жузъий маънода бўлиб, тазаммунни англатади.

в) Мутобақа ва тазаммуннинг муфрад сўзнинг куллий далолати жиҳатлари:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

قَدْ مَكَرَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَأَتَى اللَّهُ بُنْيَانَهُمْ مِنَ الْقَوَاعِدِ

– „Улардан аввалги кимсалар ҳам макр-ҳийлалар қилган эдилар. Шунда Аллоҳ улар биноларини таг-туғи билан емириб ташлади“.

[16:26]

Оятдаги «البنیان» сўзи умумий маънони яъни ҳар қандай бинони англатади ва бу мутобақа бўлади.

Аллоҳ Таоло айтади:

الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً

– „У зот сизлар учун ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди“.

[2:22]

Бу оятд эса «البناء» сўзи жузъий маънода яъни том маъносида бўлиб, тазаммунни англатади.

Мулоҳаза: Мен муфрад сўз тўғрисида куллий далолат жиҳатидан фақат битта банд келтирдим. Аммо куллий далолат айни ҳолатда худди «а») банди каби ҳақиқий маъно бўлса-да, бироқ муфраднинг куллий қисмларидан бири мушаккак (ноаниқ маъно)дир. Яъни бу мушаккакнинг маънолари зиёдалашиб, озайиб туради. Масалан, уйнинг ҳамма қисми ёки бир қисми сифатида тўла бўлиб, озайиб тургани каби. Шунга кўра, бу мушаккакни алоҳида бандда келтирдим ва унга изоҳ сифатида мисол келтирдим.

Шуни ҳам айтиш лозимки, жумла окимида ушбу мушаккак маънони ҳақиқий маъно турларидан ажратиб олишнинг алоҳида ўз ўрни бор. Масалан, «البيت يحمى ساكنه من حرّ الصيف وبرد الشتاء» десангиз, барча турдаги уйга мувофиқ келувчи маънога далолат қиладиган бир бутун бирлик сифатидаги уй тўғрисида гапирдингиз. Аммо «بلغت تكاليف هذا البيت منذ البدء بتفيدة حتى إكمال جدرانها مبلغ كذا» десангиз, уй сўзи куллий мушаккак сўз бўлиб, маъносининг ҳар бир бўлаги озайиб, зиёдалашиб туради.

Мафҳум:

Мафҳум бу сўзнинг маъноси иборанинг ўзидан тушунилмайдиган, унинг далолатига фақат ақлий маъно орқалигина етиб бориладиган, яъни далолати сийға ва тузилишида очик кўрсатилмаган сўздир.

Мафҳумнинг маъноси сўзловчининг мақсади бўлиши мумкин, сўзловчининг мақсади бўлмаслиги мумкин. Агар сўзловчининг мақсади бўлса, ушбу мақсад сўзловчининг тўғри айтганига ёки

сўзланган нарса тўғрилигига боғлиқ бўлади ёки боғлиқ бўлмайди. Агар мақсад сўзловчи ё сўзланаётган нарсага боғлиқ бўлса, сўз далолати иктизо (буйруқ) далолати, дейилади. Агар мақсад сўзловчининг содиқлиги ё сўзланаётган нарсанинг дуруст бўлишига боғлиқ бўлмаса, у ҳолда, мақсад сўзга берилган маънонинг остида бўлади ёки жумла таркиби остида бўлади. Сўзга берилган маъно далолатини танбиҳ (эъяънини қаратиш) далолати, дейилади. Жумла таркибидаги далолат эса мафҳум далолати, дейилади. Аммо мафҳумнинг маъноси сўзловчининг мақсади бўлмаса, у ҳолда, сўз далолати ишора далолати, дейилади.

1. Иктизо (тақозо қилиш) далолати:

Бунда далолат-маъно сўзнинг замиридан чиқарилувчи яъни жумлада айтилмаган, балки сўзлар маънолари остида яширинган далолатдир. Бундан ё сўзловчининг тўғрилиги ё сўзланган нарсанинг дуруст бўлиши кўзланади. Аввалгисига мисол:

«رُفِعَ عَنِّ أُمَّتِي الْخَطَأَ وَ النَّسِيَانَ وَمَا اسْتَكْرَهُوا عَلَيَّ»

«Умматимдан уч нарса хато, унутиш ва мажбурланиш (сабабли қилинган гуноҳ) олиб ташланди».¹³¹

Бас, буларнинг барини кўтаришнинг мутлақо иложи йўқ. Шунинг учун кўтарилади, деган маъно замирига «жазо даф қилинади», деган маънони бериш лозим бўлади.

Кейингисига мисол:

«لَا صِيَامَ لِمَنْ لَمْ يَجْمَعْ الصِّيَامَ مِنَ اللَّيْلِ»

«Рўзасини кечанинг бир қисмига уламаган (яъни азм қилолмаган) кишининг рўзаси рўза эмас».¹³²

Бу ҳадис замирига «рўза дуруст бўлмайди», деган маъно берилади.

Бундан мақсад хабарнинг тўғрилигини билишдир.

Энди жумлада айтилган нарсанинг дуруст бўлишига келсак, бу ё ақлан, луғатда, ёки шаръан бўлиши мумкин.

Ақлан бўлишига мисол:

وَاسْأَلِ الْقَرْيَةَ الَّتِي كُنَّا فِيهَا

– „Биз бўлиб қайтган шаҳардан сўраб-суриштиргин“.¹³² [12:82]

Бу ерда «шаҳар» замирига ақлан «шаҳар аҳолиси», деган маъно кўйиш лозим.

⁽¹³¹⁾ Ҳадис ровийлари ишончли, аммо узилиш бор бўлиб, уни Табароний, Дориқутни ва Ҳокимлар ривоят қилганлар, Ибн Можа эса 202\16да саҳиҳ деган).

⁽¹³²⁾ Термизий: 662. Насоий: 2291. Ибн Можа: 1690. Абу Довуд: 2098. Термизийнинг айтишича, бу ҳадисни Ибн Можага мавқуфдир, дейиш тўғрироқдир.

وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ

– „Аллоҳ йўлида жанг қилингиз“ [2:190]

Бу ерда ҳам «жанг қилинг», деган буйруқ замирига жангда керак бўладиган куролларни ҳам тўплашга бўлган буйруқ маъносини қўйиш лозим бўлади. Чунки ақл шуни (иқтизо) тақозо қиляпти. Жумлада айтилаётган «وَقَاتِلُوا» деган сўзнинг дуруст бўлиши мана шудир.

Шаръан бўлишига мисол:

Бир киши бировга «اعتق عبدك عنى على ألف» «Менинг ўримга сиз кул озод қилинг», деса, унинг шаъий кул озод қилиши тўхтаб қолгани зарурати туфайли мулкни бошқасига ўтказишни илтимос қилаётган бўлади. Бу эса сўзланган нарсанинг шаръан дуруст бўлиши бобига киради,

2. Танбих (эхяънини қаратиш) ва имо далолати:

Бу қиёс ва иллат ҳақидаги дарсимизда айтиб, ўз мавзусида шарҳлаб ўтганимиздек, ҳукмни муносиб сифатга изофа қилиш ёки ишора ҳарфларини истеъмол қилиш орқали иллатни тушунишдир.

Танбих ва ишора далолатини шарҳлаш учун мисоллар:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ

– „*(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни кўрқувга солурсизлар*“.

[8:60]

Бу оятда душманни кўрқитиш куч тайёрлашнинг илллати эканлигидан огоҳлатириш бор. Кўрқувга солиш тушунарли сифат бўлиб, далолат иллатидир.

Бу иллат Исломиё давлат ўз душманини кўрқувга солиш учун курул-аслаҳа ва ҳарбий саноатда аввалги асрдан ҳам кучли даражага етиши лозим эканлигига ишора қилмоқда.

Шунингдек, у ўзининг қувват манбалари тўғрисида душманнинг хабар топишига имкон бермаслиги, натижада душман Илом давлати етиб борган даражадан ваҳимага тушишига ҳаракат қилишига ҳам ишора мавжуд.

2. Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ

– „*(Эй Муҳаммад), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг*“.

[9:6]

Бу оятда ушбуга танбиҳ бор: Кофирга Аллоҳнинг каломини эшиттириш уни ҳимоя қилишнинг иллатидир. Токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Бу эса далолат иллатидир. Яъни «حتى» ҳарфини ишлатиш билан «من أجل» маъносида иллатланмоқда.

Бу оятда ушбуларга имо мавжуд: то Исломни етказа олиш учун уни онгли равишда тушуниш вожиб.

Исломий давлат ўзининг мактаб ва олийгоҳларида мусулмонларга етарли даражада билим бериши, араб тилида сўзлашмайдиган халқларга мусулмонлар Исломни етказишга муваффақ бўлиш учун муайян жойларда чет тиллардан таълим олишларини таъминлаши лозим бўлади.

3. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«فِي الْغَنَمِ السَّائِمَةِ زَكَاةٌ»

«Яйловда ўтловчи қўйларга закот бор».¹³³

Бу ҳадисда ушбуларга танбиҳ (эъяънини қаратиш) далолати мавжуд: Яйловда ўтлаш тушунарли сифат бўлиб, қўйлардан закот бериш вожиблигига иллат бўляпти. Бу иллат эса далолат иллатидир.

Яна бу ҳадисда қуйидагиларга имо бор: Исломий давлат одамларни яйловлар билан етарли даражада таъминлаши лозим. Мақсад, одамларнинг ўз чорваларини емламай боқишдаги молиявий қийинчиликларини енгиллаштириш, бинобарин, бу билан уларни закотни адо этиб, байтулмолдаги закот киримларини кўпайтиришларига тарғиб қилишдир. Чунки яйловда боқилган чорвадан закот берилади, емлаб боқилган ҳайвондан закот берилмайди. Шунинг учун яйловларни етарли даражада кўпайтириб бериш ҳайвонларни яйловда боқишга, ва уларни закот беришга тарғиб бўлади.

4. Маймунанинг ҳаром ўлган қўйи тўғрисидаги ушбу ҳадис: Росулulloҳ ﷺ «терисини олсангиз, (яхши бўларди)», дедилар. У ҳаром ўлганку, дейишди. Шунда Росулulloҳ ﷺ «Ҳар қандай тери ошланса, пок бўлади. Чунки унинг ошланиши закотидир», дедилар.¹³⁴

Бу ҳадисда гўшти ейиладиган ҳайвон терисини ошлаш ундан фойдаланишга иллат эканлигига танбиҳ бор. Шунингдек, гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг териларига эъяънисизлик қилмаслик лозимлигига, чунки гарчи ҳаром ўлиб қолса ҳам териларини ошлаш

⁽¹³³⁾ Абу Довуд: 96\2. Байхақий: 99\4).

⁽¹³⁴⁾ Аҳмад муснади: 219\1. Доркутний: 48\1. Таёлисий: 2761).

мумкинлигига, шу билан бирга, тери ошлаш корхоналарини барпо қилиш лозимлигига ҳам имо бордир.

3. Ишора далолати:

Ишора далолати сўз ишорасидан олинади. Ишора деганимизда сўздан кўзланган мақсадни ажратмаган ҳолда шу сўзга эргашган нарсани назарда тутмоқдамиз. Мисол учун, Росулulloҳ ﷺ

«النِّسَاءُ نَاقِصَاتُ عَقْلِ وَدِينٍ»

«Аёллар ақлда ва динда ноқисдирлар», дедилар. Шунда «динларидаги нуқсонлари нима? деб сўрашди. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«تَقْعُدُ إِحْدَاهُنَّ فِي قَعْرِ بَيْتِهَا شَطْرَ دَهْرِهَا لَا تُصَلِّي وَلَا تُصُومُ»

«Улардан бирлари ўз вақтларининг ярмини намоз ўқимай, рўза тутмай уйлари қаҳрида ўтказадилар».¹³⁵

Бу ҳадисда диний нуқсон баён қилинди. Аммо унда аёлларнинг ҳайз вақти кўпроқ ва поклик вақти озроқ эканлиги ҳақида айтилмаган, балки шунга ишора қилинган. Яъни даҳрнинг ярми бир ойнинг ўн беш кун, бўлиб, уларнинг покликлари мана шу ўн беш кундан зиёд бўлмайди. Ўн беш кундан зиёд бўлиш тасаввур қилинадиган бўлса, у ҳолда, Набий ﷺ аёлларнинг динлари ноқислиги тўғрисида муболағани қасд қилган пайтларида яна зиёдаликка дуч келган бўлардилар.

Аллоҳ Таолонинг ушбу каломидан ҳам ҳомиланинг энг кам муддатини олти ой қилиб белгиланган:

وَحَمَلُهُ وَفِصَالُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا

– „Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир“.
[46:15]

وَفِصَالُهُ فِي عَامَيْنِ

– „Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилдур“.
[31:14]

Шунингдек, жунуб бўлган киши рўза тутган ҳолда тонг оттириши жоизлиги:

أَجَلَ لَكُمْ لَيْلَةَ الصِّيَامِ الرَّفَثُ إِلَى نِسَائِكُمْ هُنَّ لِبَاسٌ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِبَاسٌ لَهُنَّ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَخْتَانُونَ أَنْفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنْكُمْ فَالآنَ بَاشِرُوا هُنَّ وَأَنْتُمْ مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَسْبَغَ لَكُمْ الْخَبِيطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَبِيطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ

– „Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз. Аллоҳ сизлар ўзларингизга хиёнат қилаётганларингизни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар

(135) Бухорий: 298, 1393. Муслим: 79.

учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинг“. [2:187]

Яна Аллоҳ Таоло айтади:

وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنَ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنْمِ الرِّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

– „*Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. Эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир“.* [2:233]

Бу оятда далолат ишораси бор, у ҳам бўлса, насаб отага боғланишидир.

Ишора далолатига бошқа мисоллар:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ مِّنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِّنْ نِّسَاءٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ

– „*Эй мўминлар, бир қавм бир қавмдан масхара қилиб кулмасин — эҳтимолки, улар улардан яхшироқ бўлсалар. Яна аёллар ҳам аёлларга (масхара қилиб кулмасинлар) эҳтимолки, улардан яхшироқ бўлсалар“.* [49:11]

Бу оятдан эркаклар жамоаси аёллар жамоасидан алоҳида эканлигига ишора далолати мавжуд.

4. Мафҳум (тушунча):

Мафҳум сўздан тушунилган аммо сўзнинг иборасидан ташқаридан тушунилган, маъноси сўзловчининг мақсади бўлган, сўзловчининг ёки айтилаётган сўзнинг тўғрилигига боғлиқ бўлмаган ҳамда айтилган сўзнинг остида яширинмаган тушунчадир. Мафҳум икки қисм: мувофақат мафҳуми ва мухолафат мафҳумидир.

а) Мувофақат мафҳуми:

Сўзнинг нутқ орқали айтилмаган маъноси нутқ орқали айтилган маъносига мувофиқ келса мувофақат мафҳуми, дейилади. Шунингдек, хитоб мазмуни ва хитоб оҳанги, хитоб маъноси, деб ҳам аталади. Масалан:

وَلَتَعْرِفَهُمْ فِي لَحْنِ الْقَوْلِ

– „*Албатта сиз уларни сўз оҳанг — услубидан таниб олурсиз“.* [47:30]

Яъни маъносидан билиб оласиз, демакдир. Баъзан «*لحن*» деганда луғат назарда тугилади. Масалан, «*لحن فلان بلحنه*» фалончи ўз тилида гапирди», дегандаги каби. Баъзан тушуниш маъносини ҳам англадади.

Бунга шуни мисол қилиш мумкинки, «فلا تقل لهما أف» деган сўз далолатидан ота онани сўкиш ҳаромлиги ҳукмини ҳам чиқариш мумкин. Чунки бу нутқда айтилмаган маъно нутқ орқали айтилган маънога мувофиқ келади.

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَى ظُلْمًا

– „*Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар*“ [4:10]

деган каломида етимлар молига талофат етказиш ҳам ҳаромлиги тушунилади.

فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ * وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ

– „*Бас, ким зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (Қиёмат кунида) ўшани кўрур. Бас, ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, ўшани кўрур*“ [99:7-8]

Бу оятда зарра мисқолдан кўп ёмонлик ва яхшилик ҳам тушунилади.

وَمِنَ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِقِنطَارٍ يُودِّهِ إِلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بدينارٍ لا يُؤدِّهِ إِلَيْكَ

– „*Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, хиёнат қилмай сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз қайтиб бермайди*“ [3:75]

Бу оятдан кўрсатилган миқдордаги молдан зиёда мол ҳам, ўша молдан бошқача мол ҳам тушуниш мумкин.

Демак, мувофақат мафҳуми сўзнинг нутқ орқали айтилмаган маъноси нутқ орқали айтилган маъносига мувофиқ келишидир. Баъзан паст нарса юқори нарсага ёки юқори нарса паст нарсага ёхуд бундан бошқа нарсаларга ҳам танбих ишораси қилинади. Паст нарсанинг юқори нарсага танбих қилиш кўпроқ учрайди. Аммо мувофақат мафҳуми бундан бошқаларда ҳам келади. Масалан:

Топилган хазина тўғрисидаги «топилманинг идиши ва қопи оғзини маҳкам ёпинг»¹³⁶ деган ҳадисдан топиб олинган динорларни оғзини ёпиш ҳам тушунилади.

Ўлжалар тўғрисидаги

«أَدُّوا الْخَيْطَ وَالْمَخِيْطَ»

«*Ипдан игнасигача адо қилинг*»¹³⁷ деган ҳадисдан эгарлар, пуллар ва бошқа нарсалар ҳам тушунилади.

⁽¹³⁶⁾ Бухорий: 2243, 91. Муслим: 1722.

⁽¹³⁷⁾ Мўъжами кабир: 303\20. Мўъжами авсат: 2444.

Биров фалончининг бир ошам овқатини, бир хўплам сувини ичмайман, дея қасам ичса, унга ўша бир ошам ва бир хўпламдан зиёда қилишдан ҳам тийилиш вожиб бўлади.

Мувофақат тушунчасини ишлатишда мантуқни ишлатишда тополмаган муболағани топишингиз мумкин:

Масалан, муболаға қилган ҳолда «бу от ана у отнинг чангига ҳам етолмайди», дейилса, пойгада бу от ана у отдан ортда қолади, дейилгани тушунилади.

Шунингдек, муболаға қилиб, «фалончи ошхонасининг хидини ҳидлашни ҳам ёқтирмаяпти», дейилса, фалончи овқат ҳам емаяпти, сув ҳам ичмаяпти, деган маъно тушунилади.

Дарҳақиқат, уламолар зоҳирий тушунча ўрнига ушбу мувофақат мафҳуми ҳужжат қилишга яроқли эканига иттифоқ қилдилар.

Яна бошқа мисоллар:

1. Паст нарсдан юқори нарсага (авлороқ, деган маънода) бўлган танбиҳ қилиш:

1. Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَتَعَلَّمَ مَا نُوسِسُ بِهِ نَفْسَهُ

– „*Аниқки, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси васваса қиладиган нарсаларни ҳам билурмиз*“.

[50:16]

Бу оятдан Аллоҳ васваса қиладиган нарсалардан ҳам юқори нарсаларни билиши тушунилади.

2. Аллоҳ Таоло айтади:

أَمْ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّنَ الْمُلْكِ فَإِذَا لَا يُؤْتُونَ النَّاسَ نَقِيرًا

– „*Ёки уларнинг мол-мулклари борми? Шундай бўлган тақдирда ҳам одамларга зигирчалик мурувват қилмаган бўлур эдилар*“.

[4:53]

Бу оятдан ундай кимсалар зиғирдан юқори бўлган нарсани ҳам бермаган бўлишлари тушунилади.

3. Аллоҳ Таоло айтади:

وَاحْذَرْهُمْ أَن يُقْتُولَكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

– „*Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг*“.

[5:49]

Бу оятда Аллоҳ нозил қилган ҳамма нарсдан фитнага солишдан эҳтиёт бўлиш тушунилади.

4. Аллоҳ Таоло айтади:

وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِن قِطْمِيرٍ

– „*Сизлар У Зотни қўйиб илтижо қиладиган бутларингиз эса нўстлоқча нарсага ҳам эга эмасдилар*“.

[35:13]

Бу оятдан мушрикларнинг пастрокдан ҳам юқори нарсага эга бўлмасликлари тушунилади.

2. Юқори нарсадан паст нарсага (яхшироқдир, деган маънода) бўлган танбиҳ (эъяънини қаратиш):

1. Аллоҳ Таоло айтади:

فَلَمَّا أَضَاعَتْ مَا حَوْلَهُ

– „**Энди олов атрофини ёритганида**“. [2:17]

Бу оятда ўша жойнинг ўзини ёритиш ўша жой атрофини ёритгандан яхшироқдир, деган маънода, эъяънини узокликдан яқинга қаратиш яъни юқори нарсадан паст нарсага танбиҳ қилиш мафҳуми мавжуд.

2. Аллоҳ Таоло айтади:

إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى الَّذِي بَارَكْنَا حَوْلَهُ

– „**Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал-Ақсога**“. [17:1]

Бу оятда Аллоҳ модомики, масжид атрофини баракотли қилган экан, унинг ўзини ҳам баракотли қилди, деган мафҳум авлороқ деган маънода эъяънини узокликдан яқинга қаратиш яъни юқори нарсадан паст нарсага танбиҳ қилиш мафҳуми мавжуд.

3. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«كُونُوا كَأَصْحَابِ عِيسَى نُثِرُوا بِالْمَنَاشِيرِ وَحُمِلُوا عَلَى الْخَشَبِ»

«**Исонинг асхобларидек бўлинг. Улар темир тароқлар билан таралдилар ва хочларга михландилар**».¹³⁸ Бу ҳадисда ҳам катта нарасага сабр қилишдан кичик нарасага сабр қилиш авлороқ, деган маънода, яъни қамалиш маъноси тушуниш мумкин.

3. Бир мавзунинг айнан ўшандай мавзуга алоқаси бор бўлган нарасага эъяънини қаратиш:

1. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«تَبَسُّمُكَ فِي وَجْهِ أَخِيكَ صَدَقَةٌ»

«**Биродарингиз юзига табассум билан боқилишингиз ҳам бир садақадир**».¹³⁹

Бу ҳадисда табассум билан бирга яхши муомала ва гўзал ахлоқли бўлишга танбиҳ мавжуд.

2. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«أَدُّوا الْخَيْطَ وَالْمَخِيْطَ»

«**Индан игнасиғача адо қилинг**».¹⁴⁰

⁽¹³⁸⁾ Мўъжами кабир: 117\10. Мўъжами сағир: 372\1. Шомликлар муснади: 379\1, рақами: 658.

⁽¹³⁹⁾ Тирмизий: «Бирру ва сила»: 1879.

Бу ҳадисда ҳам ўлжаларни тарқатиш салоҳиятига эга бўлган халифа ёки қўмондонга ўлжанинг кичигини ҳам каттасини ҳам қолдирмай тарқатиш вожиблигига ҳамда қанча бўлмасин хиёнат қилиш ҳаромлигига танбиҳ бор.

Мухолафат мафҳуми:

Сўзнинг нутқ орқали айтилмаган маъноси нутқ орқали айтилган маъносига мухалиф келиши мухолафат мафҳуми, дейилади. Баъзан хитоб далили ҳам дейилади.

Мухолафат мафҳумига амал қилиш тўғрисида ҳар хил фикр мавжуд. Аммо бу фикрларнинг тўғриси шуки, унга тўрт ҳолатда амал қилинади. Чунки унга амал қилишга далил мавжуд. Тўрт ҳолатдан бошқа ҳолатда унга амал қилинмайди.

Бу тўрт ҳолат қуйидагича:

1. Тушунарли сифат:

Иллатни ифодаловчи ҳукм учун муносиб тушунарли сифат. Чунки иллат бор ва йўқликда иллатланаётган нарсага боғлиқдир.

Демак, иллатга муносиб ва тушунарли сифатни истеъмол қилиш мухолафат мафҳумига амал қилиш мумкинлигини кўрсатади. Чунки ҳукм қуйидагича:

Мисол учун, ҳадисда

«فِي الْغَنَمِ السَّائِمَةِ زَكَاةٌ»

«Яйловда ўтловчи қўйларга закот бор»¹⁴¹ дейилди. Бунда муносиб сифат «яйловда ўтловчи» бўлса, ҳукм «закот»дир. Бундан айни сифат топилмаса ҳукм ҳам топилмаслиги яъни емланувчи қўйларга закот берилмаслик мафҳуми тушунилади.

Яна мисол учун, Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا أَن تُصِيبُوا قَوْمًا بِجَهَالَةٍ فَتُصْحَبُوا عَلٰى مَا فَعَلْتُمْ نَادِمِينَ

– „Эй муминлар, агар сизларга фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирон қавмга мушибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ келтирган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар“.

[49:6]

Бу оятда тушунарли сифат «фосиқ», ҳукм «аниқлаб-текшириш»дир. Энди айни оятдан чиқариладиган мухалиф мафҳум шуки, биз фосиқдан ўзга шахс хабар келтирса, уни аниқлаб-текшириш бизга вожиб бўлмайди. Бас, бирор одил киши бизга

⁽¹⁴⁰⁾ Мўъжами кабир: 303\20. Мўъжами авсат: 2444).

⁽¹⁴¹⁾ Абу Довуд: 96\2. Байхақий: 99\4.

хабар келтирса, уни қабул қилиб, у ҳақда яхши гумон қиламиз. Мана шу жойда уламолар битта одил шахснинг хабарига амал қилиш вожиблиги ҳукмини истинбот қилганлар.

Яна бир мисол, Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«الثَّيْبُ أَحَقُّ بِنَفْسِهَا مِنْ وَلِيِّهَا»

«Тул хотин валийсидан кўра ўзига ҳақлироқдир». ¹⁴²

Бу ҳадисда «тул хотин» «ҳақлироқ бўлиш» ҳукмига тушунарли сифат бўлиб, бу сифат йўқолса, ҳукм ҳам йўқолади.

Яна бир мисол, Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«لِيَّ الْوَأَجِدَ يَحِلُّ عَرَضُهُ وَعَقُوبَتُهُ»

«Бой одам (қарзини) чўзса, уни арз қилиш ва ҳибсга олиш ҳалол бўлади». ¹⁴³

Яъни бой одам қарзини тўламасдан юраверса, у билан арзлашилиш ва ҳибсга олиниш ҳалол ҳисобланади.

Бу ҳадисда бой бўлиш арзлашилиш ва ҳибсга олиниш ҳалол ҳисобланган ҳукмга тушунарли сифат. Агар бойлик йўқ бўлиб қолса, унга айна ҳукм татбиқ этилмайди. Суфён бу Ҳадисдаги «عَرَضُهُ» сўзини шикоят қилиш, «عَقُوبَتُهُ» сўзини ҳибсга олиш, деб тафсир қилган.

Аллоҳ Таоло айтади:

أَجَلْتُ لَكُمْ بِهَيْمَةِ الْأَنْعَامِ

– „Сизлар учун чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди“. [5:1]

Бу оятда чорвадан бошқа ҳайвонлар ҳалол эмаслиги муҳолиф тушунчаси мавжуд.

2. Адад (сон):

Адад мафҳумига мисол:

اسْتَعْفِرَ لَهُمْ أَوْ لَا تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ إِنْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ سَبْعِينَ مَرَّةً فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ

– „*Хоҳ улар учун мағфират сўранг, хоҳ мағфират сўраманг — агар етмиш мартада улар учун мағфират сўрасангиз ҳам, Аллоҳ уларни асло мағфират қилмас*“. [9:80]

Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«قَدْ خَيْرَ نِي رَبِّي فَوَاللَّهِ لَأَزِيدَنَّ عَلَيَّ السَّعِينِ»

«Аллоҳ Таоло менга ихтиёр берди, Аллоҳга қасамки албатта (истиғфорни) етмиштадан ошираман», дедилар. ¹⁴⁴

⁽¹⁴²⁾ Муслим: 2546. Абу Довуд: 1795. Насоий: 3212. Ибн Можа: 359\9. Байҳақий: 118\7. Доркутний: 239\3.

⁽¹⁴³⁾ Бухорий: Шу ном остидаги боб. Абу Довуд: 113\3. Аҳмад: 389\4. Байҳақий: 51. 6.

⁽¹⁴⁴⁾ Бухорий: 1277, 4302. Термизий: 3022. Насоий: 1940. Аҳмад: 91.

Бу ҳадисдан етмиштадан ортиши бунинг муҳолифи эканлиги тушунилади ва адад мафҳумига амал қилинади.

وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً

– „Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даҳволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларга саксон дарра уринг“.

[24:4]

Демак, бундай кимсаларга қўлланадиган ҳад-жазо фақат саксон дарра.

الرَّانِيَةَ وَالرَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِئَةَ جَلْدَةٍ

– „Зинокор аёл ва зинокор эркакнинг ҳар бирига юз даррадан уринг“.

[24:2]

Бундан бундай кишиларга юз даррадан ортиқ дарра урилмаслиги тушунилади.

3. Шарт:

(Бунда **إِنْ** ҳарфи билан шарт қилинган муҳолиф мафҳум тушунилади:)

فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ إِنْ خِفْتُمْ أَنْ يَفْتِنَكُمُ الَّذِينَ

– „Агар кофирлар фитнасидан қўрқсангиз, намозингизни қаср қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир“.

[4:101]

Ривоят қилинишича, Яъло ибн Умайя Умардан «бизга не бўлдики, имон келтирган бўлсак ҳам қаср ўқиймиз», деди. Умар деди: «Мен бирор нарсадан ажаблансам, уни Росулulloҳ ﷺ дан сўрар эдим. Шунда Росулulloҳ бундай дедилар:

«صَدَقَ تَصَدَّقَ اللَّهُ بِهَا عَلَيْكُمْ فَأَقْبَلُوا صَدَقَتَهُ»

«Аллоҳ сизларга бир садақа килди, бас, Унинг садақасини қабул қилинг».¹⁴⁵

Бу ерда Умар муҳолафат мафҳумига амал қилишни тушунди ва Росулulloҳ ﷺ унинг бу тушунишига иқроор бўлдилар, ҳатто унга бу бизга Аллоҳнинг бир садақаси, уни қабул қилайлик, дея таълим бердилар.

Яна бир мисол:

وَإِنْ كُنَّ أَوْلَاتٍ حَمَلٍ فَأَنْفِقُوا عَلَيْهِنَّ

– „Агар улар ҳомиладор бўлсалар, нафақа бериб туринг“.

[65:6]

Демак, ҳомиладор бўлмаган аёлларга нафақа бериб турилмайди.

إِنْ أَمْرُو هَٰلِكَ لَيْسَ لَهُ وِلْدٌ وَ لَهُ أُخْتٌ فَلَهَا نِصْفُ مَا تَرَكَ

– „Агар фарзандсиз бўлган ёлғиз бир эркак ўлса, унинг синглиси бўлса, (акаси) қўйиб кетган мероснинг ярмини олур“.[4:176]

⁽¹⁴⁵⁾ Муслим: 1108. Насоий: 1416. Абу Довуд: 1024.

Бу оятдан сингил фарзандсиз эркакдан мерос олиши, ўғил бўлса ололмаслиги тушунилади. Шунингдек, эркакни қизи бўлса ҳам ололмаслиги тушунилади, чунки қиз ҳам фарзанд демакдир.

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا

– „Агар жунуб бўлсаларингиз, гусл қилингиз“. [5:6]

Демак, жунуб бўлмаса, гусл қилиш вожиб бўлмайди.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

« إِذَا آتَاكُمْ مِنْ تَرْصُونَ دِينَهُ وَخُلِقَهُ فَتَزَوَّجُوهُ... »

«Агар сиз динига ва хулқига рози бўлган йигитни топсангиз, уйлаб қўйинг...».¹⁴⁶

Демак, динига ва хулқига рози бўлинмаган кишини уйлаб қўйилмайди.

4. Ғоя:

«إِلَى» билан «حَتَّى» ҳарфлари ғоя-мақсаднинг тугаганини ифодалайди.

«حَتَّى» ҳарфи фақат ўзидан кейинги ёки ундан кейинги нарсани жар қилади.

«إِلَى» ҳарфи фақат ўзидан кейинги ёки ундан кейинги нарсани ва бошқаларни жар қилади.

Бу ҳарфлар келганда ундан кейинги нарсанинг ҳукмга кириши ёки аввалги нарсанинг ҳукмга кириши тўғрисида ихтилофли фикр бор. Тўғриси фақат қарина орқалигина ўзидан аввалги нарса ҳукмга киришидир. Шунинг учун ҳам бу ҳарфларда мухолиф мафҳум тушунилади.

Мисол учун:

ثُمَّ أَتَمُّوا الصِّيَامَ إِلَى اللَّيْلِ

– „Сўнгра тунгача рўзани бенуқсон қилиб тутинг“. [2:187]

إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ

– „Намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни тирсақларгача ювингиз“. [5:6]

وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَبَيِّنَ لَكُمْ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ

– „Ва тонг пайтида то оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинг“. [2:187]

وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّى يَطْهَرْنَ

– „Ва то поклангунларича уларга яқинлашмангиз“. [2:222]

Биринчи оятда тун рўза ҳукмига кирмайди иккинчи оятда тирсақлар таҳорат ҳукмига кирмайди. Чунки «إِلَى» ҳарфи ўзидан

⁽¹⁴⁶⁾ Термизий: 1084. Ибн Ҳиббон: 1967. «Мустадрак»: 179\2.

аввалги нарсага муҳолиф келади. Шунинг учун бу ерда муҳолафат мафҳумига амал қилинати. Аммо туннинг бир қисми ва тирсакнинг бир қисмининг ҳукмга кириши эса куллий қоидалар мавзусида айтганимиздек, бошқа қоида яъни «вожибни адо этиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибдир» деган қоидага асосан келиб чиқади.

Учинчи оятдан бомдод кирганидан кейин рўздор одамга еб-ичиш ҳалол эмаслиги тушунилади. Аллоҳ Таоло «**ثُمَّ أَتَمُّوا الصِّيَامَ إِلَىٰ**» дейди, демакки, тун кирганидан кейин рўза тутилмайди.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«**لَيْسَ فِي حَبِّ وَلَا تَمْرٍ حَتَّىٰ تَبْلُغَ خَمْسَةَ أَوْسُقٍ**»

«Дон ҳам, хурмо ҳам беш васак (олти соя)га етмагунча улардан закот берилмайди».¹⁴⁷

Яъни беш васакка етмагунча закот вожиб бўлмайди.

Муҳолафат мафҳумига мулоҳазалар:

1. Агар адад-сон кўплик сўзида келса, у юқоридан пастга нисбатан мувофақат мафҳумига далолат қилади, муҳолафат мафҳумига эмас:

Аллоҳ Таоло айтади:

وَمِنَ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِقِنطَارٍ يُودِّهِ إِلَيْكَ

– *«Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга қинтор (беҳисоб мол)ни омонат қўйсангиз, хиёнат қилмай сизга қайтаради».* [3:75]

Бу оятдан кинтордан ортиқ молни омонатга берсангиз қайтариб бермайди, деган маъно чиқмайди. Чунки «қинтар» сўзи кўпликдир. Яъни у ўзидаги барча омонатни қайтариб беради, демакдир. Шунинг учун бу оятдан юқоридан пастга нисбатан мувофиқлик мафҳуми тушунилади.

2. Агар адад-сон озлик сўзида келса, у пастдан юқорига мувофиқлик мафҳумига далолат қилади ҳамда озлик муфрад сўздан тушиниладими ёки таркибданми фарқсиз, муҳолафат мафҳумига далолат қилмайди. Бунга қуйида мисол келтирамыз:

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«...وَمَنْ ظَلَمَ مِنَ الْأَرْضِ شَيْئًا طَوْفَهُ مِنْ سَبْعِ أَرْضِينَ»

«...Ким ердан бир қарич уриб қолса, бўйнига етти қарич ер жавобгарлиги юклаб қўйилади».¹⁴⁸

⁽¹⁴⁷⁾ Бухорий: 1366. Муслим: 1628. Насойи: 2438: Ибн Можа: 1783.

⁽¹⁴⁸⁾ Имом Аҳмад Амр ибн Нафийлдан, у Росулуллоҳ ﷺ дан ривоят қилган.

Бу хадисдан ким ердан бир қаричдан озроқ уриб қолса, бўлаверади, деган маъно чиқмайди. Чунки «*شِيرٌ*» озлик сўзи бўлиб, уни мухолафат мафҳуми йўқ. Балки ундан пастдан юқорига мувофиқлик мафҳуми мавжуддир. Яъни ким озгина ерни уриб қолса ҳам жазо олади, демакдир.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«*إِنْ كُنْتُمْ ثَلَاثَةً فَلَا يَتَّاجِ اثْنَانِ دُونَ الثَّالِثِ مِنْ أَجْلِ أَنْ ذَلِكَ يُحْرِنُهُ*»

«Уч киши бўлсангиз, бирингиз қолиб иккитангиз пичирлашманг. Чунки, бу уни хафа қилади».¹⁴⁹

Маълумки, пичирлашиш камида икки киши ўртасида бўлади. Бу ерда таркиб озликни ифодалаяпти, шунинг учун унда мухолафат мафҳуми йўқ. Балки ундан пастдан юқорига мувофиқлик мафҳуми мавжуддир. Ҳатто икки кишидан кўпроқ пичирлашса ҳам жазо қўлланади.

3. Кўпинча – агар қарина бўлмаса – сонларнинг мувофиқлик мафҳуми кўпликда, мухолифлик мафҳуми эса озликда келади.

Аллоҳ Таоло айтади:

«*وَالَّذِينَ يَتَّبِعُونَ مِنْكُمْ وَإِذَا بَرَّابَصْنَ بِأَنْفُسِهِمْ أَزْوَاجًا يَتَّبِعُونَ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا*»

– „*Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ой ва ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар*“.

[2:234]

Бу оятдаги мухолафат маъноси вафот қилган кишининг хотини тўрт ой ва ўн кундан аввал турмушга чиқиши жоиз эмаслиги, мувофиқлик маъноси эса шу муддатдан кейин турмушга чиқиши жоизлигидир.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«*إِنْ كُنْتُمْ ثَلَاثَةً فِي سَفَرٍ فَأَمِّرُوا أَحَدَكُمْ...*»

«Уч киши сафарда бўлсангиз, бирингизни амир қилинг...».¹⁵⁰

Кўпликда мувофиқ мафҳуми уч ёки учдан кўп кишига амир қилинг, демакдир. Озликда мухолиф мафҳуми эса уч кишидан оз бўлса амир қилманг, демакдир.

4. Кўпинча – агар қарина бўлмаса – жавоби манфий бўлган адад-сонда озликда мувофиқ, кўпликда мухолиф мафҳум тушунилади: Аллоҳ Таоло айтади:

«*اسْتَعْفِرْ لَهُمْ أَوْ لَا تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ إِنْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ سَبْعِينَ مَرَّةً فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ*»

⁽¹⁴⁹⁾ Аҳмад: 375\1, 425. Аҳмад Шокир уни саҳиҳ санадди, деди. Таёлисий: 34 саҳифа. 257 рақам.

⁽¹⁵⁰⁾ Аҳмад: 6360. Ибн Ҳиббон: 383\10.

– „(Эй Мухаммад), хоҳ улар учун мағфират сўранг, хоҳ мағфират сўраманг — агар етмиш марта лаб улар учун мағфират сўрасангиз ҳам, Аллоҳ уларни асло мағфират қилмас“.

[9:80]

Бунда озликдаги мувофақат мафҳуми шуки, етмиш марта мағфират сўраса ҳам, асло кечирмаслигидир. Мухолафат маъноси эса баъзан етмиш мартадан кўп мағфират сўраса, кечиришлигидир. Бу «سَبْعِينَ» сўзини – юқорида баён қилганимиздек – кўплик билан эмас, адад билан тафсир қилинганда шундай.

5. Адад мафҳуми билан сифат мафҳуми ўзаро зид келиб қолса, сифат мафҳумини устун қўйилади. Чунки сифат мафҳуми луғатнинг асли бўлса, адад мафҳуми қарина билан келади. Масалан, Росулulloҳ ﷺнинг ушбу ҳадиси каби:

«اتَّقُوا سَبْعَ الْمَوْبِقَاتِ: الشِّرْكَ بِاللَّهِ وَقَتْلَ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَالسَّحْرَ وَقَوْلَ الزُّورِ...»

«Еттита ҳалок қилувчи нарсадан тақво қилинг: Аллоҳга ширк келтириш, Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, сеҳр, ёлгон гап...».¹⁵¹

Бу ҳадисда адад «السَّبْعِ» бўлса, сифат «الْمَوْبِقَاتِ»дир. Сифат мафҳуми адад мафҳумидан устун қўйилади ва ҳалок қилувчи нарсалардан қайтарув мазкур еттита ва бошқа нарсалар бўлиб қолади.

Адад мафҳуми эса ҳалок қилувчи нарсалар, деган эъяънида, фақат мана шу етти нарсадан четланиш лозимлигини, етти нарсадан бошқа нарсалар ҳалок қилувчи нарсалар эмаслигини англатади. Сифат мафҳуми устун қўрилади, еттита ҳалок қилувчи нарсалар эса ҳалок қилувчи нарсаларнинг ҳаммасига эмас, балки уларнинг турларидан етти нафарига айланиб қолади.

Ушбу мавзу тўғрисида фикр:

1. Мухолафат мафҳумига юқорида айтилган тўрт ҳолатда амал қилинса-да, бироқ уни бирор нусус бекор қиладиган бўлса, унга амал қилинмайди. Масалан:

Юқорида ўтган қаср ўқиш тўғрисидаги оятда «агар хавф бўлса», дейилган шарт мафҳуми бўйича, қаср ўқиш жоиз. Бундай хавфдан омон бўлинган ҳолатда қаср ўқиш ножоиз бўлиб қолади. Аммо Росулulloҳ ﷺнинг «Аллоҳнинг садақасини қабул қилинг»¹⁵² деган марҳаматларига биноан бу мухолафат мафҳуми бекор бўлиб,

(151) Бухорий: 2614. Муслим: 89.

(152) Муслим: 1108. Насоий: 1416. Абу Довуд: 1024.

қаср ўқиш хавф пайтида ҳам, хавф йўқ пайтида ҳам жоиз бўлаверади.

2. Фақат нусусдаги нутқкагина хос бўлган ва умумий кўп ҳоллардан чиқарилган хитоб бўлса, бу хитобда ҳеч қандай мафҳум (на мухолиф, на мувофиқ мафҳум) бўлмайди. Мисол учун:

وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ حَسْبِيَ إِمْلَاقٌ

– „**Болаларингизни йўқчиликдан қўрқиб ўлдирманглр**“.

[17:31]

لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً

– „**Бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз**“.

[3:130]

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَنْ يَكْبَرُوا

– „**У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманг**“.

[4:6]

وَلَا تُكْرَهُوا قَتْلَائِكُمْ عَلَى الْبِغَاءِ إِنْ أَرَدْتُمْ تَحَصُّنًا

– „**Покликни истаган чўриларингизни зинокорлик қилишга мажбурламанг**“.

[24:33]

Ушбу нусусларнинг барида мафҳум мавжуд эмас. Чунки улар кўплик умумийлик ҳолидан хориждир. Масалан, болаларни ўлдириш йўқчиликдан қўрқилса ҳам, қўрқилмаса ҳам ҳаромдир. Судхўрлик бир неча баробар бўлса ҳам, озгина бўлса ҳам ҳаромдир. Етимнинг молини ейиш исроф қилибми ё исроф қилмайми, ҳаромдир. Чўри покликни истайдими ё истамайдими, уни зинокорликка мажбурлаш ҳаромдир. Оятларда мазкур ҳолатларнинг зикр қилинишининг сабаби шундаки, ўша пайтда бу ҳолатлар кўпроқ учрар эди.

وَرَبَائِكُمُ اللَّائِي فِي حُجُورِكُمْ مِّنْ نِّسَائِكُمُ اللَّائِي دَخَلْتُمْ بِهِنَّ

– „**Жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари**“.

[4:23]

Хотиннинг қизи эр билан бирга яшайдими, яшамайдими фарқсиз, унга уйланиш ҳаром қилинди. Аммо тарбиянгиздаги, деган сифатда эса мафҳум мавжуд эмас. Чунки аксар ҳолларда хотиннинг қизи онаси ва ўғай отаси билан бирга яшайди.

﴿فَلْيَسْتَسْخِجْ بِنِثَانَةِ حِجَارَةٍ﴾

«**Уч дона тош билан истинжо қилсин**».¹⁵³

Бу ҳадисда адад мухолафат мафҳумини англамайди. Чунки ўша замонда кўпроқ учта тош билан истинжо қилинган. Шунинг учун бу истинжо учун учта ададдан бошқаси дуруст эмас, деган маънони

⁽¹⁵³⁾ Доркутний Оишадан: 57\1. «Насбур-роя»: 215\1.

англатмайди. Балки дуруст бўлмаслик адад мафҳумидан эмас, балки бошқа эъъянидан олинади.

3. Исм мафҳуми ҳужжат эмас:

Исм билан боғлиқ бўлган ҳукмдан мухолафат мафҳуми чиқмайди. Бу исм жинс ё алам ё шунга ўхшаш лақаб ва куня ё жомид ёки сифатсиз муштак бўлишининг фарқи йўқ. Мафҳуми йўқ, яъни мухолафат мафҳуми йўқ сифатни исм, деб эъъяни қилинади. Бунга мисоллар:

а) Жомид исм: Мисол учун, Росулulloҳ ﷺнинг

«فِي الْغَنَمِ السَّائِمَةِ زَكَاةٌ»

«**Яйловда ўтловчи қўйларига закот бор**» (Абу Довуд: 96\2. Байҳақий: 99\4) деган ҳадисларида «الغَم» сўзи исми жинс жомид бўлиб, ундан мухолафат мафҳуми чиқмайди. Яъни қўйлардан закот беришининг зикр этилиши мол, туя каби закотнинг бошқа синфларига закот берилмаслигини англатмайди.

Шунингдек, Росулulloҳ ﷺнинг «الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ مِثْلًا بِمِثْلٍ» Олтинни олтинга тенгма тенг», деган ҳадисларида «الذَّهَبُ» сўзи ҳам исми жинс жомид бўлиб ундан мухолафат мафҳуми чиқмайди. Яъни олтинни айнан ўзини тенгма тенг эмас устама фоиз билан сотиш рибо, деган гап олтиндан бошқа нарсаларда рибо чиқмаслигини англатмайди. Масалан, кумуш, буғдой каби бошқа нарсаларда ҳам тенгма-тенг савдо бўлиши зарур.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Росулulloҳ ﷺнинг Байҳақий Ҳасандан ривоят қилган ушбу ҳадислари ҳам бор:

«لَمْ يَجْعَلْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الصَّدَقَةَ إِلَّا فِي عَشْرَةٍ: الْإِبِلِ، الْبَقَرِ، الْغَنَمِ، الذَّهَبِ، الْفِصَّةِ، الْحِنْطَةِ، الشَّعِيرِ، التَّمْرِ، الزَّيْبِ، السُّلْتِ»

«**Росулulloҳ ﷺ фақат ўнта нарсага садақа-закот берилишини белгилади: туя, қорамол, қўй, олтин, кумуш, арпа, буғдой, хурмо, майиз, султ**». Султ комусда арпанинг бир нави дейилган.

Ушбу ҳадисдан унда зикр қилинган нарсалардан бошқа нарсаларга закот берилмаслиги чиқди ва бу исмнинг мафҳумидан чиқмади. Чунки бу исмнинг мухолафат мафҳуми йўқ. Балки бу чекловдан чиқарилди. Чекловни эса мухолафат мафҳуми бор. Шунинг учун нусусда закот жомид исмлар олдида «لَمْ...إِلَّا» чеклов ҳарфлари билан келди ва натижада закот фақат ушбу ўн турдаги нарсаларга чекланиб, бошқаларга ман қилинди.

Росулуллоҳ ﷺнинг яна бир ҳадисларида зикр қилинган олти турдаги нарсаларда рибо бўлиши мумкин. Термизий Убода ибн Сомитдан ривоят қилган бу ҳадисда бундай дейилган:

«الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ مِثْلًا بِمِثْلِ وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ مِثْلًا بِمِثْلِ وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ مِثْلًا بِمِثْلِ وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ مِثْلًا بِمِثْلِ وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ مِثْلًا بِمِثْلِ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ مِثْلًا بِمِثْلِ فَمَنْ زَادَ أَوْ أَرَدَادَ فَقَدْ أَرَبَى»

«Олтинни олтинга тенгма тенг, кумушни кумушга тенгма тенг, хурмони хурмога тенгма тенг, буғдойни буғдойга тенгма тенг, тузни тузга тенгма тенг, арпани арпага тенгма тенг, бас, ким бундан зиёда қилса ёки бундан оширса, у судхўрлик қилибди»

Ушбу турдагилардан бошқа нарсаларда рибо бўлмаслиги ҳам исм мафҳумидан чиқмади. Чунки бу исмнинг мухолафат мафҳуми йўқ. Балки бу чекловдан келиб чиқди. Чекловни эса мухолафат мафҳуми бор. Бу чеклов айна таркибда ўз ифодасини топди. Яъни нусусда бир тўп жомид исмлар келиб, ҳар бир исмга шартли ҳукм боғланди. Натижада, таркиб ҳукми фақат мана шу олти нарсага чеклади ва бошқалардан ман қилди.

б) Сифатдан бошқа муштак исм: Бунга Росулуллоҳ ﷺнинг Абу Амомадан Асрам ривоят қилган

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يَحْتَكِرَ الطَّعَامَ»

«Росулуллоҳ ﷺ таомни ихтикор қилинишдан қайтардилар», ҳадислари мисол бўлади. Бу ҳадисдаги «الطعام» исми муштак аммо сифат эмас. Шунинг учун худди жомид исм каби ундан мухолафат мафҳуми чиқмайди. Шу боис таомдан бошқа нарсада ихтикор қилиш ҳалол, деган нарса чиқмайди.

в) Алам ва аламга алоқадор лақаб, таҳаллусларда мухолафат мафҳуми амал қилмаслиги бошқаларга қараганда кўпроқ кўзга ташланади. Чунки мисол учун, «زَيْدٌ يَأْكُلُ» ёки «أَبُو عَلِيٍّ يَتَكَلَّمُ» десангиз, Зайддан бошқаси емаяпти ёки Абу Алидан бошқаси гапирмаяпти, деганни англатмайди. Шунингдек, «عِيسَى رَسُولُ اللَّهِ» ёки «مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ» десангиз, Исодан бошқаси Аллоҳнинг росулимас ёки Муҳаммад ﷺдан бошқаси Аллоҳнинг росулимас, деганни англатмайди. Демак, аламнинг мухолафат маъноси фўқ.

г) Тушунарли бўлмаган яъни у билан боғлиқ ҳукм билан муносабати бўлмаган сифат. Бундай сифат иллатни англатмайди, бинобарин, унда мухолафат мафҳуми бўлмайди. Масалан, «الْأَيْضُ»

«يَشِعُّ إِذَا أَكَلَ» десак, оқ (танли) деган сифатнинг унга боғлиқ хулоса (тўйиш)га ҳеч қандай боғлиқлик жойи йўқ. У тушунарли бўлмаган сифат бўлиб тўйишни оқлик сифатига сабаб қилинмайди, демакки, мухолафат мафҳуми унда мавжуд эмас. Яъни бу гап оқ одамдан бошқа одам овқат еса тўймайди, деганни англатмайди.

Мисол учун, Аҳмад Хусайн ибн Али رحمتهдан ривоят қилган Росулulloх صلواتнинг ушбу ҳадисида ҳам шундай дейилган:

«لِلسَّائِلِ حَقٌّ وَإِنْ جَاءَ عَلَى فَرَسٍ»

«Тиланчи отда келса ҳам (закоатга) ҳақлидир». Бунда тиланчилик билан ҳақ ўртасида закот тўғрисида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Чунки тиланчилик қилиш закотни олиш учун сабаб бўлмайди. Шунинг учун ушбу тиланчилик сифатида мухолафат мафҳуми бўлмайди. Яъни мазкур ҳадисдан тиланчидан бошқа киши закот олмайди, деган мухалиф маъно чикмайди.

Умар رضيнинг «Тош қўйган кишининг уч йилдан сўнг ҳаққи қолмайди», деган сўзида ҳам худди шундай. Яъни ерга тош қўйиш орқали эгалик қилиш сифати билан ерни ишловсиз ташлаб қўйган одамлардан уни олиб қўйиш ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Чунки тош қўювчи сифати уч йил эъъянисиз қолдирилганидан кейин тортиб олишга ҳеч қандай таъсир қилмайди яъни иллатлашни англатмайди. Демак, унинг мухолафат мафҳуми йўқ. Яъни «Тош қўйган кишининг уч йилдан сўнг ҳаққи қолмайди», деган сўздан тош қўймаган одам ерга ишлов бермаса ҳам ер ундан олиб қўйилмайди, деган мафҳум чикмайди. Балки ерни сотиб олиш ё меърос қилиб олиш ёки совға қилиш каби эга бўлишнинг ҳар қандай сабабларига кўра ерни олиб қўйиш мумкин.

Модомики, сифат бўлмаган муштак исм ҳамда муфҳам бўлмаган сифатларда мухолафат мафҳуми йўқ экан, бу иккиси ўртасида қандай фарқ мавжуд, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг жавоби шуки:

Муштак исм сифат бўлишга ярамайди. Масалан, «**طعام**» исми бошқа бир исмга сифат бўлмайди, балки мавсуф бўлиши мумкин. Яъни «**هذا طعام مفيد**» дейиш мумкин. Сифат эса иккинчи исмга сифат бўлиб, мавсуф зикр қилиниши ё қилинмаслигидан қатъий назар, у ҳам муфҳам эмас. У сифат бўлиб ишлатилишга яроқли холос. Мисол учун, «**هذا هو الشخص السائل**» ёки «**للشخص السائل حق**» «**ولو جاء على فرس**» дейиш мукин.

Муштак сифат бўлишга ярамайди, табиийки муфҳам ҳам эмас, иллатлашни ифодаламайди.

Сифат эса сифат бўлишга ярайди аммо у ҳам муфхам эмас ва иллатлашни ҳам ифодаламайди.

Бир масала:

Уламолар бир масала устида ихтилоф қилишади: Икки киши жанжаллашиб қолиб, бири иккинчисига «*أما أنا فليس لي أم ولا أخت ولا امرأة*» деса, мухолафат мафхумига кўра, бу гапни айтган кишига жазо қўлланадими, йўқми. Яъни бу гапни айтган киши лақаб кўйиш мафхумига кўра, иккинчи кишига (онасига, опасига ва хотинига зония дейиш билан) тухмат қилган ҳисобланадими, йўқми.

Тўғриси шуки, бу гапда ҳеч қандай мухолафат мафхуми йўқ. Ҳатто бор бўлган тақдирда ҳам бу гапнинг тўғридан тўғри маъноси эмас, балки қаринаси бўлади, холос. Тухмат қилишга жазо қўллаш мухолафат мафхумига асосан вожиб бўлмайди, гапирувчининг гапига боғлиқ қарина билан вожиб бўлади.

Демак, жазога топшириш иши мухолафат мафхумига амал қилиш учун бирор қаринага муҳтождир.

4. «*إِنَّمَا*» ҳарфида мафхум йўқ. Чунки «*إِنَّمَا*» ҳаср (чеклов) учун келади. Баъзан чеклов учун келмаслиги ҳам мумкин, бу ҳолатда у қарина ўлчов бўлади:

«*إِنَّمَا الرَّبَّاءُ فِي النَّسِئَةِ*»

«Судхўрлик насияда бўлади».¹⁵⁴

Яъни рибо насияга чекланмаган. Чунки устама фоизнинг ҳаромлигига ижмо қилинган. Бу ҳадис бундай нусус билан ҳам келган:

«*يَدًا بِيَدٍ مِثْلًا بِمِثْلِ*»

«Кўлма-кўл, тенгма-тенг бўлсин».¹⁵⁵

Кўпроқлик маъносидан чиқаришга мисоллар:

«*وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ خَشْيَةَ إِمْلَاقٍ*»

– „*Болаларингизни йўқчиликдан қўрқиб ўлдирмангизлар*“.

[17:31]

Жоҳилиятда умумий, кўпроқ ҳолатда одамлар камбағалликдан қўрқиб болаларини ўлдиришар эди. Бу мафхум ушбу оят оркали бекор бўлди:

«*وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ*»

– „*Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ўлдирманглар*“.[6:151]

(154) Бухорий: 2069. Муслим: 1596.

(155) Муслим: 1584, 1587

Мана шу билан бунда мухолафат мафҳуми бўлмайди.

لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً

– „**Бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз**“.[3:130]

Жоҳилиятда умумий, кўпроқ мана шундай ҳолда рибо қилинар эди. Кейин буни ушбу оят орқали бекор қилинди:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „**Аллоҳ савдо-сотиқни ҳалол қилди ва судхўрликни ҳаром қилди**“.[2:275]

Натижада рибо бир неча баробар қилиб олиш билан бўладими ё озми фарқсиз, ҳаром қилинди ва бунда мухолафат маъноси йўқ.

وَلَا تُكْرَهُوا قِنْيَاتِكُمْ عَلَى الْبِغَاءِ إِنْ أَرَدْتُمْ تَحَصُّنًا

– „**Покликни истаган чўриларингизни зинокорлик қилишга мажбурламанг**“.[24:33]

Кўпинча покликни хоҳлаган чўрилар фоҳишалikka мажбур қилинар эди. Кейин бу мафҳум ҳам ушбу оят билан бекор бўлди:

وَلَا تَقْرَبُوا الزُّنَىٰ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

– „**Зинога яқинлашманг, чунки у бузқўлик ва энг ёмон йўлдир**“.

[17:32]

Шундай қилиб, бу ва буларга ўхшаганларнинг мухолафат мафҳуми мавжуд эмас. Масалан, фарзандларни ўлдириш камбағалликдан қўрқилса ҳам, қўрқилмаса ҳам ҳаром. Бир неча баробар бўладими ё ундан озми, рибо ҳаром. Чўри қизлар мажбур қилинишадими ё йўқми, уларни фоҳишалikka билан шуғуллантириш ҳаромдир.

ТЎРТИНЧИ БОБ

ҚУРЪОН ВА СУННАТ ҚИСМЛАРИ

БИРИНЧИ ҚИСМ

Амр ва наҳи

Амр

Амр луғатда талаб қилиш, ҳақиқий маънода юқоридан пастга нисбатан бир ишни қилишни талаб қилиш, демакдир.

а) Агар амр ҳақиқий махнода бўлмаса, қуйидагича бўлади:

1. Ишни бажариб бериш қасд қилинмаган амр:

а) Фарқсиз, барибир, деган маънодаги амр:

فَاصْبِرُوا أَوْ لَا تَصْبِرُوا

– „*(Дўзах азобиға) хоҳ сабр қилинг, хоҳ сабр қилманг...*“.

[52:16]

б) Хорлаш маъносидаги амр. Аллоҳ Таоло айтади:

مُوتُوا بَغِيظِكُمْ

– „*Шу аччигингиз билан ўлиб кетинг*“.

[3:119]

в) Истихзо ва кесатик маъносидаги амр. Аллоҳ Таоло айтади:

ذُقْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْكَرِيمُ

– „*(Мана бу азобни) тотиб кўр, сен «азизу мукаррамсан»*“.

[44:49]

г) Таҳдид маъносидаги амр. Аллоҳ Таоло айтади:

فَلْيَا قَوْمِ اعْمَلُوا عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنِّي عَامِلٌ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ

– „*Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй қавмим, жойингиздан жилмай амалингизни қилаверинг. Мен ҳам амални қилгувчиман. Бас, яқинда билажаксиз»*“.

[6:135]

2. Агар амрни мухотоб (тингловчи)нинг қўлидан келмайдиган бўлса, қуйидагича бўлади:

а) Ожиз қолдириш маъносидаги амр. Аллоҳ Таоло айтади:

فَلْ كُونُوا حِجَارَةً أَوْ حَدِيدًا

– „*Айтинг, тош ё темир бўлинг*“.

[17:50]

б) Курашга чақириш маъносидаги амр. Аллоҳ Таоло айтади:

فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالسَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ

– „*Албатта Аллоҳ қуёшни Машириқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?*“.

[2:258]

3. Агар амр мукаллаф бўлмаган мухотобга мажозий маънода айтилса, мана бундай келади:

а) Орзу маъносидаги амр:

أَلَا أَيُّهَا اللَّيْلُ الطَّوِيلُ أَلَا انْجَلِي بِصُبْحٍ وَمَا الْإِصْبَاحُ مِنْكَ بِأَمْثَلِ

б) Умид қилиш маъносидаги амр: *أَمْطَرِي أَيُّهَا السَّمَاءُ فَقَدْ جَفَّ الضَّرْعُ*

б) Юқоридан пастга нисбатан махнода бўлмаса, қуйидагича бўлади:

1. Пастдан юқорига нисбатан маъносидаги дуо амр: Аллоҳ Таоло айтади:

رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ

– „**Роббим, Ўзинг мени, ота-онамни мағфират қилгин**“.

[71:28]

2. Илтимос қилиш маъносидаги амр. Аллоҳ Таоло айтади:

وَقَالَ لِلَّذِي ظَنَّ أَنَّهُ نَاجٍ مِّنْهُمَا اذْكُرْنِي عِنْدَ رَبِّكَ

– „**(Юсуф) у икковининг ичидан қутилиб кетади, деб ўйлаган кишига (яъни соқийга: «Ҳожсангни олдида мен ҳақимда зикр [12:42] қилгин (зора, у мени бу зулмдан озод қилса)», деди**“.

Амр мазкур турлардан бири бўлса, мақсад қилинмаган амр бўлади.

Аммо амр ҳақиқий маънода юқоридан пастга нисбатан бўлса, айтиб ўтганимиздек, қуйидагича оддий амр бўлади:

1. Аллоҳ ﷻнинг Росули ﷺга қилган амри.

2. Одамларнинг бир-бирларига қилган амри. Масалан, хожанинг қулига ёки масъулнинг қўл остидагига қилган буйруғи каби. Усули фикҳ шаръий аҳкомлар билан боғлиқ бўлгани боис биз назарда тутган амр ҳам шаръий аҳкомлардан истинбот қилинади. Яъни Аллоҳ ﷻнинг Росули ﷺга қилган амри. Буни қуйидагича батафсил баён қиламиз:

Юқорида айтганимиздек, шаръий амр ҳақиқий амр бўлиб, истеъло (юқоридан пастга) яъни Аллоҳ ﷻдан Росули ﷺга қилган амридир.

Юқорида амрнинг мукаллаф бўлмаган мухотобга мажозий маънода, мухотобдан қўлидан келмайдиган нарсани талаб қилиш маъносида, юқоридан пастга, илтимос қилиш маъносидаги Аллоҳ ﷻдан Росули ﷺга қилган амри ҳамда истинботга алоқадор бўлмаган бандалар ўртасидаги амр ҳақида айтдик. Мазкур амрлар арабларнинг айни талаб маъносини ифодалаш мақсадида ишлатишадиган услубларидир. Арабларнинг бундай услубларини чуқур ўрганилса, булар уч турли эканлиги аён бўлади:

Биринчи: муфрад сийғасидаги, луғавий амр;

Иккинчи: амр маъносини ўз ичига олувчи мантукдаги мураккаб жумлалар;

Учинчи: амр маъносини ўз ичига олувчи мафхумдаги мураккаб жумлалар.

Муфрад сийғасидаги талабни ифодаловчи амр қуйидагича:

1. Феъли амр: Аллоҳ Таоло айтади:

أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ إِلَى غَسَقِ اللَّيْلِ

„Күёш огишидан то тун қоронгусигача намозни барпо қилинг“. [17:78]

2. Амр ломи билан келувчи музоре: Аллоҳ Таоло айтади:

لِيَنْفِقُوا ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ

– **„Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан нафақа берсин“.** [65:7]

3. Феъл маъносидаги масдар амр: Аллоҳ Таоло айтади:

فَإِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا فَضَرْبَ الرِّقَابِ

– **„Бас, қачон кофир бўлган кимсалар билан тўқнашсангиз бўйинларига уринг“.** [47:4]

4. Исми феъл бўлган амр: Аллоҳ Таоло айтади:

قُلْ هَلْ مَسَّ شُهَدَاءُكُمُ الَّذِينَ يَشْهَدُونَ أَنَّ اللَّهَ حَرَّمَ هَذَا

– **„Айтингки, Аллоҳ мана шу ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг“.** [6:150]

Яъни «هَلْمَ» дегани, келтиринг, демакдир.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«عَلَيْكَ بِكَثْرَةِ السُّجُودِ»

«Кўп сажда қилинг».¹⁵⁶

Энди амр маъносини ўз ичига олувчи мантуқдаги мураккаб жумлаларга келсак, булар қуйидагича:

1. Жумла ўртасида исботли равишда аслий маъноси билан ҳамда «*علي, في, ل*» каби жар ҳарфлари билан бирга келадиган амр: Аллоҳ Таоло айтади:

لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ

– **„Эркаклар учун ота-оналар ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам улуш бордир“.**

[4:7]

Яъни улуш бордир дегани улушини беринг, демакдир.

«فِي الْغَنَمِ السَّائِمَةِ زَكَاةٌ»

«Яйловда ўтловчи қўйларга закот бор».¹⁵⁷

Яъни закот бор дегани закот беринг демакдир.

وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامِ مِسْكِينٍ

– **„Рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечорага фидя (эваз) тўлаш бор“.** [2:184]

Яъни фидя тўласин, демакдир.

2. «*لَوْلَا, لَوْلَا*» каби арз (намойиш қилиш) ҳарфи ва унинг аховатлари билан келувчи амр:

(156) Муслим: 753. Муслим Савбондан, у Робиъа ибн Каъб Асламийдан: 354.

(157) Абу Довуд: 96\2. Байхақий: 99\4.

أَلَا تَتَّقَاتُلُونَ قَوْمًا نَكَثُوا أَيْمَانَهُمْ

– „...Қасамларини бузган кимсаларга қарши жанг қилмайсизми“.

[9:12]

Яъни жанг қилинг, демақдир.

أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ لَوْلَا تُسَبِّحُونَ

– „Тасбиҳ айтсаларингиз-чи, демаганмидим“.

[68:28]

Яъни тасбиҳ айтинг, демаганмидим, демақдир.

3. Истифҳом ва хабар матлуб билан келувчи амр: Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْحَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَرْزَاقُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ

– „Эй мўминлар, мусаллас, қимор, бутлар ва чўплар шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, ундан четланинг“.

[5:90]

Яъни тарк қилинг, демақдир.

Аллоҳ Таоло айтади:

فَإِن حَاجُّوكَ فَقُلْ أَسْلَمْتُ وَجْهِيَ لِلَّهِ وَمَنِ اتَّبَعَنِ وَقُلْ لِلَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْأُمِّيِّينَ أَسْلَمْتُكُمْ

– „Агар Сиз билан тортишсалар: «Мен ва менга тобе бўлган кишилар ўзимизни Аллоҳга топширдик. Унга бўйинсундик», деб айтинг ва аҳли китоблар ва омиё-бутпарастларга: «Исломга кирдингизми?», дег“.

[3:20]

Яъни Исломга кириг, дег, демақдир.

4. Ҳол билан бирга келган ва шу ҳолга амр бўлган мажозий амр:

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُزَحْزَحَ عَنِ النَّارِ وَيَدْخُلَ الْجَنَّةَ فَلْتَأْتِهِ مَنِئْتَهُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ

الْآخِرِ»

«Ким дўзах ўтидан узоқлашишни ва жаннатга кирмоқни истаса, Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган ҳолатида ўлими келсин».¹⁵⁸

Бу ҳадисда «فَلْتَأْتِهِ مَنِئْتَهُ» мажозий амр бўлиб, «وَهُوَ مُؤْمِنٌ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ» жумласи ҳол бўляпти ва айна ҳолга амр қилиняпти. Яъни «сен Аллоҳга ва охират кунига имон келтиришда тўхтама, то ўлиминг келиб қолганда ҳам мана шу ҳолда бўл», деганни англатяпти.

5. Жазм ҳолатидаги жавоби шартнинг амр маъносида келиши: Аллоҳ Таоло айтади:

(158) Муслим: 1844. Насоий: 4191. Ибн Можа: 3956. Аҳмад: 162\2. Ибн Ҳиббон: 294\13.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ تِجَارَةٍ تُحِبُّونَ مِنْ عَدَابِ اللَّهِ * تُوْمِنُونَ بِاللَّهِ
وَرَسُولِهِ وَتُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ *
يَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَيُدْخِلْكُمْ جَنَّاتٍ

– „Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига имон келтирурсизлар ва Аллоҳ йўлида мол ва жонларингиз ила жиҳод қилурсизлар. Мана шу агар билсангизлар, ўзларингиз учун энг яхшидир. Аллоҳ гуноҳларингизни магфират қилур ҳамда сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур“.

[61:10-12]

Бу оятдаги «تُوْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ» жумласи хабар сийғасида, «يَغْفِرْ لَكُمْ» эса жазм ҳолида бўлиб, унинг жавоби шарт бўляпти. Шунинг учун «تُوْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ» жумласи «آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ» деган амр маъносини англатади.

6. Жавоби шарт бўлган жумланинг жавоби мадҳни ўз ичига олган бўлиб, ўша феълнинг бажарилишини талаб қилишни англатади. Шу билан бирга, бу жавоб шарт маъносидаги жумла хабар ҳам бўлиши мумкин. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَابِرُونَ يَغْلِبُوا مِائَتِينَ

– „Агар сизлардан йигирмата сабр-тоқатли киши бўлса, икки юздан голиб келади“.

[8:65]

Яъни сизлардан бир киши ўнтага бас келади, демакдир. Бу эса талаб бўлиб, бу жумлани насх қилиш мумкин бўлади. Чунки у жавоби шарт сийғасида бўлсада, бироқ мураккаб жумлада мантуқ учун талаб маъносини ифодалапти, негаки ушбу жумлаи шартияда «يَغْلِبُوا مِائَتِينَ» дейилган мақтов ҳам келган.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«الْحَدُّ يُقَامُ فِي الْأَرْضِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ يُمَطَّرُوا أَرْبَعِينَ صَبَاحًا»

«Ер юзида ижро этилаётган битта жазо-ҳаднинг ўзи сиз учун қирқ марта тонгги ёмғирдан ҳам яхшироқдир».¹⁵⁹

Бу жумлада ҳам жавоби шарт маъноси бор. Яъни «агар битта жазо-ҳадни ижро этсангиз, устингиздан қирқта тонг ёмғир ёққандан ҳам яхшироқ бўлади», деган маъно бор. Шунингдек, бу жумлада «خَيْرٌ مِنْ أَنْ يُمَطَّرُوا» деган мақтов мавжуд бўлиб, айни мақтов билан жумла жазо-ҳадни кўлланг, деган амр маъносини пайдо қилади.

⁽¹⁵⁹⁾ Насоий: 75\8. Ибн Можа: 848\2. Аҳмад: 362\2. Ибн Жоруд: 801.

Талаб маъносини англатувчи мафҳумда мураккаб жумлалар куйидагича:

Жумлада иқтизо далолати келиб, бу далолат талаб маъносини англатувчи мафҳумлар туркумига киради. Масалан:

1. Мутакаллимнинг тўғрилиги зарурати талаб қилган жумла: Аллоҳ Таоло айтади:

وَالْمُطَلَقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

– „Талоқ қилинган аёллар ўзларини уч «қуру» кутарлар“.

[2:228]

Яъни кутишсин, дея амр маъноси англашиляпти.

2. Шаръан айтилаётган сўзнинг тўғрилиги зарурати талаб қилган жумла:

а) Дуонинг мозий ё музоре ёки хабар бўлиб келиш услублари:

«بَارَكَ اللهُ فِيكَ» яъни «لِيُبَارِكَ اللهُ» демакдир.

«بِرَحْمَتِ اللهِ» яъни «لِيَرْحَمَكَ اللهُ» демакдир.

«رَحْمَةُ اللهِ عَلَيْكَ» яъни «لِيَرْحَمَكَ اللهُ» ёки «اللَّهُمَّ ارْحَمْنِي» демакдир.

б) Шаръий аҳкомларнинг маъноси «كُتِبَ» каби хабар сийғасида келиши:

Аллоҳ Таоло айтади:

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ

– „Рўза тутуши сизларга фарз қилинди“.

[2:183]

Яъни рўза тутинглир, демакдир.

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبِهِمْ وَفِي الرِّقَابِ

وَالْغَارِمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَابْنِ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ

– „Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (Исломга) ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида (яъни, жиҳодга ёки ҳажга кетаётганларга) ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир“.

[9:60]

Яъни закотни ўз ҳақдорларига беринг, демакдир.

أَجَلٌ لَّكُمْ صَيِّدُ الْبَحْرِ وَطَعَامُهُ مَتَاعاً لَّكُمْ وَلِلسَّيَّارَةِ

– „Сизларга ўзингиз ва бошқа мусофирлар фойдаланиши учун денгиз (сув) ови ва унинг емишлари (яъни сизлар овламай ўзи соҳилга чиқиб қолган нарсалар) ҳалол қилинди“.

[5:96]

Яъни ов қилинг, демакдир.

أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ

– „У Зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир“ [12:40]

Яъни ибодатни Аллоҳга чекланг, демакдир.

в) Шаръий аҳкомларни бажариш дуруст бўлиши ана шу аҳкомлар амалга ошиши учун зарур бўлган бир талабни тақозо қилади: Аллоҳ Таоло айтади:

وَأِمَّا تَخَافَنَّ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ

– „Агар бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг“ [8:58]

Бу оятда айни ишни бажариш шуни талаб қияптики, агар душманнинг биз билан қилган аҳдомани бузиши мумкинлиги сезилиб қолса, бузмасидан аввал уларга жосусларимизни кўйишимиз лозим бўлади. «فِيمَا تَخَافَنَّ» деган сўзда «душманингизга қарши жосусларингиз бўлсин», деган маънодаги талабни англатувчи иқтизо (буйруқ) далолати мавжуд.

«مَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مَيْتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким бўйнида байҳат бўлмаган ҳолда вафот этса, бас, у жоҳилият ўлимида ўлибди».¹⁶⁰

Ушбу ҳадисда «бейе» сўзи то байҳат қилиш амалга ошиши учун бир халифа мавжуд бўлишини талаб қияпти яъни унда халифани барпо қилинг, деган талаб бор.

Бир киши «اغْنِقْ عَبْدَكَ عَنِّي» деса, қулни озод қилиш лозимлиги бу сўзни айтган киши тингловчидан қулни сотиб олганлигини англатади. Яъни бу ерда «қулингизни менга сотиб, озод қилинг, деган маънодаги талабни англатувчи буйруқ мавжуддир.

3. Шаръан айтилаётган сўзнинг тўғрилиги зарурати ақлан (луғатан) талаб қилган замири жумла:

а) Масдарни жавоби шартда амр маъносида ишлатилиши:

فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامًا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ فِي الْحَجِّ وَسَبْعَةَ إِذَا رَجَعْتُمْ

– „Ким (ҳадя қиладиган нарса) топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганидан кейин рўза тутсин“ [2:196]

Бу ҳадисдаги масдар замирида «عليكم» бор. Яъни «الصيام» деган амр ётади. Масалан, «فَنظَرَةٌ إِلَى مَيْسَرَةٍ» оятида «عليكم الانتظار» ҳамда «فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ» оятида «فَعَلَيْكُمْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ» талаби ётади.

б) Чорлов, тарғиб услуби:

⁽¹⁶⁰⁾ Муслим: 1851. Аҳмад: 446\3. Ибн Ҳиббон: 434\10.

«أَقْبِلْ لِلصَّلَاةِ» сўзи замирида «أَقْبِلْ» ётади яъни бу «أَقْبِلْ لِلصَّلَاةِ»
демакдир.

«اللَّهُ» сўзи замиридан ҳам «اتَّقُوا اللَّهَ، أَقْبِلُوا عَلَى اللَّهِ» маънолари ётади.

Наҳи

Наҳи луғатда тарк қилишни талаб қилиш, ҳақиқий маънода юқоридан қуйига нисбатан бир ишни қилмасликни талаб қилишдир.

Биринчи: Агар наҳи ҳақиқий маънода бўлмаса, қуйидагича бўлади:

1. Мақсад қилинмаган наҳи бўлиши. Масалан:

а) Фарқсиз, барибир, деган маънодаги наҳи:

Аллоҳ Таоло айтади:

اصْلَوْهَا فَاصْبِرُوا أَوْ لَا تَصْبِرُوا

– „*Дўзахга*) *кирингиз! Энди хоҳ сабр қилинг, хоҳ сабр қилманг фарқсиз*“.
[52:16]

б) Ҳақир санашни англатувчи наҳи: Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِّنْهُمْ

– „*Сиз кўзларингиз тоифаларни фитнага солиш учун бахраманд қилганимиз зийнатларга тикманг*“.
[20:131]

Яъни дунё матоларини ҳақир санаб, демакдир.

в) Хор қилишни англатувчи наҳи:

قَالَ اخْسُؤُوا فِيهَا وَلَا تُكَلِّمُون

– „*(Жаҳаннамда) хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз*“.

[23:108]

г)

قُلْ لَا تَعْتَذِرُوا لَنْ نُؤْمِنَ لَكُمْ قَدْ نَبَأْنَا اللَّهُ مِنْ أَخْبَارِكُمْ

– „*Айтинг: «Узр сўраманг, сизларга ҳаргиз ишонмаймиз. Аллоҳ бизни сизларнинг ҳоли-хабарингиздан огоҳ қилди*“.
[9:94]

2. Тингловчи ва мукаллафнинг қўлидан келмайдиган нарсани наҳи қилиш:

а) Ожизлигини исботлаб қўйиш орқали курашга чақиритишни ифодаловчи наҳи: Аллоҳ Таоло айтади:

فَأَجْمِعُوا أَمْرَكُمْ وَشُرَكَاءَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُنْ أَمْرُكُمْ عَلَيْكُمْ غُمَّةً ثُمَّ اقْضُوا إِلَيَّ وَلَا تُنظِرُون

– „*Энди бутларингиз билан бирга билган ишларингизни қилаверинг. Кейин қилаётган ишларингиз ўзларингизга махфий бўлиб қолмасин. Сўнгра менга нисбатан ҳукмингизни ижро этаверинг ва менга муҳлат ҳам берманг*“.
[10:71]

3. Наҳи ҳарфини мукаллаф бўлмаган тингловчига ноҳақиқий маънода келиши:

1. Орзу умид қилиш: «لَا تَغِبْ أَيْهَا الْقَمَرُ» каби.

Иккинчи: агар юқоридан пастга нисбатан бўлмаса, у ҳолда:

1. Наҳининг куйидан юқорига нисбатан дуо сифатида келиши: Аллоҳ Таоло айтади:

رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا

– „Эй Роббимиз, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, (азобга) тутмагин“.

[2:286]

2. Наҳининг баробар бўлиш билан илтимос қилиш маъносида келиши: Аллоҳ Таоло айтади:

قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ لَا تَقْتُلُوا يُوسُفَ وَأَلْفُوهُ فِي غِيَابَةِ الْجُبِّ

– „Улардан бир сўзлагувчи деди: «Юсуфни ўлдирманг, балки уни қудуқ қахрига ташлаб юборинг“.

[12:10]

Демак, наҳи юқорида ўтганлардан бири бўлса, мақсад қилинган наҳи бўлмайди.

Энди тарк қилишга бўлган талаб юқоридан пастга нисбатан ҳақиқий маънода келса, юқорида айтганимиздек, бу наҳи бўлади. Масалан:

1. Ё шаръий бўлади яъни Аллоҳ ﷻдан Росулulloҳ ﷺга нисбатан наҳи бўлади.

2. Ёки инсонларнинг бир-бирларини наҳи қилишлари бўлади. Масалан, хожанинг ўз қулига нисбатан ҳамда масъулнинг ўз қўл остидагиларга нисбатан наҳи қилиши каби.

Усули фикҳ шаръий аҳкомлар билан боғлиқ бўлгани боис, биз назарда тутган наҳидан ҳам шаръий аҳкомлар истинбот қилинади. Яъни Аллоҳ ﷻдан ҳамда Росулulloҳ ﷺдан бўлган нарсалардан истинбот қилинади. Булар ҳақида куйида батафсил баён қиламиз:

Юқорида айтганимиздек, наҳи бу истеъло яъни юқоридан пастга нисбатан, Аллоҳ ﷻдан ҳамда Росулulloҳ ﷺдан қилинган ҳақиқий маънода тарк қилишга бўлган талаб, дедик.

Тарк қилишга бўлган талабнинг ҳақиқий маъносидан мақсад қилинмаган мажозий маъноси ҳам, шунингдек, мукаллаф тингловчининг қўлидан келмайдиган нарсани наҳи қилиш ҳам чиқиши тўғрисида гапириб ўтдик. Мукаллаф бўлмаган тингловчига ноҳақиқий маънодаги наҳи ҳақида ҳамда юқоридан пастга нисбатан наҳидан пастдан юқорига ва баробарга нисбатан наҳи ҳақида ҳам зикр қилдик. Аллоҳ ва Росулнинг наҳисидан шаръий аҳкомлар истинбот қилинмайдиган инсонларнинг ўзаро наҳи қилишлари ҳам келиб чиқиши тўғрисида айтдик. Мазкур тарк қилишни талаб қилиш таърифи эса араблар маъно англашилиши учун истеъмол қилган услублардир.

Арабларнинг тарк қилишга бўлган талабларини ўрганиб чиқиш билан бу услублар уч қисмдан иборатлиги аён бўлади:

Биринчи: Муфрад сийғасидаги, луғавий наҳи;

Иккинчи: наҳи маъносини ўз ичига олувчи мантуқдаги мураккаб жумлалар;

Учинчи: наҳи маъносини ўз ичига олувчи мафхумдаги мураккаб жумлалар.

Биринчи: Тарк қилиш талабини ифодаланувчи муфрад сийғалар:

1. Наҳи бобининг асосийсини ташкил қилувчи «لَا تَفْعَلْ»

вазнидаги жумла: Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِّنْهُمْ مَّتَّ أَبَدًا

– „Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг“.

[9:84]

فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا

– „Уларга қараб «уф» тортма ва уларга озор берма“.

[17:23]

2. «لَا تَفْعَلْ» вазнидаги жумланинг келиши: Аллоҳ Таоло айтади:

وَلِيُمَلِّلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلِيَتَّقِيَ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا يَبْخَسَ مِنْهُ شَيْئًا

– „Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Робби бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин“.

[2:282]

لَا يَتَّخِذِ الْمُؤْمِنُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِن دُونِ الْمُؤْمِنِينَ

– „Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар“

[3:28]

وَلَا يَأْتَلِ أُولُوا الْفَضْلِ مِنْكُمْ وَالسَّعَةِ أَن يُؤْتُوا أُولِي الْقُرْبَىٰ

– „Сизлардан фазл ва кенг-катта (мол-давлат) эгалари қариндошларга, ... инфоқ-ихсон қилмасликка қасам ичмасин“.

[24:22]

3. «لَا أَفْعَلْ» вазнидаги жумланинг келиши. Бундай жумла

камроқ келади:

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا أَلْفَيْنِ أَحَدِكُمْ يَجِيءُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَىٰ رَقَبَتِهِ بَعِيرٌ لَهُ رُغَاءٌ...»

«Биронгангизни қиёмат кунида елкасида бакироқ туя билан келишини топмайин...». Яъни мана шундай ишларга сабаб бўлиб қолмангларки, мен сизларни қиёмат кунида шу аҳволда топмай...¹⁶¹

Яъни бундай ишларни қилмангларки, қиёмат кунида сизларни шу ҳолатда топмай, демакдир.

Мулоҳаза:

⁽¹⁶¹⁾ Бухорий: 1337. Муслим: 1831.

Росулуллоҳ ﷺнинг ушбу ҳадисларидаги наҳи маъносида кўришиб турибдики, демак, наҳи «لَا أَفْعَلُ» вазнидаги муфрад сийғасида келмади, балки сабабдан наҳи қилиш орқали мантуқдаги сабабга таъсир қилган мураккаб жумла сифатида келди («Иккинчи: 3. Мусаббабдан наҳи қилинганда наҳи сабабга таъсир қилади» мавзусига қаранг). Аммо «لَا تَفْعَلُ, لَا يَفْعَلُ» каби бошқа сийғаларда эса юқоридаги мисолларда келганидек, муфрад сийғасида бевосита наҳи кўринишида келади. Шунингдек, наҳи мантуқдаги мураккаб жумлаларда ҳам келади:

Иккинчи: Мантуқдаги мураккаб жумлалардаги наҳи:

1. Бирор ҳолатга қарина қилинган мажозий наҳи. Бунда наҳи ана шу ҳолат устидан ҳукмрон бўлади:

Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُمْ مُسْلِمُونَ

– „Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқинг ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинг“. [3:102]

Яъни Исломни тарк қилмай унда бардавом бўлинг, ҳатто ўлим келганда ҳам шу ҳолатда тулинг, демакдир. Чунки мантуқда келган наҳи мажозий наҳи бўлиб, мусулмон бўлган ҳолларингизда, дейилган ўлим ҳолига таъсир қилган.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا يَمُوتُنَّ أَحَدُكُمْ إِلَّا وَهُوَ مُحْسِنٌ الظَّنِّ بِاللَّهِ»

«Бирортангиз то Аллоҳга яхши гумон қилувчи бўлмагунича вафот этмасин». ¹⁶²

Яъни Аллоҳга яхши гумонда бўлинг ва то вафот этгунигизча шу ҳолатда давом этинг, демакдир.

2. Қандайдир амални қилишга яқинлашишдан қайтариш:

а) Наҳи қандайдир ҳолат олдида келса, феълни қилишдан эмас, ўша ҳолатдан қайтариқни англатади: Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْرَبُوا الصَّلَاةَ وَأَنتُمْ سُكَارَى

– „Эй мўминлар, маст ҳолингизда намозга яқинлашманг“.

[4:43]

Бу ерда муайян ҳолатда намозга яқинлашишдан наҳи қилинмоқда ва наҳи ҳолга таъсир қилмоқда. Яъни намоз ўқиманг демаяпти, балки номоз ўқимоқчи бўлсангиз, маст бўлманг, дейилапти. Қачон наҳи бирор ҳол олдида келса, мантуқда наҳи билан бевосита алоқадор бўлган феълга эмас, ўша ҳолга таъсир кўрсатади.

⁽¹⁶²⁾ Муслим: 5124. Абу Довуд: 2706. Ибн Можа: 4517.

б) Агар наҳи ҳол олдида келмаса, феълга қаттиқ таъсир қилувчи наҳи бўлади: Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّيْتَىٰ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

– „**Зинога яқинлашманг. Чунки у бузуқлик ва энг ёмон йўлдир**“.

[17:32]

Яъни зино қилманг, дея наҳи қилиняпти ва бу зинодан қаттиқ қайтариқ ҳисобланади.

وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ الظَّالِمِينَ

– „**Мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз**“.

[2:35]

Яъни бу дарахтдан еманг, дея наҳи қилиняпти ва бу қайтариқ қаттиқ қайтариқ ҳисобланади.

3. Мусаббадан наҳи қилинганда наҳи сабабга таъсир қилади: Аллоҳ Таоло айтади:

فَلَا تَعْرُتْكُمْ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا

– „**Бас ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё алдаб қўймасин**“.

[31:33]

Яъни дунёни энг катта мақсад-ташвиш қилиб олманг, бу дунё ҳаётига алданиб қолишингизга сабаб бўлади, демакдир. Демак, бу ерда наҳи ҳаётнинг алдаб қўйишига нисбатан эмас, балки дунё матолари ортидан югуриб, барча ташвиш дунё бўлиб қолишига нисбатан қайтариқдир. Чунки наҳи дунё сизни алдаб қўймасин, деган наҳи эмас, сиз дунё билан алданиб колманг, деган наҳидир. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا بَنِي آدَمَ لَا يَفْتِنَنَّكُمُ الشَّيْطَانُ

– „**Эй Одам болалари, шайтон сизларни алдаб қўймасин**“.

[7:27]

Бу оятда Одам боласини алдамагин, дея шайтонни наҳи қилинмаяпти, балки шайтонинг алдашига имкон бермагин, дея инсонни наҳи қилиняпти. Демак, наҳи сабабга таъсир қилмоқда.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا أَلْفِينَ أَحَدَكُمْ يَجِيءُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَى رَقَبَتِهِ بَعِيرٌ لَهُ رُغَاءٌ يَقُولُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ

أَغَشِي! فَأَقُولُ: لَا أَمْلِكُ لَكَ شَيْئًا قَدْ أَبْلَعْتُكَ...»

«Бирортангизни киёмат кунида елкасида бакироқ туя билан келишини топмайин. У ё Росулаллоҳ, менга ёрдам беринг, дейди. Мен ўшанда сенга ҳеч нарса қилолмайман, чунки сенга етказганман, дейман...»¹⁶³

Бу ҳадис мантуқида наҳи мусаббабга нисбатан бўляпти. Мусаббаб эса Росулуллоҳ ﷺ уларни мана шундай аҳволда

⁽¹⁶³⁾ Бухорий: 1337. Муслим: 1831.

кўришидир. Бу ерда наҳи сабабга таъсир қияпти. Яъни бундай осийликни қилмангки, бу Росулulloҳ ﷺ сизларни шу аҳволингизда кўришига сабаб бўлмасин, демақдир.

4. Жавоб шарт келган ва бу жавоб амал қилишни мазаммат қилиб, ундан наҳи қилишни англатган жумла: Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَنْ يَكْسِبْ حَطِيئَةً أَوْ إِنَّمَا تَمَّ يَرْمُ بِهِ بَرِيئًا فَقَدِ احْتَمَلَ بُهْتَانًا وَإِنَّمَا مُبِينًا

– „*Кимки бирон хато ёки гуноҳни қилиб қўйиб, сўнг уни бир пок одамга тухмат қилиб отса, муҳаққақки, у бўҳтон ва очик гуноҳни ўз зиммасига олибди*“.

[4:112]

Ушбу жавоби шарт қилмасликни талаб қилишга, яъни гуноҳ қилманг, дейишга ярайди. Демак, жумладаги жавоби шарт бўҳтон ва очик гуноҳни ўз зиммасига олибди, дея қилишни мазаммат қилувчи жумладир. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَزَوَالِ الدُّنْيَا أَهْوَنُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ قَتْلِ مُسْلِمٍ بَعِيرٍ حَقًّا»

«Бу дунёнинг заволга учраши Аллоҳнинг назидида бир мусулмоннинг ноҳақ ўлдирилишидан кўра енгилроқдир».¹⁶⁴

Яъни бу дунёнинг заволга учраши Аллоҳнинг назидида бир мусулмоннинг ноҳақ ўлдирилиши олдида енгил, демақдир. Бу жумла шарт маъносида бўлиб, унинг жавоби шарти феълни мазаммат қияпти, бинобарин, «ҳеч бир жонни ноҳақ ўлдирманг», дея қилмасликни талаб қилмоқда.

5. Жумла ўртасига жар ҳарфларидан бўлган «لِ، عَلَى، فِي»лар аслий маънолари билан кирса, жумла нафи бўлади: Аллоҳ Таоло айтади:

مَا لَكُمْ مِّنْ وَلَايَتِهِمْ مِّنْ شَيْءٍ

– „*Сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар*“.

[8:72]

Яъни дўстлик қилманг, демақдир.

لَيْسَ عَلَى الْأَعْمَى حَرْجٌ وَلَا عَلَى الْأَعْرَجِ حَرْجٌ وَلَا عَلَى الْمَرِيضِ حَرْجٌ وَلَا عَلَى أَنْفُسِكُمْ أَنْ تَأْكُلُوا مِنْ بُيُوتِكُمْ

– „*(Жиҳодга чиқмай қолишларида) кўзи ожиз кишига хараж-танглик йўқдир, чўлоққа хараж йўқдир, хастага хараж йўқдир (яъни улар жиҳодга чиқмаганлари учун айбланмас). Сизлар ўз уйларингиздан таомланишингизда сизларга (гуноҳ йўқдир)*“.

[24:61]

Яъни ейишдан тортинманг, демақдир.

Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسَةِ أَوْسُقٍ صَدَقَةٌ»

⁽¹⁶⁴⁾ Термизий: 1315. Бу Ҳадис марфу ва мавкуф, деб ривоят қилинган. Мавкуфлиги тўғрироқдир.

«Беш васак (олти соя)дан оз бўлса, закот берилмайди».¹⁶⁵

Бу ҳадисдаги «صدقة» сўзи «زكاة» маъносида бўлиб, экинлардан олинган ҳосилдан беш васакдан камига закот берманг, демакдир.

Учинчи: Мафхумдаги мураккаб жумлалар:

Жумлада иқтизо (талаб) далолати келади. У мафхум далолатларининг бир тури бўлиб, қуйидагича тарк қилишни англатиб келади:

1. Бу наҳини мутакаллим (сўзловчи)нинг тўғрилиги талаб қилади: Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا

– „Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устидан имконият бермагай“.
[4:141]

Яъни кофирларни устингиздан хўжайин бўлиб олишларига йўл берманг, демакдир.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا تُشَدُّ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ: مَسْجِدِي هَذَا وَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَالْمَسْجِدِ الْأَقْصَى»

«Фақат уч масжидга (зиёрат учун) борилади: Менинг масжидимга, масжидул Ҳаромга ва масжидул Ақсога».¹⁶⁶

Яъни фақат мана шу масжидларнигина зиёрат учун қасд қилинади, демакдир.

2. Бу наҳини айтилган сўзнинг шаръан тўғрилиги талаб қилади:

а) Ўтган замон ва ҳозирги замон феълида дуои хайр қилиш услублари:

«لَا بَارِكُ اللَّهُ فِي فَلَانٍ» яъни «اللَّهُمَّ لَا بَارِكْ فِيهِ» демакдир.

«لَا يَغْفِرُ اللَّهُ فِي فَلَانٍ» яъни «اللَّهُمَّ لَا تَغْفِرْ لَهُ» демакдир.

б) Шаръий аҳкомларнинг «نَهَى، حَرَّمَ، كَرِهَ» сийғаларида келиб, «لَا تَفْعَلُ» сийғаси орқали тарк қилишни талаб қилишни англатувчи жумла:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ بَيْعَتَيْنِ فِي بَيْعَةٍ»

«Росулуллоҳ ﷺ бир байда икки бай қилишдан қайтардилар».¹⁶⁷

(165) Бухорий: 1366. Муслим: 1628. Насоий: 2438. Ибн Можа: 1783.

(166) Бухорий: 1162. Муслим: 1397.

(167) Термизий: 1152, хасан ва саҳиҳ, деди. Насоий: 4553. Абу Довуд: 3002. Аҳмад: 174\2. Ибн Ҳиббон: 374\11.

Яъни бир савдо устида икки хил савдо қилманг, демақдир.

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يَبِيعَ حَاضِرٌ لِبَادٍ»

«Росулulloҳ ﷺ шаҳарликнинг саҳроликка нарса сотишдан қайтардилар». ¹⁶⁸

Яъни шаҳарлик саҳроликка нарса сотмасин, демақдир.

«وَكُرْهَ لَكُمْ قَيْلٌ وَقَالَ وَكَثْرَةُ السُّؤَالِ وَإِصَاعَةُ الْمَالِ»

«Сизларга миш-мишлар, кўп савол бериш ва молни беҳуда сарфлаш макруҳ кўрилди». ¹⁶⁹

Яъни бундай ишларни қилманг, демақдир.

قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ

– „*Айтинг: «Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузукликларни, ҳаром қилган, холос».* [7:33]

Яъни бузуклик қилманг, демақдир.

وَحُرْمَ عَلَيْكُمْ صَيْدُ الْبَرِّ مَا دُمْتُمْ حُرْمًا

– „*Ва модомики ихромда экансизлар, сизларга қуруқлик ови ҳаром қилинди».* [5:96]

Яъни айни ҳолатда ов қилманг, демақдир.

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ الْمَيْتَةُ وَالْدَّمُ وَلَحْمُ الْخِنزِيرِ وَمَا أَهَلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ

– „*Сизларга ўлакса, қон, тўнғиз гўшти, Аллоҳдан бошқа бировнинг йўлида сўйилган нарса ҳаром қилинди».* [5:3]

Яъни бу нарсаларни еманг, демақдир.

Мулоҳаза:

Бу оятдаги «حُرِّمَتْ» сўзи еманг, демақдир, дейишимизнинг боиси шундаки, араблар ейиладиган ё ичиладиган ёки кийиладиган нарсага ёхуд никоҳланадиган шахсга ҳаром қилиш сўзини аниқ келтирган бўлишса, бу «لَا تَأْكُلُوا» «لَا تَشْرَبُوا» «لَا تَلْبَسُوا» «لَا تَنْكِحُوا» деганни англатади.

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ الْمَيْتَةُ

– „*Сизларга ўлакса ҳаром қилинди».* [5:3]

Бунда «لَا تَفْعَلْ» сийғаси ўлимтикни еманг, деганни англатади.

«حُرِّمَتْ الْخَمْرُ لِعَيْنِهَا»

«Мусалласнинг айни ўзи ҳаром қилинди». ¹⁷⁰

Бунда «لَا تَفْعَلْ» сийғаси мусаллас ичманг, деганни англатади.

⁽¹⁶⁸⁾ Бухорий: 2032. Муслим: 1413.

⁽¹⁶⁹⁾ Бухорий: 1383, 2231. Муслим: 3236.

⁽¹⁷⁰⁾ Байхакий: 213\10. «Насбур роя»: 306\4. Уқайлий ишлаб чиққани заиф, Насоий ишлаб чиққани эса мавкуфдир.

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ

– „Сизлар учун оналарингиз... ҳаром қилинди“. [4:23]

Бунда «لا تفعل» сиғаси оналарингизни никоҳингизга олманг, деганни англатади.

«صِنْفَانِ حُرْمًا عَلَى ذُكُورِ أُمَّتِي: الْحَرِيرُ وَالذَّهَبُ»

«Икки нарса Умматим эркакларига ҳаром қилинди: ипак ва тилла».¹⁷¹ Яъни ипак кийим кийманг, тилла тақинчоқ тақманг, демакдир. Чунки юқоридаги оят ва ҳадисларда келган феъллар мазкур нарсаларга алоқадор. Шунинг учун ўша нарсалардан наҳи қилиш, араб тили қоидасига кўра, уларнинг мана шу феълларга алоқадорлигидан наҳи қилишни англатмоқда.

3. Бу наҳини айтилаётган сўзнинг тўғрилиги луғавий жиҳатдан замирида талаб қилади:

Огоҳ қилиш маъносидagi наҳи:

فَقَالَ لَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ نَاقَةَ اللَّهِ وَسُقْيَاهَا

– „Аллоҳнинг Росули уларга деди: Аллоҳнинг туясига ва уни суғоришга“. [91:13]

Яъни Аллоҳнинг туяси ва унинг суғорилишига, зиён етказманг, демакдир. Бу жумладаги «إياكم»нинг замирида «احذروا, اجتنبوا» сўзлари ётган бўлиб, Аллоҳнинг туясига қўл текизиш билан зиён етказиб қўйманг, деган наҳи ётибди.

«إِيَّاكُمْ وَالْجُلُوسَ فِي الطَّرِيقَاتِ»

«Йўлларда ўтиришдан эҳтиёт бўлинг».¹⁷² Яъни ўзингизни йўлда ўтиришга яқинлаштирманг, демакдир. Яъни «إياكم»нинг замирида «احذروا, اجتنبوا» сўзлари ётган бўлиб, бу ўтиришдан сақланинг, ўтиришдан эҳтиёт бўлинг, маъносини англатади.

Амр ва наҳига тааллуқли аҳкомлар:

Биринчи: амр ва наҳининг шаръий аҳкомларга нисбатан далолати:

1. Амр ва наҳининг шаръий ҳукмга бўлган далолати. (Биринчи боб иккинчи фаслнинг феълнинг ҳукмларига қаранг).

2. Энди мана шу талаб турини белгилаб берувчи қарина тўғрисида ўрганилади. Бу қаринанинг айни нусуснинг ўзида ё бошқа нусусда келишининг фарқи йўқ.

⁽¹⁷¹⁾ Термизий: 1720 у хасан ва саҳих деган. Абу Довуд: 4051. Насой: 4801. Ибн Можа: 2631 Аҳмад: 217\4.

⁽¹⁷²⁾ Бухорий: 2333, Муслим: 2121.

3. Агар қарина билан бирга келган талаб қатъий талабни англатса, феълнинг айна қатъий талаби фарз ҳукми эканлигини билдиради. Мисол учун Аллоҳ Таолонинг ушбу

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ

– „**Ва намозни адо қилинг**“.

[2:43]

оятига ушбу

مَا سَأَلْتُمْ فِي سَفَرٍ * قَالُوا لَمْ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ

– „**Сизларни нима сақар (дўзахга)га киритди, (дейилганда улар) Бизлар намоз ўқигувчилардан эмасдик, дерлар**“.

[74:42,43]

ояти қарина бўлади.

Агар қарина билан бирга келган қилмасликка бўлган талаб қатъий талабни англатса, феълнинг айна қатъий талаби ҳаром ҳукми эканлигини билдиради. Мисол учун Аллоҳ Таолонинг ушбу

وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ مِنَ النِّسَاءِ

– „**Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг**“.

[4:22]

оятига ушбу

إِنَّهُ كَانَ فَاجِحًا وَسَاءَ سَبِيلًا

– „**Чунки (бу) фаҳиш иш ва энг ёмон йўлдир**“.

[17:32]

деган ояти қарина бўлади.

4. Агар қарина билан бирга келган қилишга бўлган талаб қатъий бўлмаган талаб бўлса, бу мандуб ҳукм эканлигини англатади. Масалан, Росулulloҳ ﷺнинг «تَبَسُّمَكَ فِي وَجْهِ أَخِيكَ صَدَقَةٌ» деган¹⁷³ ҳадисларини олсак, бундаги «**صدقة**» сўзи қатъий эмасликни англатувчи қаринадир. Чунки унда табассум қилмаган кишига азоб белгиланмаганлигига қарина мавжуд.

Агар қарина билан бирга келган қилмасликка бўлган талаб қатъий бўлмаган талаб бўлса, бу мандуб ҳукм эканлигини англатади.

Мисол учун Росулulloҳ ﷺнинг «إِنَّ ذَلِكَ لَيْسَ بِشِفَاءٍ وَلَكِنَّهُ دَاءٌ»¹⁷⁴ деган ҳадисларида ҳаром бўлган мусалласдан наҳи қилинган. Энди, Росулulloҳ ﷺнинг туянинг сийдиги билан (ҳаром билан) даволанишга рухсат сўраганларга рухсат беришлари эса макруҳликка қарина бўлади.

5. Агар қилиш билан қилмасликка бўлган талаб баробар бўлса, ҳукм мубоҳ бўлади. Масалан, Аллоҳ Таолонинг

⁽¹⁷³⁾ Термизий: «Бирру ва сила»-1879.

⁽¹⁷⁴⁾ Ибн Можа: 3500.

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ

– „Энди қачон намоз адо қилинган, ер-юзига тарқалинган“.

[62:10]

деган каломида тарқалишга амр келган. Қарина эса эҳтиёт бўлиш сабаби яъни жума намозининг тугашидир. Сабаб тугагач, тарқалиш асл ҳолатига яъни мубоҳликка қайтади.

6. Агар қилишга бўлган талаб билан қилмасликка бўлган талаб жазо ва савоб жихатидан бир хил бўлса, ҳукм мубоҳ бўлади. Бироқ, икки мубоҳ бўлсаю, бири иккинчисидан дунёвий манфаат сабабли афзал бўлса, у ҳолда ҳукм иршод бўлади. Яъни дунёвий манфаат сабабли яхшироқ, деган маънода мубоҳ бўлади, аммо савоб ва жазо жихатидан бир хилдир. Масалан, амр феълида куйидагича келади: Аллоҳ Таоло айтади:

فَلْيَأْتِكُمْ بِرِزْقٍ مِّنْهُ وَلِيَتَأْتَفَنَّ

– „Сизларга ундан ризқ, насиба олиб келсин ва эҳтиёт бўлсин“.

[18:19]

وَقَالَ يَا بَنِيَّ لَا تَدْخُلُوا مِن بَابٍ وَاحِدٍ وَادْخُلُوا مِنْ أَبْوَابٍ مُّتَفَرِّقَةٍ

– „Эй ўғилларим (Мисрда) бир дарвозадан қирманглар, балки бошқа-бошқа дарвозалардан қиринглар“.

[12:67]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَسْأَلُوا عَنْ أَشْيَاءٍ إِنْ تُبَدَّ لَكُمْ تَسْؤُكُمْ

– „Эй мўминлар, очилганда сизни хафа қиладиган нарсалар ҳақида сўраманг“.

[5:101]

Мулоҳаза: «Биринчи боб-қариналар»га қаранг.

Иккинчидан: дарҳол ва кейинроқ бажаришни англатувчи жумладаги амр ва наҳи:

Амр ва наҳи сийғасининг ўзида дарҳол ва кейинроқ бажариш маънолари йўқ. Булар фақат амр ва наҳи холос. Аммо Росулulloҳ ﷺнинг бунга иқрор бўлишлари орқали Росулulloҳ ﷺнинг ҳамда саҳоба ﷺларнинг баёнларини ўрганиб чиқилса, куйидаги нарсалар аён бўлади:

1. Айни амр дарҳол ва кейинроқ бажарилиш маъноларига далолат қилиш учун бирор қарина зарур бўлади. Агар амрни бажариш вақти кенг бўлса, яъни вақт амрни бир неча марта бажаришга етарли даражада кўп бўлса, амрни ўша кенг вақтнинг бирор қисмида бажаравериш мумкин бўлади. Масалан, намоз вақти ва фитр закотини бериш вақти каби.

Агар амрни бажариш вақти кенг бўлмаса, яъни вақт амрни бир неча марта бажаришга озлик қилса, амрни ўз вақтида дарҳол бажариш керак бўлади. Мисол учун, рамазон рўзасини тутиш каби. Чунки рамазон ойининг кундуз вақти битта рўзадан ортиқ рўзага сиғмайдиган қисқа вақтдир.

Агар буюрилган ишни бажариш учун муайян вақт белгиланмаган бўлса, у ҳолда айна ишни хоҳлаган вақтда кейинроқ ёки дарҳол бажаравериш мумкин бўлади. Масалан, каффорат тўлаш каби.

2. Дарҳол бажариш лозим бўлган асл наҳи. Бунда айна наҳи айтилган вақтдан бошлаб унга амал қилиш керак бўлади. Кимга наҳи етиб келган бўлсаю, у уни бажармаган бўлса, унга ё бу дунёда Исломиё давлат тарафидан ёки охиратда Аллоҳ ﷻ тарафидан жазо қўлланади.

Мана шу мусаллас ҳаром қилинганлиги тўғрисида оят нозил бўлганда саҳоба ﷺ лар тутган мавқеидир. Улар Аллоҳ ﷻ нинг ушбу ояти нозил бўлиб, оят сўнггида

فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ

– „Энди тўхтарсизлар“.

[5:91]

дейилган пайтда «тўхталдик, ё Роб», дедилар. Улар дарҳол қўлларидаги мусалласни тўқдилар ва ичиш учун оғизларига олган мусалласни ҳам туфлаб юбордилар.

Бу наҳининг муайян бир монe ёки насх туфайли келмаган қисми. Аммо наҳи монe туфайли келган бўлса, монe тамом бўлиши билан наҳининг амали ҳам тамом бўлади. Масалан, ҳайз кўрган аёлнинг намози ва рўзаси каби. Агар наҳи насх туфайли келган бўлса, Росулulloҳ ﷺ нинг ушбу ҳадисида келганидек, насх бошланиши биланоқ наҳининг ҳам амали тамом бўлади:

«كُنْتُ نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُورِ إِلَّا فَزُورُوهَا»

«қабрларни зиёрат қилишдан қайтаргандим. Бас, энди зиёрат қилаверинг».¹⁷⁵

Учинчи: амр ва наҳининг бир неча марта ва такрор келиши:

Аслида амр ва наҳи сийғалари уларни бир мартадан ортик бажаришни кўтармас эди. Аммо Росулulloҳ ﷺ нинг баёнлари ва саҳоба ﷺ ларнинг ишларига Росулulloҳ ﷺ нинг иқрор бўлишларини ўрганиб чиқилса, куйидагилар аён бўлади:

1. Амрни бир марта қилиш амрга итоат қилиш бўлади. Уни бир неча марта ёки қайта-қайта қилиш учун эса Росулulloҳ ﷺ нинг амаллари ёки сўзлари қаринаси керак бўлади. Саҳобалар буни тушуниб етганлар ва шунинг учун Росулulloҳ ﷺ дан эшитган сўзларга ёки кўрган амалларга биноан қайсидир бир амрга қайта-қайта амал қилардилар масалан, фарз намозлари каби. Бир вақтнинг ўзида яна қайсидир бошқа амрларга қайта-қайтасиз (яни бир марта) амал қилардилар масалан, ҳаж ва айрим намозлар каби.

(175) Ҳоким Анас йўли орқали ривоят қилган.

2. Наҳига амал қилишга келсак, ундан доимо тийилиш керак бўлади. Ҳаромдан тийилиш фақат бир мартага бўлинмайди, балки – наҳи амалда экан – ҳар сафар ҳаром қилган кишига ҳар сафар жазо қўлланади, масалан, Росулulloҳ ﷺ билан саҳоба ﷺлар замоналарида бўлгани каби. Фақат наҳи бирор насх ёки очиқ қарина орқали бекор қилинган бўлса, ундай эмас. Аммо модомики наҳи амалда экан, унга амал қилиш бир мартага бўлинмайди.

Тўртинчи: Амр ва наҳида сабот ва давомийлик:

Амр ва наҳи тингловчига (мухотаб)га ўша шуғулланаётган нарсада сабот билан бардавом туришини англатади:

1. Амр орқали машғул бўлиш: Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ

– „*Эй пайғамбар, сизга Роббингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг*“. [5:67]

Яъни шуғулланаётганингиз рисолатни етказиш ишида сабот билан туриб, бу ишда бардавом бўлинг, демакдир. Чунки Росулulloҳ ўзларига айни оят нозил бўлган пайтда етказиш иши билан машғул эдилар.

فَاصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا

– „*Бас (эй Мухаммад), улар айтаётган сўзларга сабр-тоқат қилинг ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Роббингизга ҳамду сано айтиш билан тасбеҳ айтинг*“. [20:130]

Яъни ўзингиз машғул бўлган сабрда собит туриб, шунда бардавом бўлинг, демакдир.

2. Амрда дуо орқали машғул бўлиш: Аллоҳ Таоло айтади:

اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ

– „*Бизларни тўғри йўлга бошла*“. [1:6]

Ушбу тўғри йўлда туриш билан машғул бўлган мўмин тарафидан, бизни тўғри йўлда собит қилиб, бардавом қилгин, демакдир.

رَبَّنَا وَاجْعَلْنَا مُسْلِمِينَ لَكَ

– „*Роббимиз, бизни ўзингга бўйинсунгувчилардан қилгин*“. [2:128]

Яъни бу Иброҳим عليه السلامнинг дуоси бўлиб, бизни шунда собит қилгин, демакдир.

3. Наҳи билан машғул бўлиш: Аллоҳ Таоло айтади:

الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ

– „*Бу ҳақиқат Роббингиз томонидандир. Бас, шубҳа қилгувчилардан бўлманг*“. [2:147]

Яъни шубҳа қилмасликда собит туриб, шунда бардавом бўлинг, демакдир. Чунки Росулulloҳ ﷺ ушбу оят нозил бўлган пайтда шубҳа қилувчилардан эмасдилар.

قَالُوا بَشِّرْنَاكَ بِالْحَقِّ فَلَا تَكُنْ مِنَ الْقَانِطِينَ * قَالَ وَمَنْ يَقْنَطُ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ إِلَّا الضَّالُّونَ

– „Улар айтдилар: «Биз сенга ростдан ҳам хушxabар келтирдик. Бас, сен ноумид кимсалардан бўлмагин. У деди: «Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлулар».
[15:55-56]

Яъни ноумид бўлмасликда собит туриб, шундай давом этинг, демакдир. Чунки ушбу оятда хитоб қилинган Иброҳим عليه السلام ноумид бўлмаган.

4. Наҳида дуо орқали машғул бўлиш: Аллоҳ Таоло айтади:

رَبِّ فَلَا تَجْعَلْنِي فِي الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ

– „Эй, Роббим, мени у золим қавм билан бирга қилмагин“.

[23:94]

Яъни золим қавм билан бўлмаслигимда собит ва бардавом қилгин, демакдир. Чунки бу оят нозил бўлганда Росулulloҳ ﷺ золим қавм билан бирга эмасдилар.

Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«رَبِّ أَعْنِي وَلَا تَعِنِّ عَلَيَّ وَأَمْكُرْ لِي وَلَا تَمْكُرْ عَلَيَّ»

«Эй Роббим, менинг фойдамга ёрдам бер, менга қарши ёрдам берма. Менинг фойдамга макр бер, менинг зараримга макр берма».¹⁷⁶

Яъни эй Роббим, менга ёрдамингни бардавом қил, уни мандан ман қилма, демакдир. Чунки Росулulloҳ ﷺ шундай ҳолатда бардавом қилишни Аллоҳдан сўрардилар. Росулulloҳ мана шундай дуо қилган пайтда Аллоҳ ﷻ ул зотнинг зарарига ёрдам бермас эди.

Бешинчи: Зиддига наҳи келмаган бир ишга амр қилиш:

Юқорида билиб ўтдикки, Амрнинг ҳам, наҳининг ҳам муайян сийғалари мавжуд. Амрнинг сийғасида наҳи бўлмайди, балки бир ишни қилишга амр бўлади. Наҳи сийғасида ҳам амр бўлмайди, балки бир ишни қилишдан наҳи бўлади. Демакки, ҳар иккисининг мантиқи бир-бириникидан бошқача. Масалан, Аллоҳ Таолонинг

وَأَقِمِ الصَّلَاةَ

– „Намозни тўқис адо қилинг!“.

[11:114]

деган оятини ўқисак, ундан намозга бўлган амрни тушунамиз. Бу оят мантиқи бундан ўзга нарсага далолат қилмайди. Чунки унда

⁽¹⁷⁶⁾ Термизий: 3474, у хасан ва саҳих ҳадис, деди. Абу Довуд: 1291. Ибн Можа: 3220. Аҳмад: 227/1.

намозга алоқасиз бўлган ўйин-кулги ё лаҳвдан наҳи қилиш далолати йўқ. Балки бу нарсалар бошқа далиллардан изланади. Айни оят эса бу ҳақдаги наҳини ўз ичига олмаган.

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг

وَلَا تَقْرُبُوا الزُّنَىٰ إِنَّهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

– „**Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқликдир - энг ёмон йўлдир**“.

[17:32]

деган оятини ўқисак, унда зинодан наҳи қилинганини тушунамиз. Унинг мантикида турмуш қуришга амр қилишга далолат йўқ. Балки бу бошқа далиллардан изланади.

Шундай қилиб, бир нарсага амр келса, унинг зиддидан наҳи қилиш тушунилмайди ҳамда бир нарсадан наҳи келса, унинг зиддига амр қилиш тушунилмайди. Чунки ҳар иккисининг ўз сийғаси бўлиб, нусусда шу сийға келса, ана шу сийғага хос амр ё наҳига далолат қилади.

Олтинчи: Ақд ва тасарруфлардан наҳи қилиш:

Ақд ва тасарруфотлардан наҳи қилиш уч ҳолатдан бирида бўлади:

1. Наҳи ақд рукнларига таъсир қилса, ақд ботил бўлади. Чунки ақднинг бирор рукнига зарар етказилса, ақднинг ўзи бутунлай ботил бўлади. Агар наҳи ўша ақд моддасидан наҳи қилиш бўлса, масалан, Аллоҳ Таолонинг

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ

– „**Сизларга ўлакса ҳаром қилинди**“.

[5:3]

деган оятидаги каби, у ҳолда ўлаксени савдо-сотик қилиш ҳам ботил бўлади. Шунингдек, агар наҳи ақд қилувчиларнинг яроқсизлигига тааллуқли наҳи бўлса, масалан, мажнун каби, у ҳолда ақднинг ўзи ботил бўлади.

2. Наҳи ақднинг рукнларига эмас, шартларига таъсир қилувчи ақд бўлса, яъни ақд моддасига ҳам, ақд қилувчиларга ҳам таъсир қилмаса, у ҳолда, ақд фосид (бузилган) ақд бўлади. Мисол учун, Росулulloҳ ﷺ «**لَا بَيْعَ حَاضِرٍ لِّبَادٍ**» Шаҳарлик саҳроликка нарса сотмасин»,¹⁷⁷ дедилар. Чунки саҳролик бозор нархидан беҳабар бўлади. Шу боис бундай савдо бузуқ савдо бўлади. Агар саҳролик бозорга бориб, нарх-навони билганидан кейин савдога рози бўлса, у ҳолда айни бузуқ савдо тузалади ва дуруст, ботил бўлмаган савдога айланади.

3. Наҳи ақднинг рукн ва шартларидан ташқари ишга таъсир қилувчи ақд бўлса, бундай ҳолда савдо-сотик дуруст бўлади. Аммо

⁽¹⁷⁷⁾ Бухорий: 2033, 2043. Муслим: 1413.

айни наҳига хилоф иш қилган киши гуноҳкор бўлади. Бунга Аллоҳ Таолонинг

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ

– „**Эй мўминлар, қачон Жума кундаги намозга чорланса** (яъни азон айтилса), **дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар!**“ . [62:9]

деган каломи мисол бўлади. Бу ерда наҳи қилинишга жума намози пайтида савдо-сотик қилиш сабаб бўлган. Наҳининг савдо ақдининг рукн ва шартларига боғлиқлик жойи йўқ. Шунинг учун савдо-сотик дуруст бўлаверади, аммо сотувчи ҳам харидор ҳам оятда келган наҳига хилоф иш қилганлари учун гуноҳкор бўлишади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, юқорида айтиб ўтилган ботил, фосид ва – хилоф иш қилувчиси билан – дуруст бўлган уч ҳолатни ифодаловчи наҳи қатъий наҳидир. Аммо қатъий бўлмаса, ундан гуноҳ келиб чиқмайди, балки макруҳ доирасига киради.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Ом ва хос

«العَامُّ» умумий» сўзи битта маънога эга бўлган, унинг маъноси остига икки ёки ундан кўпроқ шахслар кирган, шахслар маънода бири биридан афзал бўлмаган муфрад сўздир.

Таърифда сўз демасдан «муфрад сўз», дейилишининг сабаби шуки, ушбу таърифга мураккаб сўзни қўшмасликдир. Чунки остига бир неча қисмлар кирадиган мураккаб сўз ом сўз дейилмайди, балки куллий сўз дейилади.

Таърифда «битта маънога эга» дейилишининг сабаби ушбу таърифдан муштарак сўзни қўшмасликдир. Чунки муштарак сўз маъноси остига шахслар кирса ҳам, бир неча маънога далолат қилувчи сўздир. Мисол учун, «العَيْنُ» сўзи муштарак сўз бўлиб, қўрувчи кўз, жосус, булоқ... каби маъноларга далолат қилади. Муштарак сўздан нима мақсад қилинганини баён қилиш учун бирор қарина керак бўлади. Шунинг учун муштарак сўз бирор баёнга муҳтож бўлган қисқа сўз туркумига киради, бу ҳақда кейинроқ баён қиламиз. Мисол учун, «الرَّجُلُ» сўзи жинс алиф-ломи билан маърифа бўлиб, битта маънога эга, аммо остига «عَمْرُو، زَيْدٌ» каби бир неча шахслар кирувчи сўздир. Бу сўз ҳам ундан нима нарса баён қилингани баён қилиниш учун бирор хослов керак бўлади. Шунинг учун у ом (умумий маъноли) сўздир. Таърифда «маънода бири биридан афзал бўлмаган», дейилиш сабаби шуки, ушбу таърифга кўчма, мажозий, қочирма каби маъноларга эга сўз кириб қолмаслигидир. Гарчи бу маъноларнинг остига шахслар кирса-да, бироқ улар маънода бир хил эмас. Шунинг учун бири иккинчисидан афзалдир. Масалан, «أنتَ أَسَدٌ» десак, шер сўзи ҳақиқий шерга ҳам, мажозий маънодаги ботирликка ҳам далолат қилади. Аммо мақсад қилинган маъно, мажозий маънодир.

Ом сўз икки турлидир:

Ундан ҳам умумийроқ сўз бўлмаган ом;

Нисбатан айтилиувчи ом.

Ундан ҳам умумийроқ сўз бўлмаган омга «الْمَذْكُورُ» сўзи мисолдир. Чунки бу сўз мавжуд нарса, йўқ нарса, маълум нарса, номаълум нарса, демакдир. «الشَّيْءُ» сўзи эса ҳозирда ёки ўтган замонда бўлган ҳам бир «нарса», демакдир.

Нисбатан айтилувчи ом ва нисбатан айтилувчи хос сўзга «إِسْرَافِيلُ، مِيكَائِيلُ، جِبْرَائِيلُ» сўзи мисол бўлади. Чунки бу сўз «الْمَلَائِكَةُ» каби остидаги нарсаларга нисбатан омдир. Устидаги нарсаларга нисбатан хос эса масалан, «الْمَخْلُوقَاتُ» сўзи каби, омнинг бўлакларидан биридир. Яъни инсон, жин, ер ва само каби барчаси махлуқотга киради.

Хос сўзга келсак, «حَسَنٌ، عَلِيٌّ، مُحَمَّدٌ» каби алам исмлар каби битта атамага далолат қилувчи битта сўздир. Ушбу биринчи турдаги хос ундан ҳам умумийроқ сўз бўлмаган хос, дейилади. Кейинги турдаги хос эса нисбатан айтилувчи хос, дейилади.

Умум сийғаси:

1. Жинс ёки истиғроқ алиф-ломи билан маърифа бўлган жам:
لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ

– „Эркаклар учун ота-оналар ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам улуш бордир“.
[4:7]

Ёки изофа билан маърифа:

يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ

– „Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида амр қилур“.
[4:11]

2. Жинс алиф-ломи билан маърифа бўлган, аҳд (таниқлилик) алиф-ломи бўлмаган муфрад. Чунки аҳд алиф-ломи умум эмас:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا

– „Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қўлларини кесинглар!“.[5:38]

3. Нафи, шарт ва наҳи оқимида келувчи накра:

مَا أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَى بَشَرٍ

– „Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилган эмас“.
[6:91]

إِنْ جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا

– „Агар сизларга фосиқ кимса хабар келтирса, аниқлаб-текишириб кўринг“.
[49:6]

لَا يَسْخَرُ قَوْمٌ مِّن قَوْمٍ

– „Бир қавм бир қавмдан масхара қилиб қўлмасин“.
[49:11]

Бу оятлардаги «قَوْمٌ، فَاسِقٌ، بَشَرٌ» сўзлари оқим орқали умумга далолат қилувчи накралардир.

4. Исми шартлар:

فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ

– „Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин“.
[2:185]

وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ يُوفَّ إِلَيْكُمْ

– „Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эхсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир“ . [2:272]

أَيَّ مَا تَدْعُوا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى

– „Қандай чоғласангизлар-да (жоиздир). Зеро, У зотнинг гўзал исмлари бордир“ . [17:110]

أَيْنَمَا تَكُونُوا يُدْرِكْكُمُ الْمَوْتُ

– „Қаерда бўлсангиз ўлим сизларни топиб олуру“ . [4:78]

5. Исми истифҳомлар:

قَالُوا مَنْ فَعَلَ هَذَا بِآلِهَتِنَا

– „«Бизнинг худоларимизнинг ким бундай қилди?»“ . [21:59]

مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِذَا مَثَلًا

– „«Буни мисол қилиш билан Аллоҳ нима демоқчи?»“ . [2:26]

مَتَى نَصُرُ اللَّهَ

– „«Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?»“ . [2:214]

قَالُوا أَيَّنَ مَا كُنْتُمْ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ

– „«Аллоҳни қўйиб, илтижо қилиб ўтган бутларингиз қани (келиб сизларни ўлимдан қутқармайдиларми?)», деганларида“ . [7:37]

6. Исми мавсулалар. «مَا» билан «مَنْ»лар «الَّذِينَ, الَّذِينَ» каби жамларга далолат қилади:

وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

– „Осмонлар ва Ердаги барча жонзот Аллоҳгагина сажда қиладилар — бўйсунадилар“ . [13:15]

وَأَحِلَّ لَكُمْ مَا وَرَاءَ ذَلِكَ

– „(юқоридаги оятларда санаб ўтилган) аёллардан бошқалари сизларга ҳалол қилинди“ . [4:24]

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا

– „Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ой ва ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар“ . [2:234]

7. Сўзда ҳам маънода ҳам «كُلٌّ»ларга изофа:

كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِيْنَةٌ

– „Ҳар бир жон ўзи касб қилган амали сабабли (дўзахда) ушлангувчидир“ . [74:38]

«كُلُّكُمْ, أَكْمَعُونَ»ларга изофа қилинганда ҳам худди шундек бўлади.

Накрали жам эса қуйидагича: Масалан, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломини олайлик,

يُسَبِّحُ لَهُ فِيهَا بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ رِجَالٌ

– „У (масжидларда) эртаю кеч У зотни поклайдиган кишилар бордир...“ [24:36-37]

Улар ундаги накрали жамнинг умумийлигида ихтилоф бор. Яъни кишиларнинг ҳаммаси эмас, балки кўпчилиги Аллохни поклайди. У айтилиши биланоқ икки кишидан ортиқ бўлмаса керак, деган нарса хаёлга келади. Аммо барча уламолар улар энг камида уч киши бўлишларига иттифоқ қилдилар.

Бир фикр:

1. Жам ёки муфрад ҳолида боғланувчи «مَنْ» ва боғланмайдиган «مَا»лар умумдир. Масалан, исми шарт ва истифҳомдаги «أَيُّ» каби.

Боғламайдиган «مَا»даги ом сўзлар ё ҳеч қандай жинсга хосланмаган мутлақ бўлади ё айрим жинсларга хосланган номутлақ бўлади. Мутлақ «مَا»га мисол: Исми шарт: «عَلَى الْبَيْدِ مَا أَخَذْتُ حَتَّى تَرُدَّهُ». Истифҳом: «مَاذَا صَنَعْتَ؟». Номутлақ «مَا»га мисол: Исми шарт ва истифҳом: «مَتَى جِئْتَنِي أَكْرَمْتُكَ», «مَتَى جَاءَ الْقَوْمُ».

2. Жам касра маърифа жами касра накрадан кўп бўлади: «رِجَالٍ» каби. Шунинг учун бунинг акси дейилмайди.

3. Жамдан озроқ нарса: «هَلْ هُوَ اثْنَانِ أَوْ ثَلَاثَةٌ» каби.

Ҳар хил келса, иккита билан учтанинг ўртасида бўлади ва аниқлаш учун қарина керак бўлади.

Суннат жиҳатидан олганда эса жамоат намози Росулulloх ﷺнинг ушбу ҳадисларига мувофиқ икки киши билан амалга ошаверади:

«الْإِثْنَانِ فَمَا فَوْقَهُمَا جَمَاعَةٌ»

«Икки киши ва иккитадан кўпи жамоадир».¹⁷⁸

Иккинчи:

а) Хос сийға:

1. Алам исмлар. «نُوحٌ», «مُحَمَّدٌ» каби шахслар исми бўладими ёки «نُفْحَةٌ» каби нарсалар оти бўладими, «مِشْمِشٌ» каби меваларга берилган ном бўладими фарқсиз.

⁽¹⁷⁸⁾ Бухорий бу ҳадисни таълиқ қилган, Аҳмад эса бундай ривоят қилган: Набий ﷺ бир кишининг намоз ўқиётганини кўриб, «هَذَا جَمَاعَةٌ» قَالَ: فَقَالَ: هَذَا جَمَاعَةٌ. «Ким бу кишига садақа қилиб (бирга намоз ўқийди), дедилар. (Шунда бир киши унга эргашиб намоз ўқиганди) Бу иккаласи жамоатдир, дедилар» «Фатхул-Борий»: 142/2.

2. Аҳд (таниқлилик) алиф-ломи бўлган маърифа. Масалан, сиз ўзингиз билан тингловчи ўртасида таниқли бўлган аниқ бир кишининг келганини назарда тутиб гапирсангиз *جاء الرجلُ* деб айтасиз.

3. Ишора орқали исмни таъйин қилиш. Масалан: «*ذلك القادِمُ*», «*هَذَا الجالسُ*» каби.

4. Иккитадан кўп белгиланган адад (санок): «*خَمْسُونَ*», «*ثَلَاثُونَ*» каби.

б) Тағлиб:

Юқорида умум сўзлари ўз жинси остига кирадиган барча қисмларни ўз ичига олади, дедик. Бироқ араблар муайян ҳолатларда шундай умум сўзларни ҳам истеъмол қилишадик, бу сўзлар бошқа қисмларни ҳам ўз ичига олади ва у қисмлар билан бу қисмлар ўртасидаги боғлиқликни ўз луғатларида кўрсатиб ўтишган. Мана шу умум сўз тағлиб, деб аталади. Араблар луғатларида истеъмол қилишган ушбу тағлибни ўрганилса, улар куйидаги ҳолатларда келгани аён бўлади:

1. Муаннасни ўз ичига олувчи музаккар тағлиб. Яъни эркакларга нисбатан ишлатилган сўз замирига аёллар ҳам кирадиган умум сўз. Мисол учун, эркакларга ҳам аёлларга ҳам хитоб қилинмоқчи бўлса, музаккар билан зикр қилинади-да, музаккар аёлларни ҳам ўз ичига олади. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ آيَاتٍ لِّأُولِي الْأَلْبَابِ

– „*Осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир*“.

[3:190]

Бу оятда «*لأُولِي الْأَلْبَابِ*» сўзи музаккар бўлиб, «*أَلَاتِ الْأَبَاءِ*»ларни ҳам ўз ичига олади. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تُقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُمْ مُسْلِمُونَ

– „*Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиб билан кўрқинлар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинлар!*“.

[3:102]

Бу оятда ҳам «*الذين آمنوا*» сўзи «*اللاتي آمنن*» маъносини ўз ичига олади.

а) Агар бирор қарина орқали фақат эркакларга хос хитоб қилинган бўлса, у ҳолда тағлиб бўлмайди. Масалан, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи каби:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ
– „Эй мўминлар, қачон Жума кунидаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар!“ [62:9]

Бу оятдаги «الذين آمنوا» сўзи билан «فاسعوا إلى ذكر الله» сўзида тағлиб йўқ. Чунки жума намози фақат эркакларга хос фарзидир. Шунинг учун «الذين» ҳам, «اسعوا» ҳам қандай бўлса шундайлигича эркакларга ишлатилади.

б) Агар хитобдан ноаниқликни кетказиш учун ҳукмнинг эркакка қанчалик даражада тааллуқли бўлса, аёлга ҳам шунчалик даражада тааллуқлилигини кўрсатиш мақсад қилинган бўлса, тағлиб бўлмайди. Бундай ҳолда, эркакка ҳам, аёлга ҳам алоҳида хитоб келади. Масалан, аёлларнинг Росулulloҳ ﷺ дан аҳкомлар хитоби кўпроқ эркакларга қилиняпти, эҳтимол аёлларнинг аҳамияти камроқ бўлгани учун шундай бўлаётгандир, деб сўраганлари каби. Шунинг учун айрим оятлар айна ноаниқликни кетказиш учун аёллар ролини алоҳида кўрсатган ҳолда нозил бўлди. Масалан, ушбу оятлар каби:

فَاسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ عَامِلٍ مِّنْكُمْ مِّمَّنْ ذَكَرْتُ أَوْ أَنْتِي

– „Бас, уларнинг Робби дуоларини ижобат қилиб «Албатта Мен сизлардан бирон амал қилгувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмагайман, (деди)“ [3:195]

إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ

– „Албатта муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар...“ [33:35]

إِنَّ الْمُسَدِّقِينَ وَالْمُسَدِّقَاتِ وَأَقْرَبُوا اللَّهَ قَرَضًا حَسَنًا

– „Албатта садақа қилгувчи эркаклар ва садақа қилгувчи аёллар ҳамда Аллоҳга қарзи ҳасана берганлар...“ [57:18]

Мана шу оятларда ҳукмнинг эркакка қанчалик даражада таллуқли бўлса, аёлга ҳам шунчалик даражада тааллуқлилигини кўрсатиш мақсад қилинган хитоблар келган.

Баъзан хитобда ҳукми мазаммат қилишга тааллуқлилигини кўрсатилади: Аллоҳ Таоло айтади:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ

– „Аллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларга ҳамда кофирларга улар абадий қоладиган жаҳаннам отагини ваҳда қилди“ [9:68]

لِيُعَذِّبَ اللَّهُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْمُشْرِكِينَ وَالْمُشْرِكَاتِ

– „Аллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларни, муширик ва муширикаларни азоблаш учун“ [33:73]

2. Ақл эгаси ва ақлсизга хитоб қилинганда ақл эгасига қилинган хитоб ақлсиз нарсадан тағлиб қилинади: Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِذَا مَسَّكُمُ الضُّرُّ فِي الْبَحْرِ ضَلَّ مَنْ تَدْعُونَ إِلَّا إِلِيَّاهُ

– „Қачон денгизда сизларга бирон мусибат етса, сизлар илтижо қиладиган бутлар зойиб бўлур, фақат Унинг Ўзигина қолур“ . [17:67]

Яъни улар олиҳалар, ақлсиз санамлар ва ақлсизларга илтижо қилишарди. Шунинг учун оятда «مَنْ» орқали тағлиб билан «сизлар олиҳа дея сиғинаётган нарсалар бу ўринда ҳатто ақлли бўлган тақдирда ҳам сизга асло фойда ҳам бермайди, илтижоингизни қабул ҳам қилолмайди», деган нарсани кўрсатиб кўйилмоқчи. Улар сиғинаётган бундай жонсиз бутлар қандай ҳам уларга фойда берсин. Сўраганларини ижобат қилсин? Ушбу нарса Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи ҳеч қандай шериксиз яратувчи, дуогўйнинг дуосини ижобат қилувчи, Ундан ўзга нарсалар эса Унинг тарафидан яралган нарсалар эканини таъкидлаш учун келди. Аллоҳ Таоло айтади:

وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِمَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

– „Парвардигорингиз осмонлар ва Ердаги бор жонзотни жуда яхши билур“ . [17:55]

Яъни осмонлар ва ерда ақл эгасини ҳам, ақлсизни ҳам билгувчи, демақдир. Ақл эгасига қилинган хитоб эса оятда «مَنْ» сўзи билан келяпти. Масалан:

а) Агар ақл эгасининг ақлсизлар билан бирга келиши ҳукмга таъсир қилмаса, яъни улар билан гўё бирга бўлмаса, ақл эгасини тағлиб қилинмайди, балки хитоб ақлсизларга қарата қилинган бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ

– „(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Аллоҳни кўйиб сиғинаётган нарсаларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир“ . [21:98]

Яъни мушриклар бутларга сиғинишарди. Баъзилари эса Исо ибн Марям ﷺ га сиғинишарди. Аммо Исо ибн Марямга унинг ўзи рози бўлмаган ва бундан уларни қайтаролмаган ҳолида сиғинишарди. Шунинг учун оятда «مَا» ҳарфини ишлатиш билан ақлсиз нарсаларга қарата хитоб қилиняпти. Шунинг учун Зибъарий «бу ерда Исо ҳам айтиляпти, Исо ҳам жаҳаннамга тушадику, дея Росулulloҳ билан ҳужжат талашганида Исо ﷺ ни жаҳаннамдан истисно қилувчи ушбу оят нозил бўлди:

إِنَّ الَّذِينَ سَبَقَتْ لَهُمْ مِنَّا الْحُسْنَىٰ أُولَٰئِكَ عَنْهَا مُبْعَدُونَ

– „**Албатта Бизнинг томонимиздан гўзал (манзилат-мартаба) берилган зотлар - ана ўшалар (жаҳаннамдан) узоқ қилинурлар**“.

[21:101]

Аввалги оятдан ақлсиз нарсага нисбатан қўлланувчи «مَا» ҳарфи луғатда тағлиб қоидаси билан қўлланиб, ақлли нарсалардан ҳисобланган Исо ﷺ ни ҳам ўз ичига олади, деган маъно бор. Шунинг учун мазкур оятдаги умумни ифодаловчи «مَا» ҳарфи хослаб кўйилди ва бу «مَا» ҳарфини ишлатишдаги афзал маъно ҳисобланди. Энди бу ердаги «مَا» ақлсиз нарсага қўлланиб, тағлиб ишлатилмайди, деган гапга келсак, бу афзал гап эмас. Чунки иккинчи оят орқали Исо ﷺ ни бундан мустасно қилинганлиги учун бу гапга эҳтиёж йўқ.

б) Агар ақл эгасини гўё йўқ, деган эъъянида хитоб қилинса ҳамда мақсад унинг таъсир қилмагани учун эмас, балки бошқа махлуқотларга нисбатан озчиликни ташкил қилишини кўрсатиш бўлса, у ҳолда ақл эгасини тағлиб қилинмайди. Балки айни хитоб ақлсиз кимсаларга нисбатан қилинган бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

وَلِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ

– „**Осмонлар ва ердаги бор нарсалар Аллоҳникидир**“.

[3:109]

Бу оятда ақлсиз нарсалар мақсад қилинган бўлиб, Аллоҳ ﷻ га бўйсунувчи ақлсиз махлуқотлар ақл эгаларига нисбатан жуда ҳам кўп, демакдир. Аллоҳ Таоло яна айтади:

يُسَبِّحُ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ

– „**Осмонлардаги ва ердаги бор нарса Аллоҳга тасбеҳ айтур**“.

[64:1]

Яъни Аллоҳнинг бутун мулки ичида Уни поклаб, тасбеҳ айтиб, итоат қилувчи махлуқотлар ақл эгаларига нисбатан сон-саноксиз жуда-жуда кўп, демакдир. Мақсад ўша ақл эгалари ва мукаллафлар орасидаги Ул Зотга тасбеҳ айтмайдиганлар шаънини пастга уришдир.

в) Сўзловчи ва тингловчи ақл эгасининг сифат ва моҳиятини билмаса ёки сўзловчи билмагани учун дарҳол билмоқчи бўлса, ақлсиз бўлган тингловчининг услуби ақл эгаси билан бирга келади. Чунки араблар одати бўйича, бирор нарса яқинлашиб келаётганини кўрса, унинг сифат ва моҳиятини билмоқчи бўлиб, «مَا هَذَا» дейди. Шунинг учун сифат ва моҳияти номаълум нарса тўғрисида ҳам суриштиришади:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اسْجُدُوا لِلرَّحْمَنِ قَالُوا وَمَا الرَّحْمَنُ

– „Қачон «Раҳмонга сажда қилинглар», дейилса, улар: «Нима у Раҳмон?, дейишди».

[25:60]

قَالَ فِرْعَوْنُ وَمَا رَبُّ الْعَالَمِينَ

– „Фирҳавн «Барча оламларнинг Робби ким?, деди».

[26:23]

وَلَا يَجِدُ لَهُمْ أَنْ يَكْتُمْنَ مَا خَلَقَ اللَّهُ فِي أَرْحَامِهِنَّ

– „Улар учун Аллоҳ бачадонларида яратган нарсани яширишлари ҳалол бўлмайди».

[2:228]

إِذْ حَضَرَ يَعْقُوبَ الْمَوْتُ إِذْ قَالَ لِبَنِيهِ مَا تَعْبُدُونَ مِن بَعْدِي

– „Яҳқубга ўлим келгач, у ўғиллариға: «Мендан кейин нимаға ибодат қиласизлар?, деди».

[2:133]

Яъни Яъқуб **عليه السلام** тингловчига номаълум бўлган сифинилувчини дарҳол билмоқчи бўляпти. Мақсади инсон ўз ақли ва фитратидан фойдаланиб, бировдан нақл қилмасдан ҳам ўз яратувчисини таниш ва унга имон келтиришға қодир эканлигини баён қилишдир.

г) Агар ақл эғасига нарсаларни ҳалол ва ҳаром қилиш жиҳатидан хитоб қилинган бўлса, ақл эғаларига ҳам Аллоҳ Таолонинг ушбу оятларида келганидек, ақл эғаси бўлмаганларға ишлатилувчи «مَا» ишлатилади:

فَانكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ

– „Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларға уйланаверинг».

[4:3]

وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ

– „Эрлик аёллар (ҳам ҳаром қилинди). Магар (уруш-жангларда) эға бўлган чўриларингиз ҳалолдир».

[4:24]

وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ مِنَ النِّسَاءِ

– „Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизға олманг».

[4:22]

3. Ақл эғаси сифатини тағлиб қилиш.

Ақлсиз нарса ақл эғаларининг сифати билан сифатланса, ақл эғаси сифатини тағлиб қилинган бўлади. Мисол учун Аллоҳ Таоло айтади:

إِذْ قَالَ يُوسُفُ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ إِنِّي رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ رَأَيْتُهُمْ لِي سَاجِدِينَ

– „Эсланг, Юсуф отасига: «Эй ота, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна кўёш ва ойни кўрибман, ҳаммалари менға сажда қилишаётган эмиш, деди».

[12:4]

Бу ояти каримада «رَأَيْتُهُمْ» дея ақлсиз нарсалар ўрнига «رَأَيْتُهُمْ» деб, ақл эгалари сифати келяпти. Бу ой, куёш ва юлдузларни «سَاجِدِينَ» дея зоҳиран ақл эгалари сифати билан сифатлашдир. Яна бир мисол: Аллоҳ Таоло айтади:

قَالَ بَلْ فَعَلَهُ كَبِيرُهُمْ هَذَا فَاسْأَلُوهُمْ إِنْ كَانُوا يَنْطِقُونَ

– „(Иброҳим) айтди: *«Иўқ, бу ишни уларнинг каттаси мана бу (хайкал) қилди. Бас, (бутларингиздан) сўранглар, агар гапира оладиган бўлсалар»*. [21:63]

Бу оятда сўраш ҳам гапириш ҳам ақл эгаси сифатида келяпти. Демак, «كَبِيرُهَا» дея ақлсиз бўлган бутлар хитоби ўрнига «كَبِيرُهُمْ» дея ақл эгаси хитоби билан ҳамда «فَاسْأَلُوهَا» ўрнига «فَسْأَلُوهُمْ» билан тағлиб қилинди.

Мулоҳаза:

Юқорида араблар тағлибни умум сийғасида ишлатишларини айтдик. Шунингдек, улар тағлибни хос сийғада ҳам ишлатишади ва буни мусанно (тасния) тағлиби, дейилади. Масалан, улар муфрад сўзини тасния қилиб ишлатишади. Бундан мақсад, ўша муфрад у билан жинси бошқа, аммо ўзаро боғлиқ бўлган яна бир муфрадга далолат қилишидир. Масалан, «قمران» дейишса, ой ва куёшни, «والدان» дейишса, ота ва онани назарда тутишади. Шунга ўхшаш, иккита муштарак нарсани битта тасния сифат билан айтишади. Масалан, Маккадаги иккита салобатли «أَبُو قَيْسٍ» ва «قَيْقَعَانُ» тоғларини битта тасния сўз билан «الأخشبان» дейишади. Хурмо ва сув ёки чаён ва илонни ҳам «الأسودان» дея битта тасния билан айтишади.

Умумни хослаш:

Умумий маънони англатувчи сўзни хос маънога хослаш (айлантириш) билан унинг мутлақо хос қилиш мумкин.

Хослаш далолатлари:

Биринчи: муттасил (бошқа жумлага алоқадор) хослаш далолатлари.

Иккинчи: алоҳида хослаш далолатлари.

Биринчи: Муттасил хослаш далолатлари:

а) Истисно:

«لَا يَكُونُ، لَيْسَ، مَا خَلَا، مَا عَدَا، عَدَا، حَاشَا، سِوَى، غَيْرُ، إِلَّا» истисно харфларидир.

1. Аслида «إِلَّا» истисно харфи. Аммо муттасил истисно ҳолатида яъни мустасно мустасно минхунинг жинсидан бўлган ҳолатда у хосланади: Аллоҳ Таоло айтади:

فَقَجَّيْنَاهُ وَأَهْلَهُ أَجْمَعِينَ * إِلَّا عَجُوزاً فِي الْغَابِرِينَ

– „**Бас Биз унга ва унинг барча аҳли тобеҳларига нажот бердик. Магар (азоб остида) қолғувчилардан бўлган бир кампирга**“.
[26:170-171]

Бу оятда «العجوز» сўзи «من اهله»дан мустасно. Яъни кампир уларнинг жинсидан бўлиб, бу ерда истисно орқали хослов бўляпти.

2. Аммо «إِلَّا» баъзан бошқа маъноларда келади ва бунда истисно билан хослов бўлмайди. Масалан, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломида келганидек, мунқатиъ мустасно, яъни мустасно мустасно минху жинсидан бўлмаслиги ҳам мумкин:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ

– „**Эсланг, (эй Мухаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис (сажда қилмади)**“.
[2:34]

Бу оятда «إِبْلِيسَ» сўзи «الْمَلَائِكَةِ» жинсидан эмас, шунинг учун маъно иблис сажда қилмади, деганни англатади.

3. «إِلَّا» ҳаср харфи бўлиб келади. Бу ҳолда ҳам истисно орқали хослов ҳаср бўлмайди: Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ

– „**Унинг (муташобиҳнинг) таъвилини фақат Аллоҳ билади ва илмда собит бўлганлар (ҳам биладилар)**“.
[3:7]

4. Баъзан «إِلَّا» харфи мулғот (амал қилмайдиган) истисно бўлади. Бундай ҳолда «إِلَّا»дан кейинги сўз «إِلَّا»дан аввалги сўздан бадал бўлади. Масалан, «لا إله إلا الله» сўзини олайлик. Бунда «الله» сўзи истиснога мансуб эмас. Балки, жинс учун келган нафи «لا»си ва унинг исмидан бадал бўляпти. Яъни раф ҳолидаги мубтадо бўлмиш «الله»дан «الله» сўзи раф ҳолатидаги бадал бўляпти.

5. «إِلَّا» баъзан ўзидан аввалги сўзнинг сифати каби «غَيْرُ» маъносида келади. Бунда ҳам истисно орқали хослов бўлмайди: Аллоҳ Таоло айтади:

لَوْ كَانَ فِيهِمَا آلِهَةٌ إِلَّا اللَّهُ لَفَسَدَتَا

– „Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди“. [21:22]

Яъни Аллоҳдан ўзга, демакдир. Чунки агар бу ерда «لَا» ҳарфи истисно бўлганида, маъно «осмонлар ва ернинг бузилишига сабаб у ерда илоҳлар бор-у, Аллоҳ бўлмаганли», деганни англатар эди. Яъни «осмонлар ва ерда илоҳлар билан бирга Аллоҳ ҳам бўлганида, иккаласи ҳам бузилмаган бўларди», деган маъно чиқиб қоларди. Бундай маъно албатта ботилдир. Чунки бузилиш сабаби ана шу илоҳлар билан Аллоҳнинг бўлмаганлиги эмас, балки фақат Аллоҳнинг бўлмаганлигидир. Яъни қачон ер ва осмонда Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлса, улар бузилиб кетган бўлар эди, демакдир. Мана шунда «لَا» ҳарфи истисно эмас, «غَيْر» маъносида келган бўлади. Демак, оят маъноси «агар Аллоҳдан истисно илоҳлар бўлганида ҳар иккаласи ҳам бузилиб кетар эди», деган маъно эмас, балки «Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди», деган маънони англатади ва илло ғойри маъносида келган бўлади. Илло билан иллодан кейинги сўз яъни «لَا اللَّهُ» сўзи эса «الْهَيْئَة»га сифат бўлади. Чунки илло ҳарф бўлгани боис, ундан аввалги сўз, яъни мавсуфнинг ҳаракати сифатга кўчади. Ояти Каримадаги «الْهَيْئَة»нинг ҳаракати раф бўлгани учун унинг сифати бўлмиш «اللَّهُ» сўзи ҳам раф бўлади. Агар илло ҳарфи истисно бўлганида эди, ундан кейинги ҳарф насб холида бўларди. Чунки унинг олдида исбот оқимидаги мустасно келиб, буни насб белгилаб берган бўлар эди.

б) «غَيْر»:

Бу ҳарф баъзан истисно учун илло маъносида келади. Бундай ҳолатда ғойрининг ҳаракати иллодан кейинги мустаснонинг ҳаракати билан бир хил бўлади. Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи бунга мисолдир:

لَا يَسْتَوِي الْقَاعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ غَيْرُ أُولِي الضَّرَرِ وَالْمُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ
– „Мўминлардан ўзлари бешикаст бўлиб туриб (жиҳодга чиқмай) ўтириб олган кишилар билан Аллоҳ йўлида мол ва жонлари ила курашган зотлар баробар бўлмайди“. [4:95]

«غَيْر» ҳарфи мутавотир даражасида куйидагича ўқилади:

Раф ўқилса, «الْقَاعِدُونَ» сўзига сифат бўлади.

Насб ўқилса, мустасно бўлади.

1. Истисно орқали хослов дуруст бўлиши учун шарт шуки, ҳақиқий маънода истисно билан мустасно минҳу ўртасида

боғлиқлик бўлсин ва истисно қилиш орасида одатдан кўпроқ вақт узилиш бўлмасин. Орада бир ой ўтса ҳам истисно қилса дуруст бўлади, дегувчиларнинг гапи қуйидаги далилларга кўра, рад этилади:

а) Росулulloҳ ﷺнинг ушбу ҳадислари:

«مَنْ حَلَفَ إِلَى شَيْءٍ فَرَأَى غَيْرَهُ خَيْرًا فَلْيَأْتِ الذِّي هُوَ خَيْرٌ وَلْيَكْفُرْ عَنْ يَمِينِهِ»

«Ким бир нарсага қасам ичса-ю, ундан яхшироғини кўриб қолса, яхшироғига келсин (қилсин) ва қасамига каффорат берсин».¹⁷⁹

Ҳадисдан кўриниб турибдики, истиснони узоқ муддатдан кейин ҳам қилиш дуруст бўлганида эди қасам ичган киши истисно қилинган ва каффорат тўламаган бўлар эди.

б) Луғатшунослар узоқ вақтдан кейин истисно қилишни тартибли гап, деб ҳисоблашмайди ва буни арабларнинг гапларига киритишмайди. Шунинг учун «لَفْلَانٍ عَلَى عَشْرَةِ دَرَاهِمٍ» дейилса, кейин бир ой ё бир йил ўтгач, «لَفْلَانٍ عَلَى عَشْرَةِ دَرَاهِمٍ إِلَّا دَرَاهِمًا» деса, бу истисно бўлмайди, тўғри гап ҳам ҳисобланмайди.

в) Араблар луғатида одатдан кўпроқ муддатдан кейин ҳам истисно қилинса дуруст бўлаверади, дейилса, у ҳолда, на ростгўйнинг рост гапини, на ёлғончининг ёлғон гапини билиб бўлар, на қасам, ваъда ҳамда таҳдидга ишонч ҳосил бўлар эди. Ваҳоланки, буларга таяниш шаръий далиллар орқали собит бўлгандир.

2. Муттасил истиснога (фуқаҳолар ўртасида) маълум бўлган нарсалар тўғрисида ихтилофсиз амал қилинади. Масалан:

إِلَّا مَنْ أَكْرَهُ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ

– „*Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишига) мажбур қилинса, (унинг иймонига зиён етмас)*“.

[16:106]

Ушбу оят аввалида умумийлик сифати хосланган.

3. Истисно ўзига энг яқин мустаснога қайтади:

إِلَّا آلَ لُوطٍ إِنَّا لَمُنَجُّوهُمْ أَجْمَعِينَ * إِلَّا امْرَأَتَهُ

– „*Магар Лут аҳлига эмас. Албатта, Биз уларнинг ҳаммасини қутқарувчимиз. Фақат унинг хотини истиснодир*“.

[15:59-60]

Бу оятда Лутнинг хотини қутқарилувчилардан мустасно бўлиб, истисно қутқарилувчиларга боғланыпти.

⁽¹⁷⁹⁾ Бухорий: 6158, 7000. Муслим: 3113.

Айтишларича, лугатшунослар «عَلَى لِفْلَانٍ عَشْرَةٌ دَرَاهِمَ إِلَّا ثَلَاثَةً إِلَّا دِرْهَمَيْنِ» дейилса, бу гап ва унинг талабларига тўғри келади дейишади. Яъни бу $10 - (3-2) = 9$ дирхам, деганни англатади. Чунки бу сўздаги «الدَّرْهَمَيْنِ» сўзи «ثَلَاثَةً»дан мустасно, у эса «عَشْرَةٌ»дан мустаснодир. Фуқаҳолар ўртасида ихтилофсиз деб билинган истисно мана шудир.

4. Мустасно мустасно минхунинг жинсидан бўлиши лозим. Аммо унинг жинсидан бўлмаса, унда ихтилоф бўлади ҳамда ман қилувчи бирор қарина бўлмаса, унга амал қилиш дуруст бўлаверади ва бу мунқатиъ истисно, дейилади:

ثُمَّ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ لَمْ يَكُن مِّنَ السَّاجِدِينَ

– „**Сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилинглр», дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилувчилардан бўлмади**“.

[7:11]

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ فَفَسَقَ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِ

– „**Эсланг, (эй Мухаммад), фаришталарга Одамга таҳзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйинсунишдан бош тортди**“.

[18:50]

Иблис эса фаришталар жинсидан эмас, жинлар жинсидандир.

فَإِنَّهُمْ عَدُوٌّ لِّيَ إِلَّا رَبَّ الْعَالَمِينَ

– „**Шак-шубҳасиз улар мен учун душмандир (бас мен уларга ибодат қилмайман), магар барча оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман)**“.

[26:77]

وَمَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ

– „**Холбуки улар учун бу ҳақда (яъни, фаришталарнинг қайси жинсдан эканлиги ҳақида) бирон билим-хужжат йўқдир. Улар фақат гўмон-тахминга эргашурлар холос**“.

[53:28]

«وَبَلَدَةٌ لَّيْسَ بِهَا أَنْبِيسٌ إِلَّا الْيَعْفِيرُ وَإِلَّا الْعَيْسُ»¹⁸⁰

«السُّبْحِيُّ» сўзи «الْأَنْبِيسُ» жинсидан эмас.

Бунга арабларнинг ушбу сўзлари ҳам мисол бўлади: «مَا زَادَ إِلَّا» «تَقْصَصَ، مَا بِالذَّارِ أَحَدٌ إِلَّا الْوَتِيدَ»

5. Истисно ҳукми шуки, агар истисно бир бирига атф бўлган хитоб ёнида келса, энг яқин маътуфга қайтади ва то бирор қарина келмас экан, ўзидан аввалгига қайтмайди:

⁽¹⁸⁰⁾ «بَعْفُورٌ» эса тупроқранг ёки умуман кийик. оқ-малла аралаш рангли туя.

وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ * إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

– „Покиза аёлларни бадном қилиб, сўнгра тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон дарра уринлар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманлар! Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир. Магар шундан кейин тавба қилиб, (ўзларини) тузатган кишиларгина (бундан мустаснодир). Зеро Аллоҳ мағфиратли, раҳимлидир“.

[24:4-5]

Бу оятда истисно фақат тавба қилган тухматчини фосиқликдан мустасно қиляпти аммо уни гувоҳлик беришига рухсат бермаяпти ва жазо олишдан ҳам мустасно қилмаяпти.

а) Шарт ва унинг ушбу машҳур ҳарфлари билан хослаш: энгил «مَنْ», «أَيُّمًا», «إِذْمًا», «حَيْثَمَا», «مَهْمَا», «مَنْ», «إِذَا», «إِنْ», ақл эгаси бўлган «مَنْ», албатта келиши зарур бўлган нарсага нисбатан «إِذَا» каби.

وَأَنْتُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَرْوَاجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ وَلَدٌ

– „Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан — агар улардан фарзанд қолмаган бўлса — ярми тегур“.

[4:12]

Бу оятда хотиннинг мулки эрга хосланиб берилган. Шу шарт биланки, хотини қиз ё ўғил бўлишидан қатъий назар, фарзанд қолдирмаган бўлиши лозим.

б) Умумни сифат билан хослаш:

وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ مِنْكُمْ طَوْلًا أَنْ يَنْكِحَ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ فَمِنْ مِمَّا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ مِنْ فِتْيَانِكُمُ الْمُؤْمِنَاتِ

– „Кимингиз озод мўмина аёлларга уйланишга қодир бўлмасангиз, қўл остингиздаги чўри мўмина қизларингиздан бирига уйланаверинг“.

[4:25]

Бу ҳукм эркакка чўриси мўмина бўлган тақдирдагина унга уйланишга рухсат беради. Агар чўри мўмина бўлмаса, унга уйланиш ножоиздир.

в) «Омма»дан бадали баъзни хослаш:

«جَاءَنِي الْقَوْمُ رُسَاءُهُمْ» Яъни қавм орасидан уларнинг раисларини

хосланди.

г) Умумни ғоя билан хослаш:

Ғоя сийғаси «إِلَى» ва «حَتَّى» ҳарфлари. Бунда ушбу ҳарфлардан кейинги ҳукм аввалгининг ҳукмидан бошқача бўлиши лозим:

فَاعْسَلُوا وَجُوهَكُمْ وَأَيِّدِيكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلُكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

– „Юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиганоқларигача ювинг, бошларингизга масх тортинг ва оёқларингизни ошиқларигача ювинг“.

[5:6]

Агар ғоя ҳарфларидан кейинги ҳукм ундан аввалги ҳукмдан бошқача бўлмаса, у ҳолда, бу ҳарф ғоя ҳарфи бўлмай қолади. Шунинг учун «إِلَى» ва «حَتَّى» ҳарфларидаги хослаш далолатларини бекор қилишга тўғри келади. Ғоя битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Битта ғоя мисол: «أَكْرِمَ بَنِي تَيْمِيمَ أَبَدًا إِلَى أَنْ يَدْخُلُوا الدَّارَ...». Бу гапда ҳурмат қилишни ҳовлига киришларидан аввалга хосланяпти ҳамда ҳурмат қилиш маъносини ҳовлига киргандан кейин олиб ташланяпти. Агар ушбу «إِلَى» ҳарфи келмаганида, ҳурмат қилиш уйга киришгандан кейин ҳам умумий бўлиб турган бўларди.

Агар ғоя бир нечта бўлса, ё жамга ё бадалга қаратилган ғоя бўлади. Жамга қаратилган ғояга мисол: «أَكْرِمَ بَنِي تَيْمِيمَ أَبَدًا إِلَى أَنْ يَدْخُلُوا الدَّارَ وَتَأْكُلُوا الطَّعَامَ الدَّارَ أَوْ السُّوقَ». Бу мисолда ҳурмат қилиш то икки ғоя тугагунча давом этиб, ундан нарига ўтмаслигига хосланяпти. Бадалга қаратилган ғояга мисол: «أَكْرِمَ بَنِي تَيْمِيمَ أَبَدًا إِلَى أَنْ يَدْخُلُوا الدَّارَ أَوْ السُّوقَ». Бу мисолда ҳурмат қилиш то икки ғоянинг бирига, уларнинг қайсинисига аввал етилгунига қадар хосланяпти.

д) Умумни шу умумга боғлиқ, мустақил бир гап билан хослаш:

Бунда хосланиши лозим бўлган умумий нусусни муттасил (шу нусусга алоқадор) бирор нусус билан хосланган бўлади. Бу хослаш истисно, шарт, сифат, бадал ва ғоясиз, хослашга дахлдор бўлган баъзи вақтларда алоҳида далиллар, деб ҳам аталади. Бу ерда уни зикр қилишимиздан мақсад эса унинг айнан мана шу нусусга алоқадор бўлганидир.

فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ

– „Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин“.

[2:185]

Бу оятда ойни гувоҳи бўлган ҳар бир кишига рўза умумий фарз бўлган. Аммо бу оятга эргашиб, у билан боғлиқ бўлиб келган бир гап (оят) борки, гарчи у мустақил келган бўлса-да, хаста билан мусофирни бу умумийликдан чиқариб қўйган:

وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ

– „Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда саногини бошқа кунларда тутади.“

[2:185]

Муттасил (бошқа нусусга алоқадор), муस्ताқил гап билан хослаш – жумлалар кўп бўлса – энг яқин жумлага қайтади.

وَأُمَّهَاتُ نِسَائِكُمْ وَرَبَائِكُمْ اللَّاتِي فِي حُجُورِكُمْ مِّن نِّسَائِكُمُ اللَّاتِي دَخَلْتُم بِهِنَّ

– „Қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари (ҳаром қилинди)“ [4:23]

Бу оятда бошқалардан фарқли айрим ўғай қизлар хосланяпти ва бу хослаш фақат уларга чекланган. Чунки у энг яқин жумла бўлиб, қайноналарга қайтмайди. Яъни хотин билан қўшилган бўлиш уларнинг қизларини ҳаром қилади, қайноналарни ҳаром қилмайди. Чунки хотиннинг онаси (қайнона) – хотин билан қўшилган бўлиш ё қўшилган бўлмасликдан қатъий назар – хотин билан никоҳ қилинган пайтдан бошлаб ҳаром қилингандир. Масалан, киши бир аёлни никоҳига олса-ю, у билан қўшилмасдан туриб талоқ қилган бўлса, қайнонаси ҳаром бўлади, бу пайтда унинг қизи унга ҳалол бўлади.

Иккинчи: Алоҳида хослаш далолатлари:

1. Ақида масаласида умумни ақлий далил билан хослаш: Аллоҳ Таоло айтади:

اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ

– „Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир“ [39:62]

2. Қуръонни Қуръон билан хослаш: Аллоҳ Таоло айтади:

وَأُولَاتِ الْأَحْمَالِ أَجْلُهُنَّ أَنْ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ

– „Ҳомиладор (аёл)ларнинг (идда) муддатлари ҳомидаларини туғишларидир“ [65:4]

Бу оят мана бу оятни хослайди:

وَالَّذِينَ يَتَّبِعُونَ مَنكُم وَيَدْرُونَ أَرْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا

– „Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун идда сақлаб турадилар“ [2:234]

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг ушбу

وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِن قَبْلِكُمْ

– „ Сизлардан илгари Китоб берилган кимсалардан бўлган ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир “ [5:5]

деган ояти ҳам мана бу оятни хослайди:

وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكَاتِ حَتَّى يُؤْمِنَ

– „То имонга кирмагунларича муширика аёлларга уйланманглар“ [2:221]

3. Суннатни Суннат билан хослаш: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَا زَكَاةَ فِيمَا دُونَ خَمْسَةِ أَوْسُقٍ»

«Беш васак (олти соя)дан оз бўлса, закот берилмайди».¹⁸¹

Росулуллохнинг бу сўзлари мана бу сўзларини хослайди:

«فِيمَا سَقَتِ السَّمَاءُ عَشْرًا»

«Осмон суғорган экинлардан ушр берилади».¹⁸²

4. Суннатни Қуръон билан хослаш:

وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ

– „Сизга — ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, Қуръонни нозил қилдик“.
[16:89]

Бу оятдаги «наrsa» таркибига Суннат ҳам киради.

Худайбия сулҳида бундай дейилган:

«أَنْ لَا يَأْتِيكَ أَحَدٌ مِنَّا وَإِنْ كَانَ عَلَى دِينِكَ إِلَّا رَدَدْتَهُ»

«Биздан бирор киши сенинг олдинга келмайди. Агар у сенинг динингда бўлса ҳам, уни бизга қайтарасан».¹⁸³

Сулҳдаги шарт аёлга ҳам, эркакка ҳам умумий. Аллоҳ ﷻ айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا جَاءَكُمْ الْمُؤْمِنَاتُ مُهَاجِرَاتٍ فَامْتَحِنُوهُنَّ إِنَّهُنَّ لَأَعْلَمُ بِإِيمَانِهِنَّ فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ

– „Эй мўминлар, қачон сизларга мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, сизлар уларни имтиҳон қилиб кўринглар. Аллоҳ уларнинг имонларини жуда яхши билгувчидир. Бас, агар сизлар уларнинг мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда, уларни кофирларга қайтарманглар“.
[60:10]

Бу билан Суннатни Қуръон билан хосланияпти ва эркакка ҳам, аёлга ҳам умумий бўлган «أَحَدٌ» эса бу оят билан фақат эркакларга хос бўляпти.

5. Қуоъонни Суннат билан хослаш:

Аллоҳ Таолонинг

وَأَجَلٌ لَّكُمْ مَا وَرَاءَ ذَلِكَ

– „Мана шулардан бошқалар сизлар учун ҳалол қилинди“.[4:24]
деган каломини Абу Хурайра Росулуллоҳ ﷺдан ривоят қилган куйидаги ҳадис билан саҳобалар хосладилар:

«لَا تُنْكَحُ الْمَرْأَةُ عَلَى عَدَّتِهَا وَلَا خَالَتِهَا»

«Аёл ўзининг аммаси ва холаси устига никоҳ қилинмайди».¹⁸⁴

(181) Бухорий: 1366. Муслим: 1628. Насоий: 2438: Ибн Можа: 1783.

(182) Бухорий: 1388. Муслим: 1630.

(183) Бухорий: 2553. Барродан, у Масур ва Марвондан: 2512, 2529. Термизий: 3493. Абу Довуд: 2384. Аҳмад. 18166.

(184) Абу Хурайра йўлидан Муслим ва Ибн Ҳиббон ривояти.

Шунингдек, саҳобалар Аллоҳ Таолонинг ушбу

يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ

– „Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур“.[4:11] деган каломини ҳам Росулulloҳ ﷺнинг ушбу қатор ҳадислари билан хосладилар:

«نَحْنُ مَعَاشِرُ الْأَنْبِيَاءِ لَا نُورِثُ مَا تَرَكَنَاهُ صَدَقَةً»

«Биз Пайгамбарлар жамоаси ортимиздан садақа қилиб мерос қолдирмаймиз».¹⁸⁵

«الْقَاتِلُ لَا يَرِثُ»

«Қотил мерос олмайди».¹⁸⁶

«لَا يَرِثُ الْكَافِرُ مِنَ الْمُسْلِمِ وَلَا الْمُسْلِمُ مِنَ الْكَافِرِ»

«Кофир мусулмондан ва мусулмон кофирдан мерос олмайди».¹⁸⁷

Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи ҳам қуйидаги ҳадис билан хосланди:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا

– „Ўғри аёл ва ўғри эркакни қўлларини кесинг“.¹⁸⁸ [5:38]

«لَا تُقْطَعُ إِلَّا فِي رُبْعِ دِينَارٍ»

«Бир динорнинг тўртдан бирини ўғирласагина (кўл) кесилади».¹⁸⁸

6. Қуръон ва Суннатни ижмо билан хослаш.¹⁸⁹

Ижмо қазф (пок аёлларга туҳмат қилиш) ҳақидаги оятни қулга жазо беришда ярмини бериш билан хослади. Чўрига бўлгани каби

7. Умумни мафхум билан хослаш. Мафхум мувофақат ё мухолафат бўлишининг фарқи йўқ:

Қўйларнинг барчасига умумий закот бериш тўғрисида келган нусусни ушбу ҳадис билан хослади:

«فِي الْغَنَمِ السَّائِمَةِ زَكَاةٌ»

«Яйловда ўтловчи қўйларига закот бор».¹⁹⁰

Бу нусус мафхуми билан емлаб боқилувчи қўйларга закот бериш фарз эмаслиги баён қилинди. Умумий бўлиб келган ҳадис мана бу:

(185) Бухорий: 2862. Муслим: 3302.

(186) Термизий: 2135 у саҳих эмас, Аҳмад: 49\1.

(187) Бухорий: 1485. Муслим: 3027.

(188) Бухорий: 6291. Муслим: 3189.

(189) ???

(190) Абу Довуд: 96\2. Байҳақий: 99\4.

«وَفِي الْعَمِّ مِنْ أَرْبَعِينَ شَاةً، شَاةً إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةً»

«Қиркта қўйга битта қўй, бир юз йигирматагача битта қўй».¹⁹¹

Ушбу ҳадис биринчи ҳадис мафҳуми билан хосланган. Яъни емлаб боқилган қўйларга закот йўқ.

8. Умумни қиёс билан хослаш:

Агар қиёсда иллат келганлиги бирор нусус ва ижмоъда собит бўлса, ана шу иллат билан умумни хослаш мумкин. Чунки бундай ҳолатда иллат далил вазифасини ўтаб, далил билан хослаш мумкин бўлганидек, иллат билан ҳам хослаш мумкин бўлади.

Мана шулар муттасил ва алоҳида хослаш далолатларидир. Хослаш тўғрисида ўрганар эканмиз, унинг Қуръони Каримда жуда кўп келганини гувоҳи бўламиз. Ҳатто айрим уламолар хосланмайдиган бирорта ҳам умумий нарса қолмаган бўлса керак, деган тасаввурга боришган. Аммо Қуръони Каримда ўз умумийлигича ўзгармай қолганлар ҳам мавжуддир. Бироқ улар хосланувчи умумларга нисбатан оздир.

Умумийлигича қолувчи нарсаларга ҳеч қандай хослаш мумкин бўлмайдиган илоҳий қонунлар мисол бўлади: Масалан, Аллоҳ Таолонинг қуйидаги оятлари каби:

وَجَعَلْنَا مِنَ الْمَاءِ كُلَّ شَيْءٍ حَيٍّ

– „*Барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилдик*“. [21:30]

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا

– „*Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир*“. [11:6]

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ فَإِذَا جَاءَ أَجَلُهُمْ لَا يَسْتَأْجِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ

– „*Ҳар бир умматнинг ажали бор. Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга четга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар*“. [7:34]

Умумий сўзнинг ҳукми:

Агар сўз хословчи далолатдан мутлақо озод шаклда келса, унинг ҳукми қандай бўлади?

Баъзилар бундай деган: Барча хабар ва амрлар тўғрисида келган сўзлар умумий бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам хосланмайди ва то бирор далил топилмагунча уларга тўхталмайди.

Баъзилар бундай деган: Барча хабар ва амрлар тўғрисида келган сўзлар хосдир. То умумийлик далолати топилмас экан, уларда

⁽¹⁹¹⁾ Бухорий: 1362. Термизий: 564. Насоий: 2404. Абу Довуд: 1339. Ибн Можа: 1797. Аҳмад: 68.

камрок исмлар учрайди. Сўздан умумийлик маъноси ифодаланаётган бўлса, унга хослик маъносини берган яхширок.

Баъзиларнинг айтишича, ҳар иккаласида ҳам тўхталиш лозим. Чунки сўзда ҳар иккиси ҳам учраши эҳтимол бўлиб, худди жумлаларда бўлганидек, сўзда ҳам бирор баён керак бўлади.

Буларнинг тўғриси шуки, умумийликни ифодалаётган сўзнинг далолати то хословчи далолат топилмас экан, умумий бўлиб туради. Мисол учун:

1. Юқорида баён қилганимиздек, араб тилида жинсни ифодаловчи умумий сўзлар, ақл эгаларини ифодаловчи умумий сўзлар ҳамда ақлсиз нарсаларни ифодаловчи умумий сўзлар мавжуд.

Қуръон ҳам, Суннат ҳам араб тилида. Агар Аллоҳ Таолонинг каломи ва Росули ﷺнинг хитобидаги бирорта сўз умумий бўлиб келган бўлса, демак, унга луғатда берилган аслий маъно берилади.

Асл-тоза араблар юқорида айтганимиздек, умумий сўзлар учун ҳам, хос сўзлар учун ҳам ажратиб турувчи махсус сийғалар белгилашди. Ҳатто улар тавкид қоидасида умум ва хос ўртасини ажрата олишди. Умум тавкид қоидасида улар «رَأَيْتُ الرَّجَالَ كُلَّهُمْ أَجْمَعِينَ» дейишди, «رَأَيْتُ الرَّجَالَ عَيْنَهُ نَفْسَهُ» дейишмади. Хос тавкиди қоидасида «رَأَيْتُ زَيْدًا كُلَّهُمْ أَجْمَعِينَ» дейишди, аммо «رَأَيْتُ زَيْدًا عَيْنَهُ نَفْسَهُ» дейишмади.

Шунингдек, улар хабарни амрдан ажратиб турувчи, истихборни эса хабарлардан ажратиб турувчи сийғаларини белгилашди. Ҳар бир киши умумий сўзни хос сўздан ажратиб тушуниб олиши учун уларнинг ҳар бирига алоҳида сийға қўйишди.

2. Умумий сўз далолати Қуръони Каримда собит бўлган. Буни куйидаги мисолларда келтирамиз:

а) Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ

– „*(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сизинаётган нарсаларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир*“ . [21:98]

Бу оят нозил бўлганда Зибъарий «Мухаммад билан тортишаман» деди ва Набий ﷺнинг олдиларига келиб, «мен фаришталарга ҳам Масихга ҳам сиғиндим, энди улар жаҳаннамга киришар эканда?», деди.¹⁹² Шундай деб Зибъарий «مَا»нинг

⁽¹⁹²⁾ бир ривоятда келишича, Зибъарий шундай дегач, Росулulloҳ ﷺ унга бундай дейдилар: «مَا أَجْهَلَكَ بِلُغَةِ قَوْمِكَ! أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ مَا لِمَا لَا يُعْقَلُ؟» уят. «مَا» ҳарфи ақлсиз нарсага нисбатан келишини билмайсанми?».

умумийлигига далил келтирди. Набий ﷺ бу гапни инкор қилмадилар. Чунки Аллоҳ Таолонинг юқоридаги каломини инкор қилиб эмас, балки хослаган ҳолда ушбу ояти нозил бўлди:

إِنَّ الَّذِينَ سَبَقَتْ لَهُمْ مِنَّا الْحُسْنَىٰ أُولَٰئِكَ عَنْهَا مُبْعَدُونَ

– „**Албатта Бизнинг томонимиздан гўзал (манзилат-мартаба) берилган зотлар - ана ўшалар (жаҳаннамдан) узоқ қилинурлар**“.

[21:101]

б) Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَمَّا جَاءَتْ رُسُلُنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبِشْرَىٰ قَالُوا إِنَّا مُهْلِكُوا أَهْلَ هَذِهِ الْقَرْيَةِ إِنَّ أَهْلَهَا كَانُوا ظَالِمِينَ* قَالَ إِنَّ فِيهَا لُوطًا قَالُوا نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَن فِيهَا لَنُنَجِّيَنَّهُ وَأَهْلَهُ إِلَّا امْرَأَتَهُ كَانَتْ مِنَ الْغَابِرِينَ

– „**Қачонки Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушxabарни келтиришгач, (элчиларимиз) айтдилар: «Албатта, бизлар ушбу шаҳар аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз. Чунки унинг аҳли золим — кофир бўлдилар. Иброҳим: «Ахир у жойда Лут бор-ку?» — деди. Улар айтдилар: «Бизлар У жойда ким борлигини яхишироқ билгувчидирмиз. Албатта бизлар Лутни ва унинг аҳли-оиласини қутқарурмиз. Магар унинг хотини ҳалок бўлгувчилардандир**“.

[29:31-32]

Оятдан маълум бўлишича, Иброҳим عليه السلام фаришталарнинг «أهل هذه القرية» деган сўзларидан умумийликни тушунди ва улардан ўша шаҳар аҳлидан бўлган Лут عليه السلام тўғрисида сўради. Фаришталар ҳам бунга иқроор бўлиб, Лут عليه السلام ва унинг аҳлини истисно қилиш орқали хослаш билан жавоб бердилар.

3. Тил ва луғат мавзусида сўзнинг хос далолати келмаса, у умумий сўз бўлиши ҳақидаги фикр Исломнинг илк давридаги салафлар мазҳаб-фикридир. Бу куйидаги мисолларда очикрок кўринади:

а) Саҳоба رضي الله عنهлар Аллоҳ Таолонинг « لا تُكْحُ الْمَرْأَةُ عَلَىٰ عَمَّتِهَا وَلَا خَالَتِهَا, وَذُرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا, لَا وَصِيَّةَ لَوَارِثٍ, وَمَنْ قَتَلَ مَظْلُومًا, وَالسَّارِقَ وَالسَّارِقَةَ, الزَّانِيَةَ وَالزَّانِيَّ » каби кўплаб каломларини хосланмаган умумий сўзлар сифатида жорий қилишиб, шунга ижмо қилдилар.

б) Саҳобаларнинг фақат битта далолати бўлган умумий сўзлар тўғрисида бир-бирлари билан тортишганлари воқеалари.

• Бу воқеалардан бири: Али رضي الله عنه билан Абдуллоҳ ибн Масъуд эри вафот этган аёлнинг идда муддати тўғрисида ихтилоф қилишади. Али رضي الله عنه ушбу

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا

– „Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ой ва ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар“.

[2:234]

وَأُولَاتُ الْأَحْمَالِ أَجَلُهُنَّ أَنْ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ

– „Ҳомиладор (аёл)ларнинг (идда) муддатлари ҳомилаларини туғишларидир“.

[65:4]

деган икки оятдаги умумий сўзларни истеъмол қилган ҳолда эри вафот этган аёл иддасини оятлардаги икки муддатнинг энг узоғича сақлайди, дейди. Абдуллоҳ ﷺ эса ҳомиласини туккунча идда сақлайди, дейди. Чунки у иккинчи оят биринчи оятни хослайди, деб ҳисоблайди.

• Ибн Умарга шундай дейишади: Ибн Зубайр бир марта ва икки марта эмиш билан эмчақдошлар ҳаром эмас, деди.¹⁹³ Шунда Ибн Умар Аллоҳнинг мана бу

وَأَمّهَاتِكُمُ اللَّائِي أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَاتِكُم مِّن الرِّضَاعَةِ

– „Эмишган оналарингиз, эмишган она-сингилларингиз... (ҳаром қилинди)“.

[4:23]

деган ҳукми Ибн Зубайрнинг ҳукмидан авлороқдир, дейди. Ибн Умар оят зоҳиридаги умумий сўзлардан озгина эмишган бўлишнинг яъни мутлақ эмишган бўлишнинг ҳаром қилинганини тушунди.

• Умар ﷺ молларни тақсимлаш тўғрисидаги Зубайр, Билол ва бошқаларнинг саволига Аллоҳ Таолонинг ушбу оятини ҳужжат қилди:

لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِّنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ * وَالَّذِينَ تَبَوَّأُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِن قَبْلِهِمْ يُجِبُونَ مَن هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِّمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَن يُوقِ شَحْنًا نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ * وَالَّذِينَ جَاءُوا مِن بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَؤُوفٌ رَّحِيمٌ

– „(Ўлжалар) Ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар – камбагал муҳожирларникидирки, улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига ёрдам берурлар. Ана ўшалар содиқ зотлардир. Улардан илгари диёрига ўрнашган ва имон-эҳтиқодли зотлар эса ўзларига ҳижрат қилиб келган

⁽¹⁹³⁾ Росулуллоҳ ﷺ дан Умумул Фазл қилган ривоятда шундай келади: «لَا تَحْرَمُ الرِّضَاعَةَ وَالرِّضَاعَاتُ أَوْ: «الْمَصَّةُ وَالْمَصَّاتُ» «Бир марта-икки марта эмиш ва бир марта-икки марта сўриш ҳаром қилмайди». Муслим: 1451. Абу Довуд: 2063. Термизий: 1150. Ибн Можа: 1440. Аҳмад: 339(6).

кишиларни суюрлар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб ийсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир. Улардан кейин келган зотлар айтурлар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари имон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда имон келтирган зотлар учун бирон гилли-гаиш қилмаган. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан». [59:8-9-10]

Умар «шуларнинг ҳаммасига ҳақ ажратилди. Агар сизларга ҳам тақсимлайдиган бўлсам, одамлар ҳеч вақосиз қолишади ва мол орангиздаги бадавлат кишилар ўртасида тўпланиб қолади», деди. У айни оятнинг умумий сўзларини ҳужжат қилди. Уларга Умарнинг гаплари тўғри эканлиги аён бўлиб, ҳақиқат очилгач, унинг фикрига қўшилишди.

Умумий ва хос сўзлар жиҳатидан саволга жавоб:

Агар бир сўровчи саволига жавоб тарзида бир хитоб келса ва сўровчи жавоб талаб қилаётган бўлса, унга жавоб қуйидагича бўлади:

Жавоб ё саволдан алоҳида мустақил бўлмайди ёки алоҳида мустақил бўлади. Агар мустақил бўлса, умумийликда ва хосликда саволга тобе бўлади.

Умумий бўлишида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Чунки Набий ﷺ дан янги хурмони куриган хурмога айирбошlash ҳақида сўрашганида Росулulloҳ «**أَيُنْقَضُ الرُّطْبُ إِذَا يَبَسَ؟** Хурмо қуриса вазни камаядими?», деб сўрадилар. Ҳа, дейишган эди «**فَلَا إِذَا**» «унда, йўқ (айирбошланмасин)», дедилар.¹⁹⁴

Жавобнинг хос бўлиши эса Росулulloҳ ﷺ нинг Абу Бурадага берган хос жавоби мисол бўлади. Унда Абу Бурада кичик ёшдаги эчкини қурбонлик қилиш тўғрисида сўраганда Росулulloҳ

«تَجْرُئُكَ وَلَا تَجْزِي أَحَدًا بَعْدَكَ»

«ўзингизга ўтади аммо сиздан кейин ҳеч кимга ўтмайди»,¹⁹⁵ деб жавоб бердилар.

Жавоб алоҳида мустақил бўлса, у ҳолда қуйидагича бўлади:

1. Савол билан бир хил бўлиши: Ҳукм умумий ё хос бўлишда саволнинг умумий ёки хос бўлишига қарайди ва жавобни мустақил

⁽¹⁹⁴⁾ Термизий: 1146. Насоий: 4469. Абу Довуд: 2915. Ибн Можа: 2255. Молик: 1139.

⁽¹⁹⁵⁾ Термизий: 1428. Абу Довуд: 2418. Насоий: 4319. Ибн Можа: 3145. Аҳмад: 4399.

эмас, деб эъяъни қилинади. Масалан, Росулulloҳ ﷺ дан «Биз қайиқларимизга миниб денгизга тушамиз. Чучук сув эса бизга камлик қилади. Шунда денгиз сувида таҳорат қилсак бўладими?», деб сўрашди. Росулulloҳ ﷺ жавоб бердилар:

«الْبَحْرُ هُوَ الطَّهْرُ مَأْوُهُ»

«Денгизнинг суви тозадир». ¹⁹⁶

Бу ерда савол ҳам умумий, жавоб ҳам умумий.

2. Агар савол жавобга нисбатан умумийроқ бўлса, жавоб хос бўлади яъни ҳукм саволники эмас, жавобники бўлади.

а)

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا أَحَلَّ لَهُمْ قُلْ أَحَلَّ لَكُمْ الطَّيِّبَاتُ وَمَا عَلَّمْتُمْ مِنَ الْجَوَارِحِ

– „Сиздан ўзлари учун нималар ҳалол қилинганини сўрайдилар. Айтинг: «Сизлар учун барча покиза нарсалар ва яна сизларнинг таҳлимингизни олган жониворлар ҳалол қилинди“.

[5:4]

Аллоҳ ﷻнинг «مَاذَا أَحَلَّ لَهُمْ» деган каломи жавобдан кўра умумийроқ савол. Чунки у шу жавобнинг ҳам, бошқа бошқа сўзларнинг ҳам таркибига киради. Аммо «قُلْ أَحَلَّ لَكُمْ الطَّيِّبَاتُ وَمَا عَلَّمْتُمْ مِنَ الْجَوَارِحِ» деган калом эса фақат мана шу айтилган нарсаларга хос бўлиб келган. Ҳалоллик ва ҳаромликка ҳам бошқа далил керак бўлади.

б) Умар ﷺ Росулulloҳ ﷺ га ҳайз кўрган аёлнинг ҳалол бўлган жойлари ҳақида савол берди. Росулulloҳ унга

«لَكَ مِنْهَا فَوْقَ الْإِرَارِ»

«Сизга унинг пастки кийимининг юқориси ҳалол», ¹⁹⁷ дедилар Бу жавоб саволга нисбатан хосроқ. Чунки савол ҳайзли аёлнинг ҳалол бўлган бошқа барча жойларига умумий, жавоб эса пастки кийимдан юқорисига хосдир. Демак, ҳукм жавобники бўлиб, унгагина чекланади ва бу ҳукмдан пастки кийимдан юқори жойлардан фойдаланиш мубоҳлиги тушунилади. Энди пастки кийимнинг остидаги қайси жой мубоҳлиги учун эса бошқа далил керак бўлади.

3. Жавоб саволга нисбатан умумий бўлса, саволга эмас, жавобга эъяъни берилади. Бунда жавобнинг саволдан кўра фақат ана шу ҳукм тўғрисида умумий бўлишининг фарқи йўқ. Масалан,

⁽¹⁹⁶⁾ Абу Довуд: 830. Термизий: 69. Насойй: 59 Ибн Можа: 386. Аҳмад: 337\2

⁽¹⁹⁷⁾ Абу Довуд: 182. Аҳмад: 82.

Росулulloҳ ﷺдан Бизоа қудуғидаги сув ҳақида сўрашганда бундай дедилар:

«خُلِقَ الْمَاءُ طَهُورًا لَا يَنْجَسُهُ إِلَّا مَا غَيَّرَ طَعْمَهُ أَوْ رِيحَهُ أَوْ لَوْنَهُ»

«Сув пок қилиб яратилган. Уни ҳеч нарса нажас қилмайди, фақат таҳмини, ҳидини ёки рангини ўзгартирган нарсагина нажасга айлантиради», дедилар.¹⁹⁸

Жавобнинг саволдан кўра умумий бўлишига Росулulloҳ ﷺнинг ушбу жавоблари ҳам мисолдир:

«هُوَ الطَّهُورُ مَاؤُهُ الْحَلَالُ مَيْتَةٌ»

«Денгизнинг суви тозадир».

Нозил бўлиш сабаблари:

Баъзи фуқаҳолар ваҳининг нозил бўлиш ҳодисаларини – ана шу ҳодисалар ҳукмини баён қилиш мақсадида – нозил бўлиш сабаблари, деб аташган.

Савол: ушбу аҳкомлар ўша ҳодисаларга хос бўлиб, бошқа ҳодисадан ўтмай қолаверадими ёки унга ўхшаш бирор ҳодисага ҳам бу аҳкомларни татбиқ қилса бўладими?

Жавоб: бу аҳкомларни бошқа ҳар бир ўхшаш аҳкомларга ҳам татбиқ қилса бўлади. Бу эса икки жиҳатдан собитдир:

1. Ана шу ҳодисалар ҳукмини баён қилиб нозил бўлган барча оятларни ўқиб ўрганиш натижасида шуни гувоҳи бўлдикки, бу оятлар хос сўзлар билан эмас, умумий сўзлар билан нозил бўлган. Шунинг учун уларнинг умумий сифатда истеъмол қилинади.

2. Росулulloҳ ﷺ ҳам айни аҳкомларни умумий сифатда ишлатиб, уларга ўхшаш бошқа ҳодисаларга уларни татбиқ қилдилар.

Саҳоба ﷺлар ҳам бу аҳкомларни фақат нозил бўлиш сабабларининг ўзигагина эмас, балки бошқа ҳодисаларга ҳам уларни татбиқ қилдилар.

Мисол учун ўғрилик ҳақида нозил бўлган оят совут ўғирланиши ҳамда Сафвоннинг чапони ўғирланиши сабабли нозил бўлган. Зиҳор оятининг нозил бўлиш сабаби Соҳр қизи Салмаҳ ёки Авс ибн Сомитнинг хотини Ховла бинти Саълаба ҳақида эди. Лаънатлаш ояти эса Ҳилол ибн Умайя ҳақида эди. Бу оятлар хос бир сабабларга кўра нозил бўлган бўлса-да, Росулulloҳ ﷺ ҳам, саҳоба ﷺлар ҳам уларни умумий сийғаларда қўллашиб, уларга ўхшаш бошқа ҳодисаларга ҳам татбиқ қилдилар. Бу ишлари Суннатда ва саҳобалар ижмоида собит бўлган.

(198) Термизий: 61, у хасан деди: Насоий: 324. Абу Довуд: 60. Аҳмад: 10696.

Ушбу далиллардан «**Сабабнинг хослиги эмас, сўзнинг умумийлиги эъяъни**», деган шаръий қоида истинбот қилинди.

Ушбу қоидага яна бир мисол:

عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَخْتَانُونَ أَنْفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنْكُمْ فَالآنَ بَاشِرُوهُمْ وَأَبِغُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ ثُمَّ أَتُمُوا الصَّيَّامَ إِلَى اللَّيْلِ

– „**Аллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани талаб қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар**“.

[2:187]

Ушбу қовушишнинг муҳофизлиги ҳақидаги оят ўзига хиёнат қилган киши ҳақида нозил бўлиб, ундаги сўзлар умумий бўлгани боис, бошқа барча кишиларга ҳам умумийдир.

Шуни эслатиб қўйиш лозимки, саволнинг хослиги тўғрисидаги жавобнинг умумийлиги ҳамда хос сабаблар тўғрисидаги сўзларнинг умумийлиги фақат мана шундай ҳодиса ва саволлар мавзусидагина умумийдир. Булар то бошқа далиллар топилмагунча бошқа мавзулар умумий бўлмайди.

Яна очикроқ мисоллар:

а) Бир ҳадисда Усома ибн Зайд Росулulloҳ ﷺ дан рибо қилинувчи масалан, бир ратл буғдойни икки ратл арпага сотиш каби, турли хил нарсалар тўғрисида савол беради. Шунда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«لَا رِبَا إِلَّا فِي النَّسِيئَةِ»

«Насиядан бошқа нарсада рибо йўқ».¹⁹⁹

Бу умумий сўз бўлиб, насиядан бошқа нарсада рибо бўлмаслигини кўрсатади. Бироқ, айна умумийлик фақат мана шу мавзуга яъни икки хил нарсани икки бараварга сотишга тегишлидир. Бундан агар томонлар қўлма-қўл савдо қилишса рибо бўлмаслиги, рибо қачон томонлардан бири маълум муддатга нисия қилиши билан бўлиши келиб чиқади. Бу нусус савол мавзусига алоқадор эмас. Шунинг учун ундан насиядан бошқа нарсада рибо бўлмаслиги тушунилмайди. Чунки фоизли рибо, деган нарса ҳам борлиги маълум бўлиб, ушбу умумийлик савол мавзусига чекланиб қолади.

б) Аллоҳ Таоло айтади:

(199) Юқорида (154)чида «لَا رِبَا إِلَّا فِي النَّسِيئَةِ» лафзида зикр қилинди.

قُلْ لَا أَجِدُ فِي مَا أُوحِيَ إِلَيَّ مُحَرَّمًا عَلَى طَاعِمٍ يَطْعَمُهُ

– „**Айтинг:** «*Менга ваҳи қилинган нарса (ваҳи)да ейдиган киши учун ҳаром қилинган нарсани кўрмаймман*“». [6:145]

Оятнинг умумийлиги унда зикр қилинган нарсалардан бошқа ҳаром нарсалар йўқлигини кўрсатади. Аммо бу оят мушриклар ҳаром қилиб олган «соиба», «васила» ва «ҳом»лар тўғрисида нозил бўлганлиги ривоят қилинган, уни «мушрикларга айтилганки, ўзларингизга ҳаром қилиб олган фалон, пистон нарсалар менга ваҳи қилинган нарсалар ичида йўқ», деган маънода тушунилади. Яъни айнан нозил бўлиш сабаби бўйича тушунилади. Зеро, маълумки, улардан бошқа ҳаром қилинган нарсалар ҳам мавжуддир.

в) Ривоят қилинадики, Набий ﷺдан Бизоа қудуғи ва унга ташланаётган ит гўшти тўғрисида сўрашди. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«الْمَاءُ طَهُورٌ لَا يَنْجِسُهُ شَيْءٌ»

«**Сув тозадир, уни ҳеч нарса нажас қилмайди**».²⁰⁰

Бу ердаги маъно ана шу қудуқнинг ҳолати ва ана шу қудуқнинг ҳукмидир. Чунки маълумки, ит гўшти бор сувнинг поклиги тўғрисидаги умумий ҳукм келмаган. Аммо савол мавзуи ўша қудуқ ҳақида эди. Бу қудуққа илгари ит гўшти ташланар эди. Кейин қудуқ покланиб, ичидаги нарсалар олиб ташланди-да, Росулulloҳдан: ит гўшти ташланган ва кейин покланган сувнинг ҳукми сўралди ва Росулulloҳ «**Сув тозадир, уни ҳеч нарса нажас қилмайди**», деб жавоб қилдилар. Шунинг учун савол фақат ўша мавзуга яъни Бизоа ва унга ўхшаш қудуқнинг сувини поклиги ҳақидаги саволга чекланади. Бу савол унинг сувидан ичиш ҳақидаги савол эмас. Чунки савол сув билан поклаш ҳақидадир. Савол мавзуи ҳам шу.

г) Росулulloҳ ﷺ Маймунанинг қўйи олдидан ўтаётиб бундай дедилар:

«أَيُّمَا إِهَابٍ دُبِعَ فَقَدْ طَهُرَ»

«**ҳар қандай тери ошланса, пок бўлади**».²⁰¹

Бу ҳар қандай ошланган терининг пок бўлиши тўғрисида умумийдир. Аммо у гўшти ҳалол бўлган ҳайвоннинг терисига хос. Чунки савол мавзуи қўй териси тўғрисида бўлган. Яна бир ривоятда «**فَإِنَّ زَكَاتَهُ دُبْعُهُ**» унинг закоти ошланишидир», дейилган. Бу

⁽²⁰⁰⁾ Термизий: 61, у хасан деди: Насоий: 324. Абу Довуд: 60. Аҳмад: 10696.

⁽²⁰¹⁾ Аҳмад муснади: 219\1. Доркутний: 48\1. Таёлисий: 2761.

ҳадисдаги танбиҳни англатувчи мафҳум закот поклагани каби ошлаш ҳам поклайди, деган маънони ифодаляпти. Чунки закот фақат ҳалол бўлган ҳайвонлардан берилади. Демакки, ошлаш ҳам фақат гўшти ҳалол бўлган ўлаксанинг терисида бўлади. Шунинг учун умумийлик фақат мана шу мавзуга яъни ўлаксанинг терисини поклаш, бошқа нарсани эмас.

Нафи бўлиб келган накра умумни ифодаляди. Қандай қилиб?:

Нафи ҳарфи баъзан жумлада келса, у аслни (бўлишсизлик феълини) нафи қилади. Бунга Аллоҳ Таолонинг ушбу икки ояти ва Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги ҳадислари мисол:

لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لُعْوًا وَلَا تَأْتِيهَا

– „Улар у жойда ҳеч қандай бехуда ва гуноҳ-ёлгонни эшитмаслар“.

[56:25]

فَالْيَوْمَ لَا يُؤْخَذُ مِنْكُمْ فِدْيَةٌ

– „Мана Бугун сизлардан ҳеч қандай тўлов олинмас“.

[57:15]

«لَا نِكَاحَ إِلَّا بِوَلِيِّ»

«Фақат валий билангина никоҳ бўлади».²⁰²

«وَلَا نِكَاحَ إِلَّا بِشُهُودٍ»

«Гувоҳларсиз никоҳ бўлмайди».²⁰³

«وَلَا صَلَاةَ إِلَّا بِقِرَاءَةٍ»

«қироатсиз намоз бўлмайди».²⁰⁴

Баъзан нафи ҳарфи камолни нафи қилади ва аслни нафи қилиши ҳам сақланиб қолади. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّهُمْ لَا أَيْمَانَ لَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَنْتَهُونَ

– „Зеро, улар учун ҳеч қандай қасам йўқдир“.

[9:12]

Бу оятда уларда ҳеч қандай қасамнинг йўқлиги айтилди, аммо у кейинги оятда Аллоҳ ﷻнинг ушбу ояти билан яна исботланди:

أَلَا تُقَاتِلُونَ قَوْمًا نَكَتُوا أَيْمَانَهُمْ

– „(Эй мўминлар), қасамларини бузган кимсаларга қарши жанг қилмайсизларми“.

[9:13]

Бундан билиндики, нафи асл эмас, балки камолни нафи қиляпти. Яъни ундай кимсаларда вафо қиладиган қасамлари йўқ, демакдир. Бунга қуйидаги ҳадислар ҳам мисол бўлади:

«مَنْ سَمِعَ النَّدَاءَ فَلَمْ يُجِبْ فَلَا صَلَاةَ لَهُ إِلَّا مِنْ عُذْرٍ»

⁽²⁰²⁾ Термизий: 1022. Аҳмад 250\1. Мановий «Жомиус сағирнинг шарҳи»да айтишича, Заҳабий бу ҳадис санадини саҳиҳ деган.

⁽²⁰³⁾ Термизий: 1022. Аҳмад 250\1. Мановий «Жомиус сағирнинг шарҳи»да айтишича, Заҳабий бу ҳадис санадини саҳиҳ деган.

⁽²⁰⁴⁾ Муслим: 399. Аҳмад 7730, 9334.

«Ким азонни эшитсаю, жамоага қўшилмаса, унинг намози намоз эмас. Аммо узр бўлса майли».²⁰⁵

«لَا إِيمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ»

«Омонати йўқ кимсанинг имони йўқ».²⁰⁶

Мисол учун, шоир бундай дейди:

لَوْ كُنْتُ مِنْ أَحَدٍ يَهْجِي هَجَجَوْكُمُ يَا ابْنَ الرَّقَاعِ وَلَكِنْ لَسْتُ مِنْ أَحَدٍ

«Эй тентаклар, ҳажв қилувчи одамларнинг бири бўлсам эди, ҳажв қилардим сизни. Лекин мен уларнинг бири эмасман».

Маълум бўлишича, шоир ўзини ҳажв қилувчи одамлардан бири саналишини нафи қилмаяпти. Ҳолбуки, у уларнинг бири. Балки, ўзининг эъяъни бериладиган ва суяниладиган одам эмаслигини хоҳлаяпти.

Демак, нафи ҳарфи баъзан аслни (бўлишсизлик феълини) нафи қилади, ва баъзан камолни нафи қилади.

Аммо нафи далолатидан аслни нафи қилаётгани тушуниладими ё камолними, ёки ҳар иккаласини ҳам нафи қилиб, бири иккинчисидан фарқ қилмайдими яъни бири биридан афзал эмасми, бу нарса мужмал бўлиб, кенгрок баёнга муҳтож бўлади.

Тўғриси шуки, нафи окимидаги накра умумни ифодалайди ва шунинг учун то нафидан мурод камол мақсад қилинганлигига қарина келмас экан, у доимо аслни нафи қилади.

Махтуфнинг махтуфун алайҳи билан умумий келиши:²⁰⁷

Тўғриси, маътуф маътуфун алайҳи билан умумий келиши қарина бўлсагина келади. Масалан:

وَالْمُطَلَّاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

– „Талоқ қилинган аёллар уч қуруқ кутарлар“.^[2:228]

Бу ражъий ва боин талоқ тўғрисида умумий ҳукм. Аллоҳ Таолонинг бундан кейинги

وَبُعُولَتُهُنَّ أَحَقُّ بِرَدِّهِنَّ فِي ذَلِكَ إِنْ أَرَادُوا إِصْلَاحًا

– „Эрлари ислоҳни истасалар, шу муддат ичида уларни қайтариб олишга ҳақлидирлар“.^[2:228]

деган сўзлари эса фақат ражъийга хосдир.

⁽²⁰⁵⁾ Термизий: 201. Ибн Можа: 785. Доркутний ва Ибн Можалар ривоят. Санади эса Муслимининг шартига боғлиқ.

⁽²⁰⁶⁾ Аҳмад: 154\3. Ибн Ҳиббон Анасдан ривоят қилган. Муновий деди: «Заҳабий уни санади кучли, деган».

⁽²⁰⁷⁾ Аллоҳ Таолонинг «فَكَاتِبُوهُمْ» деган каломиди вожиб мандубга атф бўлган ва ҳукм мандуб бўлган. «وَأَتَوْهُمْ مِنْ مَالِ اللَّهِ الَّذِي آتَاكُمْ» деган каломиди эса ҳукм вожиб бўлган. «كُلُوا مِنْ ثَمَرِهِ إِذَا كَانَ ثَمَرِهِ» деган каломиди мубоҳ бўлган. Бу шунга далолат қиладики, маътуфнинг ҳукми маътуф алайҳи ҳукми билан келиши учун албатта қарина бўлиши лозим.

Бошқа оятлардан ҳам маълумки, маътуф маътуфун алайҳи билан умумий келган эмас.

Аммо маътуф алайҳи сўзи ўзи алоҳида келмай, ўзидан аввалги сўзга боғланиб, у ҳам ўшанинг ҳукмида бўлади. Мисол учун Аллоҳ Таолонинг:

إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّينَ مِنْ بَعْدِهِ

– „*Албатта, Биз Нухга ва ундан кейинги пайгамбарларга ваҳи юборганимиз каби сизга ҳам ваҳи юбордик.*“ [4:163]

Бу оятдаги маътуф яъни «النبيين» сўзи ўзи алоҳида келмаган, балки жамнинг атф вови билан келиб, Аллоҳ Нухга ҳам, бошқа пайгамбарларга ҳам ваҳи юборди, деганни англатади.

Умумни хослаш дегани шу хосдан бошқа маънолар йўқ дегани эмас:

1. Бунинг боиси шуки, умумни ифодаловчи сўз «كُلُّ» барча» маъносида ҳам келади ва «барча» маъносининг бўлаklarидан бирига ҳужжат бўлади. Шунинг учун ундан «баъзи» маъносини чиқариб юбориш бу сўзнинг қолган маъноларини йўқотиб юборишни англатмайди.

2. Баъзан хосланган умумлар хосмасликка ҳам далолат қилиши собит бўлган:

«لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ تُوْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَنْ تُسَافِرَ مَسِيرَةَ يَوْمٍ وَكَلِيلَةٍ»

«Аллоҳ ва Росулига имон келтирган аёл бир кеча ва бир кундузлик йўлга махрамисиз сафар қилиши ҳалол эмас».²⁰⁸

Бу ҳадис дорул ҳарбда имонга кирган аёлга хос бўлиб, у махрамисиз дорул Исломга сафар қилиши лозим эди. Бу ҳадисни мана шу аёлдан бошқаларда умумга ишлатилади. Чунки Росулulloҳ ﷺ Умму Саламининг махрамисиз ва эрисиз хижрат қилишига рухсат берганлар.²⁰⁹

Мисол учун, Росулulloҳ ﷺнинг Ҳаким ибн Ҳизом ривоят қилганидек, киши ўзида йўқ нарсани савдо қилишдан қайтарган мана бу ҳадислари:

«لَا تَبِعْ مَا لَيْسَ عِنْدَكَ»

«ўзингизда йўқ нарсани сотманг».²¹⁰

Салам (савдо) ҳақидаги мана бу ҳадис билан хос бўлиб қолди:

⁽²⁰⁸⁾ Бухорий: жума 1026. Муслим: Ҳаж 2383. Абу Довуд: Маносик 1465. Муснади Аҳмад 11200.

⁽²⁰⁹⁾ Ибн Ҳишом-«Сийрати Набавия», Мустафо Бобий Ҳалабий, иккинчи босма: 469 саҳифа.

⁽²¹⁰⁾ Аҳмад: 412/3. Тўрт ровий ва Ибн Ҳиббон. Термизий ҳасан, деди.

«مَنْ أَسْلَفَ فَلْيَسْلِفْ فِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

«Ким қарзга сотса, маълум ўлчамда, маълум вазнда ва маълум вақтга қарзга сотсин».²¹¹ Натижада биринчи ҳадис умумга амал қилади.²¹²

⁽²¹¹⁾ Бухорий: 2085, 2086. Муслим: 3010. Термизий: 1232. Насоий: 4537. Ибн Можа: 2271. Аҳмад: 1771.

⁽²¹²⁾ Умумни ифодаловчи сўзлар ҳаром қилиш ёки ҳалол қилишни кўрсатувчи феъл билан келса, феълни одатдагидек тушунилаверади. Акс ҳолда наҳи мавжуд бўлиб қолади, яъни муайян нарсдан қайтарув тушунилиб қолади, бу эса мумкин эмас. Шунинг учун «*حُرْمَتَا غَيْرِكُمْ*» сўзи ўлаксадан фойдаланиш ҳаром қилинганини яъни умуман, ўлакса ҳам, ундан келиб чиққан териси ҳам ҳаромлигини англатади. «*حُرْمَتَا غَيْرِكُمْ أَهْلَانِكُمْ*» сўзи ҳам оналарингиздан лаззатланишингиз ҳаром қилинди деганни англатади. Бу эса айни сўзнинг одатдагидек жўн тушунилувчи маъносидир. Қачон хитоб чиқиб қолиб, нутқ қилинаётган нарсага айланиб қолса, ана шунда умум эътиборга олинади.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Мутлақ ва муқайяд

Биринчи: мутлақ:

Мутлақ жинсида ҳаммага маълум маънога далолат қилган сўздир. Жинсида ҳаммага маълум дейишимиздан мақсад аламлар ва аҳд алф-ломи билан жинсининг истиғроқ алф-ломи билан маърифа бўлган исмларни ҳамда маърифа жамларни таърифга қўшмаслиқдир. Чунки жинсда ҳаммага маълум, деганда муайян бўлмаган барча жинсдаги шахслар тушинилади. Масалан, «مُسْلِمٌ» дейилса, бу сўз барча турдаги мусулмонга айтилади ва «هَذَا مُسْلِمٌ», «ذَلِكَ مُسْلِمٌ» ва ҳоказо... дейиш мумкин бўлаверади. Аммо бунинг «عَلَى», «مُحَمَّدٌ» каби алам исмларда иложи йўқ. Чунки бу сўзлар жинсда ҳаммага маълум эмас, балки муайян шахсларга айтилади. Аҳд алф-ломи билан маърифа исм ҳам худди шундай. Масалан, «الْمُسْلِمُ» дейилса, муайян мусулмон назарда тутилган бўлади. Жинс истиғроқининг алф-ломи билан маърифа бўлган исмлар ҳамда маърифа жамлари ҳам жинсда ҳаммага маълум эмас. Балки булар ҳамма жинсдаги шахсларни ўз ичига олади. Масалан, «الْمُسْلِمُ يَشْهَدُ أَنْ» дейилса, «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ» дейилса, «الْمُسْلِمُ» сўзи барча мусулмон шахсларни ўз ичига олади. Аммо «مُسْلِمٌ» дейилса, бу сўз қандайдир бир мусулмонни ўз ичига олади, барча мусулмонни ўз ичига олмайди, балки бу сўз аниқ бўлмаган аммо жинсида ҳаммага маълум сўздир. Шунинг учун жинс алф-ломи билан айтилган «الْمُسْلِمُ» сўзи умумий бўлиб, барча турдаги мусулмонни ўз ичига олади. «مُسْلِمٌ» сўзи эса мутлақ сўздир. Чунки у номаълум аммо жинсида ҳаммага маълум бир мусулмонга далолат қилади.

Баён қилганимиз мутлақ сўз мусбат оқимида келган ҳақиқий накрадир.

Накра деб маълум бўлмаган ва жинсида эса ҳаммага маълум сўзга айтилади.

Мусбат оқимида келган, дейишимиздан мақсад эса таърифга нафи ва ярим нафи оқимидаги накра қўшилмаслигидир. Чунки айни ҳолатда бундай накрадининг сийғаси мутлақ эмас, умумий сийға бўлади ва жинсида ҳаммага маълум эмас, балки барча шахсларни ўз ичига олган сийға бўлади. Мисол учун, «تَصَدَّقْ عَلَىٰ فَقِيرٍ» дейилса,

«فقير» сўзи мутлақ ва нафи бўлмаган мусбат накра бўлиб, бунда жинсида ҳаммага маълумлиги яъни ундан ҳар қандай фақирга садақа қилишнинг савоблиги тушунилади. Шунинг учун «فقير» сўзи мутлақ сўздир.

Агар «لا يوجد فقير في البلدة لأتصدق عليه» дейилса, «فقير» сўзи нафи накра бўлади ва унинг маъноси шаҳар муайян фақирдан эмас ҳар қандай фақирдан холи эканлиги англанади. Яъни «لا يوجد فقير» деган нафи накра умумни ифодалаб, барча фақир шахсларни ўз ичига олади.

Мана шу жинсида ҳаммага маълум мутлақ мусбат накра билан барча жинсидаги шахсни ўз ичига олувчи нафи накра ўртасидаги фарқдир.

Ҳақиқий накра, дейишимиздан мақсад, ғайри ҳақиқий накра таърифга кириб қолмаслигидир. Ғайри ҳақиқий накра эса сўзи накраю, аммо маъноси накра бўлмаган сўздир. Мисол учун, «رَأَيْتُ رَجُلًا» дейилса, «رَجُلًا» сўзи накра, аммо кўзингиз билан кўргангиз учун у маънода муайян бўлиб қоляпти ва бинобарин, жинсида ҳаммага маълум бўлмай, муайян бир киши назарда тутилмоқда. Мана шундан у мутлақ эмас.

Ҳақиқий накра:

1. Масдар билан амр бўлиши: Аллоҳ Таоло ушбу каломи каби: «فَتَنَحْرِيرُ رَقَبَةٍ».

2. Феъл билан амр бўлиши: «حَرَّرَ رَقَبَةً» каби.

3. Келаси замон феълига хабар (мафъул) бўлиши: «سَأَحْرُرُ رَقَبَةً» каби.

Аммо накра «حَرَّرْتُ رَقَبَةً» каби мозийга хабар бўла олмайди. Чунки бу ерда «رَقَبَةً» сўзи сўзда накра бўласа-да, бироқ муайян бўлиб, маънода маърифадир. Чунки уни мозийда озод қилиниб бўлган. Шунинг учун у бизга маълум ва жинсида маълум бўлмаган яъни мутлақ бўлмаган сўздир.

Демак, мусбат оқимида келган барча ҳақиқий накра мутлақ сўздир. Масалан, «رَجُلٌ» каби сўзи ҳам, маъноси ҳам муфрад накра ёки «قَوْمٌ» каби сўзи муфрад аммо маъноси жам бўлган накра ёхуд «شَهْرَيْنِ» каби тасния накра ва бошқа барча айтиб ўтганимиз маънодаги жинсида ҳаммага маълум сўзлар мутлақ сўз бўлади.

Иккинчи: муқайяд (чекланган):

Муқайяд жинсида ҳаммага маълумлиги буткул ё қисман чекланган мутлақ сўзdir.

Буткул дегани қуйидаги икки иш орқали ҳаммага маълумлигини чеклаш, демакдир:

1. Алам исмлар: «سَأَزُورُ رَجُلًا اسْمُهُ فُلَانٌ بِنُ فُلَانٍ» каби. Бунда жинсида ҳаммага маълум кишини фалончининг ўғли фалончи дейиш билан чеклаб қўйилди.

2. Ишора исми билан мутлақни тайин қилиш: «سَأَكْرِمُ رَجُلًا هُوَ هَذَا» каби. Бунда ишора қилиш орқали жинсида ҳаммага маълум кишини ўша ишора қилинган нарсага чекланган.

Қисман дегани эса жинсида ҳаммага маълум бўлишнинг бир қисмини сифат билан ёки сифат туркумига кирувчи шарт ва ғоя билан бартараф қилиб, мутлақни чеклаб қўйиш тушунилади. «أَكْرَمُ» «رَجُلًا عَرَبِيًّا» каби. Бунда киши эркаклар жинсидан эканлиги ҳаммага маълум бўлиб қолган, аммо ирокликлар қаторига чекланган. Бундай ҳолатда мутлақ бир жиҳатдан мутлақ ва яна бир жиҳатдан муқайяд (чекланган) бўлади ва демакки, жузъий бўлади.

Учинчи: тақйид (чеклаш) куллий ё жузъий бўлса ё муттасил ё мунфасил (алоҳида) чекланади:

1. Муттасил чеклаш:

Муттасил чеклаш бир нусуснинг ўзида мутлақ ҳамда унинг чекланиб келишидир. Бу хослашда айтиб ўтганимиз ҳолатларда келади. Аммо бу мустасно бўлган ҳолатда келмайди. Чунки истисно қоидасида мустасно минҳу умумий сўз сифатида қисмларни ҳам ўз ичига олиб, ана шу қисмларнинг бир қисмини хослаш билан истисно қилади. Мустасно бўлмаган бошқа ҳолатларда эса муттасил чеклаш келиб, унга тайин қилинган (ишорали) яъни куллий чеклов ҳам қўшилади. Чунки бу тур яъни алам ва исми ишоралар билан чеклаш хос сўзлар бўлгани боис умумий сўзларда келмайди.

а) Сифатга чеклаш:

Сифатга чеклаш, дегандан мақсад наҳвда келган сифат эмас, балки ҳаммага маълум жинсдаги мутлақ сўзнинг бир қисмини чеклаган ҳар қандай сифат назарда тутилади. Мисол учун, «صِيَامٌ يَوْمٍ» дейилса, бу ерда «يَوْمٍ» сўзи жор-мажрурга яъни «فِي رَمَضَانَ» сўзига чекланган бўлади ва айни ҳолатда бу сифатга чеклаш бўлади. Шунингдек, «فِيهِ أَجْرٌ عَظِيمٌ»

деганда ҳам «ركعة» сўзи «ليلاً» зарфига чекланиб, сифатга чекланиш бўляпти.

Демак, сифат баъзан нахвдаги сифат бўлиши ҳам мумкин, юкоридагидек, сифат ҳукмида бўлиши ҳам мумкин. Аллоҳ Таоло айтади:

قُلْ لَّا أَدْرِي مَا أُوحِيَ إِلَيَّ مُحَرَّمًا عَلَىٰ طَاعِمٍ يَطْعَمُهُ إِلَّا أَنْ يَكُونَ مَيْتَةً أَوْ دَمًا
مَسْفُوحًا أَوْ لَحْمَ خِنْزِيرٍ فَإِنَّهُ رِجْسٌ أَوْ فِسْقًا أَهْلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ

– „*Айтинг: «Менга ваҳий қилинган Қуръонда ейдиган киши учун ҳаром қилинган нарсани кўрмаяман. Магар ўлакка ё тўкилган қон, ёки тўнгиз гўшти бўлса – чунки у ҳаромдир, — ёхуд Аллоҳдан ўзга учун аталган фосиқлик бўлса (ҳаромдир)».*

[6:145]

Бу нусусда «دَمًا» сўзи мутлақ сўз бўлиб, «مَسْفُوحًا» сифатига чекланиб қолди. Шундан «دَمًا مَسْفُوحًا» сифатга чеклаш, демакдир. Аллоҳ ﷻнинг зиҳорга тўланадиган каффорат тўғрисидаги ушбу каломини олайлик:

فَمَنْ لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَتَمَّاسَا

– „*Ким (озод қилиш учун қул) топа олмаса кўшилишларидан илгари пайдар-пай икки ой рўза тутуш бордир*“.

[58:4]

бу оятда «شهرين» «икки ой» сўзи мутлақ эди, «متتابعين» «пайдар-пай» деган сифатга чекланиб қолди.

б) Шартга чеклаш:

Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَحْلَلْنَا لَكَ أَزْوَاجَ اللَّاتِي آتَيْتَ أُجُورَهُنَّ وَمَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ مِمَّا أَفَاءَ
اللَّهُ عَلَيْكَ وَبَنَاتٍ عَمَّكَ وَبَنَاتٍ عَمَّاتِكَ وَبَنَاتٍ خَالَكَ وَبَنَاتٍ خَالَاتِكَ اللَّاتِي هَاجَرْنَ مَعَكَ
وَأَمْرًا مُمِئَةً إِنْ وَهَبْتَ نَفْسَهَا لِلنَّبِيِّ إِنْ أَرَادَ النَّبِيُّ أَنْ يَسْتَنْكِحَهَا خَالِصَةً لَكَ مِنْ دُونِ
الْمُؤْمِنِينَ

– „*Эй пайгамбар, албатта Биз сиз учун ҳаққи-махрларини берган жуфтларингизни, Аллоҳ сизга (жангу жадалларда) ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини ва аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини яна (ҳар қандай) мўмина аёлни — агар у ўзини пайгамбарга ҳадя этсаю, пайгамбар уни ўз никоҳига олишни истаса, ҳалол қилдик. (Ўзини ҳадя этган аёлга ҳаққи махрини бермасдан уйланиш ижозати) мўминлар учун эмас, холис сиз учундир*“.

[33:50]

Бу нусусдаги мутлақ бўлган «وَأَمْرًا» сўзи «مؤمنة» сифатига чекланган бўлиши билан бирга «إِنْ وَهَبْتُ نَفْسَهَا لِلنَّبِيِّ» деган шартга ҳам чекланган.

в) Ғоя (ниҳоя)га чеклаш:

Аллоҳ Таоло айтади:

سَلَامٌ هِيَ حَتَّى مَطْلَعِ الْفَجْرِ

– „У (кеча) то тонг отгунича тинчлик-омонликдир“. [97:5]

Бу нусусдаги мутлақ бўлган «سَلَامٌ» сўзи «حتى مطلع الفجر» сўзига чекланиб қоляпти. Яъни тинчлик омонлик тун бошланишидан то охирига қадар давом этади, демакдир.

г) Алам исмларга чеклаш:

Аллоҳ Таоло айтади:

وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِيهِ مِنَ بَعْثِي اسْمُهُ أَحْمَدُ

– „Аҳмад исмли бир пайгамбар ҳақида хушхабар бергувчи бўлган ҳолда“. [61:6]

Бу нусусда мутлақ бўлган «رَسُولٌ» сўзи «أحمد» сўзига чекланыпти.

д) Тайин қилинган исми ишорага чеклаш:

Аллоҳ Таоло айтади:

هَذَا فَوْجٌ مُّقْتَضِمٌ مَعَكُمْ لَا مَرْحَبًا بِهِمْ إِنَّهُمْ صَالُوا النَّارِ

– „Мана булар сизлар билан бирга (жаҳаннамга) ташлангувчи жамоатдир», «Хуш келмадилар! Ҳақиқатан уларнинг ўзлари дўзахга киргувчи кимсалардир“. [38:59]

Бу нусусда мутлақ сўз бўлган «فَوْجٌ» сўзи «هذا» исми ишорасига чекланган.

2. Алоҳида чеклаш:

Бу алоҳида бошқа далилга чеклашдир. Бунда ё ҳаммага маълум жинсдаги мутлақ сўз тўла (куллий) тарзда чекланидими ёки қисман чекланидими фарқи йўқ. Тўла тарзда чекланишига мисол, Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكْلِمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بآذَانِهِ مَا يَشَاءُ إِنَّهُ عَلِيُّ حَكِيمٌ

– „Бирон одам учун Аллоҳ унга сўзлаши жоиз эмас, магар ваҳий-илҳом орқали, ё бирон нарда-тўсиқ ортидан ёки бирон элчи-фаришта юбориб, ўша (фаришта Аллоҳнинг) изни-ихтиёри билан хоҳлаган нарсани ваҳий қилиши орқали (сўзлар). Албатта У юксак ва ҳикмат эгасидир“. [42:51]

Бу оятдаги «رسولًا» сўзи Аллоҳ ﷻ пайгамбарларига юборадиган ва уларга Ўз изни билан ваҳи қиладиган элчи-фариштани айтилди.

Яна бир оятда Аллоҳ пайғамбарларга келувчи ушбу элчи Жаброил عليه السلام эканлигига чеклади:

قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِّجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَيَّ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى
وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ

– „**Айтинг** (эй Мухаммад): **«Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душмандир). Зеро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга ҳидоят ва хушxabар бўлган Қуръонни нозил қилди»**“.

[2:97]

Мана шу алам исмларга алоҳида чеклашдир. Яъни Аллоҳ Ўз пайғамбарларига юборадиган элчи Жаброил عليه السلام эканини тайин қилувчи куллий чекловдир.

Қисман чекланиши қисман мутлақ, қисман чекланган бўлади. Мисол учун, Аллоҳ Таолонинг

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْبَحُوا بَقْرَةً

– „**Аллоҳ бир сигир сўйишингизни буюрди**“.

[2:67]

деган каломида бقرة мутлақ сўз. Аммо у мана бу оят билан чекланган:

إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقْرَةٌ لَّا فَارِضٌ وَلَا بِكْرٌ

– „**У қари ҳам, ёш хунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир**“.

إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقْرَةٌ صَفْرَاءُ فَاقِعٌ لَوْنُهَا

– „**«У зотнинг айтишича, у очиқ-малларанг сигирдир»**“.

[2:69]

إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقْرَةٌ لَّا ذَلُولٌ تُثِيرُ الْأَرْضَ وَلَا تَسْفِي الْحَرْتَّ مُسَلَّمَةٌ لَّا شِيَةَ فِيهَا

– „**«Шундай сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан (суб ташиб) экин сугорилмайди айбу нуқсонсиз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ ҳам йўқ»**“.

[2:71]

Ушбу оятлар орқали жинсида ҳаммага маълум бўлган «بقرة» сўзи мутлақликдан алоҳида-алоҳида чекланди.

Мана шу икки мисол Қуръонни Қуръон билан чеклаш туркумига киради.

Қуръонни суннат билан чеклаш:

Аллоҳ Таоло айтади:

فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيضًا أَوْ بِهِ أَذًى مِّن رَّأْسِهِ فَفِدْيَةٌ مِّن صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٌ أَوْ تَصَدَّقَ أَوْ نُسَلِّ

– „**Энди агар сизлардан кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса, у ҳолда рўза тутиш ёки садақа бериш ёхуд сўйиш билан эваз тўласин**“.

[2:196]

Бу оятда «ناسك, صدقة, صيام»дан иборат мусбат накралар келди.

Ушбу мутлақ келган сўзлар Росулulloҳ ﷺнинг куйидаги ҳадислари билан рўза уч кун тутилиши, садақа уч соъ (олти мискинга) берилиши ва битта қўй сўйишга чекланди:

«...فَأَحْلِقْ رَأْسَكَ وَأَطْعِمِ فِرْقًا مِنْ سِتَّةِ مَسَاكِينَ أَوْ صُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ أَوْ انْسِكْ نَسِيكَةً»

«...Бас, сочингни олдир, олти мискинни едириб-ичир ёки уч кун рўза тут ёхуд бир кўй қурбонлик қил» (Муслим Каъб ибн Ажра орқали ривоят қилди). Фарқ уч соъдир.

Суннатни Суннат билан чеклаш:

Ибн Умар шундай ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَرَضَ زَكَاةَ الْفِطْرِ مِنْ رَمَضَانَ عَلَى النَّاسِ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ أَوْ صَاعًا مِنْ أَقِطٍ أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ عَلَى كُلِّ حُرٍّ وَعَبْدٍ ذَكَرَ وَأُنْثَى مِنَ الْمُسْلِمِينَ»

«Росулуллоҳ ﷺ одамларга фитр закотини хурмодан бир соҳ ёки бир соҳ пишлоқ ёки бир соҳ арпа миқдорда мусулмонларнинг ҳар бир эркин ва қулига, эркак ва аёлга беришни фарз қилдилар» (Муттафақун алайҳи). Бу ҳадисда «صاع» сўзи мусбат накра бўлиб, мутлақдир.

Бу соъ ўлчови қандайдир соъ эмас, балки Росулуллоҳ ﷺнинг ушбу ҳадисларига кўра, Мадина соъ-ўлчовидир:

«الْوَزْنُ وَزْنُ أَهْلِ مَكَّةَ وَالْمِكْيَالُ مِكْيَالُ أَهْلِ الْمَدِينَةِ»

«Вазн Макка аҳлининг вазни, микёл Мадина аҳлининг микёлидир». Росулуллоҳ ﷺ белгилаб берган соъ-ўлчови мадиналикларнинг микёл-ўлчови бўлиб, у бешу ўндан уч ратл (қадимги бағдодча ратл)ни ташкил қилади. Мана шу соъ имом Молик ва ҳижозликлар айтганидек, Росулуллоҳ ﷺнинг соъ-ўлчовидир. Бу бугунги ўлчовимизда 2,176 кг буғдой, демакдир.

Алоҳида чеклаш умумни хослаш тўғрисида айтиб ўтганимиздек, Қуръон, Суннат, ижмо ва Қиёс каби зъяънили далилларнинг бирида келади.

Тўртинчи: мутлақ ва муқайядга амал қилиш:

1. Мутлақ сўз агар на муттасил, на алоҳида чекланган бўлса, унга чекламаган ҳолда мутлақлигича амал қилинади. Масалан, зихор каффоратини «فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ» дегандаги каби мутлақ ҳар қандай кулни озод қилса кифоя қилади.

2. Агар мутлақ сўзни муттасил чеклаш билан чекланган бўлса, мутлаққа чекланган маъно берилиб, чекланганлигича амал қилинади. Масалан, «دَمًا مَسْفُوحًا» деганда ҳаром қилиниш гўшт орасидаги қон эмас, балки сўйган пайтда отилиб чиққан қонга чекланади.

Шунингдек, «فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ» деганда ҳам каффорат фақат мўмина кулни озод қилишга чекланади.

3. Чеклаш алоҳида чеклаш бўлса, бунда ҳам айна мавзудаги каби шу чекланганича амал қилинади. Масалан, « إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْبَحُوا بِقَرَّةٍ » оятидаги сигир бошқа «إِنَّمَا بَقَرَةٌ صَفْرَاءُ فَاقِعٌ لَوْنُهَا» ояти билан чекланиб, аввалги оятдаги мутлақ сигирдан оч-малларанг сигирга чекланди.²¹³

4. Агар мукайяд турли мавзуларда бўлса, мутлақча чекланган маъно берилмайди, балки ҳар бирини ўз мавзусида ишлатилади. Масалан, зихорга каффорат тўлаш тўғрисидаги оятни олайлик:

وَالَّذِينَ يُظَاهِرُونَ مِنْ نِسَائِهِمْ ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا قَالُوا فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ

– „Ўз хотинларини зихор қилиб, сўнгра айтган сўзларидан қайтадиган кимсалар қўшилишларидан илгари бир қулни озод қилиш бордир“.
[58:3]

Бу оятда ҳар қандай қул, муслима ё кофира қулни озод қилиш каффоратга ўтиши тушунилади. Аммо бу каффорат билмай ўлдириб қўйганга тўланувчи каффоратга чекланмаслиги лозим. Чунки Аллоҳ Таолонинг

وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا خَطَأً فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٌ

– „Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилади“.
[4:92]

деган каломи зихорга ташланувчи каффоратни эмас, билмай ўлдириб қўйганга тўланадиган каффорат мавзусини ўз ичига олган. Зихорга тўланувчи каффорат мавзуси эса бошқа мавзуда келган. Шунинг учун зихорга тўланувчи «فتحير رقة» мутлақ каффоратни билмасдан ўлдириб қўйилганга тўланувчи «فتحير رقة مؤمنة»га чекланмайди.

⁽²¹³⁾ Бу мисолда «6. Истеъмол қилинган маънонинг тушунарсиз», деган мавзудаги мужмалга ҳам мисол бўлади. Чунки «إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْبَحُوا بِقَرَّةٍ» оятидаги «البقرة» ҳаммага маълум, накра, мусбат мутлақ сўз. Шунинг учун Икрима ривоят қилган ҳадисда келганидек, улар ҳар қандай сигирни сўйсалар ўтаверар эди. Аммо улар ҳар-хил саволларни бериб, «البقرة» сўзини ўзларига ўзлари тушунарсиз қилиб олишди-да, Аллоҳ ҳам бу сўзни уларга тушунарсиз яъни мужмал қилиб қўйди. Кейин бу сўз уларнинг саволларига қараб бирма-бир баён бўла бошлаганда, улар ўзларини танг аҳволга солишди. Шунда Аллоҳ ҳам Икриманинг ҳадисиде келганидек, уларни танг аҳволга тушириб қўйди. Шунинг учун оятдаги «بقرة» сўзи аввалда мутлақ сўз эди, кейинчалик кейинги сифатларга чекланиб қолди. Шунинг учун уларнинг қатор саволлар бераверганлари учун уларга тушунарсиз мужмал сўзга айланди. Кейин эса оятда зикр қилинган сифатлар билан уни баёни келди.

ТҮРТІНЧИ ҚИСМ

Мужмал ва мубайян

Биринчи: Мужмал:

Мужмалнинг луғавий маъноси жамламоқ, йиғиндисини чиқармоқ ёки эришмоқ етишмоқ, демақдир.

Истилоҳий маъноси битта маънодан кўп (иккита) маънони англаган, бирининг иккинчисидан устунлиги бўлмаган, аммо унинг маъносига амал қилишда кенгроқ баёнга муҳтож бўлинадиган ҳар бир нарсадир.

Ҳар бир сўз демай, «ҳар бир нарса», дедик. Чунки мужмал (қисқа баён) фақат сўзларга эмас, сўзлар ҳам, феълларга ҳам боғлиқдир.

«Биттадан кўп маънони англаган», дейишимиздан мақсад, истилоҳдан фақат битта маънони англаувчи мутлақ сўзни чиқариб юборишдир. Чунки Аллоҳ ﷻнинг

فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ

– „(билмай ўлдириб қўйган киши) **бир қул озод қилсин**“. [58:3]

Оятидаги «رقبة» сўзи битта маънони яъни ҳаммага маълум бўлган хур бўлмаган бир қулни англатади. Аммо Аллоҳ Таолонинг

فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلِيَّهِ سُلْطٰنًا

– „(ўлдирилганнинг) **вориси учун (қасос олишига) салтанат-хуқуқ бердик**“. [17:33]

деган оятида эса «سلطانا» мужмалдир. Чунки бу сўзнинг биттадан кўп маъноси мавжуд. Масалан, унинг хужжат, хуқуқ, амр ва наҳи қилиш салоҳиятига эга каби маънолари бор. Сўзда мана шундай маъноларнинг қатор келиши туфайли аниқроқ баён керак бўлади.

«Бирининг иккинчисидан устунлиги бўлмаган», дейишимиздан мурод, истилоҳдан бирининг маъноси иккинчисидан ажралиб турувчи сўзларни чиқариб юборишдир. Масалан, ҳақиқий маъно, мажозий маъно ҳамда хабарни талаб ва талабга ўхшаш маъноларга буриш каби. Аллоҳ ﷻнинг

أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَسَالَتْ أَوْدِيَةٌ بِقَدَرِهَا

– „(Аллоҳ) **осмондан сув ёғдирганида жилгалар тўлиб-тошиб оқур**“. [13:17]

деган оятидаги «أودية» сўзи эса биттадан кўп маънога эга бўлса-да, мужмал сўз эмас. Бу сўзнинг луғатдаги ҳақиқий маъноси ернинг қавланган пасткам жойи, демақдир. Мажозда эса ана шу пасткам жойдаги сув назарда тутилган бўлиб, бу мажоз деб эъёни

қилинмайди. Чунки ундаги ҳақиқий маънонинг кўринмагани биттадан кўп маънога эга қилиб қўймайди. Чунки бу ерда мажозий маънонинг ўзи аён бўлиб турибди. Аллоҳ Таолонинг ушбу оятидаги

وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا

– „Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устидан имконият бермагай“.

[4:141]

«Сабил» сўзи ҳам мужмал эмас. Чунки хабар маъносини талаб қилиш маъносига бурилса, тушунча яъни иқтизо далолати маълум бўлади. Бунга Росулulloҳ ﷺнинг ушбу ҳадислари ҳам мисол бўлади:

«لَا صَلَاةَ إِلَّا بِطَهْرٍ»

«Покликсиз намоз йўқ».²¹⁴ Маънони хабар маъносини талаб қилиш маъносига буриш орқали ҳам иқтизо далолатини билиб олинади.

Нарсаларга тааллуқли феъллар ҳам араблар тилига қараб худди шундай. Масалан, «حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ الْمَيْتَةُ» оятидаги «حرمت» сўзини озик-овқат, савдо-сотик каби биттадан кўп маънога боғлиқ бўлса-да, бироқ араблар тилида озик-овқатларга нисбатан ишлатилади. Шунинг учун у мужмал сўз эмас.

Таърифда «аммо унинг маъносига амал қилишда кенгроқ баёнга муҳтож бўлинади», дейишимиздан мурод, истилоҳдан бир неча қисмларни ўз ичига оладиган, аммо уларнинг бирига амал қилишда баёнга муҳтож бўлинмайдиган умумий сўзларни чиқариб юборишдир. Мисол учун, «العَيْنُ خَاصَّتْهَا الرَّؤْيَةُ» деганда «العين» сўзидан кўрадиган кўз тушуниляпти ва бу билан кўрувчи кўз туридаги умумий сўзни англатьяпти. Аммо у баёнга муҳтож эмас. Чунки у ўз жинсидаги барча қисмларга боғлиқ бўлиб, ана шу қисмларнинг бири хулоса қилиб олинади. Бироқ, «مَاذَا تَقُولُ فِي الْعَيْنِ؟» дейилса, «العين» сўзидан бир неча турдаги маънолар гумон қилинади. Кўрадиган кўзми, жосусми, булоқми, олтинми..., нима? Шунинг учун бу саволдан аниқ бир маъно чиқмайди, бинобарин, то бирор қарина орқали баён қилинмагунча жавоб ҳам, хулоса ҳам аниқ бўлмайди.

Аллоҳ ﷻнинг ушбу оятидаги «قُرُوءُ» сўзи ҳам шунга ўхшайди:

وَالْمُطَلَّاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

– „Талоқ қилинган аёллар уч қуруқ қутарлар“.

[2:228]

⁽²¹⁴⁾ Термизий: 1. Ибн Можа: 271. Насойи: 129. Аҳмад: 4470. Ибн Ҳиббон: 152\8. Ибн Хузайма: 9.

Бу оятдаги «**قروؤ**» сўзининг ҳам ҳайз ва ҳайздан покланиш маънолари бор. Шунинг учун то бирор қарина орқали баён қилинмагунича, амал қилиб бўлмайди. Шунинг учун бу мужмал сўз эмас.

Аммо Росулulloҳ ﷺнинг

«**دَعَى الصَّلَاةَ أَيَّامَ إِقْرَائِكَ**»

«**ҳайз кунларингизда намозни тарк қилинг**»,²¹⁵ деган ҳадисларидаги **إقراء** сўзи фақат битта маънони яъни ҳайз маъносини англатади ва демак, у «**الحيض**» туридаги умумий сўздир. Бунга умал қилишда баёнга бухтож бўлинмайди, чунки у умумий барча қисмларга боғлиқ сўздир. Яъни аёл киши ҳар қандай ҳайз пайтида намозни тарк қилиши вожиблиги тушунилади. Сўзимизнинг хулосаси шуки, мужмал сўзда то унинг маъноларидан бирор маъно аниқланмагунича, баёнга муҳтож бўлинади.

Шаръий нусусларни ўрганиб чиқиш билан мужмал сўзлар асосан қуйидаги ҳолатларда келади:

1. Амалдаги мужмаллик:

Мисол учун, Росулulloҳ ﷺ бирор амални қилсалар саҳобаларга бу амалнинг маъноси тушунарсиз бўлиб қолади. Масалан, тўрт ракатли намозда икки ракатдан кейин салом бериб юборганларида Зулядайн савол берган Ҳадисларда келгани каби. Бунда «намозни қаср ўқидиларми ё унутиб қўйдиларми», деган маънолар пайдо бўлади. Шу боисдан ушбуга аниқлик киритилиш учун Зулядайннинг саволига жавоб сифатида Росулulloҳ ﷺнинг бир баёнларига муҳтож бўлинади.

Ибн Сийрин Абу Ҳурайрадан ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ биз билан хуфтон намозини ўқиётган эдилар. Шунда тўрт ракатнинг иккинчи рақатида салом бериб юбордилар. Кейин ўринларидан туриб, худди ғазабланган каби масжиддаги қоқилган ёғочга суяндилар. Ўнг қўлларини чап қўллари устига қўйиб, бармоқлари орасини айириб олдилар. Ўнг чаккаларини чап қўлларининг кафтига қўйдилар. Қавм масжид эшикларидан шошилиб чиқиб, намоз қаср бўлдимиз? дейишди. Улар орасида Абу Бакр ва Умар бор эди, икковлари сўраб билиш учун Росулulloҳга яқинлашишди. Одамлар орасидан Зулядайн исмли киши ё Росулalloҳ, намозда унутдингизми ё қаср ўқидингизми? деб сўради. Росулulloҳ – «**لَمْ أُنْسَ**»

⁽²¹⁵⁾ Аҳмад: 24500. Дорамий:» Таҳорат»: 791, 182 рақам. Унда «اجتنبى الصلاة أيام محيضك. اجلسى أيام»

«محيضك» деган иборада келган.

وَأَمْ تُفَضِّرُونَ **Унутмадим ҳам, қаср ҳам ўқилмади»**, дедилар. Кейин – бу гапни Зулядайн гапирдим, дедилар. Ҳа, дейишгач, ўринларидан туриб, колдирган намозини ўқиб салом бердилар. Кейин Аллоху Акбар, деб худди аввалгидек ё ундан узунроқ сажда қилдилар. Кейин бошларини кўтариб Аллоху Акбар, дедилар. Кейин яна Аллоху Акбар, деб худди аввалгидек ё ундан узунроқ сажда қилдилар. Кейин бошларини кўтариб Аллоху Акбар, дедилар.²¹⁶

2. Муштарак сўзлар:

Муштарак сўзлар бир неча маъноларидан бирига амал қилиш учун баёнга муҳтож бўлинадиган мужмал сўзлардир. Буни юкоридаги

وَالْمُطَلَّقَاتُ يَتَرَيَّنَّ بَأَنفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

– „**Талоқ қилинган аёллар уч қуруҳ кутарлар**“.

[2:228]

оят мисолида айтиб ўтдик.

3. Мураккаб сўзлар:

Биттадан кўпроқ маънолар англашилиб, улардан қай бирини аниқлашда бирор баёнга муҳтож бўлинган сўзлар мураккаб сўзлардир. Мисол учун, Аллоҳ Таоло айтади:

أَوْ يَعْفُوَ الَّذِي بِيَدِهِ عُقْدَةُ النَّكَاحِ

– „**Ёки никоҳ қўлида бўлган зот кечса**“.

[2:237]

Бу Оятда валий ёки эр назарда тугилган, демакки бунинг учун баён яъни нима мақсад қилинганини аниқлашга ё таржих қилишга муҳтож бўлинади.

4. Замирнинг баробар қилиш учун бир неча тарафга қайтиши:

Замирни қаерга қайтариш учун шуни аниқловчи бирор қаринага муҳтож бўлинади. Масалан, Аллоҳ ﷻнинг ушбу каломини олайлик:

إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ وَالْعَمَلُ الصَّالِحُ يَرْفَعُهُ

– „**(Ҳар бир) ширин сўз ва солиҳ амал Унга юксалур. Уни Ўз даргоҳида қабул қилур**“.

[35:10]

Бу оятдаги «يرفعه»даги замирнинг қаерга қайтиши ноаниқ. Солиҳ амалга қайтарилса, Аллоҳ солиҳ амални қабул қилади деган маъно чиқади. Ширин сўзга қайтарилса, солиҳ амал ширин сўзни Аллоҳ ﷻга кўтаради, деган маъно чиқади.

5. Тўхтаб, бошлаш маъноларининг ҳар хиллиги:

Аллоҳ ﷻ айтади:

⁽²¹⁶⁾ Бухорий: 460. Муслим: 896.

وَمَا يُعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ

– „Унинг (муташибихнинг) таҳвилини фақат Аллоҳ билади ва илмда собит бўлганлар (ҳам биладилар)“ [3:7]

Бу оятда «اللَّهُ» сўздан кейин тўхташ лозимми ё «الرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ»дан кейин тўхташ лозимми эканини аниқлаш учун бир ё бир нечта қаринага муҳтож бўлинади.

6. Истеъмол қилинган маънонинг тушунарсиз бўлиши:

Баъзи сўзларнинг ўзи тингловчига тушунарсиз бўлиб, уни аниқлаш учун изоҳга ёки бошқа қаринага муҳтож бўлинади. Мисол учун, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломини олайлик:

يَسْتَفْتُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ إِنْ أَمْرٌ هَلْكَ لَيْسَ لَهُ وَوَلَدٌ لَهُ أُخْتٌ فَلَهَا نِصْفُ مَا تَرَكَ وَهُوَ يَرِثُهَا إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا وَوَلَدٌ فَإِنْ كَانَتْ أَنْثَىٰ فَلَهَا النَّصْفُ وَمَا تَرَكَ وَإِنْ كَانُوا إِخْوَةً رَجَالًا وَنِسَاءً فَلِلَّذَكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثَىٰ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ أَنْ تَضِلُّوا وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

– „*(Эй Мухаммад), Сиздан фатво сўрайдилар. Сиз: «Аллоҳ сизларга на ота ва на боласи бўлмаган одам тўғрисида фатво берур: агар фарзандсиз бўлган ёлғиз бир эркак ўлса, унинг синглиси бўлса, қўйиб кетган мероснинг ярмини олур. Агар синглисининг фарзанди бўлмаса, ака унга меросхўр бўлур. Агар сингиллар иккита бўлса, улар учун ака қолдирган нарсадан учдан иккиси тегур. Агар меросхўрлар ака-сингиллар бўлса, бир эркак учун икки аёл ҳиссаси берилур. Адашиб кетмасликларинг учун Аллоҳ сизларга (Ўз ҳукмларини) баён қилур. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир», деб айтинг».* [4:176]

Бу оятда *كلالة* мужмал сўз бўлиб, баёнга муҳтождир.

Аллоҳ Таоло яна айтади:

وَأَتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ

– „...ўрим-терим кунда ҳаққини беринглр“ [6:141]

Бу оятда ҳам «حَقَّهُ» сўзи баёнга муҳтож бўлган мужмал сўздир.

Аллоҳ Таоло яна айтади:

إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا * إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا * وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعًا * إِلَّا الْمُصَلِّينَ

– „*Дарҳақиқат инсон бетоқат қилиб яратилгандир. Қачон унга ёмонлик (камбагаллик-кулфат) етиб қолса у ўта бесабрлик қилгувчидир. Қачон унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса у ўта ман қилгувчи-бахилдир. Фақат намоз ўқигувчи зотлар (ундоқ эмасдилар)“.* [70:19-22]

Бу оятда ҳам «هَلُوعًا» сўзи баёнга муҳтож бўлган мужмал сўздир.

Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«يَأْتِي عَلَى النَّاسِ سَنَوَاتٌ خَدَاعَاتٌ يُصَدَّقُ فِيهَا الْكَاذِبُ وَيُكَذَّبُ فِيهَا الصَّادِقُ وَيُؤْتَمَنُ فِيهَا الْخَائِنُ وَيُخَوَّنُ فِيهَا الْأَمِينُ وَيَنْطِقُ فِي النَّاسِ الرُّوَيْصَةُ. قَالُوا: وَمَا الرُّوَيْصَةُ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الرَّجُلُ التَّافَهُ يَتَحَدَّثُ فِي أَمْرِ الْعَامَّةِ»

«Одамлар бошига шундай ёлгончи йиллар келадики, у йилларда тўғрисўз ёлгончига, ёлгончи тўғрисўзга, хиёнатчи омонатгўйга, омонатгўй хиёнатчига чиқарилади ҳамда одамлар ичида рувайбиза нутқ сўзлайди. Рувайбиза ким, ё Росулаллоҳ, дейишди. Росулаллоҳ ﷺ дедилар: **Омманинг иши тўғрисида гапирувчи пасткаш кишидир**».²¹⁷

Бу ҳадисда «الرَّوَيْصَةُ» сўзи мужмал бўлиб, баёнга муҳтождир.

7. Луғавий ҳақиқий маънодан шаръий ҳақиқий маънога кўчувчи сўзлар:

Шаръий маънога кўчган сўзнинг янги равиши баёнга муҳтож бўлган мужмал сўз ҳисобланади. Аммо ушбу шаръий маънодаги жинси остига бошқа қисмлар ҳам кирувчи сўзлар эса баёнга муҳтож бўлмаган умумий сўзлар бўлади.

Масалан, Росулаллоҳ ﷺнинг «لَا صَلَاةَ إِلَّا بَطْهُورٍ»²¹⁸ деган ҳадисида эса таҳоратсиз ҳар қандай намоз дуруст бўлмаслиги тушунилади. Бу ҳадисдаги сўзи нафи оқимидаги накра бўлиб келган «صَلَاةَ» сўзи умумий сўзлардан бўлиб, ҳукм унинг барча бўлақларига яъни барча намозга тўғри келади ва у ҳеч қандай баёнга муҳтож бўлмайди. Аммо Аллоҳ ﷻнинг «وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ» деган каломидидаги «الصَّلَاةَ» эса баёнга муҳтож бўлган мужмал сўздир. Яъни Росулаллоҳ ﷺнинг бу намозни қандай ўқиш лозимлигини баён қилиб берувчи бирор сўзларига ё амалларига муҳтождир. Бу ерда Росулаллоҳ ﷺ мусулмонларга қандай намоз ўқишни ўргатишлари ёки улар олдида намоз ўқиб кўрсатишларини ўз ичига олган ҳадислари керак бўлади.

Шунингдек, Аллоҳ ﷻнинг

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمَوْلَافَةَ قُلُوبِهِمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْبَنِينَ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

– *Албатта, садақа-закотлар Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга,*

⁽²¹⁷⁾ Ибн Можа: 4036. Аҳмад: 291\2. «Мустадрок»: 512\4. Абу Яъло: 378\6. «Мўъжами кабир»: 67\18.

⁽²¹⁸⁾ Термизий: 1. Ибн Можа: 271. Насоий: 129. Аҳмад: 4470. Ибн Ҳиббон: 152\8. Ибн Хузайма: 9.

қўнғиллари ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида (яъни, жиҳодга ёки ҳажсга кетаётганларга) ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир“.[9:60] деган оятида «الصدقات» яъни закот сўзи умумий сийғада келган сўз бўлиб, мазкур ҳукм пулдан, экиндан, тижоратдан яъни закотнинг ҳар бир бўлакларидан олинган закотни тарқатишга тааллуқлидир. Бундай ҳолатда ҳеч қандай баёнга муҳтож бўлинмайди.

Аммо Аллоҳ ﷻнинг «وَأْتُوا الزَّكَاةَ» деган каломиде эса «الزَّكَاةَ» сўзи мужмал сўз бўлиб, Росулulloҳ ﷺнинг нималардан закот берилиши лозимлигини айтувчи баёнларига муҳтож бўлинади.

Хулоса қилиб айтганда, шаръий маънога кўчган сўзлар яъни шаръий ҳақиқий маъноли сўзлар умумий сўзлар бўлиб, уларнинг остига барча бўлаклари дохил бўлади ва ҳукм ҳам ҳар бир бўлакка тўғри келиб, шу жиҳатдан олганда, бирорта ҳам баёнга эҳтиёж сезилмайди. Шариатга нақл қилинган янги равиш сўзлар эса баёнга муҳтож бўлган мужмал сўзлар ҳисобланади.

Иккинчи: Мубайян:

Булар мужмал сўзлар ҳақидаги гаплар. Энди мубайян сўзларга келсак, бундай мужмал сўзларнинг олдида ёки алоҳида баёни бирга келади. Яъни унинг баёни ўша далилнинг олдида ёки мана шу мужмал сўзда келган далилдан алоҳида бир далил олдида келади.

Демак, мужмал сўзнинг тушунарсиз жиҳати бартараф бўлиб, унга амал қилинадиган маъноси тайин бўлса ёки таржиҳ қилинса бу мубайян сўз ҳисобланади. Мужмални мубайянга айланиши қуйидагича:

1. Гап орқали баён:

Аллоҳ ﷻнинг

إِذَا مَسَّ الشَّرُّ جَزُوعًا * وَإِذَا مَسَّ الْخَيْرُ مَنُوعًا

– „**Қачон унга ёмонлик (камбағаллик-қулфат) етиб қолса у ўта бесабрлик қилгувчидир. Қачон унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса у ўта ман қилгувчи-бахилдир**“ . [70:20-21]

деган каломе оят юқорисидаги «هَلُوعًا» деган мужмал сўзнинг гап орқали баёнидир.

Росулulloҳ ﷺнинг «الرَّجُلُ التَّائِبُ يَتَحَدَّثُ فِي أَمْرِ الْعَامَّةِ»²¹⁹ деган сўзлари ҳам мужмал бўлмиш «الروبيضة» сўзининг гап орқали баёнидир.

Росулulloҳ ﷻнинг намозни нотўғри ўқиган кишига ўргатиб,

⁽²¹⁹⁾ Ибн Можа: 4036. Аҳмад: 291\2. «Мустадрак»: 512\4. Абу Яъло: 378\6. «Мўъжами кабир»: 67\18.

«إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ ثُمَّ اقْرَأْ بِأَمْرِ الْقُرْآنِ وَبِمَا شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ رَأْسَكَ ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا...»

«Намозга турсангиз Аллоху Акбар деб, Куръоннинг онаси (фотиҳа сураси) ва Аллоҳ хоҳлаган бир сурани ўқинг. Кейин то кўнглингиз тўлгунча руку қилинг. Кейин тик бўлгунингизга қадар бошингизни кўтаринг...»,²²⁰ деган сўзлари ҳам мужмал бўлиб келувчи «الصلاة» сўзига гап орқали баён бўлади.

Росулуллоҳ ﷺнинг ушбу закат тўғрисидаги ҳадислари ҳам мужмал келган «الزكاة» сўзига гап орқали баён бўлади:

«...» فِي كُلِّ خَمْسٍ ذَوْدٍ مِنَ الْإِبِلِ شَاةٌ، فَإِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا وَعِشْرِينَ فَفِيهَا ابْنَةٌ مَخَاضٍ إِلَى خَمْسٍ وَثَلَاثِينَ... وَفِي صَدَقَةِ الْغَنَمِ فِي سَائِمَتِهَا إِذَا كَانَتْ أَرْبَعِينَ فَفِيهَا شَاةٌ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةً»

«...Ўнтагача бўлган туяларнинг ҳар бештасидан битта қўй.. Агар йигирма бештагача етса, ўттиз бештагача битта бўғоз туя... Яйловда боқилган қўйлардан эса, қирқтага етса то бир юз йигирматага етгунча битта қўй (закат берилади)».²²¹

2. Амал орқали баён:

Росулуллоҳ ﷺ мусулмонлар кўз ўнгида ҳаж ибодатларини қилар ва уларга

«خُذُوا عَنِّي مَنَاسِكَكُمْ»

«ҳаж ибодатларингизни мендан ўрганинг»,²²² дея ўз амаллари орқали мужмал бўлган «مناسك الحج»ни баён қилиб бердилар.

3. Амал ва гап орқали баён:

а) Агар амалнинг далолати ҳам, гапнинг далолати ҳам бир хил бўлса, уларнинг бири баён бўлишга, иккинчиси таъкид бўлишга ярайди. Мисол учун, Росулуллоҳ ﷺ ўз амаллари билан қандай намоз ўқишни ўргатар, кейин эса

«صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي»

⁽²²⁰⁾ Бухорий: 715, 757. Муслим: 396, 602. Термизий: 179. Насойи: 874. Абу Довуд: 73. Ибн Можа: 1050. Аҳмад: 18225.

⁽²²¹⁾ Бухорий: 1362. Термизий: 564. Насойи: 2404. Абу Довуд: 1329. Ибн Можа: 1797. Аҳмад: 68.

⁽²²²⁾ Муслим: 2286. Насойи: 3012. Абу Довуд: «Носик»: 1680. Аҳмад: 13899, 14091.

«Менинг қандай намоз ўқишимни кўрганингиздек намоз ўқинг»,²²³ дер эдилар. Кейин Росулulloҳ ﷺнинг гап орқали қандай намоз ўқишни баён қилган бир ҳадиси ҳам келган. Ушбу «Росулulloҳ ﷺ намозга Аллоҳу Акбар деб кирар эдилар...»,²²⁴ деган ҳадисда эса намоз ўқиш амал орқали баён қилинди. Росулulloҳ ﷺнинг намозини нотўғри ўқиган кишига ўргатиб, «Намозга турсангиз Аллоҳу Акбар денг»,²²⁵ деган юқоридаги ҳадисда эса гап орқали баён келди.

Бу ерда амал ҳам, гап ҳам бир хил маънода келиб, уларнинг бири намозни бошлашга баён, иккинчиси унга таъкид бўляпти.

б) Аммо амал билан гапнинг маънолари ҳар хил келса, то икки ҳадисни усул илми орқали ўрганиб чиқилмагунича, иккала маъно ҳам баён бўлмайди. Иккала ҳадисни ўрганиш орқали ё улар ўртаси жамланади ёки таржиҳ қилинади. Ушбу таржиҳ тўғрисида учинчи бобда «далиллар ўртасини таржиҳ қилиш», деган мавзуда – инша Аллоҳ – батафсил баён қиламиз. Бироқ, ҳозир амал билан гап маъноларининг ҳар хил келиб қолгани тўғрисида куйида мисоллар келтирмоқчимиз:

Ривоят қилинадики, Росулulloҳ ﷺ ҳаж оятидан кейин бундай дедилар:

«مَنْ قَرَنَ حَجًّا إِلَىٰ عُمْرَةٍ فَلْيُطْفِئْ طَوَافًا وَاحِدًا وَيَسْعَىٰ سَعْيًا وَاحِدًا»

«Ким ҳажга умрани кўшиб адо қилмоқчи бўлса, бир марта тавоф ва бир марта саҳилсин».²²⁶

Росулulloҳ ﷺ «ҳаж билан умрани кўшиб адо қилишда икки марта тавоф, икки марта саҳй қилдилар».²²⁷

Бу икки ҳадисда гапдаги нарсдан амалдаги нарсани зиёда қилиш бор. Энди ушбу икки ҳадисдан баённи чиқариб олиш учун куйидаги ҳолатларни ўрганиш лозим:

Биринчи ҳолат: Гап аввал келгани маълум бўлса, у ҳолда:

Гап баён бўлади яъни бир марта тавоф ва бир марта саҳй қилиш буйруқ бўлади-да, иккинчи тавоф билан иккинчи саҳй мандуб бўлиб қолади.

Иккинчи ҳолат: Амал аввал келгани маълум бўлса, у ҳолда:

Бунда ҳам гап баён бўлади ва аввалги амал эса ё Росулulloҳ ﷺнинг ўзларига хос амал бўлиб, бунинг учун хослигига қарина

(223) Бухорий: Азон-595, 5549. Муслим: 1297. Дорамий: Салот-1225. Аҳмад: 53\7. Байҳакий: 354\2.

(224) Бухорий: 737. Муслим: 392.

(225) Бухорий: 715. Муслим 602.

(226) Термизий: 870. Насой: 2883. Аҳмад: 5097.

(227) Термизий: 870.

бўлиши лозим ёки аввалги амал яъни аввалги тавоф гап орқали насх қилинган бўлади. Бунинг сабаби шуки, гап Росулulloҳ ﷺнинг Умматларига нисбатан амалнинг далолатидан кучли ҳисобланади.

Учинчи ҳолат: Агар қайсиниси муқаддамлиги билинмаса, у ҳолда: Гапни муқаддам қўйилган яхшироқдир. Чунки бундай ҳолатда зиёдалиқ мандуб бўлиб қолаверади. Агар амал муқаддам қўйилса, зиёдалиқ ё мансух бўлади ёки Росулulloҳ ﷺга хос бўлиб қолади. Умматнинг эргашиш масаласида иккала далилга амал қилиши улардан бирини тарқ қилгандан яхшироқдир.

4. Баённинг бошқа қариналар далолати орқали истинбот қилиниши:

Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ

– „*Унинг (муташобихнинг) таҳвилини фақат Аллоҳ билади ва илмда собит бўлганлар (ҳам биладилар)*“ [3:7]

Бу оятда вовнинг маъноси мужмал. У ё атф бўляпти ёки истиъноф (ибтидо) воқи бўляпти. Бинобарин, унинг маъносини аниқлаш ёки таржих қилиш учун бирор қаринага муҳтож бўлинади. Демак, бу ерда илмда зиёда бўлиш сифати «الرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ *илмда зиёда бўлганлар*» қуйидагича мавзуга муносиб бўлиши лозим:

Агар вов истиъноф (ибтидо) воқи бўлса, илм сифатининг зиёдалиги имон сабабли бўлади. Чунки бу ҳолатда гап янгидан «الرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ» *Ва илмда зиёда бўлганлар имон келтирдик дейишади*» дея бошланаётган бўлади. Аммо вов атф бўлганда эса «الرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ» *ва (унинг таҳвилини) илмда зиёда бўлганлар ҳам (билишади, улар) имон келтирдик дейишади*» дея муташобихнинг таъвилини билиш сабабли бўлади.

Аммо Аллоҳга имон келтиришда илмда зиёда бўлишга муҳтож бўлинмайди. Фақат олимларгагина муҳтож бўлинади. Ақли расо ва тани соғ инсон эса илмсиз ҳам Аллоҳга имон келтириши мумкин. Аммо муташобихни таъвил қилиш учун илм зарур. Шунинг учун вовни атф воқи қилган (таржих) маъқулроқдир.

Бир тарафдан шундай. Иккинчи тарафдан эса агар вовни ибтидо воқи қилинса, бу Қуръондаги муташобихни фақат Аллоҳ билади, деганни англатади. Чунки «وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ» дея тўхтаб қолинади. Бу эса Қуръоннинг «بَيَانَ لِلنَّاسِ» *одамлар учун очик баён*» эканлигига зид бўлиб қолади.

Аммо вовни атф деб ҳисобланса, бундан муташобихнинг таъвилини Аллоҳ ﷻ ва илмда зиёда бўлганлар билади, деган маъно

чиқади. Мана шу маъно Аллоҳ ﷻнинг Қуръонга берган «يَا أَيُّهَا النَّاسُ»
одамлар учун очиқ баён» деган сифатига тўғри келади.

Булардан маълум бўлдики, мазкур оятдаги «و» вов» атф вови эканлиги таржиҳ қилинди.

Бу билан оятдаги тўхташ билан ибтидо ўртасидаги мужмаллик на гап орқали ва на амал орқали бевосита баён бўлмай, бошқа бир қарина орқали баён бўлди.

Яна бир мисол:

أَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ
لَا نَفْرَقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُّسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ

– „*Пайгамбар ўзига Роббидан нозил қилинган нарсага имон келтирди ва мўминлар. Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига имон келтирган ҳар бир киши: «Унинг пайгамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», дедилар.*» [2:285]

Бу оятда «وَالْمُؤْمِنُونَ»дан тўхтаб, «كُلُّ»дан бошланиш лозимми ёки «رَبِّهِ»дан тўхтаб, «وَالْمُؤْمِنُونَ»дан бошлаш лозимми, деган иккиланиш мавжуд. Шунинг учун бу ердаги тўхташ ва бошлашдаги иккиланиш мужмал, дейилади. Баён эса қариналар ёрдамида таржиҳ қилиш билан қуйидагича бўлади: Агар «وَالْمُؤْمِنُونَ»ни вов орқали «رَسُولٌ»га атф қилинса, «Росулуллоҳ ﷺнинг имонлари мўминлар имонидан олдин туради, мўминлар Росулуллоҳ ﷺнинг имонига эргашадилар, чунки мўминлар Росулуллоҳ ﷺнинг даъватидан сўнггина имон келтирганлар, чунки Қуръони Каримнинг ваҳи бўлиши ҳам мўминларнинг Қуръонга имон келтиришларидан муқаддамдир», деган маъно чиқади.

Аммо «رَبِّهِ»дан тўхталиб, ундан кейинги вовни ибтидо вови қилинса, яъни «أَمَّنَ الرَّسُولُ» билан «وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّ آمَنَ» ибтидо бўлса, Росулуллоҳ ﷺнинг имонлари тўғрисидаги хабар «أَمَّنَ الرَّسُولُ» жумлаи феълиани ишлатиш билан бўлади. Мўминларнинг имони тўғрисидаги хабар эса «وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّ آمَنَ» билан жумлаи исмиани ишлатиш билан бўлади. Бу эса мўминларнинг имони Росулуллоҳ ﷺнинг имонларига яъни даъватига эргашшига зид бўлиб қолади.

Шунинг учун «وَالْمُؤْمِنُونَ»дан кейин тўхталиб, вовни ибтидо эмас, атф вови қилиш таржиҳ (афзал)дир.

Хулоса қилиб айтганда, гап ёки амалдаги бир неча маънолар ўртасида иккиланиш ана шу маъноларнинг мужмал эканини кўрсатади. Амал қилинадиган маънони аниқлаб олиш ёки уни таржих қилиш учун бундай маъно бирор баёнга муҳтож бўлади. Ушбу баён эса юқорида айтганимиздек:

Ё гап орқали ё амал орқали ё гап ва амал орқали ёки қариналар орқали бўлади.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

Насх, носих ва мансух

«النسخ» насх» луғатда «الإزالة» бартараф қилишни ёки нарсани ўзгартирмасдан бир ҳолатдан бошқа ҳолатга кўчириш, деганни англатади. Истилоҳий маъноси эса Шорейнинг аввал собит бўлган хитоб ҳукмини давом этишдан ман қилувчи хитобидир.

«الناسخ» Носих», деб Аллоҳ Субҳанаҳуни айтилади:

مَا نَنْسَخُ مِنْ آيَةٍ

– „*Бирон оятни насх қилсак...*“ [2:106]

Баъзан насх бўлган оятни «آيَةٍ نَّاسِخَةٍ» дейилади. Масалан, тавба сурасининг 29 оятини насх қилинган оят, дейилади.

«المنسوخ» мансух» эса тўхтатиб қўйилган ҳукмдир. Масалан, Росулulloҳ ﷺ билан сирли суҳбат қилиш олдидан садақа бериш ҳукмини тўхтатиш, меросхўрлар васияти ҳукмини тўхтатиш ҳамда эри ўлган аёлнинг бир йил эрга тегмай туриши ҳукмини тўхтатиш каби. Насх масаласида насх қилинган нарсa шаръий бўлиши ҳамда ҳукмининг тўхтатиб қўйилганини кўрсатаётган далил шаръий далил бўлиб, ҳукми насх қилинган хитобдан нарида бўлиши лозим.²²⁸

Шунингдек, ҳукми насх қилинган хитоб муайян бир вақтга чеклаб қўйилган бўлмаслиги лозим. Чунки насх бўлган аҳкомлар кўпдир.

Аллоҳ Субҳанаҳу аҳкомларнинг насх бўлиши ҳамда амалда насх қилингани тўғрисида хабар берди:

مَا نَنْسَخُ مِنْ آيَةٍ أَوْ نُنسِهَا نَأْتِ بِخَيْرٍ مِّنْهَا أَوْ مِثْلَهَا أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

– „*Бирон Оятни насх қилсак ёки ёдингиздан чиқарсак, ундан яхширогини ёки ўшандайини келтирамиз. Аллоҳ ҳар нарсага қодир зот эканини билмадингизми*“ [2:106]

وَإِذَا بَدَّلْنَا آيَةً مَّكَانَ آيَةٍ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُنَزِّلُ قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مُفْتَرٍ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

– „*Қачон Биз бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштираш ҳолбуки, Аллоҳ Ўзи нозил қиладиган Оятларни жуда яхши*

(228) далилнинг ҳукми насх қилинган хитобдан нарида ёки ундан кейинда бўлиши ё насх

ва мансухдаги – масалан Росулulloҳ ﷺнинг ўзлари мана бу насх қилувчи, мана буниси насх қилинган, деганларига ўхшаш – сўздан билинади ёки унга ижмо қилинганидан билинади. Ёки вақтдан билинади ёхуд Росулulloҳ ﷺнинг «عَنْ زَيْنَاةِ الْقُبُورِ أَلَا فُرُورُهَا» Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, бас, энди зиёрат қилаверинг», деганлари каби нусуснинг ўзидан билинади.

билгувчидир – улар: «Шак-шубҳасиз, сен ўзинг тўқиб олурсан», дейдилар! Йўқ! Уларнинг кўплари билмайдилар“. [16:101]

Насх турлари:

а) Бир ҳукми бошқа ҳукмга алмаштирмасдан насх қилиш:
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَاجَبْتُمُ الرَّسُولَ فَقَدِّمُوا بَيْنَ يَدَيْ نَجْوَاكُمْ صَدَقَةٌ ذَلِكَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَأَطْهَرُ فَإِن لَّمْ تَجِدُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ * أَشْفَقْتُمْ أَن تُفْتَمُوا بَيْنَ يَدَيْ نَجْوَاكُمْ صَدَقَاتٍ فَإِذْ لَمْ تَفْعَلُوا وَتَابَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَاللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ

– „Эй мўминлар, қачон сизлар пайгамбар билан сирлашмоқ — суҳбатлашмоқни истасангиз, суҳбатларингиз олдидан хайр-садақа тақдим этинг. Бу ўзларингиз учун яхшироқ ва поклагувчироқдир. Энди агар (садақа) топа олмасангиз, у ҳолда албатта Аллоҳ магфиратли, меҳрибондир. Суҳбатларингиз олдидан хайр-садақалар тақдим этишдан қўрқдингларми? Бас, сизлар (хайр-садақа) қилмаган экансиз ва Аллоҳ тавбангизни қабул қилган экан, энди намозни барпо этинг ва закотни адо этинг ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига итоат этинг! Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардордир“.

[58:12-13]

Яъни Росулulloҳ ﷺнинг ҳузурларида суҳбат қилишдан аввал садақа қилиш ҳукми насх қилинди.

б) Бир ҳукми бошқа ҳукмга алмаштириб насх қилиш:

• Бир кишининг ўн кишига бас келиш ҳукми:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ حَرِّضِ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى الْقِتَالِ إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَابِرُونَ يَغْلِبُوا مِئَتِينَ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِئَةٌ يَغْلِبُوا أَلْفًا مِّنَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَفْقَهُونَ

– „Эй пайгамбар, мўминларни жангга чорланг! Агар сизлардан йигирмата сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзтани енгар! Агар сизлардан юз киши бўлса, кофирлардан мингини енгар! Бунга сабаб, уларнинг онгсиз қавм эканлигидир“.

[8:65]

• Бу ҳукм насх бўлиб, қуйидагича икки кишига бас келиш ҳукмига алмашиши:

إِنَّمَا خَفَّفَ اللَّهُ عَنْكُمْ وَعَلَّمَ أَنَّ فِيكُمْ ضَعْفًا فَإِن يَكُنْ مِنْكُمْ مِئَةٌ صَابِرَةٌ يَغْلِبُوا مِئَتِينَ وَإِن يَكُنْ مِنْكُمْ أَلْفٌ يَغْلِبُوا أَلْفَيْنِ بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ

– „Энди Аллоҳ сизларга энгиллик берди, сизларда оғирлик борлигини билди. Бас, сизлардан юзта сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзтани енгар. Агар сизлардан минг киши бўлса, Аллоҳнинг изни билан икки мингни енгар. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир“.

[8:66]

в) Бир хил ҳукм билан алмашиш:

Байтул Мақдисга юзланиш ҳукми насх бўлиб, ўрнига Каъбага юзланиш ҳукми жорий қилиниши:

قَدْ نَرَى تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ
وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ

– „Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжид-ал-ҳаром томонга буринг! қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз“.

[2:144]

г) Оғирроқ ҳукмга алмашиши:

- Зинокорни уйга қамаб, сўкиб жазолаш ҳукми:

وَاللَّاتِي يَأْتِيَنَّ الْفَاحِشَةَ مِنْ نَسَائِكُمْ فَاَسْتَشْهُوْا عَلَيْهِنَّ اَرْبَعَةً مِّنْكُمْ فَاِنْ شَهِدُوْا
فَاَمْسِكُوْهُنَّ فِي الْبُيُوتِ حَتّٰى يَتَوَفَّاهُنَّ الْمَوْتُ اَوْ يَجْعَلَ اللهُ لَهُنَّ سَبِيْلًا * وَاللَّذَانَ يَأْتِيَانِيْهَا
مِنْكُمْ فَاَدُوْهُمَا فَاِنْ تَابَاْ وَاَصْلَحَاْ فَاَعْرِضُوْا عَنْهُمَا

– „Хотинларингиздан қайси бир аёл фоҳишалик қилса, ундай аёлларнинг устида ўзларингиздан бўлган тўрт кишини гувоҳ қилинг. Агар улар гувоҳлик берсалар, то бу аёлларга ўлим келгунча ёки Аллоҳ бирор йўлга солгунча уларни уйларида сақлангиз! Сизлардан икки эркак шундай қилса (яъни баччавозлик ёки фоҳишабозлик қилса) уларни уриб-сўкиш билан таҳзирларини берингиз. Агар тавба қилиб, ўзларини тузатсалар, уларни тинч қўйинглар. Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи ва меҳрибон бўлган зотдир“.

[4:15-16]

- Кейин бу жазо дарралашга ўзгарди:

الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوْا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِئَةَ جَلْدَةٍ وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِيْنِ اللهِ

– „Зинокор аёл ва зинокор эркак — улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Аллоҳнинг (бу) ҳукмида сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар“.

[24:2]

Ошуро рўзаси насх қилиниб, рамазон рўзасига алмашди:

Оиша رضي الله عنها бундай деди: «Ошуро куни курайшликларнинг рўза тутадиган куни эди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم ҳам шу кунда рўза тутардилар. Мадинага келганларида ҳам уни тутдилар ва одамларни ҳам тутишга буюрдилар. Кейин рамазон фарз бўлгач, бундай дедилар:

«مَنْ شَاءَ صَامَهُ وَمَنْ شَاءَ تَرَكَهُ»

«Ким хоҳласа (ошуро рўзасини) тутаверсин, ким хоҳласа тарк қилсин».²²⁹

Шуни билиб қўйиш муҳимки, ҳукм насх бўлади, тиловат эмас. Бу собит бўлган. Масалан, бир йил идда сақлаш ва ота-онага васият ҳукми насх қилинди. Аммо булар тўғрисидаги насх қилинган оятлар ҳамон тиловат қилиняпти, қолган насх қилинган ҳукмлар

(229) Бухорий: 1760. Муслим: 1897

ҳам шундай. Тиловат қилишнинг насх бўлганлигига келсак, бу тўғрисида ҳеч нарса келмаган. Насх бўлганлигига ҳеч нарса келмаганлиги насх қилинмаганлигига далилдир.

Аммо айти мавзу тўғрисида келган ҳадислар эса улар оҳод ҳадислар бўлиб, эътиқодга олинмайди.

Насх қандай бўлади:

Биринчи: Қуръоннинг Қуръон билан насх бўлиши:

• Бир йил идда сақлаш ҳукми:

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِمْ مَتَاعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرَ إِخْرَاجٍ

– „Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, хотинларига бир йилгача чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар“.

[2:240]

• Бу ҳукм насх бўлиб, ушбу ҳукмнинг жорий бўлди:

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا

– „Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар“.

[2:234]

Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ билан сирли суҳбат қуриш олдидан садақа бериш ва бундан бошқа мазкур аҳкомлар ҳам насх қилинди.

Иккинчи: Суннатнинг Суннат билан насх бўлиши:

Мутавотир ва оҳоднинг мутавотир билан, оҳоднинг оҳод билан насх бўлиши:

«كُنْتُ نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُورِ إِلَّا فَزُورُوهَا»

«Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтаргандим. Бас, энди зиёрат қилаверинг».²³⁰

«فَإِنْ شَرِبَ الرَّابِعَةَ فَاقْتُلُوهُ»

«...Агар тўртинчи марта ҳам (арок) ичса, уни ўлдириңлар»²³¹
Яъни Росулulloҳ ﷺ

«كُنْتُ نَهَيْتُكُمْ عَنْ إِخْرَاجِ لُحُومِ الْأَصْحَى لِأَجْلِ الدَّافَةِ فَادْخِرُوهَا»

«Мен сизларни келаётган муҳтожлар сабабли қурбонлик гўштларини сақлашдан қайтаргандим, бас, энди сақласангиз майли».²³²

Учинчи: Суннатнинг Қуръон билан насх бўлиши:

Байтул Мақдисга юзланиш ҳукмининг Қуръон билан насх бўлиши:

⁽²³⁰⁾ Ҳоким Анас йўли орқали ривоят қилган.

⁽²³¹⁾ Абу Довуд: 4484. Термизий: 1444. Насоий: 5661. Дорамий: 2313. Аҳмад: 136\2. Ибн Ҳиббон: 412\4.

⁽²³²⁾ Муслим: 1971, 3643. Абу Довуд: 2429. Молик: 918.

قَوْلٌ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ

– „Юзингизни Масжид-ал-ҳаром томонга буринг“ [2:144]

Рўзадор киши аёли билан тунда яқинлик қилиши Суннатда ҳаром қилинган эди. Кейин бу ҳукм Аллоҳ Субҳонаҳунинг мана бу каломи орқали насх бўлди:

فَالآنَ بَاطِرٌ وَّهُنَّ

– „Энди улар билан яқинлик қилаверинг“ [2:187]

Ошуро куни рўза тутиш Суннат орқали собит бўлганди, кейинчалик Қуръон билан насх бўлиб, рамазон рўзаси фарз бўлди.

Намозни жанг тугагунча кечиктириш ҳам Суннат орқали жоиз эди. Яъни Росулulloҳ ﷺ Хандак жангги кунда кофирлар мусулмонларни намоздан ушлаб қолишганда

«حَسْبَا اللَّهُ قُبْرَهُمْ نَارًا»

«Аллоҳ уларнинг қабрларини оловга тўлдирсин»,²³³ дедилар.

Кейин бу Қуръонда келган хавф намози орқали насх бўлди:

وَإِذَا كُنْتَ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ الصَّلَاةَ فَلْتَقُمْ طَائِفَةٌ مِنْهُمْ مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا أَسْلِحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا فَلْيَكُونُوا مِنْ وَرَائِكُمْ وَلْتَأْتِ طَائِفَةٌ أُخْرَى لَمْ يُصَلُّوا فَلْيُصَلُّوا مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتَهُمْ وَذَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ كَانَ بِكُمْ أَدَى مِّنْ مَّطَرٍ أَوْ كُنْتُمْ مَّرْضَى أَنْ تَضَعُوا أَسْلِحَتَكُمْ وَخُذُوا حِذْرَكُمْ إِنَّ اللَّهَ أَعَدَّ لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا

– „Эй Муҳаммад), қачон сиз (жанг майдонида) мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган ҳолда намоз ўқимоқчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси қуроолланган ҳолларида сиз билан намозга турсинлар. Бас, қачон сажда қилишгач, орқаларингга бориб турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуроолланиб олсинлар. Кофирлар сизлар қуроол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан гафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар. Агар ёгингарчиликдан азият чексангизлар ёки бемор бўлсангизлар, қуроолларингизни ечиб қўйишингиз гуноҳ эмас. Аммо эҳтиёт чорангизни кўриб қўйинглар. Албатта Аллоҳ кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир“ [4:102]

Тўртинчи: ижмо билан собит бўлган ҳукм насх қилинмайди:

Ижмо билан собит бўлган ҳукм насх қилинмайди. Чунки ижмо билан ҳукм собит бўлдими, демак, ана шу масалада бирорта ҳам ҳадис ривоят қилинган эмас. Бироқ, саҳобалар ҳадисни ривоят

(233) Муслим: 628. Аҳмад: 403\1. Абу Яъли: 456\8.

қилмасалар ҳам, уни билардилар. Шунинг учун ҳадисни ривоят қилмасдан ҳукми зикр қилаверардилар. Ваҳи тўхтагач, на Қуръонда, на Суннатда бирорта ҳам нусус бўлмасди. Бинобарин, қиёс ҳам, иккинчи ижмо ҳам бўлмасди. Шунга кўра, уларнинг ижмолари билан собит бўлган ҳукми насх қилувчи бирорта ҳам янги нусус бўлиши мумкин эмас.

Бешинчи: қиёс ҳукмининг насх бўлмаслиги:

Қиёс билан собит бўлган ҳукм мутлақо насх бўлмайди. Чунки эъяънига олинувчи қиёс очиқ-ойдин ё далолат орқали ёки истинбот орқали ёхуд қиёс орқали бўлишидан қатъий назар, иллати яъни ҳукм боиси шаръий бўлган қиёсдир. Бу иллат Қуръон, Суннат ва ижмолар далилидан олинган. Шунинг учун то далил бор экан, қиёс ҳам бор. Модомики, асл ҳукм мавжуд экан, қиёс орқали истинбот қилинган ҳукм насх бўлмайди. Аммо асл ҳукм насх бўлса, у ҳолда, қиёс бўлмайди, чунки ҳукмининг иллати ҳам йўқолди. Бундай ҳолатда айни насх қиёсда эмас, балки Қуръон, Суннат ва ижмода собит бўлган ҳукмда бўлган ҳисобланади. Бу худди Қуръон, Суннат ва ижмода содир бўладиган насх кабидир.

Олтинчи: Қуръоннинг мутавотир Суннат орқали насх бўлмаслиги:

Мутавотир Суннат гарчи қатъий бўлса-да, Қуръонни насх қилолмайди. Бунинг сабаблари куйидагича:

1. Аллоҳ ﷻ айтади:

وَإِذَا بَدَّلْنَا آيَةً مَّكَانَ آيَةٍ

– *„Қачон Биз бир Оят ўрнига бошқа бир Оятни алмаштирадик...“*. [16:101]

Яъни бир оят бошқа бир оят билангина алмашиши мумкин. Чунки оят билан собит бўлган нарсани, оят билан собит бўлган насагина насх қила олади.

2. Аллоҳ Таоло айтади:

مَا نَنْسَخْ مِنْ آيَةٍ أَوْ نُنسِهَا نَأْتِ بِخَيْرٍ مِّنْهَا أَوْ مِثْلَهَا أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

– *„Бирон Оятни насх қилсак ёки ёдингиздан чиқарсак, ундан яхшироғини ёки ўшандайини келтирамыз. Аллоҳ ҳар нарсага қодир зот эканини билмадингизми“*. [2:106]

Бу ерда «*نَأْتِ*»даги замир Аллоҳ Субҳанаҳуға қайтапти. Яъни оятни насх қилувчи Аллоҳ Субҳанаҳу, демакдир. Суннатни келтирувчи эса Росулulloҳ ﷺ эдилар. Чунки Суннат сўзи Росулulloҳ ﷺга хос, Қуръон сўзи Аллоҳ Субҳанаҳуға хос. Гарчи Қуръон ва барча Суннатдаги маъно Аллоҳ Субҳанаҳунинг ваҳиси бўлса-да, бироқ Суннат калом жиҳатидан Росулulloҳ ﷺга мансуб,

Қуръон Аллоҳ Субҳанаҳуга мансубдир. Шунинг учун оятнинг ҳукми фақат оят билан насх бўлади.

3. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ

– „*Сизга эса одамларга нозил қилган нарсаларни баён қилиб беришингиз учун Қуръонни нозил қилдик*“. [16:44]

Демак, Росулulloҳ ﷺ нозил бўлган оятларни баён қилиб берар эканлар, насх қилмас эканлар. Чунки насх баён эмас, тўхтатиб қўйишдир.

Мана шулар сабабли мутавотир Суннат Қуръонни насх қилмайди.

Модомики, Қуръонни мутавотир Суннат насх қилмас экан, уни оҳод Суннат асло насх қилолмайди. Чунки оҳод гумонлидир. Гумонли нарса эса қатъий нарсани насх қилолмайди.

Шунингдек, оҳод Суннат ҳам мутавотир Суннатни насх қилмайди. Чунки мутавотир оҳоддан кучли бўлиб, қатъий хабарни гумонли хабар йўқ қилолмайди.

Баъзилар шундай дейишлари мумкин: «Байтул Макдисга юзланиш мутавотир Суннат билан собит бўлган. Чунки Қуръонда бу тўғрида ҳеч нарса келмаган. Қуболиклар Байтул Макдисга қараб намоз ўқишга мана шу мутавотир Суннатга кўра амал қилардилар. Унга қараб намоз ўқиш насх бўлгач, Росулulloҳ ﷺнинг муаззини келиб, қибла ўзгарди, деган эди, улар юзларини каъбага буришди, Набий ﷺ эса бунинкор қилмадилар». Бунга жавоб шуки, Ақсога юзланишнинг насх бўлиши Қуръон орқали эди. Бунинкориди айтиб ўтдик. Муаззин уларга содир бўлган ишни хабар қилди холос. Бу хабар эса янги шаръий ҳукм тўғрисидаги хабар бўлиб, бу жоиздир. Аммо насх муаззиннинг гапи билан эмас, Қуръон орқали бўлди.

Насх билан таҳсис (хослаш) ўртасидаги фарқ:

1. Таҳсис (хослаш) оммани шахсларнинг бирига қискартиришдир. Аммо бундай хослашда қолган шахслардан ҳукми бекор қилиб қўйиш мавжуд эмас. Чунки омма ҳар бир шахсларга нисбатан асли берилган сўз бўлиб, битта шахсга чекланиб қолмаган. Фақат бирор хословчи қарина билангина чекланиши мумкин. Яъни хослангандан кейин оммадан қолган шахсларга ҳам амал қилиш давом этаверади. Омма хосланса, уни ҳужжат қилиш ёки амал қилиш ботилга чиқмайди. Аммо ҳукм насх билан бекор бўлса, унинг ҳар қандай тури ҳужжат ҳам қилинмайди, унга амал ҳам қилинмайди.

2. Хослашда собиқ ёки кейинги ёхуд солиштирилувчи қаринага риоя қилинади. Аммо насхда мансухдан кейин келувчи далил бўлиши шартдир.

3. Хослаш хабар ва бошқаларда келади. Аммо насх эса фақат амр ва наҳида келади.

БЕШИНЧИ БОБ

**Ижтиҳод ва у билан
боғлиқ нарсалар**

БИРИНЧИ ФАСЛ

Ижтиҳод

Ижтиҳоднинг луғавий маъноси оғир меҳнат ва машаққатни талаб қилувчи бирор ишни амалга ошириш учун бор кучни сарфлашдир.

Усул олимларининг истилоҳида ижтиҳод бирор шаръий ҳукмга нисбатан, ундан ошиғига ўз ожизлигини ҳис қилган йўсинда, ўз занн-гумонини излаб топиш учун бор кучини сарфлашдир.

Мужтаҳид эса мана шу ижтиҳод сифатига эга бўлган кишига айтилади. Мужтаҳиднинг иккита шарти мавжуд:

1. Мужтаҳид етарли даражада луғат ва наҳв илмига эга бўлиши ҳамда мана шу илм орқали арабларнинг ўзаро мурожаат қилишларида одатланишган сўзлар, маъноларни ўзлаштирган бўлиши шарт. Яъни сўзларнинг мутобақа, тазмин, илтизом, муфрад, мураккаб, куллий, жузъий, ҳақиқий, мажозий, мутавотий, муштарак, мутародиф, мутабойин, мантуқ ва мафҳум маъноларини ажрата олиши зарур.

2. Мужтаҳид қуйидагиларни онгли равишда билувчи олим бўлиши шарт: шаръий аҳкомларни, уларнинг қисмларини, исбот йўлларини, далолат жиҳатларини, ўзаро зид келиб қолганда таржиҳ қилиш йўлларини, қандай истинбот қилишни, нозил бўлиш сабаблари, носих, мансух, мутлақ, муқайяд... каби юқорида баён қилганимиз Қуръон ва Суннат қисмларини.

Мужтаҳиди мутлақ:

Мужтаҳиди мутлақ юқоридаги шартларга эга, ҳукм чиқаришга мутасаддий, фикҳнинг барча масалаларида истинбот қила оладиган усул илмига асос солиб, қоидаларни керакли даражада ишлаб чиқа оладиган кишидир.

Бунинг маъноси мужтаҳиди мутлақ ҳамма ҳукмни билиши лозим, дегани эмас. Қасд қилинган нарса бу эмас ва бу инсоннинг қўлидан келмайди ҳам. Буюк саҳобалар ҳам қўплаб масалалар олдида тўхталиб қолганлар. Масалан, Умар رضي الله عنه калола масаласида, закот беришдан бош тортаётганларга қарши жанг қилиш масаласида, Абу Бакр رضي الله عنه катта онанинг мерос олиши масаласида тўталиб қолганлар.

Дорул хижрат имоми бўлмиш Молик ибн Анас эса қирқта масала тўғрисида сўралганда – улардан ўттиз олтитасини билмайман, деб жавоб бердилар.

Мужтаҳиди мутлақ дейишдан мақсад, ижтиҳодда у шундай имкониятга эгаки, умумий исломий шариатни ялпи шаклда ўз

ичига олган кўплаб масалаларда изланишга, истинбот қилишга ва усул илмига асос солишга кодирдир.

Мужтаҳиди мазҳаб:

Мужтаҳиди мазҳаб усул ва фуруъларда ўз имоми мазҳабига эргашган, бироқ имомининг қоидаларида келган умумий аҳкомлардан бўлган масалаларда ана шу имомининг қоида ва манҳажидан чиқмасдан истинбот қилади.

Мужтаҳиди масала:

Мужтаҳиди масала бирор масалага тўғри назар солиб кўришга ва бошқа масалаларга тақлид қилишга имкони бўлган кишидир. Бунинг учун унга масала ҳукмига етарли даражада шаръий ва луғавий маълумотларга эга бўлиши кифоя қилади.

Булар мужтаҳидлар турлари.

Энди нима устида ижтиҳод қилиниши лозимлигига келсак, ижтиҳод далили гумонли бўлган шаръий аҳкомлар устида қилинади. Далолати қатъий аҳкомлар устида ижтиҳод қилинмайди. Масалан, бешта ибодат ва бошқалар каби.

Шунингдек, усулий ижтиҳод сифатида ақида устида ижтиҳод қилинмайди. Чунки ақида қатъий аниқ ақида бўлиб, қатъий далилдангина олинади. Гумонли далилдан олиниш мумкин эмас.

- Аллоҳ Таоло айтади:

الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئاً

– „*Аниққи, гумон ҳақиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас*“.
[53:28]

- Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ يُجَادِلُونَ فِي آيَاتِ اللَّهِ بِغَيْرِ سُلْطَانٍ أَتَاهُمْ إِنْ فِي صُدُورِهِمْ إِلَّا كِبْرٌ مَّا هُمْ بِبَالِغِيهِ

– „*Албатта, Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган бирон ҳужжат – далилсиз талашиб-тортишадиган кимсалар, аниққи уларнинг дилларида бир кибр бордирки, улар ўшанга етувчи эмасдирлар*“.
[40:56]

- Аллоҳ Таоло айтади:

مَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا اتِّبَاعَ الظَّنِّ وَمَا قَتَلُوهُ يَقِيناً

– „*У ҳақда фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир*“.
[4:157]

Бу ва бундан бошқа ақидага тааллуқли оятларда Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло ақиданинг гумонга асосланиб олинишини қоралаяпти ва бундан қатъий қайтаряпти.

Модомики, ижтиҳод ўз таърифида келганидек, гумонли далиллар устида қилинар экан, демак ақида устида қилинмайди.

Аммо «мужтаҳид ижтиҳод қилиб хато қилса, бир ажр олади, демак, ақида устида ҳам ижтиҳод қилиб, хато қилишининг зарари

йўк», дейилмайди. Бундай дейиш нотўғри. Чунки ақида устида хато қилган кимса савоб олмайди, унга узр ҳам берилмайди, аксинча у гуноҳкор бўлиб, залолатга кирган бўлади. Ҳатто у ақида устида қаттиқ уриниб, бори кучини сарфлаб, унга ишонмаган бўлса ҳам, бу унга фойда бермайди, унда Аллоҳнинг азобидан қутқариб қоладиган узри бўлмайди. Чунки ақида ўрни собитлик, қатъийлик ва аниқ ишончдир. Шунинг учун ижтиҳод ўрни гумонли далилли шаръий аҳкомлардир. Шунингдек, ижтиҳод қатъий собит бўлган далиллар устида ҳам қилинади. Аммо мана шу далилларнинг далолати гумонли бўлиши шарт.

ҳар бир асрда ижтиҳод зарурати:

Ижтиҳод қилиш фарзи кифоя бўлиб, бирорта аср мужтаҳиддан холи бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, барча мусулмонлар гуноҳкор бўлишади. Бирор асрда мужтаҳид ёки мужтаҳидларнинг мавжуд бўлиб туриши ўша асрдаги мужтаҳидлар елкасидаги гуноҳни соқит қилади. Бу икки жиҳатдан собитдир:

Биринчидан: исломий шаръий нусуслар мусулмондан ижтиҳод қилишни талаб қилади. Чунки айна нусуслар муфассал келган эмас. Баъзи ишлар тўғрисида муфассал келган нусуслар мавжуд бўлса-да, бироқ унда қатъий нусус орқали ҳамма тафсилотлар берилмаган бўлади. Мисол учун, мерослар тўғрисидаги оятлар муфассал келган. Аммо шундай бўлсада, улар жузъий аҳкомлардан ҳисоблангани боис, унинг кўплаб масалаларида тушуниш ва истинбот қилишга муҳтож бўлинади. Масалан, калола, ҳажб каби масалаларни олсак, мужтаҳидлар (ҳажб масаласида) «бола – қиз бола ёки ўғил бола бўлишидан қатъий назар – вориснинг ака-укаларини мерос олишдан тўсиб қўяди, чунки «وَكَلَّةٌ» сўзи ўғилни ҳам, қизни ҳам англатади», дейишади. Аммо Ибн Аббос «қиз мерос олишдан тўсмайди, чунки «وَكَلَّةٌ» сўзи фақат ўғил болани англатади» дейди. Демак, хатто тафсилотларни баён қилган нусуслар ҳам мужмал тарзда келган бўлиб, уларни тушуниш ва ҳукм истинбот қилишга муҳтож бўлинади.

Булар нусуслар билан боғлиқ нарсалар. Энди бошқа жиҳатдан оладиган бўлсак:

Шубҳасиз, ҳаёт воқеалари давомий равишда янгилиниб туради. Шунинг учун ана шу янги-янги воқеалар билан боғлиқ аҳкомларни истинбот қилишда қаттиқ ҳаракат қилинмаса, уларга шариат ҳукмини татбиқ қилишнинг имкони бўлмай қолади. Ҳолбуки, нусуслар ҳар бир масалада шариат ҳукмини татбиқ қилиш вожиблигини кўрсатиб турибди:

- Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَن آخُكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ

– „Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилин“.
[5:49]

- Аллоҳ Таоло айтади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.
[4:65]

- Аллоҳ Таоло айтади:

وَنزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ

– „Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи Қуръонни нозил қилдик“.
[16:89]

Демак ҳар бир асрда ижтиҳодга қодирларга фарзи кифоядир. Яъни уни баъзилар адо қилса фарзи кифоя бўлади ва қолганлардан соқит бўлади. У «Вожибни адо қилиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибдир» туркумига киради. Яъни ҳар бир масалада Аллоҳ нозил қилган ҳукми татбиқ қилиш ижтиҳодсиз амалга ошмайди.

Ислом ижтиҳод қилишга тарғиб қилди. Ижтиҳод қилиб, тўғри топганга икки ажр, хато қилганга бир ажрни белгилади.

Мусулмонлар ҳам бутун асрлар давомида мана шу асосда юрдилар. Саҳобалар эса машҳур масалалар устида жуда кўп ижтиҳодлар қилишиб, турли фикрларга келганлар.²³⁴ Саҳобалар қодир бўлганларича шаръий аҳкомларни истинбот қилганлар. Чунки улар Қуръон нозил бўлаётган паллада яшашиб, Росулulloҳ ﷺ дан таълим олганлар.

Саҳобалардан кейинги асрларда мазҳаб имомлари ва уларнинг шогирдлари каби кўплаб мужтаҳидлар етишиб чиқдилар.

Ислом асрлари гуллаб яшнади. Кейин ижтиҳод заифлашди. Кейин у бекор қилиниб, тақлид қилиш кенг тарқалди ва Аллоҳнинг истинбот қилиб бўлинган аҳкомлари янги масалаларга жавоб беролмай қолди.

Шунинг учун Уммат орасида кифоя қиладиган даражада мужтаҳидлар мавжуд бўлиб туриши учун ижтиҳод давом этмоғи

(234) Али ﷺ дан ривоят қилинади: Умар бир аёлни олиб келишга буюрганда, аёлнинг ҳомиласи тушиб кетади. Шунда Али Умарга – бўйнингизга хун тўлаш тушди, деб ўйлайман, деди. Усмон ва Абдурахмон ибн Авфлар эса Умарга – албатта, сиз одоб берувчисиз, биз сизнинг елкангизга ҳеч нарса тушмади, деган фикрдамиз, дейишди.

лозим. Токи Ислом бутун дунёнинг муаммоларини ҳал қилиб, дунёни зулматдан нурга олиб чиқувчи етакчи бўлиб қолсин.

Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ бизга ушбу эзгулик тўхтамай давом этиши, охири замонгача бу Уммат орасидан Аллоҳнинг аҳкомларини татбиқ қилиб, Исломни олий қилиш учун ижтиҳод қиладиган кишилар етишиб чиқиши тўғрисида башорат бердилар.²³⁵

Росулulloҳ ﷺнинг ўз замоналарида саҳобаларнинг ижтиҳодларига иқрор бўлишлари:

Саҳоба ﷺлар Росулulloҳ ﷺнинг замоналарида ижтиҳод қилишар, аҳкомлар истинбот қилишда ихтилоф қилишар эди. Росулulloҳ ﷺ эса уларни айни ҳолларига иқрор бўлардилар. Буни баён қилувчи воқеалар жуда кўп. Жумладан:

1. «Хандақ жангги тугаб, аҳзобларни мағлуб қилишиб қайтаётганларида Росулulloҳ ﷺ қуроолларини қўйишни ирода қилдилар. Шунда Жаброил عليه السلام фаришталар хануз қуроолларини қўймаганларини ва то Бану қурайзага етиб боргунларича қуроолларни қўймасликни хабар қилди. Росулulloҳ ﷺ муаззинга итоатли одамларга аср намозини то Бану қурайзага етиб бормагунларича ўқимасликлари хабарини етказишни буюрдилар. Улар тиш тирноқларигача қуроолланган ҳолда тўп-тўп бўлиб (Бану Қурайза) қўрғонларига қараб йўл олдилар. Аммо Росулulloҳ ﷺнинг бу гапларини ҳар хил тушундилар. Баъзилар нусусни зоҳирини олиб, асрни Бану қурайзага етиб боргандан кейингина шомдан сўнг ўқишни тушундилар. қолганлар эса бу гапдан мурод тезроқ юришдир, деб тушуниб, асрни Мадинада ёки йўлда ўқиб олдилар. Росулulloҳ ﷺ буни билган пайтларида ҳар бирларининг амалларини маҳқулладилар».²³⁶

2. «Росулulloҳ ﷺ Муоз رضي الله عنهни Яманга қози қилиб юбораётганда ундан нима билан ҳукм қиласиз, деб сўрадилар. Аллоҳнинг Китоби билан, деди. Ундан тополмасангизчи, дедилар. Росулунинг Суннати билан, деди. Ундан ҳам

(235) «... Умматим ҳақ устида бардавом бўлади. واشوقاه إلى إخواني، قال: يا رسول الله، ألسنا», «хатто Аллоҳнинг иши келиб ва дажжол зоҳир бўлади», «... أنتم أصحابي، إخواني قوم يأتون بعدي يهتدون بدينهم من شأني إلى شأني ويصلحون إذا فسد الناس Биродарларимга жуда муштоқман. Ё Росулalloҳ, биз биродарларингиз эмасмизми? дейишди. Сизлар саҳобаларимсиз. Биродарларим эса мендан кейин келувчи қавмдир. Улар динни қутқариш учун елиб югурдилар, одамлар бузилса, ислоҳ қиладилар, дедилар».

Росулulloҳ тўғри сўзловчидилар.

(236) Бухорий: 894, 3810. Муслим: 3317.

тополмасангизчи, дедилар. ўз фикрим билан хато қилмай ижтиҳод қиламан, деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ Росулulloҳнинг элчисини Аллоҳ ва Росули рози бўладиган ишга муваффақ қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин, дедилар».²³⁷

3. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِذَا اجْتَهَدَ الْحَاكِمُ فَأَخْطَأَ فَلَهُ أَجْرٌ وَإِنْ أَصَابَ فَلَهُ أَجْرَانِ»

«ҳоким ижтиҳод қилиб, хато қилса, битта савоб олади. Тўғри топса, иккита савоб олади».²³⁸

4. Шундай ҳикоя қилинади: Абу Қатода Ҳунайн жанггида мушриклардан бирини ўлдирди. Шунда Росулulloҳ ﷺ унга дедилар:

«مَنْ قَتَلَ فَتِيلًا لَهُ عَلَيْهِ يَتَّةٌ فَلَهُ سَلْبُهُ»

«Ким бир мушрикни ўлдирса, унга ҳужжат келтирсин ва унинг молини ўлжа қилиб олиши мумкин». Абу Қатоданинг ўлжасини бошқа биров олган бўлиб, ундан Абу Қатоданинг розилигини сўраши талаб қилинди. Яъни Абу Бакр Сиддик Набий ﷺнинг хузурида розилик сўрашни инкор қилиб, «Йўк, Аллоҳ ҳаққи, ҳеч ким Аллоҳнинг Аллоҳ ва Росули йўлидан жанг қилган шер юракларидан бирига ишониб, ўлжасини бериб қўймайди», деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар: «Абу Бакр тўғри гапирди, (ўлжасини) ўзига бер». Абу Қатода ўлжасини олди.²³⁹

5. Росулulloҳ ﷺ Саъд ибн Муозни Бану Қурайзага ҳакам қилдилар, Муоз ўзларини ўлдириб, фарзандларини асир қилишга ҳукм қилдилар. Шунда Росулulloҳ, «Сиз етти осмон юқорисидан Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилдингиз», дедилар.²⁴⁰

Булардан маълум бўлишича, саҳобалар ижтиҳод қилар, Росулulloҳ ﷺ бунга иқрор бўлиб, уларга мужтаҳид ижтиҳодида хато қилса, бир савоб, тўғри топса, икки савобга эга бўлишини ўргатардилар.

Росулulloҳ ﷺдан кейин ҳам саҳобаларнинг ижтиҳод қилганлари тўғрисида жуда кўп ҳикоялар мавжуд.

⁽²³⁷⁾ Аҳмад: 230\5. Абу Довуд: 3592. Термизий: 1327. Ҳофиз «Талхис»да айтади, Ибн Тоҳир бундай деди: Бу ҳадисни икки йўли ҳам дуруст эмас. Термизий эса бундай деди: Бу ҳадисни муттасил эса фақат шу жиҳатдангина биламиз. Аммо унинг одамлар орасида машҳур бўлиб, уларнинг қабул қилишларига сазовар бўлгани унинг аҳамиятини кучайтиради.

⁽²³⁸⁾ Бу ҳадис Амр ибн Ос ва Абу Ҳурайра тарафидан муттафақун алайҳдир. Бухорий: 7352. Муслим: 1716.

⁽²³⁹⁾ Бухорий: 2886, 2973, 4066. Муслим: 1751. Абу Довуд: 2653, 2717. Термизий 1562. «Муватто»: 974. Дорамий: 301\2. Аҳмад: 114\3, 279. Ибн Ҳиббон: 101\8. «Мустадрак»: 142\2.

⁽²⁴⁰⁾ Бухорий: Муслим: 1761. Аҳмад: 22\2.

Хатто ижтиҳод одамлар оммасида кенг тарқалиб кетган эди. Бундан ажабланишнинг ҳожати йўқ. Чунки улар ўша асрларда асл арабларни ташкил қилардилар. Бир куни Умар رضي الله عنه хутба қилаётиб, маҳрни белгиламоқчи бўлди. Шунда сафнинг охиридан бир аёл бунга раддия билдириб, Аллоҳ Таолонинг

وَإِنْ أَرَدْتُمْ اسْتِبْدَالَ زَوْجٍ مَّكَانَ زَوْجٍ وَآتَيْتُمْ إِحْدَاهُنَّ قِنطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا مِنْهُ شَيْئًا

– *„Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсангизлар, аввалгисига саноқсиз молу дунёни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз-да, ундан бирон нарсани қайтариб олмангизлар“.* [4:20]

деган каломдан тушуниши бўйича, ундаги «قِنطَارًا» сўзи кўп нарсага далолат қилгани боис маҳр белгиланмаслигини айтди. Шунда Умар رضي الله عنه «Аёл тўғри айтди, Умар хато қилди», деди.

Мужтаҳид ижтиҳоди:

Мужтаҳид ижтиҳод қилиб, шаръий бир ҳукми истинбот қилса, у истинбот қилган айни ҳукм унинг ҳақидаги Аллоҳнинг ҳукми бўлиб қолади. Аммо у қилган ижтиҳодидан воз кечиб, бошқа мужтаҳиднинг ижтиҳодига амал қилиши мумкин.²⁴¹ Бу қуйидагича бўлади:

1. Халифа муайян бир шаръий ҳукми табанний қилса, мужтаҳид ўз ижтиҳодини ташлаб, дарҳол халифанинг фикрига эргашади. Масалан, Абу Бакр رضي الله عنه ўз халифалик вақтида мусулмонларга тўхфаларни (пенсияларни) тенг тақсимланишини табанний қилди. Умар رضي الله عنه эса энг биринчи Исломга кирганларга кўпроқ берилиши лозим, деб табанний қилганди. Аммо у айни фикрини қўйиб, халифа Абу Бакр رضي الله عنهнинг фикрига эргашди. Талок мавзусида ҳам Абу Бакр уч талок бир талокқа ўтади, деган фикрни табанний қилди. Умар эса уч талок уч талокқа ўтади, деган фикрни табанний қилди. Аммо у ўз ижтиҳодини ташлаб, халифанинг фикрига эргашди.

Саҳобалар ижмои ҳам мана шунга бўлди. Кейинчалик «Халифанинг амри ихтилофни тўхтатади», «Халифанинг амри зохирда ҳам, ботинда ҳам нуфузlidir», деган қоидалар қабул қилинди.

2. Мужтаҳиднинг ўз ижтиҳодини тарк қилиши мусулмонлар бирлигини сақлашга хизмат қилиши мумкин. Масалан, Усмон رضي الله عنهнинг халифа бўлиши ҳамда унинг Қуръон, Суннат ва ўзидан

⁽²⁴¹⁾ Мужтаҳид масалада ижтиҳод қилмай, шу масалада ижтиҳод қилган мужтаҳидга эргашishi мумкин. Масалан, Умар رضي الله عنه баъзан ўз фикрини ташлаб, Муоз ва Алининг фикрига эргашган.

аввалги икки халифанинг йўлидан юришига байъат қилингани каби.

3. Олимроқ бўлиш: Мужтаҳид бошқа бир мужтаҳидни ўзидан олимроқ, деб билса, у ўз фикрини ташлаб, унга эргашиши мумкин. Бундай воқеа ҳам саҳоба رضي الله عنهمлар даврида бўлиб ўтди.

4. Мужтаҳиднинг таянган далили заиф, бошқа мужтаҳиднинг далили эса кучли ва тўғри экани кўриниб қолса, бундай ҳолатда у ўзи табанний қилган нарсасини ташлаб, ана шу кучли далилни олиши вожиб бўлади.

Ижтиҳод шаръий аҳкомларни олишда аслдир. Ижтиҳод куйидагиларни талаб қилади:²⁴²

а) Ҳукм истинбот қилиш кўзда тутилган масаланинг воқеини билиш;

б) Шу масалага тааллуқли шаръий нусусни билиш;

в) Мужтаҳид шунчалик куч сарфлаши лозимки, ана шу кучдан ортиқча куч сарфлашдан ўзини ожиз сезсин. Бу масала билан боғлиқ нусуслардан шаръий ҳукм истинбот қилиш учундир. Бироқ у шунга билиши зарурки, ижтиҳод масалага нусуснинг ё мантуқи ё мафҳуми ёки ақлий тарафидан ҳукм истинбот қилишдир. Масалан, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи билан Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг ушбу ҳадисларидан ижара тўғрисидаги ҳукм истинбот қилингани каби:

فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآوَيْنَهُنَّ أَجُورَهُنَّ

– „Энди агар (талoқ қилган аёлларингиз) сизлар учун эмизсалар, у ҳолда уларнинг ҳақларини беринглар“.^[65:6]

«أَعْطُوا الْأَجِيرَ أَجْرَهُ قَبْلَ أَنْ يَجْفَأَ عَرَقَهُ»

⁽²⁴²⁾ Шунга идрок этиш лозимки, шаръий ҳукмни истинбот қилишда масала атрофидаги шароитдан таъсирланмаган ҳолда нусуслар ва масала воқеига риоя қилиш лозим. Шубҳасиз, исломий шариат инсон муаммоси муолажаси экан, унинг талаби бўйича, инсон ва унинг муаммоси ўрганилиши, шундан кейин шариатга зид келувчи вазият ва ҳолатларга аҳамият бермай, ана шу муаммо билан боғлиқ нарсалар Қуръон, Суннатдан истинбот қилиниши лозим. Чунки жамиятнинг воқеи Аллоҳнинг амру фармонлари билан чекланиши зарур. Муслмонлар муаммоларини ҳал қилишда замон ва маконларидан таъсирланишлари ҳалол эмас. Балки улар Аллоҳнинг Китоби ва Росули صلى الله عليه وسلمнинг Суннати билан муолажа қилишлари шарт. Ақлан тўғри деб гумон қилинган нарсани манфаат деб ҳисоблаб, истинботда мана шу нарсадан таъсирланиб қолиш дуруст эмас. Чунки шариат қаерда бўлса, манфаат ҳам ўша ерда бўлади: «وَمَا أَرْسَلْنَاكَ رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ». Мўминларга раҳмат бўлиш уларга манфаат бўлишни англатади. Яна бир оятда ҳам бундай дейилди: «فَقَدْ جَاءَكُمْ نَبِيٌّ مِّن رَّبِّكُمْ وَهُدًى وَرَحْمَةً». Юқорида айтилганларга қўра шу нарса муҳимки, баъзиларнинг «замон ва макон ўзгариши билан аҳкомлар ҳам ўзгаради», деган гапи ботил ва асосиз гапдир. Баъзиларнинг «Манфаат қаерда бўлса, шариат ўша ерда», деган гапи ҳам ботилдир. Чунки шариат қаерда бўлса, манфаат ўша ердидир, аксинча эмас. Ёлғиз шариатгина манфаатни белгилаб беради. Жамиятга зарур деб билинган нарсани ҳам шариат белгилайди, бошқаси эмас.

«Ишчининг хизмат ҳақини пешона тери қуримасдан туриб беринг».²⁴³

Аммо ҳукм маъносига дахлдор бўлган ва унинг остига қайд этадиган янги масалаларга ҳукми татбиқ қилишга келсак, бу ижтиҳод ҳисобланмайди. Чунки масалан, мусалласнинг ҳаромлиги хос шаръий ҳукми бугунги кунимиздаги янги турдаги маст қилувчи ичимликларнинг ҳаромлигига татбиқ қилиш ёки ўлаканинг ҳаромлигига хос шаръий ҳукми табиий ўлган ёки бошига уриб ўлдирилган ёки қушхонада бошини узиб ташланиб кейин сотувга олиб чиқилган ўлаксаларнинг ҳаромлигига татбиқ қилиш, бу ва булардан бошқаларининг бари истилоҳий маънодаги ижтиҳод, дейилмайди, балки ҳукми қисмларига татбиқ қилиш, дейилади.

Росулуллоҳ ﷺ ни мужтаҳид дейиш мумкин эмас:

Бунинг далили қуйидагича:

1. Ақлий далил: Ижтиҳод қилиш бошқа, гуноҳдан пок бўлиш бошқа. Чунки рисолат ва уни етказишда хато топилмайди. Биз Росулуллоҳ ﷺ дан ўрнак олишга буюрилганмиз. Ижтиҳодда эса хато топилади;

2. Шаръий далил: Росулуллоҳ ﷺ ваҳи билан огоҳлантирдилар ва ваҳидан гапирардилар:

Аллоҳ Таоло айтади:

قُلْ إِنَّمَا أُنذِرُكُمْ بِالْوَحْيِ وَلَا يَسْمَعُ الصُّمُّ الدُّعَاءَ إِذَا مَا يُنذَرُونَ

– „*Айтинг: Мен сизларни фақат ваҳий билан қўрқитиб-огоҳлантирурман*“.
[21:45]

Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ * إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ

– „*У ўз ҳавоии-хоҳиши билан сўзламас У фақат ваҳий қилинаётган бир ваҳийдир*“.
[53:3-4]

Воқе ҳам шуни исботлаб турарди. Росулуллоҳ қачон бирор масала ё ҳодисага дуч келсалар кутиб турар, то ваҳи нозил бўлмагунича унинг жавобини ёки ҳукмини баён қилмасдилар. Масаланинг жавоби сифатида ваҳи дарҳол келар, баъзан бир неча кун келмай қолса, жавоб бермасдан кутиб турардилар.

3. Росулуллоҳ ﷺ бутун ҳаётлари давомида бирорта ҳам масалада ижтиҳод қилганлари йўқ.

Баъзиларнинг Росулуллоҳ ﷺ нинг ижтиҳод қилганликлари тўғрисидаги гаплари хатодир. Биз қуйида улар Росулуллоҳ ﷺ

⁽²⁴³⁾ Ибн Можа: 2443.

ижтиҳод қилдилар, дейишаётган айрим ходисаларни ҳамда уларнинг асл ҳақиқатларини айтиб ўтамиз:

1. Бадр асирлари:

مَا كَانَ لِنَبِيِّ أَنْ يُكُونَ لَهُ أَسْرَى حَتَّى يُنْخَنَ فِي الْأَرْضِ تُرِيدُونَ عَرَصَ الذَّنْبِ وَاللَّهُ يُرِيدُ الْآخِرَةَ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

– „**Бирон пайгамбар учун то ерда золиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас эди. (Эй мўминлар), сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Аллоҳ эса (сиз учун) охиратни истайди. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир**“.

[8:67]

Баъзи ривоятларда келишича, Росулulloҳ ﷺ ушбу асирлар тўғрисида Абу Бакр ва Умар رضي الله عنهماлардан маслаҳат сўраганларида Умар уларни ўлдиришни, Абу Бакр эса уларни тўлов эвазига озод қилишни маслаҳат берадилар. Баъзилар ушбу оятни Росулulloҳ ﷺ асирлар тўғрисида ижтиҳод қилиб, хато қилганлари учун ул зотга дашном сифатида нозил бўлган, дейишади.

Бу гап бутунлай нотўғри:

Асирлар тўғрисидаги ҳукм Бадр жангидан аввал нозил бўлганига ҳеч шубҳа йўқ. Бу Росулulloҳ ﷺга яхши маълумдир. Қуйидаги Муҳаммад сурасидаги оят мана шу ҳақда ҳижрат йўлида нозил бўлди. Шунинг учун уни баъзилар Мадинада нозил бўлганини айтишса, баъзилар Маккада нозил бўлди, дейишади:

فَإِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا فَضَرْبَ الرِّقَابِ حَتَّى إِذَا أَتَخْتَمُوهُمْ فَسُدُّوا أَلْوَانَهُمْ فَإِذَا مَنَّا بَعْدَ وَإِنَّا فِدَاءٌ حَتَّى تَضَعَ الْحَرْبُ أَوْزَارَهَا ذَلِكَ وَلَوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَانتَصَرْنَا مِنْهُمْ وَلَكِنْ لِيَبْلُوَ بَعْضَكُمْ بِبَعْضٍ وَالَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَلَنْ يُضِلَّ أَعْمَالَهُمْ

– „**Бас, қачон сизлар кофирлар билан тўқнашганингизда бўйинларига уриб-ўлдирингиз! Энди қачон уларни қириб, (асирга олгач,) арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар, Токи уруш тўхтагунича (сизларга буюрилган иш) мана шудир. Агар Аллоҳ хоҳласа уларда золиб бўлур эди. Аллоҳ йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини ҳаргиз зое кеткизмас**“.

[47:4]

Демак, асирлар тўғрисидаги ҳукм маълум эди. Яъни душман қириб ташлангач, улардан баъзиларини асирга олиш мумкин. Воқеа эса бундай бўлган эди: Мусулмонлар Бадрда жуда кўп кофирларни ўлдирдилар, қириб ташладилар. Баъзиларини асирга олдилар. Аммо Аллоҳ Субҳанаху Росулulloҳ ﷺга душманни

кўпроқ ўлдириш ва кўпроқ кириб ташлагани афзал эканлигини билдириб айблади.

Шунинг учун, демак, ушбу оят Росулulloҳ ﷺ ни ижтиҳодда хато қилганликда эмас, балки амалнинг афзалини қилмаганликда айблайпти. Амалнинг афзалини қилмасликка эса Росулulloҳнинг ҳақларида жоиздир. Чунки у мубоҳ ҳисобланади. На ҳаром ва на макруҳ ҳисобланмайди.

Шу ерда бир савол туғилади: Анас رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда:

«اسْتَشَارَ النَّاسَ فِي الْأَسْرَى»

«**Росулulloҳ ﷺ асирлар тўғрисида маслаҳат сўрадилар**»,²⁴⁴ дейилган. Аммо асирлар тўғрисидаги Муҳаммад صلى الله عليه وسلم сурасида нозил бўлган ҳукм эса Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг асирлар тўғрисида маслаҳат сўраганликларини айтувчи юқоридаги ҳадисдан аввал нозил бўлган. У ҳолда, бундай саҳиҳ ҳадислар рад этиладими?

Бунинг жавоби куйидагича:

Саҳиҳ гумонли ҳадис қатъий далилга ҳар тарафлама зид келиб қолса, яъни ўрталарини жамлашнинг имкони бўлмай қолса, билим жиҳатидан ҳадис рад қилинади. Аммо ҳадис билан қатъий далил ўртасини луғат ва Қуръон, Суннат қисмлари кўтарадиган даражада жамлашнинг имкони бўлса, билим жиҳатидан ҳадис рад қилинмайди. Чунки икки далилга амал қилиш улардан бирини аҳамиятсиз кўйишдан авлорокдир.

Мен ушбу китобим нашрдан чиқишидан аввал Мазкур ҳадислар билан оят ўртасини жамлашнинг иложи йўқ, деб билардим. Яъни бу ҳадислар матнидан асирлар ҳукми тўғрисида маслаҳат сўраляпти чунки асирлар ҳукми бундан аввал нозил бўлган, шунинг учун жамлашнинг иложи йўқлигидан ҳадис рад этилади, деб тушунардим.

Мен то айна мавзу тўғрисидаги саволга берилган жавобни ўқимагунимча шу тушунчада турдим. Жавобдан менга шу нарса ойдинлашдики, луғат ва Қуръон, Суннат қисмлари тақозосига кўра, оят билан ҳадис ўртасини жамлаш мумкин экан. Китобимнинг аввалги нашрида мен шуни тушунмаган эканманки, маслаҳат сўраш Ҳадисларида бу маслаҳат ҳукм тўғрисидаги маслаҳат экани очиқ айтилмаган. Чунки ҳадисда

«اسْتَشَارَ النَّاسَ فِي الْأَسْرَى»

«**Росулulloҳ ﷺ асирлар тўғрисида маслаҳат сўрадилар**» дейилапти. Бу эса ҳукм нозил бўлмаганлиги учун маслаҳат ҳукм

⁽²⁴⁴⁾ Аҳмад: 3632. Мўъжамул Кабир: 144\10, 10259 рақам. Ҳоким: 22-21\3.

тўғрисида бўлган, деган эҳтимолни ҳам туғдиради ҳамда ҳукм нозил бўлган-у, аммо маслаҳат ана шу ҳукмни қандай татбиқ қилиш тўғрисида яъни қай бирини танлаш тўғрисида кетган, деган эҳтимолни ҳам туғдиради.

Маслаҳат ҳукм тўғрисида кетган, деган эҳтимол билим жиҳатидан рад этилади, чунки ҳукм нозил бўлиб бўлган эди. Аммо маслаҳат ана шу ҳукмни қандай татбиқ қилиш тўғрисида яъни қай бирини танлаш тўғрисида кетган, деган эҳтимол оятга зид келмайди. Чунки ҳукм нозил қилинган эди. Шу жиҳатни эъъянига олган ҳолда оят билан ҳадис ўртасини жамлаш мумкин. Ана шунда ҳукм Бадр жангидан аввал нозил бўлган ва маслаҳат ҳам қилинган, аммо бу маслаҳат ҳукм тўғрисида кетмаган, балки ҳукмни қай бирини татбиқ қилиш лозимлиги тўғрисида кетган. Хусусан, Муҳаммад ﷺ сурасида нозил бўлган ҳукмда:

«*فَإِمَّا مَنًّا بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءً*» (уларни озод қилиб юбориш билан) **марҳамат кўрсатурсизлар ё** (уларни қўйиб юбориш учун) **фидя-товон олурсизлар**», дейиляпти. Демак, маслаҳат ҳукм танловлари тўғрисида сўралган ва саҳобаларнинг жавоби ҳам мана шу танловлар доирасидан чиқмаган. Ҳатто Умар رضي الله عنه бу ерда бошқа бир танлов ҳам мавжудлигини, у ҳам бўлса, асирларни ўлдириш танлови эканини тушунди. Чунки у Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг икки асир бўлмиш Уқба ибн Абу Муайт ва Назир ибн Ҳорисни ўлдирганига эргашган ҳолда бу учинчи танлов Суннатга мувофиқ, деб ҳисоблади. Ҳолбуки у ҳукм ана шу икки асирга хос ҳукм эканини, чунки аввалда улар Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمга қаттиқ озорлар етказишганини, шунинг учун Бадр жангидаги асирладан фаркли ўлароқ, ҳукм мана шу икки асиргагина чекланувчи ҳукм эканини ҳам унутмаганди. Бунга далиллари қуйидагича:

а) Ояти Каримада «*فَإِمَّا مَنًّا بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءً*» – ё (уларни озод қилиб юбориш билан) **марҳамат кўрсатурсизлар ё** (уларни қўйиб юбориш учун) **фидя-товон олурсизлар**», дейиш билан ҳукм ё фидя олишга ё марҳамат кўрсатиш яъни қўйиб юборишга чекланыпти.

б) Низомиддин Ҳасан Нисобурийнинг «Тобарий тафсири» ҳошиясига ёзган «Ғарибул Қуръон ва рағоибул Фурқон» номли тафсирининг 19 жуз «Фурқон сураси» 9-10 бет «Дорул маърифат» учинчи нашрида шундай келади: «Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, золим сўзидаги лом аҳд ломидир чунки бу оят Уқба ибн Абу Муайт тўғрисида нозил бўлган. У Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم билан кўп ўтирар эди. Бир куни Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمни меҳмонга чақирган эди Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم унга то калимаи шаҳодатларни айтмагунингча

овкати́нгдан емайман, дедилар. У шаҳодатни айтди. Убай ибн Каъб эса унинг дўсти эди, келтирган шаҳодати учун уни урушиб – динингдан кечдингми, Уқба? деди. Уқба – йўқ, аммо у таомимни ейишдан бош тортди, у уйимда бўлгани учун уялганимдан шаҳодатни айтдим, аммо шаҳодат қалбимда йўқ, деди. Убай – то Мухаммадга бориб, орқасини тепкилаб, юзига тупурмагунигча юзим юзингга ҳаром, деди. Уқба Росулulloҳ ﷺни мажлисгоҳда намоз ўқиб турган ҳолларида топди ва Убай айтган ишни қилди. шунда Росулulloҳ ﷺ унга

«لَا أَلْفَاكَ خَارِجًا مِنْ مَكَّةَ إِلَّا عَلَوْتُ رَأْسَكَ بِالسَّيْفِ»

«**Макка ташқарисида сенга йўлиқсам, бошингни танангдан жудо қиламан**», дедилар». У Бадрда ўлдирилди.

в) Ибн Касирнинг «Ихёут туросул арабий» босмаҳонасида чоп этилган «Сийратун набавия» китоби 473 саҳифасида шундай келади: «Ибн Исҳоқ деди: Менга маккалик айрим аҳли илмлар хабар қилдики, Росулulloҳ ﷺ Сафродаликларида Али ибн Абу Толибга Назр ибн Ҳорисни ўлдиртирдилар. Кейин йўлга тушиб, Арқуз-зобийга етиб боргач, у ерда Уқба ибн Абу Муайтни ўлдиртирдилар». Ўша саҳифада яна бундай дейди: «Ҳамод ибн Салма Ато ибн Соибдан у эса Шаъбийдан ривоят қилишича, Набий ﷺ Уқбани ўлдиришга амр қилганларида Уқба – мен Маккалик бўлсам ҳам ўлдирасанми Мухаммад?, дейди. Шунда Росулulloҳ ﷺ – Ҳа, ўлдираман. Бу кимса менга нима қилганини биласизларми, мен саждадалик пайтимда келиб, елкамга оёғини қўйиб эзгилади. Оёғини олди дегунча кўзларим оқиб тушишига сал қолди. Яна бир куни сажда қилиб турган пайтимда қўйнинг қорнини бошимга ташлаб юборди. Фотима келиб, ювиб қўйди», дедилар».

Маълум бўлишича, Уқба ибн Абу Муайт Назр ибн Ҳорисдан кейин ўлдирилди. Уқбанинг мени ўлдирасанми, дея сўрагани эса бошқа асирлар қолиб унинг ўлдирилганига далолат қилади. Бу эса Назр ибн Ҳорис воқеасига тўғри келади, чунки у бундан аввал бўлганди. Шунинг учун айни қатл бошқа асирлардан мустасно бўлган.

Мана шундан Назир ва Уқбаларнинг ўлими алоҳида хос ҳукм бўлганлиги ҳамда «**марҳамат кўрсатурсизлар ё фидя-товон олурсизлар**», деган ҳукм эса умумий асирларга тегишли экани келиб чиқади. Хулоса шуки, Росулulloҳ ﷺ асирлар тўғрисида маслаҳат сўрамаганлар. Чунки асирлар тўғрисидаги ҳукм маслаҳатдан аввал Мухаммад ﷺ сурасида нозил бўлган. Росулulloҳ ﷺ аҳкомлар устида ижтиҳод қилмаганлар, чунки гапирган гаплари ва қилган амаллари ваҳидан ўзга нарса бўлмаган.

Маслаҳат сўрашлари эса нозил қилиб бўлинган ҳукмни танлаш тўғрисида яъни қандай татбиқ қилиш тўғрисида бўлган. Маслаҳат сўраганликлари тўғрисидаги ҳадислар мана шундай тушунилади ва икки далилга ҳам амал қилишни уларни тарк этишдан афзал (таржих) кўрилади.

2. Аллоҳ Таоло айтади:

عَفَا اللَّهُ عَنْكَ لِمَ أَذْنَتْ لَهُمْ حَتَّىٰ يَبَيِّنَ لَكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَتَعْلَمَ الْكَاذِبِينَ

– „Аллоҳ сизни афв қилди. Нима учун то сизга ростгўй кишилар аниқ бўлиб, ёлгончиларни ҳам аниқ билгунингизча, уларга (жиҳодга чиқмасликларига) изн бердингиз“. [9:43]

Баъзилар бу оятда шундай гумон қилишади: «Росулуллоҳ ﷺ га жиҳодга чиқмасликни хоҳлаганларга изн беришга рухсат берилмаган эди, Росулуллоҳ ﷺ эса ўзлари ижтиҳод қилиб, Табукка чиқишни хоҳламаганларга чиқмасликка рухсат бердилар ва шунинг учун Аллоҳ Субҳанаҳу у кишини бу ишда айблади».

Тўғриси эса бундан батамом ўзгачадир: Росулуллоҳ ﷺ га хоҳлаган нарсасини қилиш рухсати берилган:

فَإِذَا اسْتَأْذَنُوكَ لِبَعْضِ شَأْنِهِمْ فَأَذِّنْ لِمَن شِئْتَ مِنْهُمْ

– „...Қачон улар сиздан баҳзи бир ишлари учун рухсат сўрасалар, бас, улардан ўзингиз хоҳлаган кишиларга рухсат беринг“. [24:62]

Шунинг учун Росулуллоҳ ﷺ жиҳодга чиқмасликка рухсат сўраганларнинг баъзиларига рухсат бердилар. Бироқ бу ерда Росулуллоҳ ﷺ Табук жангига чиқмасликка рухсат сўраганларга рухсат бермаганликлари афзал эди. Чунки Аллоҳнинг илмига кўра, гарчи Росулуллоҳ уларга рухсат бермаган тақдирда ҳам улар жангга чиқмасдилар. Агар Росулуллоҳ рухсат бермаганларида уларнинг ёлгончиликлари фош бўлиб қоларди ва шунинг учун рухсат бермаслик афзал эди. Шу боисдан уларга рухсат бериш Росулуллоҳнинг ижтиҳод қилишлари эмас, балки бундан аввалроқ нозил бўлган аҳкомларга амал қилишлари бўлди. Аммо рухсат бермаслик афзал эди ва шунинг учун Аллоҳ ул зотни афв қилди. Бу ердаги афв эса хато қилгани учун эмас, балки афзал ишни қилмагани учундир.

3. Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِّنْهُمْ مَّتَّ أَبَدًا وَلَا تَقُمْ عَلَىٰ قَبْرِهِ إِنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَمَأْوَاؤُهُمْ فَاكِفُونَ

– „Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг ва қабри устига ҳам бориб турманг! Чунки улар Аллоҳ ва унинг пайғамбарига кофир бўлдилар ва фосиқ ҳолларида ўлдилар“. [9:84]

Бу оят Аллоҳ Таолонинг ушбу каломидан кейин нозил бўлди:
فَإِنْ رَجَعَكَ اللَّهُ إِلَى طَائِفَةٍ مِّنْهُمْ فَاسْتَأْذِنُواكَ الْخُرُوجَ فَقُلْ لَّنْ تَخْرُجُوا مَعِيَ أَبَدًا وَلَنْ
تُقَاتِلُوا مَعِيَ عَدُوًّا

– *„Агар Аллоҳ сизни (Табук жангидан) қайтариб, улардан бирон тоифага (рўбарў қилса) бас, улар сиздан чиқиш учун рухсат сўрасалар, айтингики: «Мен билан ҳаргиз чиқмайсизлар ва мен билан бирга бирор душманга қарши жанг ҳам қилмайсизлар».* [9:83]

Ушбу «فَإِنْ رَجَعَكَ» деб бошланган оятда Аллоҳ Росулulloҳ уларни жангга бирга олиб чиқмаслигини, бунинг сабаби уларни хор қилиб, кўркитиш эканини баён қилди. Ундан кейинги «لَا تُصَلِّ» деб бошланган оятда эса хорлашда бошқа нарсани баён қилипти. Яъни бу хорлаш мунофиқларни бутунлай йўқ қилиш учун ҳужум қилиш асносида баён қилинапти. Бу оятда Росулulloҳ ﷺ бирор ҳукмда ижтиҳод қилганликларини кўрсатувчи маъно йўқ. Аксинча оят бошқа нарсага яъни мунофиқлар устидан бошланишданок ҳукм чиқарилганига далолат қилипти. Бу оят мана шу суранинг ўзида такрор келувчи мунофиқлар тўғрисидаги оятлар билан уйғунлашади. Демакки, бу оятдан на очик, на далолат, на мантуқ ва на мафҳум жиҳатидан ижтиҳодни тўғри қилиш ёки хатони тўғрилаш ҳақида маъно чиқмайди. Ваҳоланки, у Ҳижратнинг тўққизинчи йили Абу Бакр одамлар билан ҳаж қилган пайтда нозил бўлган.

Энди бу ва бундан олдинги оятларнинг нозил бўлиш сабаби ва ҳодисалари тўғрисида айтилган хабарларга келсак, улар саҳиҳ хабар эмас. Нозил бўлиш сабаби тўғрисида келган ҳадислар ҳам, оҳод гумонли бўлиб, қатъий ҳадисга зид келмайди. Бу қатъий ҳадис эса Росулulloҳ ﷺнинг рисолатни етказишлари фақат ваҳи билан бўлганини ҳамда ул зот ваҳидан ўзга нарсага эргашмаган ва ваҳидан ўзга нарсани гапирмаганлигини кўрсатади:

- Аллоҳ Таоло айтади:

إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ

– *„Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсаларгагина эргашурман».* [6:50]

- Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ * إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ

– *„Ва у ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У фақат ваҳий қилинаётган бир ваҳийдир».* [53:3-4]

ИККИНЧИ ФАСЛ

Тақлид

«التَّقْلِيدُ Тақлид» сўзининг луғавий маъноси ўйланмай бировга эргашиш, демакдир.²⁴⁵ Шаръий маъноси эса бировнинг гапига ҳеч қандай зарурий ҳужжатсиз амал қилишни англатади. Масалан, оми киши мужтаҳиднинг сўзини олиши ва мужтаҳид бошқа мужтаҳиднинг сўзини олиши каби.

Тақлид ақидада мумкин эмас. Чунки Аллоҳ ақидада тақлид қилганларни айблади.

1. Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْلُو كَانُوا آبَاءَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ

– „Қачон: «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар, ҳам-а?» [2:170]

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ تَعَالَوْا إِلَىٰ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَإِلَى الرَّسُولِ قَالُوا حَسْبُنَا مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْلُو كَانُوا آبَاءَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ

– „Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага ва пайгамбарга келинглр», дейилса, улар: «Биз учун ота-боболаримизни ниманинг устида топган бўлсак, ўша етарли», дейишади. Агар ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва ҳақ йўлни топа олмайдиган бўлсалар ҳам-а?» [5:104]

Аллоҳ Таолонинг

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفَلَاقِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَّاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيَّاحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

– „Албатта осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неҳматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва ер орасидаги итоатгўй булутда ақлли кишилар учун оят-аломаатлар бордир“.

[2:164]

⁽²⁴⁵⁾ «التَّقْلِيدُ» сўзи «فَلَادَةٌ зира» сўздан олинган бўлиб, бурнига зира тақди, деганни англатади.

Ояти нозил бўлганда Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«وَيْلٌ لِّمَنْ لَا كَهَا بَيْنَ لِحْيَيْهِ وَلَمْ يَتَفَكَّرْ»

«Бу Оятни ияклари орасида чайнаб, тафаккур қилмаган кимсанинг холига вой».²⁴⁶

Бу ҳадисда Росулulloҳ ﷺ уларга назар ташламай, тафаккур қилмаган кимсанинг қиёматда холига вой бўлишдан огоҳлантиряпти. Бу эса ақида масаласида изланиб, тадаббур қилиб, ақлий қаноат ҳосил қилиш вожиблигини, тақлид қилиш мумкин эмаслигини англатади.

Аммо шаръий аҳкомларда тақлид қилиш рухсатдир. Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ إِلَّا رِجَالًا نُّوحِي إِلَيْهِمْ فَاسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ

– „*Биз сиздан илгари ҳам фақат кишиларни Ўзимиз ваҳий юборган ҳолда пайғамбар қилганмиз. Бас агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар аҳли илмлардан сўранглар!*“.²⁴⁶ [21:7]

Бу оятда Аллоҳ Таоло илмсиз кишини илмли кишидан сўраб билишга амр қиляпти. Ундаги сўз умумийдир. Эъяъни эса сўзнинг умумийлигидадир, сабабнинг хослигида эмас.

Оятнинг нозил бўлиш сабаби мушрикларга улар Росулulloҳ ﷺнинг инсонлигини инкор қилганликларига раддиядир. Гарчи оятда кўрсатилган аҳли илмлардан мурод аҳли китоблар бўлсада, бироқ гап умумий бўлиб келиб, ҳамма илм аҳлини ўз ичига олади.

Шунингдек, мусулмонлар ҳам аҳли зикр ҳисобланадилар, чунки Қуръон зикрдир:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ

– „*Сизга одамларга нозил қилган нарсаларни баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу зикрни (Қуръонни) нозил қилдик*“.²⁴⁶ [16:44]

Бу билан оят билмаганлар билганлардан сўраб билишлари тўғрисида умумий бўлади.

2. Жобир رضي الله عنهдан ривоят қилинадики, бир кишининг бошига тош тегиб жароҳатланди. Кейин ихтилом бўлиб қолиб, биродарларидан таяммум қилишимга рухсат топиб берасизми? деб сўради. Улар эса сиз сувга боришга қодирсиз, бас, сувда ғусл қилаверинг, дейишди. Кейин у ғусл қилган эди, ўлиб қолди. Шунда Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيهِ أَنْ يَتَيَّمَّ وَيَعْصَبَ عَلَى رَأْسِهِ خِرْقَةً فَيَمْسَحَ عَلَيْهَا وَيَغْسِلَ سَائِرَ جَسَدِهِ. أَلَا سَأَلُوا إِذَا لَمْ يَعْلَمُوا؟ إِنَّمَا الشِّفَاءُ الْعَيِّ السُّؤَالُ»

⁽²⁴⁶⁾ Ибн Касир тафсири. Ибн Абу Ҳотим: 478\1. Ибн Ҳиббон: 386\2.

«У таяммум қилса кифоя эди. Бошини латта билан боғлаб, устидан масх тортар ва қолган баданини ювса бўлар эди. Билмасалар сўрасалар бўлмасмиди? Албатта, илмсизликнинг шифоси сўрашдир».²⁴⁷

Бу билан Росулulloҳ ﷺ уларни шаръий ҳукми сўрашга ўргатдилар.

Саҳиҳ хабарда айтилишича, Шаъбий бундай дейди: «Росулulloҳ ﷺнинг асҳобларидан олти киши одамларга фатво берардилар. Улар Абдуллоҳ ибн Масъуд, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу толиб, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб ва Абу Мусо ﷺлар эди. Уларнинг уchtаси айтган сўзларини уч кишиданлигини даъво қиларди. Масалан, Абдуллоҳ Умардан, Абу Мусо Алидан, Зайд Убай ибн Каъбдан дер эдилар».

Ушбу ривоят ҳам мусулмонлар саҳобаларга ва саҳобалар эса бир-бирларига тақлид қилган эканлигига далил бўлади. Аллоҳ Таоло айтади

وَمَا كَانَ الْمُؤْمِنُونَ لِيَنفِرُوا كَآفَّةً فَلَوْلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَائِفَةٌ لِّيَتَفَقَّهُوا فِي الدِّينِ
وَلِيُنذِرُوا قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ

– *„Барча мўминлар бирданига жиҳодга чиқишлари жоиз эмас. Улардаги ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар чиқиб, қолганлари динни ўрганиб, жиҳодга кетганлар қайтишганда ўзлари ўрганган нарсаларни уларга ҳам ўргатсалар бўлмасмиди?! Шояд улар ҳам Аллоҳдан қўрқарлар“.* [9:122]

Бу билан уламоларни огоҳлантириш билан уларни ҳам огоҳлантирди. Агар тақлид жоиз бўлмаганида бундай бўлмас эди.

Шунга кўра, тақлид ҳеч қандай хословсиз жоиздир. Фақат ақида бундан мустасно. Зеро ақида борасида зонн-гумон, тақлид қилиш бўлмайди аксинча унда қатъийлик вожиб.

Тақлид асл эмас:

Бироқ Ислom илмдан ўзга йўлга эргашишдан бизни қайтарди:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا

– *„Аниқ билмаган нарсага эргашманг! Чунки қулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масхулдир“.*

[17:36]

Бундан аён бўляптики, шариатнинг бизга нисбатан буйруқ ва тақиқларидан иборат ҳамма ишларнинг ҳукмига илм билан эришмоғимиз аслдир. Агар ҳукмга илм орқали эришолмасак, масалани гумонимиз ғолиб келиши учун ўрганишимиз вожиб бўлади.

⁽²⁴⁷⁾ Абу Довуд: 285. Ибн Можа: 565. Аҳмад: 2898.

Тақлид билан илмга ҳам, ғолиб гумонга ҳам эришиб бўлмайди. Шунинг учун кўпчилик уламолар тақлидга рухсат бермаганлар. Фақат заиф ожиз мажбур кишигагина рухсат берганлар. Бундай киши ижтиҳод куроли бўлмаган омидир. Айнан шу кишига фатво сўраш ва олган фатвосига тақлид қилиш вожиб қилинди ёки рухсат берилди.

Ундан ўзга киши эса аслида ҳукм истинбот қилиш учун ижтиҳод қилиши керак. Афзали шу. Аммо юқорида айтганимиздек, у тақлид қилиши ҳам жоиздир.

Ижтиҳод қилиш имконияти йўқ киши икки хилдир:

1. Муттабеъ. Муттабеъ исломий қонунчиликда эъъянили айрим илмларга эга бўлган, аммо ана шу илмлари ижтиҳод қилишига кифоя қилмаётган кишидир. У мужтаҳидга тақлид қилиши мумкин. Аммо мужтаҳиднинг тақлид қилмоқчи бўлган далилини билиши шарт.

2. Уммий. Уммий исломий қонунчиликда эъъянили айрим илмларга эга бўлмаган кишидир. Унга имомнинг фатвоси кифоя қилади. У ҳукми сўраса, бу ҳалол, бу ҳаром, деб ўргатилади.

Савол: Муқаллид бир масалага тақлид қилсаю, кейин ундан қайтиб, ўша масалада бошқа мужтаҳидга тақлид қилса бўладими?

Бу саволга жавоб тарзида шуни айтишимиз мумкинки, шариат муқаллидга берган шаръий ҳукм у тақлид қилган мужтаҳид истинбот қилган ҳукмдир. Бу эса иш куйидагича бўлишини англатади:

1. Агар муқаллиднинг амали ўзи тақлид қилган масалага боғланган бўлса, ундан қайтиб, бошқасига тақлид қилиши мумкинмас. Чунки у ўша масала тўғрисидаги бир шаръий ҳукми риоя қилиб, унга амал қилиб бўлган эди.

2. Агар амали ўша масалага боғланмаган бўлса, ундан қайтиб бошқасига амал қилиши мумкин.

Масала сўзининг тахрифи: Бу ерда масала, дейишдан мурод дуруст бўлишида бошқа масалага боғлиқ бўлмаган ҳар бир амал ёки амаллар мажмуасидир. Масаланинг бир қисми, дегандан мурод эса шартлар ва рукнлар каби, масаланинг дуруст бўлиши рўёбга чиқиши учун зарур бўлган ҳар бир амалдир. Бунга мисоллар:

Таҳорат: Дуруст бўлиши бошқасига боғлиқ бўлган амаллар. Чунки намознинг дуруст бўлиши таҳоратга боғлиқдир. Шунинг учун таърифга кўра, таҳорат масала эмас. Балки у дуруст бўлишига боғлиқ бўлган намознинг бир жузидир.

Намоз: Дуруст бўлиши бошқасига боғлиқ бўлмаган амаллар. Намоз масаладир. Унинг дуруст бўлишига боғлиқ бўлган қолган

нарсалар эса унинг бир қисмидир. Масалан, унинг рукнлари ҳамда дуруст бўлиши шартлари бўлмиш таҳорат ва қиблага юзланиш каби.

Рўзадаги ният: Дуруст бўлиши бошқасига боғлиқ бўлган амал. Чунки рўзанинг дуруст бўлиши ниятга боғлиқ. Шунинг учун ният масала эмас, балки бошқа бир масаланинг бир қисми.

Рўза: Дуруст бўлиши бошқасига боғлиқ бўлмаган амал. Рўза масаладир. Унинг дуруст бўлишига боғлиқ бўлган қолган нарсалар эса унинг бир қисмидир, масалан, ният қилиш, оғиз очилишдан сақланиш каби. Шунга қўра шахс намоз тўғрисида бирор мужтахидга тақлид қилса, таҳорат, ғусл, таяммум, қиблага юзланиш ва рукнлар каби унинг қолган қисмларига ҳам тақлид қилиши зарур. Рўза тўғрисида бирор мужтахидга тақлид қилса, ният қилиш, тўла бир кун ёки тўла бир ой тутиш, кундузи қиладиган ва кечаси қиладиган ишлар, очувчи нарсалар ва очишда рухсат этилган нарсалар каби унинг барча қисмларига ҳам тақлид қилиши зарур. Аммо у бошқа масалада бирор мужтахидга тақлид қилиши мумкин.

Буларнинг бари шахс муқаллид бўлган ҳолатдаги гаплар. Бирок шахсда далилларни текшириш ва таржиҳ қилиш имконияти туғилса, тақлид қиладиган мужтахидини тарк қилиб, унинг далилидан кучлироқ далилга эргашиши мумкин.

УЧИНЧИ ФАСЛ

Далиллар ўртасини таржиҳ қилиш

Далиллар ўзаро зид келиб, бир-бирига нисбатан ортиклиги мавжуд бўлмаса, буни таодул (тенглик), дейилади. Қатъий далилларда таодул келмайди. Чунки улар ўзаро зид келмайди. Қатъий далил билан гумонли далил ўртасида ҳам таодул бўлмайди. Чунки қатъий далил гумонли далилдан муқаддам қўйилади. Қонунчилик воқеи жиҳатидан ҳам гумонли далилларда таодул бўлмайди. Аммо мантикий фараз жиҳатидан бўлиши мумкин. Бироқ, қонунчилик воқеи унга зиддир. Чунки гумонли далиллар таодул қилинса, яъни ҳар тарафлама бир-бирига зид келиб қолиб, улар ўртасида ортиклик топилмаса, қуйидаги сабабларга кўра, бундай ҳолатда уларга ёки уларнинг бирортасига амал қилиш мумкин эмас:

Агар таодул бўлган гумонли далилларнинг ҳаммасига амал қиладиган бўлса, зид билан зид бир жойда келиб қолади. Бу эса мумкинмас;

Агар уларнинг бирига амал қилиб қолганларига амал қилинмаса, бу таржиҳ қилиб бўлмайдиган нарсани таржиҳ қилиш бўлади. Чунки улар ҳамма нарсада ўзаро тенгдир;

Агар уларга амал қилинмаса, уларнинг нусуслари бекор бўлиб қолади. Бу эса Аллоҳ Субҳанаҳуға нисбатан муҳол ишдир.

Шунинг учун далиллар ичида таодул деган нарса йўқ.

Энди далиллар ўзаро зид келиб, улар ўртасида бир-бирига нисбатан ортиклик мавжуд бўлса, бу таржиҳ, деб аталади. Яъни таржиҳ амал қилиш учун икки далилнинг бирини иккинчисидан кучайтиришдир. Таржиҳнинг луғавий маъноси мойил қилиш, ғолиб қилиш, демакдир.

Таржиҳ фақат гумонли далилларда бўлади, қатъий далилларда бўлмайди. Чунки қатъий далиллар ўртасида ўзаро зидлик йўқ.

Аслида далиллар ўртасини жамлаш яъни иккала далилга ҳам амал қилиш лозим. Имкон бўлса, асил шудир. Имкони бўлмаса, таржиҳ қилинади. Чунки икки далилга ҳам амал қилиш улардан бирини аҳамиятсиз қолдиришда авлодир.

Қуйида икки далилга ҳам амал қилинадиган айрим ҳолатлар ва ундан кейин улардаги таржиҳ тўғрисида баён қиламиз.

Икки далил ўртасини жамлаш яъни иккала далилга ҳам амал қилиш:

1. Росулulloх ﷺ бир амални қилиб, кейин яна бир марта унинг зиддини қилган бўлсалар, бу мубоҳ амали эканини англатади:

а) Ҳадя олишлари:

Ибн ибн Ҳамор ривоят қиладики, Росулulloх ﷺ бирорта кофирдан Исломга кирдингми? деб сўраганларидан ва у йўқ, деб жавоб берганидан сўнг унинг ҳадясини олмаганлар. Унга бундай деганлар:

«أَنَّ نَهَيْتُ عَنْ زَبْدِ الْمُشْرِكِينَ»

«Мен мушриклардан ёрдам олишдан қайтарилганман».²⁴⁸

Саҳиҳ ривоятда келишича, Росулulloх ﷺ Нажошийнинг, Акидар Давманинг ҳамда Муқавқиснинг ҳадясини олганлар. Буни Оиша رضي الله عنهاнинг «Росулulloх ﷺ ҳадя олардилар ва унга ҳам ҳадя қилардилар», деган гаплари ҳам тасдиқлайди.

Энди бу икки ўзаро зид далиллар ўртасини жамлаймиз-да, ҳадя олиш мубоҳ деймиз.

б) Табароний «Авсат»дан шундай ривоят ишлаб чиқди: Ибн Аббос ва Ҳасан ибн Али бирга ўтирган эдилар, олдиларидан бир жаноза ўтиб қолди. Шунда улардан бири ўрнидан турди, иккинчиси турмади. Ўрнидан турган турмаганга – Росулulloх (жаноза ўтаётганида) ўринларидан турмаганмидилар? деди. У – йўқ (турган эдилар), деди ва ўтираверди.²⁴⁹ Бундан жаноза ўтаётганда ўтириш ҳам, туриш ҳам мубоҳ эканини тушунилади

в) Заҳрийдан ривоят қилинади:

«إِنَّ النَّبِيَّ ﷺ اسْتَعَانَ بِنَاسٍ مِنَ الْيَهُودِ فِي خَيْرٍ فِي حَرْبِهِ فَأَسْهَمَ لَهُمْ»

«Пайғамбар ﷺ Хайбардаги урушда айрим яҳудий кишилардан ёрдам сўрадилар ва уларга найза бердилар».²⁵⁰

Оиша رضي الله عنها бундай дедилар: «Набий ﷺ Бадр жангги арафасида жангга чиқдилар. «Хурратул вабара»га етганларида кўркмас ботирликда танилган бир киши етиб келди. Уни Росулulloх ﷺнинг саҳобалари кўриб суюниб кетишди. У етиб келгач, сизга эргашиш ва сиз билан зафар қозониш учун келдим, деди. Росулulloх ﷺ «Аллоҳ ва Росулига имон келтирганмисан», дедилар. Йўқ, деди. Шунда ул зот «қайтиб кет, мен мушрикдан ёрдам олмайман», дедилар». Оиша رضي الله عنها дедилар: «Кейин йўлда давом этдилар. Бир дарахт олдига келганларида ҳалиги киши яна етиб

⁽²⁴⁸⁾ Термизий: 1504. Абу Довуд: 2657. Аҳмад: 16835.

⁽²⁴⁹⁾ Табароний Авсатда: 2490.

⁽²⁵⁰⁾ Термизий: 127\4, рақами: 1558.

келиб, яна аввал айтган гапни айтди. Росулulloҳ ﷺ ҳам «**қайтиб кет, мен мушрикдан ёрдам олмайман**», дея аввал айтган гапларини айтдилар». Оиша ﷺ дедилар: «Кейин киши қайтиб кетди ва чўлда яна етиб келиб, аввал айтган гапни айтди. Росулulloҳ ундан «**Аллоҳ ва Росулига имон келтирдингми?**» дедилар. У ҳа, деди. Шунда унга «**Биз билан юр**» дедилар.²⁵¹

Бу ҳадисларнинг бирида Росулulloҳ ﷺ кофирларни мусулмонлар билан Ислому байроғи остида курашишларини қабул қилдилар. Иккинчи Ҳадисда эса инкор қилдилар. Бундан кофирларнинг мусулмонлар билан Ислому байроғи остида курашлари мубоҳлиги тушунилади. Аммо кофирлардан кофирларнинг байроғи остида ёрдам олиш эса бундай эмас. Чунки Росулulloҳ ﷺнинг

«لَا تَسْتَضِيئُوا بِنَارِ الْمُشْرِكِينَ»

«**Мушрикларнинг ўтидан фойдаланманг**».²⁵²

Бу ҳадисдаги мушрикларнинг ўтидан уларнинг вужуди кочирма қилинган. Чунки қабила ўт ёқса, унинг уруш эълон қилгани тушунилади, унинг ўтидан ёрдам олиш эса уларнинг байроғи остида жанг қилиш тушунилади. Бу эса ҳаромдир.

Буни Абу Ҳамид Соидийнинг ушбу ривояти ҳам таъкидлайди: «Росулulloҳ ﷺ жиҳодга чиқдилар. Санийятил вадое тоғига етганда бир гуруҳ аскарларга дуч келдилар. **Улар ким**, деб сўраган эдилар, улар Қайнуко авлодлари, Абдуллоҳ ибн Саломнинг карвони, дейишди. **Исломга киришганми**, деб сўрадилар. Йўқ, дейишди. Росулulloҳ ﷺ уларни қайтиб кетишга буюриб,

«إِنَّا لَا نَسْتَعِينُ بِالْمُشْرِكِينَ فَاسْلُمُوا»

«**Биз мушриклардан ёрдам олмаймиз, бас, Иломни қабул қилинглар**».²⁵³ Улар ўз байроқлари остида йўлга чиқишган эди.

Энди Хайбар урушида айрим яҳудий кишилардан ёрдам олганларига келсак, «Росулulloҳ ﷺнинг сийратлари»да собит бўлганидек, улар мусулмонларнинг байроғи остида туриб жанг қилганлар.

2. Росулulloҳ ﷺ бир гапни айтсалар ва унга зид бўлган амални қилсалар, амал ул зотнинг ўзига хос бўлиб, гаплари биз учун баён ҳисобланади.

а) Умар ﷺ ривоят қиладики, Набий ﷺ бундай дедилар:

⁽²⁵¹⁾ Муслим: 1817. Термизий: 1558.

⁽²⁵²⁾ Насоий: 5114. Аҳмад: 11516.

⁽²⁵³⁾ Абу Довуд: 2356. Ибн Можа: 2822. Дорамий: 2385. Аҳмад: 15203, 23250.

«الْقُبْلَةُ مِنَ اللَّمَسِ فَتَوَضَّؤُ مِنْهَا»

«ўпиш ушлашга киради. Бас, таҳорат қилиб олинглар».²⁵⁴

Оиша رضي الله عنهاнинг ушбу сўзлари:

«إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْبَلُ بَعْضَ أَرْوَاجِهِ ثُمَّ يُصَلِّي وَلَا يَتَوَضَّأُ»

«Пайгамбар صلى الله عليه وسلم айрим аёлларини ўпандилар-да кейин намоз ўқирдилар ва таҳорат қилмасдилар».²⁵⁵

Демак, ўпандан сўнг таҳорат қилмаслик Росулulloх صلى الله عليه وسلمга хос, таҳорат қилиб олиш эса бизга қилинган хитоб ҳисобланади.

б) Қайс ибн Ҳорис айтади: «Мен Исломни қабул қилганимда саккизга хотиним бор эди. Росулulloх صلى الله عليه وسلمга буни айтган эдим

«اخْتَرْتُ مِنْهَا أَرْبَعًا»

«Улардан тўрттасини танла», дедилар.²⁵⁶

Саҳиҳ хабарда келишича, «Росулulloх صلى الله عليه وسلم тўққизта аёлни жамлаганлар».²⁵⁷

Бу тўрттадан ортиқ аёлнинг бир никоҳда жамланиши Росулulloх صلى الله عليه وسلمга хос эканлигига далолат қилади.

3. Росулulloх صلى الله عليه وسلم бир сўзни айтсалар ва кейин унга зид бошқа сўзни айтсалар, улар ўртасини имкон қадар жамлашга ҳаракат қилинади:

Росулulloх صلى الله عليه وسلم бундай дедилар:

«ثُمَّ يَفْشُوا الْكُذِبَ حَتَّى يَشْهَدَ الرَّجُلُ قَبْلَ أَنْ يَسْتَشْهَدَ»

«Кейин ёлғон шундай кенг тарқаладики, киши ундан гувоҳлик талаб қилинмасдан туриб (ёлғон) гувоҳлик берадиган бўлиб қолади».²⁵⁸

Яна бир ҳадисда бундай дедилар:

«أَلَا أَخْبَرُكُمْ بِخَيْرِ الشُّهُودِ فَقِيلَ نَعَمْ فَقَالَ أَنْ يَشْهَدَ قَبْلَ أَنْ يَسْتَشْهَدَ»

«Шаҳодат келтирувчиларнинг яхшиси кимлигини айтайми? Ҳа, дейилди. Шаҳодат калимаси сўралмасдан аввал шаҳодат келтирадиган кишидир».²⁵⁹

(254) Молик, Шофиъий, Байҳақий ривояти: 121\1.

(255) Бухорий: 1972. Насоий: 170. Ибн Можа: 496.

(256) Абу Довуд: 2241. Ибн Можа: 1952.

(257) Анас ривоят қилади: «Набий صلى الله عليه وسلم аёлларига бирма-бир кирганларида улар тўққизта эди». Бухорий: 260, 257. Муслим: 2656. У ривоят қилади: «Муҳаммад صلى الله عليه وسلمнинг уйида бир соя буғдой ҳам, бир соя дон ҳам тунамаган, чунки аёллари тўққизта эди». Бухорий: 1927. Термизий: 1136.

(258) Муслим: 4602. Аҳмад: 6836. Термизий: 2091, 2225. Ибн Можа: 2354.

(259) Ибн Можа: 2355. Аҳмад: 20698. Саҳиҳи Муслимда: «Шаҳодат келтирувчиларнинг яхшиси» боби.

Бу икки ҳадис куйидагича жамланади:

Аввалги ҳадис инсонлар ҳақида гувоҳлик сўралмасдан аввал гувоҳлик берувчи кимса мазаммат қилинган ҳадисдир. Иккинчи ҳадис эса Аллоҳ ҳақида гувоҳлик берган (калимаи шаҳодат)ни келтирган киши мақталган ҳадисдир.

4. Баъзан мужмал нусус келади-да, уни Росулulloҳ ﷺ ўзаро зид келувчи бирор гап ёки амаллари орқали ёритиб берадилар. Масалан, ҳаж тўғрисидаги оятдан кейин айтган мана бу сўзлари каби:

«مَنْ فَرَغَ حَجًّا إِلَى عُمْرَةَ فَلْيُطْفِطْ طَوَافًا وَاحِدًا وَيَسْعَى سَعْيًا وَاحِدًا»

«Ким ҳаж умрани қўшиб адо қилмоқчи бўлса, бир марта тавоф ва бир марта саъй қилсин».²⁶⁰

«Росулulloҳ ﷺ ҳаж билан умрани қўшиб адо қилишда икки марта тавоф, икки марта саъй қилдилар».²⁶¹

Бу ҳадислар тўртинчи боб, тўртинчи қисмининг мужмал ва мубайян мавзусида келтирилган қоида бўйича жамланади.

5. Муҳкам ва муташобих:

Муҳкам бу муташобихнинг асл-моҳиятидир:

مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرَى مُتَشَابِهَاتٌ

– „Унда (Китобда) шу Китобнинг асли моҳияти бўлган муҳкам-аниқ-равшан оятлар ҳам ва бошқа муташобих Оятлар ҳам бор“.
[3:7]

Бирини муҳкам, иккинчиси муташобих бўлса, муташобихни муҳкамга кириштирилади. Мисол учун:

فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

– „Қўлларингизни чиганоқларигача ювинг, бошларингизга масх тортинг ва оёқларингизни ошиқларигача ювинг!“.
[5:6]

Бу оятда □ «وَأَرْجُلَكُمْ» □ сўзи насб ва жар ҳолатда ўқилиши мумкин.

Агар насб ҳолатда ўқилса, у фақат ювишга атф бўлади. Агар жар ҳолатда ўқилса, уни ювишга атф қилишни ҳам эҳтимоли бўлади, масхга атф қилишни ҳам эҳтимоли бўлади. Насб ўқилиши муҳкам, насб ва жар ўқилиши муташобих бўлади. Шунинг учун жар ўқилишини насб ўқилишига кириштириб юборилади фақат насб ўқилади ва оёқ ювилади.

⁽²⁶⁰⁾ Термизий: 870. Насоий: 2883. Аҳмад: 5097.

⁽²⁶¹⁾ Термизий: 870.

Таржих

Таржих икки қисм:

1. Икки далил ўртасини таржих қилиш;
2. Битта далилнинг ўзидаги бир неча маъноли сўзлар ўртасини таржих қилиш.

Бу икки қисм далилдан шаръий ҳукм истинбот қилмоқчи бўлган кишига муҳимдир. Чунки масалада икки далил келиб қолиб, улар ўртасини жамлашни ҳам, бири иккинчисини насх қилишини аниқлашни ҳам имкони бўлмаса, амал қилиш учун бирини иккинчисидан таржих қилинади. Шунингдек, далилда бир неча маъноли сўзлар бўлса, бу ҳолатда ҳам бир маънони бошқа маъно устидан таржих қилиниб, таржих қилинган маънога амал қилинади.

Биринчи қисм: икки далил ўртасини таржих қилиш:

Таржих қилиш учун икки далилнинг бирортасига ҳам ҳеч бир жиҳатдан амал қилишнинг иложи йўқ бўлиши лозим. Ана шундай ҳолатда албатта таржих қилинади ва у қуйидагича бўлади:

а) Биринчи ҳолат: Кучлилиқ ва умумийлиқда бир хил икки далилнинг ўзаро зид келиши:

Таржих қилиниши учун икки далил гумонли далил бўлиши шарт. Чунки бундай ҳолатда қатъий далиллар ўртасида қарама-қаршилиқ бўлмайди:

وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا

– „Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршилиқларни топган бўлар эдилар“ [4:82]

Демак, фақат гумонли далиллар ўртасида зиддият бўлади. Агар мана шундай ҳолат бўлса, таржих қилиш учун қуйидагиларга амал қилинади:

1. Кейинги далил аввалги далилни насх қилиши аниқланиши ҳамда тўртинчи бобнинг бешинчи фаслида айтилган шартлар топилиши лозим.

2. Аммо кейинги далилни аниқлаб бўлмаса, таржих қилиш учун кучлироқ далил олинади. Унинг кучлилиги эса қуйидагича аниқланади:

- Гумонли далилларнинг барча турларида далиллар тартиби ва далил қилиш эъъяънии даражаси;

Гумонли далиллар тартиби жиҳатидан олганда: (Бунинг учун санаднинг тўғрилиги ва бошқа омиллар ҳам топилиши лозим).

- Қуръон суннатдан кучлироқ. Ҳатто суннат мутавотир бўлса ҳам.

- Мутавотир суннат ижмодан кучлироқ.

• Муғавотир йўли билан нақл қилинган ижмо оҳод хабардан кучлироқ.²⁶²

• Оҳод хабар қиёсдан кучлироқ. Аммо бунинг учун оҳод хабарнинг иллоти очик-ойдин бўлиши шарт. Ана шундагина бу иллатни нусуснинг иллоти, деб эъъяни қилинади.

Далил қилиш эъъяниидан олганда эса гумонли далилнинг яъни гумонли суннатнинг кучлилиги санад ва матндан аниқланади.

Санад ва матннинг кучлилигини қуйидагича батафсил зикр қиламиз:

Далилнинг ривоятчилар жиҳатидан кучлилиги:

Биринчи: Хукмга нисбаган:

Бунда мазкур омиллардан бошқа омиллар ҳам бир хил бўлиши лозим:

1. Икки далилнинг ривоятчилари табақаси иккинчисиникидан кўпроқ бўлса ва бошқа омиллар ҳам бир хил бўлса, аввалги далил таржиҳ қилинади. Масалан, Росулulloҳ ﷺ Зулядайннинг «ё Росулulloҳ ﷺ намозни қаср ўқидингизми ё унутдингизми»,²⁶³ деган хабари билан кифояланмай, Абу Бакр ва Умар ﷺлардан ҳам хабар эшитдилар.

Абу Бакр Муғиранинг Набий ﷺ катта бувига таомнинг олтидан бирини берган, деган хабарига кифояланмай, Муҳаммад ибн Масламанинг хабаридан ҳам фойдаланди.²⁶⁴

2. Икки ҳадиснинг бирининг ривоятчиси ўзи ривоят қилган ҳадисга амал қилиб, иккинчиси ривоят қилган ҳадисга зид амал қилган бўлса, аввалгиси таржиҳ қилинади.

3. Икки хабарнинг бирининг ривоятчиси бевосита ривоят қилган бўлиб, иккинчисининг ривоятчиси билвосита ривоят қилган бўлса, бевосита ривоят аввал туради.

Масалан, Абу Рофеънинг ривояти Ибн Аббоснинг ривоятидан таржиҳ қилинади. Абу Рофеъ ривояти:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَكَحَ مَيْمُونَةَ وَهُوَ حَلَالٌ»

«Пайғамбар ﷺ эҳромдан чиққан ҳолатида Маймумани никоҳига олдилар».²⁶⁵

Ибн Аббос ривояти:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَكَحَ الْمَيْمُونَةَ وَهُوَ حَرَامٌ»

⁽²⁶²⁾ Ижмо умумий шаклда ўзи билан бир хил бўлган нусусдан мақаддам туради. Чунки ижмодаги насх нусусдагидан фаркли ўларок, ишончлидир.

⁽²⁶³⁾ Бухорий: 460. Муслим: 896.

⁽²⁶⁴⁾ Термизий: 2026. Абу Довуд: 2507. Аҳмад: 17295. Дорамий: 2811.

⁽²⁶⁵⁾ Муслим: 2527. Термизий: 774.

«Пайгамбар ﷺ эҳромдалик ҳолатида Маймунани никоҳига олдилар».²⁶⁶

Бунинг сабаби шундаки, Абу Рофиъ Росулulloҳ ﷺ билан Маймуна ўртасида элчилик қилган ҳамда унинг Росулulloҳга никоҳланишини қабул қилган киши эди.

4. Икки ривоятчининг бири ўша ривоятнинг эгаси бўлса, масалан, Муймунанинг

«تَزَوَّجَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَكُنْ حَلَالًا»

«Пайгамбар ﷺ мени ўз никоҳларига олганда иккаламиз ҳам эҳромдан чиққан эдик»,²⁶⁷ деган ривоятида ривоят соҳибаси бўлмиш Маймуна Ибн Аббосдан муқаддам қўйилади.

5. Икки ривоятчи ривоятни эшитаётган ҳолларида уларнинг бири Набий ﷺга яқин турган бўлса, яқинроқ турганнинг ривояти афзалроқ ҳисобланади. Масалан, Ибн Умар Набий ﷺнинг фақат ҳаж қилганини, унга умрани қўшмаганини ривоят қилди.²⁶⁸ Шу билан бирга Набий ﷺнинг ҳаж билан умрани қўшиб қилганлари ҳам ривоят қилинган.²⁶⁹ Бу ерда Ибн Умарнинг ривояти муқаддам қўйилади. Чунки унинг айтишича, Набий ﷺнинг лаббайка айтаётганларида ул зотнинг туялари остида туриб, битта эҳром боғлаганликларини эшитган экан.

6. Агар икки ривоятчининг бири катта ёшли саҳоба, иккинчиси эса кичик ёшдаги саҳоба бўлса, катта саҳобанинг ривояти таржиҳ қилинади. Чунки катта ёшли саҳоба Набий ﷺнинг ушбу ҳадисларига кўра, кўпинча ул зотнинг сўзларини яқинроқдан эшитган бўлади:

«لَيْلِي أُولُو الْأَحْلَامِ وَالتَّهَى»

«Менга болиғ ва оқиллар яқинроқ турсин».²⁷⁰

7. Икки хабарнинг бири тобеинлар мурсали, иккинчиси эса тобеинларга тобе бўлганлар мурсали бўлса, тобеинлар мурсали таржиҳ қилинади:

«خَيْرُ الْقُرُونِ قَرْنُ الَّذِي أَنَا فِيهِ»

«Энг яхши аср мен яшаган асрдир».²⁷¹

«أَصْحَابِي كَأَجْوَمِ بَائِهِمْ أَقْتَدَيْتُمْ أَهْتَدَيْتُمْ»

⁽²⁶⁶⁾ Бухорий: 3926.

⁽²⁶⁷⁾ Бухорий: 3926.

⁽²⁶⁸⁾ Муслим: 2164. Аҳмад: 5461.

⁽²⁶⁹⁾ Аҳмад Сурука ибн Моликдан: 175\4.

⁽²⁷⁰⁾ Термизий: 228. Абу Довуд: 674. Ибн Можа: 976. Аҳмад: 457\1.

⁽²⁷¹⁾ Муслим Оишадан: 4602.

«Саҳобаларим йўлчи-юлдуздирлар. қай бирига эргашманг, хидоят топасиз».²⁷²

8. Икки ривоятнинг бири ҳижобсиз, иккинчиси ҳижобда эшитган бўлса, ҳижобсиз эшитилган ривоят таржих қилинади. Масалан, Қосим ибн Муҳаммад «Барбара куликдан озод қилинганда унинг эри қул эди»,²⁷³ деган ривоятни ҳижобсиз Оишадан эшитди, чунки Оиша унинг аммаси эди. Асвад ҳам Оишадан «Барбара куликдан озод қилинганда унинг эри озод эди»,²⁷⁴ деган ривоятни эшитганда Оиша ҳижобда эди.

9. Икки ривоятнинг бири Росулulloҳнинг гапи бўлиб, иккинчиси у кишининг феълидан бўлса, у кишининг гапи далолати кучли бўлгани учун ва қилган ишлари заиф бўлгани учун гапи таржих қилинади.

10. Икки ривоятчининг бири эр-хотинлик ҳаёти билан боғлиқ ишлар тўғрисида Росулulloҳ ﷺнинг хотинларидан бири бўлса, Росулulloҳнинг хотинининг ривояти таржих қилинади:

а) Оиша ﷺнинг «хатна қилинган икки аъзонинг қўшилиши»,²⁷⁵ тўғрисидаги ривояти Абу Хурайранинг

«إِنَّمَا الْمَاءُ بِالْمَاءِ»

«Сув сув билан қўшилса»,²⁷⁶ деган ривоятдан таржих қилинади.

б) Оиша ﷺнинг Набий ﷺнинг «рўзада жунуб ҳолатда тонг оттирганлари».²⁷⁷

«Набий ﷺ ихтиломданмас, жинсий алоқадан жунуб бўлиб тонг оттирсалар рамазон рўзасини тутаверардилар) тўғрисидаги ривояти Абу Хурайранинг Набий ﷺнинг

«مَنْ أَصْبَحَ جُنُبًا فَلَا صَوْمَ لَهُ»

(272) Ҳасан ҳадис. Уни уламо, фуқаҳолар оммаси қабул қилган: «Шахсия»: 3 жуз, 82 саҳифа.

(273) Бухорий: 4707. Муслим: 1504.

(274) Аҳмад: 23021.

(275) Имом Аҳмад Оиша ﷺ ушбу сўзлар орали ривоят қилган: «إِذَا اتَّقَى الْحَتَّانَ فَغَدُّ» «وَجَزَّ الْغُسْلُ» «Хатна қилинган икки аъзо қўшилса ғусл вожиб бўлади»,

(276) Абу Довуд: 184, 185, 187. Сувга сув қўшилса, ғусл вожиб бўлиши тўғрисида берилган фатволар амр эмас, балки Ислоннинг бошланишида Роулulloҳнинг берган рухсатларидандир. Кейин эса Росулulloҳ ғусл қилишга буюрганлар.

(277) Бухорий Оиша ва Умму Саламадан: 1796. Абу Довуд: 2040.

«Ким жунуб ҳолда тонг отгирса, рўзаси дуруст бўлмайди»,²⁷⁸ деганларини айтган ривоятдан таржиҳ қилинади. Чунки Оиша رضي الله عنها Набий صلى الله عليه وسلمнинг ҳолатларини яхшироқ билади.

Далилнинг матн жиҳатидан кучлилиги:

Биринчи, ҳукмга нисбатан:

1. Икки хабарнинг бири энгилликни ифода қилса, иккинчиси эса қаттиқликни ифодаласа, энгилликни ўз ичига олган хабар таржиҳ қилинади. Чунки Аллоҳ Таоло айтади:

يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمْ الْعُسْرَ

– **«Аллоҳ сизларга энгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди»**. [2:185]

Росулуллоҳ صلى الله عليه وسلم бундай дедилар:

«إِنَّ الدِّينَ يُسْرٌ»

«Албатта, бу дин энгилдир».²⁷⁹

2. Икки хабарнинг бири ҳаромликни, иккинчиси мубоҳликни ифодаласа, Набий صلى الله عليه وسلمнинг ушбу сўзларига мувофиқ, ҳаромликни ифодаловчи хабар олинади:

«دَعَا مَا يُرِيكُ لِمَا لَا يُرِيكَ»

«Сизни шубҳага солмаётган (нарсани олиб), шубҳага солаётган нарсани тарк қилинг».²⁸⁰

3. Икки хабарнинг бири ҳаромликни, иккинчиси вожибликни ифодаласа, юқоридаги ҳадисга кўра, ҳаромликни ифодалаётган хабар олинади.

4. Икки хабарнинг бири вожибликни, иккинчиси мубоҳликни ифодаласа, вожибликни ифодалаётган хабар олинади. Чунки вожибни тарк қилиш ҳаромни кўрсатади, мубоҳни тарк қилиш ҳаромни кўрсатмайди.

5. Икки хабарнинг бири тасдиқни, иккинчиси инкорни ифодалаётган бўлса, тасдиқни ифодалаётган хабар олинади. Масалан, Билол Набий صلى الله عليه وسلمнинг **«уйга кириб, намоз ўқиганлари»**ни хабар қилди.²⁸¹ Усома эса **«уйга кириб, намоз ўқимаганлари»**ни хабар қилди.²⁸²

6. Икки ҳукмнинг бири зиёдаликни ўз ичига олиб, иккинчиси камликни ўз ичига олиб, унга зид келмаса, зиёдалик муқаддам

(278) Муслим: 1864

(279) Бухорий: 39.

(280) Бухорий шарҳи: 724\2. Термизий: 2518 Насоий: 5397. Дорамий: 165. Аҳмад: 200\1. Ибн Ҳиббон: 493\3.

(281) Бухорий: 2766, 1598.

(282) Муслим: 1331.

қўйилади. Масалан, бир ривоятда «**Набий ﷺнинг ийд намозида етти марта такбир айтганлари**» хабар қилинди.²⁸³ Яна бир ривоятда «**Набий ﷺнинг ийд намозида тўрт марта такбир айтганлари**»,²⁸⁴ хабар қилинди.

7. Жазо-ҳадни инкор қилувчи далил уни тасдиқловчи далил устидан таржиҳ қилинади. Масалан, икки далилнинг бири жазо-ҳадни инкор қилса, иккинчиси тасдиқласа, инкор қилган далил олинади. Бунинг далили қуйидаги ҳадислардир:

«ادْرَعُوا الْحُدُودَ بِالشُّبُهَاتِ»

«**Жазо-ҳадларни қўллашда шубҳага ўрин қўйманг**».²⁸⁵

«لَا ضَرَرَ وَلَا ضِرَارَ»

«**Зарар ҳам кўрилмасин, зарар ҳам берилмасин**».²⁸⁶

Жазо-ҳад эса Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзларига кўра, зарардир:

«لَأَنْ يُخْطِئَ فِي الْعُقُوبَةِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ يُخْطِئَ فِي الْعُقُوبَةِ»

«**Афв қилишда хато қилиш жазолашда хато қилишдан яхшироқдир**».²⁸⁷

8. Агар хитоб вожиблик ёки ҳаромликни хабар бериш қабилида қилинган хитоб бўлса, масалан:

الَّذِينَ يُظَاهِرُونَ مِنْكُمْ مَنْ نَسَائِهِمْ مَا هُنَّ أُمَّهَاتُهُمْ

– „**Ораларингиздаги ўз хотинларини зиҳор қиладиган кимсаларнинг (зиҳор қилинган хотинлари) уларнинг оналари эмасдирлар**“.
[58:2]

Ёки шарт ва жазо ўрнидаги хитоб бўлса, масалан:

وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ آمِنًا

– „**Ва унга кирган одам тинч бўлади**“.
[3:97]

бошқа хитоб эса бевосита қилинган хитоб бўлса, масалан:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ

– „**Эй имон келтирганлар, сизларга рўза тутуш фарз қилинди**“.
[2:183]

бундай ҳолатда икки хитобдан бевосита қилинган хитоб таржиҳ қилинади. Агар хитобда бевосита қилинишдан бошқача келса, аввалгиси авлороқдир.

⁽²⁸³⁾ Термизий: 492. Ибн Можа: 1269. Аҳмад 66401.

⁽²⁸⁴⁾ Абдулраззоқ Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилди: 5687. Ҳайсам ровийлари ишончли, деди.

⁽²⁸⁵⁾ Термизий: 1344. Ибн Можа: 2535.

⁽²⁸⁶⁾ Ибн Можа: 2331. Аҳмад: 2719, 21714. «Муваддо»: 1234.

⁽²⁸⁷⁾ Термизий: 1344.

9. Ҳукми асида қолдирувчи хабар ана шу ҳукми бекор қилувчи хабар устидан таржих қилинади. Масалан, Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«مَنْ مَسَّ ذِكْرَهُ فَلَيْتَوْضًا»

«Ким закарига тегса, таҳорат қилиб олсин».²⁸⁸

Киши закарига тегса, таҳорат қилиши лозимми? деб сўрашди. Шунда Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّمَا هُوَ بِضَعَةٌ مِنْكَ»

«У сизнинг бир гўштингиз холос».²⁸⁹

Бу ерда таҳоратнинг бузилишини айтган хабар олинади. Чунки ҳукми ўз кучида қолдирувчи ривоят уни бекор қилувчи ривоят устидан таржих қилинади. Чунки аввалги ривоятда таҳорат ҳукми ўз кучида қолдириб, уни вожиб қилинапти, кейинги ривоятда таҳорат ҳукми бекор бўлиб, уни вожиб қилмаяпти.

10. Ҳаромликка далолат қилаётган хабар макруҳликка далолат қилаётган хабар устидан таржих қилинади. Чунки қатъий қайтарув қатъий бўлмаган қайтарувдан муқаддам қўйилади.

11. Вожибликка далолат қилаётган хабар мандубликка далолат қилаётган хабар устидан таржих қилинади. Чунки қатъий қайтарув қатъий бўлмаган қайтарувдан муқаддам қўйилади.

Иккинчи: Далилдаги матн маъноларига нисбатан:

1. Икки далилнинг бирининг матни маъносида таъкид келиб, иккинчининг матни маъносида таъкид келмаган бўлса, таъкид келган маъно яхшироқ. Масалан, Росулulloҳ ﷺ ни ушбу ҳадислари қаби:

«أَيُّمَا امْرَأَةٍ نَكَحَتْ بَعِيرٍ إِذْنٌ وَلِيَّهَا فَنَكَاحُهَا بَاطِلٌ فَنَكَاحُهَا بَاطِلٌ فَإِنْ دَخَلَ بِهَا فَلَهَا الْمَهْرُ بِمَا اسْتَحَلَّ فَرَجَهَا فَإِنْ اسْتَجْرُوا فَالْسُّلْطَانُ وَلِيُّ مَنْ لَا وَلِيَّ لَهُ»

«қайси бир аёл валийсининг изнисиз никоҳдан ўтса, унинг никоҳи ботилдир, унинг никоҳи ботилдир, унинг никоҳи ботилдир. Агар (эр) бу аёл билан қўшилган бўлса, унинг фаржига теккани учун маҳр тўлайди. Агар (томонлар) жанжаллашишса, валийси йўқнинг валийси султон-халифадир».²⁹⁰

⁽²⁸⁸⁾ Термизий: 77. Насоий: 163440. Абу Довуд: 154. Ибн Можа: 472. Ахмад: 333\2. Ибн Можа саҳих деди. «Талхисул хабир»: Кўплаб саҳобалар бобиди.

⁽²⁸⁹⁾ Термизий: 78. Насоий: 164. Абу Довуд: 155. Ибн Можа: 477.

⁽²⁹⁰⁾ Термизий уни ҳасан деди: 1021. Ҳоким уни саҳих, деди, Заҳабий тақрир қилди: 168\2.

2. Икки далилнинг бирининг маъноси мутобақа, иккинчиси илтизом маъноси бўлса, мутобақа яхшироқ.

3. Икки далилнинг бирининг маъноси иқтизо, иккинчиси танбиҳ ва имо маъноси бўлса, иқтизо яхшироқ.

4. Икки далилнинг бирининг маъноси умумий, иккинчиси хос маъно бўлса, хос яхшироқ.

5. Икки далилнинг бирининг маъноси бир жиҳатдан умумий ва бир жиҳатдан хос бўлиб, иккинчисининг маъноси ҳар жиҳатдан хос бўлса, аввалги маъно яхшироқ.

6. Икки далилнинг бирининг маъноси бир жиҳатдан муқайяд ва бир жиҳатдан мутлақ бўлиб, иккинчисининг маъноси ҳар жиҳатдан мутлақ бўлса, аввалги маъно яхшироқ.

7. Икки далилнинг бирининг маъноси умумий – жам маърифат – бўлса, иккинчининг маъноси эса умумий – жам накра – бўлса, маърифати маъно яхшироқ.

8. Икки далилнинг бирининг маъноси амр ё наҳи бўлиб, иккинчининг маъноси хабар бўлса, хабар яхшироқ. Чунки хабар насх қилинмайди, амр ва наҳида эса ундай эмас.

б) Иккинчи ҳолат: Кучлилик ва умумийликда ҳар хил икки далилнинг ўзаро зид келиши:

Бундай ҳолатда икки далил ё умумийликда бир хил бўлиб, кучлиликда ҳар хил бўлади ёки кучлиликда бир хил бўлиб, умумийликда ҳар хил бўлади ёхуд на кучлиликда ва на умумийликда бир хил бўлмайди.

Агар кучлиликда ҳар хил бўлиб, умумийлик ва хосликда бир хил бўлса ҳамда бири қатъий, иккинчиси гумонли нусус бўлса, бундай ҳолатда қатъий нусусга амал қилинади. Бунда бир нусуснинг иккинчидан аввал келиши ё кейин келишининг ҳамда қатъий нусус аввал келиши ё кейин келишининг фарқи йўқ. Аммо қатъий кейин келса, насх қилинади. Акс ҳолатда эса унга амал қилиш вожиб бўлиб, насх қилинмайди.

Агар нусуслар кучлиликда ҳар хил аммо умумийлик ва хусусийликда бир хил бўлса ҳамда иккаласи ҳам қатъий ё гумонли, умумию, аммо бири иккинчисидан ё мутлақ ё бир тарафлама умумийроқ бўлса, у ҳолда қаралади: агар иккала далил ҳам умумий бўлиб, бири иккинчисидан мутлақо умумийроқ бўлса, хосроққа амал қилинади. Бунда иккала нусуснинг ровийлар жиҳатидан қатъий ё гумонли бўлишининг ҳамда бири иккинчисидан аввал ё кейин келишининг фарқи йўқ.

Агар нусусларнинг бири бир тарафлама хос ва бир тарафлама умумий бўлса, баъзи уламолар буни ўзаро зид деб эъъяни қилишади ва икки нусус ўртасида таржиҳ ишлатилади, дейишади.

Бу гап агар икки нусуснинг мавзуси битта бўлса, тўғри гап. Бирок, ҳамма нусус ҳар хил мавзуда бўлса, бундай ҳолатда ҳар бир нусус ўз мавзусида қолдирилади ва иккала далилга ҳам амал қилинаверади. Маълумки, икки далилга амал қилиш, улардан бирини аҳамиятсиз қолдиришдан яхшироқдир. **Бунга мисоллар:**

1.

«مَنْ بَدَلَ دِينَهُ فَأَقْتُلُوهُ»

«Ким динини алмаштиради, уни ўлдиришлар»,²⁹¹

Бу далил эркак ва аёлга умумий аммо динини ўзгартирганга хос далил.

2.

«نُهَيْتُ عَنْ قَتْلِ النِّسْوَانِ»

«Аёлларни ўлдиришдан қайтарилдим»,²⁹²

Бу далил ҳамма аёлларга умумий аммо Росулulloҳ ﷺнинг

«مَا كَانَتْ هَذِهِ لِقَاتِلِ»

«Бу аёл (бизга қаши) жанг қилмаган эди»,²⁹³ деганларидан кейин аёлларни ўлдиришдан қайтарган ҳадисга кўра, урушда жанг қилмаган ўша аёлга хосдир.

Мазкур биринчи ва иккинчи ҳадисларнинг мавзуси ҳар хил. Биринчиси динини алмаштирган кимсани ўлдириш лозимлиги мавзуида, иккинчиси урушда жанг қилмаган аёлни ўлдирмаслик мавзуида. Энди иккала ҳадисни жамланса яъни эркак ё аёл бўлишидан қатъий назар, динини алмаштирган кимсани ўлдириш ва урушда жанг қилмаган аёлни эса ўлдирмасликни ўзаро жамланса, аёлларни ўлдирмаслик динини алмаштирган аёлга ҳам тегишлидир, деган хулоса чиқмайди. Чунки иккала ҳадиснинг мавзуи икки хилдир.

3.

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَجْرِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ وَبَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ الشَّمْسُ»

«Росулulloҳ ﷺ бомдоддан кейин то қуёш чиққунча ва асрдан кейин то қуёш ботгунча намоз ўқишдан қайтардилар»,²⁹⁴

Қолган макруҳ вақтлар тўғрисида ҳам:

(291) Бухорий: 2794, 6411. Муслим: 3176

(292) Бухорий: 3016. Муслим: 3279.

(293) Абу Довуд: 2669. Аҳмад: 488\3. Ибн Ҳиббон: 112\11.

(294) Бухорий: 549. Муслим Умар ва Абу Ҳурайра Ҳадисидан: 1374.

«ثَلَاثُ سَاعَاتٍ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَنْهَانَا عَنْ نَصَلِي فِيهِنَّ أَوْ أَنْ نَقْبُرَ فِيهِنَّ مَوْتَانَا حِينَ مَوْتَانَا حِينَ تَطْلُعُ الشَّمْسُ بَارِغَةً حَتَّى تَرْتَفِعَ وَحِينَ يَقُومُ قَائِمُ الظَّهْرِ حَتَّى تَمِيلَ الشَّمْسُ، حِينَ تَضِيفُ الشَّمْسُ لِلْغُرُوبِ»

«Росулulloх ﷺ бизни уч вақтда намоз ўқишдан ва маййитларимизни дафн қилишдан қайтардилар: қуёш қўтарила бошлаб, то тўла чиққунча, қуёш тиккага келиб, то оғгунча, қуёш бота бошлаб, то тўла ботггунча».²⁹⁵

Иккинчи ҳадис:

«مَنْ نَامَ عَنْ صَلَاةٍ أَوْ نَسِيَهَا فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا»

«Ким намозга ухлаб қолса ёки уни унутиб қўйса, уни эслаган вақтида ўқисин».²⁹⁶

4.

«يَا بَنِي عَبْدِ الْمُتَّافِ يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ إِنَّ وَلِيئِمَ هَذَا الْأَمْرِ فَلَا تَمْنَعُوا أَحَدًا طَافَ بِهَذَا الْبَيْتِ أَنْ يُصَلِّيَ أَيَّ سَاعَةٍ شَاءَ مِنْ لَيْلٍ أَوْ نَهَارٍ»

«Эй Абдуманноф ва Абдулмуттолиб авлоди! Агар бу ишга волий бўлсангиз, бу Уйни тавоф қилган кишилардан ҳеч кимни туну-қунда хоҳлаган вақтида намоз ўқишига тўсқинлик қилманг».²⁹⁷

Биринчи ҳадис намозда умумий, аммо вақтларда хос ҳадис.

Иккинчи ҳадис вақтларда умумий, аммо қазосини ўқишда хос ҳадис.

Учинчи ҳадис вақтларда хос, аммо тавоф ва масжидул ҳаромда хос.

Бироқ, бу ҳадисларнинг мавзуи ҳар хил:

Биринчи ҳадис мавзуи намоз ўқишдан қайтарилган вақтларни баён қилиш тўғрисида.

Иккинчи ҳадис мавзуи намоз қазосини ўқиш вожиблиги тўғрисида.

Учинчи ҳадис мавзуи тавоф қилиш ва масжидул ҳаромда намоз ўқишдан қайтармаслик тўғрисида.

Энди бу ҳадислар жамланиб, ҳар бирига ўз мавзуида амал қилинади. Масалан, намоз ўқишдан қайтарилган вақтлар биринчи

⁽²⁹⁵⁾ Муслим: 1373. Термизий: 1030. Абу Довуд: 1392. Насоий: 557.

⁽²⁹⁶⁾ Бухорий: «Мавоқиту-салот 562. Муслим: «Масождид»: 1097. Абу Довуд: «Салот»: 374. Термизий: «Салот»: 162. Насоий: «Мавоқит»: 610. Ибн Можа: 690. Муснади Аҳмад: 11534. Дорамий: 1201.

⁽²⁹⁷⁾ Дорамий: 96\2. Ибн Хузайма: 226\4. Байхақий: 461\2. Доркутний: 423\1. «Мўъжами Кабир»: 134\2.

ҳадисдан олинади. Чунки унинг мавзуи мана шу ва у ҳар қандай намозга умумийдир.

Ўтказиб юборилган намознинг қазосини ўқиш вожиблиги иккинчи ҳадисдан олинади. Чунки унинг мавзуи мана шу. Бироқ «мазкур вақтларда намоз қазосини ўқиш ва масжидул ҳаромда намоз ўқишдан қайтарилмаган ва унда мана шу вақтлар хосланган» дейилмайди.²⁹⁸ Бундай дейиш нотўғри. Чунки бу ҳадисларнинг мавзуси алоҳида-алоҳида мавзудир. Уларнинг барчасида намоз вақтлари белгиланган эмас. Фақат биринчи ҳадисдагина намоз ўқиш тақиқланган вақтлар белгиланган. Мазкур вақтларда қайси намозни ўқишдан қайтарилмаганлигини хослаб олиш учун бошқа далил керак бўлади. Шу далилгина мазкур вақтларда ўқиладиган номозларни белгилаб беради.

Мисол учун, Росулulloҳ ﷺ пешин намозининг икки ракат суннати қазосини аср намозидан кейин ўқиганликлари саҳиҳ далил келган. Бу эса фақат шунга хос далил келгани боис, ўша вақтларда суннатнинг қазосини ўқиш қайтарилмаганлигини кўрсатади ва фақат ушбу нусусда келган пешиннинг суннатидагина чекланади. Қолган намозлар қазоси эса махсус нусус келмагани боис, мазкур вақтларда ўқилмайди. Бошқа ҳар қандай масала ҳам мана шундайдир.

Тўртинчи Ҳадис:

«رَوَى عَنِ النَّبِيِّ ﷺ أَنَّهُ نَهَى عَنْ صَوْمِ يَوْمِ الْفِطْرِ وَيَوْمِ التَّهْرِ وَأَيَّامِ التَّشْرِيقِ»

«Набий ﷺдан ривоят қилинишича, ул зот фитр куни, қурбонлик куни ва ташрик кунлари рўза тутишдан қайтардилар».²⁹⁹

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло айтади:

فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ

– „Бошқа кунда тутиб беради“.[2:185]

فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجِّ وَسَبْعَةٍ إِذَا رَجَعْتُمْ

– „Ким (бу нарсаларни) топа олмаса, ҳажда уч кун ёки қайтганда етти кун рўза тутиб берур“.[2:196]

فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ذَلِكَ كَفَّارَةٌ لِّإِيمَانِكُمْ إِذَا حَلَفْتُمْ

– „Ким (бу нарсаларни) топа олмаса, уч кун рўза тутсин! Мана шу — қасам ичган (ва уни бузган) пайтингиздаги қасамларингиз каффоратидир“.[5:89]

⁽²⁹⁸⁾ Учинчи ҳадисга кўра, мазкур вақтларда таовф қилиш қайтарилмаган. Бу қайтарик намозгагина хослиги ва таовфга хосмаслиги ҳадис матнида ҳам кўриниб турибди).

⁽²⁹⁹⁾ Муслим: 1141. Абу Довуд: 2418. Термизий: 767. Ибн Ҳиббон: 3582.

Юқоридаги ҳадис кунларга умумий, аммо рўза тутиш ман қилинган кунларга хос ҳадис.

Биринчи оят Рўзага хос, аммо мусофир ва бемор кишиларнинг қазо рўзаларига хос оят.

Иккинчи оят кунларга умумий, аммо ким ҳаж (йўлида) умрадан фойдаланган бўлган (яъни ҳаж мавсумида аввал умра амалларини бажариб, эҳромдан чиқиб, сўнгра ҳажга эҳром боғлаган бўлган) ва ҳадя тополмаган кишининг фидясига хосдир.

Учинчи оят эса кунларда умумий, аммо қасамини бузган кишига хос оятдир.

Бироқ, бу нусусларнинг мавзуи турли хилдир:

Биринчи нусус (ҳадис) мавзуи рўза тутишдан қайтарилган кунларни баён қилиш тўғрисида.

Иккинчи нусус (оят) рўза қазосини тутиб бериш вожиблигини баён қилиш тўғрисида.

Учинчи нусус (оят) фидя тўлаш вожиблигини баён қилиш тўғрисида.

Тўртинчи нусус (оят) эса каффорат тўлаш вожиблигини баён қилиш тўғрисидадир.

Шунинг учун уларнинг ҳар бирига ўз мавзусида амал қилиш учун бир-бирига жамланади-да бундай хулосага келинади:

Рўза тутишдан қайтарилган кунлар иккала ҳайит ва ташрик кунлари бўлиб, бу шу мавзудаги биринчи ҳадисдан олинди. Рўза қазосини тутиб бериш вожиблиги шу мавзудаги биринчи оятдан олинади. Рўзадаги фидянинг вожиблиги иккинчи оятда зикр қилинди. Қасамни бузганнинг тўланадиган каффорати рўза тутиб бериши учинчи оятда зикр қилинди. Бироқ, «мазкур кунларда қазо рўзани тутиш, фидя рўзасини тутиш ҳамда каффорат тўлаш ман этилмаган, бу фақат рўза тутишдан қайтаришгагина хос», дейилмайди. Бундай дейиш нотўғри. Чунки ушбу нусуслар мавзуси ҳар хилдир. Шунинг учун рўза қозосини тутиб берилади, аммо рўза тутиш ман қилинган кунларда эмас.

5. Оят:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ... وَأَنْ تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأُخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ

– „Сизлар учун оналарингиз ... ва опа-сингилни (бир никоҳга) жамлашларингиз ҳаром қилинди. Магар илгари ўтган бўлса (Аллоҳ афв этар)“.

[4:23]

Ундан кейинга оят:

وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ

– „Эрлик аёллардан мустасно, эга бўлган (эрлик) чўриларингиз ҳалолдир“.

[4:24]

Биринчи оят аёлларга умумий, аммо опа-сингилни бир никоҳга жамламасликка хос оят.

Иккинчи оят эрлик аёлларга умумий, аммо эга бўлган чўриларга хос оят. Бироқ, уларнинг мавзуси бошқа-бошқа мавзудир:

Биринчи оят опа-сингилларни бир никоҳга жамламаслик мавзуида бўлса, иккинчи оят эрлик чўрилар билан қўшилиш мумкинлиги мавзуидадир. Бу чўрилар билан улар шаръий идда сақлашиб, бачадонларини поклаганларидан сўнггина қўшилиш мумкин. Аммо чўриларни собиқ эрлари талоқ қилган бўлиши шарт эмас. Чунки уларнинг кишига шаръий йўл билан кул бўлганликларининг ўзи қўшилиш учун кифоя қилади.³⁰⁰ Чўрининг иддаси тамом бўлганда у билан қўшилиш мумкин.

Шунинг учун икки далилни ўзаро жамлаб айтиш мумкинки, опа-сингиллар ўртасини – уйланадими ёки чўри сифатида қўшиладими, фарқсиз – битта никоҳга жамлаш ҳаром. Бу ҳукм биринчи оятдан олинади, чунки унинг мавзуи мана шу тўғрисидадир. Эркак киши ўз чўрилари билан улар шаръий идда сақлашиб, бачадонларини поклаганларидан сўнг қўшилиши мубоҳ. Аммо чўриларни собиқ эрлари талоқ қилган бўлиши шарт эмас. Чунки уларнинг кишига шаръий йўл билан кул бўлганликларининг ўзи қўшилиш учун кифоя қилади. Бу ҳукм иккинчи оятдан олинади, чунки унинг мавзуи мана шу тўғрисида. Бироқ, «бу оятдан аввалги оятда опа-сингилларни бир никоҳга жамлашдан қайтарилган, аммо бу оятда чўри бундан истисно қилинган, шунинг учун чўрилар опа-сингил бўлса ҳам улар билан қўшилиш мумкин», дейилмайди. Бундай дейиш нотўғри. Чунки оят мавзуси бу эмас. Бундан ташқари, Истисно «وَأَنْ تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأُخْتَيْنِ» каби узокдаги жумлага эмас, балки «وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ» дегандаги каби энг яқин жумлага бўлади. Буни умумий сўзни хослаш тўғрисидаги дарсимизда айтиб ўтгандик.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, иккита далил келиб, иккаласи бир жиҳатдан хос, бир жиҳатдан умумий бўлса ҳамда мавзулари ҳам ҳар хил бўлса, уларнинг ўртасини жамлаш мумкин. Бунда агар далиллар битта мавзуда бўлмаса, ҳар бир далил ўз мавзусидан ажрамайди ва таржиҳ қилинмайди.

⁽³⁰⁰⁾ Исломда кулга эга бўлишнинг шаръий йўли бундай: Душман ўз аскарларининг сонини ошириш мақсадида аёлларни ҳам жангга олиб чиққан бўлишса ва уруш майдонида мусулмонлар голиб келиб, бу душман аёлларини асирга олишган бўлса, мана шу аёллар мусулмонларнинг чўриси бўлиши мумкин. Ислом мана шундай ҳолдагина чўрига эга бўлишга рухсат беради, бошқа ҳолларда ман этади.

Иккинчи қисм: Битта далилдаги бир неча маънолар ўртасини таржиҳ қилиш:

Ушбу таржиҳдан мақсад, бир неча маъноли сўздан англашилувчи маъноларни тушунишда юзага келадиган хираликни кетказиб, амал қилиш учун афзал маънони аниқлаб олишдир. Бунинг учун қуйидаги масалаларни эъъянига олиш лозим:

а) Асл маъно жиҳатидан олганда:

Сўзни ўзига берилган маъносида ишлатиш аслдир. Инсон сўз учун берилган асл маънони назарда тутиб гапиреди. Аммо у сўзга берилган маънодан ўзга маънони назарда тутиб гапирган бўлса, бу ерда қарина керак бўлади. Қарина бўлмаса, сўздан кўзланган мақсад аввал луғатшунослар берган маъно, кейин эса улар ўша сўзга нақл қилишган маъно бўлади. Бу шаръий бўлмаган иборадаги сўзга нисбатан шундай. Аммо гап шаръий нусусда келган гап бўлса, аввало унга шаръий маъно, кейин урфий маъно, кейин эса луғавий маъно берилади. Чунки шаръий нусуслар исломий шариатни баён қилиш учун келган исломий қонунчилик сўзларидир.

Агар шаръий ва урфий маъно бир жойда кўп итеъмоқ қилинган бўлса, улардан бири луғавий маънодан аввал қўйилади. Агар шаръий ва урфий маъно бир жойда кўп итеъмоқ қилинмаган бўлса, сўзнинг шаръий, урфий ва луғавий маъноларига бир хил яъни муштарак маъно берилаверади.

б) Маънонинг битталиги жиҳатидан олганда:

Сўзни битта маънода ишлатиш аслдир. Аммо сўзда иштирок ва инфирод (омоним ва антоним) маънолари бўлса, гумонни кўпроқ инфиродий маънога қаратилади.³⁰¹

в) Очиқ маъно жиҳатидан олганда:

Сўзни очиқ маъноси билан ишлатиш ҳам аслдир. Юқоридаги масалаларни эъъянига олинса ушбулар аён бўлади:

«а)»дан қуйидагилар маълум бўлди:

⁽³⁰¹⁾ Баъзи ҳолларда муштарак сўзни ҳамма маънолари билан ишлатиш мумкин бўлади. Бундай ҳолатда унинг маъноси тайин қилинган маъно бўлиб, битта маъноли (антоним) сўз сифатида ишлатилади. Мисол учун, Аллоҳ Таолонинг «إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ» деган каломидagi «الصلاة» сўзини олайлик. Бу сўзда муштарак маъно яъни мағфират қилиш ва мағфират сўраш маънолари бор. Бу оятда эса «الصلاة» сўзидан иккала маъно ҳам ишлатилган. Яъни Аллоҳдан мағфират қилиш, бошқалардан мағфират сўраш. Шунингдек, «أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَسْجُدُ لَهُ» «مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ وَالْجِبَالُ وَالشَّجَرُ وَالْدُّرَاهُ وَكَثِيرٌ مِّنَ النَّاسِ» деган каломини олайлик. Маълумки, «السجود» сўзида қўрқиш-хушув ва инсоннинг пешонасини ерга қўйиши маънолари бор. Бу оятдаги «السجود» сўзида мана шу иккала маъно ҳам ҳақиқий маъно сифатида келганлиги собит бўлди. Яъни хушув қилиш хайвонлар ва махлуқотлар тарафидан, сажда қилиш инсон тарафидан.

1. Ҳақиқий маъно мажозий ва замирлидан муқаддам туради. Чунки ҳақиқий маъно сўзнинг ўзига берилган асл маъносиدير. Мажозий маъно сўзнинг бирор қарина ёки икки маъно ўртасидаги боғлиқлик сабабли ҳақиқий маъно ўрнига берилган бошқа маъносиدير. Замирли (эпилипс) маъно эса бирор қарина сабабли асл маъноли битта сўзни тушириб қолдиришдир. Айрим тилшунослар уни ҳам мажозий маъно деб ҳисоблашади. Шу тўғри.

2. Шаръий бўлмаган матнда: луғавий маъно шаръий ва урфий маънодан муқаддам қўйилади. Яъни сўзнинг луғавий маъноси ёнида шаръий ва урфий маънолари ҳам бор бўлса, унга бу икки маънони бермай, ўзининг ҳақиқий луғавий маъносида қолдирилиши аслдир.

3. Шаръий нусуда: шаръий ҳақиқий маъно урфий ҳақиқий маънодан, шунингдек, луғавий ҳақиқий маънодан муқаддам туради. Бунда сўзнинг машҳурлиги ва шаръий ва урфий маънода кўпроқ ишлатилганлиги билан луғавий маънодан муқаддам ишлатилади.

4. Битта маънога хосланган ҳақиқий маъно мажозий (ва замирли) маънодан муқаддам туради.

«б)»дан қуйидагилар маълум бўлди:

1. Хосланган ҳақиқий ва мажозий, замирли маънолар битта маъно бўлиб, ўз маъносини бекор қилувчи кўчма ва муштарак маъно устидан таржих қилинади. Чунки бундай ҳолатда муштаракнинг кўпроқ маънолари бўлади.

Муштарак маъно тушунарли. Аммо ўз маъносини бекор қилувчи маънонинг эса кўчма маъноси ҳам, луғавий маъноси ҳам бир хил бўлиб, у ҳам муштарак кабидир.

2. Ўз маъносини бекор қилувчи кўчма маъно муштарак маъно устидан таржих қилинади. Чунки уларнинг иккаласи ҳам бир неча маънога эга бўлса-да, ўз маъносини бекор қилган кўчма маъно битта маънода машҳур бўлиб кетган, у ҳам бўлса, шаръан ёки урфан кўчма маънодир. Ўзининг луғавий маъносини бекор қилиниб, муштараклик фақат қарина билангина тайин қилинадиган бир пайтда, тўғри маъно тайин қилинади.

«в)»дан қуйидагилар маълум бўлди:

Агар сўзда очиқ маъно ва қочирмали маъно бўлса, қочирмали маъно қолдирилиб, очиқ маъно олинади ва у муқаддамдир.

Хулоса:

Юқорида айтилганлардан маълум бўлишича, сўзнинг бир неча маънолари бор бўлса яъни ундан у ва бу маъноларнинг эҳтимоли туғилса, уни таржих қилиш учун қуйидагиларга амал қилинар экан:

1. Ҳақиқий маъно мажозий ва замирли маънодан афзал;

2. Шаръий бўлмаган матнда шаръий луғавий маъно урфий ва шаръий маънодан афзал;
3. Шаръий нусусда ҳақиқий шаръий маъно урфий маънодан ҳам, луғавий маънодан ҳам афзал. Бу қачон ўз маъносини бекор қилувчи кўчма маънода шундай. Акс ҳолатда эса сўзга луғавий, шаръий ва урфий маънолар берилавераи.
4. Битта маънога хосланган ҳақиқий маъно мажозий ва замирли маънодан афзал;
5. Хосланган ҳақиқий маъно ҳамда мажозий ва замирли маънолар муштарак ва ўз маъносини бекор қилувчи кўчма маънодан афзал;
6. Ўз маъносини бекор қилувчи кўчма маъно муштарак маънодан афзал. Бу ерда ўз маъносини бекор қилувчи кўчма маънодан мурод урфий ёки шаръий маънога кўчиб, ўша маънолар билан танилган, луғавий маъносини эса йўқотган маънодир. Масалан, шаръий маънога кўчиб қолган «الصلاة» ва «الحج» сўзлари ҳамда урфий маънога кўчиб қолган тўрт оёқли жонворни англатувчи «الدواب» ва инсон чиқиндисини англатувчи «الغائط» маънолари каби.
7. Ўз маъносини бекор қилувчи кўчма маъно муштарак маъно билан бир хил; Уларнинг бири иккинчисидан афзал бўлиши учун қарина керак бўлади.
8. Мажозий маъно замирли маъно билан бир хил; Уларнинг бири иккинчисидан афзал бўлиши учун ҳам қарина керак. Кўп ҳолларда замирли маънога ҳам мажозий маъно деб эъъяни қилинади.
9. Очиқ маъно қочирма маънодан афзал.
Буларга мисоллар:
 1. Баъзилар «الزكاة» сўзи «ривожланиш», «кўпайиш» каби луғавий маънолари билан «нисобига етган миқдор», деган шаръий маънолари ўртасида муштаракдир, дейишади. Баъзилар эса бу сўз «ривожланиш», деган луғавий маъносидан «нисобига етган миқдор», деган шаръий маънога кўчган яъни ўз маъносини бекор қилувчи кўчма маъноли сўз дейишади. Демак, юқорида айтганимиздек, унинг кўчма маъноси афзалдир.
 2. Баъзилар «السكاح» сўзи «ақд» билан «жинсий алоқа қилиш» маънолари ўртасида муштарак дейишади. Баъзилар эса бу сўз

маъносини мажозий маъно олдидаги ҳақиқий маъно, дейди.³⁰² Юқорида айтганимиздек, мажозий маъно олдида ҳақиқий маъно афзалдир.

У ҳолда, ушбу

وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ

Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг!

оятнинг маъноси мана бундай бўлади:

Ким «النكاح» сўзидан ақд, деган ҳақиқий маънони ва жинсий алоқа қилиш, деган мажозий маънони назарда тутган бўлса, ҳақиқий маъно афзалдир. Бунда киши ўз отасининг никоҳида бўлган аёлга – чўри ва зино қилинган аёлдан ташқари – уйланиши ҳаром қилинганлиги тушунилади.

Ким бу сўздан жинсий алоқа қилиш, деган ҳақиқий маъно ва ақд, деган мажозий маънони назарда тутган бўлса, ҳақиқий маъно афзал ҳисобланади.³⁰³ Оятнинг маъноси киши ўз отаси никоҳ билан ё чўри ёки зино қилган аёл билан жинсий алоқа қилиши ҳаромдир, деганидир.

Бу оят тўғрисида қуйидагиларни ҳам айтиш мумкин:

Оятдаги «النكاح» сўзидан ақд ва жинсий алоқа маънолари ўртасидаги муштарак маъно ҳам, Аллоҳ Таолонинг ушбу каломида келганидек, ақд, деган ҳақиқий маъно ҳам чиқиши мумкин:

فَانكِحُوهُنَّ بِإِذْنِ أَهْلِهِنَّ

– „*Ҳожаларининг изни билан уйланаверинглар*“. [4:25]

Аmmo бу ҳақиқий маъно бошқа далиллар орқали бузуқ ақдсиз тўғри ақдга хос маънодир. Унинг тўғри ақдга хос ҳақиқий маъно бўлиши эса юқоридаги муштарак маънодан муқаддамдир. Ана шунда оят маъноси отанинг тўғри ақд билан ақд қилган аёлини никоҳга олиш ҳаром қилингани тушунилади.

3. «وَأَسْأَلُ الْقَرْيَةَ»: Бу оятдаги «القريّة» сўзини баъзилар «аҳоли» ва «шаҳар бинолари», деган маънолар ўртасида муштарак, дейишади. Баъзилар эса бу сўзга «шаҳар бинолари», деган ҳақиқий маъно

⁽³⁰²⁾ Бу сўз мана бу оятда ақд, деган ҳақиқий маънода келган: «فَانكِحُوهُنَّ بِإِذْنِ أَهْلِهِنَّ» Ҳожаларининг изни билан уйланаверинглар». Мана бу оятда эса жинсий алоқа қилиш яъни уйланишгача, жинсий алоқа қилишга қодир бўлиш, деган ҳақиқий маънода келган «وَاتَّبَعُوا» Етимларни то жинсий алоқа ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар».

⁽³⁰³⁾ Бу сўзга ақд, деган мажозий маъно берувчиларнинг айтишича, ақд никоҳ деб аталган, чунки бу ерда исми ўз сабабчи (мусаббаби) билан аталмоқда, демакки никоҳ ҳам ақдга сабабчидир, дейишади.

бериб, замирида «أهل» сўзи бор, яъни «واسأل أهل القرية» маъносида, дейишади. Замирли сўз эса афзалдир.

4. «إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ»: Баъзан «نَجَسٌ» сўзи маъноси шаръий нажосат маъносига кўчган маънодир, аммо «الصلاة، الزكاة» каби кўчма маъно эмас, балки ўз маъносини ўзгартирувчи кўчма маъно, деб ҳисобланади. Баъзан эса бу сўз мажозий маънода яъни мушрикларнинг маънавий ифлослиги, у «كَانَتْجَسٍ» каби унинг замирида ташбиҳ кофи ётади, дейилади. Маънавий ифлосликни англатувчи мажозий маъно эса афзалдир. Баъзилар бу сўзда маънавий ифлослик ва шаръий нажосат маънолари муштарак, дейишса, баъзилар бу сўз ўз маъносини ўзгартирмайдиган кўчма маънода, дейишган. Бундай ҳолатда айни сўз муштарак билан бир хил бўлади-да, фақат қарина билангина таржиҳ қилинади.

5. «وَحَرَّمَ الرِّبَا»: Баъзилар бу сўзда замирли маъно бор, яъни унинг остида «عقد» сўзи бор бўлиб, «وحرّم عقد الربا» деганни англатади, дейишади. Бундай ҳолатда наҳи қилиш ақднинг ўзига нисбатан келиб, ақдни ботиллиги тушинилади. Баъзилар эса у зиёда қилиш каби шаръий кўчма маънога эга, аммо шаръий маъноси ҳам сақланиб қолган маънога эга дейишади. Унинг зиёда қилиш маъноси шаръий маъносига боғланган ҳолда кўпроқ истеъмол қилинапти. Ким бу сўзга кўчма маъно берса, наҳи қилиш зиёда қилишга нисбатан яъни ақд шартларидан бирига нисбатан бўлади. Бундай маънода рибо ақди фосид ақд бўлади ва қачон унда зиёда қилиш топилмаса, тўғри ақд бўлади. Агар томонлар ақдда зиёдалиқни олиб ташлашса, ақд тўғри бўлади. Бу сўзга юқоридаги замирли маъно берилса афзал бўлади. Чунки мана шунда томонлар зиёда бўлишни олиб ташлашга келишишадими, йўқми, бундай ақд ботил бўлади.

6. «وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ»: Баъзилар «البيع» сўзига луғавий ҳақиқий маънони яъни мол айирбошлаш маъносини беришади-да, кейин уни шаръий байга хослаб қўйишади. Баъзилар шаръий бай маъносига кўчган, аммо шаръий маъноси ҳам сақланиб қолган дейишади. Аммо бу калом шаръий маънога боғланган ҳолда ўзининг мол айирбошлаш, деган луғавий ҳақиқий маъносида кўпроқ истеъмол қилиниб келяпти. Юқорида айтганимиздек, хос ҳақиқий маъно афзалдир.

7. Масалан, биров «هَذَا ابْنِي» деса. Биз у ўзининг ҳақиқий ўғлини назарда тутмади, балки яхши кўрган болани шундай

деяпти, яъни унинг сўзи замирида коф ташбиҳ бор, у «هَذَا كَائِبِي» демокчи, десак, бу маънолар ўртасини фақат қарина билангина таржих қилинади.

8. «وَلَا تَأْكُلُوا مِمَّا لَمْ يُذْكَرْ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ»: Бу оятдан бир неча маънолар тахмин қилинади: Аллоҳнинг номи зикр қилинмаган нарсалару Аллоҳдан бошқанинг номи зикр қилинган нарсаларни англатувчи ҳақиқий умумий маъно; бошқа далиллар орқали Аллоҳдан бошқанинг номи зикр қилинган хос маъно; Аллоҳдан бошқанинг номи зикр қилинган мажозий маъно. Бу ерда Аллоҳдан бошқанинг номи зикр қилинган хос маъно афзалдир.

9. «وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ»: Бу оятдан қотилни ўлдиришда ҳамма инсонлар учун ҳаёт бор, деган умумий маъно ҳам тахмин қилинади ҳамда келажакда қотиллик қилувчи киши учун ҳаётни хословчи маъно бор. Яъни қотилни қатл қилиш уни келажакда одам ўлдиришга қўл уришдан сақлайди. Мана шундан кейин келажакда қотиллик қилувчи кишига ҳаёт борлиги тушунилади. Шунингдек, ҳаёт бор, деган сўз замирида қасоснинг қонунийлиги ётади, деган тахмин ҳам мавжуд. Яъни қачон қасос қонуний тус олса, қотил қонуний қасосдан қўркиб, ўзини қотилликдан тияди-да, натижада қотил ҳам бўлмайди мактул (ўлдирилган) ҳам бўлмайди, деган маъно ҳам тахмин қилинади. Аммо бунга хос маънони бериш афзалдир. Яъни бу одамларни қотилнинг ёмонлигидан сақлаш ва келажакда бўладиган қотилликни ҳам олдини олиш мақсадида қотилни қатл қилиниши сабабли ҳаёт бор, деган хос маънодир.

10. «أَوْ لَأَمْسْتُمُ النِّسَاءَ»: «Ау ләмстүм тегиш, ушлаш», деган сўз қўл ва бошқа аъзоларнинг тегишини англатувчи ҳақиқий ва очик маънодир. Аммо бу сўз жинсий алоқа қилишдан ҳам киноя бўлиши мумкин. Аммо бу сўзнинг кинояли маъноси ўрнига очик маънони таржих қилиш афзалдир. Чунки кинояли маъно берилиши учун албатта қарини бўлиши лозим.

11. Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَيْسَ مِنَ الْبِرِّ الصِّيَامُ فِي السَّفَرِ»

«Сафарда рўза тутиш яхши эмас».³⁰⁴

Бу бир шаръий нусус. Шунинг учун унинг аввало шаръий ҳақиқий маъноси эъъянига олиниши лозим. Чунки бу ерда «الصِّيَامُ» сўзи луғавий маънони эмас, балки ҳаммага маълум бўлган шаръий ҳақиқий маънони англатади.

⁽³⁰⁴⁾ Бухорий: 1810. Муслим: 1879.

12. «وَأَقِمُوا الصَّلَاةَ»: Бу ҳам шаръий нусус. Бу ерда «الصلاة» сўзи фақат шаръий маънони англатяпти, луғавий маънони эмас.

Мана шундай тарзда бир неча маънога эга бўлган сўзнинг керакли маъносини аниқлаш мумкин. Шуни айтиб ўтиш зарурки, мазкур таржихга қачонки керакли маънони англатувчи қарина йўқлигида амал қилинади. Қачон қарина мавжуд бўлса, ана шу қарина кўрсатиб бераётган маънога амал қилган афзалдир. Мисол учун Аллоҳ Таолонинг

إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ

– „*Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайгамбарга дуою салавот айтурлар*“ . [33:56]

деган каломини олайлик. Бу ҳам шаръий нусус. Ундаги «يصلون على النبي» деган сўзнинг қаринаси бор бўлиб, бу қарина унинг шаръий ҳақиқий маъносини бизга маълум салавотлар, деган маънога буриб беради. Шунингдек бу сўзни мағфират, мағфират сўраш ва дуо каби луғавий маънолари ҳам бор. Яна Аллоҳ Таолонинг

فَإِنْ لَمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ بِهِنَّ

агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз деган каломиди ҳам «دخلتم» сўзидан жинсий алоқа қилиш киноя қилинган. Шунинг учун бу сўзнинг қаринаси орқали ана шу маъно берилади ва бу ерда очиқ маъно афзалдир, шунинг учун кириш деган очиқ маъно берилади, дейилмайди.

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг ушбу

فَأَنكِحُوهُنَّ بِإِذْنِ أَهْلِهِنَّ

– „*Ҳожсаларининг изни билан уйланаверинглар*“ . [4:25]

деган каломиди ҳам «النكاح» сўзи «بإذن أهلهن» деган қарина орқали ақд маъносини англатади. Яна Аллоҳ Таолонинг

وَابْتَلُوا الْيَتَامَىٰ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ

– „*Етимларни то никоҳ (ёшига) етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) турунглр*“ . [4:6]

деган каломиди ҳам «النكاح» сўзи жинсий алоқа қилишни яъни етимларнинг аёллар билан жинсий алоқа қила олиш ёшига етишлари назарда тутилди. Бу эса оят давомида келган ушбу қарина билан мукаммаллашади:

فَإِنْ أَنَسْتُمْ مِنْهُمْ رُشْدًا فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ

– „*Агар уларнинг эс-ҳуши жойида эканини билсангиз, уларга ўз молларини топширинг*“ . [4:6]

Яъни қачон улар балоғат ёшига етиб, етимликлари тугагач, молларини беришингиз мумкин, демакдир. Қачон улар

уйланганларида молларини беринглар, деган маъно эмас, балки балоғатга етганларида дейилипти. Бошқа нусуслар маънолари ҳам шу тарзда таржих қилинади.

Таржих тўғрисидаги мавзуимиз тугаши билан ижтиҳод билан боғлиқ боб ҳам ниҳоясига етди. Шу билан китоб муқаддимасида келганидек, усули фикҳ фани шуғулланадиган учта масала ҳам тамом бўлди.

سُبْحَانَ رَبِّكَ رَبِّ الْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ * وَسَلَامٌ عَلَى الْمُرْسَلِينَ * وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ
 – „Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз улар қилган васфдан покдир. (Барча) пайгамбарларга (Аллоҳ томонида) салом бўлмай! Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори — Аллоҳ учундир!“ [37:180-182]

Китобни тамомлаганимдан сўнг сизга илк бор ушбуни айтоқчиман:

قد حوى

يا أخى هذا كتاب

خيرًا عميقًا

تنسخ الليل البهيمًا	في أصول الفقه شمس
في شهر حجّ قيما	بدوه في شهر صوم
فاعتلى شأنًا عظيمًا	والبزوغ في محرم
ينتج الفهم السليما	اسمه التيسير حقا
فيه عفوا مستديما	من الهى ارتحى لى

Эй биродар, бу китоб улкан яхшиликни ўз ичига олди. Усули фикҳда шундай бир куёш борки, у қоронғу тунни ёритади. Бас, уни Рўза ойида бошлаб, ҳаж ойида тамомланг. Муҳаррам ойида эса унинг куёши чиқиб, юқори чўққига кўтарилади. Унинг исми енгиллатиш экан, ростдан ҳам соғлом тушунча беради. Илоҳимдан менга доимий афвни умид қиламан. Китоб тамом.

Муаллиф

1408х

1988м

